

# Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

1979

2

# Мундарижа

И. Юсупов. Раҳмат сенга, замоним. Шеърлар . . . . .	3
О. Холдор. Шиддат. Шеърлар . . . . .	7
Ж. Шарипов. Хоразм. Роман . . . . .	11
А. Софронов. Гузал тонг. Шеърлар . . . . .	81
С. Шчипачев. Қайинзор. Шеърлар . . . . .	86
Н. Фозилов. Тўёна. Воқеий ҳикоя . . . . .	90
А. Носиров. Пискарёв зиёратгоҳи. Шеърлар . . . . .	103
Р. Раҳмон. Қутлуғ қадам. Роман. Охири . . . . .	105

## СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИДАН

Д. Асенов. Олтин билан таъминланган. Пьеса . . . . .	154
--	-----

## ОТАЛИГИМИЗДАГИ КОЛХОЗДА

И. Раҳмон. Ёрқин хаёллар. Очерк . . . . .	201
САНЪАТ	
М. Ҳазратқулов. Чақмоқ . . . . .	204
Р. Ҳамроев. Ҳаётим мазмуни . . . . .	207

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Б. Аминов. Анорхон ая ҳикояси . . . . .	214
А. Ҳотамов. Қабоҳатга санчилган ханжар . . . . .	218

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

А. Рустамов. Навоий коинот ва инсон хусусида . . . . .	221
О. Чўтматов. Улуғ коммунист сиймоси . . . . .	225

## ТАҚРИЗЛАР

А. Ҳайитметов. Билим ва фикрлар куюқлашганда . . . . .	230
П. Тўраев. Мунаққиднинг сўзи . . . . .	232
Т. Рўзибоев. Ҳиссий таҳлил тўлқинлари . . . . .	234
С. Султонова. Буюк бирлик туйғуси . . . . .	236
Маданий ҳаёт . . . . .	238



Ибройим Юсупов

# Раҳмат сенга, Замоним



Биров айтар эрта туғилсам,  
Жангда мардлик кўрсатардим деб.  
Биров айтар гар кечроқ келсам  
Коммунизмга етар эдим деб.  
Кимдир ноҳақ, кимдир айтар чин,  
Текширмайман мен бу томонин.  
Ўз вақтида туққанинг учун,  
Раҳмат сенга, замоним!

Урушлардан қеч туғилсак-да,  
Биз биламиз курашлар рангин.  
Жангдан қайтган аскар-ла сафда  
Ютиб қайта тиклашнинг чангин,  
Ев қийратган янги дунёни  
Еш Атлантадай елкага олиб,  
Дарёларга қўшиб дарёни  
Қўриқ очиб, чиққанмиз ғолиб.

Рози бўлиб мард авлодимдан  
Мирзачўллар гулин сочади.  
Братскда, Қайроққумларда  
Миллиард юлдуз жимирлашади.  
Шу сингари улуг ишларни  
Зиммамизга ортгани замон,  
Бу довюрак, мард кишиларни  
«Замондошим» десанг яйрар жон.

Ватан деган муқаддас сезги  
Кўкрагимда тошган бир дарё.  
Ғайратимиз билан ул бизнинг  
Яшарувчи бир гўзал дунё.

Юлдузларга уч деса Ватан,  
Биз қўямиз космосга ҳам от.  
Гуруримсан, эй ўзиқ даврим,  
Гагаринчи навқирон авлод.

Бунинг бари менинг замоним,  
Қайғуларим ҳам қувончларим.  
Ўз бағрига митти юрагим  
Сигдиради буткул ер шарин.  
Модаларнинг билсам-да фарқин,  
Мен ортидан қувиб юрмасман.  
Хизматингга тайёрман, халқим,  
Бир чеккада қараб турмасман.

Келажакнинг манзилгоҳига,  
Авлодларла бориб етармиз.  
Гар етмасак... унинг йўлида  
Теран из қолдириб кетармиз.  
Биз гуллатган бу қирғоқларни  
Ювиб турар янги тўлқинлар.  
Рухлантириб ёш авлодларни,  
Биз яратган қўшиқлар янграр.

Сизлар учун жоним тасаддиқ,  
Омон бўлинг, азиз дўстларим:  
Оқсоқоллар йўлига содиқ,  
Қалби олов замондошларим.  
Сизга умрим, меҳнатим, кучим,  
Ақл-ўйим, буюк армоним.  
Ўз вақтида туққанинг учун  
Раҳмат сенга, замоним!

## Амудан ҳатлаган йўлларинг сенинг

*(1974 йил 21 декабрь куни Нукусга биринчи поезд  
келишига бағишланган митингда ўқилган)*

Толеинг булоғи жўш урар мудом,  
Кун-кундан узайган йўлларинг сенинг.  
Нукусимга қут доритар янгидан  
Амудан ҳатлаган йўлларинг сенинг.

Улуғ ризқ бор ушбу йўлнинг ўзинда,  
Турфа гуллар унар босган изингда,  
«Отлан, олиб бораёй коммунизмга!»  
Деб чақириб турар йўлларинг сенинг.

Кўп замонлар кечди йўли тор бўлиб,  
Кўприги бут йўлга арава зор бўлиб,  
Энди не тиласанг бари бор бўлиб,  
Дунёга туташар йўлларинг сенинг.

Эл бекорга эртак ёдлаган эмас,  
Боболар беҳуда додлаган эмас,  
Дарёни ҳеч дулдул ҳатлаган эмас,  
Дарёни ҳатлаган йўлларинг сенинг.

Онам — Ўзбекистон, олтин давроним,  
Тошкентдан йўллабди қутлуғ қарвоним,  
Шодлан, қорақалпоқ, битиб армонинг,  
Мудом гулгун бўлар ҳолларинг сенинг.

«Бейнов-Қўнғирот»да чиқсанг ёқалаб,  
Азим қозоқ оға ерин оралаб,  
Жануб ва шимолнинг танобин тортиб,  
Московга туташар йўлларинг сенинг,

Бу йўл бизнинг армон эди асрлик,  
Қарвон келса юкимиз кўп таширлик,  
Таҳиатош бағрин нурга тошириб,  
Жайхунни ҳатлаган йўлларинг сенинг.

Бу йўл халқнинг кутган даркорлик йўли,  
Партиянинг улуғ ғамхўрлик йўли,  
Ободонлик, шодлик, имконга тўла,  
Чин дўстликнинг йўли йўлларинг сенинг.

Бу йўлни қурганининг қўли гул бўлсин,  
Халқим, ризқ-насибанг яна мўл бўлсин,  
Бу темир йўл эмас, олтин йўл бўлсин,  
Қутлуғ бўлсин янги йўлларинг сенинг.



## Ажиниёз монолоғи

Бир кичкина эл шоири бўлсам-да,  
 Мен улуғ ишларнинг фарқин билганман.  
 Тиканакли тор сўқмоқдан борсам-да,  
 Қанча катта йўллар юриб кўрганман.

Кўрганман кенг гулзор йўллар бўйида  
 Қанча эл, суҳбатлар қурганман дилдан.  
 Ҳурмат кўриб, мен уларнинг тўйида  
 Айтишга тушганман чечанлар билан.

Халқнинг халққа деган кўнгил хонаси  
 Дўстлик зийнатига тўладир унда.  
 «Бу дунёнинг кўрки — инсон боласи»,  
 Деган сўз маъносин билганман шунда.

Дунё аввал бир шум паризод бўлиб,  
 Севги оҳусидай кўп сарсон этди.  
 Сўнгра умид кўшким кул, офат қилиб,  
 Чексиз ғам-қайғунинг селига отди.

Суздим жон талашиб сел қучоғида,  
 Сел эмас, армонлар уммони эди.  
 Замоним инсоннинг алам-доғида,  
 Гулдай пайхон бўлган замони эди.

Илму маърифатдан ҳақиқат кўзлаб,  
 Мен шунда Гумбази Даввор кўрганман.  
 Аҳли донишлардан таълимот излаб,  
 Талай улуғ мажлисларга кирганман.

Лекин ҳеч бир мажлис, ҳеч донишманднинг  
 Замон тадбирига ақли етмади.  
 Кўкка етиб нолишлари одамнинг,  
 Юлдузлар зорланиб ойдан четлади.

Дунё дастлаб менга ваъдалар этган  
 Араби от миниб даврон сурмоқни.  
 Сўнгра умид гулим ўриб бир четдан  
 Урнига ўкинчлар тиконин экди.

Эл тўлқиндай кўчиб ватан устидан  
 Шунқор қуш ўралди оёқ боғига.  
 Булбул ҳуркиб пилта милтиқ сасидан,  
 Ҳоз кўнди кўнглимнинг Бўзатовига<sup>1</sup>.

Оҳ, қирқ ўрим сочлар, қўш-қўш бурымлар,  
 Бўйнимга ўралса берардим жонни.  
 Аттанг, толма бўйин, оқ билак қўллар  
 Шу соч билан чирмаб, қайириб бойланди.

<sup>1</sup> Бўзатов — Ажиниёзнинг ватани, Орол денгизи бўйида.

Наргиз киприк, хумор кўзнинг қораси  
 Қиз кўксин ёш билан ювганин кўрдим.  
 «Бу дунёнинг кўрки—инсон боласи»,  
 Шундайин хору зор бўлганин кўрдим.

Дунё! Айт-чи, менда нима қасдинг бор?  
 Жафони қаердан бошлаган эдинг?  
 Фёлингни Навоий, Махтумқулилар  
 Айтганда ҳеч қулоқ осмаган эдим.

Менга Ватан бердинг айри тушсин деб,  
 Жонон бердинг ҳижрон жафоси билан.  
 Замон бердинг қайғу сувин ичсин деб,  
 Бермадинг ҳеч завқи сафоси билан.

Менга забон бердинг элдан зиёда,  
 Қақнус каби гоҳ тирилиб, ўлсин деб.  
 Соз бердинг-да келтирмадинг зиёга,  
 Кўкрак бердинг зардоб тўлиб юрсин деб.

Инсон қайғу-ғамин, дунё, агарда  
 Исинмоққа шунча яхши деб билсанг,  
 Бир дамгина келиб мен турган ерга—  
 Шу ўтга ёндашиб, исиниб кўр, сан.

Майли, менга ортган тухмат юкингни,  
 На чора, кўнглимда олиб ўтарман.  
 Бироқ бевафолик, номардлингни  
 Мен ҳам авлодларга айтиб кетарман.

Мен сўнарман, сўнмас умид қуёши,  
 Бир кун даврон келар инсониятга.  
 «Бу дунёнинг кўрки-инсон боласи»  
 Деб дардли Зийварни<sup>1</sup> олишар ёдга.

Маъруф ЖАЛИЛ таржималари.

<sup>1</sup> Зийвар — Ажиниёзнинг таҳаллуси.



Олимжон Холдор

# Шиддат

Шиддаткор дамларда умрим ўтадир,  
Ҳаёт шошқинлиги бермайди тиним.  
Яна қандай кунлар, билмам, кутадир,  
Етармикан бардош, етмайдир балким.

Бир кун пахтазорда вакилман, вакил,  
Бир кун чорвадорга бўламан меҳмон.  
Шундай ўтиб борар ойлар — тўрт фасл,  
Мени кечиргайсан, донишманд замон.

Майли, тиним нима, билмайин асло,  
Майли, дамлар ўтсин тобланиб, ёниб.  
(Шундай кечаверса кунларим, аммо,  
Мендан китобхоним кетмасми тониб?)

Тобланмоқ дегани одатий бир гап,  
Самара бермаса ундан не фойда.  
Мироб бўлиб сув ҳам тарайман шу тоб,  
Қўшиғим оқадир анҳорда, сойда.

Уни тутмоқ бўлиб ортидан чопдим,  
Сингиб кетди ғўзам қат-қатига у.  
Кузда хирмонлардан мен уни топдим,  
Йил бўйи қидириб-излаганим шу.

Ҳа, шу излаганим, йўқотганим ҳам,  
Шиддатли давримдан узр сўрайман.  
Майли, тунлар ҳатто уйқу бўлсин кам,  
Мусаффо тонларни яйраб кўрай мен.

Давримиз тезкордир, кутмоқни билмас,  
Майда-чуйда ҳислар сололмас соя.  
Замон шиддатига чидай олсак бас,  
Йўлимиз ёритар ленинча ғоя.

## Қизил асфальт

*«Брест қалъасини ҳимоя қилиб ҳалок бўлган Совет жангчилари хотирасига йўлчаларга қизил асфальт ётқизилган. Бу — ўша қурбонлар қонининг рамзи».*

Уқлар ғалвир этган Брест қалъаси,  
 Тингла, зиёратга келдим узоқдан.  
 Ҳамон қулоғимда тўпларнинг саси,  
 Ўзни тиёлмайман ҳеч йиғламоқдан.  
 Саккиз минг жангчининг ётур жасади,  
 Қонлар дарё бўлиб оқмиш шиддаткор.  
 Бунда саккиз минг туп атр гул ўсади,  
 Бунда ҳар бир ғиштнинг ўз тарихи бор.  
 Агар тилга кириб сўзласа улар,  
 Билмадим, оламнинг не кечур ҳоли.  
 Йўқ, тилга кирмасин ғиштлар ва гуллар,  
 Шундай ҳам паришон кўплар хаёли...  
 Бу ерда хиёбон, йўлаклар қизил,  
 Бу ўша тўкилган қонларнинг рамзи.  
 Депсиниб ўтмоқликка йўл қўймайдир дил,  
 Гуллар шивирида марҳумлар арзи.  
 Дўстим, йўл бошида тўхта бир нафас,  
 Саккиз минг жангчининг юраги бунда.  
 Ахир, қонли йўлни ҳеч ким депсимас,  
 Тўхта бир нафасга, тўхтагил шунда.

Мен-ку ўтолмайман, ўтмайман асло,  
 Дўстим, сен ҳам қонли бу йўлдан ўтма.  
 Марҳумлар ҳурматин сақлагин, аммо  
 Уларни бир нафас, бир дам унутма!

Уқлар ғалвир этган Брест қалъаси,  
 Тингла, зиёратга келдим узоқдан!  
 Ҳамон қулоғимда тўпларнинг саси,  
 Ўзни тиёлмайман ҳеч йиғламоқдан...

## ЁЗ

Қиёқлар қилт этмас, еллар бедармон,  
 Олапар ётадир боғ этагида.  
 Саратон ўт пуркар эди беармон,  
 Моллар кавшанади чинор тагида.  
 Чумоли йўллари жуда ҳам гавжум,  
 Бедапояларда—арилар базми.  
 Тупроққа кўмса гар пишадир тухум,  
 Тераклар бўй чўзиб туришар вазмин.  
 Асфальт—қора дарё, жимирлар шу тоб,  
 Дала йўлларида кўринмас ҳеч ким.  
 Фақат ариқларда сув оқар шитоб,  
 Жонсарақ чумчуқлар сукут сақлар жим.

Борлиқ тин оладир, мудрайдир олам,  
 Гуёки тош бўлиб қотмиш кесаклар.  
 Кафтим айвон қилиб далага боқсам,  
 Дилимни яйратар гуллар, кўсаклар.  
 Полизда қовунлар боғлайдир асал,  
 Узумлар ранг олар, тўлишар анор.  
 Ҳаёт қулогимга ўқийдир ғазал,  
 Езнинг шундай сирли мўъжизаси бор.

## Бойчечак

Емғир қуйиб ўтди, чиқди бойчечак,  
 Умри бир ҳафталик—жуда ҳам қисқа.  
 Болалар тилида афсона—чўпчак,  
 Шоирлар тилида баҳорий қисса.

Борлиқ яшараркан кўзи ўнгида,  
 Дардини елларга сўйлар эмиш у.  
 Ажаб, бир ҳафталик умрин сўнгида  
 Ўтган кунларини ўйлар эмиш у.

## Қуроқ тўн

Тили чучук «қушча» эдим,  
 Айтолмасдим бирор гап.  
 Қимлар мени сўзламоққа  
 Ургатдилар эркалаб.  
 Ариқчада оқиб кетган  
 Қайиқчамни аллаким,  
 Туғиб бериб, хурсанд этган,  
 Ҳа, ундан ҳам бор қарзим.  
 Энг биринчи ўқитувчим  
 Эсдан чиқмас ҳеч қачон.  
 Ундан ҳали қарзим бордир,  
 Қарзим бордир бир жаҳон.

Мен биламан юрт олдида  
 Одамийлик бурчимни.  
 Бу қиссани сўйламасам,  
 Топмагайман тинчимни:  
 Ун боласи бир-бир ўлиб,  
 Ортмиш онам ноласи.  
 Мен эканман энг кенжаси,  
 Ун биринчи боласи.

Этагига солиб мени,  
 Қирмиш у минг эшикка.  
 Ҳар бир уйнинг остонаси  
 Ёнида туриб тикка.  
 Сўраганмиш қийқим-қуроқ  
 «Тиланчи» онагинам.  
 (Айб этмангиз, дўстлар, бироқ,  
 Гарчи ирим бўлса ҳам.)

Уша ҳар хил қийқимлардан  
 Тикиб бермиш қуроқ тўн.  
 Тўнни менга қийдирипти,  
 Шундай нидо қилмиш сўнг:  
 «Ун гўдагим олиб кетиб,  
 Тўйгандирсан, қора ер!  
 Энди кенжа фарзандимга  
 Акаларин умрин бер!  
 Майли, қуроқ-қуроқ бўлсин  
 Тўни каби иқболи.  
 Фақат, фақат ўлмаё қолсин  
 Ва бўлмасин заволи.  
 Катта бўлгач, одамлардан  
 Ўзи узсин қарзини.  
 Одамларнинг орасида  
 Кўрай доим ўзини.  
 Менинг фақат шу армоним!»  
 Енгил хўрсиниб онам,  
 Бўйгинамга боқар экан,  
 Кўзларига келмиш нам.

Утган кеча бир ёстиқни  
 Онам аста йиртдилар.  
 Ундан ўша қуроқ тўнни  
 Олиб, менга бердилар:  
 «Ҳар қуроқнинг эгасидан  
 Қарзинг бордир, болажон.  
 Шу қарзларинг узмоқни сен.  
 Унутмагин ҳеч қачон!»

Мен-чи, ўша қуроқ тўнга  
 Боқиб хаёл сураман.  
 Онагинам қаршисида  
 Бир гўдакдай тураман.  
 Қарзлар зилдай босиб турар,  
 Босиб турар елкамдан.  
 Менинг ҳали ишим кўпдир,  
 Қарзим кўпдир ўлкамдан.  
 Ушбу шеърим қарзларимдан  
 Биттасидир, онажон.  
 Агар элга манзур эса  
 Меникидир бу жаҳон.

\* \* \*

Фанимлар сирингни билгани ёмон,  
 Сўнг қалбинг ханжарсиз тилгани  
 ёмон.  
 Менинг билишимча ҳаммасидан ҳам  
 Чин дўстнинг хиёнат қилгани ёмон.

\* / \* \*

Урик гуллаганда ҳеч ёғмасин қор,  
 Тўй кунлари эса бўлмасин ўлим.  
 Ҳаётдан бир ўтинч, илтимосим бор:  
 Манзилга етмасдан битмасин йўлим!

Андижон.





**Жуманиёз Шарипов**



**РОМАН**

**ТУРТИНЧИ ҚИТОБ**

**Биринчи боб**

**Б**ир минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йилнинг қиши жуда қаттиқ келди, бироқ февраль ойининг охирларида Хоразмда бирдан кунлар исиб кетиб майин, илиқ шабада қорларни эритиб, ариқларда шилдираб сув оқа бошлади.

Январнинг қора совуқ кунларида, Хива шаҳрини икки ҳафтагача қамал қилган Жунайдохнинг лашкарлари қизил аскарларнинг зарбига чидамай, Қорақум саҳроси ичига қочиб кетган эди. Замбаракларнинг садолари олис-олисларда гумбурлар, энди Урганч — Хива, Ботот — Хива ўртасидаги йўллар очиқ, бемалол хавф-хатарсиз юриш мумкин эди. Қишлоқларда деҳқончилик ишлари қизиб кетди, шаҳарларда идоралар очилиб, мактаблар ҳам ишга тушди. Ёқутой дарс бераётган хотин-қизлар мактабининг ҳам эшиклари очилди. Урушда ҳалок бўлган Пирнафас аканинг якка-ёлғиз қизи Ойжамол ҳам мактабга қатнай бошлади. Ёқутой унга ўз туғишган синглисидай меҳр-муҳаббат билан қараб, ўқишларига ёрдам берарди.

Ойжамол онаси Мастура холага: «Опам Жумагулнинг ўрнини босадиган Ёқутбийим бор, энди ўзимни ёлғиз сезмайман», — дерди. Баъзан

Ёқутой Ойжамолни ўз уйига олиб кетиб унга дарс ўргатар, кеч бўлиб қолса ёнида олиб қоларди.

— Сен опанг Жумагулнинг тоб ўзисан, лекин бир озгина фарқинг бор, холос, у қорачароқ эди, сен эса оқсан, ойга ўхшайсан, шунинг учун ҳам Ойжамол деб исм қўйишган,— дерди Ёқутой, уни эркалаб бағрига босиб.

Дарҳақиқат, Ойжамол — опасидай лўппигина, тўладан келган, исми-жисмига монанд гўзал қиз. У энди ўн уч баҳорни кўриб, ўн тўртинчисига қадам қўйган, қора қоши, қора кўзи, қўнғир сочи унинг ҳуснига ҳусн қўшганди. У соғлом, пишиқ, чаққон ва дуркун бўлиб, ҳеч ким унга ўз ёшини бермас, ўн олти-ўн еттиларга борган бўлса керак, дейишарди. Ойжамол мактабга кечроқ кирган бўлса ҳам тиришиб яхши ўқигани учун ҳар йили бирваракайига икки синф сакраб ўтиб, ўз тенгдошларига етиб олди ва муаллимаси Ёқутойнинг энг яхши аълочи шогирдларидан бирига айланди. Бир куни Ёқутой уни ўз олдига чақириб:

— Ойжамол, юр, Ойша холани кўриб келамиз,— деди.— Бечора кампир ўғли Полвондан хабар кутавериб хунаб бўлгандир. Уртанча ва кенжа ўғиллари Тошкентда, ўзи набираси Баҳодир билан ёлғиз қолган. Бориб кўнглини овлаб, таскин бериб келайлик. Полвон оғанг эса, ҳамма нарсани унутиб, қум ичида инқилоб душманлари — босмачилар билан жанг олиб бормоқда. Юр, Ойша холаникига, Баҳодирни ҳам соғиндим. Боласи тушмагур отасига ўхшайди.

— Дим яхши, жияним Баҳодирни соғинган эдим.

— Баҳодирни тез-тез кўрмасам ниманидир йўқотгандай бўламан. Жумагул опангдан қолган, онасиз, унга совға олдим. Мана, кўр,— деб Ёқутой чувакни кўрсатди.

— Опабий, мунча яхшисиз, мунча меҳрибонсиз, худди опамнинг ўзгинасисиз-а.

Опа-сингил тутинишган Ёқутой билан Ойжамол катта йўлда сўзлашиб боришар эди.

— Опабий, чиқонларимдан<sup>1</sup> эшитдим, бу йил Тошкентга кўп талаба юборилармиш, шу ростми?

— Рост, нимаиди?

— Мен ҳам Тошкентга борсам, Шерниёз оғамнинг мактабига кирсам...

— Онанг рухсат этармикин?

— Қайдам.

— Тошкентда ўқиганинг яхши, бу ерда ўрта мактаб йўқ. У ерда мактабни битиргач, олий маълумот ҳам олардинг.

— Онам билан сўзлашиб кўрмайсизми?

— Албатта сўзлашаман. Полвон оғанг урушдан галсин-чи, у киши ҳам сўзлашар. Онанг Полвон оғанинг сўзини қайтармайди.

Улар суҳбатга берилиб кетиб, Ойша холанинг уйига келиб қолишганини ҳам билишмади. Дарс тайёрлаб ўтирган Баҳодир Ёқутойларни кўриб, она бағрига отилгандай, Ёқутойнинг бўйнига осилиб, маҳкам қучоқлаб олди. Ёқутой унинг юз-кўзидан ўпиб, совғасини топширганда Баҳодирнинг севинчдан кўзлари чақнаб кетди. Баҳодир чувакни кийиб бувиси Ойша холага кўз-кўз қилди.

— Қизим, ҳозиргина сизни эслаб тургандик, хизирни йўқласак бўларкан. Баҳодир сизни сўрагани-сўраган, қулоғингиз ҳамма вақт қизиб турса керак,— Ойша хола Ёқутойни қучиб, сўнг Ойжамолга қаради,— она қизимдан айланай, улли бўлиб қолибсан. Ёвон қизлари дарров ўсиб, кўзга ташланади, ҳув, бўйларингдан ўзим гиргиттон бўлай. Сени кўрдиму Жумагулни кўргандай бўлдим. Онанг соғ-саломатми, бардам-

<sup>1</sup> Дугоналаримдан.



ми? Сизларникига борай дейману ҳеч иложини тополмайман, қарилик ҳам қурсин.

Бу орада Баҳодир тоқчадан китобларини олиб Ёкутойга кўрсатарди.

— Бизда ҳам ўқиш бошланди, мана бу китобларни беришди.

— Қани ўқи-чи.

Баҳодир китобдан «Она», «Ота», «Опа» сўзларини ҳижжалаб ўқий бошлади. Ойша хола эса саккиз яшар набирасининг ўқиётганини кўриб завқланарди.

— Ҳув, ўқишни билган ахтиғимдан<sup>1</sup> айланай,— деб бувиси набирасининг елкасини қоқиб қўйди,— эсим қурсин, гапга алахсиб чой қўйишни ҳам унутибман.

Ойша хола ўчоқ бошига ўтди. Кичик Баҳодир ҳамон ҳижжалаб китоб ўқир, унинг бийрон тиллари ҳаммага ёқар, гоҳ Ёкутой, гоҳ Ойжамол уни эркалатарди.

— Мен сурат солишни ҳам биламан.

Баҳодир ўзи солган қизил юлдуз, ўроқ-болға расмларини кўрсатди. Чой-нон олиб келган Ойша хола набираси Баҳодир чизган суратларни кўриб, меҳр билан унинг бошини силади.

— Қани энди отанг тезроқ галса.

— Жунайдахонни Қорақум ичига қувиб бораётганмишлар, яқинда қайтиб галишар,— деди Ёкутой Ойша холага далда бериб.

— Айтгандай, Тошкентдаги болаларимдан хат олдим, суратларини ҳам юборишибди,— Ойша хола конвертни уйдан олиб чиқиб Ёкутойга узатди.

Фотонинг ўртасида Бекжон, чап томонида унинг хотини Султонпошша, ўнг томонда укаси Шерниёз ўтирарди, Ёкутой унга тикилиб туриб:

— Қаранг, Шерниёз йигит бўлиб қолипти, мурти ниш берипти,— деди.

— Болам Шерниёз бу йил ўн еттига тўлиб, ўн саккизга қадам кўяди,— изоҳ берди Ойша хола.

Ойжамол ҳам суратни қўлига олиб қараркан, кўзи дарҳол Шерниёзга тушди. Шерниёз комсомол кийимида бўлиб, кичик камарни елкасидан ўтказиб, белидаги қалин камарига боғланган. Бошида чувт дўпписи, кўкрагида «КИМ»<sup>2</sup> значоги. Ойжамол бот-бот Шерниёз суратига тикилиб қарарди.

Шерниёз ўртанча акаси Бекжондан кўра, катта акаси Полвонга ўхшаб кетарди, фақат Полвон сёмизу Шерниёз озгин эди, балки улгайгач забардаст бўлиб кетар. Юзи узунчоқ, пешонаси кенг, кўзлари чақнаб туради. Бурни Бекжон акасининг қуш бурнидай кичик бўлмаса ҳам ўзига ярашган. Шерниёзнинг кўзлари айниқса чиройли, порлаб турарди.

Ойжамол суратга боқаркан, кўз олдидан бултур ёзда, Шерниёз таътилга келганида боғларда сайр қилгани, сарҳовуз бўйида ўтириб узоқ суҳбат қургани, Шерниёзнинг эса Тошкент таассуротларини тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб бергани, Ойжамолга тикилиб қарашлари кино лентасидай бир-бир ўтди. Ойжамол чуқур нафас олиб суратни Ойша холага узатди.

— Тошкентда ўқиётганлар нақадар бахтли.

— Ойжамол, сен ҳам бу йил, Тошкентга, ўқишга бора қол! Бекжон оғанг, келиним Султонпошша, кенжатойим Шерниёз сенга ёрдам беришади.

<sup>1</sup> Набирадан.

<sup>2</sup> «Коммунистический интернационал молодежи» сўзининг қисқартирилгани. Илгари шу значокни комсомоллар тақишарди.

- Ойим ёлғиз қоламанми деб, рухсат бермас.  
 — Ахир мен ҳам ўғилларимни ўқишга юбориб ёлғиз қолдим-ку. Бўри емайди. Онанг билан гаплашиб кўрармиз,— деди Ойша хола.  
 — Кошкийди..  
 Сўзга Ёқутой аралашди.  
 — Мен ҳам сиз айтган гапни айтдим. Полвон оға галгач, Мастура хола билан сўзлашамиз дедим.  
 — Полвон оға қачон галарканлар?— Ойжамол ўзининг суянган тоғим деб билган Полвоннинг келишини ниҳоятда орзиқиб кутарди.  
 — Уғлимдан хат-хабар йўқ,— хўрсиниб қўйди Ойша хола.

## Иккинчи боб

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Ёқутой Полвондан хат олавермагач, турли ваҳимали ўйларни ўйлаб, кечалари ухламай чиқар, ёмон тушлар кўрар, назаримда Полвонга бир гап бўлгандай туюлар, «ахир», тирик бўлса бирорта хат-хабари келарди, ё бўлмаса Хивага келиб турувчи ҳарбий алоқачилар орқали ўзи ҳақида дарак берарди», деб ўйининг охирига етолмасди. Ёқутой почтаҳонага бир неча бор кириб: Полвон оғадан хат келдимиз?— деб сўради. У ердагилар: «Агар хат келса, уни тўхтатиб кўярмидик. Полвон ботирнинг уйини ҳам, сизнинг мактабингизни адресини ҳам яхши биламиз, хат келган замониёқ олиб бориб берардик»,— дейишди. Ёқутой гоҳ ҳарбий назоратга, гоҳ штабга бориб Полвондан хат келмаётганини, онаси, ўғли хавотирланаётганини айтарди. У ердагилар: «Ахир, уруш кетаётир, жанг майдонларидан хат ёзиш қийин, агар Полвон ботирга бир гап бўлганда биз билардик, ҳеч хавотирланманглар»,— деб тасалли беришарди. Ёқутой нима қиларини билмай, аламини ишдан олар, уйига келгандан кейин талабаларнинг дафтарларини кўриб, хатоларини тузатиб баҳо қўяр, эртанги дарсга тайёрлик кўрарди. Кўпинча маҳаллаларга бориб саводсизликни битириш курсларида хотин-қизларга дарс берарди.

Ёқутойга берилган уй хотин-қизлар мактабининг ҳовлисида жойлашган бўлиб, бир даҳлиз ва катта хонадан иборат. Европача солинган, полли, печли ёруғ хона. Мана, бу кун Ёқутой дарс бериб ўз хонасига келганда кимдир эшикни тақиллатди. У: «Полвон оғадан хат келмадимикин» деб шошиб ташқарига чиқди. Қаранг, ўйи тўғри чиқди, хат ташувчи унга уч бурчакли конвертни узатди, хат Полвондан келган эди. Ёқутой почтабонга раҳмат айтиб, дераза олдида келди-да, ўқий бошлади:

*«Жоним, азизим Ёқутой!  
 Сизни соғинган, дийдорингизни кўришга зор бўлган Полвонингиздан салом!*

*Мен кетар вақтимда сизга тез-тез хат ёзиб тураман, деб ваъда берган эдим, ваъдамнинг устидан чиқолмаганим учун узр сўрайман, мени кечиринг, мени қанча койисангиз ҳам ҳақлисиз. Лекин, тўғриси айтсам, эрта-кеч дашту чўлларда, қиру қумларда юриш, жанг, уруш мактуб ёзишга имкон бермади. Кутяков қўмондонлиги остида Жунайдохонга қарши шиддатли жанглар олиб бордик ва Ғазовот, Шовот, Тахта, Жунайдохоннинг туғилган жойи Бадиркентни олганимиздан кейин Илолига юриш қилдик. Тошовузда Ревком раиси Аҳмаджон Иброҳимов туркман қабилалари оқсоқолларини йиғиб, ёш республика душманларига қарши курашга уларни даъват этибдурлар. Тошовуз томонидан Илоли томон йўл олган биз қизил аскар-*

лар қизил туркман навкарлари билан бирлашиб, ҳужумга ўтдик. Жунайдохон, Анна бола, Эшишхон (Жунайдохоннинг ўғли), Болта ших, Дурди қилчларнинг йигитлари шиддатли ҳужумга бардош беролмай. Илолини қолдириб тумтарақай қочиб кетдилар. Уларнинг кетидан қувиб бориб Кўҳна Урганчни озод қилдик. Бу қонли жангларда менинг қисмимдаги йигитлар ботирлик кўрсатиб, қўмондонликдан ташаккурнома олдилар. Озод қилинган қишлоқ-шаҳарларнинг аҳолиси кўзларида севинч ёшлари билан бизларни қарши олишди. Босмачи газандаларнинг ўтказган жабр-зулмини ҳикоя қилиб беришди. Улар киши етти ухлаб тушида кўрмаган ваҳшийликларни қилишган. Бу ишда айниқса, Жунайдохоннинг содиқ сардори Матчон тўра ҳаммасидан ўтиб тушган. Босмачиларнинг ваҳшийликларини кўриб юрагимизда ғазаб ўти алангаланиб кетди. Қасос оламиз дейишди жангчиларимиз. Жанглар билан олдинга қараб бормоқдамиз. Бирин-кетин шаҳар ва ёвонлар озод этилмоқда.

Ёқутой! Ушбу хатни зўрға бўш вақт топиб ёздим. Мендан ҳеч ҳам хавотирланманглар. Мендан онамга, Мастура холага салом айтинг. Уғлим Баҳодирни мен учун ўпиб қўйинг. Сиздан кичик бир илтимос: Мастура холамизнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турунг, малол келмаса, биродар Абдусаломовнинг олдига боринг. У олижаноб йигит, ёрдам қўлини албатта чўзади. Азизим! Сизни дим соғиндим, юрсам, турсам ҳам кўз олдимдан кетмайсиз, тушларимда кўриб чиқаман. Яқин кунларда дийдор кўришармиз, деган умиддаман. Хайр, сизни соғиниб, оғангиз Полвон.

Февраль, 1924 йил, Кўҳна Урганч.

Ёқутой хатни яна бир марта ўқиб, дераза тутқичини ушлаган ҳолда узоқларга қараб хаёлга чўмди: «Биз ўқий олмадик, биз учун қизимиз ўқиб қолсин, Ойжамолга ёрдам бераркансиз, раҳмат, умрингиз узоқ бўлмай» дерди Пирнафас ота. Ёқутой Мастура хола олдига кетди.

— Ойжамолдан хотиржам бўлинг, ўқиши яхши, ҳамма нарсага ақли етади, ақли-идроки зўр. Мендан нимаики ёрдам керак бўлса, жоним билан тайёрман. Илгари туғишган синглим йўқ, деб қайғулардим. Энди туғишгандан ҳам афзалини топдим. Ойжамол бор экан, мен ёлғиз эмасман,— Ойжамолни бағрига босиб, Ёқутой сўзида давом этди,— айтгандай нафақа тайинлашдимиз?

— Айтишганди, ҳозирча олаётганим йўқ,— деди Мастура хола.

— Мен бу ҳақда Абдусаломов билан гаплашаман.

— Қизим, овора бўлманг.

— Овораси борми? Ахир, Пирнафас ота биз деб, сиз деб қурбон бўлди.

Пирнафас аканинг номини эшитган Мастура холанинг кўзида беихтиёр ёш айланди.

— Онажон, қўйинг йиғламанг,— деб Ойжамол рўмолининг учи билан онасининг кўз ёшларини артиб қўйди.

Мастура хола авваллари тўла бўлганидан новчалиги билинмас эди. Эри ўқиб еб ўлгач ориқлаб, қамишдай бўлиб қолганди. Ойша холадан ёш бўлса ҳам ундан қарироқдай кўринарди.

Мастура холанинг ранг-рўйини, кўз ёшларини кўриб Ёқутойнинг кўзлари ҳам беихтиёр жиққа ёш олди. Эртаси Абдусаломовнинг ҳузурига борганда, унинг қабулхонасида Хива шаҳар Советининг раиси Машариф Қориев ва яна бошқа бир қанча ўртоқлар ўтиришар эди.

— Машариф оға, салом, мен сизнинг олдингизга бормоқчи эдим, яхши шу ерда экансиз. Мен кеча Мастура холанинг уйига боргандим...

Қориев Мастура холани яхши билар эди, Хоразм Марказий Қўшчилар Союзининг раиси Пирнафас аканинг ҳаётлиги вақтида уларнинг

уйига бир неча марта меҳмон бўлиб борган, шунда Мастура хола билан она-боладай сўзлашган эди.

— Хўш, онамизнинг аҳволи нечук?

— Қайғу-алам остида дим эзилиб кетди.

— Онамизга дим жавр бўлди, у кишига ҳар қанча ёрдам берилса арзийди.

— Шаҳардаги уйи нима бўлди? Шаҳар шўроси уни бировга бермасмикин?

— Кимга бериларкин? Буни ким айтди?— Қориев таажжубланиб Ёкутойга қаради.

— Шундай, сўраяпман.

— Ҳеч кимга бермаймиз. Бу уй Мастура холаники. Пирнафас аканинг қилган хизматлари учун бола-чақасига қаср қуриб берса ҳам арзийди. Бугуноқ шаҳар шўросининг қарорини чиқартирамиз.

— Мастура холага нафақа тайинлаш ҳақида раис билан сўзлашмоқчи эдим.

— Дим сара, қани, бирга кирамиз.

Ҳарбий кийимдаги бир одам кабинетдан чиқиши билан Машариф Қориев билан Ёкутой Абдусаломовнинг олдига киришди. Раис ўрнидан турди-да, эшик олдигача келиб уларни очиқ чехра билан қарши олди.

— Қани ўтиринглар, марҳамат.

Машариф Қориев билан Ёкутой раиснинг рўбарўсидаги креслога ўтиришди.

— Синглим, соғлигингиз қалай? Чарчамасдан юрибсизми?

— Мен сизнинг олдингизга бир илтимос билан галган эдим.

— Марҳамат, қани, эшитайлик.

Ёкутой Мастура холанинг аҳволини батафсил баён қилиб, нафақа тўғрисидаги илтимосни айтди. Машариф Қориев ҳам Ёкутойни қувватлаб:

— Ҳукуматимиз Пирнафас аканинг оиласини ҳеч қачон унутмайди,— деди ва Абдусаломовга «шундайми» дегандай савол ишораси билан қаради.

— Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Қарорнинг лойиҳаси ҳам бор,— деб раис кнопкани босди, кабинетга масъул саркотиб Али Муллаёров кириб келди. Шу пайт Кутяков Хўжайлидан телефон қилиб қолди.

— Офарин сизларга, ҳукумат номидан ташаккур изҳор этаман. Жангларда қаҳрамонлик кўрсатганларни Хоразм жумҳуриятининг олий мукофотига тақдим этишингизни сўрайман,— раис телефон трубкасини қўйиб, Қориев билан Ёкутойга қараб хурсандлигидан кулиб гапини давом эттирди.— Хўжайли атрофидаги жангларда Шайдаков, Полвон, Аҳмадjon Иброҳимов, Мусо Хабинлар душманни қумликка улоқтириб ташлабдилар.

Полвон номини эшитганда Ёкутойнинг чехраси очилиб кетди. Унинг танаси бўйлаб югурган иссиқ қон тиниқ оқ юзини анордай қизарттирди. Ўтирганлар бир-бирларини ғалаба билан табрикладилар.

— Али, Пирнафас аканинг хотираси ҳақидаги қарор тайёрми?

— Тайёр,— деб қўлидаги қизил папкани очди-да, қоғозлар орасидан бир варақни чиқариб раисга узатди,— Марказижроком Президиумининг аъзолари ҳам қўл қўйишди.

Абдусаломовга қарорни ўқиб берди. Унда Пирнафас аканинг хотирасини абадийлаштириш ҳақида бир қанча тадбирлар белгиланган эди. Чунончи: Хива шаҳари кўчаларидан ва ҳунарманд артелларидан бири унинг номига қўйилган, хотинига умрбод нафақа тайинланган эди. Абдусаломов Али Муллаёровга:

— Қарордан бир нусхасини Ёкутойга кўчириб беринг. Оҳангаров-

га айтинг, зеҳра<sup>1</sup> фонидан Мастура холага бир соғин сигир, ўзи билан қизига бош-оёқ кийим олиб берсин,—деди.

— Ажаб бўлади.<sup>2</sup>

Ёқутой Абдусаломовнинг инқилоб қурбонлари оиласига кўрсатган гамжўрлигига қойил қолди. Яқиндагина унинг қўлидан Хоразмнинг жанговар орденини олганда нақадар хурсанд бўлган бўлса, шу тобда ҳам севинганидан кўзларида ёш айланиб, киприклари пир-пир учарди. У миннатдорчилик билдириб ўрнидан турди.

— Мастура холага биздан салом айтинг, фурсат топиб ўзим ҳам борарман,— деди раис Ёқутойни эшиккача узатиб.

Кабинетда раис билан Машариф Қориев қолди.

— Машариф, Марказкомнинг 13 февралда аҳолидаги қурооларни олиш ҳақида чиқарган қарорига биноан Марказижроком декрет тайёрлади. Сени шу масъулиятли ишга сафарбар қилаётирмиз, шунга нима дейсан?

— Мен партия, ҳукуматнинг аскариман, улар нимаики топширса, лаббай деб бажаришга тайёрман.

— Сени Бешариқ, Боғот, Ҳазорасп томонларига аҳолидан яроғ йиғишга юбораётирмиз. Мана, декретга қулоқ сол.

Абдусаломов декретни ўқий бошлади:

«Декрет, 14-сон.

Х. С. Ш. Ж. Марказий Ижроия Қўмитаси тарафидин. Жумҳурият бўйича. 1924 йил, 21 февраль.

Аҳолини яроғсизлантирув ҳақида.

Хоразм социал шўролар жумҳуриятида фараҳатчилик ўринлаштирув ва ҳам анда турмоқда бўлган бутун миллат ва қабилаларни сулҳ узоринда яшамоқларин таъмин қилув, шўролар ҳокимиятининг доимий давомин таъмин қилув, Хоразм меҳнаткашларининг тинчлигин сақлаб, тўп ва майда босмачиликни қатъий равишда босар учун, халқ хўжалигини йўлга солмоқ учун ижобий шароитлар майдонга келтирув мақсадлари илан Хоразм социал шўролар жумҳуриятининг Марказий Ижроия қўмитаси қарор қиладур:

1. Хоразм ўлкасида бутун Россия ҳам хорижий мамлакатлардан келган беш отар, барданкалар каби ўқ илан отилатурғон ҳар турда, ҳар навдаги яроғларни, Россия ва хорижий мамлакатлар турида бўлғон ҳар навъ олти отар пистолет, карабинлар, ҳар хил портлав важларни, бешотар ва бошқа яроғларнинг ўқларини ва Европо усулинда ё эса ерлик найза ва қиличларни сотув ва сотиб олувларни ман қилурға.

2. Хоразм социал Шўролар жумҳуриятида яшагувчи бутун фуқароларға буюриладур:

Ушбу қонун эълон этилган кундан эътиборан икки ой муддат ичинда юқорида саналмиш бутун яроғларин, куйдиргуч моддаларин ҳукуматнинг сиёсий идорасига топширмоқларин.

3. Ҳукуматнинг сиёсий идораси тарафиндан ўт илан отлатурғон яроғларни юрутув, сақлар ҳақида берилган ҳуқуқға молик бўлмоғон одамлардан яроғлар олинажоқдур.

Яроғларин топширмағон вақтда, қаршилиқ қилғувчи одамларни яроғлари илан бирликда жазо берилганда энг қатъий чоралар қўлланив учун ҳукуматнинг сиёсий идорасига ё эса жазо маҳкамасига топширилсун...

М. И. К. раиси: Абдусаломов

Масъул саркотиби: А. Муллаёров».

<sup>1</sup> Запас, бўлинмас фонидан.

<sup>2</sup> Хўп маъносига.

— Мандатни кимдан оламан?— сўради Машариф Қориев декрет ўқилгач.

— Оҳангаровдан оласан. Ишончли кишилардан, партия, комсомол аъзоларидан отряд тузган.

— Ажаб бўлади.

— Босмачилар томонидан талон-торож қилинган деҳқонларга ёрдам кўрсатиш учун ҳукумат махсус комиссия тузди. Сен шу комиссия билан алоқа қилиб тур. Жабрланган деҳқонларга ёрдам уюштиринг.

— Ажаб бўлади.

Машариф Қориев раис билан хайрлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Полвон отряди Хўжайли остонасидан босмачи тўдаларини ҳайдаб, қумга улоқтириб ташлагач, шаҳар ҳалқи эркин нафас ола бошлади. Шаҳар қўриқчилари окоплардан аста-секин чиқиб, бир-бирларини ғалаба билан табриклашар, қучоқлашиб кўришар эдилар. Шоир Ҳамза ҳам окопдан чиқиб ўз дўсти Полвон томон келаверди. Унинг бошида попоқ, устида шинель, оёғида этик, белида наган. У қанча вақтдан бери ҳаваскор-кўнгиллилар тўдасига бошчилик қилар эди. Полвон Ҳамзани кўриб, қучоғини кенг очиб бораверди.

— Ҳамза оға!

— Полвон, дўстим!

Улар қучоқлашиб кўришишди.

— Темир Алининг темир ҳалқасидан қутқазганингиз учун раҳмат сизларга,— деди Ҳамза.

Кечга бориб шаҳар клубида, катта залда шаҳар қўриқчилари, Шайдаковнинг аскарлари йиғилди, одам тирбанд, оёқ қўядиган жой йўқ. Минбарга Хўжайли шаҳар партия ташкилотининг секретари чиқди.

— Биродарлар! Инқилоб сардори Шайдаков, Хоразм қаҳрамони Полвон ботирнинг аскарлари Хўжайли шаҳрини босмачиларнинг қуршовидан озод қилди. Қизил аскарларга шон-шарафлар бўлсин!

«Ура!» садолари зални ларзага келтирди. Гулдурос олқишлар остида минбарга кўтарилган Шайдаков нутқ ирод эта бошлади. Унинг ёнида Полвон, қўлида қизил байроқ тутиб, залдагиларга қараб турарди.

— Хўжайлининг жасур йигитлари, ЧОН аъзолари энг оғир дамларда, қуршов пайтларида қаттиқ жанг қилиб шаҳарни душманга беришмади. Биз мана шу жанговар байроқни Республика Инқилобий Комитети номидан Хўжайли меҳнаткашларига тақдим этамиз.

Қизил байроқни олиш учун шаҳар Совети раиси Қўсберган, Ҳамза ва бир ЧОН аъзоси Шайдаковлар ёнига келишди ва байроқни тантанали суратда қабул қилиб олишди.

— Азиз дўстлар!— деб сўз бошлади Ҳамза,— инқилобчиларнинг қутлуғ қонлари билан бўялган шонли қизил байроқни қабул қилиб оларканмиз, уни қўлларда баланд кўтариб, кўкрагимизни лочиндек кериб, зафарлар сари олға бораверамиз,— у нутқини шеър билан тугатди:

Эй жаҳонни қизартсин,  
Қонли санжогинг!  
Ғарбда, Шарқда шодлансин,  
Кўрсин ўртоғинг!  
Мангу қолсин оламда  
Шонли байроғинг!..

Залда олқиш садолари янгради.

<sup>1</sup> Санжог — байроқ.

Тантанали кеча тамом бўлиши билан қизил аскарлар сарҳадсиз қумлик томон йўл олдилар. Хўжайли халқи уларни кузатиб қолди.

— Полвонбой, яқин кунларда Шерозий билан санъаткорлар тўдасини олиб жангчилар олдига борамиз,— деди Ҳамза ва Полвоннинг қўлини маҳкам сиқиб хайрлашди.

Жангчилар олдида Шайдаков билан Полвон борарди.

## Учинчи боб

Машариф Қориев ўзига берилган йигитлар билан Бешариқда қурол-яроғ йиғиш ишига киришди. У аввал қишлоқ аҳолисини йиғиб ҳукуматнинг декретини содда қилиб тушунтирди, қуролларини топширишларини илтимос қилди. Бироқ ўша кун ҳаммаси бўлиб икки дона эски берданка, учта синган қора милтиқ йиғилди холос. Аслида босмачиларга қўшилган кишиларда анча-мунча қурол-яроғ борлиги ҳақида Қориевнинг қўлида маълумот бор эди. У яна халқни тўплади.

— Акалар, укалар! Ҳукумат қарори барча учун қонун. Бирор киши ҳам яроғини яшириб қўйиши мумкин эмас, бу қонунга хилоф. Шунча тушунтирсак ҳам бўлмапти, биз яна бир кун муҳлат берамиз. Эртага ўқ-яроғи бўлган кишилар уларни қишлоқ Шўросига олиб келиб топширсин,— деди Қориев кичик, ўзига ярашиб кетган мўйловини силаб.

Одамлар ўйга ботиб уй-уйларига тарқалишди, бу ҳол Қориевни хурсанд қилди: «Ишимиз жойида, эртага ҳамма қуролини олиб келиб беради, осойишталик билан ишимиз битади», деб қўйди ичида. Белги-ланган муддат ҳам келди. Қориев қишлоқ Шўроси эшиги олдида кишиларни сабрсизлик билан кутиб турар эди. Лекин у ўйлаганча бўлмади, икки киши занг босиб кетган, аллақачон ишдан чиққан бешотарни олиб келиб берди, холос. Асабийлашган Қориев қайси қишлоққа бормасин, уринишларидан бирор натижа чиқмади. Қориев коммунист, комсомолларни йиғмоқчи бўлди, лекин уларнинг кўпчилигини босмачилар ўлдириб кетган эди. Нима қиларини билмай турган пайтда олдига Бекжон Давлатов келди. Қориев у билан Хивада, Қаптархона кўчасида танишиб, жўра тутинишган, унга комсомолга ўтишда тавсиянома ёзиб берган эди.

Бекжон Давлатов у ёқ-бу ёққа қараб қўйди.

— Айтавер, иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Евонимиздаги бойлар: Юсуф мўлтанг, Ибод хирс сиз мажлис ўтказгандан кейин кишиларни тўплаб: «Қориевга милтиғингизни берманг, кимда-ким ўқ-яроғини берса унинг ўзини отамиз» деб халқни қўрқитиб қўйишди. Бойларда ўқ-яроғ кўп, яшириб қўйишибди, яхшилаб текшириб кўринг.

— Раҳмат, жўра,— деди Қориев ва Бекжонни бошқа эшикдан чиқариб юборди.

Машариф Қориев қизил аскарлар билан Юсуф мўлтангнинг олдига бориб, мулойимлик билан илтимос қилди:

— Ота, сиз кўпдан бери милтиқ-олиб, милтиқ сотасиз, буни ҳамма билади, қанча милтиғингиз бўлса беринг, ўзим ҳукуматга айтаман, сизни афв қилади.

— Биродар Қориев, гапингиз тўғри, менинг милтиғим кўп эди, барини босмачилар олиб кетишди. Охиргисини ҳам Саъдулла боланинг ўзи келиб зўровонлик билан пул бермай олиб кетди. Ишонмасангиз ҳамма ёқни қараб чиқинг,— деди Юсуф мўлтанг кўзини яшириб.

— Яхшиликча, ўз ихтиёрингиз билан яроғларни берсангиз дуруст

бўларди. Бошқалар ҳам сиздан ибрат олиб қўлларидаги қурол-аслаҳани топширади.

— Кўряпманки, менга ишонмаяпсиз. Яхшиси тинтув қилинг, текширинг.

— Бой ота, башарти топиб олсак ўзингизга ёмон бўлади!

— Ҳаммасидан хабарим бор, милтиқ эмас, бир дона ўқ ҳам йўқ, мусулмон, художўй кишимиз, гапимизга ишонинг,— Юсуф мўлтанг «ҳеч нарса йўқ» деб оёғини тираб олди.

Қориев ноилож яроғфуруш бой Юсуф мўлтангнинг ҳовлисини тинтув қилишга буйруқ берди. Йигитлар ҳамма жойни: ичкари, ташқарини, барча уйларни тинтиб, синчиклаб текшириб чиқишди, лекин на бир дона ўқ ва на бир дона милтиқ топишди. Тарвузлари қўлтиғидан тушиб, ўсал бўлишди.

Қориев кечқурун яширин ҳолда Бекжон Давлатовнинг уйига бориб, бўлган воқеани айтиб берди.

— Ҳамма ерни тинтув қилдик, денг?— сўради у.

— Ҳавво.

— Деворларни ҳам қарадингизми?

— Барини қарадик.

— Яхшилаб қараш керак, девор ичида бўлиши мумкин.

Қориев эрта билан ўз аскарларини олиб яна Юсуф мўлтангнинг уйига бориб, энди ўзи ҳам деворларни уриб, текшира бошлади, негадир Юсуф мўлтангнинг ранги оқариб қолди.

— Демак, яроғингиз йўқ, шундайми?

— Шундай,— деди синиқ товушда Юсуф мўлтанг.

— Агар топсак, халқ олдида...

— Ҳаммасига, розиман....

Шу вақт қизил аскарлардан бири катта бир омборнинг деворини уриб, орасида ҳавол ер борлигини аниқлади. Қориев дарҳол деворни бузишга буйруқ берди. Юсуф мўлтанг ҳеч нарса содир бўлмагандай ерга қараб ўтирар, аммо ранги борган сайин оқариб, лаблари титрарди. Бир оздан кейин қизил аскар учта милтиқни Юсуф мўлтангнинг ёнига олиб келиб қўйди.

— Девор ичидан чиқди.

— Ёлғон, бу менинг милтиғим эмас!

— У ерда яна бор, ишонмасангиз, юринг, ўзингиз кўринг.

Қизил аскар билан Қориев Юсуф мўлтангни сомонхонага олиб боришди. Девор ичидан усталик билан яшириб қўйилган ўнта беш отар ва халталарда ўқ топилди. Уша ерда акт тузилиб, Юсуф мўлтанг қамоққа олинди. Қурол-яроғ йиғувчи комиссияга ва унинг раисига ҳукумат томонидан катта ваколат берилган эди. Эртаси Юсуф мўлтанг қишлоқ аҳолиси олдида очиқ суд қилиниб, отишга ҳукм қилинди ва ҳукм халқ олдида ижро этилди. Шундан кейин ўқ-яроғларини, қилич-ханжарларини яшириб қўйганлар бирин-кетин олиб келавердилар. Беш отар, олти отар, ўн бир отар милтиқлар уюлаверди.

Юсуф мўлтангнинг уйдан яроғ чиққанини ва унинг отилганини Ибод хирс эшитган бўлса ҳам яшириб қўйган яроғларини олиб келиб бермади. Қўнгилли аскар, комсомол Бекжон Давлатов Ибод хирснинг уйига борди.

— Юсуф мўлтангдай ўлиб кетмай десангиз яроғингизни топширинг.

— Бекжонбой, топширсам мени Қориев отмасмикин?— қўрқиб сўради Ибод хирс.

— Ўз ихтиёрингиз билан олиб борсангиз ҳеч ким, ҳеч нарса демайди, агар ўжарлик қилсангиз, тинтув вақтида уйингиздан яроғ чиқса бекорга ўлиб кетасиз.



Уша куниеқ Ибод хирс яшириб қўйган милтиқларини олиб келиб топширди ва анчагача кетолмай ийманиб турди. Қориев унинг бир нарса демоқчи бўлганини сизди шекилли:

— Гапингиз борга ўхшайди, қўрқмай айтаверинг,— деди.

— Биродар Қориев, менга рухсат этсангиз, Отақ қаранинг устига бориб, отишиб, унинг ҳам ўқ-яроғини олиб галсам, шунда гуноҳимни кечирасизми?

— Алдамайсизми?

— Алдасам уйимни ўтланг, бола-чақамни отиб ташланг, барига розиман.

— Қани, мардлингизни кўрайлик-чи,— деб Қориев унга рухсат берди.

Эртаси Ибод хирс босмачи Отақ қарадан бир неча беш отарни ўлжа қилиб олиб келди.

— Биродар секретарь, ёзинг, Ибод хирсдан ҳаммаси бўлиб ўн бир беш отар, еттита берданка олинди,— деди Машариф Қориев кескин оҳангда.

У бугун бир қишлоқда бўлса, эртаси иккинчи бир қишлоққа борар, кечалари ухламай чиқар эди. Бир куни йўл тўсарларга дуч келиб, отишиб, ўқ-яроғларини тортиб олди ва Марказижрокомга хат ёзди:

«Ҳозир Бешариқдан бир юз ўттиз дона беш отар, ўн дона берданка, ўн бир дона олти отар, икки юз дона қора милтиқ йиғнаб олдик ва бошқа хилдаги яроғларни йиғнаб олмоқдаман. Бешариқда яроғ дим кўп, лекин кўп кишилар қумда, яроғларини бермаслик учун гизланиб юрибдилар. Шулар беш қишлоқни қаттиқроқ тутиб турибман. Салом билан Қориев. 1924 йил, 17 март».

\* \* \*

Босмачилар тарафидан талон-торож қилинган деҳқонларга ёрдам кўргазув Марказий Комиссиянинг раиси қилиб белгиланган Ревкомнинг масъул котиби Али Муллаёров Ревком раиси, ёши ўттизларга бориб қолган ўрта бўй, қора фаранг йигит Абдусаломовнинг кабинетига қўлида бир қанча қоғозларни кўтариб кирди.

— Али, қандай янги хабарлар бор?— сўради Абдусаломов унга тикилиб, кавказча кичик мўйловини силаб.

— Шу бугун Тошкентдан телеграмма олдик. Москвага кетган ҳайъат аъзолари билан Абдукарим Сафоев йўлга чиқибди. Яқинда Хивага келишади,— деди Абдусаломовга қараганда тўрт-беш ёш кичик татар йигити Али Муллаёров телеграммани кўрсатиб.

— Дим соз, улар келса, ишимиз анча енгиллашади. Сен шу бугуноқ Хўжайлига жўна. У ерга борганинда бош қўмондон Кутяков билан учраш. У нима сўраса, барини муҳайё қил: туя керакми, от-аравами, барини топиб бер.

— Ёрий.

— Сизлар Тошовуз, Кўҳна Урганчга бориб босмачилардан зарар кўрган деҳқонларга тезда ёрдам уюштиринг. Туркман қизил навкарларига зеҳра пулидан йигирма саккиз минг сўм пул бериш ҳақидаги буйруққа қўл қўйдим.

Али Муллаёров раислигидаги комиссия Тошовуз томонларга кетди. Орадан кўп ўтмай ҳукумат ҳайъат аъзолари Москвадан Хивага келди. Уларни Абдусаломов кутиб олди.

— Адаш, саломатмисизлар,— дея қучоқлаб ҳол-аҳвол сўрашди Сафоев,— ҳамма воқеалардан хабарим бор. Январь ойининг даҳшатли кунларида қаҳрамонлик кўрсатганинг учун раҳмат. Сендай жасур ўринбосарим борлигидан фахрланаман.

— Абдукарим ака, ҳамма қатори ишладик,— камтарлик билан жавоб қайтарди ва жумҳурият муҳрини Сафоевга топширди.

Еши ўттиз бешлардан ошган, ўқимишли, табиатан жиддий, камсухан Сафоев йўлда қаттиқ шамоллаб касал бўлишига қарамай тузалишини кутмасдан ишга астойдил киришиб кетди. У республиканинг муҳим проблемалари устида бош қотирар, декретлар чиқарар, ҳар бир масалада Марказком билан маслаҳатлашган ҳолда янги-янги декретлар чиқарарди. У секретарга туркман миллий областини тузиш ҳақида декрет текстини айтиб туриб ёздирди:

*«Жумҳуриятда яшоғучи ҳар тоифанинг турмуши, кун кўриши, айирмалиқларини кўзда тутиб, ҳамда шўролар тузилишини маълум бир тартибга солув учун бутун туркман вилоятларини бир область қўламига келтирув мақбул топилсин.*

*Туркман областининг маркази Тошовуз шаҳрида бўлиб, уч вилоятга бўлинадир. Вилоят идоралари Тахта, Пўрси, Илолида бўладир.*

*Бу қарорни амалга оширув учун биродар Одинаев, Ханов ҳам Чарли Пирлиевлардан иборат комиссияга топшириладур. Комиссия аъзолари вилоятларга боргач биринчи майдан қолдирмай туркман области қурултойи чақирилсин.*

*МИК раиси: К. Сафоев*

*МИК масъул саркоотиби: А. Муллаёров».*

Маткарим Сафоев декретга қўл қўйгандан кейин Марказком секретари Қаландар Одинаев ҳузурига кириб, Москвада бўлганида жуда кўп қонунларни, жумладан Меҳнат қонунини ўрганганини сўзлаб берди:

— Нега биз Хоразмда шундай адолатли Россиянинг Меҳнат қонунини жорий қилмайлик. «Хоразмда Россия Меҳнат қонунини қабул қилиш» ҳақидаги декрет чиқарсак.

— Дим яхши. Шундай декрет лойиҳасини тайёрланг, музокарага кўямиз.

— Уртоқ Одинаев, уруш кунлари деҳқонларнинг аҳволи кўп қийин бўлган, уларнинг аҳволини енгиллатиш учун муҳим тадбирлар ишлаб чиқсак...

— Масалан?

— Қишлоқ хўжалиги солиғини 50 процентга камайтирсак.

— Яхши тадбир. Бу ҳақда Марказкомнинг қарорини чиқарамиз.

Кўп ўтмай шундай қарор чиққан ва шу асосда Марказжроком декрет қабул қилганди. Мазкур декрет қишлоқ-овуларда жуда тез, яшин тезлигида тарқалди.

\* \* \*

— Маҳбус Нуруллаев, шундай қилиб сиз ҳеч қандай айбингизни бўйнингизга олмайсиз,— сўради йигирма олтиларга бориб қолган, узун бўйли, сариқдан келган, кўк кўз, қуш бурун татар йигити Ҳодий Сайдашев.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ.

— Минглаб той пахта, юз пудлаб шакар-қанд, минг пудлаб буғдой, тўп-тўп газмоллар ўғирланган, ҳукуматнинг моли талон-торож бўлган, булар учун сиз жавобгар бўлмай, ким жавобгар бўлиши керак?

— Мен булардан беҳабарман.

— Сизга тобе ташкилотда ҳукуматга миллион-миллион сўм зарар етказилган, буларни бўйнингизга олмайсизми?

— Ҳа деб бир нарсани сўрай берасизми? Айтдим-ку, айбим йўқ!— деди турмада, алоҳида ҳужрада ўтирган, собиқ савдо-сотиқ нозири Нуруллаев.

— Шерикларингиз ўз айбларини аллақачон бўйинларига олишди, сиз эса ўжарлик қилиб ўтирибсиз.

— Ёлгон гапирасиз, мени лақиллатмоқчисиз.

— Бўлмаса мана бу ҳужжатга қулоқ солинг,— терговчи Ходий Сайдашев айбдорлардан Оллаёрбой Муҳаммадиёров, Санамбек Бекларбеков, Ханиф Канеев ва бошқаларнинг сўроқ вақтида берган жавобларини ўқиб берди,— мана кўриб турибсизки, улар айбларини тамомила бўйинларига олишди.

— Сиз уларни мажбур қилгансиз.

— Бўлмаса юзлаштирамиз...

— Мен ҳам шуни талаб қиламан.

— Хўш, агар айбдор бўлмасангиз нега қамоқдан қочиб кетдингиз?

— Бекордан-бекорга қамоқда ётиш жонимга тегди. Қолаверса, Москвага бориб устларингдан шикоят қилмоқчи эдим, тушундингми?!— Нуруллаев терговчига бақрайиб қаради.

Хоразм ҳукумати собиқ нозир сифатида сизга катта имтиёзлар берган эди. Москвага, Марказижрокомга хат ёзиш имкониятига эга эдингиз, шикоят қилиш учун қочиб кетиш шартмиди? Сиз салла ўраб, охуннинг тўнини кийиб, соқчини алдаб қочиб, қутулиб кетмоқчи бўлдингиз.

— Сиз ҳам мен каби турмада бегуноҳ ётсангиз худди шундай қилардингиз, ҳатто паранжига ўраниб қочиб кетардингиз! Мен сизлардан норози бўлиб Марказижрокомга хат ёзаман.

— Марҳамат!

Мадраим Нуруллаев шу куни кечаси Марказижроком номига узундан узоқ хат ёзиб, уни қуйидаги сўзлар билан тугатди:

*«Менда айб йўқ, ревизиянинг натижасини билмайман. Бизларни нотўғри қамаганлар. Мен бутун умримни, ҳаётимни ҳукумат учун бағишладим. ГПУ кўча сўзлари билан тўла айбнома ёзиб берди, мени озод қилишингизни сўрайман.*

*Нуруллаев, 1924 йил, 21 март».*

У хатни конвертга солиб, сирач билан ёпиштириб турма бошлиғига бераркан, чуқур хаёлга чўмди:

«Инқилобдан илгари бой-асилзодаларнинг девони эдим. Ақлим бор экан, пул жамғариб, бола-чақали бўлиб, бадавлат кишилар қаторига ўтдим, Мадрим девон деб ном чиқардим. Инқилобдан кейин йўлини топиб ишга жойлашдим. Аввало девон-саркотиб, сўнг каттароқ ишга ўтказишди; Иқтисодий шўрода бўлим бошлиғи, кейин раис муовини, орадан кўп ўтмай Иқтисодий шўронинг раис бўлдим. Бунга тоғам Ота махсум ҳам ёрдам берди. Ўзим хон, ўзим бек эдим. Лекин бошимга етишди, сургун қилишди. Яхшиям тоғам Ота махсум раис жумҳур бўлиб ўтди, сургундан озод қилди, Хоразмга келдим. Марказижрокомнинг масъул саркотиби Ханиф Канеев билан жўра бўлиб олдим. Тоғам фош бўлгани билан менга қилча зарар етмади, дўстларим — Марказижрокомдаги катта мансабда ишлаётган Мадримбой Олланазарбой ўғли, Собирбой Қурбонбой ўғиллари мени қўллаб-қўлтиқлашди. Канеевнинг таклифи билан хорижия нозир, кўп ўтмай савдо-сотиқ нозир бўлдим. Мансаб зиналаридан юқорига чиқа беришнинг ўзи бўладими? Бу осонми? Қанча-қанча пул кетди, бирини мақтадим, иккинчисининг оғзини мойладим. Амалга ўтиришим биланоқ сарф қилган пулларим ўзимга ўн чандон ортиғи билан қайтиб кела бошлади. Бойлигимга бойлик қўшилди. Хиванинг манман деган катта бойлари — Оллақулбой, Ёлмонбойлардан пул топиш сирларини ўргандим. Ақлим ҳам жойида экан, деҳқонлардан арзонгаров сотиб олган пахталарни

Московда мўмайгина пулга пулладим. Бойлардан мусодара қилинган 3815 той пахтанинг ярми меники бўлди. Фактуранинг барча хилларини биламан, дебет-кредитга ақлим етади. Қоракўл тери дейсизми, ипак молми, барини вагонлаб соттирдим. У-ҳо, бели синмаган, қовурғаси эзилмаган червонлар!.. Пул эвазига қанча-қанча бало-қазолардан қутулдим. Уйимда бир эмас, учта хотин, Хоразмнинг гўзал аёллари менинг жазманим, еганим олдимда, емаганим орқамда. Лекин бахтимга қарши ГПУ йўлимни тўсди. Жуманиёз Эшмуҳаммадов олий суд бўлипти, фирт большевик. Эй худо, ўзинг ҳиммат қил, бандангни қўлла, умидим сендан, эй парвардигор!»

Нуруллаев қандай қилиб турмадан кетиш йўллариин ўйларди. Қўшни камерада ётган дўсти Ханиф Қанёев билан учрашиб, маслахатлашмоқчи эди-ю, лекин ҳолироқ сўзлашиш амри маҳол.

Еши қирқ бешга бориб қолган, соқолига оқ тушган, ушоқ дакана Нуруллаев турмада баттарроқ чўкди. Энди суд бўлиши аниқ.

## Тўртинчи боб

Катта ишларни бошлаб қўйган Сафоев бахтга қарши юрак ўйноғи касалига мубтало бўлиб, кабинетда ўтказилаётган катта бир мажлисда гапириб турганида томоғига бир нима тикилгандай, гапиролмай қолди. Утирганлар уни диванга ётқизишди, нашатир спирт искатишди. У ўзига келди ва бир пиёла чой ичиб яна стулига ўтирди.

— Маткарим абзи, доктор чақирайми?— сўради Муллаёров.

— Кераги йўқ, ўтиб кетди, ваҳима қилманглар.— Сафоев сўзини тамом қилиб, ўтирганларга вазифалар топширди.

Сафоев авваллари Тафтиш назоратида нозир бўлиб ишлаганида ҳам, Москвада Хоразмнинг мухтор элчиси вазифаларини бажарганида ҳам фақат ишни ўйлар, «отдайман» деб юраверар, ҳатто отпуска ҳам олмас, ўз соғлигини ўйламас эди. Бундан бир неча кун илгари уйда бир лаҳза ҳушидан кетиб, Анабибини қўрқитган, у врач чақирмоқчи бўлганида ўзига келиб: «Хотин, сал мудрадим» деб ҳазиллашган эди. Мана, бугун иккинчи марта шундай ҳол юз берди. Сафоевнинг ишда беҳуш бўлиб қолганини Марказком раҳбарлари эшитиб, уни тезда даволатиш чораларини кўра бошладилар. Иван Гаврилович хотини Ольгага телефон қилиб, Сафоевнинг уйига ишдан кейин врач олиб боришни илтимос қилди.

Ҳамшира Ольга врач билан кечқурун Сафоевнинг уйига борди. Уларни уй бекаси Анабиби кутиб олди. Ольга Анабибини худди ўз синглисидай яхши кўрарди. Истараси иссиқ, қомати келишган, ёқимтой Анабиби эри Сафоевдан ўн ёш кичкина, шу вақтларда йигирма иккиларга бориб қолган, актив комсомол ходими эди. Эри Марказжрокомнинг раиси бўлса ҳам ҳеч қачон ўзини катта тутмас, бирор марта эрининг фойтонига ўтириб ишга бормаган, Хоразмда биринчи аёллар қатори паранжи ташлаб, тезда саводини чиқариб олган эди.

— Анабибида гап кўп, истиқболи порлоқ,— дейишарди.

Уни энг актив комсомол деб 1922 йилда Москвага қишлоқ хўжалиги кўргазмасига юборишганди. Сафоев Москвада элчи бўлиб ишлаган пайтда рус тилини ҳам оз-моз ўрганиб олганди. Гарчи Ольга ўзбек тилини яхши билса ҳам Анабиби рус тилини ўрганиш мақсадида у билан рус тилида гаплашарди.

— Яхшиям келиб қолдиларингиз ўзим телефон қилмоқчи эдим,— деди Анабиби хавотирланиб.

Сафоевни кўярда-қўймай касалхонага ётқизишди. У касалхонада узоқ ётиб қолди. Бир кун Марказком, Марказжроком ходимлари

Одинаев, Афзал Тожиров, Абдусаломов, Иван Гаврилович, Собир акалар кўргани келганларида дўстларига миннатдорчилик билдириб, шундай деди:

— Докторларнинг айтишича, касалим узоққа чўзиладиганга ўхшайди, юрагимда жиддий ўзгаришлар бор эмиш. Мен энди Марказижрокомнинг раиси бўлиб ишлаёлмайман. Урнимга Жуманиёзов тайинланса. Ўзингизга маълум, у Исфандиёрнинг зулмига қарши курашган, хон зиндонидан дўстлари ёрдамида қочиб Тўрткўл шаҳрига борган, 1917 йилда партияга кирган. Хоразм инқилобининг саркардаларидан. Жуманиёзов кўп ёшларни партия сафига тортди. Менга ҳам, Аҳмад Маҳмудовга ҳам, Қарим Болтаев, Давлат Ризаев ва бошқаларга ҳам тавсиянома ёзиб берган у...

Одинаев унга тасалли бериб:

— Ваҳима қилманг, тузалиб кетасиз, яна ишингизни давом эттирасиз,— деди. Дўстлари ҳам унинг гапини қувватлашди.

\* \* \*

Ёқутой Марказижрокомнинг иккинчи сессиясидан келиши билан хат ташувчи унга Полвоннинг хатини берди. Шошилиб хатни ўқиди-да, қуйидагича жавоб ёзди:

*«Қадрдон, меҳрибон Полвон оға!*

*Сизга баҳорнинг ёқимли шабадасидай илиқ саломимни йўллайман. Бизлар ҳаммамиз соғ-саломатмиз, онамиз сизга кўпдан-кўп дуои салом айтдилар. Ўғлимиз Баҳодирнинг ўқишлари яхши, Мастура хола ҳақидаги топшириқларингизни бажардим; ҳукумат у кишига нафақа тайинлади, шаҳардаги уйини ўзига қолдирди, уйига жияни кўчиб келди. Энди Мастура хола ёлғиз эмас, Ойжамол мен билан бирга, унинг зеҳни ўткир, дарсларини аъло ўқийди.*

*Полвон оға! Сизларга дим қийин бўлди. Жазирама қумда жанг қилиш осонмас. Кечалари тушимда, кундузлари ўйимдасиз. Тўғриси айтсам дим соғиндим, илоё эсон-омон галгайсиз. Хивада тоза хабарлар кўп. Маткарим ака Сафоев касал бўлгани учун ўз аризасига биноан бўшади, ўрнига Султонқори тайинланди. Сессия қарорига биноан илгари тугатилган Нозирлар шўроси яна қайта тикланди, раис қилиб Бекжон Назаров, муовинликка Қаландар Одинаев тайинланди. Давлат Ризаев ўз ўрнида, Маориф нозири бўлиб қолди. Матқуб Отажонов Тафтиш нозири, иқтисодий шўро раисига Уроз Эрманов, савдо-саноат нозири қилиб Турсунхўжаев тайинланди. У киши Иқтисодий шўро раисига ҳам муовин. Ҳарбий нозир Шайдаков Марказижроком Президиумига аъзо бўлиб ўтди.*

*Хоразм Компартияси Марказкомида ҳам катта ўзгаришлар бўлди, Қаландар Одинаев ўрнига биродар Исҳоқ Хансуворов биринчи секретарь қилиб сайланди.*

*Хуллас, янгиликлар кўп. Мени Маориф нозири Давлат Ризаев хотин-қизлар мактабига мудиралikka ўтасан, деб қўймаяпти. Турли сабаблар кўрсатсам ҳам инobatга олишмаяпти. Тошкентда ўқиб юрган укаларингиз Бекжонбой, Шерниёзлардан тез-тез хат галиб турипти. Айтгандай, Ойжамол мени ҳам Тошкентга ўқишга юборинглар, деб, қистагани-қистаган. Ҳар сафар ойисига ялиниб-ёлворади, бу ҳақда Ойжамол сиз билан ҳам гаплашмоқчи. Худди суянган тоғидай-сиз. Ҳамма умиди сиздан.*

*Оға, бизлардан ҳеч хавотирланманг. Хайр, сизларга ғалаба ёр бўлсин.*

*Сизни соғинган, кўзлари йўлингизда  
тўрт бўлган Ёқутойингиз.  
Хива, 1924 йил, апрель».*

Марказижрокомнинг янги раиси Жуманиёзовни ҳамма Султонқори деб атайди. У асли қори эмас, ўқимишли, доно, фозил одам. Узи камбағалнинг ўғли, эски инқилобчи, ёши қирқ етти-қирқ саккизларга бориб қолган. Урта бўйли, қўнғир соқол, оқ юзли. У бир неча тилларни: араб, форс, рус тилларини яхши билишдан ташқари туркман, қозоқ тилларида ҳам бемалол гаплашади. Тўртқўлда миллий қизил гвардия отрядларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилган эди. Москвада Хоразм республикасининг мухтор элчиси бўлиб турганда Владимир Ильич билан учрашган, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган.

\* \* \*

Пишканинг қишлоқ шўроси саркотиби Валижоннинг кабинетига бир неча киши тўпланган, саркотиб қўлига газета олиб, янги чиққан декретни ўқиб эшиттирди.

— Эмди хонзода ва бекзодаларнинг ерларида ўтиримли деҳқонлардан кесим олув тўхтатилибди-да,— деди жиккаккина бир чол.

— Зўр гап-ку!— дейишди деҳқонлар.

— Хоразмда СССР оқчалари жорий қилинади,— деди Валижон хурсанд бўлиб.— Путури кетган миллион-миллион оқчаларга барҳам берилади. Энди қозғоз оқчалар чиқарилмайди. Червонс, бу бошқа гап. Ҳали шундай арзончилик бўладики...

— Султонқори ўқимишли одам. Яшасин!

— Ўткир инқилобчи...

— Ҳали бу ёғини ҳам эшитинг,— деди саркотиб кўз ойнагини тўғрилаб,— кесим ерларинда кимда ким беш йил ўтирган бўлса, ер унинг мулки бўлади.

— Қаранг, бир газетада шунча янгилик.

— Бу бетида ҳам яхши гаплар бор экан,— саркотиб газетада босилган бир хабарнинг мазмунини айтиб берди,— Хоразмда туркман областидан бошқа маркази Хўжайли шахри бўлган Қорақалпоқ области тузиларкан.

— У-ҳо, яна намалар ёзилипти?— қишлоқ шўро идорасига келган деҳқонлардан бири саркотибнинг олдига келиб сўради.

— Пахта ҳақида декрет чиқипти.

— Декрет дегани нама у?

— Қонун дегани бўлади. Қулоқ солинг, Хоразм жумҳурияти СССР бош пахта қўмитасига аъзо бўлиб киради.

— Деҳқонларга бунинг фойдаси борми?

— Бўлмасам-чи. Пахта қўмитаси деҳқонларга қарз беради, яхши молларни арзон баҳо билан сотади.

— Бу қонунларга ким қўл қўйипти?

— Хоразм Марказий Ижрокомининг раиси Султонқори,— жавоб берди саркотиб газетани столга қўйиб.

— Султонқорини ёвонимизга чақириш керак, деҳқонпарвар, фуқаропарвар киши экан, боқиб юрган семиз қўйимни сўярдим,— деди деҳқонлардан бири.

## Бешинчи боб

Миршаропов бошчилигидаги қизил аскарлар Оғажон эшон, Саъдулла болаларнинг отличларини қувиб бориб бир қанча қишлоқ ва шаҳарларни ишғол қилдилар. Хонқа, Боғот, Бешариқ, Эшонбозор, Ҳазорасп ва бошқа қалъалар озод қилинган, босмачиларга қўшилган

деҳқонлар ўзларининг алданганликларига тушуниб, ўз хоҳишлари билан таслим бўла бошладилар.

Мадримбойнинг туғилган жойи Питнак, Оғажон эшоннинг ота юрти Садвар қўлдан кетгач, аҳволлари оғирлашганини англаб, саросимага тушдилар. Туз Султон атрофида бўлган жанглarda уларнинг отлиқлари тамоман тору мор қилинди. На Оғажон эшон, на Саъдулла болага ишончи қолган Мадримбой қаерга қочиб боришини, қаердан бошпана топишини билмасди. «Кечагина Жунайдохон,— ўйларди у,— бизни Хивага хон қилиб; дўстим Собирбойни девонбеги, Матчон тўрани вазири акбар этиб тайинлаганди. Жунайдохон ҳам, биз ҳам лашкар тўплаб, кучайиб кетдик. Январь ойига бориб ҳар икковимизда йигирма мингга яқин қўшин бор эди. Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳару қишлоқларини олиб Хивага ҳужум қилдик, уни қамал қилиб, кофирларни довдиратиб қўйдик, большовойларнинг сўнги кунлари этиб келган эди. Галаба шундай кўришиб турганда Тошовуз томондан Аҳмаджон пирсиённинг отряди, Чоржўйдан Шайдаковнинг полки этиб келиб, иш чап-пасига айланиб кетди. Қоча-қоч бошланди. Жупайдохон ошоққа<sup>1</sup>, биз юқорига<sup>2</sup> қочдик.

Дўстим Оғажон эшоннинг ҳам боши гаранг. Унинг икки юзга яқин отлиғи қолган, Саъдулла бола, Шокир болада ҳам ундан кўп эмас. Булар билан бўрондай ёпирилиб келаётган қизил аскарларга қарши жанг қилиб бўладими? Жунайдохоннинг аҳволи не кечди экан?»

Мадримбойнинг хаёлини Собирбой бўлди.

— Шерик, туринг, отланинг!

— Нама гап?

— Бу ерга ҳозир қизиллар галиб қолиши мумкин.

— Энди не ера борамиз?

— Дарғонотага.

— Оғажон Эшон қани?

— У ера кетди.

— Жунайдохондан чопар галмадими?

— Йўқ. Тезроқ отланинг, ўқ товушларини эшитмаяпсизми? Ёки асирга тушмоқчимисиз?

— Худо сақласин....

Мадримбой отига зўрға минди.

\* \* \*

Жунайдохон Балиқли қудуқ ёнига қурилган қора уйда кўк чой ичиб ўтирганида ўғли Эшшихон шошиб-пишиб кириб келди.

— Қоқа, Анна бола беш юз отлиси билан қизилларга асир тушибди.

— Нама деян?

— Шайдаков Аҳмадбекни саккиз юз отлиси билан қўлга туширипти, Полвон бола яқинлашиб қолди.

Ўғлидан бундай хунук хабарни эшитган Жунайдохон беихтиёр:

— Отасина лаънат,— деб юборди, кейин бир оз ўйлаб туриб,— сардорларни олдимга қақир,— деб буйруқ берди.

Ўғли чиқиб кетди.

Жунайдохоннинг ёши етмишдан ошган бўлса ҳам, қарилигидан шикоят қилмас, қип-қизил юзидан қон томиб турарди. Кун исиб, куннинг тафти қора уйни худди ҳаммомдай қиздириб юборса-да, Жунайдохон пинагини бузмасди. У бошидаги сариқ, узун чўгурмасини олиб ерга

<sup>1</sup> Хоразмнинг шимолий томонлари, Амударёнинг қуйи тарафи.

<sup>2</sup> Хоразмнинг жануби, Амударёнинг юқори томони.

қўйди-да, гилам дўпписидаги терларни артиб, устара билан силлиқ қилиб қирилган бошини силаб, яна дўпписини кийди.

Жунайднинг қалин, қуюқ қошига оқ тушган бўлса-да, кўзлари бургутнинг кўзидай чақнаб турарди. Фирт саводсиз бўлганидан фармонларни айтиб туриб мирзасига ёздирар, кимга қандай буйруқ берганини, қачон қандай мазмунда хат ёздирганини эсида олиб қолар, ҳатто ой-кунларига қадар янглишмай айтиб берарди. У саркардалари, мингбоши, юзбошиларини, ҳатто навкарларини отларигача билар, бунга ўғиллари ҳам қойил қолишарди.

Жунайдхоннинг важоҳатини биринчи марта кўрган киши уни девга ўхшатарди. У ўзини кўпинча оғир тутар, кам гап, лекин жаҳли чиқса энг яқин кишиларини ҳам аямас, бақириб-чақириб гапирарди. Улимга буюриш унинг учун ҳеч гап эмасди. Эридан ажраламан деб келган қизини жаллодга буюриб, «итдан ўтказ» деб ҳукм қилган эди. Ҳеч кимнинг сўзига кирмас, фақат пири Хон эшоннинг гапларига қулоқ солар, пирининг йўл-йўриғи, маслаҳати билан иш қиларди.

Жунайдхоннинг қора уйига саркардалари бирин-кетин кириб кела бошлашди. Улар сийраклашиб қолган; суюкли куёви Байрамхон, яхши кўрган набираси Хива жангида ҳалок бўлган, Анна бола асир тушган эди. Сардорлар қора уйни тўлдиришди. Эшон қора уйга кириб келганида ўтирганлар ўринларидан туриб пирни қарши олишди. У Жунайдхоннинг ўнг томонига, Матчон тўра эса чап томонига ўтирди. Ушоқбеги, Кўкланг ботир, Болта ших, Дурди қилич (уни баъзан Дурди қора ҳам дейишарди) ҳам ўз мартабаларига қараб жой ишғол қилишди.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.



Катта ўгли йўгон гавдали, қирқларга бориб қолган Эшши, кичик ўгли — ўттиз бешларга борган ориқ, новча Амир отасининг фармонини кутиб пастроқда ўтиришарди. Жунайдхон сардор-саркардаларини яна бир марта кўздан кечирди. Бари чекинабериб чарчаган, асабийлашган, ориқлаб, қорайиб кетган, баъзиларида қуруқ гавданинг ўзи қолган эди.

— Неча отлиқ қолди?— деб ҳар қайси лашкарбошидан сўради Жунайдхон чилим чека туриб. Юзбоши, мингбошилар қанча отлиқ қолганини айтишди, Жунайд уларнинг гапини эшитиб хафа бўлди, яна гапга оғиз жуфтлаган эди, чопар шошиб кирди.

— Қизил аскарлар яқинлашиб қолди!

Бу хабар ўтирганларни довдиратиб қўйди. Жунайдхон сукутга толди, Ушоқбеги ўрнидан турди:

— Агар бу ерда бир оз туриб қолсак Шайдаков, Полвон бола, Аҳмад пирсиёнларнинг аскарлари галиб, кулимизни кўкка совуради. Хон оға, қани, отланайлик.

Бепоев Қорақум саҳросини у чеккасидан бу чеккасига неча бор отда юриб ўтган Жунайдхон ҳар бир қудуқ, ҳар бир довонни яхши биларди, қизил аскарларнинг катта қудуқ — Балиқлини олиб, жуда яқинлашиб қолганларини, уларнинг қанча кучи борлигини ҳам сезарди.

— Йигитлар, Хивани қуршаганимизда бизда йигирма мингга яқин лашкар бор эди, галаба шундай қўлимизга кирай деб турган эди. Лекин Хивани ололмадик. Кучимиз сийраклашди. Уларга қолган отлиқлар билан зарба бериш амри маҳол. Мен шундай фикрга галдим: бундан кейин ҳар бир сардор ўз йигитлари билан мустақил ҳаракат қилсин, балки шу йўл билан большевойларга кўпроқ зарба берармиз. Матчон тўра, сиз бир тўдага, Дурди қилич, сиз бир тўдага бош бўлинг. Болта ших, сен болам, Кўҳна Урганч томонларда ҳаракат қил. Хуллас, ҳар ким ўз йўлини топсин. Худо сизларни қўлласин! Кейинчалик янги куч тўлаб, ҳаммамиз бирлашиб уллироқ ҳужум бошлармиз. Мен билан ўғилларим Эшшихон, Амирхонлар ва Ушоқбегининг йигитлари бирга бўлади. Биз кофирларни ўз кетимиздан эргаштириб қум ичига чекинамиз.

Жунайдхоннинг гапи тугар-тугамас гуриллаган овоз эшитилди. Қора уйдагилар «ўзи на гап?» деб бир-бирларига қарашди.

— Хон оға, осмонда учар дев!— деди ҳовлиқиб кирган эшиқбон.

Уйдагилар ўринларидан қалқиб туриб, бир-бирларини итаришиб ташқарига чиқишди. Осмонда аэроплан — «учар дев» учмоқда. Баъзилар қора уй орқасига, баъзилар довон орқасига яширинди. Жунайдхон ўзини босиб, учотар милтиғи билан самолётга қараб ўқ узди. Унга бошқалар ҳам эргашди. «Юнкерс» осмонда бургутдай айланарди.

— Шунча йил большевой билан урушиб бундай балолиқни гўрмадим,— деди Жунайдхон ёнида қумга чўзилиб ётган Хон эшонга.

— Бу ердан тезроқ кетиш керак,— деди қалтириб Хон эшон,— яна бекорга ўлиб кетмайлик.

Самолётлар бор ўқини отиб бўлгач, қайтиб қизил аскарлар позициясига келиб вимпель ташлади.

— Учувчи Виприх билан Никитинга раҳмат, уларнинг ёрдами билан Жунайдхоннинг турган ерини билиб олдик. Энди катта ҳужумни бошлаймиз,— деди Полвон вимпель ичидаги қоғозни ўқиб,— шу вақтга қадар бўлган жангларда Жунайдни Қорақум ичига қувиб борардик-да озиқ-овқат, сув, ўқ тамом бўлиб, кетимизга қайтиб кетардик. Мана, энди ҳамма нарса бор, аэропланлар ҳам бизга ёрдамга галди. Қўмондонлик олдимизга Жунайдхонни буткул тор-мор қилиш вазифасини қўйди. Йигитлар, ҳужумга тайёрланинглар!

Қизил аскарлар Жунайдхондан Балиқли қудуқни тортиб элгач,

катта куч тўплаб Чоришли қудуқ томон юриш қилдилар. Туяларда озиқ-овқат, сув, ўқ-яроғ олиб бориларди. Кўҳна Урганчдан икки юз йигирма туяда озиқ-овқат, ем-хашак ортилган карвон келди. Еттиҳовуздаги қизил аскарлар қароргоҳига аэропланлар келиб қўнди, уларда разведка материалларидан ташқари ўқ-снарядлар ҳам бор эди.

Чоришли қудуқ учун бўлган жангларда ҳар икки томондан юзларча одам ўлди. Дев қалъа, Ўрта қуйи<sup>1</sup> даги жангларда Жунайдхоннинг бир қанча отличлари асир қилиб олинди. У минг-минг қўй, йилқи, туяларни ташлаб Идги қалъасига чекинишга мажбур бўлди. Жанг операциясига бош қўмондон Кутяков ва Ҳарбий нозир Шайдаков раҳбарлик қиларди.

Ожи қудуққа чекинган Жунайдхонда икки юзга яқин отлич қолган эди. Саккизинчи апрелда Ожи қудуқ ёнида Жунайдхон билан қизғин жанг бўлди. Душман ўттизта ўлик, икки пулемёт, саксон туя, бир қанча от, қўй, сандиқ тўла олтин-кумуш ташлаб Афғонистон чегараси томон қочди.

— Кутяковга тасанно!

— Шайдаковга балли!

— Полвонга офарин!— деган овозлар Хоразм воҳасида янгради.

## Олтинчи боб

— Давлат оға, бу йил ёзда мени Тошкентга ўқишга юборинг, мана аризам,— деди йигирма-йигирма иккиларга борган йигит.

— Машариф, сен ўқишга кетсанг театрнинг аҳволи нама бўлади? Ахир театрнинг асосий артистларидансан-ку,— деди маориф нозир аризани қўлига ола туриб.

Кабинетга яна бир ёш йигит кириб келди.

— Мана, мен ҳам ариза олиб галдим.

— Матназар, на гап, Машариф билан тил бириктирганмисизлар? Сизлар кетсаларинг театрни ёпиб қўярканмиз-да?!

Машариф Полвоновнинг тенгқури Матназар Одамов унга қараганда хипчароқ. У театрдан ташқари Хоразм комсомол ташкилотида ҳам ишларди. Йигит нозирнинг жаҳли чиқиб турганини кўриб, индамасдан чиқиб кетмоқчи эди-ю, лекин яна ўйланиб тўхтади.

— Мен бултур ҳам ариза бергандим. У вақтда ҳам худди шундай важ бўлганди. Давлат оға,— у ялингансимон нозирга тикилди.— Бизда ўрта маълумот ҳам йўқ... Артист деган олий маълумотли бўлиши керак.

Нозир аниқ ваъда бермади, маслаҳатлашиб кўрамиз, деди. Улар хайрлашиб чиқиб кетишди.

\* \* \*

Хоразм комсомол Марказкомида талабаларни юбориш ишлари билан шуғулланувчи Матёқуб Девоновнинг қўлида ҳам бир қанча аризалар бор эди. Аризаларнинг кўпи Хива шаҳридан, баъзилари яқин район марказларидан. Лекин узоқ қишлоқ, районлардан, миллий об-ластлардан аризалар кам. У «Хўжайли, Кўҳна Урганч, Тошовуз тарафларидан, Ҳазорасп, Питнак, Дарғонота томонларидан ҳам талабаларни Тошкентга юборишимиз керак» деб ўйлар, бу ҳақдаги ўз мулоҳазаларини комсомол Марказий Комитети секретарлари Қарим Болтаев, Болта Шариповларга айтарди.

Энди йигирма ёшга кирган Матёқуб Девонов оқ юзли, қора кўз, қора қош, табиатан мулойим бўлганлигидан унга кўп қизлар мафтун эди. Аммо у фақат Фотимани севар, у билан унаштирилган эди. Фоти-

<sup>1</sup> Қудуқ.

ма Тошкентдан ёзги таътилга келиши биланоқ тўйни бошламоқчи. Катта рўзгорга бир ўзи бош бўлгани, учун тўй қилиш қийин эканлигини билди. Отаси инқилобдан илгари бешта бола билан оиласини ташлаб, бошқа хотинга уйланган. Укалари, сингиллари, онасини боқиш Матёқубнинг гарданида. Мана, неча йилдан бери рўзгорни ўзи тебратмоқда.

У ишини тугатиб, Фотиманинг онасидан хабар олай, деган хаёлда Патрак кўчасига бурилди. Улар Раҳмат Мажидий, Ходий Сайдашевларга ён қўшни. Матёқуб Девоновни Фотиманинг онаси Моможон опа очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Галинг, галинг, болам, қани, тўра ўтинг.

— Хол-аҳволингиздан хабар олай деб галдим.

— Дим яхши қилибсиз. Ман илгари ўғлим йўқ деб хафа бўлиб, юрардим. Мана, сиз ўғлимдан ҳам яхши чиқдингиз, барака топинг, болам,— Моможон опа дастурхон ёзди.

— Қизларингиздан хат олиб турибсизми?

— Ҳавво, умрлари узоқ бўлмай, тез-тез хат ёзиб туришади. Уқишлари яхшимиш. Мен бир томондан хурсандман, лекин иккинчи томондан қийналаман. Сиз Фотимамни, Давлатбой Хадичамни Тошкентга ўқишга юбориб, ота-онани ёлғиз қилиб қўйдингиз.

— Уқиб галишса Хоразмга фойдаси тегади.

— Тўғрику-я, лекин ёлғизлиқ ёмон. Баъзан чол-кампир арзиманг нарсага ўришиб кетамиз, мен қизларимни соғиндим, деб айтсам балого қоламан. «Ўзинг айбдорсан. Бўлмаса бўйи етиб турган қизларни Хоразмдан узоқ жойга — Тошкентга юборармидинг, мана энди ҳар куни йиғлайбериб бағримни эзипсан. Кўп йиғлама, шум кампир, яна кўр бўлиб қолма!» деб койгани-койган. Қизларимни соғинаман. Фотимани ҳоли не кечди экан мусофир шаҳари...

— Нега мусофир шаҳари бўлсин, Тошкент ҳам ўзимизники. Анабиби Сафоева, Анабиби Муродова, Гулчеҳра Султонмуродовалар ҳам, Тошкентга ўқишга кетамиз, деб ариза беришган. Ўзим ҳам ўқишга кетмоқчиман. Иккинчи марта ариза бердим.

— Сиз ўқишга кетсангиз, онангизнинг ҳоли не кечар экан? Укаларингизга жавр бўлади, болам.

— Тошкентда ҳам ўқиб, ҳам ишлаб пулини онамга юбораман, иним Матлатифни, синглим Шарифани ҳам ўқишга юбораман.

— Уқишгани яхши, одам бўлишади, айтишади-ку илм — ақл чироғи деб донишмандлар.

— Бу гапингиз тўғри. Ҳамма оналар ҳам сиздай онгли бўлса, Хоразм тез гуллаб кетарди. Баъзи бир ота-оналарга тушунтиравериш хуноб бўлиб кетасан.

— Болам, баъзи ўжар, қайсар оналар бўлса менга рўбарў қилинг, ўзим уларга тушунтириб қўяман.

Моможон опа овқатга қараётган эди Матёқуб ўрнидан турди.

— Онажон, овора бўлманг, бу ер овқат емаган жойимизми? Кеч бўлиб қолди, уйга борай, онам хавотир олиб ўтиргандир.

Матёқуб Девонов дам олиш куни укаси Матлатифни ва синглиси Шарифани ўз олдига чақириб, ўқишга боришлари ҳақида суҳбатлашди. Буни эшитган онаси:

— Болам, укаларингга нималарни тушунтиряпсан,— деб сўради хавотирланиб. Ун тўртларга қадам қўйган Матлатиф акаси ўрнига жавоб берди:

— Биз Тошкентга ўқишга кетмоқчимиз.

— Оғам мени ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи,— деди истараси иссиқ, қора мағиз, шўх, лўппигина Шарифа акасига илжайиб.

— Ўғлим, ўқишга кетишингга қарши эмасман, жўраларинг, тенг-қурларинг ўқишга кетаётир, буни эшитдим. Лекин укаларинг бу йил

бормасин, сен Тошкентда ўқишга жойлашиб ол, кейин укаларингни чақирарсан. Опанг Султонпошша, кенжатоё синглинг Солиҳа билан бу ерда бир амаллаб кунимизни ўтказармиз.

— Йўқ, йўқ, бу йил биз ҳам оғам билан бирга кетамиз,— деб туриб олишди Матлатиф билан Шарифа.

— Хархаша қилманглар, ёз галсин-чи, бир гап бўлар,— деб она уларни ҳам, ўзини ҳам юпатди.

Матёқуб Девонов хонасига киргандан кейин альбомдаги Фотима-нинг суратини олиб, узоқ тикилиб қаради-да, сўнг унга хат ёза бошлади:

*«Азизим Фотимахон!*

*Кеча уйингизга бориб, онангизни кўриб, ҳол-аҳволингни сўрадим. Ҳаммаси соғ-саломат. Хатларингизни олиб туришибди. Опа-сингил тушган суратингизни олиб, дим хурсанд бўлишибди, кўни-кўйишиларга ҳам кўрсатишибди. Мен ҳам комсомол гимнастёркасини кийиб, «КИМ» значогини тақиб тушган суратингизга қараб гўё сиз билан сўзлашгандай бўлдим...*

*Фотимахон! Қанча-қанча улли ишларни қилгим келади. Муҳаббатингиз менга куч-ғайрат бағишлайди. Наҳотки, севгининг сеҳри шунчалик кучли бўлса! Ишқ-муҳаббат кишини телба қилади, деган гапга ишонмай қўйдим, аксинча муҳаббат кишиларда энг яхши фазилатларни пайдо қилади, у олий тилак-орзуларга етаклайди. Бу олижаноб фазилат ҳар қандай фалокатдан кишини қутқазади, руҳий тушкунликдан, разил ҳирслардан кишини сақлайди, кишига қанот боғлайди. Мен ҳам учиб олдингизга бормоқ ниятидаман. Бу йил Хоразмдан кўпгина талабалар Тошкент, Москва шаҳарларига ўқишга кетади, шу кунларда маориф назорати, комсомол Марказкомига кўплаб аризалар тушмоқда. Анабиби Сафоева, Анабиби Муродова, Анна Емильяновалар Давлат Ризаев ҳамда Қарим Болтаевнинг ҳузурига боришиб, ўзларини ўқишга юборишни илтимос қилишяпти.*

*Азизим! Чиқонингиз Султонпошшанинг уйига бориб турибсизми? Жўрамиз Бекжоннинг ўқишлари яхшими? Оғаси Полвон ботир қумда Жунайдохона қарши шиддатли курашлар олиб бормоқда. Миршароповлар Оғажон эшон, Саъдулла болаларга зарба бермоқда. Яқин орада Хоразм босмачилардан буткул тозаланади, шунда Ватанимиз Хоразм яна гуллаб-яшнаб, обод бўлиб кетади.*

*Фотимахон! Тез-тез хат ёзиб туринг, хатингизга муштоқман. Сизни дим соғиниб, комсомоллик саломи билан:*

*Матёқуб.*

*Хива, 1924 йил. Апрель».*

\* \* \*

Маориф ноziри Давлат Ризаев ўқишга кетмоқчи бўлганларнинг ҳужжатларини кўтариб Марказком секретари Хонсуворов олдига келди. У ерда Марказижроком раиси Султонқори Жуманиёзов, Нозирлар шўросининг раис ўринбосари, иқтисодий шўронинг раиси Саъдулла Турсунхўжаевлар ҳам бор экан.

— Ҳамма ёшуллар шу ерда экан,— деб сўз бошлади Давлат Ризаев,— бу йил Тошкент, Москвага бориб ўқиймиз деб ариза берганларнинг ҳисоби йўқ.

— Яхши бўлипти. Илгари ташвиқот қилардингиз, энди сўзингизнинг устидан чиқшингизни сўрашяпти,— деди Хонсуворов сал кулимсираб.

— Бу тўғрику-я, лекини бор.

— Хўш, қани эшитайлик.

— Шунча одамни ўқишга юборишга Маориф назоратида имконият йўқ, ўқишга кетувчиларга пул, кийим-кечак, стипендия, хуллас маблағ керак.

Хонсуворов аввало Султонқори Жуманиёзовга сўнг Турсунхўжаевга савол назари билан қаради. Улар ҳам ҳукуматда етарли сармоя йўқ эканини айтишди.

— Бу, маданий инқилоб, жўралар, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак. Аризаларни яхшилаб ўрганиб чиқиш, талабаларни танлаш учун махсус комиссия тузиш керак. Фақат Хива, Урганч шаҳарлардангина эмас, узоқ район-қишлоқлардан, туркман, қорақалпоқ, қозоқ овулларида ҳам талабаларни кўплаб ўқишга юбориш зарур. Ўқишга юбориш масаласини катта сиёсий масала деб қараб, уни Марказижроком ва Нозирлар шўросида муҳокама қилиш лозим. Марказкомдан қандай ёрдам керак бўлса барини берамиз. Менимча, комиссияга раис қилиб Марказкомнинг бўлим бошлиғи, партия мактабининг мудири Афзал Тоҳиров тайинланса яхши бўларди. У кекса ўқитувчи, катта ёзувчи, бу таклифга қандай қарайсизлар?

— Мақбул!— дейишди ўтирганлар.

## Еттинчи боб

Узун чўғирма, қизил чопон кийиб, ўн бир отар милтиқни елкасидан ўтказиб олган, учи қайрилма оқ этик кийган Оғажон эшон қанча қишлоқ, шаҳарларни қўлдан бериб, ўзи тугилиб ўсган Садварга чекинди. Уни яқин кишилари, муридлари қарши олишди. Хоразм республикасининг энг сўнги шарқий чегарасидаги Садвар жанглари натижасида бир неча марта қўлдан-қўлга ўтганди.

Оғажон эшон данғиллама иморати олдидаги ҳовуз ёнида, катта супада чордона қуриб чой ичиб, ҳордиқ чиқараркан, навқару муридлари тикка туриб унинг янги фармонларига қулоқ солишарди. Эшон юзбоши, мингбоши ва мулозимларига Садварни қаттиқ мудофаа қилиш ҳақида буйруқ бериб:

— Мени бирпас ҳоли қолдиринг,— деди.

Оғажон эшон ёлғиз қолгач, пиёладаги қайноқ чойни пуфлаб ичаётиб, ҳашаматли иморати томон назар ташлади-да, хаёл сура кетди: «...Яқиндагина ҳеч қайси қасрдан қолишмайдиган иморатим узоқ ерлардан келган беҳисоб муридлар билан тўла эди. Уларнинг баъзилари Даргонотадан, баъзилари Чоржўйдан, баъзилари Хоразмнинг узоқ-яқин қалъаларидан келиб, қўй, бузоқ ҳатто от-туяларни назр-ниёз қилишарди. Номим Хива хонлигининг бутун шаҳар-қишлоқларига тарқалган эди. Содиқ муридларим ёш-ёш қизларни менга назр қилиб, фотиҳамни олиб кетишарди. Қанча хотиним, қанча чўри, хизматкорларим бор эди. Мол-мулким, ерларим, қўю эчкиларимнинг ҳисобига ўзим ҳам етолмас эдим. Жунайдохоннинг пири Хон эшон менчалик обрўга эга эмасди. Қимсан, Оғажон эшон эдим. Мана энди қайси аҳволга тушиб қолдим. Ўзимни қил устида тургандай сезяпман. Бу ёғи нима бўларкин?»

Оғажон эшон пешин намози бўлиб қолганини билиб ўрнидан турди. Унинг муридлари ҳовуз олдида келиб, сафга тизилишди. Эшон имомликка ўтди.

\* \* \*

Тошкентлик йигит Миршаропов Хоразм ўлкасини беш бармоғидай яхши биларди. У йигирманчи йилнинг бошларида биринчи бор Хоразмга келиб, ёш республикани барпо қилишда жонбозлик кўрсатган инқилоб сардорларидан бири эди. 1921 йилнинг охирига бориб Хоразм рес-

публикасининг Ҳарбий ноziри бўлди. Кейинчалик уни Туркистон ҳарбий қўмондонлиги миллий қисмлар тузиш учун Тошкентга чақириб олди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас Хоразм бошига оғир кун тушиб, республиканинг тақдири қил устида турган пайтда, у яна ёрдамга келди. Хивани душман қуршовидан озод қилишда, Жунайдахон тўдасига қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатди. Хоразм қуроли кучларининг бош қўмондони Кутяков Миршароповга ишонар, оғир участкаларни унга топширарди.

Урта бўй, ёши ўттизларга борган Миршаропов ҳарбий санъатнинг нозик томонларини яхши билар, душманнинг ҳийла-найранглари олдидан пайқаб, кутилмаганда унга зарба берарди. Бу галги мақсади: Оғажоннинг қароргоҳи Садварга қўққисдан ҳужум қилиб, ёв лашкарини тор-мор қилиш, сардорнинг ўзини эса тириклай қўлга олиш.

— Уртоқ Миршаропов, бош қўмондон сизга қўшимча куч юборди,— деди келган чопар. Буни эшитиб Миршаропов севишиб кетди:

— Уртоқ жангчилар! Оғажон эшон билан сўнгги бор жанг қилиш пайти келди. Хоразм жумҳурияти, Хоразм халқи сизларнинг қаҳрамонлигингизни унутмайди, сўнгги жангга олға!

Қоронғи кеча. Кўкда на ой бор, на бир юлдуз. Қум тепалар ҳайбатли қора девлардай ястаниб ётарди. Миршароповнинг аскарлари қочиб кетаётган Оғажон эшоннинг изидан қувиб боришарди.

— Анча узоққа кетиб қолдик шекилли,— деди Мадримбой Оғажон эшон билан ёнма-ён кета туриб.

— Ҳавво, энди қизил аскарлар бизни қувиб етолмайди, улар бир кунлик йўлда қолишди.

— Оға дим чарчадик, кечаси отларга дам берсак, кейин тонг отмасдан туриб йўлга отлансак,— деди юзбошилардан бири Оғажон эшонга мурожаат қилиб. Унинг ўнг томонида кетаётган Собирбой эътироз билдирди.

— Йўқ, йўқ, қизиллар қувиб етиши мумкин.

Юзбоши яна гап бошлади:

— Сардор, шу кеча отларга дам бермасак ҳаммасидан ажраламиз.

Оғажон эшон ноилож унинг гапига кўнди. Утовлар тикилди. Оғажон эшоннинг ўтовида Мадримбой, Собирбойлар ётишар, негадир Собирбойнинг уйқуси келмасди. У чилим устига чилим чекиб, қора уйдан ташқарига чиқиб айланиб юрди. Қоронғилик борган сари қуюқлашарди. Собирбой қора уйдан нарида боғлиқ турган отини кўрмади. От ўз эгасини кўриб кишнади. У ўт ёқиб, чой қайнатиб ўтирган қоровул олдига борди.

— Нега кечаси ўт ёқасиз? Ахир қумда ҳар бир йилтиллаган чўр узоқ-узоқдан кўринади-ку! Қани, ука, ўтни дарҳол ўчиринг.

— Ажаб оға,— қоровул шу замониёқ ўтни ўчирди.

Собирбой у ёқ-бу ёқни айланиб қора уйга кирди. Оғажон эшон, Мадримбойлар қотиб ухларди. Собирбой қора уйда осилиб турган лампанинг пилигини аста тушириб қўйдида, ўз ўрнига чўзилди, лекин барибир уйқуси келмади, турли хаёллар уни чулғаб олди. Бу орада Миршароповнинг йигитлари Қорақумнинг даҳшатига парво қилмай йўл босарди. Узоқдан отларнинг кишнаши эшитилди, милт-милт ёниб турган олов кўринди.

— Мусо, сенинг кўзинг ўткир, қара, чироқ эмасми?— сўради Миркомил Миршаропов солдатдан,— ё саробми?

— Сароб эмас...

Қизил аскарлар Оғажон эшон қароргоҳига етиб боришди. Мудраб ётган, ухлаб қолган қоровулларнинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёқларини боғлашди, қаршилиқ қилганларнинг ишини саранжомлашди.

Огажон эшон ётган қора уйга аввал Миршаропов, кетидан Польшов ётиб киришди.

— Қўлларингни кўтар!— деб амр қилди Миршаропов.

## Саккизинчи боб

— Шерик, эшитдингизми Огажон эшон, Мадримбой, Собирбойлар ушланибди,— деди Оллақулибой Елмонбойга, пешонасидан селдай оқиб турган терини артиб.

Оллақулибой семириб кетганлигидан иссиққа чидолмайдиган бўлиб қолган эди. Лекин нафсини тиёлмас, ёғлиқ, сергўшт хамир овқатларни яхши кўрар, хотинлари унинг хуш кўрган таомлари,— гўмма, юмurtқа-барак<sup>1</sup>, тандир кабоби, чаловлар пишириб беришарди. Ҳозир ҳам гўммани уст-устига чайнамасдан ютмоқда эди. Елмонбой бўлса олтмишдан ошганига қарамай ҳали тетик, серҳаракатчан. Унинг чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзлари ичига тушиб кетган эди. Ута зиқнализидан, гўшт, ёғни камдан-кам харид қиларди. Хотини орқасидан: «Бахил бўлмай ўл!» деб қарғарди. Елмонбой ўз одати бўйича дастурхондан нон ушоғини тераётиб дўстига деди:

— Суянган кишиларимиз бирин-кетин қўлга тушаётир. Энди ҳолимиз забун бўлади. Ишқилиб худонинг ўзи асрасин бизни.

— Судлари Мадрим девонниқидан улли бўлса керак.— Оллақулибой кўк чойни ичиб яна гўммани тушира кетди.

— Шерик, Мадрим девоннинг судига бориб турибсизми?

— Бир-икки бордим, кўп юрсам ҳаллослаб қоламан, файтончим ҳам кетиб қолди. Судда одам гўж-гўж. Мадрим девоннинг ранг-рўйда қони қолмапти, ичим увишди. Эшитдингизми, Ханиф Канеевни ҳам қамашибди. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб судига бормай қўйдим.

— Яхши йигитлар экан, бизларни тилга олишмаяпти, худога минг қатла шукур қиламан.

Меҳмонхонага маст-аласт Назир кўр кириб келди. У зўрға оёқда турар, кимнидир ўзича сўкиб гўлдирарди.

— Назирбой, қани ўтиринг ким сизни хафа қилди?

— Аблаҳ, валатизано Аҳмад ўрис-да! У каззоб ҳали олдимдан «лип» этиб чиқиб қолса бўладими, таъбимни хира қилди-қўйди.

Назир кўр маст нортуюдай гилам устига чўкди. Унинг шиша кўзи тушиб кетаёзган эди, яна кўзхонасига солиб қўйди. Узи Хиванинг катта савдогар бойларидан. Полёзхожи тузган «Еш хиваликлар» тўдасининг аъзоси, 1917 йилда Хивада «Идорай машрута» тузилганида Полёзхожига ёрдам берган. Унда катта мансабни эгаллаган эди. Исфандиёрхон «Идорай машрута»ни тарқатиб юборганида Полёзхожи билан Тошкентга қочди. Тошкентда савдо-сотик ишлари билан машгул бўлиб, тоза айш-ишрат суриб юрди. 1920 йилда Хоразм инқилоби га-лаба қозонгач Полёзхожи билан мартнинг ўрталарида Хивага қайтиб келди. Меҳнаткаш халқ орасида ўқимишли кишилар бўлмагач, «Еш хиваликлар» бошлиғи Полёзхожи ҳукумат тузиб, Назир кўрни аввал масъул саркотиб, кейин Маъмурий бўлим бошлиғи, сўнг Хорижия но-зири қилиб тайинлади. Халқ Полёзхожи ҳукуматини 1921 йилнинг мартада ағдариб ташлади. Назир кўр қамалди. Лекин кўп ўтмай афвумумий бўлиб, турмадан озод бўлди. Шерикларининг ёрдами билан савдо-саноат назоратига ишга кирди. Ичмаган, тўртта хотинини навбатма-навбат урмаган куни йўқ.

— Аҳмад ўрисни ҳў адабини берган эдик. Лекин у Масковда иши-

<sup>1</sup> Тухум солинган чучвара.

ни тўғрилаб галди. Ҳали у аблаҳ қараб турсин, баттарига учрайди. Шундаймасми?

— Шундай,— дейишди ўтирганлар.

Маҳмудов Хоразм республикасининг биринчи Чека раиси бўлганида Исфандиёрхон ва унинг қариндошларининг мол-мулкани мусодара қилиб, ҳукумат ҳисобига ўтказган чоғида аламзадалар иғво-бўхтон уюштириб, бало тошини бошига ёддиришганди. Уни партиядан чиқаришга ва масъул ишлардан: Марказкомнинг иккинчи секретари, Марказкомнинг ҳайъат аъзоси ва бошқа вазифалардан бўшатилишига сабабчи бўлишганди. Маҳмудовнинг аризасини Москвада партия контроль комиссияси текшириб, устига қўйилган айблари нотўғри топилиб, партия сафида қолдирилган эди. Бу ҳол аламзадаларнинг жаҳлини чиқариб, иғвони учига чиқаришди.

— Маҳмудовни турмада чиритиш керак!— бақирди Назир кўр.

— Назирбой, гапингиз дим тўғри. Аҳмад ўрис энди бизга ҳеч кун бермайди,— пишиллаб гапга аралашди Оллақулибой.

— Аҳмад ўрис мусулмон фарзандларини кофир қилиш мақсадида бир қанчасини Тошкент, Масковга юборишга ҳаракат қилиб юрипти. Бокира қизларимизнинг паранжисини ташлатиб, ор-номусини барбод қилмоқда!— деди Ёлмонбой ичига тушиб кетган кўзларини бақрайтириб.

— Аҳмад ўрисни қаматишнинг йўли борми?— сўради Оллақулибой Назир кўрга қараб.

— Йўлини сўраяпсизми, қопини<sup>1</sup> яхшилаб бекитиб қўйинг, ҳаммасини айтиб бераман.

Мезбон ичкари, ташқари эшикларни беркитиб келди. Учала аламзада мукка тушиб Аҳмад Маҳмудовни қаматиш ҳақида режа туза бошлашди.

\* \* \*

Оғажон эшон, Мадримбой, Собирбойларнинг қўлга тушгани тўғрисидаги хушхабарни эшитган Какак Собир аканинг кабинетига кириб:

— Бузоқнинг югуриши сомонхонагача, деганларидай, бўрилар қопқонга тушибди-ку! Тузоққа туширганларнинг отасига раҳмат,— деди.

— Полвон ботир газанда Матчон тўрани ҳам қўлга туширса эди, сўнги балодан қутулардик. Уни намунали очиқ суд қилардик.

— Айтгандай, Собирбой, Нуруллаевнинг судида жамоат қораловчиси бўлибсиз. У қаззобнинг пўстагини яхшилаб қоқинг.

— Жуманиёз Эшмухаммедов дим ажойиб суд экан,— деди Собир ака папирос чека туриб.— Кўрнамак Мадрим девон «Сувдан қуруқ, харосдан<sup>2</sup> тирик чиқаман», деб суднинг бошини айлантираётир. Ипни чувалаштирмоқчи...

— Мулла Жуманиёзни яхши биламан, у устаси фаранг йигитлардан, уни алдаб бўлипти.— Какак Эшмухаммедовнинг фазилатларини бирма-бир айта кетди.

— Нуруллаевнинг уйи тинтув қилинганда бир неча килограмм олтин, бриллиант, бели синмаган червонлар топилибди. Мунча молдунёни нердан олган у газанда?

— Ўғрига мол қаҳатми? У еб туриб мағрайдиган очкўзлардан. Бир пул учун ўзини учакдан ташлайди, у валатизино.

— Нуруллаев ўзини қутқазмиш учун дўстларини ҳам сотади.

<sup>1</sup> Эшик.

<sup>2</sup> Тегирмон.

<sup>3</sup> Том.



— Гапларингиз дим тўғри. Эсингиздами, Марказижрокомнинг со-  
биқ масъул саркотиби Шокир Сиддиқов унинг яхши жўраси эди, иши  
битгач, ундан юз ўғирди, тузоққа илинтириб ўзи қутулиб қолди.

— Э, у иккинчи бир дўсти Ханиф Канеевни ҳам ўтга ташлади. Ле-  
кин илоннинг ёғини ялаган Мадрим девон олдида жинка<sup>1</sup> шумтака ип  
эшолмайди.

— Мана, энди ҳамма кирдикорлари учун жавоб беради. Олий суд  
Жуманиёз Эшмуҳаммедов ва сиздай қораловчидан қутулиб бўпти.

Нуруллаевларнинг суди бир неча кундан бери Нурловойнинг қиш-  
ки сарой айвонида давом этмоқда эди. Одам ниҳоятда кўп. Айбдорлар  
қора курсида.

— Сиз ўз айбларингизни бўйнингизга одасизми?— сўради суд раи-  
си Мулла Жуманиёз Нуруллаевга тикилиб.

— Менда ҳеч қандай айб йўқ,— ўрнидан туриб жавоб берди Мад-  
рим Нуруллаев.

— Сиз савдо-саноат нозири бўлган вақтингизда Москвага пахта  
олиб бориб соттирдингизми?

— Ҳавво,— қисқа жавоб берди Нуруллаев.

— Неча вагон эди?

— Эллик вагон.

— Сотилган пахта эвазига саноат моллари, чунончи буклам<sup>2</sup>, без,  
чит ва шунга ўхшаш матолар олинган, шундайми?

— Ҳавво, шундай.

— Нама учун у моллар Хоразмга олиб галинмаган?

— Улар Масков бозорларида етилди.

— Намага?

— Матоларнинг нухаси хоразмликларга ёқмас эди.

— Аршинини қанчадан сотилди?

— Ўз баҳосида.

— Россия ҳукуматидан олинган читнинг аршини 45 тийин турса,  
сиз уларни бозорда 65 тийиндан соттиргансиз. Неча юз минг сўм фойда  
олгансиз, ина шу фойда нерда?

— Читларни Кемферт сотган.

— Кемферт қочиб кетган-ку.

— ...

— Катта савдогарлардан уч минг саккиз юз ўн беш той пахта  
мусодара қилинган. Шулардан минг ўнтаси бор, қолган, яъни икки  
минг саккиз юз беш той пахта приход қилинмаган. Улар қани?

— Мен билмайман. Омбор мудири эмасман,— истехзоли жавоб  
берди Нуруллаев.

— Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, уларни ҳам сиз Мос-  
квада соттиргансиз. Тушган пулларни нага банкага ўтказмадингиз?

— Мен сотган эмасман.

— Ким сотган?

— Қаердан биламан, балки Кемферт сотгандир.

— Ҳамма айбни қочиб кетган киши устига қўяверасизми?

— ...

— Читларни сотишда Оллаёрбой иштирок этдими?

— Хабарим йўқ.

Нуруллаев ҳамма нарсани рад қиларди. Суд раиси скамейкада  
ўйланиб ўтирган Оллаёрбойга қараб савол берди:

— Читларни сотишда сиз ҳам иштирок этингизми?

<sup>1</sup> Пакана, ҳийлакор, маъносида.

<sup>2</sup> Товар.

- Ҳавво. Нуруллаевнинг буйруғи билан. Сотган молдан менга процент берадирган бўлишди, бу ҳақда шартнома ҳам тузилган.
- Жуманиёз Эшмуҳаммедов Нуруллаевга қаради.
- Ўн мингга яқин қоракўл тери йўқ. Улар қаерда?
- Бундан хабарим йўқ.
- Ахир сиз савдо нозири эдингиз, ҳаммасидан хабарингиз борку.
- Билганимни айтаман, билмаганимни йўқ дейман.
- Хўш, айбингиз йўқ экан, нага турмадан қочиб кетдингиз?
- Турмада ётиш жонимга тегди.
- Бошингизга ўраган салла кимники эди?
- Отамники эди.
- Отангиз охун эмас эди-ку, салла...
- Отам саллани мен мадрасада ўқиб юрганымда яхши ният билан олиб қўйган эди. Қозиққа осиқлик турган эди.
- Судга келганлар шунча йилдан бери «қозиқда осилиб турган» салланинг стол устида турганини кўриб кулишди.
- Хўш, сиз миниб қочган от кимники эди?
- Ўзимники.
- От Оллақулибойники эканини Хива халқи яхши билади.
- Тўғри, от уники эди, мен қамалмасимдан бир ой илгари Оллақулибойдан сотиб олган эдим.
- Хивада данғиллама иморатингиз бўла туриб нага Берлиндан иморат сотиб олдингиз?
- Ёлғон. Берлиндан иморат сотиб олган эмасман!
- Мана бу иморат сизники эмасми?— суд раиси фотосуратни Нуруллаевга кўрсатди.
- Йўқ, меники эмас.
- Суд раиси айбдор Оллаёрбойдан сўради.
- Бу иморат кимники?
- Нуруллаевники. Иморатни ўн саккиз миллион маркага сотиб олган. Нотариус ҳужжатларини унинг қўлига шахсан ўзим берганман. Масковда Хоразмнинг савдо-тижорат ваколатхонасининг бошлиғи эдим.
- Читлар ошиқча баҳога сотилганми? Фойдаси бўлиб олинганлиги ҳақидаги гаплардан Марказижрокомнинг собиқ масъул саркотиби Ханиф Канеев хабардор эдими?
- Ҳавво. Ҳаммасидан хабардор эди. Нуруллаевнинг буйруғи билан матолар ошиқча баҳо билан сотилди, тушган фойданинг кўпини Нуруллаев олди. Унинг буйруғи билан Масков магазинларидан олтинкумушдан қилинган буюмларни сотиб олганман. Уларни Нуруллаев ўз дўсти Канеевга совға қилган.
- Ёлғон!— деб қичқириб юборди Нуруллаев.
- Секин гапиринг,— суд раиси Жуманиёз Эшмуҳаммедов уни огоҳлантирди.
- Эшмуҳаммедов суд ходимлари тайёрлаш мактабини ва ҳатто юридик курсини битказмаган. Мазкур суд Мулла Жуманиёз учун катта имтиҳон эди.

## Тўққизинчи боб

Баҳор... Салин, йилғин, саксовул каби қум ўсимликлари гуллаб, сахро чиройига чирой қўшган. Хушхўр ўтларни еб семирган қўй-эчкилару сакрашиб юрган қўзичоқларни, туя ва йилқиларни Жунайдохнинг навкарлари ҳайдаб чет эл чегарасига олиб боришарди. Тортиб олинган чорва молларини эгаларига қайтариш вазифаси бош қўмондон

Кутяков зиммасига тушган. У Никитиннинг «Юнкерс»ида қумликдаги барча ҳаракатни кузатиб борарди.

— Мен уларнинг додини бераман,— деди Кутяков тўдалашиб кетаётган босмачилар устига бомба ташларкан. Сўнг Никитинга ўғирилди.

— Қизил аскарлар позициясига учайлик,— деди ва ниманидир ёзиб вимпелга солди.

Самолёт қизил аскарлар турган жойга боргач, улар устидан бир неча марта айланди, қўмондон вимпелни ерга ташлади. Буни кузатиб турган қизил аскарлар вимпелни олиб ҳарбий нозир Шайдаковга олиб беришди.

— Бош қўмондон Кутяковдан олинган маълумот: Жунайдохнинг асосий лашкари Эшим бола қудуғи атрофида тўпланиб туришган эмиш,— Шайдаков ёнида турган штаб бошлиғига қаради, сўнг адъютантга буюрди.— Тезда Полвон, Хорнларни штабга чақиринг!

Адъютант ҳеч нарса бериб чиқиб кетди. Бош қўмондон Кутяковни Шайдаков кўпдан биларди. Чапаев ҳалок бўлгач, унинг дивизиясига Кутяков командир бўлган, кейинчалик ТуркВО ҳарбий советига аъзо бўлиб ўтган эди.

Ҳарбий нозир ҳаритадан бошини кўтармай ўтирарди. Унинг чо-дирига Полвон, Хорн ва бошқа командирлар бирин-кетин кириб келишди. Пешин маҳали. Жон олувчи гармселнинг иссиқ нафаси жангчиларни беҳол қилар, отларни безовта қилиб хансиратарди.

— Сувга кетган туялардан дарак борми?

— Ҳозирча йўқ. Кетидан разведкачиларни юбордик. Бор сувни тежаш керак. Эшим бола қудуғига етиб олсак одамлар ҳам, отлар ҳам сувга сероб бўлади.

Ортиқ савол-жавоб бўлмади. Шайдаковдан жанговар буйруқ олган командирлар ўз бўлималарига қайтишди. Полвон ўз бўлимасига келиб, қўмондонликнинг топширигини аниқ-равшан тушунтириб берди:

— Йигитлар, бир неча кунлардан бери даштда, чўлда, қумда юра-вериб, Жунайдох лашкарларига қарши қаҳрамонларча курашдингиз. Хоразм жумҳурияти сизлардан беҳад миннатдор. Энди сўнгги жангга кираётимиз. Душманга қақшатғич зарба берсак марра бизники!

— Полвон оға, биз сиз нама десангиз шуни қиламиз. Ўтга кир десангиз ўтга киришимиз,— деди қизил аскарлардан бири.

— Жунайдохнинг абжағи чиқди, қумда яраланган бўридай суд-ралиб юрибди, албатта қувиб етиб, тумшугини қумга ишқалаймиз,— деди Полвоннинг қадрдон дўсти Солижон.

Бу сўзларни диққат билан эшитиб ўтирган Матёз дев милтигини қумдан тозаларкан, ўйга толди: «Дарҳақиқат, йигирма мингга яқин лашкари бўлган Жунайдохда юзга яқин отлиқ қолган. Қизил аскарларнинг кучи эса кун сайин ошиб бормоқда. Кеча милтиқ ушлашни билмаганлар букун уста мерган. Мен буларни ўз кўзим билан кўраётиман. Қўрқмас, тоғий толқон қилувчи йигитлар. Лекин Жунайд тутқич бермаётир, барибир бир кунмас-бир кун у қўлга тушади. Бунга мен таом ишондим. Энди хўжайин Оллақулибойнинг аҳволи нима кечаркин? Уруш таом бўлгач унинг уйига борайми? Ёки хотиним билан бошқа жойга кўчиб кетайми? Полвон оға уй топиб бераман, деб ваъда қилди-ку. У ваъдасида турадиган йигит. Унга бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берсаммикан? Хўжайинимнинг гапига кириб Полвонга ўқ узганимни англасам тепа сочим тикка бўлиб кетади. Яхшиям ўқ тегмади, юрагим ҳамон ғаш. Босмачиларнинг ваҳшийлигини ўз кўзим билан кўриб, аблаҳларга нафратим ошиб кетди. Оллақулибойнинг ба-шарасини ит кўрсин.

Полвон оғамга гуноҳимни очиб ташлайман, юрагимни бўшатаман.

Нимаики жазо бўлса майли, барибир унга ҳамма гапни айтиб, юрагимни бўшатаман, тушунадиган йигит...»

Полвон қизил аскарлардан ҳол-аҳволларини суриштириб, от-уловнинг етар-етмаслигини текшириб чиқди. Бир қанча взвод, роталарда бўлиб, жангчиларни ҳазил-мутойиба гаплар билан кулдириб, чарчоғини кетказди.

— Иним, Матёз, аҳволлар қалай, жангга тайёрлик кўряпсизми?— сўради Полвон отини қашлаб турган Матёз девнинг олдига адъютанти билан келиб. Матёз дарҳол унга честь берди.

— Қурғур қумнинг иссиғи одамни эмас, отни ҳам хоритади. Лекин иссиққа қарамасдан сўнгги кучимиз борица курашамиз.

— Баракалла, иним!

— Яхшиям ўзингиз галиб қолдингиз, сиз билан учрашмоқчи эдим.

— Қулоғим сенда.

Матёз ийманиб, жим туриб қолди. Полвон унга далда бермоқчи бўлиб деди:

— Иним, азобларнинг кўпи кетиб, ози қолди. Буни ўзинг ҳам кўриб турибсан. Қум бўрисиининг аҳволига вой. У ўлим талвасасида.

— Уртоқ командир, отлар сув ичмаганди, мен суғориб келай,— деб адъютанти отларни олиб кетди. Матёз дев тилга кирди.

— Полвон оға, сизга ҳам дим қийин, ориқлаб қолибсиз. Биз бир отни эплай олмаймиз, сизга қанча аскару қанча улов қарайди. Биз бир иложини қилиб дам оламиз, оз-моз ухлаймиз ҳам. Лекин сизда тиним йўқ.

— Ука, барига кўникиб қолдик.

Қуёш ғарбга томон оғиб, ҳарорати пасайса ҳам ҳаво дим, шамолдан дарак йўқ. Полвон шапкасини олиб, дастрўмоли билан боши ва пешонасидан оққан терларни аста артиб, гапини давом эттирди:

— Иним, бола-чақангни соғингандирсан, хат ёзиб турибсанми?

— Савод нерда дейсиз, алифни таёқ деймиз.

— Уруш тамом бўлсин, сени саводсизликни битириш курсига кiritиб қўяман. Ўзим ҳам Тошкентга ўқишга кетаман.

— Оға, ёшингиз ҳам ўттиз уч-ўттиз бешларга боргандир?

— Ўттиз олтига қараб кетдим.

— Мендан ўн ёш улли экансиз. Ёш ўтгандан кейин ўқиб бўлмаса керак.

— Иним, ўқишнинг эрта-кечи йўқ.

— Хотин, бола-чақангиз борми?

— Хотинимни хон жаллоди бўғизлаган, ундан уч ойлик ўғлим қолди, муштипар онам боламни зўрға калого<sup>1</sup> етказди, ҳозир ёши саккизда, оти Баҳодир. Мана сурати,— Полвон кўкрак киссасидан фотограф Лудойберган Девоннов олган суратни олиб кўрсатди.

— Тоб ўзингиз, хушрўй, паҳлавон. Оға, кейин уйланмадингизми?

— Йўқ.

— Шунча йилдан бери уйланмасдан юрибсизми?

— Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмас экан. Йўлимизда анча ғовлар бўлди. Уруш. Жунайдга қарши кураш, бунинг устига собиқ хўжайиним Матчон тўра қаллигим Ёқутойга ханжар уриб ярадор қилди. У энди тузалганди, Жунайдхон Хивани қамал этиб, ҳамманинг тинчлигини бузди. Бу ёқдаги воқеаларни ўзинг биласан. Душманни енгишимиз билан Хивага бораману тўйни бошлаб юбораман.

— Илоё муродингизга етинг. Шўрликка йўл ўйилар, дегандай, бизга ҳам турмуш кулиб боқмади. Етим ўз ошини ичса ҳам кишининг миннатини тортар, дегандай хўжайиним Оллақулибойнинг даккисини

<sup>1</sup> Камолотга етказди, улғайтди маъносида.

еябериб... Жонимга текканди. Отам ундаң қарз олиб мени хизматкорликка берди, она қарзни<sup>1</sup> тўлагандим, отам ўлиб қолди. Унинг ўлигини қарз бадалига кўмдим, сўнг хўжайиң мени яна қарз эвазига уйлантириб, бутунлай қарздор қилиб қўйди. Ундан қутулишим қийин-ов.

— Иним, унинг уйдан чиқиб кет. Ерсиз қизил аскарларга ер берилади. Уруш тамом бўлгач, бола-чақанг билан олган ерингга кўчиб борасан. Бировнинг миннатини тортмайсан. Қўшчилар союзи сенга отарава, хўкиз беради.

Полвоннинг гаплари Матёзга мойдай ёқди. Полвон кўнглидагини топган эди. Бошлиқ сўзида давом этди:

— Ҳа, айтгандай синглинг Назирани Тошкентга ўқишга юборишар?

Бу гап Матёз девга ёқмади.

— Синглимни ўқишга юбормайман,— деди шартта.

— Нага?

— Нага-пагаси йўқ. Синглим ҳақида айтилаётган кўча-кўйдаги гаплар мени эзиб қўйди. Паранжисини ташлаган шармандаи шарми-сор, дейишади.

— Мен кўча-кўйдаги гапларга қулоқ солмайман. Ёқутой ҳақида ҳам қанча гап бўлганди, Анаш халфани намалар деб аташмади: кофир, диндан чиққан, лани, бузуқи... Барибир душманлар акиллаганча қолишди. Укам Бекжоннинг хотини Султонпошшани рийбат қилишди. Лекин паранжи ичида бузуқ ишларни қилганлар озмунча эмас. Менинг собиқ хўжайиним Матчон тўранинг улли хотини Пошшошон биканинг олдига имом паранжида галарди. Баъзи бир контрлар паранжи ёпиниб қабиҳ ишларни қилишади...

Полвон куйиб-ёниб гапирарди. Лекин Матёз дев Полвоннинг сўзларига парво қилмас, унинг маслаҳатлари у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетарди.

— Биродар командир, синглим ҳақида, унинг ўқишга кетиши тўғрисида гапирманг, мен ўзим биламан.

— Назира ўз ҳуқуқини билиб олган қиз,— Полвон аста ўрнидан турди.— Кўриб турибманки, гапим сенга ёқмади. Лекин бир кунмас-бир кун албатта тушуниб қоларсан. Бу гапларимдан қатъи назар, сенга берган ваъдамдан қайтмайман, ерлик, сувлик, уйлик бўласан!

Матёз девнинг дами ичига тушиб кетди, айтмоқчи бўлган гапи ичида қолди. Полвон бошқа жангчилар олдига жўнади. У катта хужумга тайёрлик кўрмоқда эди.

## Ўнинчи боб

Ҳамза Полвонга берган ваъдаси устидан чиқиш учун сайёр труппа тузиб, фронтга ўзи билан бирга Шерозий ва бошқа санъаткорларни олиб боришга бел боғлади.

— Зайнаб, мен зарур иш билан Хивага кетяпман,— деди Ҳамза, нарсаларини интернат аравасига жойлаётиб.

— Тез келасизми?

— Ушланиб қолсам хавотирланма.

Ҳамза тўппончасини олиб, қинини камаридан ўтказиб белига тақди. Хотини билан хайрлашиб, сўнг аравага ўтириб жўнади. Ҳамза Хивага келгач, одати бўйича тўғри Шерозийнинг уйига борди.

— Фронтга борадиган сайёр труппада иштирок этасизми?

— Ҳавво, бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкинмас.

<sup>1</sup> Асосий қара.

— Қимларни труппага олсак бўлади?— сўради Ҳамза.

— Сафо Муғонний, Қурбон ога, Фақирийларни труппага қабул қилса бўлади.

— Анаш опага айтсакмикин?

— Ҳамза ога, айтмасангиз Анашжон хафа бўлади. Ҳама ҳам шу кунларда бир оз хастароқ кўринади.

Ҳамза номлари тилга олинган санъаткорларнинг розилигини олгач Шерозий билан бирга Анаш халфанинг уйига борди. Анаш опа пешонасини боғлаб олган, айвонда хаёл суриб ўтирарди. Ҳундан туриб, меҳмонлар билан кўришди.

— Устоз, сизни қайси шамол биз томонга учирди?— сўради Анаш таъзим қилиб.

— Сизни касал деб эшитдим Шерозийни олиб бу ерга югурдим.

— Раҳмат, устоз,— Анаш халфа дастурхон ёзди. Овқат тараддудини қилмоқчи бўлган эди, Шерозий эътироз билдирди:

— Шошиб турибмиз, гап бор.

— На гап экан?

— Фронтга бориш учун санъаткорлар труппаси тузилди. Сиз... бу аҳволда... Қандай бўларкин?

— Барига кўникаман. Ҳундан, сўвдан, иссиқ-совуқдан кўрқмайман. Ҳундан бўйра, юрган дарё дейишади. Сизлар, башарти, аёл киши деб олиб кетмасаларингиз, ўзим алоҳида труппа тузиб, урушга бораман,— деб туриб олди Анаш халфа.

— Шундай дейишингизни билган эдик, эрта ё индин кетамиз, тайёрлигингизни кўраверинг,— деди Ҳамза хайрлашаркан.

\* \* \*

Шайдаков бош бўлган қизил аскар қисмлари Эшим бола қудуғи томон жўнаб кетди. Полвон, Хабин ва Ҳорнинг йигитлари душманинг устига қўққисдан бостириб бориш учун бутун чора-тадбирларни кўриб кўйишган. Осмон тўла юлдуз, ой чор атрофга нур сочмоқда. Баҳорнинг оромбахш шабадаси жангчиларга ҳузур бағишлайди. Улар ўзларини тетик ва бардам сезадилар. Ҳаммаёқда сокинлик.

Қизил аскарлар аста-секин ҳаракат қилиб, илгарилаб боришарди. Улар босмачилар қароргоҳига яқинлашиб қолишганда Шайдаков буйруқ берди:

— Ҳужумга ўтилсин! Милтиқ, пулемётлардан бараварига ўт очилсин!

Бир зумда пулемётлар сайраб кетди. Милтиқлардан ўқ сели ёғдирилди, «Ура!» садолари қум саҳросини ларзага келтирди.

Қизил аскарлар душманга дам бермай қувиб боришарди. Илгари бундай ҳол рўй берган эмас. Ярим йўлдан, Қорақум ичига қиришолмай орқага қайтишар эди. Энди Қизил арвотдан ҳам аскарлар кучлар келмоқда. Кутяков қўмондонлигидаги ҳарбий қисмлар кетма-кет қудуқларни эгалламоқда. Қорақумдаги катта карвон йўлининг маркази бўлган дарвозага биринчи бўлиб Полвоннинг отлиқлари кириб келишди. Жунайдохнинг отлиқлари ҳатто ўқ тўла яшиқларни ҳам ташлаб кетишибди. Минг-минглаб қўю эчкилар ҳар томонга тарқалиб, маъраб юришар эди.

Дарвоза — катта шаҳарларга олиб борадиган бекат. Қўҳна Ҳундан чиққан карвон шу ерда қўниб, Ашхободга йўл олади. Ашхободдан Тошовузга келаётган карвон ҳам албатта Дарвозага қўниб ўтади. Чунки ҳаёт манбаи бўлган чуқур ва суви ширин қудуқлар шу ерда.

Бош қўмондон Дарвозада аскарларга дам берди. Ҳолдан тойиб, ишга яроқсиз бўлиб қолган отлар алмаштирилди. «Юнкерс» аэроплан-

ларини қўниши учун катта майдон ҳозирланди. Кўп ўтмай Кутяков тушган самолёт аэродоромга келиб қўнди. Шайдаков билан иккови Жунайдохн олиб кетишга улгуролмаган оқ ўтовни қароргоҳ қилишди. У штаб ролини ҳам ўтарди. Кечга яқин қисмга Миршароповнинг аскарлари ҳам келиб қўшилишди.

— Уртоқ жангчилар, командирлар!— сафга тизилган аскарларга қарата гап бошлади бош қўмондон Кутяков,— Қизил арвотдан чиққан аскарый қисмлар қочиб бораётган душман отлиқларининг йўлини тўсиб, уларни чет элга ўтиб кетишга йўл қўйишмаяпти, Жунайдохн ва унинг сардорларини, тириклайин қўлга тушириш чоралари кўрилмоқда. Душманнинг саноқли кунлари қолди. Яна бир ғайрат қилсак Қизил арвотда бўламиз. Кучларимиз бирлашади. Сизларга, оғир жангларда қаҳрамонлик кўрсатган жангчи, командирларга Хоразм республикасининг жанговар орденларини топширишдай фахрли вазифа менга юклатилган!

Кутяков аввал полк ва бригадаларнинг қизил байроқларига жанговар орденларни тақди, сўнг Хоразм ҳукумати номидан мукофотланганларнинг кўкракларига Қизил байроқ орденини тақиб, уларни олий мукофот билан табриклади. Орден олганлар номидан Мусо Хабин сўзлади:

— Хоразм ҳукуматига ва Марказкомига ҳамма жангчилар номидан миннатдорчилик билдираман. Бир томчи қонимиз қолгунча душман билан курашамиз.

«Ура!» товушлари Дарвозани ларзага келтирди.

\* \* \*

От ва туяларда Ҳамза раҳбарлигидаги труппа ҳам Дарвозага етиб келди. Санъаткорларни Полвон кутиб олиб, улар билан қучоқлашиб кўришди.

— Полвонбой, мана ваъдамиз устидан чиқдик,— деди Ҳамза.

— Раҳмат, оға, ў-ҳе, Анаш опа ҳам галибди!

— Нама, мени қўрқоқ деб ўйладингизми?

— Йўқ, йўқ, Анаш опа, ботирлигингизни биламан!..

Санъаткорлар ичида ёшроғи Шерозий, энди у ўттиз тўртга қадам ташлаган, Ҳамзадан бир ёш кичик. Анаш халфа эса Шерозийдан беш ёш катта, лекин ҳеч ким уни ўттиздан ошган деб ўйламас эди. Фақирий эса Сафо Муғаннийдан кичикроқ, қирқдан сал ошган эди. Санъаткорларнинг келганини эшитган қизил аскарлар бирпасда уларни ўраб олишди. Эски қадрдон дўстлардай ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди.

Бу кеча негадир бошқа кечалардан гўзалроқ, янада фусункор эди. Қум бархани саҳна ва минбар ролини ўтайди. У ердаги ўринларни командирлар, нозир, бош қўмондон ва азиз меҳмонлар ишғол қилишган.

— Шонли, қаҳрамон жангчилар! Сизларга қадимий, лекин ҳамisha навқирон Хивадан салом олиб келдик,— Ҳамза икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди. Олқишлар барҳанлардан барханларга урилиб, акс-садо бериб узоқ-узоқларга таралди,— Жунайд галалари устидан қозонган галабаларингиз билан табриклар, ёвуз душманни буткул тормор қилиб, Хоразмда тинчлик, осойишталик ўрнатишингизга ишонамиз, сизларга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Шоир жангчиларга ўз шеърини ўқиб бергандан сўнг кечани бошқариб турди. Ҳамзанинг ҳар бир сўзи олқиш садоларига кўмилиб кетарди. Уртада гармон кўтариб турган Сафо Муғанний ўзи тўқиган, ўзи куй басталаган қўшиқни айта кетди:

Қизил аскар яшасин,  
Душман чексин жазосин,

Юртда ҳоин қолмасин,  
Чўх шод бўлайлик!..

Сафо Муғанний қўшиқ устига қўшиқ айтди. Кейин Шерозий садаф пардали гармонини қулочлаб чалар экан, ҳамма жим бўлиб қолди. У дастлаб қизил аскарларга бағишланган қўшиқни куйлади:

Қизил аскар бешотари айнида<sup>1</sup>,  
Ёрдамчимиз бизлар унинг кейнида,  
Яшасин, яшасин, аскар яшасин!  
Босмачига асло тинчлик бермасин!..

— Яшанг, Шерозий!

— Барака топинг, Шерозий! дейишарди йигитлар. Шерозий ҳамон куйларди:

Хиванинг йўлинда оқ гул битибди,  
Оқ гулни оралаб ёрим ўтибди.  
Оқ гулни кўрсангиз омон дегайсиз,  
Бепарво ёримга салом дегайсиз.  
Бу саломни ким йўллади деганда,  
«Яхши кўрган қора кўздан» дегайсиз...

Навбат Фақирийга келди. У ҳам шоир, ҳам музикант. Дуторни булбулдай сайратарди. «Инқилоб қўёши» газетасининг ходими, коммунист шоир Фақирий «Мадҳи Ленин» шеърини ёқимли овоз билан хоши қилди:

Эй Фақирий, бас, унутма, кечмиш ул мудҳиш кунинг,  
Ҳар ишингда раҳнамо бил Лениннинг айтмиш сўзин...

Чапак устига чапак тинмас эди. Барханлар орқасидан қумуш баркашли ой кўтарилиб, қум саҳросини симоб тусга чулғади. Ойдин кечада қум заррачалари қумушдай товланиб, кўзни қамаштирарди. Жангчилар қумда гоҳ чордана қуриб, гоҳ ёнбошлаб, гоҳ узала тушиб бамайлихотир концерт кўришмоқда. Гал Анаш халфага келди. У нозик бармоқларини гармон пардаларига босиб, узоқ-узоқларга қарар экан, порлаб турган кўзлари қанча-қанча кишиларни беихтиёр мафтун қилди, юракларни «жиз» эттирди. Ҳам ҳусн, ҳам келишган қомат, ёқимли овоз эгаси бўлган бу аёл шоира, бастакор, музикант эди. «Хоразм сози» унинг қўлида булбулдай сайрарди. Анаш халфанинг ўзи ёзиб, ўзи басталаган замон қўшиқлари баралла янгради:

Бошимда тўр рўмол, Хива қизиман,  
Шерозий боланинг урус созиман.  
Ота-онам севганимга бермаса,  
Сувга оқиб ўлганима розиман.

Ҳамма Анаш халфа қўшиқларига махлиё, Матёз ҳам беихтиёр, қўшиқ оҳангига маст бўлиб тебраниб ўтирар, кўплар қатори «сира дард кўрманг», «дунё тургунча турунг», «барака топинг» дер, «яна жуфт бўлсин» деб қичқирарди. Анаш опа ҳамон гармон чалиб, жангчиларнинг мақтов-олқишларига жавобан уст-устига куйлар, қўшиқлари жонсиз қум саҳросига жон киргизарди:

Яхши отинг бўлса, ясатсанг, минсанг,  
Яхши ёринг бўлса, ўйнасанг-кулсанг,  
Яхши ёр тутқоннинг армони бўлмас,  
Кошки яхши ёрнинг йўлинда ўлсанг,

Кимдир: «Шайдаков келади» деган қўшиқни айтинг, деб илтимос қилган эди, Анаш халфа қўшиқ шайдосини мунтазир қилмай, айта кетди:

<sup>1</sup> Эгнида.



Босмачилар қумга бориб тўхтади.  
Бешотарни қалъа қараб ўқтади,  
Шайдаковлар элимизга келган сўнг  
Ҳазорасп юртин ўтдан сақлади.

Концерт томоша қилиб ўтирган Кутяков дўсти Николай Алексеевич ҳақидаги қўшиқни эшитаркан, уни тирсагига туртди:

— Қара, Хоразм халқи сени қандай яхши кўради, сенга бағишлаб қўшиқ ҳам тўқибди.

Шайдаков индамай қўшиққа қулоқ солар, ўзбек тилини яхши билганидан ҳузур қилиб, тебраниб ўтирарди.

Матчонбекнинг дарвозаси долонли,  
Йигитлари бойваччали, ўғлонли,  
Шайдаковлар элимизга келганда  
Элотимиз қувониблар қолгонди...

Ҳамма чапак чалиб юборди. Кутяков ўрнидан туриб халфани таб-риклаб, қўлини маҳкам сиқиб: «Офарин, Анашжон» деди. Шу вақтда сигнал чалинди. Бу янги ғалабаларнинг илк бонги эди.

## Ўн биринчи боб

— Қизил аскарлар Оқ яйловни олибди!

— Жунайдохон чет элга қочиб кетибди!— деган овозалар Хивага бирпасда тарқалди.

Бу хушхабар Нуруллаевларнинг суди бўлаётган Нурловойга ҳам етиб келиб, халқни ниҳоятда хурсанд қилди. Судга ҳар куни мингга яқин одам келар, суд раиси Эшмуҳаммедовнинг сўроқлари ва унга айбдорларнинг берган жавобларини икки саркотиб ёзиб борарди. Суд раиси столи устида бир неча жилддан иборат тергов материаллари: фотосуратлар, зарур ҳужжатлар, қурооллар, Мадрим Нуруллаевнинг шахсий пуллари — немис маркаси, Америка доллари, Берлинда сотиб олган иморатининг сурати, олтин-кумуш асбоблар турарди.

— Айбдор Нуруллаев, сиз бошлиқ тўда Хоразм социал шўролар жумҳуриятига олтин ҳисобда бир миллион манот зарар етказгансиз. Аксилинқилобчилардан нама фарқингиз бор?

Суд раисининг бу сўроғига Нуруллаев аниқ жавоб бериш ўрнига ўзини фойдали иш қилган киши қилиб кўрсатди.

— Хоразм банкасига олтин валюта тушишини, яъни ёш жумҳуриятимизга фойда келтиришни мақсад қилиб олган эдим...

Меҳнаткашларнинг қизил байроқ кўтариб келган вакиллари ўз қарорларини суд раисига топширишди. Ҳамоат қораловчиларидан бири — Собир ака шундай деди:

— Ҳурматли судьялар! Сизга топширилган халқ мажлисларининг протоколларида халқ тилидан, халқ дилидан айтилган сўзлар ёзилган. Уларни инобатга олишингизни сўраймиз. Бу қора курсида ўтирган юлғичларда инсоф йўқ. Инсофсизга эрк берсанг, элни талайди. Халқ ватан хоинларига ўлим талаб қилади! Улим!

Ҳамоат қораловчисининг сўзларини халқ чапаклар билан қарши олди. Нурловойнинг деразалари чапак садоларидан ларзага келди. Шу билан суднинг бугунги мажлиси тугаб, маҳбусларни турмага олиб кетдилар.

— Собир ака,— деди суддан қайтаётган Давлат Ризаев Марказком бўлим мудирига,— сўзга нўноқман деб айтардингиз, камтарлик қйларкансиз-да. Юлғичларнинг астар-аврасини ағдардингиз-ку.

— Менинг кўнглимни кўтаряпсан шекилли. Дурустроқ гапириш мумкин эди-ю, лекин кўпчиликнинг саловати босди. Ҳа, айтгандай, Давлат, намага шу вақтгача уйланмасдан юрибсан?

— Энди йигирма бирга кирдим, ҳали вақт бор.

— Ахир нозир киши бўйдоқ юрса ярашмайди. Бундан уч-тўрт кун аввал Моможон опа билан учрашгандим. Фотимани Матёқубга, Хадичани Давлатга беринг, яхши йигитлар, дегандим.

— Совчилик ҳунарингиз ҳам борми, Собир ака?— деди кулиб Давлат.

— Ҳазилингни қўй. Гапга қулоқ сол. Моможон опа менга: «Агар ўн саккиз қизим бўлса барини шуларга берардим, улар йигитларнинг султони» деди. Тезроқ ҳаракат қил, иним. Моможон опанинг ҳол-аҳволдан хабар олиб тур!

Давлат ерга қаради. Собир ака унга маъноли назар ташлади-да, хайрлашиб кетди. Тўғриси айтганда, Давлатнинг ўзи ҳам бозорчадан совға олиб Моможон опанинг олдига боришни ният қилиб турганди. Йўлда кета туриб севгилиси Хадича билан боғлиқ воқеалар биринкетин Давлатнинг кўз ўнгидан ўтди.

Давлат Ризаев Хадичанинг уйига кириб келганида дўсти Матёқуб Девоновнинг айвонда Моможон опа билан сўзлашиб ўтирганини кўрди. Моможон опа ўрнидан туриб уни яхши қарши олди:

— Галинг, галинг, болам, букун ўнг томондан турган эканманми, Фотимадан хат олдим, Матёқуб ҳол-аҳволимдан хабар олиш учун уйга галди. Мана сиз ҳам галиб, вақтимни чоғ қилдингиз. Қани, юқорига ўтинг.

Давлат Ризаев ўзининг тенгқури Матёқуб Девонов билан кўпдан жўра, у билан бирга комсомол Марказкомда тўрт йилча бирга ишлашди, нимаики топишса бирга баҳам кўришди. Матёқуб оқ юз, қора қош, қўй кўз, мулойим йигит бўлса, Давлат сал қорароқ, кўзи ҳам тим-қора, кавказча кичик мўйлов қўйган эди.

Моможон опа хурсандлигидан ўзини қаерга қўйишини билмас, у ёқдан-бу ёққа югурарди. У овқатдан хабар олди, сўнг опа-сингил қизларининг Тошкентда бирга олдирган суратини йигитларга олиб келиб кўрсатди.

— Тошкентнинг ҳавоси опа-сингилга ёқибди,— деди Давлат.

— Очилиб кетишибди,— Матёқуб луқма ташлади.

— Онажон, сизга хушхабар айтмоқчиман,— деди Давлат Моможон опа ёнига келиб,— Тошкент, Москва шаҳарларида ўқиётган хоразмлик талабалар учун ҳукуматимиз алоҳида ёрдам фонди ташкил этди. РСФСР ва Туркистон ҳукумати ҳам хоразмлик талабаларнинг стипендиясини кўпайтирди.

— Ҳукуматимиздан айланай, камбағалпарвар, ғамхўр.

— Қизларингиз энди яхши стипендия олишади.

— Айтгандай, комсомол Марказком ҳам хоразмлик талабаларга ёрдам уюштираётир. Улар Москва, Ленинград шаҳарларига боришади. Ҳамма харажатларни касабачилар союзи ўз бўйига олган,— Матёқуб Девонов янгиликларни айтади.

— Қизларингиз марказий шаҳарларга экскурсияга кетишса керак,— деди Давлат Ризаев.

— Йўқ, йўқ, хат ёзаман, таътилда Хивага келишсин, бўлмаса ўлиб қоламан.

— Хат ёзсангиз салом айтинг,— деб Давлат билан Матёқуб ўринларидан туришди.

Давлат Ризаев кичкина хонада турар, унинг бутун жиҳози тахта каравоту оддий бир стол, табуретка ва эски наमतдан иборат эди. У уйига келиб, табуреткага ўтириб стол устидаги Хадичанинг суратига қараб қўйди-да, унга хат ёзишга киришди.

«Азиз Хадичахон!

Бугун уйингизга борган эдим, уй ичидагилар соғ-саломат, улардан кўнглиңгиз хотиржам бўлсин. Биздан ҳол-аҳвол сўрасангиз, ишларимиз ёмон эмас. Хоразмда биринчи марта «Алифбе» китобини чиқараётирмиз. «Оталар сўзи» китобини нашр қилдик. Ҳукуматимиз фаол маорифчилардан Матюсуф Хайратов, Ҳусайн афандиларни Меҳнат Қизил байроқ нишонини билан мукофотлади. Нашриёт, янги журнал ва музей ташкил қилдик. Хоразмда пионерлар ташкилотини туздик. Яна бир янгилик шуки Кутяков, Шайдаковларнинг ҳарбий қисмлари Қизил арвотдан келган аскарлар билан биргалашиб Жунайдохон тўдаларини парчалаб ташлашди. Жунайдохон бир неча кишилари билан Афғонистонга қочиб кетди. Бу жангларда Миршаропов, Хабин, Аҳмаджон Иброҳимов, Волошинлар айниқса жасорат кўрсатишди. Полвон ботирнинг қаҳрамонлиги элга дoston бўлиб кетди. Шундай қилиб, чўл бўриси Жунайдохон яқсон қилиниб, элда тинчлик бошланди. Лекин ҳали Сағдулла бола, Матчон тўра, Болта ших, Дурди қилич каби майда босмачи тўдалари қум-чўлларда санқиб юришибди.

Хадичахон! Менинг ҳаётимда ажойиб ҳодиса рўй берди: яқинда мени Большевиклар партиясига ҳақиқий аъзолikka қабул қилишди.

Сизни САКУ<sup>1</sup>га кирганингиз билан табриклаб, ўқишларингизга муваффақият тилайман. Мендан синглингиз Фотимахонга алангали салом айтинг.

Сизнинг Давлат, 1924, апрель. Хива».

\* \* \*

Фронддан Хўжайлига қайтиб келган Ҳамза мактаб биноси қуриш ишига киришиб кетди. Қурилишга ғишт, тахта, харилар керак. Уста ва ёрдамчи кучларни топish лозим. Лекин бу осон ишми? Ҳамза керакли материаллар ҳақида Маориф нозирига хат ёзиб, Хивага йўллади, кейин Хўжайли шаҳар ижроком раиси Қўсберган олдида борди.

— Уруш тамом бўлди. Мана мактаб биносининг лойиҳаси. Уч-тўрт ой ичида қурилишни тамомлаб, биринчи сентябрда янги бинода ўқишни бошлаб юборсак яхши бўларди.

— Яхши. Биздан қандай ёрдам сўрайсиз?

— Моҳир усталар. Кейин қурилиш материалларини олиб келиш учун аравалар берсангиз.

— Ҳаракат қилиб кўрамиз.

— Сиз ва биздан қоладирган ёдгорлик бу. Пулни сайилда топганмиз. Хабарингиз бор, Хоразмга олти ойга келгандим, мана уч йил бўлиб қолди. Энди мактаб қурилишини тамом қилсаму Фарғонага кетсам. У ерда ҳам қиладиган ишлар кўп, ҳамшаҳарларим хат устига хат ёзиб қақаришяпти.

Қўсберган шу вақтга қадар Ҳамзанинг илтимосини рад қилмаган эди, бу гал уни бажаришга сўз берди.

Ҳамза Қўсберган олдидан бир олам севинч билан чиқди.

— Зайнаб, мактаб қурилишини бошлаб юборадиган бўлдик,— деди Ҳамза уйига келгач.

— Ҳеч тиниб-тинчимас экансиз-да. Шунча иш қилганингиз етмасмиди? Бошқа бир одам қурдирса бўлмайдими?

— Хотин, ўзим бошлаган ишни ўзим охиригача етказишим керак. Халқимиз бино қурганларни, боғу роғ ўстирганларни иззат қилади, уларни умрбод эздан чиқармайди.

<sup>1</sup> Средне-азиатский коммунистический Университет (Урта Осиё коммунистик Университети).

## Ун иккинчи боб

Урушни тамом қилиб, зафар билан қайтаётган аскарларни қарши олиш учун Хоразм республикаси партия ва ҳукумат раҳбарлари, шаҳар халқи Хиванинг Орқа тозабоғ ёнидаги казарма олдига тўпланган. Ҳаво очиқ, баҳор йўлларга ям-яшил баҳмалдан поёндоз тўшаган. Қатта майдонга одам сифмайди. Худди бутун шаҳар кўчиб чиққандай.

Тахталардан вақтинча қурилган минбарга Марказижрокомнинг раиси Султонқори Жуманиёзов, партия Марказкомининг биринчи секретари Хансуворов, Иқтисодий шўро раиси Турсунхўжаев, бош қўмондон Кутяков, Ҳарбий нозир Шайдаковлар чиқишди. Партия, совет ва касаба союз раҳбарлари Карим Болтаев, Давлат Ризаев, Матёқуб Отажоновлар минбар олдида туришибди. Узоқ-яқин қишлоқлардан келган қизил аскарларнинг ота-оналари, ёру биродарлари ўз фарзандлари, ака-укаларини кутишмоқда. Полвоннинг қаллиғи Ёкутой ҳам шу ерда. Унинг қора кўзлари узоққа тикилган.

Кўп ўтмай майдонга қизил аскарлар саф тортиб кира бошлашди. «Ғолибларга шон-шарафлар!»— деган хитоблар, «Ура!»— товушлари, олқиш садолари майдонни ларзага келтирди.

— Шонли қизил аскарлар!— деб сўз бошлади Хоразм республикасининг раиси Султонқори.— Сизларни улуғ ғалаба билан, Жунайдохн лашкарларини тор-мор қилишингиз билан ҳукумат номидан табриклайман!

Минбар олдига Марказком секретари Хонсуворов келди. У ўзбек, рус тилларида ғолибларни табриклади, рус жангчилари, бош қўмондон Кутяков, Ҳарбий нозир Шайдаковлар шаънига илиқ гаплар айтди. Минбар олдига келган бош қўмондон Кутяков Хоразм қизил аскарлари босиб ўтган шонли зафар йўлини тасвирлаб берди:

— Азиз ўртоқлар! Жунайдохнга қарши олиб борилган урушда тарихда биринчи марта Қорақумнинг у четидан бу четига кесиб ўтилди. Душманни тор-мор қилдик.

Бош қўмондон жанглarda мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган Миршаропов, Полвон, Хабин, Аҳмаджон Иброҳимовларнинг номларини бирма-бир тилга олганда гулдурос олқишлар янгради. Қўпларнинг кўзлари Полвон ботирга қадалган. Полвоннинг номи тилга олинганда Ёкутойнинг чеҳрасида севинч белгилари зоҳир бўлди: кўзлари кулди, лаблари нималарнидир пичирларди. Ниҳоят Ҳарбий парад тамом бўлди. Ёкутой Полвоннинг олдига югуриб борди.

— Салом, Полвон оға!

— Салом, Ёкутойим!

— Кўришар кунимиз бор экан-ку?!

— Мен нақадар бахтлиман!..

Полвон келганида уйи уни кўргани, у билан сўрашгани келган жўралари, оға-инилари, қариндошлари, ёр-биродарларига тўлиб кетганди.

— Болажоним, Полвоним, эсон-омон галдингми?— Ойша хола ўғлини бағрига босиб пешонасидан ўпди. Кампирнинг кўзларидан беихтиёр севинч ёшлари оқиб кетди. Уғли Баҳодир эса отасининг бўйнига осилиб, қаттиқ қучиб олди. Ёкутой меҳмонларга дастурхон ёзди, Ойжамол чой келтирди, Полвон эса уйга келган ҳар бир меҳмон билан илиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашарди. Мастура хола ўчоқ бошида юрган Ойша холага ёрдамлашарди. Уйга Собир ака билан Оймахон опа кириб келди, Полвон билан кучоқлашиб кўришгач, Собир ака тугунни очиб, Хоразмнинг ипак чопонини олди-да, унга кийгизди.

— Полвон, азиз дўстим, ғалаба билан табриклайман!— деди

эшикдан хотини билан кириб келган Иван Гаврилович. Ольга қўлидаги совғасини Ойша холага узатиб, у билан ўзбекчасига кўришди.

Ёқутой беҳад хурсанд бўлганидан ўзини қаерга қўйишини билмасди. Унинг олдига Хайриманот опа келиб деди:

— Ёқутой, қаранг, командир йигит куёв бўлди-қолди, энди тўйингни бошлаб юборамиз.

Полвоннинг уйига созларини кўтариб Шерозий билан Анаш опа келди. Айтишув бошланди.

Шерозий:

Нечук зотсан, ақли ҳушим олибсан,  
Гавҳармисан, анвармисан, намасан?  
Шуъла сочиб олам ичра тўлибсан.—  
Қуёшмисан ё оймисан намасан?—

Анаш опа:

Тахямини кияман папақлар<sup>1</sup> билан,  
Унгингга<sup>2</sup> чиқаман адаблар билан.  
Келмай-кетмай юрманг бу гаплар билан,  
Гелавер, жонингдан жоним айлансин.

Шерозий:

Қизил гуллар очилару сўлмими?  
Ошиқ бўлган ваъдасида турмими?  
Тўғри сўзла, менга кўнглинг урмими?  
Мен нанинг ҳайрони, сен нанинг зори?

Анаш опа:

Қизил гулдан узуб-узуб ўтаман,  
Севар ёрни кўриб мурод этаман.  
Қизил гулли боғлар асло сўлмасин,  
Душман келиб гулларимиз юлмасин...

Лапардан кейин ўйин бошланди. Хоразмнинг энг яхши ўйинчиси Вовоқ қўшиқ айтиб ўйинга тушди:

Қақрада қумри ин этар,  
Чипра далли-далли.  
Ушлаб олсанг кимга этар,  
Чипра далли-далли.

Лазги ҳам бошланди. Хоразмда лазгини билмаган йигит йўқ. Ҳар бир ўйинчининг ўзига яраша усули бор. Даврадаги қаҳқаҳа, ўйин-кулги Полвоннинг уйини осмонга кўтаргудай.

— Жўралар, Полвон ботирнинг қаҳрамонлигини билмаган ёшу қари бўлмаса керак. Мана қаҳрамон билан дийдор кўришдик. Энди бу уйда тўйлар бўлсин. Ойша хола ахтиқ-чавлик<sup>3</sup> бўлсин,— Собир ака Полвон оиласига яхши тилаклар тилаб, ўрнидан турди. Бошқа меҳмонлар ҳам бирин-кетин қўзғолдилар.

Меҳмонлар тарқалгач, Ёқутой ҳам Ойша холадан кетишга рухсат сўради.

— Ойижон мен ҳам кетишим керак. Иш кўп.

— Кеч бўлиб қолди, ётиб қолаверинг.

— Қизларнинг дафтларини кўришим зарур, эрталаб дарсга киришим керак.

— Опабий, ётиб қолинг,— деди Баҳодир Ёқутойга ялиниб,— иккимиз бирга ётамыз.

— Баҳодирим, эркатойим, иложим йўқ,— Ёқутой кетишга тайёр-

<sup>1</sup> Папақ — попук.

<sup>2</sup> Унгингга — олдингга.

<sup>3</sup> Невара-чевара.

ланди. Полвон уни узатиб чиқиш учун шапкасини кийиб, белига камарини боғлади.

Баҳорнинг ёқимли оқшоми. Полвон қаллиғи билан қадимий Хиванинг осмонўпар миноралари тагидан, баланд мадрасалар ёнидан, усти бек-тим кўчалардан, Ичон қалъанинг қалин ва сернақш дарвозаларидан ўтиб катта бир ҳовуз олдига чиқди. Одамлар ёзу кишини шу ҳовуздан сув ичади. Суви тиниқ. Ҳовуз биллурдай ярқирайди. Унинг атрофидаги сада қайрағочлар, гўзалларнинг сочларидай ёйилган мажнунтоллар эгилиб, ажиб бир манзара ташкил қилганди. Ёқутой супачага ўтирди, Полвон унинг ёнидан жой олди.

— Жоним, Ёқутойим, сизни шу қадар соғиндимки, асти кўяверинг. Жазирама қум саҳросида, сувсиз дарё ўзанида, Сариқамиш чуқурлигининг шўрхок ерларида юрагимда, хуллас қаерда бўлмай, фақат сизни эсладим.— Полвон тўлиб-тошиб гапирарди,— кўз олдимдан ҳеч кетмадингиз. Урушнинг тугагини зориқиб кутдим. Мана, энди сиз билан биргаман, менга бундан ортиқ бахт бўлурми? Қаранг, сиз баҳор каби яна очилиб кетибсиз, худди кўкдаги тўлин ойдай гўзалсиз.

— У-ҳо, оға, шоир бўлиб кетибсиз-ку!

— Муҳаббат кишини шоир қилиб юбораркан. Сиз ҳақингизда шеърлар, дostonлар ёзгим келади. Афсуски шоир эмасман...

— Мен учун сизнинг ҳар бир оддий сўзингиз ҳам шеърдай...

Ёқутойнинг гапи тугамасдан Полвон уни қучоғига олди.

— Жоним, тўй қилайлик, тўй!..

— Яна бир ишингиз чиқиб қолар...

— Жунайдохон тор-мор қилинди. Энди фирқа мактаби ўқишига қираман, гўзалим...

Дарҳақиқат, Ёқутой шу кунларда жуда ҳам очилиб кетган: тиниқ оппоқ юзи, кенг пешонаси, қоп-қора қалам қоши, жозибали қора кўзи, узун киприклари кишини беихтиёр маҳлиё қилади. Полвон чўнтагидан Ёқутой тақдим этган рўмолчани олиб, юз-кўзини артаркан, унинг кўзлари чўғланди: «Демак, у мени доимо эслар экан» деган хаёлни дилидан ўтказди. Ёқутой нозик табассум аралаш Полвонга боқди-ю, бир лаҳзада ўтмишни эслади:

«Матчон тўрага учинчи хотин бўлиб тушганимдан кейин кўп ўтмай боғни суғориб юрган Полвонни кўриб, севиб қолдим у ишқи ўтида ёндим. Уни деб ҳамма нарсадан кечдим. Кундошларнинг жабр-зулмига чидадим, эрим уч талоқ кўйганда ҳам оғиз очиб, лом-мим демадим. Отам «кофирларга қўшилиб, диндан чиқибсан» деб оқ қилганида ҳам кўзимга ёш олмадим. Полвон оғанинг кетидан Тўрткўлга ўтиб, урушларда ҳамширалик қилдим. Полвон оға мени Тошкентга ўқишга юборди. Муаллима бўлиб, озод Хоразмга қайтдим...»

Полвон оғам, тўйни бошлайлик, дейди. Қарши эмасман. Мактабимизда ўқиш тамом бўлишига оз вақт қолди, хотиржам бўлгач тўйни бошласак...»

— Тўйга рухсат этинг, эртагаёқ бошлаб юборайлик.

— Полвон оға, таътилга ҳам оз вақт қолди...

— Демак, ўқишлар тамом бўлгач, таътил кунлари, Хоразмнинг ширин қовунлари пишган вақтида тўй қиламиз, шундайми?

Ёқутой «Ҳа, шундай» дегандай бош иргатиб, розилигини билдирди.

## Ун учинчи боб

Хоразм ҳукумати Жунайдохон лашкарларини тугатишда катта қаҳрамонлик кўрсатгани учун бош қўмондон Кутяковни Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотлади.

— Сиз афсонавий командарм Чапаевнинг ўнг қўли бўлгансиз,— деб сўз бошлади раис жумҳур Султонқори Жуманиёзов орденни топшираркан,— Чапаев қаҳрамонларча ҳалок бўлганида сизни Чапаев дивизиясига командир этиб тайинлашган. Русия халқи сизни юракдан севади, Хоразм халқи сизни ардоқлайди. Сиз Хоразм қўшинларига бош қўмондон бўлиб, ашаддий душмани тор-мор қилишда бутун ҳарбий санъатингизни намойиш қилдингиз. Мана шунинг учун сизни Хоразм социал шўролар Жумҳурияти энг олий нишон — Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотлайди.

Султонқори Кутяковнинг кўкрагига Қишки саройга тўпланганларнинг чапаклари садоси остида орденни тақиб қўйди, унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади. Лекин орадан кўп ўтмай Кутяковни Москва чақириб олди. У Хоразмдан кетгач, бош қўмондонлик вазифаси Ҳарбий нозир Шайдаков зиммасига юклатилди. Николай Алексеевич Шайдаков ўз олдига муовини Миркомил Миршаропов, штаб бошлиғи Полвон ва бошқа раҳбарларни чақириб деди:

— Туркистондан келган аскарий қисмлар ўз вазифаларини бажариб Хоразмдан кетишяпти. Босмачиларнинг қолдиқларини таг-томири билан тугатиш учун Хоразм миллий аскарий қисмларини тузишимиз керак. Бу ҳақда Хоразм партия Марказкоми ва Марказижрокомнинг махсус қарорлари чиқди. Ҳукумат янги ташкил қилинажак ҳарбий қисмлар учун ўқ-яроғ, кийим-анжомлар олиб келиш учун мени Тошкентга юбораётир. Ўрнимга Миркомил Миршаропов қолади. Албатта, миллий аскарий қисмларни тузиш осон иш эмас. Бунга тажрибали командирларни жалб қилиш керак бўлади. Бу ишда Полвон ёрдам беради, деган умиддамиз. Тўғри, мен унга, уруш тамом бўлгач, ўқишга юборамиз, деб ваъда қилган эдим. Лекин партия ва ҳукуматимиз олдимизга янги жанговар вазифаларни қўйди. Полвон Хоразм шароитини яхши биледи, халқ уни севади. Менимча, Полвон таклифимизни рад қилмас.

— Мен партиянинг содиқ жангчисиман, унинг ҳар бир топшириғини бажариш мен учун қонун.

— Балли, биз сендан худди шундай жавобни кутгандик. Сени ўқишга ҳам юборамиз. Менинг ҳам умидим бор. Уртоқ Фрунзе: «Сени ўқишга юбораман»,— деб шахсан ваъда қилган, худди шундай ваъдани Миршароповга ҳам берган, Миркомил шундайми?

— Худди шундай,— жавоб берди Миршаропов.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам асосий вазифаларимизни бажарганимиздан кейин, албатта, ўқишга борамиз!

Ҳарбий нозир Полвон билан холи қолиб, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим топшириқни бажариш ҳақида келишиб олишди.

Шундай қилиб, Полвон гарданига янги оғир вазифа юклатилди.

\* \* \*

Матёз девнинг урушдан катта таассуротлар билан қайтганини сезган Оллоқулибой: «Манглайи қора саёқ оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолибди, кўп гапни билиб келибди, ишқилиб мени сотмаса бўлди», деган фикрни дилидан ўтказди. Шу орада қотмадан келган, пакана, ажралмас дўсти Ёлмонбой ҳассасини дўқиллатиб дарвозадан кириб келди.

— Галинг, галинг шерик, ўзим ҳам ҳозир сизни ўйлаб, нама қилишимни билмай ўтиргандим.

— Эй дўстим, дунёга галганимга ҳам пушаймонман. Бундай кунларни кўргандан кўра ўлиб кетсам бўларди,— Ёлмонбой тўрга чиқиб чордана қуриб ўтирди, шериги унга чой узатди.

— Ўзи на гап?

— Хизматкоримдан бири артелга кириб кетди, қанча йил ишлаган

бўлса ҳақини талаб қилаётир. Ишқилиб энди Қутим қора кетиб қолмасин.

Ёлмонбой одати бўйича дастурхондан нон ушоқларини териб оғзига ташлай бошлади.

— Хизматкорим Матёз девнинг ҳам тили чиқиб қолипти, ҳар гапида Полвон болани мақтагани мақтаган. Синглиси Назиранинг ўқишга кириб, паранжисиз юришига ҳам кўникиб қолганга ўхшайди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин.

— Эй, эсим қурсин, сизга янгилик айтмоқчи эдим, Хоразмга Бройдо галипти. У Полёзхожини ўз олдига чақирипти.

— Дим яхши бўлипти, Ёлмонбой, гапингизни шундан бошламай-сизми. Ахир Аҳмад ўрисни қандай қилиб ишдан олиб ташлаш тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатган эди-ку. Уни Москвада фирқада қолдирганларини Бройдо билармикан? Бройдо Аҳмад ўриснинг юзига қандай қараркин? Уртасида низо чиқмасмикин?

— Чиқса дим яхши. Биз ҳам тинч турмаслигимиз керак. Ахир Аҳмад ўрис ҳозир қанча зарар етказаётир. Болаларимизни диндан оздириб, кўпларини Тошкент, Москвага ўқишга тарғиб қилаётир.— Оллоқулибой елпигични олиб ўзини елпий бошлади.

— Полёзхожи, Нақибхўжалар тек туришмас, Бройдо олдига боришар. Азизим, ётиб қолгунча отиб қол, деган гап бор, биз ҳам ҳаракат қилайлик. Бройдога ариза ёзамиз. Унда Аҳмад Маҳмудов сизнинг устингиздан иғво қилиб, бўлмагур гапларни кўча-кўйда айтиб юрипти, деб ёзамиз, эски гапларни тилга оламиз. Чекада раис бўлиб турганида бойларнинг молини олган, қизларнинг номусини барбод қилган, деймиз. Кейин аризани Полёзхожига кўрсатамиз. Менимча, ҳамма дўстлар аризага қўл қўяди.

Оллоқулибойнинг бу фикрига Ёлмонбой қўшилди. Уша куниёқ бир муллаваччани чақиритиб: «Биз айтиб турамиз, сен ўхшатиб ёза бер», дейишди. Қамиш қалам оқ қоғоз устида тўхмат гапларни ёза бошлади.

\* \* \*

Полвон Матёз девга берган ваъдаси устида ўйланиб қолди. «Инқилобнинг бошида бизга Матчон тўра еридан уч таноб ер, уй беришган эди. Иним Бекжон Тошкентда, ўзим онам билан Хивадаман. У ер менга нега керак? Уни ҳайдаб, экин экиб, ҳосилини олишга вақт топиш осонми, яримчига берсам уят эмасми? Яхшиси ерни, уйни Матёзга бераман, Оллоқулибойдан қутулади. От-ҳўкизни қўшчи союзи берар» Полвон шу қарорга келди-ю, Матёз девни ахтариб топди.

— Ука, юр, ер шуъбасига борамиз.

— Оға, намага?

— Менга уч таноб ер берилган эди, шуни...

— Сотасизми?

— Сотиш учун ер беришмади.

— Бўлмаса у ерда нама қиламиз?

— У ерни сенинг номингга ўтказаман.

— Ахир, киши ҳам ўз ерини текинга берадими?

— Юр, кетдик, анқайма.

— Оға, ҳазиллашаётирсиз.

— Ҳазили йўқ, чин гапни айтаётирман, юр.

— Тушимми-ўнгимми, билмай қолдим.

— Ука, биз коммунистмиз, еримизда бировни ишлатиб, ҳосилига тенг шерик бўлмаймиз, сенга ўхшаш камбағал, хизматкорларга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз. Ҳа, айтгандай. Оллоқулибойда неча йил ишлагансан, ҳаққингни талаб қил, бермаса судга бор, олдириб берамиз...

Орадан кўп ҳам ўтмади, Пишканик қишлоғида ерли, жойли бўлган



Матёз дев арава олиб келиб буюмларини юклайберди. Уйда на хўжайини Оллоқулибой ва на унинг ўғли бор эди. Матёзнинг синглиси Назира ҳам мактабдан келиб акасига ёрдам бера бошлади. Хотини Тожихоннинг оғзи қулбғида: «Чўриликдан қутулар кун бор экан, энди бойнинг хотинларидан дакки емайман, сўкишларини эшитмайман, еримиз бор, бахтимиз бор, Полвон оғага минг раҳмат!»

Шу вақт Оллоқулибой келиб, дарвозаси олдидаги аравани кўриб, донг қотди. Назиранинг гирдикапалак бўлиб юриши энсасини қотирди.

— Ўзи на гап? — жаҳл билан сўради у.

— Кўчиб кетаётимиз, бой ота, — жавоб берди Матёз.

— Не ера?

— Пишканикка.

— Кимнинг деҳқони бўлмоқчисан?

— Ўзимнинг еримга. Ер беришди, уй беришди.

— Қарзинг нама бўлади, тўламасдан қочиб кетаверасанми?

— Бой ота, қайси қарзни айтаётирсиз?

— Она қарзни. Унинг устига сени уйлантириб қўйганман. Бунинг бадалига бир неча йил ишлаб беришинг керак. Инсоф борми ўзи?

— Бой ота, синглим билан иккимиз қўлингизда бир неча йил ишладик, на қорнимиз тўйди, на устимиз бут бўлди. Хотиним Тожихон ҳам бир бурда нон учун уйингизда чўрилик қилди. На менга, на Назирага ва на Тожихонга бир пул бердингиз. Бу инсофдан эканми? Яхшиликча хайрлашайлик.

— Менинг яхшилигимни билмасанг кўр бўласан. Кўрнамак!

— Ҳали биз кўрнамакми?!

— Ҳавво. Қарзни тўламаслик кўрнамаклик бўлади!

Жанжал устига Какак келиб қолди.

— Бой ота, ўзи на гап, на гурунг? Бунча қичқирасиз, овозингизни Чорсудан эшитиб галдим.

— Какак, сан гапга аралашма.

— Нага аралашмас эканман. Сиз жўрамнинг ҳаққини еб кетаркансизу мен аралашмай бир чеккада турайми?

— Какак, ювилмаган қошиқдай суқилаверма, кўп ҳам алжирама, — Оллоқулибой қўлини пахса қилиб қичқирди.

— Мен алжираяпманми, ё сизми? Яхшиликча буларнинг ҳаққини бермасангиз, у халқ судига ариза беради. Мен, Полвон, Собир акалар гувоҳликка ўтамыз.

Оллоқулибой суд сўзини, гувоҳларнинг номларини эшитгач, дами ичига тушиб кетди, бир оз нафасини ростлаб, кейин тилга кирди.

— Қўлимда қози муҳрлаган хат бор. Унга Матёз бармоғини босган.

— Ҳукумат фармони билан қозининг гувоҳномалари бекор қилинган. Сиз нама, ҳукуматнинг фармонига қарши чиқасизми? Қозининг хатлари пуч гўз! Қани яхшиликча буларнинг ҳаққини тўланг!

Оллоқулибой кўрдик, Матёздан қарзни ундириш у ёқда турсин, ўзи қарздор бўлиб қолаётир. Агар яна бир оғиз қарздан сўз очса, Какак милиционерни бошлаб келиб, уни прокурорга ёки судга олиб боради. Шу пайт Оллоқулибойнинг ўғли келиб, отасини ичкарига олиб кириб кетди. Оллоқулибой: «Кал бўлмай ўл, Полвонинг билан қўшмозор бўл» деб қарғаб борарди.

— Матёз, савдогар ҳеч қачон дўст бўлмайди, қўйиб берсанг терингни шилади. Эгри калтакка эгри тўқмоқ керак! Қани аравага намаларингни юклай? — сўради Какак.

— Маткарим ака, эски намату жулдур кўрпадан бошқа намам ҳам

1 Енғоқ.

бор. Тунчаю<sup>1</sup>, қийшиқ сархум<sup>2</sup>, ёғоч бодия<sup>3</sup> холос. Бу жаҳаннамдан осонликча қутулиб кетаётганимга шукур қиламан. Яхшиям сиз галиб қолдингиз...

Аравага Матёз, хотини Тожихон, боласи билан синглиси Назирлар ўтиришди. Улар Пишканик томон йўл олишди. Қакак уларга оқ йўл тилаб, қўлини силкиб қолди.

## Ҳн тўртинчи боб

Полёзхожи шу кунларда жуда хурсанд. У солғит идорасида бошлиқ, дўстлари кўп. Ҳажга икки марта бориб келганини билдирадиган кўк саллани ўраб, хассасини қўлига олиб гоҳ Арабхон мадрасасида, гоҳ сарой олдидаги Сайиджон қори мачитида намоз ўқийди. Уйдаги тўрт хотини бир-бири билан иноқ яшайди. Ҳожи бува уларнинг ҳар бирига жиҳози билан бир уй, бир айвон берган. Давлати илгаригидан кам эмас. Тўғри, у савдо ишларини йиғиштириб қўйди. Лекин ҳукумат идорасидан олган моянаси рўзгорига бемалол етади. Бунинг устига еридан ҳам анча-мунча даромад келиб туради. Авваллари уни Нозирлар шўроси раиси лавозимидан олиб ташлашганида анча вақтгача ҳукуматдан хафа, халқдан норози бўлиб юрди. Энди эса барига кўникиб қолди. Паканароқ, қотмадан келган Ҳожи буванинг ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам, ҳали ўзини бардам сезади, хассага таянмай юради. Фақат соқолига бир оз оқ оралаган, холос.

Илгари унинг сарой — тимда магазини, шерикчиликда юргизиб турган пахта заводи бор эди. Қўшнилари ичида Назирбой (уни бир кўзи кўр бўлганидан Назир кўр дейишарди), Шоликоров билан қалин дўст. Полёзхожи Нозирлар шўросида раис лавозимида турганида Назир кўр Ташқи ишлар нозири бўлган. Полёзхожи умрида спиртлик ичимликларни озгига олмаган, дўсти Назир кўрнинг эса ичгани-ичган.

Бир кун Назир кўр Полёзхожининг меҳмонхонасига қириб, саломлашгандан кейин:

— Ҳожи бува, Нақибхўжаларнинг аризасини ўқиб чиқдингизми? — деб сўради.

— Ўқиб чиқдим, яхши ёзилган, қаранг, қанча одам қўл қўйипти, Елмонбой, Оллоқулибой, меҳтар, муфтиларгача имзо чекипти, ўзлари ҳам қўл қўйган эканлар,— Полёзхожи Назир кўрни ҳурматлаб «ўзлари» деди.

— Жаноблари ҳам имзо чеккан бўлсалар керак?

— Бўлмасам-чи, сиз имзо чеккан ерга биз ҳам қўлимизни қўйдик,

— Ҳожи бува аризани Назир кўрга берди,— бунинг ўзлари тегишли ташкилотларга...

— Бугуноқ олиб бориб бераман. Аҳмад ўриснинг кунин битди деяверинг.

— Ушбу ариза ҳақида Бройдога ҳам айтилган...

Орадан бир кун ўтгандан кейин Полёзхожи Бройдо олдида борди.

— Келинг, келинг, Ҳожи бува. Мен йўғимда бу ерда кўпгина воқеалар содир бўлипти.— Бройдо кичик мўйловини силаб, кўз ойнагини тўғрилаб гапида давом этди,— мени бу ерга Миллатлар Халқ комиссарлиги юборди.

— Сизни бизга худо юборди, қачон галарсиз деб тўрт кўзлаб кутардик.

<sup>1</sup> Чой қайнатадиган чўян қумғон.

<sup>2</sup> Сув оладиган чўмич.

<sup>3</sup> Товоқ, тоғорача.

Бройдо Нурловойга Полёзхожидан бошқа Бобо охун, Нуржон охун ва бошқаларни ҳам чақиртирган экан, кўп ўтмай улар ҳам келишди.

— Аввало бизни ўз ҳузурларига чақиртирганлари учун ташаккуримизни изҳор қилишга рухсат этгайсиз,— Нуржон охун шериклари номидан Бройдога миннатдорчилик билдирди,— сиз улуғ зотнинг Хоразмга ташриф буюриши бошимизга бахт қушининг қўниши билан баробардир. Ҳозир дин аҳллари баъзи бир нодон раҳбарларнинг бемаъни ҳаракати билан оғир аҳволга тушиб қолдилар.

— Аниқроғи, қувғинга учрадилар,— Худойберган қозикалон луқма ташлади.

— Худди шундай тақсир, қозикалонимиз тўғри айтдилар. Аҳволимиз ночор, дин, шариат оёқ ости қилинмоқда. Вақфдан тушадирган даромад мачит ва мадрасаларга берилмаётир.

Бройдо ўйланиб қолди ва охири уларга деди:

— Хоразм уламоларининг биринчи қурултойини чақирсаларингиз, шу ерда ҳамма фикрларингизни баён қилсаларингиз... Шунга нима дейсизлар?

— Доно фикр, аини муддао,— дея маъқуллашди келганлар.

— Хоразм уламоларининг қурултойини чақириб, мадрасаларни ислоҳ қилиш, вақф масалаларини кўрсангиз, мен сизга ёрдам берман,— деди Бройдо қўнғиз нусха мўйловини силаб.— Қурултой материалларини Марказижрокомга юборинг. Биз сессияда вақф масаласини кўрамыз.

— Раҳмат, оға, биз ёрдамингизга муҳтожмиз.

Орадан бир ҳафта ўтди, апрель ойининг охирларида Полёзхожи, Бобо охун, Қозикалон, Нуржон охун, Иноқ меҳтарлар Бройдо олдига боришди.

— Биз Хоразм уламолари томонидан даргоҳингизга вакил бўлиб галдик. Марказижрокомнинг иккинчи сессиясида бизлар ҳақимизда гамхўрлик қилгонингиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз,— деди Полёзхожи таъзим қилар экан.

— Вақф масаласини ҳал қилиб берганингиз учун ташаккур,— деди қозикалон узун ва йўгон салласини силкитиб,— вақфлардан келадирган даромаддан маълум қисмини мадрасалар учун ажратилиши оқилона тадбир.

Узининг хатти-ҳаракатидан, тутган сиёсатидан мамнун бўлган Бройдо келган вакилларнинг сўзларини диққат билан тинглагач:

— Биз сизларнинг бошқа илтимосингизни ҳам бажардик,— деди. Маҳаллалардаги қози — судларнинг шариатга мувофиқ равишда иш кўрувлари учун Адлия назоратида ҳайъати фуқаҳо барпо этишга қарор қилинди. Бу ҳайъатга сизларнинг вакилларингиз аъзо бўлиб киради.

— Тасанно сизга!— деди Иноқ Нақибхўжа,— Маҳмудовга ўхшаш туҳматчилар балосига қолиб жабр-жафо тортган Муллабекжон Раҳмонов, Муҳаммаджон Абдалов, Минглихўжа Ибн Яминовлар ҳақидаги Марказижрокомнинг илгариги қарори бекор қилинган, улар тамом оқланган. Биз сиз жанобларига туҳматчи Аҳмад Маҳмудов устидан шикоят қилиб ёзилган аризамизни келтирдик.

Бройдо аризани таржима қилиб беришни Полёзхожидан илтимос қилди. Русчани яхши биладиган Полёзхожи аризани таржима қилиб берди. Бройдонинг тепа сочлари тик бўлиб кетди, ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Бройдо Аҳмад Маҳмудовни яхши билар эди. У 1923 йилнинг апрель ойида Хоразмга командировкага келганида Аҳмад Маҳмудов Марказкомда иккинчи секретарь, Марказижрокомнинг ҳайъат аъзоси эди. Уша вақтда Иноқ Нақибхўжа, Назир кўр, Полёзхожилар унинг

устидан ариза ёзиб берган, комиссия раиси Хўжаев эса бирга ўрни қўшиб, Маҳмудовни роса ёмонлаган эди. Шундан кейин Бройдонинг таклифи билан Аҳмад Маҳмудов партиядан ўчирилиб, барча ишлардан бўшатилади. Маҳмудов Москвада партия ишини тўғрилаб келганини Бройдо Хивада эшитиб ҳайрон қолди. Мана унинг устидан яна ариза тушди, яна ўша кишилар имзо чекишган. У нуфузли кишиларга қараб:

— Аризангизни яхшилаб текширтирамиз! — деди.

\* \* \*

Бройдо кечаси билан Аҳмад Маҳмудов ҳақида ўйлаб чиқди. Миясига турли-туман фикрлар келди. Охири, «Аҳмад Маҳмудов энди ким? Оддий бир киши, илгаригидай Марказкомнинг иккинчи секретари, Чека раиси, Марказижроком ҳайъатининг аъзоси эмас. Унинг ишини осонликча бир ёқли қилиш мумкин. Бир ифвогарнинг йўқолгани яхши. Эртага уни олдимга чақириб, гаплашаман», деган хулосага келди. Эртаси Аҳмад Маҳмудовни ҳузурига чақиртириб, кабинетда қабул қилди.

— Сизни нима учун чақирганимни биласизми?

— Йўқ, балки мени табрикламоқчидирсиз?

— Уртоқ, Маҳмудов, тинч юрсангиз бўлмайдами?

— Тинч юрмай нама қилибман?

— Устингиздан яна ариза тушди. Унга Хоразмнинг нуфузли кишилари қўл қўйишган.

— Кимлар экан ўша нуфузли кишилар?

— Кейинчалик билиб оларсиз. Биродар Маҳмудов, мен сизни яхши биламан. Катта ишларда бўлдингиз, лекин сизнинг димоғингиз кўтарилиб кетиб, коммунист деган улуғ номга доғ туширддингиз.

— Москва, контроль комиссия ишимни жиддий текшириб, қўйилган айбларнинг ҳаммаси бўҳтон эканлиги аниқлангач, мени партия сафида қолдирди. Бу қувончимга сиз ҳам шерик бўларсиз деб ўйлаган эдим.

— Партияда қолдим деб яна гердаиб кетибсиз, нуфузли кишиларни менсимай ҳақорат қилиб юрибсиз. Уларнинг аризасида қилмишларингиз ипидан-игнасигача батафсил ёзилган. Сиз сўллик қилаяпсиз, на уламони биласиз ва на обрўли кишиларни ҳурмат қиласиз. Қилаётган ишларингиз партиянинг Шарқда тугган сиёсатига тамоман-зид!

Маҳмудов ўйланиб қолди: «Бундан роса бир йил илгари Бройдо Хоразмга келганида ўша «нуфузли» кишиларнинг гапига кириб, мени не турли балоларга гирифтор қилган эди. Энди яна ўша ҳодиса такрорланаяпти, яхшиси, юрагимдагини айтиб қўя қолай».

Бройдо Аҳмад Маҳмудовга тикилиб қаради.

— Хўш, нега индамай қолдингиз?

— Биродар Бройдо, сиз улли одамсиз, Марказда катта ишда ишлайсиз, ваколатингиз ҳам улуғ. Балки мен хато қиларман, ёш коммунистман. Балки сиз каби партиянинг Шарқдаги тугган сиёсатини яхши тушунмасман. Сиз, Шарқ сиёсатини яхши билган киши Хоразм инқилобининг биринчи кунларидаёқ «обрўли, ўқимишли, нуфузли» кишиларнинг гапига кириб, бир қанча коммунистларнинг оёғига болта урдингиз. Бир мисол: Хоразм инқилобида жонбозлик кўрсатган сардорларни, шу жумладан қаҳрамон Николай Шайдаковни душманларнинг ифвоси билан ноҳақ қаматтирддингиз. Қўшмамаатхон раҳбарлигидаги беш юзта туркмаң қизил навкарларини қатл эттирган, халқ нафратига дучор бўлган Полёзхожиларни қўлладингиз. Хоразмга иккинчи бор галганингизда бу аксилинқилобчиларни қоралаш ўрнига, уларга қарши курашган кишиларни айбли қилдингиз. Шулардан бири мен эдим. Собиқ хоннинг қайнатаси Иноқ Нақибхўжа, хоннинг энг яқин кишиларидан меҳтар, тўраларнинг гапига кириб партиядан чиқартирддингиз. Лекин

ҳақиқат рўёбга чиқди. Сиз эса яна «нуфузли» кишиларга ён босдингиз. Хоразм компартияси вақф масаласини тўғри ҳал қилганида уламоларнинг қурултойини пеш қилиб, вақфни яна эски ҳолига туширдингиз. Яна мачит ва мадрасаларнинг вақфи аввалгидай ўз ҳолича қолди. Инқилобнинг бешинчи йилида, яъни 1924 йилга келиб, бу ёт унсурлар Хоразм шўро мактабларида диний дарслар ҳам киритилсин, деб қурултойда жар солишди. Балки уларнинг бу талабларига ҳам қўшиларсиз. Бу ҳам сизнинг назарингизда Шарқ сиёсатига мос келса керак, биродар Бройдо!

Бу сўзларни эшитиб Бройдонинг кўзлари косасидан чиқа ёзди. У бундай аччиқ ҳақиқатни Хоразмда шу кунга қадар ҳеч кимдан эшитмаган эди.

— Бас қилинг! — бақирди у.

Маҳмудов борган сайин овозини баланд кўтариб гапирарди:

— Сиз бундан тўрт йил илгари қаматтирган Николай Шайдаков Хоразм инқилобининг тақдири қил устида турганида яна ёрдамга галиб, ватанни душманлардан тўзалади. Унинг қаҳрамон қизил аскарлари Жунайдохон, Оғажон эшонларни тор-мор қилиб, лашкарларини ер билан яқсон этди. Қани, айтингчи, нега сиз содиқ коммунистларга ишонмай, аламзада бекзода, сипоҳиларнинг гапига кирасиз? Сизга жумҳуриятнинг ҳамма ишларини издан чиқараётган Иноқ Нақибхўжа, Полёзхожи, Назир кўрлар яхшию, ҳақиқий коммунистлар, буни амалий иши билан исбот қилаётган бизлар ёмон бўлдикми?

— Сиз уларнинг олдида гўдаксиз. Сиз коммунист деган номни сотиб юрувчи кишисиз. Сиздай сўл коммунистлар сўзига кириб Совет ҳукуматининг обрўсини барбод қилайликми? Мени бу ерга ўртоқ Сталиннинг ўзи юборган. Сиздай оғмачи, халққа хиёнат қилувчиларнинг жазоси қамоқ! Қамоқда чириб кетасиз!

— Мени қамоқ билан қўрқитманг! Собиқ эсэр оғмачи ҳақлими, менми — буниси кейинчалик маълум бўлар. Лекин шуни яхши билингки, мен партия учун бошимни тиккан одамман, бир томчи қоним қолгунча партия йўли учун курашаман.

Бройдо мушти билан столга уриб, қичқирди:

— Бас, энди ким эканлигингиз менга аён бўлди. Аризадаги гаплар тўғри экан. Сизнинг партиявий ишингизни кўриб чиқишни Хоразм партия Марказкомидан илтимос қиламан. Сиздай сўл коммунист билан фиди-биди қилиб ўтиришга вақтим йўқ!

Бройдо бу билан: «Кабинетни бўшатинг, тез чиқиб кетинг», демоқчи эди. Аҳмад Маҳмудов ўрнидан қалқиб туриб, эшик томон юрди. Бройдо эса қовоғини солганича бир лаҳза жим қолиб, кўз ойнагини тўғрилаб қўйди-да, папирос чека бошлади. Сўнг телефон трубкасини олиб ким биландир гаплаша бошлади.

— Менинг қўлимда Аҳмад Маҳмудов ҳақида муҳим ҳужжат бор. У партия сафига нолайиқ киши, жиноятини аниқлаш учун тезда судга бериш керак. Қочиб кетмаслиги учун қамоққа олингани мақбул. Ҳа, ҳа менинг фикрим шу!

## Ун бешинчи боб

Хоразмда босмачиларнинг қатта тўдалари — Жунайдохон, Оғажон эшонларнинг лашкарлари тугатилган бўлса-да, бир қанча майда тўдалар, чунончи: Саъдулла бола, Дурди қора, Болта ших, Зоир бола, Шолтой ботир, Матчон тўра ва бошқа газандаларнинг йигитлари овул-қишлоқларда изғиб юриб, халқни талар, гуноҳсиз одамларни ўлдириб ке-

тишарди. Бу газандалар гоҳ қизил аскар кийимида, гоҳ милиционер формасида қишлоқ-овулларда талончилик қиларди.

Қуёш эндигина ботган, тун атрофга қора чойшабни ёйганича йўқ. Ҳаво дим, қумликка туташ катта кўлдан кўтарилган чивинлар одамларнинг юз-кўзини чақиб, шишириб юборади. Подалар чанг-тўзон кўтариб қишлоққа қайтмоқда. Қутилмаганда ўқ овозлари эшитилди.

— Босмачилар!..

— Матчон тўра йигитлари!..

Матчон тўра қўлида маузер, от чоптириб қишлоққа кириб қелдида, собиқ оқсоқолнинг катта ҳовузи ёнидаги шосупага солинган гилам устига чўкканча буйруқ устига буйруқ бера бошлади:

— Большойларни ўлдиринг!

— Қалтадумларни қилич дамидан ўтказинг!

— Уйларини таланг, ўт қўйинг!..

Собиқ оқсоқол тўранинг атрофида парвона. Хизматкорлар аччиқ кўк чой келтиришди, кўп ўтмай палов ҳам сузилди. Қорни тўйғач:

— Дарҳол халқни тўпланг! — деб буйруқ берди Матчон тўра.

Оқсоқол қишлоқ аҳлини катта ҳовуз атрофига тўплай бошлади. У ерга ёшу қари, хотин-халаж, хуллас ҳамма йиғилди. Матчон тўра ўрnidан виқор билан турди-да, тилга кирди:

— Халойиқ, менинг ким эканлигимни биласизлар! Тўраларнинг тўраси эдим. Умримда қўлимга қуроли олмаган, пашшани ҳам ўлдирмаган эдим. Мана энди от чоптириб, қилич ўйнатаётирман. Мени шунга нама мажбур этди? Уй-жойларимни, ерларимни шўро тортиб олганлигимни? Йўқ! Билсангиз, ислом динининг тақдири! Ахир нама деган гап, хотин-қизларимизда ҳаё қолмади... Менинг хотиним ҳам большойларга сотилиб кетди. Динимизни оёқ ости қилишди, мадрасалар беркитилди, вақф кўлдан кетди. Мана ёвонингиздан мисол олинг, шундай иззатли, ҳурматли оқсоқол бувани ўрnidан тушириб калтадумни шўро қилиб қўйишган. Бугундан эътиборан оқсоқолни яна ўз ўрнига қўяман. Кимда ким шўро деса тилини кесинг, кўзини ўйинг! Худо бизларни қўллайди. Ҳали кўрасизлар, ислом лашқарининг сардори Жунайидхон чет эллардан ўқ-яроғ олиб, яна куч йиғиб қайтиб галади. Ана унда большойнинг аҳволи вой бўлади.

Тўпланганлар сукут сақлар, ҳеч кимдан садо чиқмасди. Матчон тўра эса ҳамон бақриб-чақриб гапирарди:

— Биз мусулмон болаларига, турк фарзандларига қўл тегизмай-миз! Оға-инилар! Кофирларга ўлим! Большой Полвонларга ўлим!..

Шу пайт узоқдан отларнинг дупури эшитилди. Кимдир:

— Полвон ботир галаётир! — деб қичқириб юборди.

Дами ичига тушган Матчон тўра йигитлари билан қумга қочди.

\* \* \*

Аҳмад Маҳмудовнинг иши терговга оширилганини эшитган Назир кўр хурсанд, яримтани ичиб, эски жазмани Бикажон бикани кўришга ошиқди. Киссасида бели синмаган червонлар. Энди у файтонда эмас, одам кам юрадиган пасқам кўчалардан пиёда ўтиб борарди. Назир кўр Матчон тўранинг шаҳар ҳовлисига борганида уни дарвоза олдида тўранинг катта хотини Пошшажон бика салом билан қарши олди ва янги очилган эшик томон бошлади. Назир кўр ҳайратда қолди.

— Оға, ҳайрон бўлмасинлар. Катта ҳовлимизда мактаб очишди, биз бу ёқдамиз. Қани, ичкарига марҳамат.

— Дарвоза олдида нама қилиб тургандингиз?

— Болаларим шу мактабга киришди, танаффусга қачон чиқади деб кутиб турган эдим. Қариндошимнинг уйига бормоқчиман.

Пошшажон бика тўладан келган, ўрта бўйли, оқ юзли, қадди-қо-

мати келишган аёл. У кундошларидан анча катта бўлса ҳам, ҳуснини йўқотмаган, қирққа бориб қирчиллаган пайти. Тўғри, энди унда илгариги бикаликдан асар ҳам йўқ. Қанизак, чўри, энага, барча хизматкорларидан айрилиб қолган. Кичик рўзғорига ўзи бош: катта ўғли босиникида, кичиклари ўзи билан бирга туради.

— Ўзгармабсиз...— Назир кўр уйга кириб, уни мақтай бошлади.

— Ога, нага ўзгарайлик, энди қирқ гулимиздан бири очилди. Бунинг устига ўзимиз бек, ўзимиз хон, эрнинг гами йўқ, кундошлардан озодмиз.

— Бикажон бика-чи? У киши сиз билан турмайдиларми?

— Дарров Бикажон бикани сўрайсиз, юрагингиздан урган-да! Бизлардан ҳол-аҳвол сўрамайсиз...

— Ғўзал келинчакка ўхшайсиз.

— Ошириб юбордингиз... Жунайдахон енгилгач, жазманингиз Бикажон бика Матчон тўрадан умидини узди. Уйнашга ишониб эрсиз қолмайин, деб эрга тегди.

— Кимга?

— Матчон тўранинг дехонига.<sup>1</sup>

— Дехонига-я?

— Ҳавво.

— Тўй-пўйи бўлдим?

— Тўйи неерда бўлсин. Қамбағалда тўйга пул бўладими? Бикажон бика унинг уйига тўйсиз-пўйсиз бориб ўтирди-қўйди.

— Хунук иш бўлипти, эссиз бика.

— Ҳозирги замонда бикалик қолдими? Биласиз, бу уйда илгари чўриларимиз яшашарди. Энди... Мана, ўзингиз ким эдингиз? Кимсан, Назирбой шоликор, тўрт от қўшилган фойтонда юрардингиз. Энди-чи?!

— Энди қип-яланғоч бўлиб қолдингиз демоқчимисиз?

— Йўқ, ундай деяётганим йўқ. Ҳалиги айтган гапингизга жавоб қайтараётирман. Унвону мансабдан асар қолмади, деяпман.

— Ҳали сизни боқишга қурбим етади,— Назир кўр киссасидан конъяк чиқарди ва Пошшажон бикани бағрига олди.

— Ога, болаларим галишди...

У силтаниб Назир кўрнинг қучоғидан чиққан ҳам эдики, кичик ўғли мактабдан келиб қолди. Назир кўр унга киссасидан пул чиқариб берган эди, бола уялиб олмади.

— Ол бола, Назир оғанинг қўлини қайтарма. Назир оғангдай бадавлат бўл,— деди онаси. Уғли пулни олди. Назир кўр эса ўрнидан турди. Бика уни узатаркан, мулойимгина деди:

— Ога, галиб туринг, уйимизнинг эшиги доимо сиз учун очик...

Назир кўр дўсти Муҳаммаджонни янги вазифага ўтиши муносабати билан табриклаш учун савдо-саноат назоратига борди.

— Галинг, галинг, Назир ога, камнамо бўлиб кетдингиз, қани, қани мана бу бахмал креслога ўтиринг,— деб дўстини қаршисига ўтказди Муҳаммаджон ва зарҳал пиёлада кўк чой узатди.

— Сизни оқланиб, нозир муовини бўлиб тайинланганингиз билан табриклайман, Омадингиз галди, дўстим. Душманингиз ҳам ич-этини еяётгандир.

— Аҳмад ўрисни айтаётирсизми?

— Ҳа-да, у каззоб сизга, бизга тинчлик бермас эди.

— Яқинда суди бўлади, энди қамоқда чирийди. Азизим, мен сизни дурустроқ ишга ўтказсам деб ўйлагандим.

— Сиз на десангиз биз шунга рози,— деди Назир кўр,— ахир чин дўст туғишганинг билан тенг.

<sup>1</sup> Батрак.

— Хоразм матлубот жамиятига товаровед бўлиб киринг, ойлиги ҳам ёмон эмас, тўқсон сўм. Бозорда бунга камида йигирма икки-йигирма уч қўй беради, давримизнинг улли маоши, қолаверса...

Назир кўр «қолаверса»нинг маъносига тушунарди. У «қолаверса яна ўзимиз ёрдам берамиз» дегандан ташқари, «қолаверса, ойлик билан чекланиб қолмассиз» маъносини ҳам билдирарди. Дўсти яна қўшиб қўйди:

— Энг яхши моллар сизнинг қўлингиздан ўтади...

Назир кўр янги ишга тайинлангач, омбор мудирлари, база бошлиқлари билан танишиб олди. Улар Назир кўрнинг ким эканлигини, айниқса нозир муовининг яқин дўсти эканини яхши билишар, бир баҳона топиб, унга совға-салом ҳам қилиб туришарди. Овқат, кийим-кечак текин. Шундай «ёғлиқ» жойда тинч, бемалол ишлаб юриши мумкин эди. Лекин унинг феъли-атвори тинч юришга йўл қўймасди. У бирор жанжалга аралашар, ё ўзи бирорта ғавғони бошлар, ёки бирор тухмат, фитнага бош қўшар, бу қилмишларидан лаззат оларди. Жиноят қидирув ташкилотлари олдида ўзини содиқ киши қилиб кўрсатиш учун бировни ноҳақ айблар, дўстини ҳам аямас, бу ишларни усталик билан ижро этганидан дўстлари ундан шубҳаланишмас, ифвода унинг разил қўли борлигига ишонишмасди. Энди у эски дўсти Нуруллаевнинг судига бормай қўйди, катталар олдида уни қоралай бошлади.

## Ҳн олтинчи боб

Хоразм Марказижрокомининг раиси Султонқори Жуманиёзов масъул саркотиб ўринбосари Матёқубов Оҳангаровни ўз ҳузурига чақирди.

— Матёқубжон, эртага пойтахтнинг фаол хотин-қизларини чақириб, улар билан янги фармоннинг лойиҳасини муҳокама қилсак... Мана, бу чақирилиши лозим. актив аёлларнинг рўйхати. Рўйхатни тўлдиришингиз ҳам мумкин.

— Яхши ўйлабсиз.

— СССР Марказижрокоми ва СССР Халқ Комиссарлар шўроси томонидан янги шўро оқчалари ҳақидаги декретни Хоразмда ҳам ўн бешинчи майдан эътиборан жорий қилиш керак. Мен фармонга қўл қўйдим. Энди Хоразм қоғоз оқчаларини чиқармаймиз, бу ҳақда газетада эълон беришсин.

— Ҳозирок бажараман.

— Миллий областлар тузиш ҳақидаги материаллар тайёрми?

— Тайёр, мана, — Оҳангаров қўлидаги папка ичидан бир даста қоғоз олди.

— Менга беринг, танишиб чиқиб, сўнг декрет лойиҳасини ёзиб бераман.

Султонқорининг қирчиллама пайти. У ҳамма қарор, фармон, декретларни ўзи ёзиб, муҳокамага қўяди, ҳар вақт Ленинга тақлид қилади. «Ленинчи бўлиш энг катта бахт», деб юради.

У қишки саройнинг катта зали эшиги олдида Хоразм фаол хотин-қизларини очиқ юз билан қарши олди.

— Сингилларим, қизларим, — деди мулоимлик билан хотин-қизлар жой-жойига ўтиргач, — партия ва ҳукуватимиз аёлларга катта ғамхўрлик қилмоқда ва бундан кейин ҳам ғамхўрлик қилаверади. Яқинда Оймахон, Анаш халфа, Ёқутой, Хайриманотлар Марказижрокомга галиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқини поймол қилувчиларга қатъий чора кўриш масаласини кўтаришганди. Марказижроком уларнинг талабини назарда тутиб, бир фармон чиқарди. Марказижроком томонидан 1924 йил 18 майда чиқарилган фармонга биноан қизларни сотиш, яъни қалин



пул олиш, хотин устига хотин олиш қатъиян ман қилинади. Қалай, мазкур фармонни маъқуллайсизларми?

— Дим яхши!

— Кўнгилдагидай ёзилган,— дейишди аёллар.

Анабиби Сафоева ўрнидан турди.

— Менда бир таклиф бор. Паранжига қарши ҳукумат декрет чиқарса...

— Анабиби тўғри айтаётир,— Анаш опа унинг фикрига қўшилди.

— Сингилларим, бу мумкин эмас,— деди бош чайқаб Султонқори,— декрет билан паранжини ташлатиш амри маҳол. Бу нарса оми одамларнинг жаҳлини чиқаришдан ташқари, руҳонийларга катта дастак бўлади. Паранжи ташлаш онгли равишда бўлиши керак.

— Менда ҳам бир таклиф бор,— деди Ёқутой,— ўн олти ёшга етмаган қизларни эрга бериш ман қилинсин.

— Бу тўғри таклиф,— раис Ёқутойнинг таклифига қўшилди.

— Хоразмда хотин-қизлар билим юрти очиш зарур!

— Аёллардан санойи нафиса ходимларини чиқариш лозим!

Оймахон, Ольга, Норжон Абдусаломова ва бошқалар шундай таклифларни айтишди.

— Яхши гаплар, муҳим таклифлар. Буларнинг ҳаммасини назар-эътиборга оламиз,— деди раис уларга қараб.

Марказижрокомга кенгашга келган аёллар мамнун бўлиб тарқалишди. Султонқори Ёқутой билан хайрлашаётганда: «Синглим, бирпас кетмай туринг, гапим бор», деб уни олиб қолди. Кейин сўради:

— Хотин-қизлар мактаби мудираси Тошкентга кетар экан, унинг ўрнига маориф назорати сизни қўймоқчи бўлибди, лекин сиз рад жавобини берибсиз, шундайми?

— Шундай, менга оғирлик қилади.

— Ишнинг енгили бўлмайди, қизим. Мактаб мудирлигига сиздан бошқа муносиб номзод йўқ экан, рад қилманг.

— Илмий мудираман, бу ҳам муҳим иш...

— Гапингиз тўғри, у ҳам зарур иш. Лекин биз мураккаб ишларга ўзимизни тайёрлаб боришимиз керак. Замон талаби зўр, биз замонга муносиб бўлишимиз зарур. Гапнинг маъзи ана шунда.

— Гапларингизни ўйлаб, маъзини чақиб кўрсам,— деди Ёқутой кулимсираб.

— Ўйлаб кўрингу аммо ўйингиз чўзилмасин. Ҳа, айтгандай, Полвон ботирнинг урушда кўрсатган қаҳрамонлигини назарга олиб ҳукумат уни тақдирламоқчи. У давримизнинг қаҳрамони. Тўйларингиз бўлади, деб эшитиб ҳурсанд бўлдим. Ҳар икковингиз ҳам бир-бирингизга муносибсиз. Мен Полвон билан жанг майдонларида ака-ука тутинганман. Энди акалик бурчимни адо қилиб, тўйларингизни яхшилаб ўтказиб бераман.

Ёқутой раис жумҳур олдидан бир олам севинч билан чиқди.

\* \* \*

Хоразм жумҳуриятининг истиқболи «оқ олтин»га боғлиқ эканини яхши билган Султонқори янги тузилган пахта ширкатининг ишини йўлга қўйиш учун коммунист, бир неча йилдан бери Хива шаҳар ижрокоми раиси вазифасида ишлаган Машариф Қориевни шу ишга тайинлади.

— Машарифжон, сизни энг масъулиятли, энг фахрли ишга тайинладик,— деб мулоимлик билан гап бошлади раис.— Пахта ширкатининг раиси бўласиз, ўлкамизнинг тараққиёти пахтага боғлиқ. «Пахтачилик масаласи ҳақида» ҳукумат декрет чиқарди, мана уни ўқинг.

Қориев декретни ўқий бошлади.

Хоразм Марказижрокоми ва Нозирлар шўроси тарафидан 1924

йил, 29 майда чиқарилган 19-сонли декрет бир неча саҳифадан иборат эди. Унда Хоразмда пахтачиликни ривожлантириш йўллари, СССР Бош пахта комитети билан бирга Хоразмда пахта ширкати тузиш, пахта экиладирган ерларни солғитдан озод қилиш, пахта тозалаш заводларини ремонт қилиш, суғориш... каби муҳим масалалар ёзилганди.

Қориев декретни ўқиб бўлгач:

— Муҳим декрет,— деди.

— Сиз шу вақтга қадар фақат Хива шаҳарининг манфаатини ўйлаган бўлсангиз, энди бутун жумҳуриятнинг манфаатини ўйлашингиз керак. Ҳа, пахта бизнинг энг асосий хом ашёмиз, фахримиз.

— Ҳукуматимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан,— қатъий ваъда берди Қориев.

— Ёрдам керак бўлса тўғри олдимга галаверинг,— деди Султонқори.— Марказижрокомнинг эшиги сиз учун очик.

## Ун еттинчи боб

Полвон Хоразм миллий аскарини қисмларини тузиш тараддудида районма-район, қишлоқма-қишлоқ юриб, Хўжайлига келиб қолди. Йигитларини казармага жойлаштириб, дўсти Қўсберганни кўриш учун уйига келди. Эндигина ишдан келган қалин дўстини меҳмонхонада кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг дарҳол дўсти Ҳамзага телефон қилиб, уни уйига таклиф этди. У ҳам тезда етиб келди.

Ҳамза Қўсберганнинг уйини ўзининг иккинчи уйи деб биларди. Санъат, адабиётни севган шаҳар Советининг раиси Қўсберган ҳам Ҳамзани ўз акасидай яхши кўриб, ундан ҳеч нарсани аямасди.

— Ҳамза оға, мактаб қурилишини бошлаб юборибсиз, қийналмаяпсизми? — савол берди Полвон Ҳамза билан қуюқ сўрашгач.

— Полвонбой, ўзингиз биласиз, қурилишнинг катта-кичиги йўқ, албатта бирор нарса етишмай туради. Бахтимизга Қўсберган бор экан, ёрдам бераётир. Бирор нарса етмаса эркалик қилиб бораверамиз.

— Ҳашарга чақирсангиз, аскарларимиз билан ёрдам берардик.

— Раҳмат, Полвонбой, ҳозирча иш ёмон кетаётгани йўқ.

Қўсберган катта тоғорада қимиз олиб кирди. Қимизхўрлик бошланди.

— Айтгандай, Фарғонадан уст-устига хат оляпман,— Ҳамза киссасидан хат чиқариб, Қўсберганга узатди.— Ишга чақиришяпти, Хоразмда шунча ишлаганинг етади, дейишяпти.

— Ҳақиқатан ҳам бизларни ташлаб кетмоқчимисиз?

— Сизларни ташлаб кетиш мен учун оғир. Хўжайли ўз уйимдай, лекин иложим қанча, Хоразмда узоғи билан олти ой турарман деб ўйлагандим, уч йилдан ошиб кетди...

Полвон Ҳамзанинг гапларини диққат билан тинглаб ўтирарди. Қўсберган унга хатни узатди. Полвон хатни ўқиб чиқиб, шоирга меҳрмуҳаббат билан боқди ва деди:

— Ҳамза оға, Хоразмга кўп меҳнатингиз сингди, халқимиз сиздан жуда миннатдор.

— Мен Хоразмни ҳеч қачон унутмайман, у тараққиёт йўлида. Мен гувоҳ бўлган уч йил ичида қанча мактаб, қанча курслар очилди, газета ташкил этилди, театр вужудга келди, қанча киши саводини чиқарди. Инқилоб бўлмаганда бу ютуқларга юз йилда ҳам эга бўлиш амри маҳол эди.

— Бу ютуқларда ўзларининг ҳам улушлари бор.

— Полвонбой, мен қўлимдан келган ишни қилдим.

— Ҳамза оға, хоразмлик бўлиб қолдингиз, қетманг.

— Иложим йўқ. Фарғоналиклар қўйишмаяпти. Эртага Хўжайли партия комитетига бораман.

Қадрдон дўстлар кеч кира бошлаганда тарқалишди. Ҳамза йўлда бораркан: «Полвон, Қўсбергач, Шерозий, Сафаргалди каби ажойиб одамларни қандай ташлаб кетиш мумкин-а? Яна бирор йил Хоразмда қолсамми? Лекин хат устига хат, телеграмма устига телеграмма келавериб тинчлик беришмаяпти... Балки бирор йилдан кейин яна қайтиб келарман», деб хаёл сурарди.

\* \* \*

Ҳамза эртаси Хўжайли партия комитети секретари олдига кириб, Фарғонадан келган қоғозларни кўрсатди.

— Кетишга рухсат этарсиз?

— Шундай мактаб мудирини кетказиб бўладими?

— Урнимга Бекжонов деган йигитни тайёрлаганман, ақлли йигит...

— Биродар Ниёзий, ўрнингизни бошқа биров боса олармиди?! Сиз ҳукуматдан пул олмасдан, болалар билан деҳқончилик қилиб мактабни тебратиб келдингиз. Хўжайлидаги санойи нафисага ким бош бўлади? Бунинг устига мактаб қураётгирсиз...

— Қурилишни тамом қиламан, шундан кейин...

— Қани бюро аъзолари билан маслаҳат қилиб кўрайлик-чи.

— Кейин, отпусқа ҳам олмагандим...

— Бу бошқа гап, отпусқа олишингизга қарши эмасман. Отпускангиз тамом бўлиши билан қайтиб галинг.

Ҳамза ўйланиб қолди. «Отпусқага борсам, у ерда олиб қолишса, Хоразмга юборишмаса юзим шувут бўлади, шаънимга доғ тушади, ўзим, алдоқчи кишиларни ёмон кўраман»...

— Айтгандай, мен сизнинг кўп пьесаларингизни кўрганман, — секретарь янги гап бошлади, — ажойиб асарлар. «Бой ила хизматчи»нинг довруғи бутун Хоразмга ёйилди. «Хива инқилоби», «Хон зулми», «Ватан қаҳрамонлари» каби пьесаларингизни бир неча бор кўрдим, кўрдимгина эмас, ўзим ҳам ҳаваскорлар тўғарагида инқилобчи ролини ўйнадим.

— Хоразм ҳақида яна бир пьеса ёзмоқчиман.

— Ниятингизга етинг. Шу пьесани дастлаб Хўжайлида қўйдирамиз.

— Раҳмат сизга!

Ҳамза Хўжайли партия ташкилоти секретари олдидан хурсанд бўлиб чиқди.

\* \* \*

Партия Марказкоми аппарати Қарвонбошининг шаҳар ҳовлисидан Нурловойга, собиқ хоннинг маҳрамхонасига кўчиб келган эди. Марказижроком жойлашган қишки сарой бинонинг рўбарўсида бўлиб, инқилобдан илгари унда канизаклар турарди. Бинонинг гир атрофи баланд ва қалин деворлар билан ўралган. У ерга фақат хоннинг ўзи иккинчи бир бино — ишратхона орқали, махсус даҳлиздан шу ҳарамхонага кирарди. Қираверишда катта қўл-ҳовуз, атрофи гулзор, ҳовуз ичида эса бир неча қайиқ турар, унда канизаклар чўмилишар, қайиқларда сайр қилишарди. Ҳовузнинг рўбарўсидаги сақкиз қиррали ойнаванд уйда Исфандиёрхон ўтириб, чўмилаётган канизакларни томоша қилар ва турли вазиятда суратга тушириб, ҳузур қиларди. Канизакларнинг тураржойи Европа усулида қурилган бўлиб, полли, печли, эшиклари икки табақали, заллари ниҳоятда чиройли безатилган эди. Инқилобдан кейин бу бинони бир қанча ташкилот, жумладан

маориф назорати эгаллади. 1921 йилда Ҳамза билан Шерозий ўзбек бадий кечасини шу ерда ўтказишган эди. Кейинчалик бинога қишки сарой томонидан эшик очилгач, ишратхона орқали камдан-кам юриладиган бўлди.

Султонқори гулзор ёнидан ўтиб, зинапоялар орқали катта айвонга чиқди. Айвон эртақлардагидай безатилган, қатор устунларга ўйиб солинган нақшларга қараган кишининг баҳри-дили очилади. Султонқори айвонда бир лаҳза туриб, атрофга боқди, бу баҳаво, салқин жой эртақлардаги жаннатни эслатарди. У даҳлиздан ўтиб, ўнг томондаги хонага — Хоразм Компартияси Марказкомининг биринчи секретари қабулхонасига кирди. У ерда секретарь қиз билан машинистка ўтирарди.

— Биродар Хонсуворовнинг олдида ким бор? — сўради Султонқори секретарь қиздан.

— Бюро аъзолари, сизни кутишяпти.

Султонқори кабинетга кирди. У ерда бюро аъзолари, Марказкомнинг бўлим мудири, Хоразм комсомолининг биринчи секретари Карим Болтаев, Маориф ноизири Давлат Ризаевлар ўтиришарди. Раис жумхурнинг ҳурмати юзасидан ҳамма ўрнидан турди.

— Келингиз, келингиз,— деб узун бўйли, қотмадан келган, оқ юзли, кўзойнак таққан Хонсуворов Султонқори билан илиқ кўришди.— Тошкентга талабалар юбориш ҳақида сўзлашиб ўтиргандик, айни вақтда келдингиз. Бу масалани сиз билан биргаликда ҳал қилиш лозим бўлиб қолди.

Исҳоқ Хонсуворов Хоразм Компартияси Марказкомининг биринчи секретари вазифасига яқиндагина ўтган бўлса-да, тез кунда кишиларнинг ҳурматини қозонган эди. У араб, форс, туркий тилларда бемалол гаплашар, рус тилини она тилидай яхши биларди. Бирмунча вақт Москвадаги Шарқ халқлари университетиде сиёсий иқтисоддан дарс ҳам берган.

— Исҳоқ ака,— сўз бошлади Давлат Ризаев,— Тошкент, Москва шаҳарларига ўқишга юборишни сўраб ариза берувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бораётир.

— Бик яхши, бик айбат,— деб хурсанд бўлди Хонсуворов.

— Лекин маориф назоратида бу ишга маблағ йўқ.

Хонсуворов Марказижроком раисига: «Сизда маблағ бўлса керак», дегандек қараб қўйди.

— Исҳоқ ака, бир-икки, боринги, беш-ўн кишини ўқишга юбориш учун пул топиш мумкин, лекин бу ерда юзлаб киши ҳақида гап кетаётир, бунга Марказижрокомда сармоя йўқ,— деди Султонқори.

Хонсуворов ўйланиб қолди. Бир томондан, у хурсанд, шунча ёшларни Хоразм тарихида биринчи марта марказий шаҳарларга ўқишга юбориш шарафли иш, катта маданий аҳамиятга молик тадбир, иккинчи томондан, сармоя йўқ. У бир илож қилиб, пул топиш йўлини ахтариш устида бош қотирар эди.

— Исҳоқ ака, туркман, қозоқ-қорақалпоқ областлари ҳақидаги декрет лойиҳасини олиб келдим,— деб Султонқори бир нусхасини Хонсуворовга узатди,— декрет Марказком қарори асосида тузилди.

— Қани, ўқинг-чи.

Султонқори баланд овоз билан ўқий бошлади:

#### «ДЕКРЕТ № 15.

*Х. С. Ш. Ж. Марказижроком ҳам Нозирлар шўроси тарафидан жумхурият бўйича, 1924 йил, 21 май, Хива шаҳри.*

*...1924 йил, апрелда чиқарилган Хоразм Ижрокомининг иккинчи сессиясининг қарориға биноан Хоразм Жумхуриятининг жузғий бўлаги қилиниб икки мухторият область ташкил қилинадур:*

I — Туркман области.

Бу областга Илоли, Фурси ҳам Тахтабозор районлари доҳил бўлиб, мазкур областнинг маркази Тошовуз шаҳрида бўлур.

II — Қозоқ ҳам қорақалпоқ области: -

Бу областга Хўжайли, Кўҳна Урганч, Янги қалъа ҳам Қўнғирот районлари доҳил бўлиб, областнинг маркази Хўжайли шаҳрида бўлур.

...Мазкур мухториятли областларнинг даромад ва буромадларини Умумхоразм бюджети татбиқ ва мувофиқ қилиниб, ишлаб чиқармоққа ҳам молияда налог аппаратларини тузатиб яхши тартибга қўймоққа дохлия назоратига таклиф этиладур.

Х. С. Ш. Ж. Марказижроком раиси:  
Султонқори.

Х. С. Ш. Ж. Марказижроком масъул саркотиби ўринбосари:  
Оҳангаров».

— Декрет маъқуллансин! — дейишди бюро аъзолари.

## Ўн саккизинчи боб

— Мен ҳам Тошкентга бориб ўқийман, — деди Саодат онасига.

— Не ера бормоқчисан, қани қайтаргин?

— Онажон, чиқонларим Тошкентга ўқишга кетаётир, мен ҳам кетсам.

— Бемаъни гапларни бас қил, — онаси дашном қилди.

— Барибир кетаман, ариза берганман.

— Ариза-паризанг билан гумдон бўл! Эй худо-ей нага мен қиз туғдим. Қиз туққунча чўл бақасини туғсам бўлмасмиди!

Саодат муаллимаси Екутойнинг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб берди.

— Хафа бўлма, синглим, ота-онанг билан ўзим гаплашаман, юр, — дея Саодат билан унинг уйига келишди.

Саодатнинг онаси жаҳлидан тушган, қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирган эди. Қизининг муаллимаси билан қайтиб келганини кўриб, кўнгли таскин топди ва Екутойни очиқ чеҳра билан тўрга ўтқазди. Суҳбат узоққа чўзилди. Кампир бир оз бўшашиб: «Юнус отангиз билан гаплашиб кўринг», — деди. Екутой Саодатнинг отаси руҳоний киши эканини яхши билар, шунинг учун ҳам гапига қулоқ солмаслигига кўзи етарди. Чиндан ҳам чол кўнмади. Екутойнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, тўғри Аҳмад Маҳмудов олдига борди.

— Аҳмад ога, талабаларим ичида энг истеъдодлиларидан бири Саодат. У, Тошкентга ўқишга кетаман, деса отаси қўймапти, ўзингиз бир гаплашиб берсангизмикин, деб галган эдим.

— Албатта, гаплашаман, — қатъий ваъда қилди Маҳмудов.

Аҳмад Маҳмудов бу кунларда хийла хафа бўлиб юрарди. Унинг иши устидан тузилган комиссия ҳар куни деярли чақириб турар, савол устига саволлар ёғдирар, асабини бузарди. Лекин, шунга қарамай, ички изтиробларини енгиб, виждой амри билан иш кўрди. Екутойга берган ваъдаси устидан чиқди.

— Юнус ота, сиз Хиванинг нуфузли кишиларидан бирисиз, оқ-қорани ажрата оласиз. Илм олганларни ҳурматлайсиз, шундайми? Мен сизни шундай деб биламан, гапим тўғрими?

— Тўғри, Аҳмадбой, ўқимаган одам жоҳил бўлади, — деди Саодатнинг отаси ўз оғзидан илиниб.

Аҳмад Маҳмудовга шу сўзнинг ўзи кифоя эди.

— Яшанг, ота, ўзим ҳам, саволимга худди шундай жавоб айтар-

сиз, деб ўйлагандим. Замон ўзгарди, энди фақат эркакларгина эмас, балки аёллар ҳам ўқишга, илм-маърифатга интиломоқда.

— Менинг қизим ҳам ўқиётир.

— Бундан хабарим бор. Ўзингиз биласиз, Хивадагина эмас, бутун Хоразмда олий мактаб у ёқда турсин, ҳаттоки тўлиқ ўрта мактаб ҳам йўқ. Шунинг учун кўплар ўқишни давом эттириш мақсадида марказий шаҳарларга ўқишга кетишаётир.

— Тўғри қилишади.

— Яккаю ягона қизингизни яхши кўрасизми?

— Бўлмасам-чи, унинг учун жонимни бераман.

— Шундай экан, қизингизнинг хоҳишига тўсқинлик қилиб, уни ранжитасизми? Ёки бошқа сабаб борми?

— Гап-сўздан қўрқаман. Қизим чет шаҳарга кетса...

— Тошкент — чет шаҳар эмас, ўзимизники, — Аҳмад Маҳмудов Тошкент ва Москвада ўқишнинг афзаллигини тушунтириб, куйиб-пишиб гапира кетди.

Юнус ота ҳамма гапга тушунса-да, қизи Саодатни Тошкентга ўқишга юборишга рози бўлмади.

\* \* \*

Хоразм республикасининг Тошкентдаги бош консули Бобожон Ёқубов Талабалар комитети раиси Раҳмат Мажидий ва унинг муовини Одамбой Иброҳимовни ўз ёнига чақириб, Хоразм марказий ташкилотларидан келган хатни ўқиб бериб, шундай деди:

— Йигитлар, масала муҳим, Хоразмдан аввалги йилга қараганда бир неча барабар кўп талаба ўқишга галади. Уларни жойлаштириш масаласини ўйлаб кўринглар.

— Консулхонада пул борми? — сўради йигирма-йигирма иккиларга борган Одамбой Иброҳимов.

— Пул не ерда дейсиз.

— Балки, Хоразм ҳукумати пул топиб берар? — сўради ўрта бўйли, қалин сочли, оқ юзли Раҳмат Мажидий.

Раҳмат бу вақтларда ўн саккизга қадам қўйган бўлиб, унинг асли исми Раҳматулла, отасининг оти Абдумажид, охун эди. Зиёли дўстлари Раҳмат Мажидий деб юритишарди. Хиванинг Амин Чорсуси мавзеида зиёли оиласида туғилган Раҳмат Хоразм инқилобининг биринчи кунларидаёқ — 1920 йилнинг бошида комсомол сафига кирди, Тошкентга келиб «Иқбол» номли иш мактабига, кейин «Навой» номли педтехникумга кириб Ойбек, Ҳомил Ёқубов, Миркарим Осимлар билан бирга таҳсил кўрди. 1924 йилда эса рабфакка ўтиб, Хоразм Талабалари комитетининг раиси бўлди.

Раҳмат Мажидий Одамбой Иброҳимов билан бош консул олдидан тўғри Хоразм Талабалар комитетига келди. Хоразмлик талабаларнинг ётоқхонаси ҳам ўша ерда эди. Талабаларнинг баъзилари САКУда, баъзилари эрлар билим юртида, қизу аёллар эса, Ленин кўчасига жойлашган хотин-қизлар билим юртида, кўпчилик рабфақ ва турли курсларда ўқишарди.

Мажлисга Ҳамза Мусаев ҳам келди. У Хоразм Талабалари комитети жойлашган ҳовлида истиқомат қиларди. Хоразм инқилобининг биринчи кунларидаёқ қизил аскарлар сиёсий бўлимнинг бошлиғи бўлиб, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жуда катта хизмат қилган содиқ коммунист эди. Мусаевнинг миллати бошқирд бўлиб, у хоразмликлардан жуда кўп сиёсий ходимлар етиштирди. У САКУда сиёсий иқтисоддан дарс берарди.

— Хоразмдан ўқишга келадирган талабаларни танлаш, уларни Тошкентга олиб келиш вазифасини Раҳмат Мажидийга юклаш керак, —

таклиф киритди ҳазорасплик йигит Дўсимов,— унга ёрдамчи қилиб Иброҳимовни тайинлаш зарур.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди, Мусаев ҳам бунга қўшилди.

— Раҳмат огага мен ҳам қўлимдан галганча ёрдам бераман,— деди чиройли, қора мағиздан келган, ёши ўн олтиларга борган Фотима.

— Мен ҳам кетардим-ку, лекин Тошкент шаҳар комсомол комитети мени маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида ишлаш учун олиб қолаётир,— деди Фотиманинг опаси Хадича.

— Майли, мен опам учун ҳам ишлайман, хоразмлик қизлардан бир қанчасини ўқишга олиб галмасам отимни Фотима деманглар.— Ҳамма кулиб юборди.

Мажлисдан кейин Мусаев уларнинг олдига келиб деди:

— Сизлар Хивага борганингиздан кейин Хоразм партия Марказкоми ва комсомол Марказкомига учрашинглар. Ҳа, айтгандай, Исҳоқ ака Хонсуворов Хоразм Марказкомининг биринчи секретари бўлиб ўтибди, у ниҳоятда яхши одам, шак-шубҳасиз қўллаб-қўлтиқлайди.

— Албатта, у киши билан учрашаман,— деди Мажидий.

\* \* \*

Аҳмад Маҳмудов уйига жуда хафа ҳолда келди.

— Сизга на бўлди? Рангингизда қон қолмабди,— хотини хавотирланиб сўради.

— Партиядан ўчиришди,— секин жавоб қайтарди Аҳмад Маҳмудов.

— А? Нага? Яқиндагина Масковда ишингизни тўғрилаб галган эдингизку? Ё бирор айб қилиб қўйдингизми?

— Ифвогарлик...

— Масковда қолсангиз бўларди, ўқирдингиз. Аламзадаларнинг кўзидан узоқда бўлардингиз...

Аҳмад Маҳмудовнинг ўртоқлари, ёр-биродарлари Бобожон Отажонов, Рўзимат Юсупов, Қутдимурод Эшмуҳаммедовларнинг Москвада айтган гаплари эсига тушди. Улар Аҳмад Маҳмудовни табриклаб: «Москвада қол, Хивага боришинг билан аламзада душманларинг сени тинч қўймайди, сени яна баттар ҳолга туширишлари мумкин», деган эдилар.

— Масковда қолсангиз; балки аламзадалар сизни унутган бўлармиди, дорилфунунни тамомлаб, олий маълумотли мутахассис бўлиб келармидингиз,— хотинининг куйиб-пишиб алам аралаш айтган бу гаплари дард устига чипқон бўлиб туюлди.

— Ахир, мен жумҳуриятимизнинг оғир кунларида қўлимдан галганча ёрдам бермоқчи эдим.

— Охири хайрли бўлсин,— деб хотини овқат олиб келиб қўйди.

Маҳмудов овқатга ҳам қарамади, унинг томоғидан ҳеч нарса ўтмасди: «Ариза ёзсаммикин, яна Москвага борсаммикин? Дўстлар ёрдам берармикин, юзларини мендан ўгиришмасмикин?» деб ҳамон ўйлар, лекин ўйининг охирига етолмасди. Тонг отмасдан Аҳмад Маҳмудовнинг уйига иккита қуроли милиционер билан жиноят қидирув маҳкамасининг ходими кириб келди ва уни қамоққа олиниши ҳақидаги ордерни кўрсатишди. Уйини тинтув қилдилар, лекин ҳеч нарса топишолмай, Аҳмад Маҳмудовни қамоққа олиб кетишди.

— Қўй, хотин, йиғлама. Кўз ёшнинг фойдаси йўқ. Бўхтоннинг умри қисқа бўлади,— деди у кета туриб эшик олдида.

## Үн тўққизинчи боб

Каникулда уйларига келаётган хоразмлик талабалар поездда Чоржўйга келишгач, у ёнига қайиқларга ўтириб Амударёда сузиб кетишди. Оқ чорлоқлар гоҳ шўнғиб, гоҳ учиб парвоз қилар, улуғ дарё ўзининг салобати, тўлиб-тошиб оқиши билан кишини ҳайратда қолдирарди. Эшкак эшилганда сув заррачалари юзларга урилади, кишига роҳат бағишлайди. Дам олиш чоғларида йигитлар дарёга ўзларини отиб, маза қилиб чўмилар эдилар.

Улар бир неча кун дарёда сузиб Шовот анҳори ёқасига етиб келишди. Қайиқлар анҳор ичида сузиб бораркан, қирғоқда турган деҳқонлар, подачилар, ёш болалар, йигит ва қизлар уларга суқланиб қарашар, қўлларини силкиб хайрлашиб қолишарди.

Таътилга келаётган талабаларни ота-оналари, ёр-биродарлари Шовот кўприги ёнида кутиб туришарди. Мана, қайиқлар кўприкка етар-етмас тўхтади. Талабалар қирғоққа чиқишди, келувчилар билан кутиб олувчилар қучоқлашиб кўриша кетишди. Матёқуб Девонов ҳам ўз севгани Фотима Бекмуҳамедовани кутар эди. У қирғоққа чиқиши билан ёнига югуриб борди.

— Салом, Матёқуб оға,— Фотима мулојимлик билан таъзим қилди.

— Салом, Фотимахон. Эсон-омон галдингизми? Опангиз Хадичахон қани?

— Тошкентда олиб қолишди, иш кўп экан.

— Арава тайёр, бирга кетамиз.

Талабалар ўз ота-оналари, қариндошлари билан отларда, араваларда ўз юртларига кетишди. Матёқуб Девонов олиб келган аравага Раҳмат Мажидий, Фотима Бекмуҳамедова, Одамбой Иброҳимовлар ўтириб, Хива томон равона бўлишди.

\* \* \*

Бир неча ой давом этган Нуруллаевлар суди тамом бўлди. Олий суд райси Жуманиёз Эшмуҳаммедов суд ҳукмини ўқий бошлади:

— Хоразм социал шўролар жумҳурияти номидан ҳукм қилинадир...

Олий суд қарорига биноан бош айбдорлардан Мадраҳим Нуруллаев, Оллаёр Муҳаммадёров, Раимберган Хабиёв, Санамбек Бекларбековлар олий жазога, яъни отиб ўлдиришга, Ханиф Канеев ўн йилга, қолган айбдорлар турли муддатлар билан қамоққа ҳукм қилинди.

Буни суд залида ўтирганлар гулдурос қарсақлар билан қарши олдилар.

— Адолатли ҳукм!

— Шўро суди яшасин! — дейишди судга келганлар.

Неча кунлардан бери судда ўзини мағрур тутиб, ҳеч кимни, ҳеч бир ҳужжатни писанд қилмаган Мадраҳим Нуруллаев ҳукмни эшитгач, боши «шилқ» этиб тушди, юзидан қони қочди, кўзида беихтиёр ёш айланди. Олий суднинг Нуруллаевлар ҳақидаги 49-сонли ҳукми Марказ-ижрокомда тасдиқланиши керак эди.

— Ҳурматли ҳукумат аъзолари, Олий суднинг ҳукми жуда тўғри, адолатли ҳукм, уни тасдиқлаш керак, лекин ашаддий жиноятчи, Марказ-ижрокомнинг собиқ масъул саркотиби Ханиф Канеев ҳақидаги ҳукмни ўзгартиш керак, унга ўн йил қамоқ жазоси берилган. Бу етарли эмас. Канеев ҳукуматнинг олий даргоҳида ўтириб шунча кўп жиноят қилган, унга олий жазо бериш керак,— деди Хонсуворов.

— Бу таклифга сизлар нама дейсизлар?— сўради раис Султонқори.



— Дим тўғри! — дейишди Марказижроком аъзолари.

Отилишга ҳукм қилинганлар — Мадрахим Нуруллаев, Ханиф Канеев, Оллаёр Муҳаммадёров, Раимберган Хабиёв, Санамбек Бекларбеков ўлимга ҳукм этилганлар камерасига ўтказилди.

\* \* \*

— Дўстимиздан ажраладиган бўлдик,— деди Ёлмонбой Оллақулибойнинг олдига ҳовлиқиб келиб.

— Дим ёмон бўлди,— Оллақулибой қат-қат ёғ босиб кетган бўйнидаги терларни арта туриб зўрға ўрнидан турди.

— Қутқазилганинг йўли йўқми, шерик? — Ёлмонбой дўстига термулиб қаради.

— Матчон тўрага хабар етказсак бўларди, ҳозир унинг хуружга кирган пайти, йигитлари ҳам кўпайганмиш. Турмага кечаси ёпирилиб келиб, кўз юмгунча дўстларини қутқазармиди...

— Айни муддао бўларди, хизматкорингиз Матёз девга айтмайсизми? — деди Ёлмонбой дўстига. Оллақулибой унинг сўзини бўлди:

— Матёз девни тилга олманг, номи ўчсин. У аблаҳ Полвонга сотилди. У Матёзни уйлиқ-жойлик қилди, ёвона кўчиб кетди.

— Оталарнинг ҳикмати зўр: етимни сийласанг чориги билан тўрага чиқади.

Шу вақт меҳмонхонага ҳовлиқиб Назир кўр кириб келди:

— Дўстларимиз Мадрим девонни, Оллаёрбойни, Ханиф Канеевни хуллас, беш кишини эрта-индин халқ олдига отишармиш. Ҳукми Марказижроком ҳам тасдиқлабди!

— Эшитдик, Назирбой, ҳозир шуни гаплашиб турган эдик.

— Яхши одамлар эди. Сизу бизга қанча ёрдами теккан...

— Назирбой, дўстларимизни қутқазилганинг иложи йўқми? — Оллақулибой Назир кўрнинг қўлидан ҳамма нарса келадигандай унга тикилди.

— Чораси бор.

— Чораси нама экан? — Оллақулибой билан Ёлмонбой бараварига сўрашди.

— Чораси пул,— дангал жавоб берди Назир кўр,— пул бўлса чангалда шўрва дейишади. Ҳукуматнинг катталари ҳам сиз-бизга ўхшаш одам, уларнинг ҳам оғизлари, нафслари бор.

— Тўғри айтасиз,— Оллақулибой асосий гапга ўтди.— Бунинг учун қанча пул керак бўларкан?

— Қанча ҳам бўларди! Бир сандиқ олтин бўлармиди? Мана, мен минг сўм олиб галдим.— Назир кўр қўлтиқ киссасидан пул чиқариб, дастурхон устига ташлади.— Икковингиздан бирингиз қўшиб-чатиб тегишли кишиларга олиб бориб берсангиз.

— Йўқ, йўқ, ўзлари олиб борсинлар, мен ҳам минг сўм бераман,— деди гердайиб Оллақулибой.

— Балки бу пулларни, Ёлмонбой, сиз олиб бориб берарсиз? — деди Назир кўр, ўзи ва Оллақулибойнинг пулини Ёлмонбой қаршисига суриб қўйиб,— сиз пул бермасангиз ҳам бўлади, фақат буларни тегишли кишиларга етказсангиз бас.

Ёлмонбойнинг юзидан қон қочиб оқариб, негадир жаҳли чиқди.

— Назирбой, нама, мени қурумсоқ бой деб билдингизми? Сизлардан кўра улар менга кўпроқ ёрдам беришган, қарзимни узишим керак,— Ёлмонбой қиссасидан пул чиқарди,— хамир учидан патири... қолганини сизга олиб галиб бераман. Билиб қўйинг, дўстинг учун заҳар ич, деган донолар. Назирбой, бу пулларни ўзингиз олиб бориб беринг. Ҳукуматнинг катталарини яхши танийсиз, ҳамма йўлларни, паст-баланд жойларни ўзингиз биласиз.

— Ана шуниси чатоқ-да! Мен аралашсам тўғри галмайди,— деб Назир кўр ўзини четга тортди,— яхшиси сиз...— Назир кўр дастурхондаги пулларни иккинчи марта Оллақулибойнинг олдига суриб қўйди,— менинг кетимга тушганлар кўп, билиб қолишса, ишдан ҳайдашади, сиз ҳукумат ишида ишламаяпсиз, сизга ҳеч нарса дейишмайди, сиз олиб боринг.

— Йўқ, йўқ, ўзлари! Ахир сиз эпчилсиз, вазиятни ҳам биласиз. Айтгандай, Мадримбой, Оллаёрбой, Санамбекларнинг қариндошлари ҳам пул беришар. Биз уларга айтиб қўямиз.

Дастурхон усти пулга тўлди. Назир кўр кўримсиз мўйловини аста бураб, ўрнидан турди:

— Бу ишдан ҳеч ким хабардор бўлмасин, дуо қилиб туринглар!..

Назир кўр уйига боргач, Оллақулибой ва Ёлмонбойлардан олган пулларни пўлат сандиққа солиб қўйди-да, хаёл суриб кетди:

«...Мадримбойнинг дўстлари Ёлмонбой билан Оллақулибойлар анча пул беришди! Яна унинг қариндошлари бор... Улар ҳам бир талай пул беришлари мумкин. Отилишга ҳукм қилинган беш кишининг ота-она, қариндошлари кўп, ҳаммалари ўзларига яраша бадавлат кишилар... Бу ёғи... бир гап бўлар».

\* \* \*

Отилишга ҳукм қилинган жиноятчилар ўлим камерасида ётишарди. Мадрим девон Оллаёрбой, Канеевлар билан маслаҳатлашиб, Хоразм Ижрокомига хат ёзадиган бўлишди. Нуруллаев турма бошлиғига мурожаат қилди:

— Марказижрокомга афв сўраб хат ёзиш мумкинми?

— Нага мумкин бўлмасин.

— Қоғоз билан қалам беришингизни сўрайман.

— Ҳозир келтириб беришади.

Турма бошлиғининг топшириғи билан бир милиционер Нуруллаевга қоғоз, қалам келтириб берди. Нуруллаевнинг қалам ушлаган қўли дир-дир қалтирай бошлади. Охири ўзини тутиб, ариза ёзишга киришди:

«Марказий Ижроия қўмитасига.

Шўролар ҳукуматининг адолат негизига қурулғон, эгилган бошни кесмий тургон олий ҳукумат эканини англаб, чин виждон илан шўролар ҳукуматчиси бўлгон биз маъюблар ишонамиз.

Олий суд тарафидан ўлим жазосига ҳукм бўлиб, бошларини эгиб, афв ўтуниб ариза берувчилар: Нуруллаев, Муҳаммадёров, Канеев.

1924 йил. Июнь».

Ноумид шайтон дегандай аризага қўл қўйганлар жавобни зориқиб кутишди.

## Иигирманчи боб

Раҳмат Маждий билан Одамбой Иброҳимов комсомол Марказкомига бориб Болтаев, Шарипов, Раҳимовлар билан учрашиб, болаларни ўқишга юбориш ҳақида режа тузишди. Раҳмат Маждий улар билан бирга маориф нозири олдига бораётганида Фотима билан учрашди.

— Раҳмат оға, мен нима қиламан?

— Сен шу ерда тўхтаб тур. Матёқуб Девоннов ҳозир галиб қолади, нима вазифа бажаришингни айтади.

Фотима қабулхонада ўтириб «Инқилоб қуёши» газетасини ўқий бошлади, лекин хаёли Матёқубда эди: «Хивага келганим яхши бўлди,

севган кишим билан тез-тез учрашиб тураман. Уни ҳамма яхши кўради, катталар ҳам ҳурматлаб «Матёқуб оға» дейишади. Жудаям мулозим, ақлли йигит... Уқишим тамом бўлишига бир йил қолди, кейин бирга бахтли ҳаёт қурамиз».

Даҳлизда Матёқуб Девонов кўринди, Фотима ўрнидан туриб, таъзим қилди. Матёқуб Девонов уни ўз кабинетига таклиф қилди.

— «Инқилоб қуёши» редакциясида эдим. Қурбон Беригин, мақолангнинг корректурасини ўқиб бер, деб қўймади. Хоразм ёшлари учун махсус журнал чиқараётормиз. Хўш, таътил кунлари нима ишлар қилаётирсиз?

— Иш кўп, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида эртадан-кечгача ишлаётирман. Тиним йўқ.

— Ҳа, сизга дим қийин.

— Сизларга ҳам осон эмас. Бекордан-бекорга Хоразмнинг олий нишонини беришмаган.

— Онам сизни ҳадеб сўраётир, Фотимахонни бир кўрсам, дейдилар.

— Уяламан.

— Нега уяласиз? Ишдан чиқиб борамиз. Айтгандай, Марказкомда мажлис бўлди. Тошкентга район, қишлоқлардан талабалар юбориш учун бир қанча комсомол, коммунистларни сафарбар қилишди.

— Бизлар ҳам борамизми? — сўради Фотима.

— Ҳовва, мен, Ёқут опа. Сиз, Хазораспга.

— Оға, энг узоқ районга борарканмиз...

— Комсомоллар энг узоқ ва огир участкада ўзларини кўрсатишлари керак, — деди Матёқуб Девонов, гўё катта минбардан нутқ сўзлаётгандай.

\* \* \*

Полвон Хўжайли областида кўнгилли отряд тузиб, Хивага кетишга ҳозирланаётганда чопар унга пакет топширди. Ҳарбий нозир Шайдаков Хўжайли томонларида ҳуружга минган Матчон тўрани қўлга тушириш, йигитларини тор-мор қилишни буюрган эди. Полвоннинг плани тамом ўзгарди, у йигитларини йиғиб чўлу даштга чиқиб кетди.

Отряд бепоён даштда кетаётганда Полвон дурбинни олди-да, узоқларга қаради. Отлиқлар! Қанақа отлиқлар экан? Дурди қиличнинг йигитларими ёки Болта шихнинг навкарларими? Барибир босмачи газандалар. Хужум қилмоқ керак! Полвон ҳар эҳтимолга қарши икки отлиқни разведкага юборди. Улар от чоптириб кетишди.

Узоқдан милтиқ товушлари эшитилди. «Демак, босмачилар разведкачиларимизга ўқ узишди». Полвон буйруқ берди:

— Йигитлар, ҳужумга тайёрланинг!..

\* \* \*

Хоразм Марказкоми Афзал Тоҳиров раислигида Тошкент, Москвага талабалар юбориш комиссиясини тузди.

Афзал Тоҳиров Бошқирдистондан Хивага келиб, аввал биринчи фирқа мактабини, сўнг иккинчи фирқа мактабини очди. Фирқа мактабининг мудирини бўлишдан ташқари у Марказкомда тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини, газетада муҳаррир ҳам эди. Ўзи ёзувчи, бир қанча китоблари босилиб чиққан эди. Шу кунларда Хивадаги воқеалар ҳақида повесть ҳам ёзишга киришган эди.

Мана, унинг олдига Марказком комиссия аъзолари — Давлат Ризаев, Болта Шарипов, Раҳмат Мажидий ва Хива уезд партия ташкилотининг секретари Рўздат Юсупов кириб келишди. Комиссия ўқишга кетувчилар учун маблағ топиш йўлини ахтарарди. Афзал Тоҳиров ўтир-

ганларга биринчи секретарь Хонсуворовнинг кўрсатмаларини айтиб, юз эллик-юз олтмиш талабани ўқишга юбориш учун қанча ақча керак-лигини хомчўт қилиб чиқди.

— Кўриб турибсизларки, кўп ақча керак. Буни қай жердан олабиз? Қани нима дейсизлар, нима таклифлар бор? — деб савол қилди Тоҳиров.

Комиссия аъзолари турли хил таклифлар қилишди; бири ундай деса, бири бундай деди. Мақбул бўладиган таклиф ҳадеганда туша-вермади.

— Ҳамза оға Хўжайлида сайил ташкил қилиб, мактаб қурдира-ётир, — деди маориф нозири Давлат Ризаев.

— Мана, бу дуруст иш, — дейишди ўтирганлар.

— Сайил энг тўғри йўл, уч кун сайил ўтказсак етарлик пул тушиши мумкин, — деди Мажидий, — ҳаммамиз шунга ёрдам берамиз.

Бу фикр Тоҳировга ҳам маъқул тушди. Сайилни Нурловойда ўтказмоқчи бўлишди. Хива уезд партия ташкилоти секретари Рўздат Юсупов сайил комиссиясининг состави ҳақида таклиф киритди:

— Менимча, сайил комиссияси Карим Болтаев, Матёқуб Девонов, Раҳмат Мажидий, Машариф Қориев, Сафо Муғаннийлардан иборат тузилса яхши бўлади.

Бу таклиф бир овоздан қабул қилинди. Сайил комиссияси тезда иш режасини тузиб Хонсуворов, Султонқориларга кўрсатишганда бу план уларга ҳам мақбул бўлди. Комиссияга ҳукумат томонидан катта ҳуқуқ берилди.

Хоразм республикасида катта санъат байрамини ўтказиш учун жиддий тайёргарлик бошланиб кетди.

\* \* \*

Мактаб саҳнидаги гулзорда ранг-баранг чечакларга термилиб ўтирган Ёкутой олдига Қакак билан хотини Қундузойнинг келганини ҳам сезмай қолди.

— Поҳ, поҳ<sup>1</sup>, агар суратчи бўлсам шу ўтиришингизни суратга олардим. Атир гуллар чиройига қўшилиб кетибсиз. Хусн-жамолингиз ҳақида Хоразм шоирлари ғазал ёзса, гўяндалар куйласа арзийди. — Қакак сайраб кетди.

— Маткарим ака, кўп ҳам ҳазиллашманг, — деди Ёкутой ўрнидан туриб Қундузой билан қучоқлашиб кўришаркан:

— Худо ҳақи, чинимни айтаётирман, Хивада эмас, Хоразмда ҳам сиздай маликани топиш амри маҳол. Бундай гўзал миллион онадан битта туғилади.

— Маткарим ака, бас қилинг. Ёкут опамни қизартираётирсиз. Ахир киши деган орқа-ўнгига қараб гапиради, — деди Қакакнинг хотини аразлаган оҳангда.

— Хотин, нага мени ҳақорат қиласан? Нама гапиришни ўзим билламан. Ёмон гапми шу?

— Маткарим ака, кўп ҳам мақтай берманг, яна талтайиб кетмайин, қани ичкарига киринглар, — Ёкутой меҳмонларни уйга таклиф қилди.

— Синглингиз кўрпаларни қавиб бўлди, — деб Қакак аравадаги кўрпа-тўшакларни тушириб уйга таший бошлади.

Чиройли қилиб қавилган кўрпаларни кўриб Ёкутой хурсанд бўлиб кетди.

— Қундузой, бунча чиройли қавибсиз? — Ёкутой уни қучоқлаб ўпди, — қўлингиз гулдай, қаранг, гўё гуллар дастасидек.

<sup>1</sup> Хурсанд бўлганида айтиладиган нидо.

Хоразм кўрпалари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро кўрпаларидан гули, қавилиш услуби билан тамоман ажралиб туради. Тикувчилик санъатининг деярли барча турлари шу кўрпаларда намоён бўлади.

— Сиз учун юрагимни қўшиб тиксам ҳам арзийди. Бизга қилган яхшиликларингизни унутиб бўладими? Ҳали қарзим кўп,— деди Кундузой гуллар солинган ёстиқ жилдларини кўрсатиб.

— Раҳмат, барака топинг, қўлингиз дард кўрмасин.

— Куёв тўра қачон галаркан? Хат-пати галдими? — сўради Қакак ва хумдан муздай сувни сарқум (чўмич) да олиб симирди.

— Хати галмади, хавотирдаман.

— Хавотир олманг! Полвон ботирга ҳеч нарса бўлмайди, ахир, ботирдан ўлим ҳам кўрқади, дейишади-ку!

— Ишқилиб эсон-омон галсин...

Кўп ўтмай меҳмонлар хайрлашишди.

## Йигирма биринчи боб

— Ҳурматли бюро аъзолари,— деб сўз бошлади Хонсуворов бюро мажлисини оча туриб,— Туркистон, Бухоро республикалари тарихида катта сиёсий воқеа юз берди. РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси шу йил, 12 июнда тарихий қарор қабул қилди. Рухсат этсанглар уни ўқиб берай:

а) Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг туркманлар яшайдирган қисмларида мустақил Туркманистон республикаси тузилсин;

б) Туркистон ва Бухоронинг ўзбеклар яшайдирган қисмларида мустақил Ўзбекистон республикаси тузилсин;

в) Хоразм республикасидаги туркманларни ажратган ҳолда бу республика ўз ҳолича қолдирилсин».

Хонсуворов қарорни ўқиб бергандан кейин музокара қизиб кетди.

— Туркманлар билан қорақалпоқ халқлари яшайдирган районлар Хоразм составидан чиқиб кетар экан. Хоразм республикасида фақат ўзбеклар қолса, уни Ўзбекистон составига қўшиш мақбул эди, бу ҳақда ўз фикримизни РКП(б) Марказкомига ёзиб юборсак,— деб таклиф киритди Султонқори.

Бу таклифга Марказкомнинг иккинчи секретари вазифасини бажарётган Қаландар Одинаев қарши чиқди.

— Хоразм республикаси,— деб сўз бошлади Одинаев,— этнография жиҳатдан бошқа республикалардан тамоман фарқ қилади. Шунинг учун Хоразм республикаси мустақил республика бўлиб қолаверсин. Илгари биз шундай илтимос қилган эдик, мана шу илтимосни РКП(б) Марказкоми назар-эътиборга олиб Хоразмни ўз ҳолича қолдирган.

Музокаралар жуда қизғин бўлди.

Охири Хоразмни Ўзбекистон составига қўшиш ҳақидаги таклифни кўпчилик маъқул топди.

\* \* \*

— Ҳў, биродарлар, эшитмадим деманглар, кейин армонда қолманглар, бу кун Қўша дарвоза томонида, қалъа тагида газанда Нуруллаевлар қатл қилинажак. Уша томонга бораверинглар! Бора-веринглар!!!

Жарчининг овози бозор, гузар, чорсув, саройда ҳам жараанглади. Ҳамма қалъа тагига бораверди, бозордагилар, кўча-куйдагилар ҳам қатлгоҳга равона бўлдилар. Улар йўлда бир-бирларига ўз фикрларини айтишар, ҳукми муҳокама қилишарди:

— Олий суд тўғри ҳукм чиқарган!

— Ёмонлар жазосини тортсин!

Бу қичқириқлар Хива қалъасининг баланд қўрғонлари, осмон-ўпар миноралари, муҳташам пештоқларига урилиб, акс-садо берарди. Қадимий қалъа деворларига туташган мазористоннинг чор атрофи одам билан тўлиб кетган. Ҳамманинг юрагида халқ қонини сўрганларга нафрат ўти алангаланган.

Нуруллаев ва унинг шерикларини қатлгоҳга олиб келишди, жазо халқ олдида ижро қилиниши керак. Нуруллаев, Канеев, Муҳаммад-ёров, Хабиев, Бекларбековларнинг бошлари эгилган, одамларга тик қарашолмайди, халқнинг нафрат-ғазабидан қўрқишади.

— Итга ит ўлими! — деди кимдир оломон ичидан.

Ҳукм ижро этилди. Бу воқеадан кўп ўтмай қўлга тушган босмачи бошлиқлари: Мадримбой Олланазарбой ўғли, Оғажон эшон, Собирбой Қурбонбой ўғиллари ҳам суд қилиниб, олий жазога ҳукм қилинганди.

\* \* \*

Ёқутойнинг мактаби олдида икки файтон келиб тўхтади. Биридан шаҳар хотин-қизлар бўлими мудир Оймаҳон билан фельдшер Ольга, иккинчисидан эса, комсомол Марказкомининг бўлим мудир Хайриманот билан Анаш халфа тушди. Буларни кўриб Ёқутойнинг севинчи ичига сиғмай кетди.

— Ёқутой, кўришмаганимизга ҳам анча вақт бўлди, соғиниб қолдик, ҳол-аҳвол сўрагани галдик, — деди Оймаҳон.

— Синглим, — дея Ёқутойни бағрига босди Ольга, — мунча соғинтирасан, таътил кунлари ёлғиз ўтиргандирсан, кўнгил очиб бир оз гурнглашиш учун келдик.

— Ажаб қилибсизлар.

— Азиз сингилкайим! Ёлғизликнинг дард-аламин мен бик яхши билам. Сен билан суйлашсам бик роҳатланам, — деди Хайриманот.

Ёқутой Хайриманотнинг ёлғизлиги сабабини яхши биларди. Хайриманотнинг тўйи эрта-индин бўлади, деб турганда 1916 йилда Жунайдохоннинг галаси Хивани босиб олиб, отаси Рамазон нўғайни ва қаллиғи Рафиқни бўғизлаб кетганди. Мана, орадан қанча йиллар ўтди, Хайриманот эрга тегмади, совчиларнинг қанчасига рад жавобини берди.

Ёқутой меҳмонлар келганидан хурсанд, ўзини қаерга қўйишни билмай, дарров чойга қаради, дастурхон ёзди. Дугоналарнинг гурунги тўй устида борарди. Улар полвон келиши билан тўйни бошлаб юборишмоқчи, тўйни Нурловойнинг боғида ўтказишмоқчи эди. Дугоналаридан уялинқираган Ёқутой шаҳарда қандай янгиликлар борлиги ҳақида сўз очди. Гап Хивадаги янги воқеаларга улашиб кетди.

— Тошкентдан ҳукуматнинг олий идораларига ўқимишли, маданий кишилар келаётир. Давлат план комиссияси ташкил қилиниб, унга нозирлар шўроси раиси муовини Турсунхўжаевни бошлиқ қилиб тайинлашди. Оловдай одам экан, ишда куйиб-ёниб туради, — деди Хайриманот Ёқутойнинг ёнига келиб сабзи тўрашга ёрдамлашаркан.

— Матёқуб Отажонов ГПУнинг раиси бўлди, — гапга аралашди Оймаҳон опа. — Айниқса, хотин-қизлар озодлигига қарши бўлган, ба-логатга етмаган қизларни эрга берган кишиларни жиноий жазога тортиш ҳақида Марказижрокомнинг чиқарган янги қарори дим яхши бўлди. Бу тарихий қарорни чиқаришда ҳаммамизнинг ҳиссамиз бор. Ури-нишларимиз бекорга кетмади.

— Мени кеча маориф назоратига чақириб Давлат оға қўлимга буй-

руқ тутқазди. Хотин-қизлар мактабига мудира бўлармишман,— деди Ёкутой.

Ёкутойнинг дўстлари уни навбатма-навбат табриклай бошлашди:

— Мана шунинг учун галган эканмиз...

— Мартабанг яна улуг бўлсин, Ёкутой...

— Чиқонлар, комсомол Марказомида ишлаш осон дейсизми?

Дим қийин. Кеча-кундузи ишлаймиз. Топишгани Хайриманот. Конференцияларда менга сўз беришади, қурултойларда нутқ сўзлайман, ўромларда<sup>1</sup> хотин-қизларни ўқитаман, янги курслар очаман. От чоптирганим чоптирган. Бир неча марта йўлтўсар ва босмачилар қўлига тушишимга сал қолди. Тўғриси айтсам, сизларга ишониб розилик билдирдим. Районларга бориб баъзи қизларни Тошкентга юборамиз, баъзиларни Хивадаги мактабларга олиб келиб ўқитамиз. Энди, Анаш опа, бир талқин қилиб баҳрамизни очинг,— деди Ёкутой.

Анаш опа гармонини қўлига олиб, халқ қўшиқларидан куйлай кетди:

Учакка<sup>2</sup> чиқвадим ойни кўрмакка,  
Ойни баҳонаси ёрни кўрмакка.  
Ёр юрибди отизинда, челинда<sup>3</sup>,  
Бизга деган беш гуллиси белинда.

Қўшиқ айтиб қўшилгайман ёрима,  
Ипақдайин эшилгайман торига,  
Гап этиб юрганлар бўлсин шарманда,  
Энди қўшилгайман меҳрибонима.

Утиради паст гужум<sup>4</sup>нинг тагида,  
Ўзим берган оқ камзўри эгнида.  
Бир жувон юрипти ўнин кейнида,  
Жувонга олдирмай, олмасам бўлмас,  
Жувонга доғларни солмасам бўлмас..

— Поҳ-поҳ, бунча ширали овозингиз!..

— Дунё турганча туринг!..

Дугоналарининг бу сўзлари Анаш халфанинг илҳомига илҳом қўшиб, у қўшиқ устига қўшиқ айтарди. Ниҳоят, палов олиб келинди. Уларнинг гурунглари алла-паллагача давом этди.

## Йигирма иккинчи боб

— Ҳамза оға, карвич<sup>5</sup> етмаяпти,— деди мактаб биносини кураётган усталардан бири.

— Уста, раисимиз Қўсберган ваъда қилган. Шаҳар хумдонидан пишиқ фишт<sup>6</sup> юбортираман деганди. Ҳали-замон келиб қолар.

— Болор<sup>6</sup> ҳам етишмайди,— деди дурадгорлардан бири.

— Бу ёғини ўйлаб қўйганман. Шу ерга келган йилим анҳор қирғоғига қатор қилиб терак эктирганман. Улар ўсиб тўсинга ярайдиган бўлиб қолди.

— Афандим, ҳаммасини илгаридан ўйлаб қўйган экансиз-да. Ҳалига қадар Хўжайлида бундай қурилиш бўлмаганди. Номингиз умрбод қоладиган бўлди,— деди уста.— Хў, йигит, анқаймай, лойни узат. Чақ-қон-чаққон ҳаракат қил, яна, Ҳамза афанди олдида уялиб қолмайлик.

<sup>1</sup> Маҳаллаларда.

<sup>2</sup> Том.

<sup>3</sup> Полизда.

<sup>4</sup> Қайрағоч.

<sup>5</sup> Фишт.

<sup>6</sup> Тўсин.

Мактаб қурилиши тезлашгани, деворлари тикланиб боргани сайин Ҳамзанинг кўнгли ҳам тоғдек кўтариларди. У қурилишдан лаззатланар, гўё янги бир асар, янги бир пьеса ёзиб, саҳнада қўйдиргандай сезарди ўзини.

Шу орада Қўсберган келиб қолди. Ортидан қурилиш материаллари юкланган аравалар ҳам етиб келди.

— Ҳамза оға, кўряпсизми?

— Кўряпман, раҳмат сизга, Полвон ботирга берган ваъдангизнинг устидан чиқяпсиз.

— Сизни қандай яхши кўрсам, Полвон оғани ҳам шундай яхши кўраман. Уғлимнинг исмини Полвон қўйдим. Оға, яна нималар керак бўлса, бемалол айтаверинг.

Ҳамза материалларнинг тўла рўйхатини тузиб, Қўсберганнинг олдига боражагини айтди. Дўсти хайрлашиб кетаётганда, бел, замбил, ғалтак арава олиб келаётган йигитларга кўзи тушди.

— Ҳамза оға, булар кимлар?

— Ҳашарчилар. Шогирдларимиз, бўлтур Тошкентга ўқишга кетишган эди, таътилга келиб бизга ёрдамлашяптилар.

— Қув одам экансиз, таътилга келганларни ҳам дам олгани қўймайсиз-а,— деди кулиб Қўсберган.

— Бу йигитлар Тошкентда ўқиб муаллим бўлиб келадилар. Қурилишга меҳнатлари сингандан кейин мактабнинг улар учун қадр-қиммати ҳам юксак бўлади, дўстим.

— Яшанг, барака топинг, Ҳамза оға,— Қўсберган отга миниб, идо-рага қараб кетди. Ҳамза ҳашарчилар ёнига келиб иш тақсимлай бошлади.

\* \* \*

Таътилга келган Шерниёзни шаҳар комсомол комитети пионер отрядига вожатий қилиб юборди. У кундуз куни пионерлар билан машғулот ўтказса, кечки пайтларда маҳаллада саводсизликни битириш курсида дарс берарди. Ишлагани учун пул олмас, буни ўзига уят ҳисобларди. Шерниёз пайшанба куни кечқурун ва жума — дам олиш кунлари ё онаси олдида бўлар ё Мастура холаникига бориб Ойжамол билан узоқ суҳбатлашарди. Бу вақтларда Шерниёз ўн етти ёшга, Ойжамол ўн тўрт ёшга кирган эди. Улар ёшликдан бирга ўсишган, қалин дўст, ака-сингиллардай эдилар.

— Шаҳарнинг тарихий жойларини кўриб галмаймизми?— сўради Шерниёз Ойжамолнинг уйига борганда.

— Яхши бўларди.

Мастура хола уларнинг гапини эшитиб:

— Тезроқ қайтиб галинглар,— деди.

Шерниёз Ойжамолни Оллоқулихон қурдирган сарой томон олиб кетди. Усти берк тим ичидаги қатор дўкон, магазинлар очиқ. Тўрт дарвозаси бўлган, гумбаз шаклида қурилган тимга бир вақтлар Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой ва бошқа мамлакатлардан савдо қарвонлари келиб турган. Шерниёз Ойжамолни саройнинг тўғрисидаги кўчага бошлади. У ерда сандиқсозлик, тунукасозлик дўконлари бор эди.

— Ойжамол, мана бу ерда қул бозори бўлган,— Шерниёз сандиқсозлик дўконлари қаршисидаги майдончани кўрсатди,— менинг бобомни Матчон тўранинг отаси шу ерда сотиб олган.

— Буни не ердан биласиз?— сўради ҳайрон бўлиб Ойжамол.

— Бу воқеани менга ёш вақтимда отам айтиб берган.

— Яхшиям қул бозори тугатилипти,— деди Ойжамол.

— Мана бу дарвозани Ота дарвоза дейишади. Хонга қарши чиқ-





қанларнинг қўл-оёқларини боғлаб, қулоқларига катта михлар қоқиб, шу дарвозага осганлар.

Бу гапларни эшитган Ойжамолнинг бадани жимирлаб кетди. Улар Мадаминхон мадрасаси олдида тўхтадилар.

— Мана бу сартарошхона дойингиз<sup>1</sup> Аваз оғаники бўлган. Исфандиёрхон шоирни саройдан ҳайдагач, у яна ўз касби — сартарошлик билан кун кўрган. Мана бу ер эса зиндон бўлган. Полвон оғамни шу ерга қамаб, қўл-оёғини кишанлаб, темир қозиққа боғлаганлар, — деди Шерниёз маъюс тортиб. — Арк қаршисида анови майдонда чуқалоқ<sup>2</sup> бўлган. Унинг лабига маҳбусларни келтириб, тиз чўктириб жаллодлар бўғизлаганлар. Исфандиёрхон анави супада, бахмал курсида ўтириб, уларнинг қатл этилишини томоша қилган. Галин бийим, сизнинг опа-нгиз Жумагулни ҳам жаллод ана шу ерда калласини танасидан жудо қилган.

Ойжамолнинг кўзида ёш қалқиди.

— Оға, нага хонлар, тўралар, беклар бунча золим бўлишган? — сўради Ойжамол, — ҳозир ҳам хонлар бошқа ерларда борми?

— Бор, Ойжамол... Қани энди ҳамма ерда ҳам бизникиларга ўхшаш шўро ҳукумати бўлса, Ленин байроғи ҳилпираб турса...

— Оға, шундай замонлар галармикин?

— Албатта галади. Доҳиймиз Ленин шундай деганлар. Ойжамол,

<sup>1</sup> Тоға.

<sup>2</sup> Чуқур қилиб қазилган ўра.

нага сиз Тошкентга ўқишга кетмайсиз, ё Мастура хола рухсат этмайтими?— сўради Шерниёз.

— Авваллари онам қаршилиқ қилганди, муаллимамиз Ёқут опа-бийим ўртага тушиб кўндирдилар. Ўзингиз олиб кетарсиз.

— Бўлмасам-чи!

— Чиконим Назира ҳам ариза ёзиб берди, бирга кетсак яхши бўларди.

— Тошкентда ўқиётганимга ҳам анча бўлди, тошкентликман деса ҳам хато қилмайман. Сизларга Тошкентни кўрсатиб сайру томоша қилдирардим,— деди Шерниёз хурсанд бўлиб.

Улар гурунглашиб истироҳат боғига келиб қолишганини ҳам билишмади. Бу ер инқилобдан илгари Исфандиёрхоннинг катта боғи эди. У пайтлар оддий кишиларни дарвоза ёнига ҳам яқинлатишмасди. Боғда бирор бегона кишини кўриб қолишса борми, уриб оёғини синдиришарди. Шерниёз билан Ойжамол Нурловойга кириб, гулзорлар бўйлаб, тўрт тарафида гужум — қайрағоч экилган салқин, шабадали ҳовуз ёнидан ўтиб катта боққа қадам қўйишди. Боғнинг бир тарафи узумзор, бир тарафи олмазор, яна бир тарафи ўрикзор эди. Боғда ёш қиз ва йигитлар сайр қилмоқда. У ер-бу ерда электр чироқлари милт-милт ёниб турибди. Чунки, кичкинагина бир дизель моторининг қуввати бутун шаҳарга етмасди.

Шерниёз Ойжамолнинг тимқора кўзларига боққанида ўзини йўқотиб қўярди. Мана энди боғда, салқин оқшом шамоли эсиб турган пайтда, гулзор ёнида иймана-иймана қалтироқ овоз билан базўр:

— Мендан арзимас совға,— деб чиройли кавказча шойи рўмолни қизнинг қўлига тутқазди.

Ойжамол қизариб, эшитилар-эшитилмас деди:

— Оға, овра бўлибсиз...

— Овораси борми.

Улар бир-бирларига тикилиб қолдилар.

## Йигирма учинчи боб

Полвон кўпдан бери Матчон тўра билан юзма-юз туриб жанг қилишни истар эди. Мана энди қасос олиш пайти келди. У ўлимга тик қарар, душманни гоҳ отиб, гоҳ чошиб ўз лочинларига кўрсатарди.

— Полвон оға, эҳтиёт бўлинг,— деди Полвонга яқинлашиб қиличини ўйнатиб бораётган Матёз дев.

Солижон Полвон отрядида сиёсий раҳбар бўлса, Матёз дев унинг адъютанти эди. Шунинг учун ҳам ҳар иккови Полвондан орқада қолмасликка тиришардилар. Матчон тўра орқа-олдига, ён-верига қарамай: «Ё олло, ё парвардигор ўзинг асра» деб қочиб борарди.

— Тўхта, номерд!— деди Полвон тўрага яқинлашиб.

Тўра отини ниқтаб, жilовини силтаб қочишда давом этди. Полвон Матчон тўрани тириклай қўлга туширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганди. У тўранинг отига қараб ўқ узди. От йиқилди. Матчон тўра ўрнидан сакраб турди-да, жоң аччиғида орқасига қарамай олдинда кўринган бекат томон қочиб кетаверди. Ниҳоят сўнгги кучини йиғиб бекат ичига ўзини урди. Тўранинг кетидан қувиб келаётган Полвон ҳам отдан сакраб тушиб хароба ҳолга келган бекат ичига кирди.

— Тўра, бу ёққа чиқ, қуролингни ташла!— деди Полвон.

Тўра Полвонга қарата ўқ узди. Бу тўранинг сўнгги ўқи эди. Полвон эпчиллик билан чап бериб, ўзини четга олди.

— Тўра, уринишларинг бефойда, таслим бўл!

Сўнги ўқим Полвонга тегди, душмандан қочиб қутуладиган бўлдим, деб ўйлаган тўра Полвоннинг овозини эшитиб, ҳолсизланди.

— Ит эмган, қулвачча!

— Тўра, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Тақдиринг ҳал бўлди, сўнги марта айтаман: таслим бўл!

Тўра ўқи тугаган нагани ташлаб, катта, узун қиличини қинидан суғурди.

— Қулвачча, ажалинг менинг қўлимда. Ёқутбикадай ўлиб кетасан бу ханжаримдан.

— Ёқутой тирик! Узинг ўласан, газанда.

Тўра Ёқутойнинг тирик қолганини, Полвон билан бирга бўлиши мумкинлигини сезиб, йиртқич ҳайвондай қутуриб кетди.

— Қараб тур, гадо ўғли, ҳали ханжарим зарбидан нариги дунёга кетасан!— деб қичқирди у.

Полвон қиличини қўлига олди, қиличбозлик бошланиб кетди. Қўзларида қасос ўти алангаланган Полвон ботир Матчон тўранинг бошини танасидан жудо қилиши, бурда-бурда қилиб ташлаши мумкин эди, лекин уни тириклай тутиб халқ ҳукмига топшириш учун қиличини пастга тушириб қаҳр-ғазаб билан тўра томон юра берди. У деворга урилиб, тиз чўкди-да:

— Полвонбой, кечир мени, энди мен қулинг бўлай, нама десанг шуни қиламан. Жон иним, мени ўлдирма!— деди.

— Жумагулнинг қони учун, отамнинг азиз жони учун, қанчадан-қанча гўноҳсиз ўлдирилган кишилар учун сендан қасос оламан!

— Полвон, жон ука, инсоф қил, кўриб турибсанки, олдинда тиз чўкдим. Яшириб қўйган олтин, кумуш, гавҳар, бриллиантларим бор, ҳаммасини сенга бераман. Ёқутбика сеники бўлсин. Бўйин эгган кишиларни мардлар ўлдиришмайди, сен ҳам жасур, мард йигитсан.

Матчон тўра Полвоннинг гимнастёркаси этагини ўпиб, катта солдат этигига бошини қўйди. Полвон уни жаҳл билан итариб юборди.

— Урнингдан тур, олдимга туш.

Матчон тўра ўрnidан турди. У тирик мурда эди, бошини эгиб, қўлини кўтариб Полвоннинг олдига тушди. Шу пайт бекатга етиб келган Солижон билан Матёз дев бараварига:

— У-ҳо, яхши ўлжа,— деб юборишди.

\* \* \*

Елмонбой бирор янги воқеа содир бўлиб қолганини билса дарҳол ўз шериги Оллоқуллибой олдига борарди. Чунки у ўз уйдан камдан-кам чиқар, айниқса, ёз кунлари семизлигидан кўп юролмас, терлаб-пишиб беҳол бўларди. Бугун ҳам серҳаракат Елмонбой янги газетани сотиб олиб дўстининг уйига равона бўлди.

— Янги гапларни эшитдингизми,— деди Елмонбой. Улар қуюқ сўрашдилар.— Мана, газетада ёзишпти. Хоразм Компартияси, биз Ўзбекистонга қўшиламиз, деб Москвага хат ёзган экан, илтимоси қабул бўлипти. Тошовуз Туркистонга, Хўжайли области Қорақалпоғистонга қўшилар эмиш. Буни қаранг, Хоразмдай турк бешигини парчалаб, майда-майда қилиб ташлашпти.

Оллақуллибой Елмонбойнинг гапига ишонмай газетани қўлига олиб ўқий бошлади, сўнг газаби келиб сайрай кетди:

— Бу большевойларнинг иши. Қалтадумлар ҳамма балони бошлаб келишади. Энди турк миллати барбод, динимиз оёқ ости бўлади, ҳа, бўлади, ҳа, қадимий Хоразмдан асар ҳам қолмайди. Бунга сира чидаб бўлмайди. Хоразмликлар бир миллат— турк миллати, Хоразм юрти турк жумҳурияти— турк эли бўлиб қолмоғи керак эди. Хоразм-

ри парчалаб юборишга йўл қўймаймиз,— Оллоқуллибой газетани отиб юборди.

— Шерик, бу ерда ўтириб чиранасиз, қичқирасиз, бунинг на фойдаси бор? Қўлимиздан нама галади?— сўради Ёлмонбой.

— Халқ ўртасида ваъз қилиш керак, мачит, мадрасаларда, маъракаю жума намозларида буни дангал айтмоқ керак, халқ болшовойларнинг ишига қарши чиқсин. Бу ҳақда қозикалонга айтиш керак..

Уларнинг гапи тамом бўлмай меҳмонхонага Назир кўр кириб келди.

— Полвон бола Матчон тўрани ушлаб Хивага олиб галипти.

— Нама, нама? Матчон тўра қўлга тушибди?!— ажабланиб сўради Ёлмонбой.

— Ҳовва. Матчон тўранинг йигитлари ҳам ушланипти.

— Ишонган дўстимиз, суянган тоғимиздан ажраладиган бўлибмиз. Утирганлар ҳанг-манг бўлиб қолишди.

\* \* \*

Полвон ва унинг йигитларини партия Марказкомига чақиришди. Йиғилишда Марказижрокомнинг раҳбарлари ҳам бор эди.

— Полвон ботир, сиз ва йигитларингизнинг кўрсатган қаҳрамонлиги учун катта раҳмат!— деди Хонсуворов Полвоннинг қўлини маҳкам қисиб.

— Марказижроком кўнгилли отряднинг ҳар бир жангчисини икки ойлик маош билан мукофотлайди,— деди раис жумҳур Султонқори ҳукуматнинг қарорини ўқиб бериб. Шайдаков ҳар бир жангчига ҳарбий назоратнинг ёрлиғини топширди.

Полвон энг яхши таассуротлар билан уйига қайтиб, онаси билан қучоқлашиб кўришаркан:

— Мана, онажон, янги ҳовлининг калити, раис жумҳур Султонқорининг ўзлари бердилар,— деди.

— Бизларни уйлик-жойлик қилган ҳукуматимиздан айланай,— деди кампир кўзларига ёш олиб.

— Матчон тўрани ушлаб Хивага олиб галдик.

— Қаҳрамон боламдан айланай, савоб иш қилибсан. У каззоб халққа дим ёмон жабр-зулм ўтказган эди, барака топ.

— Онажон, мен Ёкутойнинг олдига кетдим.

— Болам, шунча ердан чарчаб галгансан, бир оз дам ол.

— Ёкутойни кўраману тез қайтиб галаман.

— Бир нарса еб ол, болам.

— Қорним тўқ.

Полвон кўк отига миниб, дарвозадан чиқиб кетди.

(Давоми келгуси сонда).



Анатолий Софронов

# ЎЗАМ ТОНГ



## Яхлит, қудратли, мустаҳкам

Қимки ватан билан улғайиб бирга,  
Оғир соатларда келган бўлса қор,  
Адолат, жасорат бобида унга,  
Жонажон партия бергандир мадор.

Тарих йиллар билан ўлчанар ҳамон.  
Истиқбол ўлчанар асрлар билан.  
Ленин курашларга даъват этган он,  
Худди кечагидай хотирда равшан.

Бўлиб партияга у даъват дастур,  
Соф уруғ сингари гул ёзди дуркун.  
Большевикчасига адил ва мағрур,  
Лениннинг йўлидан борамиз бу кун.

Қаддимиз тоғ бўлар: «Коммунист!»

деса.

Боқсак,  
кўринмагай нурли юрт чеки;  
Бутун ҳаётимиз асоси эса  
Халқ ва партиянинг томирдошлиги!

Биз ҳам бир жангчимиз

енгилмас сафда,

Юртни парваришлаб лаҳзалар сари.  
Ватан ила боғлиқ ҳар азиз нарса,  
Болаликдан азиз нарсалар бари,—

Азиздир жонажон партияга ҳам,  
Боқар истиқболга партия кўзи!

Партияни эса

яхлит, мустаҳкам,  
Қудратли этгандир Марказком ўзи!

Хур меҳнат оташи жўшган бу юртда  
Қайси бир водийга ташласа қадам,  
Кўздаги табассум, дилдаги ҳурмат,  
Безавол дўстликдан завқ эмар одам.

Чунки у меҳнатдан кашф

айлаб ҳузур,  
Бўлса-да жангчидай оддий бир инсон,  
Коммунист,

партия аъзоси эрур,  
Бу эса — дунёда энг буюк унвон.

Ватаним улғайиб, топмоқда ривож,  
Зафарлар жабҳаси тобора чексиз.  
Коммунизм тонги ёймоқда қулоч,  
Йил сайин яна кенг ёйилар шаксиз.

Илҳом бахш этади партия бу дам,  
Боқар истиқболга партия кўзи!  
Партияни эса яхлит, мустаҳкам,  
Қудратли этгандир Марказком ўзи!

Ҳусниддин ШАРИПОВ таржимаси.

## Ҳар бир қалбда яшар муҳаббат

Денгиз шовуллайди, довул гувлайди,  
Тўлқинлар фалакка сапчир, думалар.  
Довул, деб ҳеч қачон ортга қайтмайди,  
Манзилни адашмай топар кемалар.

Дарахтлар заминга маҳкам ёпишар,  
Шамоллар учирар сарғиш баргларни,  
Безавол ишқ дами ёдингга тушар,  
Ёдингга оласан ўтган гапларни.

Юрагинг қувончдан ҳаприқиб кетар,  
Кўз ўнгингдан ўтар яна ёз кунни:

*Таниқли совет шоири ва драматурги Анатолий Владимирович Софроновнинг номи ўзбек китобхонларига яхши таниш. Дастлаб лирик шоир сифатида шаклланган Анатолий Софроновнинг илк асарлари 1929 йилдан бошлаб матбуотда кўрина бошлади. Шоирнинг «Қуёшли кунлар», «Шеър ва қўшиқлар», «Сизни севаман» сингари ўнлаб шеърӣй китоблари, «Давр достони», «Хайрлашув» каби достонларц адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.*

*Элликдан ортиқ драматик асарлар ижод этган Анатолий Софронов «Москваликлар характери», «Бир шаҳарда», драмалари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган. Унинг «Табассум учун миллион», «Довул», «Қалб кечирмай-*

Ям-яшил қайинлар гўё сир тутар,  
Сенинг юрагингда кечган туйғуни.

Денгизга қарайсан умидга тўлиб,  
Биласан тинади довуллар — бебош.  
Сўнгсиз кенгликларни ёғдуга кўмиб,  
Яна кенгликларда жилмаяр қуёш.

Ёмғир ҳам тинади... Боғларда бу чоғ  
Дарахтлар сочини ўйнар шамоллар.  
Сен эса висолга очасан қучоғ,  
Рухингни қийнамас ортиқ саволлар.  
Ҳаммаси тугайди, денгизда фақат  
Тўлқинга тўш уриб шошилар кема...  
Аммо сен биласан — нимадир шафқат,  
Асли бахт нима-ю, асли ғам нима!

Сен яша, ниятинг холис бўлса бас,  
Оташин ишқинг ҳеч топмагай завол.  
Азизим, довуллар қўрқинчли эмас,  
Охири тугайди ҳар қандай шамол!..



Электр аталмиш юксақ бир қувват,  
Менинг юрагимдан сизиб ўтади.  
Мен унга шунча йил чидадим, ҳайхот,  
У мени охири хароб этади!

Эҳтимол, кўзларга кўринмас олов  
Қулга айлангирар бутун борлигим.  
Сўнг мени соғиниб эслайди биров,  
Бировлар билмагай ҳатто борлигим.

Шу бўлар қалбдаги ишқнинг баҳоси,  
Шу бўлар менинг ҳам қадрим, қимматим.  
Оловга айланар энди ҳаммаси,  
Безавол ёшликка бўлган ҳимматим.

Бу оташ севгимга жазодир балки,  
Шу боис мен оғриқ сезмасман танда.  
Жонгинам, ёлғиз бир истагим шулки,  
Сен эрка қийноғинг қилмагил канда!

---

*ди», «Мерос» ва бошқа бир қатор драмалари совет кишиларининг турмуш тарзи ва ахлоқ мавзуга бағишланган етук асарлар сифатида мамлакатимиз театрлари сахнасида муваффақият билан қўйилмоқда.*

*Узоқ йиллардан буён «Огонёк» журналига муҳаррирлик қилиб келаётган хассос шоир ва адиб, жамоат арбоби Анатолий Софроновнинг адабий хизматлари партия ва ҳукумати-миз томонидан муносиб тақдирланган. У халқаро «Нилуфар» мукофотининг лауреати.*

*Сиз бу саҳифада атоқли санъаткор Анатолий Софроновнинг шеърларидан баъзи намуналар билан танишасиз.*

Майли, бераҳм бўл, майли қаҳрли,  
 Жазони ўтамоқ менга чўт эмас.  
 Ва лекин бир куни кулиб меҳр-ла,  
 Мени кечир, дея айта олсанг бас!

Бу ҳаёт ҳар кимни этгайдир шайдо,  
 Қуёшни нур билан шимгайдир қоним...  
 Уша чоғ қаршингда бўлурман пайдо,  
 Ушанда олов ҳам кор қилмас, жоним!



Бизлар яшамаймиз ўзимиз учун,  
 Эл-юртни деб ўтар умримиз.  
 Ватан бир куй эрур созимиз учун,  
 Қанот эрур — Она еримиз.

Мен эслаймаң, дўстларимни кўп,  
 Кунлар ўтар, йиллар ўтарлар.  
 Қимки бугун орамизда йўқ,  
 Улар мангу ухлаб ётарлар.

Соғинч қийнар, қалбдан кетмаса,  
 Ҳар сатримда — видео ва шафқат.  
 Гар тасвирга кучим етмаса,  
 Дардни қалбда сақларман фақат...



Завод мактабига кирдим бир куни,  
 Утган кунларимни бир зум эсладим.  
 Олис хотирамдан қидирдим уни,  
 Безавол ёшлигим яна изладим...

Ватан юксаларди қурилишларда,  
 Олтин далаларда қайнар эди иш.  
 Ёнардик сўнги йўқ интилишларда,  
 Юксалиб борарди биз севган турмуш.

Келажак қаршимда яшнаб турарди,  
 Ишларим кўп эди, солмасдим галга.  
 Юрагим бир эзгу ишқ-ла урарди,  
 Шеърят кўнгилга берарди далда.

Муҳаббат қалбимга бўлди-ю меҳмон,  
 Бир нафас ўйларим чалкашиб кетди.  
 Кўксимда қуёшдек порлаб ногоҳон,  
 Ишқ ўзи юракка чирмашиб кетди.

Билардим, барига ўзинг айбдор:  
 Донни гўзалликка чулғаган баҳор!..  
 Нимаки юз бермиш ёдимда бари,  
 Қурилиш... ташвишлар — ҳануз эсимда.

Заводнинг донг ёйган баҳодирлари —  
 Қадрдон усталар яшар кўксимда.  
 Мен учун ҳамиша дорилфунун эди —  
 Сергей Прокофьевич Французов!



Ҳосил—маржон қадар шаффоф ва шиғил.  
 Тушки ҳордиқ асли бир нафаслик тин,  
 Жонга оро берар лекин ҳар тугул.  
 Ишга ҳалал бермас димлик ҳам сира,  
 Оҳанглар-ла масрур яшар далалар.  
 Дўппайишган намхуш ғарамлар узра,  
 Юлдузлар қуюлар тунги паллалар.

1974.

## Ёмғирдан сўнг

Тарк этдию тарновни ёмғир,  
 Кўлмак сувда топди ҳаловат.  
 Кабутарлар — қордай оқ бағир —  
 Сув сачратиб ўйнашар фақат.

Манзарага мос бир ранг каби  
 Рўпарада гуллар настарин.  
 Илғаб бўлмас кўлмак сув тубин,  
 Кўлмак сувдай осмон меҳвари.

Намчилик саҳар қувиб ҳайдайд  
 Пастқам булут тўдаларини.  
 Далаларда меҳнат қайнайди,  
 Таратиб шан садоларини.

Бошқармадан чиқиб агроном,  
 Кўзойнагин тўғрилаб тақар.  
 Қайлардадир чақмоқлар бу дам  
 Майсазорлар қўйнига оқар.

23 октябрь, 1971.

□

Хаёлан учаман ёғдулари-ла  
 Юлдузлар бир-бирин сийлашган жойга.  
 Сон минг сайёралар сочила-сочила,  
 Вақт, маконга бефарқ айлашар пойга.  
 Ғуж-ғуж сайёрага кўз тикиб мафтун,  
 Унда ҳам мен каби яшар бир одам.  
 У ҳам ухлამасдан чиқадир бу тун,  
 Хаёлан мен сари учадир у ҳам.  
 У зотни кўрсам ҳам бўларди... Агар  
 Чангимаса Сомон йўли бу қадар.

## Қайинзор

Урал тоғ тизмасы ортида, унда  
 Чошгоҳ ёғдусига беланиб бутқул,  
 Қайинзор жимирлар мовий тўлқинда,  
 Мовий ёмғирларга чайилиб нуқул.

Мен унда кезганман хўп яланг оёқ,  
 Издаримни кўмган майса-гиламлар.  
 Хуштаъм маймунжонлар, кўм-кўк  
 ўт-япроқ —

Умрбод хотирот менга жон қадар.

Унда қичқиради бойқуш — ола кўз,  
 Она бўри бўлса, ишониб бунга  
 Болаларин индан чиқарар-да тез,  
 Умбалоқ оштирар солиб ўйинга.

Болалигим мисол ардоқли, масрур  
 Қайинзор қаршимда солланар ҳар кун.  
 Унинг-чун нимадир қилишим зарур,  
 Орзудир, эртакдир — кўнгилга яқин.

Ҳамон ул мен ўсган қишлоқдан нари,  
 Дилгир манзараси дилга фароғат.  
 Чумолилар ўқий олмас ўйларим  
 Қайин баргларида тизилиб фақат.

Билмаслар бепарво ҳамюртларим ҳам  
 Нега бунча хурсанд юрагим маним.  
 Юрагим шеъримга жойланар бу дам,  
 Шеъримда куйланар азиз масканим.

8 август, 1974.

Уттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида «Октябрь», «Новый мир», «Красная новь» каби марказий журналлар саҳифаларида ўша вақтларда ҳали муаллифи ўқувчиларга яхши таниши бўлмаган шоирнинг ихчам лирик шеърлари тез-тез кўрина бошлайди. Улардаги самимият, ҳаёт ҳақидаги теран мушоҳадаларнинг одда тил билан, образли ифодаси, табиатни юрак-юрақдан, ҳарорат билан куйлаш ўқувчилар диққатини бирданига ўзига жалб этади. Бу шеърлар шоир Степан Шчипачев қаламига мансуб бўлиб, рус совет адабиётида ўзига хос воқеа бўлди. Шундан бери шоирнинг ҳаёт ва яшашнинг такрорланмас завқ-сурури, совет воқелигининг гўзалликлари, табиатнинг онадек табарруклиги ва ишқ муҳаббат ҳақидаги қатор фалсафий-лирик шеърлари, поэмалари ўқувчилар қалбини ром этиб келмоқда. Кўп сонли ўқувчилар оммаси ҳақли равишда унинг номини Михаил Исаковский, Михаил Сиветлов, Николай Тихонов, Константин Симонов, Анатолий Софронов каби совет адабиётини ривожлантириши-

## Соатга қараб

*Келажак! Бир умр кўзимда турасан...*

*Зулфия*

Бир оқшом — баайни орзудай йироқ,  
 Юз йилларни қамрар хаёл қаноти:  
 Китобга кўз тикиб ўтирар у чоқ  
 Уйчан бир йигитча — олис ажодим.  
 Чақиб тарихларнинг мазмунин бир-бир,  
 Тарозуга қўяр у тамал тошин.  
 Китобин ҳарфлари балки майдадир,  
 Лекин уларда жо олов, қўрғошин.  
 Уларга битилган боғлар шитири  
 Ва халқим шиддати — долғали, метин.  
 Жаҳон афкор элин мангу сўрури —  
 Оламаро балққан Буюк ўн етти.  
 Шоирларни, майли, кўплар ёқтирмас,  
 «Шоирлар замони ўтди» ҳам дерлар.  
 Лекин кибернетик ақлга бермас  
 Ўлмас илҳомларнинг завқин шоирлар.  
 Гоҳо ғалаёнли, гоҳо жим, сокин,  
 Олам ўйларидан бамисли нектар —  
 Шоир қўшиқлари руҳингга ҳоким,  
 Тинглаган кишига роҳат бахш этар.  
 Ул оқшом хаёли мени маст қилар,  
 Олис орзуларда оқурман қалқиб.  
 Девордаги соат мили имиллар,  
 Безовталиқ туяр бу ҳолдан қалбим.

Сентябрь, 1974.

Шукр ҚУРБОНОВ таржималари.

га ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган шоир ва ёзувчилар қаторида тилга олишади, эъвозлашади.

Степан Петрович жамоат арбоби сифатида ҳам кўпгина ишлар қилди. Унинг ғоявий етук, мазмунан пишиқ мақоалари демократик республикалар ва капиталистик мамлакатларнинг прогрессив матбуоти саҳифаларида ёритилди, диққатга сазовор бўлди.

Шоир асарлари қардош халқлар тилларига, шунингдек, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақият билан таржима қилинган ва севиб ўқилмоқда. Жумладан, унинг асарлари ўзбек китобхонларига ҳам кўпдан таниш.

Шу йилнинг январь ойида бутун совет халқи ва жаҳон афкор оммаси Степан Шчипачевнинг 80 ёшини муборакбод этдилар. Шоирга сиҳат-саломатлик, янгидан-янги ижодий зафар тиладилар. Биз ҳам кўп минг сонли ўқувчиларимиз номидан адабиётимизнинг заҳматкаш оқсоқолига қутлуғ шу айёмда: «Ҳорманг! Омон бўлинг, Степан Петрович!» деймиз.

Носир Фозилов

# Шуёна

## ВОҶЕИЙ ҲИКОЯ

ОЛМАОТАГА қилган сафаримнинг охирги кунлари. Гузал Медев, Олатов бағридан, тенгқур ёзувчи дўстларимнинг меҳрибон даврасидан ҳозиргина меҳмонхонага қайтиб, юмшоқ креслога ўзимни ташладим. Мана, сафар ҳам қариб қолди. Эртага қайтишим керак. Самолётга билет олганманми, олганман. Дўстларим билан хайрлашдимми, хайрлашдим. Энди фақат нарсаларимни йиғиштириб чамадонга солиш қолибди, холос.

Шу ўйлар билан ўтирганимда тумбочка устидаги коферанг телефон қисталанг жиринглаб қолди. Трубкани кўтардим:

— Алло!

— Ай, Носир, сенмисинг?— деган хирилдоқ товуш эшитилди. Дарров танидим.

— Менман, Собит оға!

— Ай, Сарбола, сен қайда журсин? Боядан бери телефон сўғабери...

— Болалар билан тоққа чиққандик..

— Маъқул, эндеше кел бери.

Ростини айтсам, жуда чарчаган, ҳеч қаёққа боргим йўқ эди. Лекин у кишининг гапини ерда қолдириб ҳам бўлмасди. Шундай бўлса ҳам ботиниб:

— Жуда чарчаб келгандим, Собит оға. Бир оз ётиб дам олсам дегандим,— дедим журъатсизроқ қилиб.— Зарур гапингиз бормиди?

— Жигитсин-ғўй, шаршадим дегани уялмайсинба?— деди у киши. Товуши боягидан баландроқ чиқди.— Кел мунда! Марям женгейинг эт осип, саған қарап ўтир!

— Хўп, хўп, бораман...

Оғанинг гап оҳангида эркалаганнамо пўписа бор эди. Телефон трубкасини аста жойига қўйдим. «Э, нима бўлса бўлди,— дедим ўзимча товушимни чиқариб.— Йиғиштириб ололмайдиган нима бор шунча? Бир сидра кийимларим-у, ёзувчи ўртоқларим эсдалик учун ёзиб берган китоблар. Тағин нима? Бўлди! Қелиб жойларман чамадонга».

Хонамни беркитиб, пастга тушганимда, соат кечки етилар эди. Шаҳарнинг энг гўзал, энг гавжум жойига тушган «Олмаота» меҳмонхонасининг олди яна ҳам очилиб кетган, шаҳарга оқшом салқини тушгани учунми, меҳмонхона эшиги олдида одамлар гавжум: биров келаётган, биров кетаётган, кимдир хиёбонларда сайр қилаётган...

Мен аста юриб, Абай номидаги опера ва балет катта театри майдонига чиқиб олдим. Шу ердан тахминан икки кўча ўтиб, чап томонга юз метрча юрсам Собит оғанинг уйида бўламан. Муқон Тўлебоев кўчаси, 125/129.3-квартира!

...Иккинчи қаватга кўтарилиб, қора дерматин қопланган икки тавақали эшик қўнғирогини чалдим. Кўп куттирмай эшик очилиб, Марям опа кўринди. Тўғри ошхонадан чиқиб келяпти шекилли, олдига қизил гулли пешбанд тутиб олган, иссиқдан юзлари қип-қизариб кетган эди.

— Айналай, кел, кел! — у бир чеккага ўтиб йўл бераркан, орқасига ўгирилиб деди. — Собит, келди Сарболан! Кел, кел!

— Ассалому алайкум...

— Ваалейкум! — деб ичкаридан Собит оға чиқиб келди. Ишлаб ўтирган экан шекилли, эғнида йўл-йўл пижама, бошида қора духоба тақия. — Қалай, зерикпедингбе? Анав шайтандар сени зериктирмайдигўй. Қане, тўрге ўт. Мина диванга ўтир. Анов пўстектинг устине шигип тепкилеп-тепкилеп ўтир. Ангиме бор, кейин айтам, — деб менга бир қараб қўйди. — Мен қазир...

Собит оға шундай деди-да, чап қўл томондаги эшикка кириб кетди. Иши бўлса керак-да. Мен аста диванга келиб ўтирдим-у, оёғимнинг тагидаги пўстакка беихтиёр қарадим. Каттакон қора айиқнинг териси. Юнларининг ўсиқлиги нақ бир қарич келади, тўрт оёғи тўрт томонга тарвақайлаб кетган, гўё бошини гиламга қўйганча уйқуга кетгандай чўзилиб ётарди. «Оддийгина айиқ териси. Нега Собит оға тепкилаб-тепкилаб ўтир, деди? Гап бор, кейин айтаман, деди-ку! У қанақа гап экан?» — деган фикр ўтди хаёлимдан. У ёқ-бу ёқни томоша қила бошладим. Каттакон зал. Зал ўртасида устига яшил мовут қопланган каттакон стол, атрофига стуллар териб қўйилган. Поллар силлиқ паркет. Ўрнимдан туриб, деворларга илиғлик суратларни томоша қила бошладим. «Мана буниси акварелда, анавиниси мойли бўёқда чизилбди... Бурчакдагисиз?! Дарвоқе, кашта-ку бу! Во ажабо «Қайси санъаткорнинг иши экан? Мўйқаламда ҳам бунчалик жонли чиқмас... Собит оғанинг худди ўзи: устида қозоқи жун чакмон, бошида сувсар телпак, кўзларини сал қисиб, жиндай қувлик билан кулиб турибди. Кимнинг асари бўлса ҳам ишқилиб қўл-кўзи дард кўрмасин-да!»

Залдаги қарийб ҳамма суратлар Собит оғага юбилей кўнлари совға қилинган бўлса керак. Чинакам санъат асарлари. Томоша қилиб туриб, кўнглим фахр ҳисси билан тўлиб кетди. Қаранг-а, ёзувчига шунча ҳурмат, шунча иззат-икром!

Чап томондаги жавон устида турган каттакон пахта гулли вазага кўзим тушиб қолди. Ҳаяжонга тушдим. Шубҳасиз, бу Тошкент чинни заводининг маҳсулоти. Вазага Собит оғанинг кулиб турган сурати ишланган. Ичкаридан Собит оға чиқиб қолди:

— Шароф Рашидовнинг сийи<sup>1</sup>, — деди у фахр билан. — Ўсинда бир жийналисқа келгенде...

У ҳам вазага бир оз тикилиб қолди. Юзларида мамнунлик аломати. Чамаси Шароф ака у кишига вазани топширган ва етмиш йиллиги билан табриклаган ҳаяжонли дами кўз олдига келтирди чоғи, дили яна ҳам ёришиб кетди. Ундаги бу кайфият аллақачон менга ҳам юққан, вазага ҳамон ҳавас билан қараб турар эдим...

<sup>1</sup> Сийи — совғаси.

— Жур,— деди бир пайт елкамга қўлини ташлаб,— женгейингдинг эти-де пискен шиғар.

Биз кетма-кет бошқа хонага кирганимизда ташқарига аллақачон оқшом қоронғилиги тушган, ичкари эса биллур қандил нуридан чароғон, Марям опа стол устини яшнатиб қўйган эди. У ошхонадан ҳазил қилиб чиқди:

— Бул Сарболанг келгели бери салем беруди билмейди. Қиздар мен жургеннен аманба?

— Сўлай шиғар,— деб қувлана кулди Собит оға ҳам.

Мен бу гаплардан сал қизариб кетдим шекилли:

— Қани, Сарбола, қизарма,— деб столга таклиф қилди Марям опа,— мен қазир тамақ олиб келем...

Марям опа буғини бурқиратиб бир лаган бешбармоқ олиб кирди. ...Овқатдан сўнг мен эртага Тошкентга учишимни, дарсаларим ҳали йиғштирилмаганини айтиб, рухсат сўрадим.

— Эртеге қай вақтда ушасин?

— Ун иккиларда.

— Уҳ-ху,— деди Собит оға чўзиб.— Вақтинг кўп экан. Сен мунда қол.

— Бул Сарболанг номерине қиздарди шақирип қўйган бўлар,— деб тагин ҳазил қилди Марям опа.

Қолмасликнинг иложи бўлмади. Қолдим. Анча маҳалгача у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Аҳён-аҳёнда Собит оғанинг бояги: «Пўстакнинг устига чиқиб тепкилаб-тепкилаб ўтир... Гап бор, кейин айтаман», дегани эсимга тушар, уни сўрашнинг мавридини тополмасдим. Вақт алламаҳал бўлгач, Собит оға ўрнидан турди:

— Ол, Сарбола, мен жатарда кўшени бир айналиб келетин адетим бор. Борғинг келса, жур. Борғинг келмесе, анов диванга жатип дем ол,— деди бурчақда турган дастаси болта нусха қора ҳассасини қўлига олиб.

— Мен ҳам...— дедим шайланиб. Кекса одам, сайр қиламиз, деб турганда қандай қилиб диванда чўзилиб ёта оласан?— Кетдик!

Кечки соат ўн яримлар чамаси. Муқон Тўлебоев кўчасидан аста юриб боряпмиз. Бир яхши жойи, бу кўчадан транспорт юрмас экан. Сердарахт хиёбон, мартабали кишилар; санъаткорлар, ёзувчилар турадиган кўча бўлгани учунми, тинч, осуда экан. Атрофни неон чироқлари сутдек ёритиб турибди, у ер-бу ерга креслосимон чиройли скамейкалар қўйилган, кеч бўлиб қолгани учун одамлар сийрак, фақат унда-бундагина бир-иккита одам қўлтиқлашиб юришар, скамейкаларда ўтириб суҳбатлашишар, ҳордиқ чиқаришар эди. Биз хиёбон бўйлаб бир-бир босиб кетяпмиз; бетон ариқчалардаги сувнинг майин шилдираши қулоққа ёқимли эшитилади.

Кўча бошига чиқиб орқамизга қайтдик. Собит оғанинг уйдан бу ергача чамаси икки чақиримча келар экан. Оғанинг айтишича, ҳар куни кечкурун ётиш олдидан шундай сайр қиларкан... Ярим йўлга келганимизда бояги пўстак ҳақидаги гап эсимга тушиб қолди. «Ҳозир айни пайти, сўрасаммикан?»— деб ўйладим. Ахири журъат қилиб ўша гапни эслатдим:

— Собит оға, бояги пўстак...

Собит оға бу гапни эшитиб, йўлидан тўхтади. Фикрини йиғштириб олиш учун бўлса керак, бирпас жим қолди-ю, атрофга аланглади. Сўнг дарахт тагидаги скамейкага кўзи тушиб:

— Жур, анда ўтирамиз...— деди-да, ўша томонга бошлади. Мен унга эргашдим. Скамейкага бориб ўтирганимиздан сўнг аста гап бошлади:

— У пўстак...



...«Учқудуқ» яйловининг оқшоми гўзал бўлади. Кундузлари аксинча, қуш учса қаноти, тулпор юрса туёғи куяди. Эҳтимол, яйлов қум ўртасига жойлашганидандир, балки бошқа сабаби бордир ё эса бу жойларнинг табиати ўзи шундайми, иссиқ билан салқин худди тун билан кун алмашингандек алмашиниб туради.

Кундузги нафас қайтарувчи иссиқ тафтидан бир оз ороми қочган қўйлар ҳозир шох-шаббадан ясалган четан қўра ичида ҳузур қилиб, бирининг устига бири бош қўйиб ётибди. Аҳён-аҳёнда қўра атрофидаги итларнинг ҳуришларини, чирилдоқларнинг бир-бирига гал бермай чириллашини ҳисобга олмаганда, теварак-атроф жимжит. Негадир юлдузлар бугун ҳар кунгидан ёруғ порлаётгандай. Ешгина чўпон Дўнан қўра четидаги пастаккина қўлбола сўрида жимир-жимир қилаётган юлдузларга боқиб, хаёл суриб ётибди. Афтодаҳол. Четан қўрадан сал нарида иккита ўтов қорайиб кўриниб турибди; бири амакиси — Бекмурод оғаники, иккинчиси — ўзиники. Икки ҳафтадирки, у ўтовига бош суқмайди, бош суқишга юраги дов бермайди. Кечалари шу сўрида ётади. Нега эканини ўзи билади, икки ҳафтадирки, кўнглига қил ҳам сиғмайди. Хаёл сургани-сурган; уҳ тортади, амакиси билан янғасига билдирмай холироқ жойда кўз ёши ҳам қилиб олади...

Бугун ферма мудирини Бўронбой оға райондан анча-мунча хабарлар олиб келди, газеталар ташлаб кетди. У олиб келган хабарлардан биттаси шу эдики, совхоз маъмурлари бу ердаги чўпон-чўлиқлар ихтиёрига битта кажавали мотоцикл берадиган бўлишибди. «Ана шунақа — деди ўзича Дўнан. — Ҳамиша шундай бўлади. Бир қор-қол юз бермагунча... бир нарсани униши қийин. Энди мотоциклини пишириб есин. Бўлар иш бўлиб, бўёғи синганда мотоцикл берармиш-а! Ҳэ, ўргилдим!..» Бўронбой оға олиб келган газеталарнинг хабар қилишича, олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан районга таниқли ёзувчи Собит Муқонов меҳмон бўлиб келармиш. Газетада унинг каттакон портрети босилибди, область қаламқашларининг у ҳақдаги анчагина мақола ва табриклари эълон қилинибди. Эртага келармиш, катта тантана бўлармиш. Бўронбой оғанинг гапига қараганда, район раҳбарлари: «Собит Муқонов келса, одамлар райком биноси ёнидаги клубга сиғмайди», дейишиб унинг тўйини район марказидаги очиқ майдонда ўтказмоқчи бўлишибди. «Жуда тўғри ўйлашибди, — хаёлидан ўтказди Дўнан ҳамон чалқанча ётаркан, — шундоқ катта ёзувчи меҳмон бўлиб келади-ю, жиндек клубга одам сиғармишми?.. Эҳ-ҳ... Қалдирғочим, сен шўрлик Собит Муқоновнинг асарларини севиб ўқирдинг. Айниқса «Бўтакўз» романини қўлингдан қўймасдинг, унинг қаҳрамонлари сенинг қадрдон кишиларингга айланиб кетган эди... Қалдирғоч, жонгинам, мана, эртага ўша сен яхши кўрган Собит Муқонов райономизга меҳмон бўлиб келяпти... Қани сен! — Дўнанинг ҳалқумига бир нарсани тикилгандай бўлди, анчагача жим ётди. — Ой-кунинг яқинлашган кезлари эди, сенинг бу гапларинг бир умр эсимдан чиқармиди, жонгинам. Ярим кечаси эди, сен бўлажак фарзандимиз буйрингдан туртаётганини ҳис қилиб бағримда эриб ётардинг. Мен ҳам ўзимча бу бахтдан маст эдим. Шунда сен уйда иккаламиздан бошқа ҳеч қим бўлмаса ҳам, худди биров эшитиб қоладигандай қулоғимга: «Дўнан оға, агар қиз кўрсак, исмини — Бўтакўз, ўғил кўрсак — Асқар<sup>1</sup> қўямиз», дединг. Мен сени шунда бағримга маҳкамроқ босдим. Бу рози бўлганим эди...»

Ҳозиргина Дўнаниннг кўз ўнгига чарақлаб турган юлдузлар аввалига бир жимирлади-ю, сўнг аста-секин хира тортиб кетди, кўзининг

<sup>1</sup> «Бўтакўз» романининг қаҳрамонлари.

қийиғидан икки чаккасиға иссиқ ёш қуйилди, ҳалқумиға бир нима келиб тикилди. У ўзини эплаёлмай юз тубан ўгирилиб, тагига тўшоғлиқ айиқ терининг ўсиқ юнларини қаттиқ рижимлаганича елкалари силкиниб анча ётди...

— Ҳой, Дўнан, ухлаб қолганмисан?!— деган товушдан Дўнан сакраб турди. Бундай қараса, бошида Бекмурод оға фонус кўтариб турибди. У фонусни юқорироқ кўтариб, Дўнанга тикилди.— Ие, тентак, бу нимаси? Арт кўзларингни! Шунга ҳам кўз ёшими? Бўлди, борасан. Қўйларни бир кунга ўзим эплаб турарман. Лекин, бола, кечкурун қайтиб келасан.

— Хўп,— деди Дўнан кулгидан ўзини зўрға тийиб. Узи шундай бир аҳволда турмаганида борми, думалаб-думалаб кулган бўларди.

— Ҳа, шундай бўлсин.

У қўйлардан хабар олиш учун бўлса керак, қўлида фонус, четан қўранинг ортига ўтиб кетди. У кетгач, Дўнан кулиб қўйди: «Мен нима гамда-ю, у нима деб тушунди? Уни қара-ю, ҳа, майли, ҳар қалай, худодан бўлибми, қайсарлигидан бир оз тушай деди. Рухсат тегиб турганда борсам бориб кўриб келай, Қалдирғоч, сен учун ҳам кўриб келай...»

Гап шунда эдики, кундузи ферма мудирини Бўронбой Собит Муқоновнинг районга меҳмон бўлиб келиши ҳақидаги хушхабарни олиб келганда, Дўнан шаҳарга тушиб уни кўриб қайтиш учун амакисидан рухсат сўраган, аммо у турли баҳоналарни рўқач қилиб, Дўнанга рухсат бермаган эди. Мана, ҳозир уни афтоҳол бир ҳолатда кўриб, кўнгли эриб кетди шекилли, рухсат бериб юборди.

Бекмурод оғанинг гапи астойдил экан, Дўнан эрталаб турса, ягона тўриқ қашқа эгарланиб турибди. Буни кўрган Дўнан эътироз билдирган бўлди:

— Оға, тўриқни минмайман, ўзингиз яёв қоласиз. Пиёда юриб ўрганиб қолганман,— деди.

Унинг гап оҳангида нимагадир шама ҳам бор эди. Бекмурод оға буни дарров илғаб олди, бир ўкрайиб қаради-ю, лекин индамади. «Пиёда юриб ўрганиб қолганман», дегани сал қўпол чиққанини Дўнанининг ўзи ҳам сездди, аммо узр сўрайман деб ҳозирги юмшаб турган муносабатни бузиб қўйишдан қўрқиб, миқ этмай тураверди. Бекмурод оға ичида «астаъфурулло» келтириб, тўнғиллади:

— Уттиз беш чақиримга яёв бормоқчимисан? Тентак!

Кечаси Бекмурод оғадан жавоб теккач, Дўнан эрталабгача тўлғаниб ўйлаб чиқди. Нима совға қилса экан? Тўғри-да, шундай ихлос қўйган ёзувчининг олдиға қуруқ қўл билан бориб бўларканми? Айниқса, Қалдирғоч яхши кўрадиган ёзувчининг олдиға-я! Йўқ, нимадир олиб бориш керак. Нима олиб борса экан-а? Нима олиб борса, Қалдирғочнинг руҳи шод бўлади? Нима?..

У қўра ёнидаги пастаккина қўлбола сўри устида оппоқ тонггача ўйлай-ўйлай ахири бир қарорга келди: мана шу пўстакни олиб бориб совға қилади Собит оғага! У ўзининг бу фикридан мамнун бўлиб, дарҳол ўрнидан турди-да, каттакон айиқ терисини юмалоқлаб ўрай бошлади, сўнг икки буклаб, каноп қопга яхшилаб жойлади. Бекмурод оға кўриб қолиб қаршилиқ қилмасин дедими, уни кўздан панароқ жойга яшириб ҳам қўйди: «Билдирмай олиб кетаман!»

Дўнан Бекмурод оғадан миннатдор бўлиб отга минди, сўнг оғанинг кўзини шамғалат қилиб, қопга жойлаган омонатини билдирмай хуржунга жойлади-да, жўнаб қолди...

Шундай иссиқ кунда ўттиз беш чақирим йўл юриш ҳазилакам гап эмас: от ҳам терга тушиб кетади, одам ҳам лоҳас бўлади. Дўнан мана



шундай бир аҳволда район марказига яқинлашганда, очиқ майдонда тўпланган ғиж-ғиж одамга кўзи тушди. «Бошланиб кетибди-да!» деган ўй келди дафъатан унинг хаёлига. У отини қистаб одамларга яқинлашди. Қараса, ўзидан бошқа отлиқ йўқ экан, хижолат тортди. Кейин отининг бошини буриб, нарироқ борди-да, бир ҳовли дарвозаси олдида тўхтади. Шундоққина дарвоза ёнидаги симёғочга отини қантариб боғлади. Бу ерга от боғлаш мумкинми, йўқми, буни ўйлаб ҳам ўтирмади. Сўнг хуржундаги каноп қопга ўроғлиқ нарсасини олди-ю, ўзини одамлар тўдасига урди...

Дўнан умри бино бўлиб бунақа тантанали йиғилишни кўрган эмасди, оғзи очилиб қолди: илгарилари бир-икки бор байрамларда совхоздаги мактаб болалари билан қелиб кўргани — ўша ёғочдан ясалган каттакон минбар. Унингчини битирадиган йили май байрамида Дўнан билан Қалдирғоч бу ердан ёнма-ён ўтишган. Фақат фарқи шуки, бу ерда илгари байрамларда район катталари ясан-тусан қилишиб тикка туришар, олдиларидан саф-саф бўлиб ўтаётган район меҳнаткашларини, ишчилару зиёлиларни, қўлларидан алвон байроқлар-у, турли-туман транспортларни кўтариб, қий-чув қилиб ўтиб кетаётган мактаб болаларини енгилгина қўл силкишиб қутлашар, аҳён-аҳёнда ораларидан кимдир баланд товuşда ўртага қандайдир бир тантанали шиорни ташлар, унинг сўзлари тугамаёқ шиорнинг охири болаларнинг «ура-а!» деган қийқириқларига кўмилиб кетар, андак фурсат ўтиб бу ҳол яна такрорланар эди. Йўқ, ҳозирги йиғин илгариги йиғинларга сира ҳам ўхшамасди. Ойда-йилда бир кўриниб қоладиган район казо-казолари билан бирга уларнинг ўртасида севган ёзувчиси Собит Муқонов ҳам ўтирибди. Дўнан бошқаларнинг қай ҳолатда ўтирганини айтиб беролмаслиги мумкин-у, аммо севган ёзувчисининг ҳозирги ҳолатини изоҳлаб бера олади: ўтириши худди ўзининг қандайдир бир китобида берилган расмига ўхшарди. Китобдаги сурат бир оз жиддий, эгнидаги кийими ҳам бошқа, қора костюмда, галстук таққан, чап кўкрагида депутатлик нишонни... Йўқ, бу ерда у бошқа кийимда: эгнида оқ шойданми... ишқилиб оқ матодан енгилгина халат, бошида яшил тақия, олдидаги столга тирсақларини таяганича, мамнун бир қиёфада минбардаги бийрон-бийрон сўзлаётган нотикқа эмас, ўзининг ҳурмати учун тўпланиб шундай саратон қуёшида миқ этмай нотикнинг гапларини эътибор билан тинглаётган, одамларга қараб ўтирар эди. Ана, бир ғалатиноқ гап бўлди шекилли, одамлар аввалига гурр этиб кулишди, сўнг қарсақбозлик бўлиб қетди. Собит оға ҳам маза қилиб, бутун гавдасини силкитиб кулди. Кулганда аслида қисик кўзлари яна ҳам қисилиб кетар эди.

Дўнан беихтиёр олдинга, минбар ёнига қараб юрди. Қўлтиғидаги бесўнақай ўралган каноп қопи одамларга тегиб кетар, баъзилар унга «қайси тўқайдан келган қозоқсан?» дегандай ўқрайиб қўяр эди. У олдинги қаторга бориб қолганида, кимдир унинг биллагидан аста тортди:

— Қанақа одамсан, ўт орқага!

Дўнаннынг жаҳли чиқиб кетди. Қанақа одам бўларди? Одамдақа одам-да! Гапини қара-ю! У бундоқ қараса, минбарда Собит оға ўзига тикилиб турган экан: шундоққина самимий, илиқ. Бу ҳолат Дўнанга ҳам кўчди. Собит оға ҳамон Дўнандан кўзларини олмас эди. Чамаси унинг қиёфасида ўзининг ёшлигини, чўпонлик, етимлик чоғларини кўрди, шекилли. Ҳар ҳолда шунга яқинроқ бир ҳис туйгани аниқ. Бўлмаса нега жилмаяди, нега кўзларини олмайди? Ёки бошқа нарсага кулаётгандир?

Дўнан шу хаёлда аста билдирмайгина ўзининг усти-бошига қаради. Об-бо! Қийиб келган уст-бошини қаранг-у! Қўй боқишга киядиган

кийимлари! Овсар бўлмаса, яп-янги куёвлик эгни-боши: қора костюми, оппоқ нейлон кўйлагини галстуғи билан доқага ўралганича ўтов керагасида илиғлик турган эди-ку. Бекмурод оғаси-ку майли, Улбика янғасига нима бўлди, бир оғиз эслатмабди-я!.. Ҳа, бунақа ишларга Қалдирғоч хушёр эди. Бирор ёққа борадиган бўлса, дарров тоза усти-бошини кийдирарди, киймаса зўрлаб кийдирарди шўрлик. Уни хўрлик-ка ўхшаганроқ бир туйғу бўлгандек бўлди. Юзлари аламданми ё ҳаддан зиёд иссиқданми, ё эса уятданми, ишқилиб қизариб, бўртиб кетди. Энди орқага чекинмоқчи бўлиб қўзғалганида, бояғи одам тағин жеркди:

— Маданият деган нарса борми сенда!

Дўнан бу ёқимсиз одамнинг башарасига қаттиқ тикилиб қолди. Қани энди у мана бундай йиғинда эмас, ўзларининг яйловида шу гапни айтса-ю, Дўнан бошлаб унинг башарасига туширса. У ўзини босди.

— Йўқ, фақат сизда бор маданият!— деди-ю, орқасига бурилди. Ҳалиги одам бу гапни эшитиб, турган жойида қотиб қолди. Дўнан бир чеккада чордона қуриб ўтирган одамларнинг олдига бориб, қопини тағига қўйиб ўтирди. Назарида, минбарда Собит оға ҳали ҳам ўзига қараб тургандай эди. Эҳтимол шундай туюлгандир. Минбар анча узоқ бўлса, ўзига қараб турибдими, йўқми билиб бўлармиди. У тағин ўша ёққа тикилди. Ҳа, рост, қараб турибди!

Гулдурас қарсақлардан Дўнан ўзига келди. Қараса ҳамма ўрнидан туриб кетибди. Минбардагилар ҳам. Собит оға қўлида қора ҳасса, аста юриб олдинга чиқди. Райкомнинг биринчи секретари унинг эғнига ёқаси ва этаги заррин нақш билан безатилган қизил бахмал тўн ёпди, бошига шу рангда тақия... Қий-чув шовқиндан райкомнинг нима деётганини эшитиб бўлмас, одамлар хурсандчилигини, ҳаяжонини яшира олмас, ҳамма ўз билгича бир нималар деб, мажлисни бозорга айлантириб юборган эди. Райком секретари гапириб бўлиб, Собит оғани қучоқлаб ўпмоқчи бўлувди, қучоғи етмади. У яна нималардир деди. Барибир одамлар унинг нима деётганини ҳаракатидан билиб туришар эди. Ана, у бир чеккага ишора қилиб, Собит оғага қўлидаги қамчинни тутқазди. Ҳамаёқни қийқириқ, чапак босиб кетди. Дўнан ҳалиги райком секретари ишора қилган томонга қараган эди, у ерда иккита йигит (бири — боя Дўнанни маданиятсизликда айблаган йигит) бир отни жиловидан ушлаб туришибди. Асти қўяверасиз, тулпормисан тулпор! Нақ, осмонга сапчийман дейди.

Собит оға аста юриб, отнинг ёнига келди. Ҳалиги йигитлар уни қўлтиғидан олишиб миндиришди. Собит оға қамчинини осмонга кўтарди. Теварак-атрофни тағин қий-чув босиб кетди. Чаққон суратчилар унинг ўнг томонида ҳам, чап ёнида ҳам аппаратларини чиқиллатишяпти. Киночилар ҳам бор экан. Бир кўзларини қисганича аппаратларини Собит оғага тўғрилаб бир-бир айлантиришарди. «Мана тўёна-ю, ана тўёна! Ана ҳурмат-у, мана иззат! Овсар бўлмасанг, тентак бўлмасанг, шундоқ таниқли ёзувчининг тўйига пўстак олиб келасанми?» Дўнан ўзининг бу фикридан ҳам уялиб, ҳам қизариб, одамлар орасидан аста сирғалиб чиқа бошлаганда, қулоғига Қалдирғоч: «Тўхта, Дўнан, уялма, олиб келган совғангни эгасига топшир», дегандай бўлди. У беихтиёр тўхтади, орқасига қаради. Қараса, ҳалиги от бир чеккага боғланибди, йиғилиш тугаган шекилли, одамлар ўринларидан қўзғалиб қолишибди. Бироқ тарқаб кетолмай, Собит оғани яқиндан бир кўриб қолиш орзусида бўлса керак, тикка-тикка туришар, ниманидир кутишар эди. Шу пайт унинг тирсағидан биров тургандай бўлди. Бундай қараса, бояғи жеркиган йигит.

— Ҳа, тағин нима гапинг бор?— деди Дўнан кўрслик билан.

— Юр, сени Собит оға сўраяпти.

Дўнаннынг бутун аъзойи бадани жимирлашиб кетди.

— Масхара қилма!

— Юр, кутиб турибди,— деди у кулиб.— Қанақа боласан ўзинг!

— Мени танимайди-ку у киши?!

— Билмасам. Қоп қўлтиқлаган болани чақир, деди.

Дўнан бир ишониб, бир ишонмай унинг олдига тушди.

— Қопингни шу ерга қўйиб кетсанг ҳам бўларди.

Дўнан унга бир ўкрайиб қаради-да, индамай кетаверди. Ҳақиқатан ҳам Собит оғани одамлар ўраб олишган, унинг яқинига йўлаш амри маҳол эди. Район катталари чеккада бир тўда нотаниш кишилар билан чақчақлашиб турибди. Хойнаҳой Собит оға билан бирга пойтахтдан келган ёзувчи ва шоирлар бўлса кераг-ов! Собит оға бўлса бир чеккада столга ўтириб олиб, одамлар олиб келган китобларга эсдалик дастхати ёзиб берар, келувчиларнинг аксари ёш йигитлар, қизлар эди. Дўнан уларга яқинлашиб бирпас тўхтаб қолди. Ҳалиги одам олдинга ўтиб, аста Собит оғанинг олдига борди-да, секин нимадир деди. Собит оға Дўнан томонга бир қаради-да, «тура тур, болам» дегандай ишора қилди. Бу — дастхат ёзиш тугасин, сўнг гаплашамиз, дегани бўлса керак-да.

Бир муддат ўтгач, Собит оға Дўнан томонга ишора қилди.

— Болам, бери кел.

Дўнан қўлида қопи, ийманиброқ унинг олдига борди. Собит оға унга қараб жилмайиб, бир оз қараб турди.

— Ассалому алейкум.

— Ваалейкум...— деди оға Дўнанга синчковлик билан бошдан-оёқ қараб.— Боядан бери пайқаб турибман... Бир гапинг борга ўхшайди, а, болам?

«Ё товба, қаёқдан билибди-я?— дея хаёлидан ўтказди Дўнан.— Ё... Э, бу киши ёзувчи-ку, ёзувчилар одамнинг ичидагини дарров билиб олишади, деганлари рост экан-да!»

Дўнандан садо чиқавермагач, Собит оғанинг ўзи уни ўсмоқчилай бошлади:

— Қаердан келдинг, болам?

— «Учқудуқ»дан.

— Қим бўлиб ишлайсан?

— Қўйчима. Амакимга қарашаман.

— «Учқудуқ» бу ердан узоқми?

— Ўттиз беш чақиримча келади.

— Шунча жойдан бекорга келмагандирсан?

— Йўқ...— деди Дўнан тутилиброқ. Сўнг олиб келган совғасини беришнинг пайти келди, деб ўйлади-да, қопини олдига олиб, оғзини еча бошлади. Собит оға гап қўшмай жим турар эди. Дўнан қоп ичидан айиқ терисини куч билан суғуриб олди-да, ўрнидан туриб ёйди. У яхши ошланган, аммо ҳали яхши қуримаган, қандайдир бир ёқимсиз ҳид келиб турар эди.— Собит оға, мен шуни... сизга тўёна қилиб...

Қаёқдан пайдо бўлганини ким билсин, район катталаридан икки киши етиб келиб, болага ўдағайлади:

— Ҳой, сен бола нима қиляпсан ўзи?

— Шарманда қилди-ку, бу бола!

Собит оға уларга жиддий боқиб:

— Бизларни бирпас холи қолдиринглар, илтимос,— деди.

Ҳалиги катталар орқасига қарай-қарай, ўзларини шарманда қилган бу болани еб қўйгудай бўлишиб, нарироққа кетишди. Улар кетишгач, Собит оға айиқ терисига бир оз тикилиб турди. Сўнг атрофига аланглаб кимнидир чақирди. Бояги Дўнанны жеркиган йигит кўз-қулоқ бўлиб турган экан, учиб келди.

— Чирогим, мана шу терини эҳтиёт қилиб қўй,— деди унга.

У хўб дегандай бош силкиди, сўнг Дўнанга бир ўқрайиб қаради-да, терини ижирганиброқ бир чеккасидан кўтариб нари кетди.

Собит оға боланинг гапи борлигини — юзида алам, кўнглида ғам сояси борлигини бояёқ пайқаган, шунинг учун уни олдига чақиртирган эди-ю, аммо айиқ терисини совға қилишини, бу совғада қандай сир борлигидан беҳабар эди. Уни суриштиришга жазм қилди. Район катталари бир жойга зиёфат тайин қилган, мажлисдан сўнг Собит оғани олиб, ўша ерга боришлари керак эди. Собит оға буни билар эди. Шундай бўлса ҳам кутаётганларга «бирпас сабр, қилинлар» дегандай ишора қилди-да, аста ўрнидан туриб Дўнаннынг елкасига қўлини ташлади. Улар чеккага чиқиб, скамейкага ўтиришди. Собит оға гапни нимадан бошлашни ўйлаб бир оз жим қолди. Дўнан ҳам ҳаяжонда, нима дейишни билмас эди.

— Қани, гапир, болам,— ниҳоят бу оғир сукунатни Собит оғанинг ўзи бузди.— Хафароқ кўринасан?

— ...

— Қачондан бери қўй боқасан?

— Икки йилдан бери.

— Урта мактабни битирганимидинг?

— Ҳа. Уқишни битирганимиздан сўнг совхозда қолишга қарор қилганмиз.

— Яхши. Уйланганмисан?

Бу савол Дўнаннынг ярасини яна янгилаб юборди. Юзига лоп этиб қон югурди-ю, бўғзига бир нима келиб тиқилди. Гапирай деса йиғлаб юборишни билиб, индамай тураверди. Собит оға унинг ҳолатини кўриб, уялпти шекилли, деб ўйлади-ю, кўнглини кўтариш учун ҳазил қилди:

— Уни ҳам олиб кела қолмабсан-да.

— Кимни?

— Кимни бўларди? Келини-да!

— У... У, йўқ энди...

Собит оға ҳеч нарсага тушунмай шошиб қолди. Товуши қаттиқроқ чиқди:

— Сен бола, менга қара, нега йўқ бўлади? Аниқроқ айтгин...

— Бир бошдан айтмасам тушунмайсиз, оға.. Вақтингизни олмайманми?

— Айтавер.

— Майли,— деди Дўнан чуқур тин олиб.— Мен Қалдирғоч билан...

...Дўнан билан Қалдирғоч совхоздаги ўрта мактабни муваффақиятли битиришгач, ўз совхозларида қолишди.

Дўнан ота-онасидан эрта айрилгани учун амакиси Бекмуроднинг қўлида катта бўлган эди. Бекмурод оға эсини танибдики, қўй боқади. Қиш ўтиб, офтоб йилт этиб чиқса бас, кўч-кўронини аравага юклаб, у яйловдан-бу яйловга, у адирдан-бу адирга кўчгани-кўчган. Чорвадан бошқани тан олмайдиган, ўз ишидан бошқани билмайдиган ўлгудай қайсар, ўжар одам. Хотини Улбика янга шу вақтгача эрининг чизган чизигидан бир энлик ҳатлаб ўтган эмас, бўш-баёвгина аёл. Эрининг феълини яхши билгани учун: «Сизники тўғри!»— деб қутулади. Бекмурод оғага қолса, совхозда бувисиникида этиб ўқиётган катта ўғли Бозорбой билан қизи Руқияни ҳам яйловга олиб келиб мол боқдирарди-я! Афсуски, иложи йўқ-да! «Нима, ўқиб амалдор бўлармиди?»— дейди у икки гапининг бирида. Гўё одам амалга мишиқ учун ўқийдигандай...

Мана, икки ҳафта бўлдики, Бекмурод оғанинг навбатдаги қайсар-

лиги жудаям қимматга тушди: у ўтган йили ёзда оталик қилиб жияни Дўнан билан Қалдирғочнинг бошини қўшиб, элу юртга тузуккина тўй берди. Ўзи қайсар бўлса ҳам бунақанги расм-русмларга қўли очиқ экан. Тўй тўйдек бўлиб ўтди. Бундан яқин-йироқдаги дўст-ёрлар, қавм-қариндошлар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Ҳаммадан ҳам келин-куёвнинг хурсандчилигини айтмайсизми? Ахир улар еттинчи-саккизинчи синфдан бери бир-бирига кўнгил қўйишган, юлдузи-юлдузига тўғри келиб, аҳд-паймон қилишган эди-да! Улар бу бахтли кунни кутиб, қанча-қанча кунлару тунларни бедор ўтказишмаган. Эҳ-э...

Шундан сўнг Дўнан амакиси билан бирга қўй боқди, Қалдирғоч эса уй юмушларига қарашди, қўрада қий супурди, қўй-эчкиларни соғишди. Хуллас, оёқ-қўли чаққонгина экан, Улбика янганинг ўтидан кириб кулидан чиқди...

Сўнгги кунлари Улбика янганинг назарида Қалдирғочнинг ой-куни яқинлашиб қолгандай эди. «Энди келинни районга, дўхтирхонага жўнатмасак бўлмас. Умримда бировга доялик қилмаганман, бу ёғи, тумса нарса... Биладиган дўхтирнинг қўлида кўзи ёригани маъқул», деб ўйлади. Бу фикрини аста, ётиғи билан Қалдирғочга айтиб, маъқуллапти. Сўнг унга, бундан буён оғир ишларни камроқ қил, иложи бўлса қилмай қўяқол, унча-бунча иш ўзимдан ҳам ортмайди, деб тайинлади. Кечқурун овқатдан сўнг Қалдирғоч билан Дўнанлар ўз ўтовларига чиқиб кетишгач, Улбика янга Бекмурод оғага кундузи ўйлаб қўйган фикрини ётиғи билан айтди. Ҳа деганда эридан садо чиқавермагач:

— Ҳўш, гапиринг,— деди у эрининг оғзига тикилиб.

— Қайси қозоқ хотини дўхтирга бориб туғибди,— деди тўнғиллаб у.— Шундай долзарб пайтда қаёққа боради? Эртага жун қирқишни бошлай деб турган бўлсак...

— Бир кун минг кун бўлармиди? Мулла бола дўхтирга ташлайди-чиқади,— деди Улбика янга фиғони ошиб. \*У Дўнанни мулла бола деб атар эди.— Қанча ишингиз бўлса келиб қилаверади.

Бекмуроддан садо чиқмади. Сукут аломати ризо деб тушунган Улбика янга гапини улаб кетди:

— Шундай қилинг, барака топкур. Йўқ деманг, ҳа, шундоқ тўриқ қашқа билан ташлайди-чиқади.

— Нима-а!— хотинининг гапини эшитиб, унинг қайсарлиги тутди-қолди.— Тегмайди тўриқ қашқа! Кетаверишсин яёв. Улмайти ёш нарзалар...

Улбика янга қайсар эрининг феълени яхши билади. Гап тамом, вассалом! Шундан кейин у чор-ночор, келин бола кундузи иссиқда қийналиб қолмасин, деб эртасига кечқурун салқин тушиши билан Дўнан икковини йўлга солиб юборди...

Эгри-бугри, пасту баланд сўқмоқдан зим-зиё қоронғида ўттиз беш чақирим йўл босишнинг ўзи бўладими? Айниқса, оғироёқ одамга! Яхшиямки, булар дала болалари. Бошқа одам бўлганда қоронғи кечада ҳар гиёҳ бўри-ю, ҳар ўт олабўжи бўлиб кўринавериб, қўрқувдан ўтакаси ёрилган бўлар эди. Барибир йўл азоби ўз ишини қилди. Ярим йўлга келганда Қалдирғоч толиқиб қолди. Бунинг устига негадир жуда сувсади. Йўлга чиқиш олдида ейилган сур гўштли шилпилдоқданми, ё йўлда эрмак бўлади деб чўнтақларига солиб олган қуртни йўл-йўлакай сўриб келгани учунми, ҳарқалай Қалдирғочнинг томоғи жуда ҳам қуруқшаб кетди. Улар бир каттакон туп жинғил тагига ўтиришди. Жинғил таги ниҳоятда салқин, баргларида қандайдир хушбўй ҳид таралар, атроф жимжит, тепада юлдузлар жимир-жимир қилиб имлаётгандай бўлар эди.

— Қани энди бир пиёла сув бўлганда...

Дўнан индамади. Буни қарангки, эсидан чиқдими ё амакисига жаҳл қилибми, ё эса бошқа нарса сабаб бўлибми, сув олволиш эсларига келмабди.

Улар шу тарзда бир-бирларига суянишиб бирпас ўтиришди. Чанқоқлик тобора исканжага оларди. Шу маҳал қаердадир ит хуригандай бўлди. Дўнан ўтирган жойида қулогини динг қилди. Ана, иккитаси бараварига ҳуриди. У ўрнидан туриб, ит товуши чиққан томонга қаради. Олисда кучсизгина бир чироқ милт-милт қилиб турар, ҳамон итлар бесарамжон ҳуришар, аҳён-аҳёнда қандайдир одамларнинг «Ҳайт!» деган бўғиқ товуши узоқдан эшитилар эди.

— Овул,— деди суюниб Дўнан.— Бу орада овул йўқ эди-ку?!

— Кўчиб келишгандир-да,— деди Қалдирғоч ҳам суюниб.— Чўпонлар бугун бу ерда бўлса, эртага бошқа ёққа кўчиб юришини билмаган одамдай гапирасан-а.

— Ҳа, дарвоқе,— деди Дўнан.— Менга қара, Қалдирғоч, сен шу ерда ўтириб турсанг. Мен чопиб бориб сув олиб келсам...

— Майли,— деди Қалдирғоч.

— Ё, сен ҳам борасанми?

— Майли, бориб кела қол. Мен сал чарчадим. Сен келгунча дам ола тураман.

— Бўпти.

Дўнан ҳалиги чироқ милтиллаб кўринган томонга қараб жадал юриб кетди. Сал нарига борганда нима учундир кўнгли алағда бўлиб, орқасига қараб-қараб, кўнглида ўша катта туп жинғилни мўлжалга олиб қўйган бўлди. Чироқ худди сув ваъда қилаётгандай милт-милт қилиб ўзига имлар, итларнинг товушлари тобора яқиндан эшитилар эди. Дўнан қоқиниб-суриниб зудлик билан борар, йўл-йўлакай тартибсиз ўсган жинғиллар, чангаллар чолвори, почасини юлар, баъзан болдирларини жиз этказиб чизиб ўтар эди. Одамларнинг нимадандир безовта говур-гувори шундоққина яқингинадан эшитилиб турар, итлар эса ниманидир қувиб овулдан узоқлашиб кетган эди. Дўнан сал наридан бу ерда иккита уй тикланганини, нарироқда уч-тўртта туя чўкиб ётганини, қўйлар нимадандир ҳуркиб, бир жойга ғуж бўлиб тўпланиб турганини, одамлар эса ўтов олдига йиғилишиб ниманидир муҳокама қилишаётганини тобора аниқ кўра бошлади. Уларнинг олдига яқинлашиб қолганда:

— Ассалому алайкум,— дея салом берди Дўнан.

Тўпланиб турганларнинг гаплари таққа бўлинди. Улар гўё «бу бола ердан чиқдими, кўкдан тушдими?» деган каби анграйиб қолишган эди. Соқоли селкиллаган биров даврадан чиқиб келиб, Дўнанга қўл чўзди:

— Ваалайкум... қароғим, кел,— деди ҳайрон бўлганини яширолмамай.— Кечлатиб нима қилиб юрибсан?

— Сувсин<sup>1</sup> керак бўлиб қолиб...

Дўнан бор гапни уларга айтди. Тўпланиб турганлар гўё: «Эси борми бу боланинг? Шундай зимистонда йўлга чиқадими?!» дегандай тикилиб туришар эди. Шу пайт қуйруғи динг, бўйни ола, каттақон қора ит ҳалиги соқолли чолнинг олдига келиб, гингшиб этакларига сурканди, сўнг Дўнанга кўзи тушиб қолиб, тишларини иржайтириб ириллади.

— Ёт, Олапар,— деб жеркиди чол. Ит думини қисганча ўтов орқасига ўтиб кетди. Сўнг Дўнанга ўгирилиб деди:— Ҳозиргина молларга айиқ чопса бўладими!

— Айиқ?!

<sup>1</sup> Сувсин — чанқовбосди ичимлик.

— Ҳа. Кечагина қўнғандик бу ерга. Кечадан бери тинчлик бермайди, лаънати! Бошқа яйловга кўчиб қутуламиз шекилли.

— Э, тонг отсин-чи,— деди кимдир,— кунини кўрсатаман ҳали!

— Кўрсатиб бўлсан,— эътироз билдирди бошқа биров.

— Нега экан энди? Менда бир милтиқ бор. Нариги яйловдаги Қирғизбой мерганни ҳам чақирамиз.

— Шундай қилиш керак,— деди бояги соқолли одам.— Ҳой, манови меҳмонга сувсин беринглар. Идишинг борми, қароғим.

— Йўқ эди. Бир шиша бўлса ҳам бўлаверади.

— Бир шиша топиб, сув қуйиб беринглар,— деди чол кимгадир қичқириб.— Сен бола... жуда бемаҳалда йўлга чиқибсан. Кўриб турибсан, ҳаммаёқ алғов-далғов. Яхшиси, бориб келинни олиб кел шу ерга. Тонг отгач, кетасанлар. Маъқулми?

Шу пайт ёшгина қизча бир шиша сув олиб чиқиб Дўнанга узатди. Дўнан унга раҳмат айтиб, чолга жавоб қилди:

— Уйлашиб кўрайлик-чи.

— Шундай қилинглар, қароғим. Тағин нима деб бўлади...

Дўнан уларнинг олдидан сир бой бермаса ҳам, бу гапларни эшитиб юраги така-пука бўлиб кетди. Шиша қўлига тегиши билан оёғини қўлига олиб келган томонига югурди. Шошганидан бир қултум сув ҳам ичиб олмабди. Тили оғзига сиғмай, ўпкаси шишиб, ҳарсиллаб қолди. Сал секин юради-да, тағин чопади. Оёқлари толгач, юриши яна секинлашади. Ниҳоят бояги қўнғлида мўлжаллаб кетган катта туп жинғил кўринди. Қўнғли бир оз таскин топгандай бўлди. Уша жинғилни қорага олиб жадал кетаётиб, нимагадир қоқилиб кетди. Ўзини ўнглаб олиб бундай қараса... У кўзларига ишонмай яна энгашиб қаради-ю, бир зум қотиб қолди. Қай кўз билан кўрсинки, оёғининг тагида Қалдирғочи қип-қизил қонига беланиб ётар эди. Уст-боши дабдала бўлиб кетган, шўрлик анча жойгача судралиб келибди. Эғнидаги кўйлаги оқмиди ё бошқа рангдамиди, билиб бўлмас эди. Дўнан ўзини Қалдирғочнинг жасади устига отди.

— Қалдирғочи!!!

Бу ҳайқирик мудҳиш тун бағрини ларзага солди. Дўнан телбаларча, дод солиб, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Сал нарида шўрхок тупроқ устида ҳозиргина олиб келган шиша оғзидан ерга сув қулт-қулт тўкилар эди...

...— Бор гап шу, Собит оға.

Бийдай далада юз берган фожианинг таъсириданми ё мана шундай фожа юз берган районда тўйи ўтаётганидан хижолат бўлибми, ҳарқалай Собит оғанинг юзларига ғам-ташвиш соя ташлаган, кўзларида милт-милт ёш, Дўнанга тикилганича миқ этмай ўтирар эди.

— Кейин,— Дўнан оғир тин олиб гапига яқун қилди,— кейин... эрталаб ўша мен бориб сув олиб келган овул йигитлари билан Қалдирғочни совхозга олиб бордик, бутун қариндош-уруғлар тўпланишди, дафн этдик... Қирғизбойлар ҳам... Уни ўзим отдим, терисини Қирғизбой оға шилди,— у бир оз сукут қилиб яна гапини улаб кетди.—...Сизга тўёна қилиб олиб келганим ўша айиқнинг териси, Собит оға. Илоё мингга киринг! Бир умр шу пўстакнинг устига чиқиб тепкиланг, шунда менинг хуморим ёзилади, оға...

Дўнан бошқа гапиролмади, ўзини тутолмай Собит оғанинг кўксига бош қўйди. Собит оғанинг қисик кўзлари баттар қисилиб, йигитнинг елкасини силаб юпатмоқчи бўлар, бироқ ўзининг кўз ёшларини қандай тўхтатишни билмас эди...

\* \* \*

Собит оға гапани тугатди. Мен бу фожиа таъсирида ерга қараганча миқ этмай ўтирардим.

— Сўдан бери ўн жил ўтти,— деди Собит оға елкамга қўлини ташлаб.— Уйге қўноқ келса бўлди, устине шигариш тептирем, ўзимде тепем.


— Шундан кейин Дўнандан хабарингиз бўлмадими?

— Неге бўлмасин... Мунда алиш келип ўқитдим. Институтни битирди. Қазир совхозинда зооветеринар. Бироқ али уйленгени жўқ,— деди у ҳассасига суяниб ўрнидан оғир тураркан.— Жур, Сарбола, энди дем олайиқ.

Вақт тунги ўн иккилардан ўтиб кетган, кўчада ҳеч ким қолмаган, ҳаммаёқ жимжит эди. Мен гўзал бир жувоннинг бошига етган, найнки бир жувоннинг, ҳатто, унинг туғилажак фарзандининг: ўғил бўлса — Асқарнинг, қиз бўлса — Бўтақўзнинг ҳам умрига завол бўлган, Дўнандек беғубор йигитнинг бахтини, орзусини паймол қилган ёвуз айиқнинг териси устида қандай дам оларканман, деган ваҳимада Собит оғанинг кетидан оғир қадам ташлаб борардим...







Абдулхай Носиров

# ПИСКАРЕВ

## Зиёратгоҳи



### ЛЕНИНГРАД ШЕЪРЛАРИДАН

Оташ тупроқ,  
Суюкдан суюк,  
Қучоғида нола, ҳаяжон...  
Ёғдуларга беланибди кўк,  
Уралибди гулга қабристон.

Оҳ, куй қайга бошлайди сафни,  
Қайга бошлар вазмину титроқ.  
Саф ортидан эргашган қалбни  
Қабрларга отади нигоҳ.

Мен ҳам бунда телбадек қотдим,  
Ўзбекистон нури кўзимда.  
Ихтиёрсиз ташлайман одим,  
Эгилмаган, бошим таъзимда...

Қабрларей... ёшим қуйилар  
Кўзларимдан маржону маржон.  
Кўкни қучган адл қайинлар,  
Сағаналар бошида посбон.

Келажак деб жаҳон Ватани,  
Айланганда у кун қудратга —

Етолмади жаллод қадами,  
Қамалдаги Ленинградга.

Нон ушоғин едилар териб,  
Совуқларда ҳориб-толдилар.  
Ёв тўпига кўкракни кериб,  
Ленин шаҳрин сақлаб қолдилар.

Замбаракнинг сўнгги янроғи  
Уфқларга тикканда ялов.  
Босилганда ер қалди роғи  
Биз туғилдик мисоли олов.

Биз туғилдик... осмонда гуллар,  
Бошимизда музаффар сурур...  
Биз туғилдик ғолиб солдатлар,  
Умримизга қўшдилар умр.

...Бугун қуёш меҳрин тутадир,  
Ураларкан алвонга тонглар.  
Бунда мангу уйғоқ ётадир,  
Мангуликка ҳаёт берганлар.

\* \* \*

«Эртақ айтиб беринг» деб қистар,  
«Эртақ айтиб беринг?», дер ўғлим...  
Уйинлардан кечиб ўлтирар  
Эртақларга ўхшаб борлиғи...

Мен бошлайман узундан узоқ,  
Эшитганим, кўрган, билганим.  
Қайда қуёш, қайда тиг-чақмоқ,  
Қайга бориб, қайда бўлганим...

Тинглар экан эртагим ҳар кеч,  
Утиради у паришон ҳол.  
Чулғаб қўрқув, ҳам чулғаб севинч,  
Қуёнларга ачинар: — увол!..

Увол эмиш емиш бўлганлар,  
Увол эмиш қувғинди, қўрқоқ.  
Дийдирашиб, қорда қолганлар,  
Яшнамасдан хазон бўлган боғ...

Увол эмиш капалак умри,  
Бир ёздаёқ изсиз ўтиши...  
Сув юзида ўйнар кун нури,  
Увол эмиш оқиб кетиши.

Увол... увол...  
Ачинибдики,  
Бу ачиниш кўчар нафратга.  
Эртақларни у чин дебдики,  
Қолдирмасин «бу чин» ғафлатда...

Лекин бу кун болакай фақат,  
Эртагимни тинглайди бесас —  
Кўзларида ўйнайди шафқат,  
Кўзларида ўйнайди оташ...

Билмаса ҳам эртақ сирини,  
Билмаса ҳам ҳаёт нелигин  
Ултиради тинглаб барини,  
Утиради тинглаб эртагим...


Хаёлида билмам не кечар,  
Ёш қалбида нелар кечади?  
Улғаяркан кун нурин ичиб,  
Эртақларнинг сирин очарми?

Ҳаёт уни бошлар қаёнлар...  
Недан куйиб, недан кулади?  
Уғлим, билки, қочар қуёнлар...  
Қочганлар-чи емиш бўлади.



Рустам Раҳмон

# Қўтильче ҚАДАМ



РОМАН

## ЙИЛДАН ЙИЛ ГЎЗАЛ!

Онанинг  
кўнгли — болада...

Озоданинг қувончи ичига сизмасди: аяси билан Раҳимжонни Мирзачўлга олиб кетмоқда! Ҳозир беш — ўн кун туриб келишни мўлжаллаб боришяпти, майли, боришаверсин, боргандан кейин Озода қайтариб жўнатмай қўяди. Чала мулла дадаси кутиб-кутиб, ё кетиб қолади, ё орқаларидан боради. Келса, мана, жой — яшайверади, келмаса — сатқан сар! Озода аяси билан укасини ҳар қанақа қилиб ҳам боқиб олади. Угай отага муҳтожлик жойи йўқ!

Улар Мирзачўл тараддудини қилиб туришганида Ширинбулоқ мактабидан Озодани учрашувга таклиф қилиб келишди. Суриштирган эди, ўнинчи синфни битирган болалар тўпи билан Мирзачўлга бориб ишламоқчи бўлганини айтиб қолишди. Яқинда улар Озоданинг радиодаги чақирғини эшитишибди, шундан кейин комсомол мажлисида: «Ҳаммамиз Мирзачўлга бориб янги совхозларда ишлаймиз!» деб қарор қилишибди.

Озода шошиб турганига қарамай, мактабга борди. Боргани яхши бўлган экан: ўқитувчилар билан кўришди, ўқувчилар билан учрашди. Уларга чўлдаги ҳаёт, меҳнат шароитларини гапириб берди.

Озода Мирзачўлга ана шу учрашув таъсирида келди. Улар поезддан

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

тонг маҳалида тушдилар. Темир йўлни кесиб ўтиб автостанцияга боришди. У ерда бир нечта автобус қатор турарди. Озода улар орасида «Гулшан»га борадиганини топмай, хавотирланди.

— «Гулшан»га автобус шу ерда тўхтайдими?— деб бир йигитдан сўради.

— «Гулшан»га борадиган автобус заправкага кетди, ҳозир келади. Айтганидай, дам ўтмай чоққина автобус келди. Қуёш ҳали Мўғултоғ ортидан бош кўтаргани йўқ. Автобус юргач, шабадасининг салқини этни жунжиктира бошлади: Озода дераза ёнида ўтириб бораётган Раҳимжонни бу ёнига ўтқазди. Ўзи эса сумкадан кофтасини олиб, кийди.

Озода аввал, гарчи ремонт қилинмаган бўлса ҳам, янги уйига бораверишни ўйлади. Лекин тахта полга ўчоқ қуриб ёқилганидан исқирт бўлиб кетганини эслаб, тўғри тоғасиникига боришга чоғланди.

Абдукарим тоға, яхши, энди даладан келиб нонуштага ўтирган экан, уларни кўриб боши осмонга етди.

— Э-э тушимми-ўнгим!?— деб синглисини қучди. Розиябуви ҳам акаси елкасига бошини қўйиб, кифтини тавоб қилди.

Унғача Янғил янга апил-тапил тўшак солди.

— Вой, келинг, Розиябуви!— деб қучоқ очди.— Қандай шамол учирди? Вой, бизни ҳам йўқлайдиган кунларинг бор экан-да!

Шу пайт Тоға жияни Раҳимжонни ўпиб, эркалаб, тиззасига олди. Ҳаммалари ўтириб, фотиҳага қўл очдилар. Бирпас ҳол-аҳвол сўрашди, қариндош-уруғларни йўқлашди. Сўнг Тоға Озодага юзланди:

— Ҳеч дарагинг бўлмай кетди, жияним?

— Ўқишга кетувдим.

— Тунов кунни Қурбондан сўраган эдим, ўқишга кетганингни айтди.

— Ушандан нари бориб, аямларни олиб келдим-да.

— Ие, ўзинг бордингми?!— Тоға хурсанд бўлди.— Яхши қипсан.

Уй оляпгийкан деб эшитган эдим.

— Уйни олиб қўйиб кетувдим ўқишга...

Нонуштадан сўнг Озода далага жўнади. Катта йўлга чиқиб, анча кутди. Учакишгандай машина ё трактор ўтмади. Ундан сари типирчилаб бригадасига тезроқ боргиси келарди. Охири пиёда кетди. У шағал ётқизилган йўл четидан шипиллаб борарди. Чўлда йўл аримайди дейишарди, тўғри экан. Мана, қачондан бери тикир-тикир йўл босади, ҳали шийпоннинг қораси кўринмайди. Тошкентнинг соя-салқинига ўрганиб қолган эканми, иссиққа тоб беролмай ҳансираяпти.

Ниҳоят, қадрдон шийпонининг шиферли томи кўринди. Баҳорда илк бор келиб, шип-шийдам чўлни кўрганида ваҳима босиб: «Бу ерларга ўргана олармиканман?» деб зорланганини эслади. Мана энди кўзига ўт бўлиб кўриняпти бу жойлар!..

Шийпонда ҳеч ким йўқ эди. Бурчакда моторелләри боягидай турибди. «Мен келгунча узоқ-яқинга ишлатиб турасизлар» деб кетган эди, мишишмабди. Хоналарга бош суқиб кўрди, ҳаммаси аввалгидай, йигирма кун ичида ҳеч нарса ўзгармаганига ажабланди.

Ташқарига чиқди. Далаларга аллақачон файз кириб қолибди. Ғўзалари эгат ораларини беркитар даражада ўсибди. Шийпон олдидаги полизда қовунлар ранг қайтарибди. «Қовун пишиғига ҳам етиб келдик-а. Ҳадемай терим ҳаракатига тушамиз» деб орзуланди. Йўл юриб чарчаганидан шийпонда бирпас дам олгиси келди. Аммо Шодмоннинг дала тепасидаги чайласига қараб туриб, ўша ерда дам олмоқчи бўлди.

Чайлада Ҳасан билан. Яшарқул ўтирарди. Иккови нонуштага кечиккан, Ойсулув уларга чой дамлаётган эди. Ҳаммалари гап билан бўлиб Озоданинг яқинлаганини сезишмади.

— Ҳорманглар!

— Ая,— деди ҳамма ўтиргач,— зерикмаяпсизми? Чўлимиз ёқдимиз?

— Мирзачўл-Мирзачўл дейишса қуш учмас бир биёбон деб ўйлардим,— Розиябуви тан берди.— Поезддан тушиб анча йўл юрдик, кела-келгунча асфальтдан чиқмадик. Электр симлар, тўп-тўп оқ уйлар... Вой, ҳаммасидан ҳам ариғига тан бердим: ҳукуматдан айланай, эринмасдан шунча новни бир-бирига улаб, шундан-шунга сув етказиб келти-я!

— Ҳали буниси ҳеч нарсамас, ая! — деди Озода орзуланиб.— Йўл бўйлари бора-боргунча мевали дарахт, ости гулзор бўлади. Қаналларнинг икки ёнини нуқул ёнғоқзор қиламиз...

Ширинбулоққа бораётганидаги ширин орзулари Озодага куч бағишлаган эди. Унингча «Гулшан» албатта гулзор, мевазор бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, «Гулшан» аташнинг нима кераги бор?! Бироқ совхознинг овлоқ бир четига суриб қўйилган оддий бригадир бундай катта кўламдаги ишни удда қилолмаслигини биларди. Бу орзуларини у ҳам бирон катта йиғинда Анвар Хўжаев сингари айтишни кўнглига тугиб қўйган.

Озоданинг бу гапига Янғил янганинг энсаси қотди:

— Ҳа, энди йўл бўйлари дарахтзор бўлмай қўя қолсин,— деди «гапингга тупурдим» дегандай.— Совхозингда нима кўп — йўл кўп, нима кўп — ариқ кўп, ҳаммасига кўчат қайда?! Ундан кўра бригадангдаги пахтани гапир.

Озода оғринди, лекин индамади. Унинг бундай орзуларига Янғил янгагина эмас, ундан каттароқлари ҳам ишонмайди. Яхшиси, булар билан жўнроқ гаплашавериши керак.

— Ғўзаларимиз ёмон эмас,— деди кулиб туриб.— Бугун ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқдим. Йўғимда ҳам роса меҳнат қилишибди.

— Уялиб қолмайлик, дейишган-да, азаматлар,— деди Тоға.

— Уйимни ҳам ойнадек қилиб қўйишибди. Эртага меҳмон чақириб қўйдим. Лобархон опамни ҳам айтдим. Янга, ўзингиз бориб кутишворасиз-а?

Янганинг фиғони фалакка чиқди:

— Мунча шошмасанг, борасан-да ўша тўрқовоғингга! — баланд уйларни тўрқовоққа ўхшатарди у.— Ҳали яшаб зерикасан ҳам. Бизга ўхшаб ертўлани тилаб қолмагин-да, ишқилиб.

— Шошма, жияним; меҳмонлар уч-тўрт кун бизникида туришсин. Томорқадаги оғизга тегиб турибди,— Тоға хотинининг ёнини олди.

— Ораси қочиб кетибдими! Аям шу ердалар, хоҳлаганда келаверадилар...

Озоданинг ошиқаётганича бор: ҳозиргача бировларникида қисинди бўлиб яшади. Энди у ўз уйига эга бўлди. Бунинг гашти бошқача бўлса керак?..

## ҚИЗНИНГ ГИНАСИ

ОЗОДА дала ишларини аъзоларига тақсимлаб берди-да, меҳмон кутишга кўмаклашгани Ойсулувни ола кетди. Ойсулув Розиябуви билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, супрани ёйиб, ун элашга ўтирди. Шу орада атлас кўйлақда лорсиллаб Лобархон кириб келди. Розиябуви билан худди юз йиллик эгачи-сингилдек қучоқлашиб кўришди. Сўнг Янғил янга, Холбуви билан қўл учиде кўришиб олди. Озода кулимсираб навбат кутарди, Лобархон у томон ўгирилди:

— Уйлар муборак, ўргилай! — деди ҳар қачонгидек қизнинг иккала кифтидан тутиб хумор кўзларига тикилганича.

— Куллуқ,— деди Озода.  
— Тўйлар мубораги қачон?! Кутавериб манави жигарлар кабоб бўляпти-ку!— Лобархон одатича шарақлаб кулди.

Ҳаммалари ўтирдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Юрибсизми, бир қоп ёнғоқдай шарақлаб?— деди Холбуви тишсиз оғзини очиб кулганича. Сўнг Розиябувига танитди.— Лобархон директоримизнинг оилалари...

— Сиз бир ўтсиз, Лобархон,— деди Янғил янга.— Билмадим, директоримиз бу ўтни қўйнида қандай олиб юраркин?

Бу лутф ҳаммага ёққанидан завқ билан кулишди. Лобархон бунинг хиссасини Озодадан чиқариб олмоқчи бўлди:

— Бизни соғинтириб Тошкентларда юрдингиз-а ўйнаб?!

— Ҳа-да,— ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди Озода.— Совхозда ўйнаёлмасак, шаҳарда ўйнаймиз-да!

— Уйнанг, ўйнанг! Лекин биз бечораларни соғинтирманг-да?

— Соғинган одам истаб боради-да,— бўш келмади Озода.

— Вой, истаб бормадими? — Лобархон ўз қочиримини тушунган деб ўйлаб, қизнинг кўзларига қадалиб қаради.

Озода эсанкираб қолди: «Кимни айтяпти? Э-э яна ўша гап: Анваржон акамни-да! Рост-а, ҳол сўраб бормади ҳам-а? Айтгандай, ўзи ҳам бориб ишларини тўғриламади-ку?...»

— Бормадими? — бу сафар шивирлаб сўради Лобархон.

Озода хумор кўзларини сузиб «йўқ» ишорасини қилди. Янғил янга билан Розиябуви гумон олишди: танлагани бор экан-да?

Озоданинг ташвишли қиёфаси Лобархонни ўйлантириб қўйди. Баттол эри яна ёлғон гапирибди-да? Бу бечорани маломат қилади нуқул, бирон қасди бормикин-а? Товба, чиройли қизларни кўрса юнги ётиб қолардию, нимага бу қизга бунча жабр қилади? Товба...

Берди Умаров райкомда Анварга йўлиқиб, гашига тегмоқчи бўлди. «Биз тарафларга тез-тез ўтиб турардингиз, оёғингиз тийилиб қолди-я?» деди. У эса, почачилашиб ўтиришни эп кўрмай: «Иш кўпайиб кетди, Берди Умарович», деб қўя қолди. Умаров бу билан тинчимасдан «Ё Тошкентга йўл қиляпсизми?», деди: Анвар ҳам унинг жигига тегиш учун: «Ҳа, ҳар ҳафта бориб турибман, сизга салом айтди», деди. Умаров салом айтганига ишонмаса ҳам, борганига чиппа-чин ишониб, бу гапни хотинига дастурхон қилиб келганди...

Озода меҳмонлар олдида дастурхон ёзганда ҳам, улар ҳар ёқдан сўз очиб чақчақлашиб ўтирганларида ҳам чехраси очилмади. Буни Лобархон ҳам, бошқалар ҳам сезди. Озода аламига чидамади, магазинга чиқиб келишни баҳона қилиб, почтахонага жўнади. Йўлда ўзича Анварнинг кейинги пайтларда бедарак кетганини, институтга ҳам бормаганини, укасининг гапларини хаёлидан ўтказди. «У мени лақилла-таётган бўлса-я? Кечалари келиб «ўлдим-куйдим» деганлари шунчаки найранг экан-да?»— унга баттар алам қилди... Қизиқ, шуни билиб туриб, нега почтахонага боради? Телефонда бўлса ҳам бу гапни ўз оғзидан тасдиқлатиб олмоқчи. Хўш, бундан нима чиқади? Агар шу гап рост бўлса, Анварнинг товламачилиги фош бўлади.

Озода ярим йўлда тўхтади. Ўзини ўзи сўроққа тутди: «Анварнинг унашиб қўйилган қаллиғи бўлса, сен нимага Мамлакатга ўхшаб орага от соласан? Виждонинг қани? Қизлик фуруринг қани? Ўзингни бунча ерга урмасанг! Эсинг борида, этагингни ёп! Орқангга қайт!» — Озода оҳиста бурилиб изига қайтди. Аттанг, меҳмонлари бўлмаганда, бориб, юзма-юз гаплашарди. Укасининг гапларини айтиб, дамани кесарди... Йўқ, айтиш керак: Тўй бўлаётганини телефонда бўлса ҳам юзига солиб, хумордан чиқмаса, тинчимади у! — яна орқага қайтди. Бу сафар фикрдан айниб қолмаслик учун шошиб, ҳатто югуриб кетди.

Телефончи қиздан «Бахт» совхозини улаб беришни илтимос қилди.  
— Кимда ишингиз бор? — деди навбатчи қиз.— У ерда ҳозир телефон линияси кўпайган.

— Директорда ишим бор эди,— Озода нимагадир безовта эди. Дам-бадам у ён-бу ёнига қараб қўярди, кимдандир хавотир оларди. Навбатчи қиз дам ўтмай бурчакдаги кичкина будкага таклиф қилди. Озодани титроқ босди, трубкани ҳаяжон билан қулоғига тутди:

— Алло, ким бу? Анваржон ака?..— Озода гапиролмай қолди. Уп-каси тўлиб, ҳалқуми тугилди. Анвар уни овозидан таниб, ҳол-аҳвол сўрарди. Озода бўлса телефончи қизга орқа ўгириб, кўзларидан ёш тўкарди. Анвар ўқишга боролмаганини, совхоздаги ишлар кўпайиб кетганини айтиб, Озодани институтга киргани билан табриклади ҳамки, қиз миқ этмади. Ўзини аранг тутиб, Анварнинг гаплари тугагини кутди. Ниҳоят Анвар Хўжаев:

— Кечиринг, Озодахон, бориб хабар ололмадим сиздан? — деб узр сўради.

— Ҳар ҳафтада бориб турдингиз-ку? — деди Озода иложи борича ўзини босиб. Анвар мақсадни англамади.

— Танқид қилманг, Озодахон, чиндан имкон бўлмади боришга.

— Директоримизга айтибсиз-ку, ҳар ҳафтада бориб турибман, деб?

— Э-ҳа, у гапми?!— Анвар хохолаб кулди.— Кўришганда айтиб бераман.

— Ҳозир айтиб қўя қолинг, кўришамизми-йўқми?

— Нималар деяпсиз, Озодахон! Кўришамиз, албатта, кўришамиз! Берди Умаров жигимга тегаверган эди, алам қилсин деб айтганман...

Мақсад аён бўлди. Энди охири муддао қолди:

— Анваржон ака,— деди ўзини бир қадар босиб олиб,— қишлоққа борган эдим, йўлда укангиз билан танишиб қолдим. Яқинда дадангиз тўй маслаҳатига келар экан. Келини ҳам бошлаб келар экан.— Озода охириги гапни ўзидан қўшди.— Табриклайман, Анваржон ака, бахтли бўлинглар! Биз ҳам бугун тўй қиляпмиз.

Озода шундай дедию трубкани шартта қўйди. Навбатчи қизга раҳмат айтиб, югурганча чиқиб кетди.

Черкезов совхозга яна келди. Лойиҳачиларнинг ишларини кузатди, чизган қоғозларини бирма-бир кўрди. Анварни бошлаб юриб, қайси бино қаерга планлаштирилганини суриштирди. Сўнг ўзича хомчўт қилиб кўрди-да:

— Совхозни жуда қимматлаштириб юборяпсан, бола,— деб койинган бўлди.

Анвар Беглар Сумбатовичнинг ўтган сафаргидан хийла ювошланганини сезиб, ўзича суйинди:

— Кетган маблағни ҳадемай қоплаймиз, Беглар Сумбатович.

— Биладан, қоплашингни. Қопламай ҳам кўр-чи! — деб пўписа қилди.— Агар ҳар бир совхоз учун шунақа лойиҳа туздираверадиган бўлсак, давлатни кафангадо қилиб қўйишимиз мумкин.

— Ундай деманг, Беглар Сумбатович,— Анвар у билан яна баҳсга киришмоқда эди.— Давлат Мирзачўлга маблағни аямайди.

— Нима, аямайди деб, давлатнинг пулини шопириб ташлайсанми?

— Йўғ-е, унчалик эмас. Агар бизнинг лойиҳамиз маъқул тушиб қолса, бошқа совхозларни шу лойиҳа асосида қураверасиз-да, Беглар Сумбатович.

Черкезов: — Нима, битта ўзим бўлай деб ўйлаганмидинг,— деб

тўнғиллади-ю, жимиб қолди. Сабаби бу лойиҳада аввалгиларда йўл қўйилган хато-камчиликлар эътиборга олинбди, нафсиламбирига, бу лойиҳа ҳар томонлама яхши, бинбарин, ҳаммага маъқул тушади, албатта. Черкезовлар тайёрлаган аввалги лойиҳа маълум даражада эскирди. У пайтлардаги талаб бошқачароқ эди: бинолар қуришда турли ҳашамлардан воз кечиш, уйларни мумкин қадар кўп қаватли, паст шифтли қилиб қуриш ҳисобига давлат маблағини тежашга қаратилган эди. Энди бу талабга айрим тузатишлар киритилмоқда: давлат маблағини тежаш бош вазифа бўлгани ҳолда меҳнаткашларга энг қулай турмуш шароити яратиб бериш кўзда тутилмоқда. Буни «Бахт»нинг ёш директори тўғри тушуниб, принципиал ҳал этмоқда. Ҳа-а, ёшлик пайтида Черкезов ҳам шу йигит сингари ерга урса кўкка сапчийдиган ўт-олов инженер эди. Янгилликка жуда ўч эди. Бутун кучи, билим-тажрибасини халқ қурилишларига, Мирзачўлни ўзлаштиришга бағишлади. Нима учун шундай тажрибали инженер, кўпни кўрган бу одам бу ишга ўжарлик қилди? Нима бу, қариллик аломатими? Ҳа, қарияпти. Улим ҳақ. Уни охириги йўлга қузатганларида ундан — Черкезовдан бирон хотира қоладими? Уни яхши кунларда ёдга олишадими?...

— Менга қара, бола,— деди Черкезов Анварнинг кифтига қўлини ташлаб.— Сендан бир нарсани сўрайман, аммо ўғил болачасига жавоб берасан, хўпми?

— Қани эшитай-чи аввал,— деди Анвар «аврамоқчи» деб ўйлаб.

— Менга қара, ўғлим,— бу сафар Беглар Сумбатович тамомила маъюсланди.— Мени одамлар ким деб ўйлашади?

Анвар бароқ қошлар остида қадалиб турган бургут кўзларга ботиниб қаради: «Синамоқчимми? Ё чиндан ҳам ўз қадрини билмоқчимми? Бунга уни нима мажбур қиляптийкин?..»

— Рост гапиришим керак-да-а?

— Тўғриси гапир, ўғлим. Мен сенга ишонаман.

Анвар бир зум ўйланиб, фикрини тартибга солди:

— Нарёқдагисини билмайману Мирзачўлда обрўйингиз катта. Бу обрўни сиз давлат, халқ манфаатини қаттиққўллик билан кўриқлаб келаётганингиз учун, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, чўлма-чўл кезиб, одамлардан иш талаб қилганингиз учун орттиргансиз. Обрўйингиз баландлигини ўзингиз ҳам биласиз, албатта. Бу нарса сизни баъзида ҳавотирлантириб қўяди шекилли, ўжарлигингиз тутиб қолади. Лекин бу сиздаги ўжарлик гўзал хонимларнинг лабидаги холдек ўзингизга ярашади. Раҳбарда озгина сиёсат, салоҳият бўлиши керак-да! Раҳбар латта бўлса, ишнинг пачаваси чиқади... Мирзачўлдаги ҳар бир гектар экинзорда, ҳар бир метр йўлда, ҳар бир қулоч нов ариқда, ҳар бир посёлкада сизнинг қўлингиз, сизнинг қалбингиз, гуркираган сўзингиз бор, Беглар Сумбатович! Мирзачўл деганимизда даставвал сиз кўз олдимизга келасиз...

Черкезов тўлқинланиб кетди: юзидаги қизиллик кўпайди, бароқ қошлари остидаги бургут кўзлар чақин чаққандек ялтиради. Уз муҳолифининг ҳалол сўзлари унга қаттиқ таъсир қилган эди. Киприкларини устма-уст юмиб-очиб, Анварнинг елкасига қоқди:

— Оббо, сен-ей! Сени бола десам, бўло экансан! Ҳамма гапинг тўғри. Сенга меҳрим тушиб қолди.— Беглар Сумбатович бир зум тин олгач.— Мендан хафа бўлмагин, болам,— деди, сўнг ўйланиб туриб яна давом этди.— Сенга битта оталик маслаҳатим: қўлимда ҳуқуқим бор деб, давлатнинг, халқнинг пулини шамолга шопирма. Давлатнинг пули — сағирнинг ҳақиға ўхшайди. Сағирнинг ҳақини еганнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Бир ишга қўл уришдан олдин виждонингдан сўра, чопса — қил, озгина гумон туғилса — қилма. Шунда адашмайсан!...



Беглар Сумбатович кутилмаганда безовталаниб қолди. Анвар уни чойга таклиф қилди. Кўнмади. Ўзини авайлаброқ машинага ўтирди-да, жўнаб кетди.

Анвар кўча бошида Черкезов изидан қараб қолди. Беглар Сумбатович — олижаноб одам. Унинг ўтлиги ҳам, сувлиги ҳам бор. Гоҳо олов бўлиб ҳаммаёқни ёндиради, гоҳо сув бўлиб ёнган оловни ўчиради. Бунақа одамлар ҳаётда камдан-кам учрайди.

Қани энди Анвар ҳам Черкезовдай бўлолса. Бунинг учун зукко, ишбилармон, юлдузни бенарвон урадиган абжир бўлиши керак. Бу сифатлар Анварда йўқ.... Шундаймикан-а? Ахир у, Черкезовдай алп билан олишиб, совхоз посёлкаси учун янги лойиҳани туздиряпти-ку?! Бу зукколик эмасми? Йўқ, бу — шунчаки қасдланиш, холос. Бунга Озода сабабчи. У далда бермаганида Анвар бунчалик катта ишга журъат қилолмасди.

Озода яхши қиз. Ундан хабар ололмаёпти, лойиҳачилар ёнидан жилишининг иложи бўлмаёпти. Тошкентдан қайтгандир ҳам? Кечқурун пайт қилиб «Гулшан»га бир ров ўтиб келса-чи? — Анвар шу хаёл билан кабинетига кирди.

Қурувчилар совхоз идорасини битказиб беришди. Бинонинг пардозлари тамомланмай, Анвар кўчиб кириб олди. Ҳарқалай, хона деган номи бор, вагон идорага қараганда салқинроқ, қулайроқ, кенгроқ. Мана, район марказидан кабель тортиб келишиб, «ташқи дунё» билан телефон алоқаси ўрнатилди.

Телефон жириглади. Анвар трубкага қўл узатди:

— Алло, ҳа эшитаман. Директор гапиряпти. «Гулшан»дан? — йигитнинг юраги типирчилади, зум ўтмай таниш овозни эшитди. Дастлабданоқ Озоданинг суст гапирётганини пайқади. Анвардан хафалиги шундоққина сезилиб турарди. Шунинг учун Анвар шоша-пиша ўзини оқлашга уринди. Бироқ қиз унинг узрини инобатга олмади, аксинча, гапни чалғитди, кейин аллақандай келин ҳақида шама қилди-да, трубкани илиб қўйди...

Трубка ҳамон йигитнинг қўлида турарди, хаёли эса чигаллашиб борарди: «Кетди, бутунлай кетди! Хафа. Хафа бўлишга ҳақли. Албатта-да. Ишни деб одамгарчиликни, муҳаббатни унутдинг. Жонингни қийнагинг келмади... «Дадангиз тўй маслаҳатига келаркан», дедими? Қанақа маслаҳат, қанақа келин? «Бахтли бўлинглар» эмиш. Озодасиз бахт бўлиши мумкинми? «Биз ҳам бугун тўй қиляпмиз» дедими? Қанақа тўй, кимнинг тўйи?» — бир зумда калласи говлаб кетди.

Анвар узоқ ўйлаб турди, мулоҳазаларга борди, лекин ҳамма хулосалари бири-биридан заиф чиқаверди. Охирги чора шуки, ҳузурига бориши керак. Ахир, умидлантириб қўйиб, бировга тегиб кетаверадими? Хўш, борди ҳам, бориб кимга учрайди, қиз барибир унинг ҳузурига чиқмайди-ку! Ахир, тўй бўлаётган бўлса, нима деб чиқади? Йўқ, нима бўлса бўлар, барибир кечқурун боради. Ҳаммаси ўша ерда ойдинлашади.

Анвар кўчага чиқди. Шофер бино орқасидаги сояда машинанинг тўрттала эшигини ланг очиб қўйиб, ичида ухлаб ётарди.

— Мухторжон!

Сергак шофер даст турди:

— Лаббай, Анвар ака?

Анвар ёнига келиб ўтирди, ҳамон хаёлчанлик билан сўради:

— Келин тўйига нима олиб борса бўлади?

Мухтор аввал ҳайрон бўлди, сўнг:

— Жовон, атлас, чок машина, кир машина, — деб чўза бошлаган эди директор тўхтатди:

— Қўйсангиз-чи, сал маданияроғини айтинг!

- Телевизор, магнитофон...
- Йўқ, булар ҳам оғир нарсалар. Кўтариб борсак, қувиб берса, кўтариб қочиш қийин бўлади...
- Анварнинг аччиқ ҳазилини шофер жиддий қабул қилди:
- Сервиз-чи, Анвар ака?
- Ҳа-а, топдингиз! Сервиз бўлади, — Анвар чўнтагига қўл солиб пул чиқарди, шоферга узатиб: — Манавини олинг-да, қаердан бўлса ҳам бир комплект сервиз топиб келинг, — деди.
- Шофер дам пулга, дам директорга қаради:
- Қаердан топаман, Анвар ака?
- Узингиз биласиз. Сизга — жавоб, сервизсиз қайта кўрманг!
- Шофер ўйга толганича машина эшигини ёпди.

## Тўй ва аза

**А**НВАР «Гулшан»га кириб келганида посёлка чироқлари ёниб, хонадонлар саҳнидаги ўчоқларда олов милтилларди. Бироқ Холбуви кампиннинг уйи қопқоронғи эди. «Тўй қаёқда бўляптикин? Тоғаникидамикин?»

- Мухторжон, қўшниларида сўранг-чи, қаёққа кетишдийкин?
- Шофер қўшниникига ўтди. Қўшнилари супада елпиниб ўтиришарди.
- Анвар чироқ ёруғида уларни кўриб турарди.
- Манави қўшниларида қаёққа кетишган?
- Тўйда, — деди уй эгаси.
- Яқинроқми? — сўради шофер, Анвар тиниб қулоқ солди.
- Хў ана, тўп чироқ ёнган уйда.
- Кимнинг тўйи?
- Озодахон уй тўйи қилляпти.

«Хайрият-е!» деб юборди Анвар бу жавобни эшитиб. Эртадан буён чеккан борлиқ изгироблари шу «хайрият-е!» деган энтиқиш билан чиқиб кетди. Уйланавериш бошига оғриқ кирган, лўқ-лўқ қилиб азоб бераётган эди. Суюнганидан қўлларини бир-бирига ишқаб ўрнида иргишлаб олди. Шофер келиб ўрнига ўтираркан:

— Уша ёққа бораверамизми? — деди.

Анвар тасдиқлади. Шофер машинани аста юргизиш, чароғон ҳовлини мўлжалга олди. Машина қоронғидан чиқиб тўхтади. Хизмат қилиб юрганлар югуриб келишди. Меҳмонларни уйга бошладилар. Тоға Анварни кўриб:

— Ие-ие, келсинлар, келсинлар, мулла! Зап кептилар-да! — деди.

Анвар бора туриб аёллар тўдасига қаради. Шошганидан Озодани кўрмади. Тоға «уйнинг режасини торттириб берган ҳамқишлоғи»ни эркаклар даврасига бошлади. Утирганлар бурилиб қарашди.

— Э, келинг, Анвар Хўжаевич! — деб Алексей Ким ўрнидан турди. Келиб кўришиб, дастурхоҳ тўрига таклиф қилди. Анвар тепароқда ўтирган Берди Умаровни кўриб:

— Салом, Берди Умарович! — деди унинг совуқ қарашини сезмагандай.

— Э сизсимиз, Хўжаев, — деганича ўрнидан аранг қўзғолди.

Анвар Алексей Кимнинг ёнига ўтирди.

Тоға югуриб-елиб ноз-неъмат келтирар, азиз меҳмон кўнглини овлаш пайдан бўларди.

— Бизнинг уйнинг режасини тортиб берган-да, бу укам, — деди Тоға директорга.

— Шунақа-а-ми?! — деди Умаров одатича энсаси қотиб.

Анвар парво қилмади, луқмани оғзига солган бўлди-да, аёллар томонга кўз қирини солди. Озода уни кўргандаёқ типирчилаб қолган,

бу ҳолатини сездирмаслик учун ўзини панага олган эди. Қизиқ, боя телефонда гаплашгандан кейинги изтироблар қаёқда қолди? Нега энди юрагигина эмас, борлиқ вужуди севинчдан титраяпти? Ажаб, бу сеvgи эмасмикин? Битмас-туғанмас шубҳалар, изтиробга тўлиқ ўйлар ёлғиз бир нигоҳ қаршисида кукундай уқаланиб кетдику! Рост гап, уни кутмаган эди! Ботиниб келолмаса керак, деб ўйлаган эди. Кептики, демак, аҳди маҳкам, кўнглида бошқа ўйи йўқ.

Анчадан кейин, хийла ўзини босиб Лобархоннинг ёнига келди.

— Вой, қаёққа йўқолдингиз, ўргилай? Келди! Боринг, кўришинг, — деди Лобархон.

Озода эркаклар ўтирган столга яқинлаб, эрталабки бежо ҳаракатини ўйлаб туриб уялди шекилли, базўр саломлашди:

— Келинг, Анваржон ака!

Анвар ҳам юраги дупурини аранг босиб ўтирарди:

— Уй қуллуғ бўлсин, землячка, — деди. Берди Умаров гижингандай терс бурилди.

— Раҳмат, — деди Озода бахтиёр жилмайиб. Бу жилмайишда, хумор кўзларнинг фусун билан боқишида Анвар бир олам мастоналик туйди.

Меҳмонларнинг гурунги давом этди.

Мухторжон картон қути кўтариб кирди. Лобархон йигитни уйга эргаштириб кириб, бир четдан жой кўрсатди. Шофер совғани қўйиб чиқар-чиқмас Лобархон қутига тирмашди, гўё Анвар билан Озоданинг сирини шу қутидаю уни очиб кўрмоққа шошиларди.

— Озодахон! — деб юборди туйкусдан, худди картон қути ичида Озоданинг ўзи кўрингандай. Озода югуриб келди. — Буни қаранг.

Қути тўла пахта гулли чинни идиш-товоқ эди. Бунақа сервис — хотинларнинг жони-дили. Икковининг уймалашганини кўриб, Ойсулув, Янғил янга яқин келишди. Ҳаммалари битадан пиёла олиб, гулини томоша қилишди.

Анвар келгунга қадар Озоданинг дилини тумандай эгаллаган губор нари сурилгандай бўлди.



Анвар ўша куни кечқурун Озоданинг меҳмони бўлиб бир қоп семирган эди, агар ўша руҳ билан келиб ётганида Алпомишдай ором олган бўларди. Афсуски, бу қувончли дақиқаларни бошқа бир мудҳиш

хабар оёқ ости қилиб ташлади: Улар меҳмондорчиликдан энди чиққан ҳам эдиларки, «Гулшан» идорасидан аллаким ҳаллослаб бориб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, «Ўртоқ Черкезов ўлибди!» деса бўлади-ми?! Ҳамма қотиб қолди. Анвар қулоқларига ишонмасди: «Нега ўлади?!».

— Ким ўлибди? — Анвар ишонмай қайта сўради.

— Черкезов, ўртоқ Черкезов!

«Наҳотки?! Йўқ, бу — янглиш хабар! Шошма! — Анвар эсини йиғмоқчи бўлди. — Кундузи бирга эдик-ку? Одамларнинг ўзи ҳақидаги фикрини сўрагани.. Машинага эҳтиёт бўлиб ўтирганди. Ҳа-ҳа!..»

Анвар «Бахт»га етгунча ҳам, ўрнига кирганда ҳам Беглар Сумбатовични ўйларди. У пича мизғиб олиб, сўнг Тошкентга, марҳумнинг таъзиясига жўнамоқчи бўлди. Бўлмади, уйқуси қочиб кетди. Ўрнидан туриб, Мухторжонни уйғотди. Шофер куни билан юриб чарчагани сабабли, рулга ўзи ўтирди.

Енгил машина тунги камқатнов йўлда елдай учеди. Аммо Анварга бу тезлик камдай, машина имиллаб бораётгандай туюлади. Шаҳарга тезроқ етса Черкезовни ўлимдан қутқариб қоладигандай ўтирган ерида олдинга интилиб-интилиб қўяди. Уйқусизликдан кўзлари ачишади, Черкезовнинг гапларини эслаганда киприклари ёшланиб, миғжалари чаплашади. «Энди бир-биримизни тушуниб, ота-бола бўлаётганимизда... Совхозингга зўр қурувчиларни бераман, бир бошлаб қуришсин, деган эди. Совхоз ундан бизга эсдалик бўлиб қоляпти. Ўртоқ Камолов билан маслаҳатлашиб, хўп деса совхозни уни номи билан атаймиз...».

Черкезов яшаб турган кўчага эрта тонгданоқ машиналар сизмай кетибди. Анвар кўча бошида машинадан тушиб пиёда кетди. Марҳумнинг дарвозаси ланг очик. Таъзияга ҳамма тўп-тўп бўлиб келяпти. Фақат Анвар ёлғиз. «Партком секретари билан лойиҳачилар отряди бошлигини бирга олиб келсам бўларкан-а?» деди афсусланиб. Ичкари кирди. Девор бўйлаб қўйилган стулларда мўътабар кишилар, Беглар, Сумбатовичнинг сафдошлари ўтирардилар. Эшикдан кириб келаётганларни кўриб, ҳаммалари ўринларидан турардилар. Анвар улар ёнидан ўтиб, марҳумнинг жасади қўйилган хонага кирди. Хонада Черкезовнинг фарзандлари, қариндошлари мотам тутиб кўз ёши тўкардилар. Тобутда ётган Беглар Сумбатовичга кўзи тушдию ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Ахир, бу одам кеча куннинг биринчи ярмида у билан юзма-юз туриб гаплашган, оғир, сержун қўлини унинг кифтига ташлаб эркалаган эди. Мана, бугун алпдай бир одам тобутда ётибди. Табиат нақадар шафқатсиз!

Уни кимдир билагидан оҳиста тутиб ташқарига бошлади. Остонага етгунча кўз ёшларини артди. Дарвозанинг икки тарафига, кўчанинг нариги юзига стул, скамейкалар қўйилган эди. Келувчилар дафн маросимини ўша ерда ўтириб кутмоқда эдилар. Анвар атрофига назар солди. Мирзачўлликлар четроқда туришган эди. Уларни қоралаб борди. Камолов уни кўриб:

— Ўзингиз келдингизми? — деб сўради хаста оҳангда.

— Шошганимдан ўзим келаверибман, — Анвар хижолат тортди.

— Гулчамбарни ким кўтаришади?

— Қанақа гулчамбар? — сўради Анвар. — Кечирасиз, ўртоқ Камолов, кеча Беглар Сумбатович билан бирга эдик, бу хабарни эшитиб ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Майли, — Камолов тушунди: «Булар ҳали ёш, ўлим-йитимни кўриб ўрганишмаган» деди ўзича. — Ҳали ҳам кеч эмас. Совхозингиз номидан гулчамбар тайёрлатсангиз яхши бўларди.

Анвар кетмоқчи бўлган Камоловнинг билагидан тутди:

— Кечирасиз, ўртоқ Камолов, совхозимизга ўртоқ Черкезов номини қўйсакмикин? «Черкезов номидаги «Бахт» совхозини...» — деб гўё қандай жаранглашини райком секретарига билдириб қўйгиси келди.

Камолов ёш директорга «эҳ, ёшлар, ёшлар!» дегандай қаради-да: — Буни кейин маслаҳатлашамиз, — деди.

Анвар мирзачўлликлар орасида Озодани ҳам кўрди. Юраги потирлади. «Берди Умаров уни ҳам бошлаб кепти-да, — деб ғашланди. — Яна ким бор экан? Ҳа, Ботирқул ака...» Салом бериб, ҳаммалари билан кўришди. Озоданинг қўлини олганида қизнинг киприклари пирпираб кетди, лабиди ниҳоятда нозик жилмайишни пайқайди. Анварга шунинг ўзи кифоя эди. Қалбини қаноат ҳисси эгаллади. Ажабо, ҳозиргина ичкаридан ғам-андуҳ билан чиқди, энди эса ғамга чулганган юраги бир туйғу таъсирида чаппор уряпти! Мотамда шодлик? Бу қандай бедодлик?! — Анварнинг виждони қийналди. Наҳотки, инсон шундай бегоҳат мавжудодки, икки қарама-қарши ҳиссиётнинг бирини вақтинча жиловлаб туролмайди? Ё Анвар Черкезов ўлимини қалбига яқин олмаяптими? Йўқ-йўқ, Беглар Сумбатович ўлими уни ларзага келтиргани чин! Аммо муҳаббат ўлимдан ҳам устун экан шекилли.

— Гулчамбар топдиларингизми? — Анвар бу ҳаёлларидан узилмоқчи бўлиб Умаровдан сўради.

— Буюриб келдик, — деди у, — тобутни театр биносига элтиб қўйишади, ўша ерга олиб борамиз.

Бу жавобдан ўзига тегишли йўл-йўриқ олди-да, гулчамбарга жўнади.

...Театр биносида мунгли куй таралмоқда. Уртадаги шоҳсупага қўйилган тобут атрофи гуллар билан ўралган. Гўё Беглар Сумбатович Мирзачўлдан ҳориб-чарчаб келгану гулзорда сўлим музика тинглаб ором олаётгандай... У билан видолашгани келганларнинг кети узилмайди. Ҳамманинг боши қуйи солинган, чехрасида ғам, кўзларида нам. Анвар бир неча мирзачўлликлар билан фахрий қоровудликда турибди. Марҳумга тикилганча унинг кечаги панд-насиҳатларини эслайди.

Унинг қоровуллик муҳлати тугаб, ўрнини бошқа бир сафдошига бўшатди. Одамлар орасидан юриб ташқарига чиқди. Таъзияга келганлар тўда-тўда бўлишиб, ўзаро суҳбатлашиб турардилар.

## Мухбирлар келишди

**А** САД кирди. Гарчи ғўзалар гуллаган бўлса ҳам, экиннинг бўйибастини Озода кутгандай бўлиб эмас эди. Ғўзаларни саратон сувига икки бор тўйдиришди. Шодмоннинг айтишича, асад ойида экинга хушёр бўлиш керак. Далани узунасига ҳам, кўндалангига ҳам оралаб, бир туп чанқаган ғўза учраса, сув етаклаб бориб, суғориш керак. Нам чуқурроққа етиши учун Шодмон тракторнинг ишчи органларини чўкариб ўрнатди, кеча-кундуз ишлашни кўзлаб, тракторнинг олди-орқасига қўшимча чироқлар қўйди.

Ҳасан уқувли чиқди, ҳадемай машқини пишитиб олди. Вақти чоғ. Бир ёқдан, энди унинг қалиғи бор, иккинчи ёқдан, ҳунар ўрганяпти, тракторда культивация қилияпти. Қишда ўқиб, хужжат олмоқчи, келаси баҳордан мустақил ишламоқчи. Кейин механик-ҳайдовчиликка ўқиб машинада пахта термоқчи.

Энди у аввалгидай ўй суриб, сукутга толмайди, шериклари билан очилиб-сочилиб гаплашади. Светлана билан қатъий қарорга келишди: олтинчи ноябрь оқшомида тўйлари бўлади. Бўш пайтларида четроққа боришиб, бир нималарни гаплашиб ўтиришади. Ҳасан қаллиғининг

лўппи юзларини эркалаб шапатилайди, Света бўлса, унинг қирра бурнини чўзмоқчи бўлади. Ҳасан қизнинг тиззасига бош қўяди. Света унинг ҳали ростмана ўсиб улгурмаган сочларини силаб тарайди. Бу бахтиёр дамлар Ҳасанга тушдагидай бўлиб туюлади. Илгари ёруғ дунёга келганига минг пушаймон еган бўлса, энди сеҳрловчи бу дамларнинг сомон йўлидай тугамай давом этишини истайди. Оҳ, ҳаёт шунчалар ширинми?! Кечагина қора ўтмишини тарк этиб келган Ҳасан учун буларнинг ҳаммаси янги бир олам бўлиб жилваланади, гоҳо бу бахтдан маҳрум бўлиб қолмасам деб ўзича хавотирланади.

Бир пайтлар Ҳасанга Зайнобиддиннинг раҳми келарди, энди бўлса Ҳасаннинг унга ҳайфи келяпти. Армияда хизмат қилиб юрганида Озодага ғойибона ошиқ бўлиб, солдатлик ғурури билан «у энди меники» деб келаверган йигит, мана, қуруқ қолиб ўтирибди. Озода унга қайрилиб қарамади ҳам. Бола бечора этини еб юрибди, ҳали ҳам ундан умидвор чамаси. Ҳасан унга неча марта айтди, ҳой, Зайнобиддин, сенга тўғри келмайди бу, деб. Қулоқ солмади. Тавба Ҳасан ҳам қизиқ-да: ошиқ одамга гап уқтиришдан кўра туяни дарахтга чиқариш осон-ку!

Ҳасан культиватор панжаларидан «қочиб қолган» ёввойи ўтларни юлиб юрардию ўзи ширин орзу-хаёллар оғушида эди.

— Ҳасан ака!

У бошини кўтариб аланглади. Нарироқда Озода шошиб келарди.

— Нима, кар қулоқ бўлиб қолганмисиз?— деди Озода койиниб.— Шунча чақирамиз, ҳеч эшитмайсиз. Юринг, бу ёққа!

Ҳасан бригадир келган тарафга қаради, шийпон олдида бир неча киши турарди. Ҳасан илгари биров сал бежо йўталса ҳам сесканиб хавотир оларди. Энди хотиржам. Уни чақиритишга, демак, у кимларгадир керак. Бировларга керак эканини ҳис этиш нақадар мароқли, гаштли!

— Мухбирлар келишди, — деди Озода. — Сиз билан гаплашишмоқчи.

Баҳордан буён Озоданинг бригадасига радио мухбири Собир Узоқовдан бошқа мухбир келмаган эди. Озода ўзича ҳайрон бўларди: нега ҳеч ким йўламай қўйди-я?! Дилининг бир четида «Берди Умаров қайтариб юбормаяптимикин?» деган гумон юрарди. Гумони ноўрин экан: мана ўзи мухбирларни бошлаб келибди. Озода уларни Камолов юборганини билмасди.

Шийпонда Берди Умаров мухбирларга совхоз ишларини гапириб ўтирарди. Ҳасан салом бериб, ҳаммалари билан бир-бир кўришди.

— Кечирасиз, ўртоқ Умаров,— деди семиз, пакана мухбир тавозе билан. — Сизлар — бу ерда, бизлар — у ерда, майлими?

Директор бош ирғаб рози бўлди. Мухбир Ҳасани шийпоннинг бўш хонасига бошлаб кирди. Ҳасан мухбирга эргашиб борар экан, ажабсинди: «Мен билан нимани гаплашаркин? Бирон иш кўрсатмаган бўлсам?» дерди. Аммо мухбир ўз ишига пишиқ экан, бирпасда Ҳасаннинг жағини очиб қўйди. У нимани билса, нимани ўйлаган бўлса ҳаммасини айтиб берди. Мухбир ундан кўзини узмасдан тинглар, аммо қўлидаги қалам дамба-дам қоғоз устида қитир-қитир юрганини Ҳасан сезиб турарди. Ўйлаб қараса, Ҳасан ўзининг турмадан чиқиб ҳалол яшашга аҳду паймон қилганию, Мирзачўлга келиб бахтини — Светланани топганини, Шодмоннинг ҳимматиню, Озоданинг фидойилигини — ҳаммасини айтиб берибди! Фақат Қосимжоннинг кетиб қолганини яширди. Агар айтса, мухбир уни ёмонлаб ёзиши мумкин, у ҳолда йигитчанинг келажагига жабр қилган бўлади. Гарчи Қосимжон ўз ихтиёри билан келса-да, у ҳали балоғатга етмаган, чиниқмаган ўсмир эди. Ахир, Мирзачўл шароити Қосимжон сингари ҳавасмандларга тўғри келмайди-да. Чўл табиати раҳм-шафқатни билмайди, ҳеч кимни

аямайди. Унинг тикандек совуқ шамоллари, темирни мумдай эритувчи жазирама иссиқлари, чаққанда одамни жондан тўйдириб юборувчи чивинлари бор. Чўлни ҳавас қилиб келган ҳар қандай кўнгилли бу оғир синовларга бардош қилибгина қолмасдан, уларни енгиб ўтиши ҳам керак. Бу эса афсоналардаги аждарҳо билан олишув, девларга қарши курашдан ҳам оғирроқ. Чунки аждарҳо ёки дев билан бир фасл курашилса, Мирзачўлда ойлаб, баъзан йил бўйи курашмоққа тўғри келади.

Шу жиҳатдан мухбир Ҳасан ва унинг дўстлари меҳнатини баҳо-дирлар ҳаётига қиёслашга ҳақли...

Мухбир Ҳасанни бошлаб чиқди:

— Мана биз бўлдик,— деди мухбир ташқарида ҳамон алланима-ни гаплашиб ўтирган директорга. Шеригидан сўради.— Алижон, сиз тугатдингизми?

— Ҳа, биз ҳам бўлдик, ҳисоб. Совхоздан бир иккита рақам олсак, бўлди-да...— Меҳмонлар Озода, Ҳасан билан хайрлашиб, машинага ўтирдилар. Улар кетгандан кейин Ҳасан ҳижолат тортди:

— Кўп нарсаларни айтвордим-да, Озодахон. Нима бўларкин? Яхши деб ёзишса-ку майли-я, бўлмаса...

Озода кулди:

— Мақташса керак, Ҳасан ака! Чўлда ўйнаб юрганимиз йўқ-ку!

— Умримда газетада мақталмаганман,— Ҳасан ўзи ҳақидаги бўл-ғуси мақтовни ақлига сиғдирилмасди...

## Секретарь ҳосил чамалайди

ТОҒА бир куни: «яхши деҳқон экинини офтоб кўрмасдан чама-лайди», деган эди. Ушандан бери Озода ғўзаларига ҳар тонг разм солади, бироқ ростмана ўзгаришни пайқамайди. Ўзгаришни сезиш учун кўзли деҳқон бўлиш керак шекилли. Озода ўқувчилик йилла-рини ҳисобга олмаганда иккинчи йил деҳқончилик қияпти, ҳолос. Тоға сингари умри пахтазорда ўтгани сайин у ҳам ғўзанинг аҳволини бир қарашда биладиган «доктор» бўлиб қолар...

У бугун ҳам кун чиқмасдан далага келди. Тун салқинини эмган ғўзалар ям-яшил тусланиб турибди. Кеча қуёш ботганида онасига эр-гашган болалардай ғарб уфқига термулганча қолган барглар тун ичи-да шарққа юз тутиб, энди йўл пойлаган оналардай офтоб чиқишини зориқиб кутишарди. Қуёш Мўғултоғ ортидан кўрингани ҳамон ғўза барглари тиланчидай «кафти»ни нурга тутиб, то уфққа бош қўйгунча «нурингдан бер» деб туради. Табиқатнинг бу ажойиб мўъжизасини ҳам даставвал Тоға айтиб берган, кейин кўп марта ўзи кузатган.

Озода назарида ғўзалари ўсишдан орқада қолаётгандай. Бу аҳвол-да берган ваъдасига яраша — йигирма центнердан ҳосилни етиштира олармикин?

Шийпон томондан шляпали киши келарди: «Қим экан? Анваржон акам шекилли? — деди Озода тикилиб қараб. — Саҳарлаб нима қила-ди бу ёқларда?.. Э ўртоқ Камолов-ку» — Озода ғўзани кечиб унга пеш-воз юрди.

— Саҳарлаб ғўза оралаб юрибсиз-а, қизим?— деди секретарь.

— Шу ерда пича чала ишимиз бор эди, кўриб қўяй дегандим.

Камолов ўтириб ғўза тушларини чамалади, шона, гул ва ҳосил шохларини санади. Брезент этиги кўнжидан қатланадиган жазвар

олиб, уч метр масофани ўлчади, кейин бу ораликдаги ғўза тупларини санаб ўзича хомчўт қилди. Ғўза қалинлиги чамасига тўғри келди шекилли, жазварни оҳиста қатлаб яна қўнжигга жойлади.

— Далангизни бирма-бир кўрмоқчиман,— Камолов қуёшга қаради. — Қун исигунча айланиб улгурамиз-а?

— Ҳа, — деди бригадир секретарнинг бунчалик эрта келиши сабабини англаб. Лекин одатда Берди Умаров билан бирга келарди. Бу сафар ёлғиз кепти.

Улар дала тепасига бордилар, йўл-йўлакай тўхтаб, ғўзаларни чамалардилар. Сўнг нов ариқдан ўтдилар. У ерда ихота учун экилган ёш ниҳолларни оралаб бораётганларида тўхтадилар.

— Анча сийрак экилган экан-а?— деб бўта ҳолида ўсаётган кўчатларга тикилди Камолов.— Урмончи «азаматлар» экдингми-экидим қилиб, планни бажараверишган-да... Орасига кўчат экса бўларкан-а?

Райком секретари ёш бригадирга маслаҳат солмоқда эди. Озоданинг эса ихота дарахтзорлари ҳақида ўз фикри бор. Ҳозир айти шу фикрини айтадиган кези келди, деб ўйлади.

— Ихотага нуқул қайрағоч, тов терак, заранг экишяпти-ю, — деди. Райком секретари хушёр тортиб «хўш-хўш» деб далда берди. — Шунинг ўрнига ёнғоқ, жийда экилганида шамол йўлини яхшироқ тўсарди, кейин...

— Меваси фойдага қоларди демоқчисиз-да! — Камолов қизнинг фикрини давом эттирди. «Яхши фикр! Қанийди, совхозлардаги ихота дарахтзорларни мевали кўчатлардан барпо қилинса! У ҳолда Мирза-чўл пахта ўлкасигина эмас мева етиштирувчи ўлкага ҳам айланарди. Бироқ бу — ҳозирча осон эмас, бунинг учун узоқ муҳлат керак. Шунча кўп кўчатни тез орада етиштириб улгуриш қийин, ҳарқалай ният, интилиш яхши!..»

— Тўғри ўйлабсизлар! — Камолов ғўзаларни оралаб бораётганда ҳам бу фикрни тарк этолмади. — Ҳеч ким бизга бунча кўчатни тайёрлаб бермайди, уни ўзимиз етиштиришимиз керак. Ҳа, буни чуқурроқ ўйлашга тўғри келади.

Озоданинг ўз орзуси бор. «Гулшан»дан ўз бригадасига бора-боргунча йўлнинг икки четига мевали дарахт кўчати экиб ўстирсам, дейди. Лекин бу гапни ҳозир айтишдан андиша қилиб турибди.

— Қизим,— Камолов тўхтаб, Озодага юзланди.— Неча ёшдасиз?

— Ун тўққизда, — деди саволдан ажабланиб.

Камолов йўлида давом этаркан, сўради:

— Партия сафига киришга хоҳишингиз қалай?

— Билмадим... Агар лозим кўрсаларингиз...

Озода ўйланиб қолди, партия аъзоси кўп нарсани билиши керак. У бўлса ҳали ҳеч нимани кўрмаган, билими ҳам етарли эмас, атиги ўн биринчи синфни тамомлади, холос. Институтга энди кирди.

— Бизнинг сиздан умидимиз катта, — деди секретарь гапининг учини чиқариб. — Партия сафига киришингиз керак. Уқшни давом эттириб, билим-тажрибани кўпайтиришингиз лозим. Келажак сизларники, ахир! Мана, Берди Умаров...

— Салом, ўртоқ Камолов!— ердан чиқдими, осмондан тушдими — ёнларида Берди Умаров турарди. Унинг супра қулоғи қизғиш тус олган, малла юзи терлаб кетган эди.

— Салом, Берди Умарович, — деб қўл узатди Камолов.

Райком секретари андак хижолатда эди. Озодага айтган сўнги гапларини директор эшитдими, йўқми? Эшитса ҳам майлику-я, унда Камолов орқаворотдан ғийбат қилиб юраркан-да, деган фикр туғилмаса бас.



— Мен иккинчи бўлимда эдим, — деб ўзини оқлай бошлади Умаров.

— Йўлда тўхтаб, суриштиргандим, далада экансиз. Мана, ўртоқ Турдибоевнинг ғўзаларини кўряпмиз. Менимча, дуруст.

— Ҳа, ғўзалари дуруст, — деди Умаров секретарга тақлид қилиб. — Лекин булар ҳали мисоли сув. Ғўзанинг кўкига қувониб юрган деҳқон панд ейди. Экин тақдирини августдаги меҳнат ҳал қилади.

Озода директорнинг совуқ гапидан жунжикиб кетди. Унинг тасавурида ғўзалари суйилиб, эгатлардан сув бўлиб оқаётгандай туюлди. Кўзлари ярқ очилди, у ён-бу ёнига қаради: ғўзалари боягидай яшнаб турарди. Берди Умаров эса:

— Мен Фарғонада ишлаганимда, — деб гапни чўзиб кетди. — Бир колхоз август ойигача ғўзани шундай мева олдирдики, мутахассислар кўришиб, раиснинг кифтига қоқишди: яшанг шоввоз, бу йил қирқдан кам бўлмайди, дейишди. Колхозчилар пайкал ораламай қўйишди. Ой охирлай деганда биттаси келди. Ҳа? Э ишлар расво! Нега? Ҳосилни кўсак қурти еб битирибди! Йўғ-е! Рост! Бориб кўрсак, иш чатоқ. Ҳосил қўлдан кетибди. Уша йили колхоз қирқ центнер қаёқда, планни аранг бажарди... Шундан бери ғўзанинг кўкига қувонмайдиган бўлиб қолганман.

— Тўғри қиласиз, — деди райком секретари бу гапнинг бир учи ўзига бориб текканини сездирмай. — Лекин ўртоқ Турдибоева сиз айтган анқов раислар тоифасидаги деҳқонлардан эмас. Булар, август ойида ҳам пахтазордан чиқмаймиз дейишяпти. Шундайми? — деб Озодага қаради. — Ҳа, айтгандай хаёлимдан кўтарилаёзибди-я! — Камолов ён дафтарчасини олди. — Область комсомол комитетидан телефон қилишган эди, Ширинбулоқ деган жойдан ўрта мактабни битирган бир синф бола Мирзачўлга бориб ишлаймиз, деб келишяпти экан...

— Менга ҳам кеча хат келган эди, — деди Озода ҳамқишлоқларининг келиш хабаридан қувониб. — Қишлоққа борганимда учрашган эдик.

— Узлари ҳам Турдибоева ишлаётган совхозга бориб ишлаймиз, дейишибди, — деди кулиб Камолов.

— Бу ёққа келишса яхши-я, — деди Озода мулоҳаза қилиб. — Лекин биздан кўра ҳозир «Бахт»га ишчи кучи кўпроқ зарур эмасмикин?

Райком секретари ялт этиб Берди Умаровга қаради. Унинг пешонаси тиришиб бормоқда эди. Камолов шу топда гўё бир қоп семиргандай бўлди. Озода Турдибоевага бўлган ишончи яна бир бор тасдиқланди. У ишга умум манфаати нуқтаи назаридан қарамоқда. Агар бошқа одам бўлганида «менинг бригадамга ҳар ишчи ҳисобига ўн беш гектардан ер тўғри келади, менга қўшимча куч керак» деб арз-ҳол қиларди.

Умаров бўлса, гарчи янги келганларни жойлаштириш ташвишлари борлигини, бу анча-мунча хархаша ишлигини билса ҳам, шу топда Озоданинг Анвар Хўжаев фойдасига оғиб кетганидан хуноби ортган эди.

— Турдибоевнинг совхозига борамиз дейишган бўлса, шу ёққа келишаверсин, — деди директор тўнғиллаб.

— Йўқ, ўртоқ Турдибоева яхши маслаҳат беряпти, — деди Камолов. — Уларни «Бахт»га юборсак тўғри бўлади. Шундай қиламиз! Раҳмат. Аммо, илтимос, улар келишганда хабар қиламан, станцияда ўзингиз кутиб оласиз, хўпми?

Озода маъқул дегандай бош ирғади. Улар дала четига етгач, Камолов нов ариқ ёнидаги сўқмоқдан орқага қайта бошлади. Озода ҳай-

рон бўлди. Келганида далангизни бирма-бир кўрамиз деган эди. Директор келгандан кейин ўзгариб қолди.

Озода кун бўйи далада. Раҳимжон эса эрталаб чиқиб кетганча директорнинг ўғиллари билан ўйнаб-ўйнаб, оч қолиб ҳолдан тойганда келади. Розиябуви уй йиғиштиради, йиртиқ-ямоқ бутлайди, охири зерикиди. Қўни-қўшнилари кўпу, бу ерда одат эмасми, бир-бириникига кириш-чиқиш қилишмас экан. Розиябуви ён-верига қўшниларини чақирди — киришмади. Холбувиники сал нарида экан. Аскарликдан ўғли келгандан бери кўрпа-тўшак қоплаб, қуроқ болиш сеплаш билан овора.

Розиябувига ҳасрат қилди: Озодани келин қилсам деб кўнгиллаган экан, ҳалиги бир гапириб ўн куладиган Лобархон айнитиб қўйган эмиш. Энди тоғдаги ота юртида Абдуллажоннинг аммасида яшигина қиз бор экан, ўшанга оғиз солсамми деяпти. Агар унаб қолса, кўр-қути борида ёлғиз ўғлининг бошини иккита қилиб қўймоқчи.

Биров тўйдан гап очса, Розиябувининг юраги эзилади. Озодани эсон-омон узатиб оламанми, дейди. Бирон тайинлироқ жойдан совчи келишини кутади. Ширинбулоқда ҳосилотнинг хотини келиб: «Озодани ўзим келин қиламан», деб оқлик ташлаб кетган эди, шу бўйи дом-дараксиз кетди. Ўғлига раиснинг қизини олиб берди. Камбағал, деб менсимади чамаси. Қўшни Обиджонга сўратувди, қизи тушмагур, кўнмади. Эскиларнинг «қиз асрагунча туз асра» деган гапи бор. Ўғил бола бўйдоқ юрса ҳам айби йўқ, қиз боланинг йўриғи бўлак экан. Бўйига етгандан кейин уйда олиб ўтириб бўлмас экан. «Тенгини топсанг — текин бер», деб қанийди, бирон лозиматлироқ жойдан одам кела қолсаю бери-и-б тинчиса...

Розиябуви орзуланиб энтикди. Хонада ёлғиз ўтиравериш малол келаркан. Уй олдида бирон туп дарахтми, сўртқоми бўлганида яхши эди мундоқ чиқиб соясида ўтирасан, нари-бери кўринади. Иссиқ кунда ўзингни ўзинг қафасга солгандай уйдан чиқолмас экансан. Озода, кетмайси, — деяпти. У ёқда рўзғори, ёмон бўлса ҳам маҳрами қолган.

Эшик олдида кимдир келди, Розиябуви сергакланди.

— Ким бор? Буви, қаердасиз? — Бу Лобархоннинг шамоли эди. — Вой, ўтирибсизми, ўзингизни ўзингиз аристон қилиб? Бундай нари-берига чиқсангиз бўлмайдами, ўргилай буви?

Розиябуви кўришар экан, ҳасрат қилди:

— Ҳеч кимни танимасам, қаерга ҳам чиқаман.

— Вой-вой, анави хотинни-я! — Лобархон ёқасини ушлади. — Бизники-чи? Холбуви холамини-чи? Бу ерда ўтиравермасдан Ойсулувларнинг чайласига боринг, Тоғаларникига ўтинг. Уйда қамалиб ўтираверсангиз сиқилиб кетасиз, ўргилай буви!

— Келинг, ўтиринг, Лобархон, — Розиябуви жой кўрсатди. — Ҳозирроқда ёдимга тушувдингиз, хизирни йўқласам бўлар экан.

Лобархон ўтирар экан, шўхлигини бошлади:

— Биз ана шунақамиз-да, ўргилай буви! — шарақлаб кулди.

Розиябуви кулимсиради: «Қандай беғам, беташвиш хотин экан-а!.. Ҳа энди, эри каттакон бўлса, олдида қўзмунчоқдек ўғиллари бўлса — бу хотин беғам бўлмай, ким бўлсин!..»

## Ота-бола баҳси

ЛОЙИҲАЧИЛАР борида Анвар тонг отиб, кун ботганини билмасди. Улар билан бирга тупроқ кечиб, чанг ютарди. Улар кетгандан бери нос хумори қилган одамдай гарангсиб юрди. Қаерга боришини, нима қилишини билмайди — хонасига киради, ташқарига чиқади. Аллақандай мажолсиз, лоҳас сезади ўзини.

Чидамасдан нов ариқ тиклаётган қурувчилар ёнига боради, ундан нари ер текислаётган мэханизаторлардан хабар олади. Текис даштда тупроқ сураётган бульдозер, грейдер, скреперларга яқинлашиб бўлмайди: тупроқ гарди тўзғиб, осмон-фалакка кўтарилади, баъзида тракторларни тўзон ичида кўриб бўлмайди. «Шуларнинг егани она сутидан ҳалол, — дейди Анвар ўзича таҳсин ўқиб. — Яхши ҳамки, сут ичиб туришсади, бўлмаса, ўпкаси бир ойда тупроққа тўлиб кетади!» Анвар беихтиёр йўталди. Кейин орқага қайтди. Идорага кириб, ишга уннади, бироқ ҳоли қуригандай бўлаверди. «Хужрага кириб, бирпас ётсаммикан» деб мулоҳаза қилди, кабинетидан ўтиладиган хужра эшигини очди. Диванга ёнбошлади. Бир оз мизғиб олгани кўзларини юмган эди, боши айланди. Ҳа, у чарчаган. Лойиҳа ишини тезлатаман деб ўзини аямади. Мана энди ишлари бир ёқли бўлганда таранглашган асаблар, пайлар, томирлар бирдан бўшашиди. Ниҳоят, ҳолдан тойгани сезилди. Ишқилиб, ётиб қолмаса бўлгани. Тошкентга бориши керак ҳали. Лойиҳачилар ўлчов ишларини тугатишди, холос. Ҳали чизиш, ҳисоблаш, аниқлаш сингари майда, сермашаққат ишлар турибди. Уларни тикилиш қилиб, қўзғатиб турилмаса бошқа бир зарурроқ ишга уннаб кетиб, совхозники орқага сурилиб қолиши мумкин.

Анвар ётган сари ўзини оғир сезарди. Йўлакка қулоқ солиб ётди, дупур-дупур оёқ шарпасини эшитиб бақирди:

— Ким бор?! Бу ёққа қаранглар!

Аллаким даҳлиз эшигини тортди, эшик қулфли эди, очилмади. Чопганича кабинетга ўтиб кетди. Ички эшик очилди. Шофер шошиб кирди:

— Нима бўлди, Анвар ака? — ҳовлиқиб сўради Мухторжон.

— Тобим қочди шекилли, — Анвар ўзини ҳушёрликка олди. — Лекин илтимос, ваҳима қилманг. Қоровулга айтинг, манави эшикни очсин. — Анвар йўлак эшигини кўрсатди. — Менга жой қилиб беринглар.

Шофер чиқиб, бир оздан кейин кўрпа-тўшақ келтирди. Анварни ётқизишди.

— Ҳеч ким безовта қилмасин, ҳалироқ кириб хабар оларсиз, — деди у... Шу ётганича ўзини билмай қолди...

Димоғига спиртнинг ҳиди урилди. Кўзларини аранг очиб, оқ халатли врачларни илғади. Оёқ томонда отаси ўтирарди. «Қаердаман?» деб хаёлини йиғмоқчи бўлди. Тагидаги диванни пайпаслаб, кабинети ёнидаги хужрада эканини пайқади. «Узоқ ётдимми? Отам қачон келди? Чақиртириб келишдимикин? Аҳволим шунчалик оғирми?» — Анвар туриб отаси билан кўришмоқчи бўлди. Ҳарчанд уринди, зил-замбил қаддини кўтаролмади.

Анвар эртадан буён кўзларини неча бор очса ҳам, одам танимаган эди. Бу гал ҳам ўғли кўзини очганда ота индамай мўлтиллаб ўтираверди. Анвар ажабсинди: нега отаси индамаяпти? Қўлини одеял остидан суғуриб, отасининг қўлларини пайпаслади. Отаси суйиниб, ўғлининг қўлини олди:

— Ҳорма, ўғлим! — деди ўғлининг қўлларини силаб. Кўзлари мўлтиллаб, томоғи қултиллади. — Нима бўлди, Анваржон? Яхшимисан?

Анвар кулимсиради, «ҳа» деб бошини қимирлатди. Анчагача отасига тикилиб ётди, бир нима дейишга шайланди:

— Қачон кел... дингиз?

— Бугун келдим, Анваржон, — деди ота яқинроқ сурилиб. — Аянг, укаларинг ҳаммалари салом айтишди. Анчадан бери ҳаракат қилдим, ана бораман, мана бораман деб. Узумларни хомтоқ қилиб бўлгунча, шунча кун ўтиб кетди.

Ота олтмиш уч ёшга кирган. Барваста қаддига, чўзинчоқ юзига соқол-мўйлов ҳўб ярашганки, кўрган одам ё тақводор, ё табиб деб ўйлайди. Соқол-мўйловини келинлар ўзларига оро бергандай силаб-тараб юради. Шу салоҳияти учун уни учтерақликлар Хўжабобо дейишади. Аслида у тақводор эмас, намозни кўнгли хушлаганда, шерик топилганда ўқийди. Табиб ҳам эмас, аммо узумнинг табиби дейиш мумкин. Учтерақда унинг узумига тараф йўқ. Дарвозадан то ҳовлигача бор бўйи сўрток. Ҳатто кўча юзида ҳам занг ўстириб, катта йўл тегасига сўри тиклаган. Ердан то учигача шиғил-шиғил мева олдиради, сўрток ҳосилни кўтаролмай майишиб туради. Бошқаларники ҳосил бермаган йили ҳам Хўжабобода узум мўл бўлади. Ҳар йили тонна-тонна ҳосил олади. Узумни қишга сақлашга ҳам уста. Наврўз байрамигача шохида тургандай асрайди...

Анварни ўзим каби боғбон қиламан, деб ўйларди, агрономликка ўқийман деб жўнаганида суянган эди. Кейин билса, қурувчиликка кирибди. Бу иш ҳам ёмон эмасу қишлоқ одамга ҳарқалай, ер илми тинчроқ-да. Ҳа энди, ўқибди, майли ишласин. Бу ҳунар ҳам ёмонмас: иморат қуради, қилган иши элда қолади. Лекин чўлда умри ўтаётгани Хўжабобого ёқмайди. Боши ёстиққа теккан эди, мана, дарров билинди: бир пиёла чой учун бировларга эланиб ётибди. Агар хотини бўлганида шу аҳволга ташлаб қўярмиди? Уйлантириб қўяй деса ана-мана деб орқага чўзаяпти: мана, сичқон йили тугаса йигирма тўртга киради.

Хонага оқ халатли ҳамшира кирди. Қўлидаги шприцни баланд кўтарганча Анварнинг ёнига келди. Беморнинг енгини қимариб, билангига укол қилди-да, индамай чиқиб кетди. Эрак врач кирди.

— Анвар Хўжаевич, дурустмисиз энди? — врач беморнинг қўлини олиб томирини ушлади. — Қаттиқ чарчабсиз, беш-ўн кун ётишга тўғри келади.

Анвар кулимсиради.

— Ишларни бир ёқли қилайлик...

— Иш бўлаверади. Иш ҳеч қачон тугамайди. Ҳозир биз сизни тез ёрдамда шаҳарга олиб кетамиз, — деди врач ўрнидан қўзғолиб.

Хўжабобо «мен-чи?» дегандай аланглади. Анвар врачга имо қилиб жой кўрсатди. Врач ҳушламайроқ ўтирди.

— Қасалимни зўриқтирадиган иш қолгани йўқ, — деди Анвар ўзини тетикликка олиб. — Энди кун ора Тошкентга бориб туришим керак. Узингиз яхши биласиз, янгиман. Агар ётиб қолганимни эшитишса: «Ул-а, аҳволинг шу экан-ку!» дейдиганлар чиқиб қолади. Шунинг учун...

— Унақа дейдиганлар билан ишингиз бўлмасин!

— Шундай дейсизу, биз ҳали қамчи емаган той раҳбарларданмиз. Бунақа гапларни эшитсак баттар касал бўлкетамиз, унда ҳозирги укол-ларингиз ҳам кор қилмай қолади... Келганларингиз учун, дори-дармонларингиз учун миннатдорман. Яхшиси, мен шу ерда бир-икки кун ётиб дам олай. Узим тетапоя раҳбар бўлган совхоз ҳавоси менга шаҳарникидан шифобахшроқ.

— Ихтиёрингиз, — деди врач бир оз ҳафа бўлгандай, — дардингиз кучайиб кетиб, бизга гап тегмаса бўлгани.

— Гап текизмаймиз, — деди Анвар чеҳраси боягидан бир оз очилиб.

Врач хайрлашиб чиқиб кетди. Хонада ота-бола қолишди.

— Бир пиёла иссиқ чой ичасанми? — ота ўғли томон эгилди.

— Муҳторжон шу ердами?

— Ҳа. Бола бечора кечадан бери бошингда ўтирибди. Келсам, мудраяпти, бирпас дам олволдинг, деб жўнатдим.

— Ундай бўлса, қўяверинг, — деди отасини ишга буюргиси келмай. Ўзича: «Кечадан бери ётган бўлсам, хийла оғир эканман-да», деди.

— Ана, мис чойнакда сув қайнаяпти, — деди ота ўғлига ва ўрнидан туриб чой дамлади. — Докторлар чарчаган деяпти. Шунчалик жонингни жабборга бериб ишладингми?

Анвар кулимсиради. Шундай қилмаганида посёлка қурилиши янаги йилга қолиб кетарди-да! Чарчоқни ёзиш мумкин. Лекин ишни орқага суриб бўлмайди!

Ота куйиб-пишарди:

— Меҳнат ҳам ҳар хил бўлади: киши ўзини азобга солмай ишласа — чарчамайди, меҳнатидан ҳузур топади. Агар манави ишимни тез битирай, деб жон олиб-жон берса тез қариб кетади, — ота пиёлага чой қўйди. Стол четига қўйиб, Анварни елкасидан кўтариб ўтказди, орқасига болиш қўйди. Пиёлани олиб узатди.

— Ишинг оғирга ўхшайди, ўғлим. Совхоз дегани катта рўзгор-да, уни саришта қилиш осонмас. Ишқилиб, ишинг ўнгидан келсин, ўғлим. Аслида-ку, Учтеракка бора қолсанг бўларди. Директор бўлмасанг, сал бундайроқ иш қиларсан. Бағримизга боргунингча сени уйласак, келин хизматимизда бўлиб турса...

Ота муддаога кўчмоқда эди. Гапи шу ерга етганда ўрнидан турди, бориб электр чойнак шнурини суғуриб келди. Анварнинг қошлари чимирилди. Чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичди-да, пиёлани отасига узатди. Болишни орқароқ суриб, чалқанча ётди. Ота эса бошини куйи солганча сукут сақлаб ўтирарди. Чамаси, ўғлидан жавоб кутарди.

— Қишлоқда, ҳў-ў Аҳмад қассобни биласан-а? — деди Хўжабобо боягидан сал юмшаб, — ўшанинг бўй етган қизи бор. Тунов кун и аянг бориб кўриб келди: эсли-хушли эмиш, бўй-баста, ҳусни-чиройи аянгга ёқибди... Хўп десанг, шу қизга оғиз очсак. Шуни маслаҳатига келгандим, ўғлим...

«Ана, Озоданинг гапи тўғри чиқди. Дадангиз тўй маслаҳатига келармиш деганди...» Анвар отасининг бу гапига дарров олов бўлиб ёнмади. Эҳтимол, соғ пайтида тутоқиб кетармиди? Ҳар на бўлса ҳам отага дағал гапириш қийин. Яхшиси, дайди гапга қулоқ йўқ деб туравергани маъқул... Анвар Аҳмад қассобни биледи, аммо унинг қизини кўрмаган эди. Қиз Анварни танимаса керак. У билан турмуш қуриб, то бир-бирини тушунадиган бўлгунча... Тушунадими-йўқми, бу ёни ҳам маълум эмас. Юрак чопмаса, кўнгил илимаса, диллар боғланмаса — бундай турмушда лаззат бўладими?... Шундан-шунга йўл босиб, «Анвар кўнади» деб келганини қаранг-а!

Анварнинг мум тишлаб қолганини кўриб Хўжабобо ўзининг охиригидовини ўртага тикди:

— Бизнинг топганимиз шу, ўғлим. Сенинг қурсагингда нима ўйинг бор, бизга қоронғи. Мана, неча йил Тошкентда ўқидинг, мана, уч-тўрт йилдан бери бу ердасан... Ўзингнинг чўтлаганинг бўлса айт, етса — молим, етмаса — жоним. Ишқилиб, муносибингни топган бўлсанг, биз аянг иккаламиз йўқ демаймиз... Лекин тўйни Учтеракда қиламиз. Келин бола бирон йил қўлимизда бўлади, кейин майли, кўчириб келаверасан.

Анвар отасининг сўзларига жавоб қилмаганидан хурсанд эди. Қадимгилар «сабрнинг тағи — олтин» деб бежиз айтмаган экан-да?

Агар отанинг бир гапини икки қилаверганида суҳбат оқими Анвар орзу қилган маромга келиб етармиди? Энди нима дейиш керак? Яна пича сабр қилиб турса-чи? Ё жиндак ниш кўрсатсинми? Энди жавоб қил-маса бўлмас?

— Бир-икки кун туриб кетасиз-а?

— Ҳа. Сен мана бундай бўлиб турибсан, қандай ташлаб кетаман?

— Ҳавотир олманг. Бугун-эрта яхши ухласам тузалиб кетаман. Кейин қўшни совхозда ширинбулоқликлар бор, сизни ўша ёққа обориб ўйнатиб келаман.

— Э шунақами?— деб суйинди Хўжабобо.— Ширинбулоқ ҳам яхши жой. Одамлари меҳнаткаш, кам бўлмағурлар.

Анвар Тоғани эслади. Шофёрни юбориб, хабар қилиш, Озодани ўша ерга чақиртиришни ўйлади. «Борармикин?» деди ўзича.

Эшик очилиб, шофер кўринди. Хўжабобо ўгирилиб, илтифот қилди.

— Келинг! Кириг, ўғлим!

— Ҳорманг, Анвар ака!— деди Мухторжон.— Жуда кўрқитвор-дингиз-ку?!

— Чарчаб қопмиз-да Мухторжон, — Анвар кулимсиради.

Мухтор ўтирмади:

— Районга бориб қассобдан гўшт олиб келдим. Хомшўрва солди-риб қўйдим. Ярим коса қуйиб келаман. Олдидан ҳалиги...— шофер тамшаниб, Хўжабобога қараб қўйди.— Врачлар спирт аралашган сассиқ дори ташлаб кетишди, ўшандан овқат олдидан ичиб турсин, қувват бўлади дейишди.

Мухтор топган баҳонасидан ўзи хурсанд бўлиб, директорга кўз қисиб қўйди.

— Об-бо сиз-ей!— деди кулиб Анвар.

Шофер кулганича эшикни ёпди.

Розиябуви келиб Озода ёлчиб қолди. Ишдан қайтишига суйган овқатини пишириб ўтиради. Холбувиникида бунақа эркалик қаёқда эди. Кампир: «Келишингизга нима қилай?» деб қийин-қистовга олса ҳам қисинганидан очиқ-ойдин жавоб бермасди, «қўйинг, эна, овора бўлманг» деб кетаверарди. Энди бўлса ишга жўнаётиб, «Ая, бугун угра ош қилиб туриг», ёки «варақи сомса ёпиб қўйинг» деб «буйруқ» бериб кетади.

Ишдан қайтаётганинда эшигинг очиқ турса, жигаргўшанг сени кутаётганини сезсанг — қанчалар нашъали бу? Озода даладан келибоқ ювинади-да, аяси ёнига ўтиради, нима ишга уннаётган бўлса у ҳам қўл солишади, азалдан одати шунақа.

Нонушта маҳалида Озода аясига разм солди. Ранги сўлғин кўринди. «Зерикапти, бечора аям» деб ачинди. Хийладан бери Абдукарим тоғаларникига борганлари йўқ.

— Ая!— деди дабдурустдан, ўйдан узилиб.— Тайёр бўптуринг, кечқурун тоғамларникига обораман.

Бу ўй Розиябувининг ҳам кўнглига тугилган эди. Лекин қизи Янғил янғасини хушламаслигини билганидан: «Нима бало, янгамни соғиндингизми?» демасин деб, ўйини ютиб юрган эди. Розиябуви қизини аяйдими, ё ундан ҳайиқадами — кўпинча Озоданинг оғзини пойлайди. Эҳтимол эри ўлгандан кейин қизига суяниб қолганидан шунга одатлангандир?

Озода кечқурун келганида Розиябуви ясениб эшик олдида йўл қараб ўтирарди. «Аям-ей, — деди Озода калака қилиб, — тоғамникига боришга ҳам ясениб олибди-я!..»

— Тайёр бўпсиз-ку, ая! Мана, мен ҳам тайёрман. Кетдик.

— Вой, қизим, дала кийиминг билан борасанми?

— Нима қипти? — Озода у ёқ-бу ёғига қаради: — Яхши-ку?

— Қўй-а, қизим!— норози бўлди Розиябуви.— Бунақа эринчак, беҳафсала бўлмагин. Кириб кийиниб ол. Уят бўлади.

— Нимаси уят?!— Озода ўжарлик қилмоқчи бўлди. У ростдан ҳам кейинги пайтларда ўзига қарамай қўйган эди.

— Қиз боласан, ўзингга қарагин. Одам дунёга бир келади. Кийиминг бўлгандан кейин, кийиб-кийиб юрмайсанми?

Озодага аясининг гаплари таъсир қилди. Кириб, атлас кўйлақларидан бирини олди, устидан яшил ҳошияли жемперини кийиб чиқди.

— Ироқи дўппингни ҳам кийиб ол,— Розиябуви қистади.

— Сочларим тўзғиб ётибди, дуррам билан танғиб ола қолай,— деди Озода. — Чўлга келганимдан бери дўппи кийганим йўқ, эсимдан чиқиб кетди.

Айтганини қилиб, сочини бошига чамбарак боғлади-да, устидан лоларанг дурра танғиди. Аяси қизининг қадди-бастига ҳавасланиб қаради-да:

— Мана энди чин Озода бўлдинг, айланиб кетай, — деди суйиб.

Озода бу гал ҳам аяси ёнида эканидан қувониб қўйди. Она-бола Раҳимжонни олдиларига солишиб, сўқмоқ билан Бозорқишлоқни кўзлаб кетишди.

Қуёш ботганига қарамай, кун бўйи қизиган тупроқдан, ғўзадан нафасни бўғадиган дам ҳид кўтариларди. Иссиққа тоб беролмай барглари шалпайиб қолган ғўзалар ўзига келолмай, гўё ҳансираб туришарди. Бир гала чумчуқ кечки насибасини қидириб, даланинг гоҳ у жой, гоҳ бу жойига гуриллаб бориб қўнишарди. Чумчуқлар пахтазор устидан беҳуда учишмайди: кўсак қурти ё ҳашарот бор жойни билиб, қўнишади. Буни у ўқувчилар бригадасига бошлиқ эканида тажрибадан ўтказган. Биология ўқитувчиси болаларга буюриб, даланинг ҳар жой, ҳар жойига қуруқ новдаларни санчтирган, чумчуқлар шу новдаларга қўнишиб, кўсак қуртларини териб ейишган. Ушандан бери Озода чумчуқларни кўрса ўзича «Меҳнаткаш дўстларим!» деб хитоб қилади.

Озода Тоғаларникига етгунча чумчуқларни ўйлаб кетди. Кўққисдан кириб бориб, айвон муюлишида тўхтаб қолишди. Ялангликдаги сўрида нотаниш меҳмонлар ўтиришарди.

— Келаверинглар, Розиябуви! Уйга киринглар, Озода — деб ўрнidan турди Абдукарим тоға. Оппоқ соқолли меҳмонга изоҳ берди:— Синглим билан жианларим...

Унгача Янғил янға даҳлиздан чиқиб қолди. Қўришиб, Розиябувининг бошидан дастурхонни олди. Озода сўрига бир ров кўз ташлаб, Анварни таниди. Йўқ-йўқ, ўхшатди холос. Анвар тўла, барваста йигит, бу одамнинг ранги сўлгин, баста ингичкароқ экан. Озода аяси кетидан ерга қараганча даҳлизга ўта бошлади.

— Меҳмонлар билан кўришмайсанми, Озода?! Ё танимадингми? — деди Тоға унинг салом бермаганидан ўсал бўлиб.

Озода яна бир ров қаради: бу сафар унга кулимсираб қараб турган Анварни таниди.

— Келинлар,— деди аранг бегона чол олдида ноқулайлик сезиб. Юраги депсинган отдай гурсиллаб урарди, ўз ҳолатини сездирмаслик учун дамба-дам кўйлагини силарди.

— Келдик, — деди Анвар хаста овозда. — Ишларингиз яхшими?

— Ҳа,— деди Озода айвонга юра туриб, лекин хаёли бўлинди: «Озиб кетибди-я? Черкезовнинг ўлиmidан қайғурдиммикин?..»

Анвар ўша ётганча тўрт кун деганда эшикка чиқди. Врачлар тайинлаган дармон дориларини ичди. Мухторжон ҳам ҳар хил пархез

овқатларни пишириб, ширин-ширин гаплар билан овутиб, «булбулнинг кўз ёшича» коньяк ичириб, дармонга киритворди. Отаси билан Абдукарим тоғаникига келгани ҳам руҳий далда эди.

Ниятнинг тўғрилигини қаранг-ки, ваъдалашгандай Озода кириб келди-я! Анвар уни кўриб бирам севиндики! Отаси қизни кўрди, уни ёқтирса керак. Лекин бу ерга нимага келганини ҳали билмайди. Хўжабобо шунчаки меҳмонга келдик, деб ўйлаяпти.

Розиябувилар даҳлизга кириб ўтирар-ўтирмас Янғил янга гап бошлади:

— Э-энди нонимни ёпиб бўлувдим, акангиз меҳмонларни бошлаб кепқолди...

— Ким экан, меҳмонлар? — Розиябуви қизиқиб сўради. Озода мийғида кулиб қўйди.

— Вой, кўздан қолганмисиз, Розиябуви! — деди Янғил янга даб-дурустан. — Анави, ёши — Анваржон деган йигит-да! Уй тўйларингизга би-и-р қути идиш олиб келди-ку?

Янғил янга Розиябуви йигитни кўрган деб ўйларди, аслида у ўша кеча ташқарига чиққани ҳам йўқ.

— Э-э, танимабман, — деб қўя қолди Розиябуви. — Бир оқсоқол ҳам ўтирибдими?

— Ҳа, йигитнинг отаси экан... Булар асли ўзимиз тарафдаги Уч-терақдан келишган.

— Э-э Учтерақданми?... У тарафларга ўтмаганману Ҳуринисо деган учтерақлик жувон билан уруш маҳалида қурултойга борганмиз. Жуда мулойим, ширинсўз аёл эди. У ҳам менга ўхшаб пахтани кўп терган экан.

Сўрида ҳам шу хил суҳбат борарди:

— Сингиллар ҳам ёнингизда экан-да? — деди Хўжабобо маъқуллагандай.

— Жиянимиз шу ерда-ю, синглимиз Ширинбулоқда туради, — деди тоға соддалик билан. — Жиянимиз бултур кепқолган, совхозда бригадирлик қилади. Синглимиз ўғилчаси, хўжайини билан ота юртда.

— Хўжайин деганингиз... — деди Хўжабобо.

— Ҳа, кўз очиб кўргани қазо қилгандан кейин маҳалла-кўй оғзида илми бор бир мусофирга муносиб кўришиб уйига киритиб қўйган. Шу одам билан истиқомат қилиб келяпти-да.

— Э-э, бундоғ денг, — Хўжабобо гапнинг мағзини чаққанидан наша қилди. — Савоб иш бўлган экан, икки бечоранинг бошини қўшиш хўб улуг иш... Сингил меҳмон бўлиб келибди-да-а? Ҳай-ҳай!

— Нима десам экан, — Тоға яна гап қатини очди. — Жиянимиз бу ердан уй олди яқинда. Ушанга ўзим ёлғиз турмайин, деб аяси билан укасини келтириб олди. Энди кетказишга раъй қилмаяпти.

— Вой бў-ў-й, бу ёғи сал чакки бўпти-да! — Хўжабобо ҳар ишни фақат ўз қаричи билан ўлчаб ўргананидан бунга норизо бўлди. — Ширинбулоқ қаёқдаю бу чўллар қаёқда!

Шу пайтгача одоб сақлаб ўтирган Анвар отасининг қалтис кетганини кўриб, орага кирди:

— «Бу чўллар қаёқда?» дейсизу, ота, одамлар ўрганиб кетишган, — деди Анвар Тоғани кўзда тутиб. — Мана, кўрмаяпсизми, ўз пулига уйлар қурапти. Эккан кўчатлари ҳадемай мева беради. «Одамнинг укуви бўлса, тош устида гул ундиради», — бу, отасининг гаплари эди.

Хўжабобо ўзининг суйган ақидаси тилга олинганидан ғайратланди:

— Анваржон тўғри айтяпти! Одамнинг мана бу ерида бўлса, — деб кафтини шапалоқ қилиб юрагини уриб кўрсатди, — унмаганни ундиради, кўнмаганни кўндиради. Ҳа-а!.. Аммо эркак кишини ёлғиз қол-



дириб келишгани яхши бўлмабди-да. А, лаббай? — Хўжабобо Тоғага савол назари билан қаради..

Сухбат шу йўсинда борарди. Янғил янга дастурхонга Розиябувининг меҳмон товоғини келтириб қўя туриб:

— Уруш маҳалида Учтерақдан Хуринисо деган теримчи чиққан экан, танисаларингиз керак? — деди атайин Анварга қараб, аммо жавобни чолдан кутарди.

Анвар билан Хўжабобо бир-бирларига қараб олишди. Ота кулимсираб, бир тебраниб олди-да:

— У киши Анваржоннинг онаси бўлади,— деди.

— Вой, ўзингизнинг онангиз-а?! — деб яна Анварга юзланди. — Розиябуви билан қурултойга боришган экан.

Бу янгилик ҳаммадан кўра кўпроқ Анварга хуш келди. «Энди бу ишни аям охирига етказди!» деб суйинди.

Меҳмонлар Розиябувининг ошини хушлаб ейишди. Капкатта раҳбар йигит ёш боладай талтайиб, оғзининг таноби қочиб ўтирарди. Ажаб, ошиқликнинг шунақа жунунлари ҳам бўлар экан-да?!

Меҳмон товоғи йиғиштирилгач, ичкаридан Розиябуви рўмолини қия тўсиб чиқиб келди. Сўрига яқинлаб:

— Хуш келибсизлар, меҳмонлар, — деб мулозамат қилди. Сўнг:— Хуринисо ўртоғим юрибдими? Бориш-келиш қиламиз дегандик, бўлмади, — деб афсусланган бўлди Розиябуви.

— Ўртоғингиз ҳам Ширинбулоқда тутинганим бор деб юрарди, сиз экансиз-да, сингил? — деди Хўжабобо мулозаматга яраша жавоб қилиб. — Ўзларингиз ҳам тинчмисизлар?.. Хайрият. Ҳа, энди Мулла акани ҳам келтириб ола қолинглар, ҳаммаларингиз бир ерда бўлқоласизлар.

— Қани-чи,— деди Розиябуви даҳлиз томон қайтар экан.

Сўрида гурунг давом этди.

Тоғаникидан жўнаб катта йўлга чиққанларида Хўжабобо мезбонни мақтади:

— Яхши одамлар экан...

Мухторжон шошқолоқлик қилди:

— Бояги қиз ҳў-ў уй тўйига борганимизми, Анвар ака?

Анварнинг юраги шув этди: у-ку Тоғаникига келганларидан бери отасига сир бой бермай ўтирувди-я! Бу ёғини расво қилди-ку!

— Ҳа, — деди Анвар «саволинг қурсин» дегандай бўшашиб.

— Жа-а яхши қиз-да! — деди шофер Анварнинг гашини келтириб. Анвар отаси олдида шоферни жеркишга ҳад қилолмасди. Аммо аччиғи келганини бирон йўл билан сездириши керак эди.

— Кўзингизга қаранг, — деди Анвар шоферни туртиб. Мухторжон шамани фаҳмлади-да бора-боргунча лом-мим демади.

Хўжабобо эса шофер йигит даставвал оғзидан гуллагандаёқ мақсадга тушунган эди. Демак, иш пишган. Уни бекорга бошлаб келмаган. Ҳатто қиз билан онасини олдиндан тайинлаб бу ерга келтирган. Ҳа-а, Аҳмад қассобнинг қизига овора бўлмаса ҳам бўларкан... Ёмон қизга ўхшамайди. Онаси қурултойга борган бўлса меҳнаткаш экан-да. Қиз бола онасига тартади: «Ўришини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол», деган нақл шундан чиққан-да! Буёғи-ку, майли-я, тўй нима бўлади? Ахир, кимсан — Хўжабобо деган номи бор. Учтерақда кўп тўйларга борган. Урушдан қайтиб топган тўнғич фарзандини уйлантиради. Агар насиба қўшилиб, бу қизни келин қиладиган бўлса, тўй қаерда бўлади? Учтерақда тўй қилишга унармикин? Анварнинг аяси: «Келинимни ҳеч бўлмаса бир йил қўлимда сақлайман», деб юрарди. Буёғи нима бўлади? Ё иккови зўр келиб, қариганда чол-кампири ҳам Мирзачўлга судраб, сарсон-саргардон қиладими? Йўқ, Йўқ, Учтерақ-

ни худонинг жаннатига ҳам алишмайди. Майли, ўзлари хоҳлаган жойда яшайверишсин. Тавба, буниси — директор, униси — бригадир: қозон-товоққа ким қарайди? Бири бир ёқдан белини ушлаб, бири даладан оёғини зўрга судраб келса... Ҳали ўртада бола бўлади...— Хўжабобо бу ёғига ақли етмай кўкрагини тўлдириб энтикди.

Хўжабобо «Бахт»га етиб, машинадан тушаётгандагина хаёлидан узилди. Анварнинг ҳужрасига киришди.

— Чой ичамизми?— деди Анвар «отам йўқ деса керак» деб ўйлаб.

— Майли, — деди Хўжабобо, дилидагини айтиб олишни мақсад қилиб.

Анвар электр чойнакка сув тўлдириб қўйди.

— Бизнинг топганимиз ёқмайдими? — деди ота дабдурустан, ўғлига қарамай. Анвар индамади. Ота боягидай чўзиб уҳ тортди. Аввалги илинжидан умидини узиб, бошқа муддаога ўтди.— Тўй қаерда бўлади?

— Билмадим,— базўр жавоб берди Анвар.

— Нега билмайсан? — ажабсиниб, жиндек ғашланиб сўради ота.

— Ҳали розилигини ололганим йўқ.

Ота иккала кафтини гиззасига урди:

— Вой бў-ў-й, юрибсанми оғзингга талқон солиб?

— Сизлардан ижозат бўлмай туриб, нима деб сўрайман? — Анвар ҳам бир оз кўрсланди. Кейин уялганидан ўрнидан турди-да электр чойнак қопқоғини кўтариб кўрди.

Ота бирдан яйраб кетди, ўғлидан нолиган ўйлари учун хижолат тортди. «Ҳар ёқларни ўйлаган-да,— деб ўғлини ёқлади.— Агар қиз хўп деса-ю, биз оёқ тираб олсак, номусга қоламан деган-да! Мен хўп деса-у, қиз томон кўнмаса-чи? Бу ёғи ҳам бор ҳали... Ушанинг учун мени бошлаб борган-да. Меҳр кўзда бўлади, кўришиб юрганда меҳр тушади...»

— Агар насиба қўшилиб, қуда-анда бўлсак, тўй қаерда ўтади?— аввалги саволини такрорлади ота.

— Ўзларингиз биласизлар-да, — деди Анвар.

Бу жавоб ҳам отага маъқул тушди: тўй ўтказиш қудалар ихтиёрида-да!

— Бўпти, — деди Хўжабобо анчадан кейин. — Сен аввал қизнинг раъйини бил. Кейин аянг билан ўзимиз бафуржа келиб, битказиб кетамиз.

Анварнинг қон томирлари кўпиргандай бўлди, отасига қараса сездириб қўйишини ўйлаб, чойнакдаги шамани тўкиш баҳонасида хонадан чиқди. Ташқарида ўзи билан ўзи кенгашди: «Ҳозироқ Озодага хат ёзаман!» Қайтиб кириб чой дамлади. Чойнак билан пиёлани отаси олдига қўйиб узрини айтди:

— Эрталаб Тошкентга бормоқчи эдим, тайёрлаб оладиган озгина ишларим бор. Сиз чой ичиб ётарсиз, мен кабинетда бўламан.

— Тошкентга борсанг, мен ҳам бирга кетиб олай, — деди ота сифари қариганини ўйлаб. — Самолётга чиқариб қўярсан.

— Яна уч-тўрт кун турмайсизми?

— Борай. Ҳали ҳам анча юриб қолдим, аянг хавотир олади.

...Анвар иш столига кўкрагини берганича ручка ушлаб узоқ ўтирди. Анчадан кейин хат ёза бошлади:

«Қимматли Озодахон! Яширмайман, бир сафар сизни сўраб борганимда кампир энангиз «сизни йиғлатадиган қора китоб»ни келтириб: «Ма, болам, зерикиб қолма, ўқиб ўтир», деб қўлимга берган эди. Бу китоб — кундалик ёзувларингиз экан. Беихтиёр ўқий бошладим. Тўғри, бундай қилмаслигим керак эди. Сизнинг розилигингизни сўрамай туриб, сирингиз гулшанига киришга ҳаққим йўқ эди. Бироқ на

қилайки, кириб қолдим. Чунки мен сизни севар, эдим. Мен ўша қора дафтар қатидаги сатрлардан умид нишоналарини ахтармоқчи бўлдим. Мен ҳасрат алангасига дуч келдим. Бу аланга эгасининг «ўзимни ўтга соламан» деган ҳайқириғи ҳамон қулоқларим остида жаранглаб тургандай.

Ҳа, мен Дилмурод эмасман, Дилмурод бўлолмасам ҳам керак. Дилмуродга, унинг бахтига ҳавасим келади. Ахир, тенгсиз бир гўзалнинг қалбида ўчмас чақин бўлиб турибди! Дилмурод! Ошиқ учун бундан буюк бахт борми дунёда?! Сен бахтиёрсан, сенинг муҳаббатинг пойини тавоф қиламан!

Аммо тирик жонман: мен ҳам бахтини излаганларданман. Назаримда, бахтим эшигимни қоқиб тургандай, «Оч, мен келдим!» деяётгандай. Бироқ бу — менинг хаёлларим холос! Аслида, бахтим мендан ўзини олиб қочяпти. Мен унинг изидан қолмаяман, у эса қўғирчоққа айланган Дилмурод ёди билан овунмоқда. Мен уни бу самарасиз ўйлар гирдобидан қутқариш чорасини тополмаяпман...»

Анвар ўйлашиб қолди. Назарида хат бацкана, сохта чиқмоқда эди. Бунчалик баландпарвоз гапларнинг нима кераги бор?! Тўғрима-тўғри ёзаверса бўлмайдами? Озода унинг, «дийдиёси»ни ўқиб, энсаси қотади-ку!

Анвар ёзган варағини гижимлаб улоқтирди. Бошқатдан ёза бошлади:

«Озодахон! Салом! Чарчамай ишляяпсизми? Анчадан бери кўришмадик. Тошкентда сизни холи тополмадим, гапларим бор эди. Ҳа, айтгандай, совхознинг лойиҳаларини тугатдик, энди ҳужжатлаштириш ишлари қолди. Шаҳарчамиз тамомила янгича бўлади. Уйларда ўзбек хонадони учун зарур бўладиган барча шароитларни эътиборга олдик. Ҳарқалай, «Гулшан» посёлкасига қараганда бирмунча шинам бўлиши керак. Совхозимизга Черкезов номини беришни сўраб, талабнома ёздик».

Анвар ёзишдан тўхтади. «Тавба, нималарни алаҳсираяпман? Бу гапларнинг Озодага, муҳаббатга нима дахли бор!?» деди ўзини койиб.

«... Отам билан тоғангизникига борганимга ҳайрон бўлгандирсиз? Телефонда: «Дадангиз келади, келинни бошлаб келаркан», дегандингиз. Отам келди, аммо келинни шу ерда топдик. Тоғангизникига келин қидириб борувдик, ўша ерга ўзи кириб келди. Бу — менинг оҳим ижобат қилингани эмасми? Буни қарангки, аянгиз билан аям таниш чиқиб қолсалар-а! Ур-ра! Сиз мендан ўзингизни олиб қочганингиз билан биз сизни кўплашиб қувиб боряпмиз. Ҳа, ҳушёр бўлинг, яқиндаёқ тутиб олишимиз керак...»

Анварга бу мактуб ҳам маъқул бўлмади. Гаплари ҳечам қовушмапти. Фикрлар бири — тоғдан, бири — боғдан келяпти. Йўқ, қалбидаги туйғуни қоғозда баён этиб беролмайдиганга ўхшайди. Воситачи керакмас. Ўзи билан юзма-юз гаплашади!

Ҳозиргача ёзганларини нари суриб қўйди. Оқ қоғоз олиб, унга катта-катта ҳарфлар билан шоша-пиша ёзди:

«Озодахон. Сизни шанба куни кеч соат тўққизда бригадангизга борадиган йўл бошида кутаман. Анвар».

Қайта ўқиди. Яхши! Бунда кўз ёши ҳам йўқ, ялиниб-ёлвориш ҳам. Қатъият ва ишонч бор. Анвар Озоданинг майли борлигини сезади, энди ўша майлни севгига ва эътиқодга айлантириши керак. Бу Анварга боғлиқ.

Хатни буклаб, конвертга солди-да, эрталаб «Гулшан»га ташлаб ўтишни дилига тугиб ўрнидан турди.

## Тўй қачон?

ОЗОДА почтахонадан Анварнинг хатини олганида юзлари тобланиб юраги така-пука бўлди. «Нималарни ёздийкин?»— деб, очилмаган хатни ўзича чамалади. Хатни тезроқ очиб ўқигиси келди. Шошиб гулзор томон кетаётган эди, олдидан Алексей Ким чиқиб қолди.

— Учратганим яхши бўлди, — деди партком секретари, — идорага кирайлик, Устав бераман, танишиб чиқасиз,— деди.

Озода ноилож партком секретарига эргашди. Ундан КПСС устави китобчасини олиб, тўғри уйига жўнади. Бораётибдию, ўй-фикри хатда «Нима деб ёздийкин?» дейди.

Уйга кириб апил-тапил иш кийимини ечди-да тик зиналарни бо-сиб ётоқхонага чиқди. Чироқни ёқиб, бетоқатлик билан конвертни очди. Ичидан бир парчагина қороз чиқди. Унда учрашув куни белгиланган эди. Озода бўшашди: йўл-йўлакай ўйлаган бир талай умидлари пу-факдек ёрилди-кетди. «Кутаман». Тавба, бундан бошқа гап қуриб кетган экан-а! Қиз Анвардан дилни элитувчи нома кутган эди. Озода, кунларни санаб яша, шанбани кут энди. Зора қалбинг тилаган ҳаро-ратли дил изҳорини ўша куни эшитсанг!..

Пастда уни чақириб қолишди. Овқат тайёр бўлган эди. Озоданинг томоғидан ҳеч нима ўтмади, Анвардан хафа эди. Икки оғиз ширин сўз айтолмаган йигитни нима дейиш керак?! Озода дастурхондан туриб, зиналарни алам билан депсаб яна тепага чиқди. Хатни бошқатдан ўқиди. Бу гал хат унга бошқачароқ — илтижо қилгандай туюлди. «Ҳа унга қийин,— Озоданинг раҳми келди.— Битта бригадани зўрга эплайману, у бўлса директор... Совхозда иш кўп. Ёлғиз. Вақтида ов-қатини ҳам еёлмаса керак? Дадаси келди, дурустроқ меҳмон қилолма-ган, хойнаҳой».

«...Аям-ей, — деди Озода хаёлини чувалтириб, — ўша куни қис-таб юриб кийинтирган эди. Дала кийимимда бораверганимда уят бў-ларкан-да: оёғимда этик, устимда пиджак. Аямнинг юраги сезган экан, шекилли?... Дадаси фариштали киши экан...»

Анвар машинада бир ўзи келган эди. Кабина чироғини ёқиб, га-зета ўқиб ўтирарди. Шағал йўлда майда тошларнинг шақирлаганини эшитиб, ҳушёр тортди, газетани йиғиштириб қўйиб, машина эшигини очди.

— Ҳорманг, Озодахон!— деди қувониб.

— Яхшимисиз?— Озода қоронғида Анварнинг юзларини кўрмоқ-чидай тикилди. Йигит қўл узатиб, уни оҳиста ичкарига тортди. Хира чироқ ёруғида Анварнинг синиққан чеҳраси аниқрақ кўринди.— Қа-сал бўлдингизми? — Озоданинг ғамхўрона саволи йигитни бесаранжом қилди.

Ҳар гал шунақа бўлади: энди мақсадини айтмоқчи бўлиб шайлан-ганида қиз бир ширин гап айтади-да, йигит тузоққа илинган бедана-дай патирлаб қолади. Мана, Анвар гап бошламасидан қиз уни сеҳрлаб қўйди.

— Ҳа, уч-тўрт кун ётиб қолгандим,— деди Анвар.

— Ўша куни ҳам беҳол ўтирдиз,— деди Озода, уни зимдан кузатганини сездириб.

Анварнинг дами кесилди. Бу гаплардан кейин: «Менга кўнглин-гиз борми?» деб сўраб бўладими? Бу, ахир, фаросатсизлик бўладику?! Кўнгли борлигини ўзи айтиб турибди. Нима десин? Ё шу билан ин-дамай кетаверсинми яна? Муддао айтилмай қолаверадими? Ҳол сў-рагани, ҳали рози бўлгани эмас-ку? Анвар бардам туриши керак, бугун

ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам дилидагини айтиши, қизнинг розилигини олиши шарт!

— Ҳали ҳам мазам йўқроқ.

— Ўзингизни сақланг-да, Анваржон ака!

Анвар Тошкентга бориб лойиҳа ишларидан хабар олиб келганини, август охирларида совхоз шаҳарчасига пойдевор қўйилишини мароқ билан ҳикоя қила кетди.

— Чорва фермаси ташкил қилмоқчи эдингиз, нима бўлди?

— Раҳбарлар кўнишмади, — деди у ўқсиниб. — Чўлдан пичан ўриб ферма ташкил қилишимизга ишонишмаяпти. Аввал қонуний ишларни бажариб олинг, кейин кўрамиз дейишяпти.

— Шунақа-да, — Озода ачинди, — яхши фикрни қўллаш ўрнига қанотингни қайришади...

— Ундай деманг! — қизнинг руҳсизланишини истамаганиданми Анвар қарши турди. — Орзуларимиз ушалапти-ку! Мана, «Бахт» — чинакам келажак шаҳри бўлади! Кўрасиз, Озодахон! Унинг биринчи қурувчилари ва ташкилотчилари сизнинг ҳамқишлоқларингиз бўлишини эшитиб, бирам севиндимки! Раҳмат! Уртоқ Камоловга айтган экансиз, у киши «жой тайёрлаб туринг, бугун-эрта келиб қолишади», деди. Жойларни тахт қилиб қўйдик.

— Ширинбулоққа борганимда улар билан кўришдим, ҳаммаси азамат йигитлар!

— Ташаббускори ҳам чакки эмас-да! — деб Озоданинг билагини ушлаб қўйди Анвар. Озода уялиб, андак нари сурилди. — Бугунги газетада бизнинг лойиҳамизни мақтаб ёзишибди, шаҳарча планини ҳам чиқаришибди. — Анвар гапни атайин лойиҳага бурди. У бир ўрам газета орасидан кераклисини ажратиб олди. — Манг, уйда ўқийсиз.

Озода газетани олиб, машина эшигини очди. Анвар ҳайрон бўлди:

— Ҳа, қаёққа?

— Анваржон ака, кетайлик энди. Уйга юринг, деганим билан ба-ри-бир кирмайсиз.

— Бошқа гаплар бор эди, — Анвар ўнғайсизланди.

— Қанақа гап? — Озода ўзини гўлликка солди.

— Тўй масаласи...

— Қанақа тўй?

— Билиб туриб, мени атайин қийнайсиз-а, Озодахон?!

— Нима қилдим, Анваржон ака?!

— Тўйни қачон қиламиз?

— Қимнинг тўйини?

— Сиз билан менинг тўйимни.

— Нега икковимизнинг тўйимиз бўлар экан?

— Негаки Анвар деган ношуд йигит Озодахон деган пари қизни улғудай севади, биласизми?

— Қўйинг, ўлмасин, бечора! Уша қизнинг иқболига омон юрсин.

Анварнинг кўзларида ўт чақнади. Ўзини ортиқ идора қилолмади: рўпарасидаги дилбарни қучиб бағрига олди, кўзларини чирт юмиб, қизнинг юз-кўзларини телбаларча ўпди. Озода нима бўлаётганини ид-рок этолмасди. Лекин йигитнинг кенг кўкраги хуш келиб, унга яна ҳам қисиниб кириб боргиси бор эди. Бироқ бу хоин ҳисни енгилга ўзида куч қидирарди. У:

— Вой, нима қияпсиз, Анваржон ака! Вой, уят! Қанақа киши-сиз?! Бўлди, қўйворинг! — дер эди.

Йигитнинг қўлидан бўшаб чиққан қиз иқкала кафтини икки юзига босганча уятдан лов-лов ёниб, машина эшигига бошини қўйганча ту-рарди.

— Кузатиб қўяйми? — Анварнинг севинч титроғи босилмаган эди. Унинг овози дўриллаб чиқарди.

Озода индамай, энгашиб ердан газетани олди-да, оҳиста кета бошлади. Анвар унга эргашди. Озода посёлка чироқларининг шуъласи тушган жойда тўхтади:

— Узим кетавераман...

Анвар қизнинг қўлларини меҳр билан қисди. Озода уйлар ёнидан бориб панага ўтганда Анвар ҳушига келди:

— Эҳ!..

Тўй куни яна белгиланмай қолган эди.

## Ширинбулоқликлар

**Б** У ГАЛ Анвар Хўжаев «Гулшан»га ишонч билан келди. Кеча Камолов Берди Умаровга телефон қилиб, Озоданинг Анвар Хўжаев билан бирга станцияга бориб, ҳамқишлоқларини бирга кутиб олишини тайинлаган эди. Поезд тонготар маҳалида келади, шунинг учун Анвар барвақт жўнаб, тўри Озодаларни келди. Озода тайёр бўлиб турган эди, дарҳол чиқди.

Анвар, йўл-йўлакай гаплашиб кетаман, деб ўйлаб, Озода билан ёнма-ён ўтирмақчи бўлди, қиз кўнмади. Анвар ноилож олдинги ўринга ўтирди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлди, онасини, укасининг соғлиғини суриштирди. Аммо шофер ҳузурда бошқа гапга ўтолмади. Мухторжон бўлса, ўтган сафар Тоғаникидан қайтаётганда дакки эшитгандан бери анча тийилиб қолганидан уларнинг муносабатига аралашмади.

Улар станцияга кириб бордилар. Поезд ҳали келмаган, аммо вокзал гавжум эди. Бир четда ҳунар билим юрти формасини кийган оркестрчилар мис карнайларни елкаларига илиб шай турардилар. Оқ кўйлак кийиб, галстук таққан йигирма чоғли пионерлар қўлларида гул тутиб вокзал эшиги ёнида кутишарди. Область комсомол комитетининг вакиллари перронда ўзаро суҳбатлашиб турардилар. Анвар Хўжаев Озодани бошлаб улар ёнига борди. Ҳаммалари билан сўрашиб, поездни кута бошлади.

Поезд кўринди. Бирдан духовой оркестрнинг гумбури атрофни тутди. Эрталабки салқин ҳавода жунжикиб турган пионерлар жонланаиб сафга тизилдилар. Унгача поезд секинлаб тўхтади. Бир неча киши состав бўйлаб у ёқдан-бу ёққа чопа кетдилар. Нарироқдан аллаким қичқирди:

— Бу ёққа! Бу ёққа!

Ҳамма ўша томон сурилди. Вагон эшигидан бир тўда ёшлар жилмайиб тушиб келишарди. Уларнинг қўлларида чамадон, тўр халта бор эди, холос. Озода ҳаммасини таниб турарди, лекин исмларини унутган эди. Кимдир вагон зинасидан қичқирди:

— Озода опа!

Озода ялт этиб қараб, икки ҳовли наридаги қўшнисини таниб қўл силтади.

— Шокиржон, яхши етиб келдиларингизми? Неча кишисизлар?

— Ун олтига.

— Қизлар келишмабди, шекилли.

— Йўқ. Уларни қўшмадик.

Бу орада ҳамма вагондан тушиб улгурди. Пионерлар меҳмонларга гулдасталар беришди. Духовой оркестр ҳамон янграб, гапни гапга қўшмас эди. Область комсомол комитетининг вакили ёш чўлқуварларни вокзал майдонига таклиф қилди. У ерда митинг бошланди. Обком секретари меҳмонларни хайрли ишга бел боғлаганлари билан табриклади.

Сўнг Анвар Хўжаевга сўз берди. Ширинбулоқликлар етакчиси Шокир-жон олдиндан тайёрлаб келган ёзувни нафас қайтармай ўқиб ташлади. Қарсақлар, олқишлар бўлди.

Митинг тугаб, меҳмонлар автобусга ўтиришди. Анвар келиб, Озодани бирга кетишга қистади, у кўнмай, ҳамқишлоқлари билан кетишини айтди.

Автобус шаҳардан чиққанида йигитларнинг бири рубоб, бири чирманда олиб, шўх куйни чала кетдилар. Иккитаси автобус йўлагидан ўйин бошлади. Қолганлари чапак чалиб, ўйинга файз киритишди. Озоданинг ҳаваси келди. Негадир ўғай дадасининг кўп такрорлайдиган «йилдан-йилга, йил — баттар» деган сўзлари ёдига тушди. «Йўқ, бекор гап бу! — деди Озода хаёлан. — Мен Мирзачўлга бир ўзим келдим, ордан икки йил ўтиб, мана булар бир синф бўлиб келишди. Эҳтимол, яна беш-ўн йилдан кейин бутун қишлоқ бир бўлиб янги ерларга отланишар? Бориб, чўлларни обод этишар? Бу нимадан? Ҳаётнинг тобора яхшиланиб бораётганидан. Демак, йилдан-йилга, йил гўзал!»

Автобус ҳамон шўх куйга монанд тезликда «Бахт» томон елиб борарди.

Озода ҳамқишлоқ кўнгиллиларни «Бахт» совхозидан вагон уйларга жойлаб қайтаётганида: «Сизларни меҳмонга чақираман, бора-сизлар», деб келган эди. Кеча бориб тайинлаб келди, бугун ҳаммалари келишадиган бўлишди.

Розиябуви кечадан бери тараддуд кўряпти. Хамир қорди. Эртароқ нон ёпиб, кейин варақи сомсага уннамоқчи. У чўлга келганидан бери уй юмушларидан бўшамайди. Юзаки қараганда, зарур ишлари йўқдай: рўзғор кичкина, бор-йўғи уч жон. Хоналар ҳам чоққина. Лекин бирпас тиниб ўтиролмайди. Ҳали кир ювган, ҳали уй супурган, ҳали йиртиқ-ямоқ, ҳали овқатга уннаган... Ишқилиб, уйдан ортмайди. Келган кунлари унча-мунча қўшниникига чиқиб, бирпасгина ўтириб келарди, энди бўлса уйига ўрганиб қолдими, қўшнилари билан ҳам иши йўқ. Рост гап, вақти ортиб қолса пича мизғиб олади. Умринг узоқ бўлгур Раҳим-жон кўчадан бери келмайди, бу ернинг болалари билан иноқлашиб олиб, пахта пунктининг ҳовузига боришиб чўмилишгани-чўмилишган... Розиябуви гоҳо Ширинбулоқда қолган рўзғорини эслади. Чоли нима қилияптикин? Қирларини кимга ювдирияттикин? Бечорага жабр бўлди-да. Тахмондаги кўрпа-гиламли ражаб ўлгандир? Озоданинг тўйига аталган хол гиламга куя тушиб қолмасайди!..

Бир маҳал уйга Тоға кириб келди. Қора чопони ўнгирини қайириб, қовун кўтариб келибди. Юзидан чакиллаб тер томарди. Қовунни авайлаб, оҳиста чўккалади, Розиябуви шошиб туриб келиб, қовунни битта-лаб олди.

— Утирибсанми, синглим? — ҳол сўради Тоға. Сўрашгач зорланди. — Қовун тошдек оғир бўлади, озгина кўринадию елкангни узвора дейди.

— Биронта арава-марава йўқмиди, ака? — Розиябуви ачинди. Илгакдан сочиқ олиб, узатди. Тоға артинар экан, синглисининг чойга уннаганини кўриб, райини қайтарди:

— Овора бўлма, синглим, чой ичмайман. Тарвуз ҳам олиб келаман.

— Вой, кун исиб кетди-ку, ака?! — деди Розиябуви акасини аяб. Тоға парво қилмай ўрнидан турди, чопони ўнгирини силкиб ташқарига чиқди.

— Янғилхон ҳам келсин кечқурун, — деб тайинлади Розиябуви. Тоға орқага қарамай «хўп» дегандай бош ирғади.

...Кечқурун Озода бўй-басти бир хил йигитчаларни бошлаб келди.

Розиябуви ҳаммалари билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраркан, худди Ширинбулоққа бориб қолгандай сезди ўзини. Шокиржон бидирлади:

— Уйингиз тинч, мулла тоғам юрибди, кайфлари чоғ. Келаётганимизда ҳаммаларингизга салом айтди.

— Саломат бўлсин, — деди Розиябуви.

Йигитларга яланга жой қилишди. Улар шўхликларини қўймай бир-бирини туртиб ўрин талашдилар. Розиябуви уларга қараб туриб «сенларнинг ҳеч нарсадан ташвишинг йўқ, қий-чув, тўполон қилиб юрибсан бу ерларда, у ёқда оналарингнинг егани татимай ўтирганидан хабаринг йўқ сенларни», деб кўнглидан кечирди.

Шокир юмалоқлаб олган газеталардан бирини ажратиб, варагини ёйди-да:

— «Мирзачўл чинорлари». Очерк... — деб ўқий бошлади.

Ҳамма жим бўлди. Очеркда Озода шериклари билан шийпон ёнига экилган чинорларга қиёсланган эди. Мирзачўл бағрига томир отиб, ундан қувват олиб, кўкка бўй чўзаётган ниҳоллар ҳадемай бепоён чўл кўркига айланиши муқаррар бўлгани каби Озодалар ҳам чўлнинг шафқатсиз қийинчиликларини бошдан кечира-кечира чиниқиб, тобланиб Мирзачўлнинг номдор баҳодирлари қаторидан ўрин оладилар, деган ишонч билдирилган эди.

Ширинбулоқлик ёшлар очеркдан бениҳоя таъсирландилар, ҳамқишлоқлари бўлган Озоданинг меҳнат жасоратидан фахрландилар. Демак улар Озодага издош бўлиб янглишмабдилар!

Улар Озодани болаларча самимият билан қутладилар. Бу қутловдан Розиябуви ҳам бебаҳра қолмади.

— Хола, табриклаймиз! Озодахон опамни газетада мақтаб ёзишибди!

Розиябуви бу сингари қутловни Ширинбулоқда ҳам эшитган. Одамларга тилида «раҳмат» айтса ҳам, дилида «Ёлғизгинамнинг боши тошдан бўлсин, ёмон кўздан асрасин», деб илтижо қиларди. Унинг назарида бу мақтовлар Озодага ҳасад тикани бўлиб қадаладигандай туюларди. Қанийди, иложи бўлсаю қизини ёнидан бир қадам ҳам жилдирмаса, бошқа ота-оналарга ўхшаб, бирон «кал-кўр»га узатиб, орзу-ҳавас кўрса! Розиябуви Ширинбулоқда бу тилагига етолмади. Эндиги бирдан-бир орзуси шуки, қизи Мирзачўлда бахтини топса, баъзи-баъзида юрагини тилкалаб ўтадиган ваҳималардан фориг бўлиб яшаса!

Розиябуви радиодан Турсуной Охунова мақтаб гапирилган кезларда ўзича: «Во-ей, қандай бахтли онанинг қизи экан-а? Уни йўрғаклаб катта қилган онанинг армони бормикан?!» деб ҳавас қиларди. Мана энди ўзининг Озодасини ҳам газетага мақтаб ёзишибди. Қандай яхши! Мирзачўлга келган ҳар қанақа одамни ҳам мақташмаса керак? Хизматини манзур қила олгандирки, ёзишган! Энди уни ҳам бировлар: «Во-ей, қандай бахтли онанинг фарзанди экан-а?»— дейишаётгандир? Ширинбулоқда дадаси ҳам эшитар? Тавба, ёлғизликдан қийналиб ўтиргандан кўра поездга чиқиб келаверса-ку!.. Эркак кишига қийинмас-ку?

Розиябуви болалар олдига дастурхон ёзди, ноз-неъмат қўйди, овқат пиширди ҳамки, бу ўйларидан узилолмади. Бу хил ширин ўйлар малол келмас, кишини ҳоритмас эди. Ҳатто эшик олдидаги ялангликда ўтирган йигитларнинг қулоқни қоматга келтиргудек чуғур-чуғури унга қушлар сайрашидай ёқимли туюларди.

Уйлаб қараса, Мирзачўл ёмон жойга ўхшамайди. Шунча одам кўникиб ишлапти. Ҳаммаси ҳарёқдан келганлар экан. Мана Ҳолбувилар тоғдан тушишибди. У тарафларда на пахта, на шоли битармиш, нуқул боғ-роғлар эмиш. Шулар ҳам ота жойини ташлаб келишибди-ку! Ҳаммаси иноқ, аҳил яшашгани-чи тагин! Мана, Озода ҳам



билибми-билмайми, бу ёққа келди, мана ишлаб қадр топяпти. Ҳар киши тилаган жойида азиз. Розиябувининг Ширинбулоқда ўша эски гувала томидан бошқа нима илинжи бор? Биттаю битта акаси шу ерда. Булар Ширинбулоққа боришолмаса, Розиябувининг келиб қўя қолгани яхши эмасми?!

Бир кун бўлса ҳам қизининг ёнида яшагани ғанимат. Битта эски кўрғоним деб, жон-дили бўлган қизини мустарин қиладими? Ризқ-насибалари кўтарилса яна қайтиб кетишаверади-да... Акаси бўлса, мана уй қуриб олибди, чамаси, кетиш кўнглида йўққа ўхшайди.

Манави «тирранчалар» ҳам ҳадемай уйли-жойли бўлишади. Ширинбулоқдан келганлар ўзи бир маҳалла бўлиб қолишади чоғи. Ҳа, Озодани қийнамай, тезроқ бира-тўла кўчиб кела қолганлари дуруст. Акасининг фурсатини топса, эрта-индиноқ бирга бориб, кўч-кўронларини ортиб келишни дилига маҳкам тугди.

## БУ ОЛАМ ШОДЛИГИ—МУҲАББАТДАН «Бахт» пойдевори

ЁЗНИНГ жазирама кунлари, серчивин дим тунлари орқада қолди. Кузак бошланди. Далаларнинг тиниқ яшиллиги сўниб, пахтазорлар, қовун пайкаллари кўнғир-кулранг тусга кирди. Дов-дарахтларнинг барги чанг гарди билан қошланди. Кундузлари ғарбдан шабада эсиб туради, тунлар эса салқин. Қовун қапада кўрпа ёпинмай тунаб бўлмайди. Полизлардан тараладиган қовун ҳиди димоққа ёқимли урилади. Саҳар туриб қовун оралаган деҳқон у ён-бу ёнда тарс-тарс ёрилиб ётган қовунларни кўради, баъзиларининг ёриғидан билинар-билинемас ҳовур чиқиб туради...

Таърифи олис-олисларга кетган машҳур кели қовунлар пайкалларида банд бериб ётибди. Деҳқон уларни узиб пой тикади, сўнг машиналарга ортиб бозорларга элтади, кўп қисмини вагонларга юклаб, мамлакатнинг узоқ Шимол ва Шарқ районларига жўнатади.

Шодмон машина терими олдида ғўзаларнинг барги дориланиб тўктирилгунга қадар бригадирдан рухсат олди. Бир ҳафта ичида қовунларини йиғиштириб олмаса, кейин қўли тегмайди. Терим бошланганда механизаторнинг кўзига қовун кўринадими? Унинг ўй-фикри пахтада бўлади. Пахтанинг сеҳри бор: шоҳида жонсиздай тургувчи ўша бир чангалгина момик — борлиқ ҳузур-ҳаловатингни олиб, ўзига банд қилади. Уни деб уйқундан кечасан, уни деб уйингда оёқ узатиб ётолмайсан, уни деб ҳориганингни билмайсан. У чаноқларда тек тургандай-ку, аммо асл деҳқон назарида, жилмайиб кулади, ёноқлари бўртган гўдакдек талпинади, ғўзал жонондек имо қилади!..

Шодмон бу ҳолатларни бошидан кўп марта кечирган. Шунинг учун ҳам шошади. Ана-мана деб тарвузини ҳам вақтида узиб ололмаган йилларида, теримга тушиб кетиб, тонна-тонна тарвуз далада беҳуда чириб кетган.

Мана, бу йил олдинроқ уриняпти. Қовун узиш ҳашарига бригададагиларнинг ҳаммасини, ёш болаларни чақирган. Қовун узиш ҳам осон иш эмас-да! Палаклардан битталаб узиб, битталаб ташилади. Зайнобиддин, Озода, Ҳасан, Светлана аввалига иккитадан-учтадан қовун кўтариб чиқишди, кейин — кун исий бошлагач, бу ишнинг қийинлигини сезишди. Дамба-дам ўтириб дам олишади. Ойсулугга чой олдириб келиб, нов ариқ сувида чайиб, яхна қилиб ичишади.

— Чойдан кўра қовун есаларингиз бўлмайдими? — деди Ойсулуг ҳадеб чой ташишдан зерикиб.

— Қовун чанқатворяпти-да, — Зайнобиддин ширали лабларини чапиллатиб тамшанди.

Улар гурунглашиб турганларида Суяров келиб қолди:

— Ҳорманглар!— деди у одатича ер депсиниб, этигига илашган чангни қоқаркан.

— Келинг, ўртоқ Суяров,— деб ўрнидан турди Озода.

Шодмон қовунлар ичида энг пишганини танлаб келтирди. Сўйиб коса қилдида, бош агроном олдига қўйди:

— Қани, бизнинг деҳқончиликдан татиб кўринг-чи, агроном ака!

Агроном бир карч қовунни оғзига солиб чайнаркан, бошини сарак-сарак қилди:

— Бай-бай-бай! Шодмон ака, бу — қовун эмас, асалнинг ўзгина-си-ку!

Шодмон ҳазилни бошқача тушуниб, ташвишланиб сўради:

— Нима, бемаза эканми? Мен дори солмаганман, агроном ака!

Суяров гап маъқулатиб ўтирмасдан бир карч қовунни Шодмоннинг оғзига тутди. Шодмон чиндан ҳам асал таъмини сезгач, ёзилиб илжайди:

— Айтмадимми ширин деб, агроном ака!

Улар яна ишга киришди. Озода Суяров билан қолди.

— Дефолиацияни қачон бошлайсиз?— деди Суяров қовун еб туриб.

— Навбатимиз эртага.

— Байроқни ким тутади?

— Зайнобиддин акам.

— Ҳа, бу ишга ҳушёрроқ одамни қўймасангиз бўлмайди, — деди бош агроном. Сўнг «ўзаро гап» дегандай овозини пастлатди. — Самолёт бир энлаганда йигирма метр ораликка дори сепеди, шунинг учун у ён-бу ёнидан бир-бир ярим метр жойига дори чала тегади. Учувчилар йигирма метрдан силжийсан деб қисталанг қилишади, уларга гектар кўпайиши керак-да, Зайнобиддинга тайинлаб қўйинг, учувчиларга хўп десину, ўзи ўн етти-ўн саккиз метрга силжисин. Ушанда дефолиация-нгиз бир текис сифатли бўлади. Агар шундай қилмасангиз, ораликдаги гўзаларнинг барги чала тўкилиб, терилган пахта ифлосланади, машинани бот-бот ювишга тўғри келади. Уқдингизми?

Озода бош ирғади, ичидан пишган бу одамга яна бир бор тан берди. Ўз ишини пухта билади, лекин ҳеч маҳал, мен биламан, демайди, ўзини доим фақир киши қилиб кўрсатади.

Озода ўтган йили пахта терган далаларда барги чала тўкилган гўзаларни кўриб ҳайрон бўлган эди. Сабабини энди тушунди.

Суяров ўрнидан тураётиб суриштирди:

— Противогаз билан кийим-бошни тайёрлаб қўйганмисизлар?

— Ҳа, ҳаммасини шийпонга келтириб қўйганмиз.

— Зайнобиддинга қаттиқ тайинланг: кун исиб кетди, нафасим бўғилди деб, противогазни ечиб ташламасин. Дори захарли, ҳозир таъсир қилмагани билан беш-ўн йилдан кейин зарар қилади.

— Уқитганда айтгандирсизлар?

— Айтиш у ёқда турсин, хавфсизлик шартларига қатъий амал қиламан, деб ҳаммасига қўл қўйдириб олганмиз,— деди Суяров,— лекин баъзи нодонлар чидамасдан, противогазни бошидан сидириб ташлаяпти-да! Кўриб қолсак-ку, чорасини кўрамиз-а, аммо ўзини ўзи интизомга солмаса, биз кўрган чорадан нима фойда! Токайгача уларнинг тепасида қараб турамиз...

«Бахт» совхози марказини янги лойиҳада қуриш масаласи қаерда кўрилмасин, албатта шов-шувга сабаб бўларди. Бировлар: «Битта сов-

хоз учун шунча машмашами?! десалар, бошқалари «Давлатни шунча кўп чиқимдор қилишга ким ҳуқуқ берган?» деб Анвар Хўжаевга осилиб кетишарди. Марказий Комитет «ҳозирию ҳузури»ни ўйловчи бундай мутахассисларнинг «дийдиё»ларига қарши Мирзачўлда абадий турадиган мустақкам, шинам, қулай шаҳарчалар барпо қилиш тарафдорлари эди. Дарҳақиқат, янги ерларни шошма-шошарлик билан ўзлаштириб, посёлка, йўл, каналларини нухта ўйланмаган, асосланмаган режалар бўйича қуравериш билан, бир авлод яшаб улгурмай эскириб қолаверса, бундай «қур-қур»дан давлат қайтанга кўпроқ зарар кўради: ҳар бир совхоз, канал, бошқа иншоотлар камида юз йил олдинни кўзлаб қурилиши керак. Акс ҳолда келажак авлод олдида айбдор бўлиб қолиш мумкин.

Мана «Гулшан» посёлкаси ўйланмай, шошма-шошарлик билан қурилган шаҳарчанинг жонли намунаси. Посёлка лойиҳасини тузганлар ўз олдиларига фақат бир мақсадни — чўлқувар кечқурун келиб тунаши мумкин бўлган шароитнигина ҳисобга олган, инсоннинг маънавий, руҳий эҳтиёжларини қондиришни ўйламаган. Аслини олганда, бинолар коттеж типда қурилган, алоҳида оила бўлиб яшаш учун яхшигина жой. Лойиҳачилар шаҳарларда бу хил коттежларга талаб катталигини билганликлари учун «Мирзачўлда антиқа уй-жойлар қуришимиз» деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Аслида бундай бўлиб чиқмади, уни чўлқуварлар маъқул кўришмади.

«Бахт» посёлкаси лойиҳасини тайёрлашда кўп йилги тажрибалар умумлаштирилди, хато-камчиликлар ҳисобга олинди. Мамлакат ва жаҳон шаҳарсозлиги ютуқлари, энг яхши посёлкаларнинг намуналари асосида вужудга келди.

Шаҳарча асосан Анвар Хўжаев тасаввур қилган шаклда бунёд этилади. Аммо кўп иш кўрган лойиҳачилар, меъмор, инженерлар унга муҳим бир янгилик киритдилар. Посёлкани четлаб ўтадиган бетон канални қайириб келиб, шаҳарча ўртасидан ўтказадиган бўлишди. Бунда канал марказга етгач, икки тармоққа бўлиниб марказ доираси бўйлаб ўтади-да, кейин яна қўшилиб оқа бошлайди. Доира ичидаги истироҳат боғининг ўрта нуқтасида катта мрамар ҳовуз қилиниб, ундаги кучли фавворалар атроф ҳавосини тозалаб туради... Одамлар яшайдиган уйлар, ҳовлиларда ҳам баъзи ўзгаришлар қилинди. Ҳар бир ҳовлида енгил машина учун гараж кўзда тутилладиган бўлди. Хоналарнинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши таъминланади. Ҳар бир хонадоннинг томида ёзги дам олиш жойлари бўлади. Ҳатто томга чиқиб-тушишни осонлаштириш учун қўшимча қурилмалар ўрнатилади. Хуллас, турар-жойлар унда яшовчиларга ҳузур бағишлайди.

Бугун шу янги посёлкага пойдевор қўйилади. Шу муносабат билан митинг бўлиши керак. Бу маросимга совхоз ишчилари, қурувчилар, лойиҳачилардан ташқари қўшни хўжаликларнинг вакиллари, район раҳбарлари тўпланишяпти. Теп-текис ялангликда сайил бўлаётгандек: савдо дўконлари, ошхоналар очилган. Бир ёнда чўғдай ясатилган саҳна, ўртада Лениннинг қизил бант таққан сурати қўйилган. Машинага ўрнатилган радио-карнайдан машҳур артистларнинг қўшиқлари янграмоқда.

Анвар меҳмонларни кутиб олмоқда. Бу тантанага Марказий Комитет секретарининг келиши кутилмоқда. Камолов ҳамма ерда тартиб бўлишини назорат қилиб турибди.

Президиум столи устида миномёт ўқи сингари тилларанг капсуль офтобда ялтираб турибди. Жездан махсус тайёрланган бу филофга чўлқуварларнинг келажак авлодга мурожаатномаси жойлаштирилиб, пойдевор остига кўмилади.

Ҳамманинг нигоҳи йўлга қадалган. Олисдан бир нечта енгил ма-

шина кўринди, олдинда ялтираб «Чайка» келарди. Азиз меҳмонларни кутиб олиш учун ҳамма рўпарага ўтди. Машиналар анча нарида тўхтади. «Чайка»дан Марказий Комитет секретари ва ҳамроҳлари тушди-лар. Улар йўл четида бир саф бўлиб турган лойиҳачилар, қурувчилар билан саломлашиб, минбар ёнига келдилар.

Марказий Комитет секретари теپ-текис даштга қаради. Бўлажак шаҳарчанинг ўрнини чамалади.

— Яхши жойни танлабсизлар, — деди у. — Кўкракли майдон экан.

Посёлка бош планига қизиқсиниб яқин борди. Лойиҳалаш институтининг инженери меҳмонларга бош планни изоҳлаб берди. Марказий Комитет секретари унинг ҳар гапини бош ирғаб маъқуллаб турди. Сўнгра Анвар Хўжаевга юзланди:

— Мана, ўртоқ директор, — деди секретарь йигитнинг елкасига қоқиб, — орзуингизга эришдингиз. Бу ёғи сизнинг ғайратингизга боғлиқ. Доҳий Ленин айтганларидек, ҳамиша орзу қилиш керак! Орзу қиладиган, орзулар рўёбга чиқадиган замонда яшамоқдамиз...

Обком секретари имо қилди, Камолов меҳмонларни минбар томон бошлади.

Митинг бошланиб, аввал лойиҳачилар вакили, сўнг қурилиш ташкилотининг бошлиғи сўзлади. Лойиҳалаш институти коллективи бинонинг техника ҳужжатларини пайдар-пай етказиб беришни ваъда қилди, қурувчилар эса бутун Мирзачўл учун намуна хўжалик бўлиб қоладиган бу шаҳарчани аъло сифатда қуришни зиммаларига олишди. Митингни бошқариб бораётган Камолов Анвар Хўжаевга сўз берди.

Директор «Бахт» посёлкасининг энг замонавий усулда қурилаётгани партия-ҳукуматнинг чўлқуварларга кўрсатиб келаётган яна бир катта гамхўрлигининг намунаси деб баҳолади. «Бахт» лойиҳасини аъло даражада бажарганлари учун совхоз ишчилари номидан лойиҳачиларга ташаккур изҳор этди. Сўнгра қурувчиларга шаҳарчанинг қозғалардаги нусхаларидан чўл бағрига кўчиришларида куч-қувват тилади. Сўзининг охирида совхоз меҳнаткашлари бу гамхўрликларга жавобан пахта етиштиришни кўпайтирадилар, деб ишонтирди.

Марказий Комитет секретари сўз олди. У сўнги беш йилликларда давлат Ўзбекистоннинг чўл ва даштларини ўзлаштиришга катта маблағ сарфлаётгани, бунинг эвазига пахта майдонлари кенгайиб бораётгани, келгусида ҳам республика мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолажаги тўғрисида гапирди.

— Буюк мақсадлар билан келиб, дур ундираётган ватанпарварлар ҳар қанча иззат ва ҳурматга лойиқдирлар, — деди Марказий Комитет секретари. — Уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун давлатимиз маблағни аямайди. Мирзачўлни гулистонга айлантириш ниятида бу ерларга қадам қўйган азаматлар, шубҳасиз, ҳаммадан яхши яшашга ҳақлидирлар. Бу жиҳатдан бугун биз пойдевор қўяётган «Бахт» шаҳарчаси уларга энг муносиб манзилгоҳ бўла олади деб ўйлаймиз. «Бахт» — яқин келажакда Мирзачўлдаги намунали шаҳарча сифатида қад кўтаради. Чўлни ўзлаштиришга ҳисса қўшаётган марду майдонлар номи ҳеч қачон ўчмайди, ўртоқлар. Мана Беглар Сумбатович Черкесовни ҳаммангиз билар эдингиз. Унинг ёрқин ҳаёти Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи билан боғлиқдир. Бугун биз унинг хотирасани абадийлаштириш мақсадида «Бахт» совхозига Черкесов номини беришга қарор қилдик...

Йиғилганлар севинч-ҳаяжондан қарсак чалиб юбордилар. Анвар Хўжаев бу орзуси ҳам ушалганини эшитиб, қувончдан кўзидан ёш

чиқиб кетди. Бир зум Черкезов билан сўнги дамлардаги суҳбатни эслаб қолди.

Митинг охирида келажак авлодга мурожаатнома тексти қабул қилинди. Шундан сўнг меҳмонлар Марказий Комитет секретари бошчилигида қурилиш майдонига ўтдилар. У ерда кўтаргич кран бетон қоришмаси солинган хампани ҳавода кўтариб турарди. Ҳурматли меҳмон — Марказий Комитет секретари мактуб жойлаштирилган жез ғилофни Маданият саройи пойдеворига қўйди. Тепадан бетон қоришмаси шариллаб тўкилди.

Янги шаҳар қурилиши бошланди.

Митинг тугади. Марказий Комитет секретари ёш директорни яна бир бор кутлади. Улар минбардан тушар эканлар, Камоловдан сўраб қолди:

— Анваржоннинг тўйини қачон қиласизлар, ўртоқ Камолов?

— Ҳозирлигимиз бор, — деди райком секретари йигитга маъноли қараб.

— Келин тайинми ё Тошкентдан юборайликми?

— Узимизда яхши қиз бор.

Анвар Камоловга ялт этиб қаради-ю қизариб кетди. «Ажабо, Озодаҳон билан яқинлигимизни қаёқдан билди экан-а? Биз ўзимизча элдан яшириб юрибмиз, бу ёқда ҳатто райком секретари ҳам билади!..»

## Чаман далалар

ОЗОДА теримни бошлади. Ғўзаларнинг барги тўкилган. Бир текис очилган пахталарни кўрган одамнинг ҳаваси келади. «Чўлга келиб бунақасини кўрмаганман!» деб суюнади Шодмон. Озода у билан ёнма-ён ишлаяпти. Агрегат худди равон йўлдан бораётгандай қилт этмайди. Шпинделлар тирноғи орасидан ўтган ғўза чаноқларида тола қолмаяпти.

Баҳорда, ёзда чекилган барча заҳматнинг ҳиссаси чиқиб кетяпти шу топда! Озоданинг кайфи чоғ. Ҳавасга теряпти! Экинни машинабоп қилиб ўстирганлари, ёввойи ўтларни вақтида юлиб, йўқотиб турганлари, Суяровнинг маслаҳати билан дефолиацияни сифатли қилиб ўтказганлари ўз самарасини беряпти, ишлашга ўнғайлик туғдирияпти. Ўтган йили агрегат даланинг бошидан этагига икки бориб келганда шпинделлар ювиларди, энди бўлса тўрт-беш марта бориб келса ҳам кирланмаяпти. Озоданинг кеча тўққиз тонна пахта тергани ҳам шундан.

Район партия комитетининг бюросида яқинда уни партия аъзолигига кандидат қилиб олишади: Озода ўша кунни зориқиб кутяпти. Камолов келиб наказ бериб кетган: бюрогача юз тонна терасиз деган. Ҳозир ўй-фикри шунда.

Энди уйдан кўнгли тўқ. Аяси ёлғиз эмас, тоғаси бориб, ўғай даласини олиб келган. Аясининг ҳам кўнгли жойига тушгандек чехраси очилиб қолди. Буни кўриб Озода ҳайрон бўлади: «Инсонлар бир-бирига шунчалик суюниб қолармикан-а?» дейди ўзича...

Уша кунларнинг бирида енгил машина келиб, у пахта тераётган дала этагидаги йўл четида тўхтади. Озода «ким экан?» деб кузатиб бораверди. Агрегат яқинлашганда машина эшиги очилиб, ундан Анвар Хўжаев тушди-да, Озодани кўзлаб келаверди. Қизнинг юраги типирчилади. Жилмайганча бош ирғаб, салом берди. Агрегатни дала бошидан қайириб, янги қаторларга ростлаб қўйиб тўхтади. Трактордан чаққон тушиб, меҳмон томонга юрди.

— Келинг, Анваржон ака!

— Ҳорманг, Озодахон! Партия сафига ўтганингиз билан табриклайман!

— Раҳмат, — деди Озода.

Озода Анварни анчадан буён кутарди. Ахир, у киши ҳаётида камдан-кам бўладиган қувончли кунни бошидан кечирди — партия сафига кирди. Бу қувончни Анвар билан баҳам кўриши керак-да. Аммо, йигит негадир, уни зориқтирди. Келса, ачитиб-ачитиб гапираман дерди қиз. Мана, кутган одами келди — рўпарасида турибди, аммо «ачитиб» гапиролмаяпти. Аксинча, нуқул жилмаяди. Ҳа, Анвар энди бегона эмас.

— Чарчамаяпсизми? — йигит қизнинг ҳорғин кўзларига тикилди.

Озода «ишлаб чарчамадим, кутиб чарчадим» дегиси келдию тилини тийди. Уртага ноқулай жимлик тушди.

— Ишдан қўймайманми?

— Нима, шояйпсизми? — деди қиз.

— Нега ундай деяпсиз? — сергакланди Анвар. — Атайин келдиму қаёққа шошаман!

Озода Шодмоннинг олислаб бораётган агрегатига қараб қўйди. Анвар сезиб, агрегатга ишора қилди:

— Бирпас теришсам, майлими?

Озода йигитнинг кийимига ачинди:

— Кийимингиз чанг бўлади.

— Майли.

— «Бечора ошиқ! — деди ўзича. — Барига рози!»

Анвар темир узангига оёқ қўйди. Жойлашиб ўтириб, Озодага қаради. У пастда бошини қиялатиб кулганча, Анварнинг жилишини кутарди.

— Утирмайсизми? — Анвар имо қилди.

«Ҳа-а, бирга юрмоқчи экан-да!» деб, агрегатга осилди. Анварни қисиб қўймаслик учун орқароқда тик туриб олди. Агрегат шпинделлари шариллаб ҳаракатга келди, машина жойидан кўзғолди.

Анвар комсомолдалигида далаларда юриб, терим агрегатини бошқаришни ўрганиб олган эди. У дамба-дам пастга, орқага қараб, ўз ишининг самарасини кузатар, машина яхши тераётганидан мамнун борарди.

— Яхши юрар экансиз, — деди Озода йигитнинг ишини мақтаб.

— Сиздан ҳам-а? — деди Анвар оғзининг таноби қочиб.

— Менинг яхши теришимни қаёқдан биласиз, кўрмагансиз-ку?

— Кузатганман-да. Утган йили кўрганман. Ҳозир кўрдим.

— Қийналаман, — деб тан олди Озода. — Машинани қайираётганда рули оғирлик қилади. Қўлларимни толдириб қўяди.

— Аслида-ку, бу — эркакларнинг иши-ку...

— Хотин-қизлар ҳам кўпайишиб қолишди. Конструкторлар буни ҳисобга олишса бўларди.

Агрегат дала бошига етганда бункер тўлди. Анвар машинани қатор турган тележкалар ёнига бурди. Пахтани ағдариб, янги қаторларга киритди.

— Байрамни қаерда кутиб олмоқчисиз? — сўраб қолди йигит анча юргач.

— Қаерда бўларди, уйда-да! Ҳа, айтганча, тўйда бўламан, Ҳасан акам уйланыпти, — деди.

— Тошкентга таклиф қилмоқчи эдим. Бир томоша қилиб келардик-да.

— Сиз директорсиз, ўзингизга ўзингиз хўжайинсиз, биз кичкина одамлармиз, директоримиз жавоб бермайди, — қиз ҳам ноз, ҳам гина қилаётгандек гапирди. — Ундан кўра аянгишни кўриб келмайсиз-

ми, хурсанд бўлишади. Қуруқ томошадан нима фойда? — Озода тепадан йигитга қаради. Анвар бошини кўтариб, кулиб турган беш кунли ойга тикилгандай қолди. Озода унинг кифтига туртди. — Кўзингизга қаранг, мулла йигит!

Агрегат издан чиқиб кетаёзган эди. Анвар машинани изга солди... Тошкентга шунчаки эмас, атайин Озодани ўйнатиб келгани бормоқчи эканини наҳотки тушунмаса?! Нега Учтераққа қистаяпти? Қассобнинг қизига шама қиялпими? Ё ота-онага ғамхўрлигимми?

— Сиз ҳам борасизми мен билан? — сўради Анвар.

— Қаёққа, Учтерақками? Мен нима қиламан у ёқларда?

— Аям билан танишиб келасиз-да.

— Ҳо-о-о! — деди чўзиб Озода, — кейин ҳамма кулиб юрсин-а!

Бу ҳам Озоданинг ўзи сезмаган ҳолда, ихтиёр бераётгани эди. Бироқ ишқ қарахт қилган йигит бу жавобнинг чин маъносини ўйламасди. Бундай нозик ён беришлар илгари ҳам неча бор қизнинг тилидан учиб чиққан. Аммо йигит ҳар сафар ё ҳазил, ё шунчаки гап деб эътибор қилмаган.

— Байрам кунлари ҳам ишламоқчимисиз?

— Пахтани йиғиштириб улгурмасак, ишлаймиз-да, — Озода бу гап жиддий туриб айтди. — Раҳбарлар байрам қилинлар деб қистаганларида ҳам кўнгилга хурсандчилик сиғармиди?

Ҳа, далада ҳосил туради-ю, деҳқонга томоша татийдими? «Бахт» совхозида пахта экилмади. Анвар бу йилча шу ташвишдан холи. Келаси йилдан у ҳам совхозда қоққан қоқиқдек ўтиради... Анвар қизни кўндиролмаганидан таъби хира тортди. Буни сезган Озода кўнгил овламоқчи бўлди:

— Олтинчида келинг, Ҳасан акамнинг тўйига.

— Майлими? — ишонмагандай сўради Анвар. Озода одатича лабларини қимтиб «ҳм» деб киприк қоқди. Йигит миннатдор қиёфада бошини орқага ташлаб қизга суянди. — Раҳмат! Келаман. Уйингизга келаман, хўпми?

Озода хумор кўзларини сузиб, яна боягидай «ҳм» деди. Бу ишвадан йигитнинг боши айланди. Тормозни босиб, машинани тўхтатди. Қизнинг билагидан ушлаб, юзига босди. Озоданинг бўш қўли йигитнинг сочларини силашга тараддулланиб муаллақ турар, аммо бунга ҳад қилолмай енгилгина титрар эди. Йигит эса боши узра эркалаш истагида турган қўлни пайқамасди, бутун меҳри-хаёли юзига босган элитгувчи қўлда эди.

Оёғи машинани тормозлаб турар эди. Нариди ўз чекида пахта тегиб ўтган Шодмон тепага етиб қайтди ҳамки, Озоданинг агрегати кўз-ғолмасди. Рулга Анвар ўтирганини кўрган эди, «машинани бузиб қўйдимикин?» деб гумонсираб, унга ёнма-ён бўлишга ошиқарди. Озода йигитга малол келмайдиган ҳаракат билан қўлини тортди. Анвар қўйворгиси келмай кафтларини очганча қолди.

— Узимга берасизми рулни? — деди Озода тараддулланиб.

Анвар у ён-бу ёнига қараб чамалади. Дала этагига яқин қолган эди. У шпинделларга куч берди-да, машинани юртизди. Дала этагига етгач, агрегатдан тушди.

— Ҳаммаси учун раҳмат! — деди Анвар қизнинг қўлини тутиб. — Олтинчи ноябргача хайр!

Озода яна киприк қоқиб жавоб қилди. Анвар бу учрашувдан бир қоп семириб, кўча юзидаги енгил машинаси томон юрди. Қиз эса унинг ҳурмати учун машина жойидан кўзғолгунча кутиб турди.

## Масъулият юки

**КУПДАН** бери Озода бугунгидай яйрамаган эди..

Озодага бу тўй гўё Светлана билан Ҳасанники эмас, ўзиникидай туюлди. Тўйга ҳаваси келди. Светлана шол ёпиниб, оқ ҳарир кўйлақда ибo билан ўтирганию меҳмонларнинг куёв-келин шаънига айтган ёқимли сўзлари — ҳаммаси афсонага ўхшарди.

Озода билан Лобархон ёнма-ён ўтиришарди. Ҳар замонда Лобархон эгилиб шивирлаб қўяди:

— Менинг айтганим бўпти-ку, ахири?!

Озода кулиб енгди.

— Маҳкам ушланг, бир-бирларингизга жуда муносибсизлар.

Қиз уялганиданми, ё чалғитмоқ учунми, Лобархонни овқатга қистайди.

Тўй қизигандан қизиди. Танца бошланди, Берди Умаров ўрнидан туриб хотинига мулозамат қилди:

— Қани, хоним, ёшликнинг кети, қариликнинг боши деб, би-и-р танцага тушайлик.

Лобархон барваста қаддини ростлаб ўртага чиқди. Эр-хотин танца туша кетдилар. Лобархон Анвар билан Озодага «турмайсизларми?» дегандай имо қилди. Анвар Озодага қаради:

— Тобингиз қалай?

— Вой, мен билмайман, Анваржон ака! — деди бахтиёр кулиб. — Биладиган анави қизлар билан тушинг, кўрайлик:

Анвар хушламади. Озода қистагани турди. Йигит ноилож кўзғолиб, Ҳасаннинг ёнига ўтди, қулоғига бир нима деди. Куёв илжайиб, бош ирғади. Анвар келинга энгашиб мулозамат қилди. Светлана Ҳасанга қараб жилмайди, у қўлтиғидан енгил кўтарди. Анвар келинни ўртага бошлаб кириб, назокат билан танца бошлади. Светлана бошини хиёл эганича, қушдай енгил силжир эди. Озода унга тикилиб завқланиб кулар, куй оҳангига монанд чапак чаларди. Ҳасан ҳам Светланадан кўз узмасди, унинг ўйини ҳавас билан кузатарди.

Куй тугади, Анвар келинни бошлаб келиб жойига ўтиргунча кутди, сўнг эгилиб миннатдорлик изҳор этди Ҳасанни эса кифтидан қучиб, бетидан ўпиб қутлади. Урнига келиб ўтираркан, зимдан Озодага қаради. Қизнинг кўзлари севинчдан порлар эди.

— Яхши ўйнадинглар, — деди шивирлаб. Анвар мамнун бош ирғади.

— Ўзбекчадан ҳам бўлсин! — деди ўтирганлардан бири.

Магнитофон бир зум тинди. Сўнг тўйхонада шўх рақс куйи янгради. Яшарқул ўртага чиқиб, новча, ориқ қаддини ликанглатиб ўйнай кетди. Бирпас ўйнаб, столни айланиб ўтди-да, Озода ёнида тўхтаб, унга муқом қила бошлади. Ҳамма чапак чалиб маъқуллади. Яшарқул уни даврага тортди. Озода уялганидан юзларини яшириб ноз қилди. Бир оз иккиланиб тургач, Фарғона қизларига хос назокат билан ўйнай кетди. Аввалига тортинди, кейин-кейин меҳмонларни унутиб, гўё кимсасиз ўтлоқда юргандай ички бир ҳаяжонда бутун борлиги билан ўйнади. Анвар ундан кўз узолмасди, «ўйини ҳам ўзидек гўзал», дерди хаёлан.

Озода ўйнаб келиб Лобархонни тортди. У узоқ қистаттирмай ўртага чиқди. Озода жойига ўтираркан, Анварга қараб кулди.

— Яхши ўйнаркансиз, — деди Анвар қизга шишадан Тошкент суви қуйиб узатаркан.

Озода энтикиб-энтикиб ичди. У ниҳоятда бахтиёр эди. Унга тўйхо-



надаги шўх куйлардан тортиб, ҳозиргина Анвар қуйиб берган минерал сувгача ҳаммаси ҳуш ёқарди. Назарида, бугун бутун олам шодланмоқда эди. Қувончини ичига сиғдиролмайд туриб кетди.

Анвар анчагача кутди, Озода кирмади. Атрофига қаради: ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. У ёнидагиларнинг кўзини шамғалат қилиб ташқарига чиқди. Ўзини қоронғига олиб, Озодани қидира бошлади, орқадан аллакимнинг шарпасини сизди. Қайрилиб, Озодани таниди. «Озодахон?» деб яқин борди йигит. Қиз ўзини панага олди. Анвар сичқон пойлаган мушукдай ҳамла қилиб, қизни бағрига олди. Қайноқ лабларини қизнинг юз-кўзларига босди. Озода йигитнинг бағридан чиқмоқчидай типирчиларди:

— Бўлди, қўйворинг! Биров кепқолади.

Анвар ўпишдан тийилди. Бироқ қизни маҳкам қучганича сўради:

— Бизники қачон?

— Ўзингиз биласиз, — деб нозланди Озода.

— Отамни, аямни чақираман, улар сизни сўраб боришади...

— Хўп дейми? — деб эркаланди қиз.

— Хўп демай ҳам кўринг-чи энди! — пўписа қилди йигит, сўнг шарт қўйди. — Унашгандан кейиноқ ЗАГС дан ўтамиз, бўптимми?

— Ўзингиз биласиз.

— ЗАГСдан ўтгандан кейин тўйгача кўришиб юраверамиз, ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди.

Озода ЗАГСдан ўтгандан кейинги ҳолатини кўз олдига келтирмоқчи бўлди. Жуда ғалати бўлса керак у дамлар?! Хаёлан келинлик либосини кийган, Анварнинг қўл узатишига маҳтал турарди.

— Қуллуқ бўлсин! — деди Озода ширин орзу билан.

— Ўзимга буюрсин! — дея қизни қучиб эркалади йигит.

Озода ювошган оҳудай йигитнинг гупиллаб уриб турган кўкрагига бош қўйди.

Озода район партия комитетига келиб, қабулхонада ўтирган хизматчи қизга ўзини танитди. У «ҳозир» дедию хонанинг оғир эшигини очиб ичкари кирди. Зум ўтмай қайтиб чиқиб:

— Киринг, — деди эшикни ёпмасдан.

Озода ичкарига ҳайиқиброқ қадам қўйди. Камолов уни кўриб ўрнидан турди-да, стол ёнига ўтиб қўл узатди.

— Салом, ўртоқ Турдибоева! Келинг, — деб жой кўрсатди. — Пахта-ни йиғиштириб бўлдингизми?

— Ҳа, бўлди. Подборшик солиб, ердагиларини ҳам териб олди.

— Шундай қилиб бу йил ёрдамчи олмадингиз?

Озода индамади.

— Бу ишингиз совхоздаги баъзи ўртоқларга яхшигина калтак бўлди-да, қизим.

Озодага унинг мақтовидан кўра, «қизим» дегани ёқиб тушди. Ота дийдорига тўймаган бола учун бировнинг меҳрибонларча айтган «қизим»и ниҳоятда ҳуш ёқарди.

— Хўш, ҳосил қанчаданга тўғри келди?

— Ун тўққиз центнердан бўпқолди.

— Мўлжал кўпроқмиди?

— Ҳа.

Озоданинг шубҳаси бор эди. Теримни бошлаганларида икки қатордаги пахта-ни териб, чамалаб кўришганида йигирма икки центнерга тўғри келган эди. Мана, охирида ўн тўққиз центнердан чиқди холос. Озода иккиланиб қолди: гектар тўғримикин? Шодмонга шийпон олдидоги далани одимлаб ўлчатган эди, йигирма гектарлик яхлит картадан икки гектар ер кам чиқди. Ҳайрон бўлишди. Адашдикми деб, метрлаб

ўлчашган эди, яна кам чиқди. Шундан кейин ҳамма далани бирма-бир метрлаб кўришди. Юз гектар ердан салкам ўн гектар кам чиқди. «Қизиқ, нега бунақа?» деб ўйланиб қолди Озода. Ер ўзлаштирувчилар нов ариқ банд қилган ерларни ҳам экин майдонига қўшиб ҳисоблабдиларда? Агар ҳамма жойда шунақа бўлса, совхоз бўйича қанча ер йўқотилган бўлади?

Озода ҳосил чўғидан гап очилганидан фойдаланиб, бу тўғридаги мулоҳазасини айтмоқчи бўлдию андиша қилди: «Бу ерга арз-ҳол қилгани келмадим-ку? Ўзлари чақирган, қани, эшитай-чи, нима деркин?..»

— Сизни нимага чақирганимиздан хабарингиз бўлмаса керак? — синовчан сўради райком секретари.

— Йўқ! — деб хавотирланди Озода.

— Ташвишланманг, — деб тинчитди Камолов. — Бир зум мулоҳаза қилиб тургандан кейин мақсадга ўтди. — Ўртоқ Умаровни директорликдан бўшатиёмиз... Ўзи ишчан, ғайратли одам, лекин нуқсонлари бор. Бу нуқсонларни партия ташкилоти кечиролмайди... Хабарингиз бўлса керак?

Озода секретарга қараганча ўтирарди.

— Ўрнига одам қидириямиз, — деди Камолов қиздан садо чиқавермагач. — Бу ишни янги йил кирмасдан бажармасак бўлмайди. Негача десангиз, келаси йилга ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак.

Озода райком секретарининг мақсадига ҳамон тушуниб етмасди.

— Сиз нима дейсиз?

— Менми? — Озода ҳушёр тортди. Камолов ундан нима истайди, билолмасди. — Мен... мен ҳеч нарса демайман.

— Сизнингча, — деб секретарь кулимсиради, — Умаровнинг ўрнига кимни қўйсак бўлади?

— Ўзларингиз биласизлар-да.

— Бизнинг мўлжалимиз ҳозирча — сиз.

Озода безовталанди, хумор кўзлари хиёл катталашди. Камолов «гапим чин» дегандай жиддий боқиб турарди.

— Мен?! — ҳайрон бўлди қиз. У қулоқларига ишонмасди. — Мен директорликни эплаёламанми?

— Урганасиз, — ишонч билан гапирди райком секретари. — Тўғри, дастлаб қийинроқ бўлади, лекин биз ишонамиз, уддалайсиз.

— Эплолмайман, ўртоқ Камолов, — деди Озода бошини эгиб.

— Уддалайсиз! Ердан берамиз. Лекин бу гап ҳозирча орамизда қолиб турсин. Дарвоқе, ўрнингизга ким қолади? Ўйлаб қўйинг.

Озоданинг ёдига Зайнобиддин келди. У бўшашибгина ўрнидан турди. Шу топда тезроқ ташқарига чиқиб кетса, бу оғир масъулиятдан қутулиб қоладигандай сезарди ўзини.

Райкомдан чиққанда елкасига оғир юк ортилган одамдай вазмин бўлиб қолган эди. Бу юкни бир ўзи кўтариб кетолмайдиганга ўхшарди. У ҳозир Анварга эҳтиёж сезарди. Озода узоқ ўйлаб ўтирмади, почта-хонага кириб, телефон навбатчисидан «Бахт» совхозни директорини чақириб беришни илтимос қилди...

## Йўлдаги «ёр-ёр»

**Т**АБИАТ бир неча кундан бери Мирзачўл осмонида қора булут подаларини галалатиб ҳайдаб, Нурота тоғлари сари олиб кетди. Эрта-лабдан ҳаво ярақлаб очилди. Кечаги ҳаводан ҳавотир олган Анвар тонгда уйғониб, атрофни мусаффо кўриб суюнди. «Хайрият, уялмай-диган бўлдим» деди ўзича. Ювиниб, тўйга атаб тиктирилган костюмини кийди. Унгача Мухторжон келиб газ ўчоққа чой қўйди.

— Ҳа, нега куляпсиз, Мухторжон?

— Бугун жуда бошқачасиз, Анваржон ака!

— Бошқача кун-да, бугун...

Улар ўтириб бир пиёладан чой ичишди. Сўнг «Гулшан»га жўнадилар.

Озодаларникида анча одам гўпланибди. Анвар яқин боришга уялиб шоферни киритди. Мухторжон изига қайтиб чиқди:

— Кираверсин дейишяпти.

Анвар иккиланди: қандай бўларкин-а? Қуруқдан-қуруқ кираве-риш яхши эмас-ку? Унгача Лобархон чиқиб, шофер икковини меҳмон-хонага бошлади.

— Келинг, болам,— деди Розиябуви остона ёнида тек турганча. Анвар унинг овозини зўрға эшитди. Она томон бир оз қад букиб, салом берди. У алик олди. Дастурхон ёзишди. Мухторжон нон ушатиб, чой қуйди. Қиймали мастава олиб кирди. Кетидан Ўзганнинг девзира гуручидан дамланган палов келтиришди. Анвар чимхўр бузоқчадай ахён-ахёнда қўл чўзар, Мухторжон бўлса босиб-босиб ош олар эди.

Лобархон зинадан гурсиллаб тепага чиқди. Бир оздан кейин бошига оқ ҳарир шол ташлаган, гулдай ясанган Озодани бошлаб тушди. Очиқ эшикдан Анварга бир қараб кулимсираб ўтди. Йигитнинг юраги типирчилади, томоғидан овқат ўтмай қолди.

— Чиқайлик,— деди у Мухторни қистаб.

Шофер чиқиб рухсат олиб кирди. Улар дастурхондан турдилар.

— Хуш кўрдик, болам,— деди яна синиқ товушда Розиябуви.

— Қуллуқ,— деёлди Анвар.

Уй эгалари, қўни-қўшнилар Озодани ўраб, машина ёнига олиб бордилар. Лобархон машинага тикилганча тўхтаб қолди:

— Машинани ясатмабсиз-ку, шофер бола?

Анвар ҳижолат бўлди: қандай бўларкин, машинани районда ҳаммә танийди?


— Қўйинг, шундай бораверамиз,— деб шивирлади Озода Анварни аяб.

— Ие,— деди Лобархон хоҳламай.— Нима, ўғирликми, бу?! Буви, олиб чиқинг, беркитган бахмаллардан! Умрда бир бўладиган иш-да, бу!

Бирпасда машинага бахмал ёпдилар.

— Мана энди ўтиринглар машинага,— деди Лобархон эшикни очиб. Улар машинага ўтирдилар. Кузатгани чиққанлар:

— Омин, қўшгани билан қўша қарисин!— дедилар.



Расмларни А. Ҳолиқов чизган

Машина район маркази томон йўл олди. Анчагача жим кетдилар. Лобархон тоқат қилолмади:

— Шофер бола, бошланг, — деди шумлиги қўзиб.

— Нимани, ая? — Мухтор англамади.

— Нимани бўларди, ёр-ёрни-да!

Ҳаммалари жонланишди. Анвар кулиб Озодага қаради, Озода унга. Нигоҳлар учрашганда диллар яйраб кетарди.

— Иккаламиз баравар бошлаймиз, бўлмаса, — деди шофер бўш келмасдан.

— Қани, бошланг, — Лобархон чиндан ҳам ёр-ёр бошлади:

Тўйлар бўлсин, ёр-ёр,  
Тўй қилганлар уйига  
Қувонч тўлсин, ёр-ёр.  
Мирзачўлнинг норига,

Синглим тушди, ёр-ёр,  
Синглимнинг хуморига  
Ақлим учди ёр-ёр...

— Қўшилмайсизми, сиз ҳам?! — деб шоферни қистади Лобархон.

— Мен биладиганни айтмасдан, ўзингиз тўқиворясиз-да, ая! — деди Мухтор. Лобархон завқланиб кулди:

— Айтганга яраша тўқиб айтиш керак-да!

— Шоир бўпкетинг-е! — деди шофер.

Озода Лобархоннинг чечанлигига ҳаваси келди: ҳеч вақт руҳсизланмайди. Ҳамиша қувноқ, қўнгли очик. Тўқиган ёр-ёрини қаранг. Лекин эрининг ишдан бўшабини билмайди бечора. Эрининг ўрнини оладиган одамнинг хизматини қилиб юрибди. Товба, билса нима деркин-а?..

Анвар секин қўл узатди, Озода нохуш ўйлардан узилиб, йигитга хуморланиб қаради.

— ЗАГСдан чиқиб Тошкентга борайлик? — Анвар қизга шивирлади.

Озода Лобархонга имо қилди:

— Унармикин?

— Қўнмаса, уйда қолдириб ўзимиз кетаверамиз-да.

Озода энди Анвар билан у истаган томонга бораверади. Фақат ёнида Анвари бўлса бас. Энди унга бир умр боғланиб яшайди, унинг содиқ йўлдоши бўлади.

— Майлими? — Анвар қайта сўради. Озода киприкларини юмиб очди: майли!

Машина равон йўлдан рангли шоҳи тасмаларини ҳилпиратиб боради. Дуч келган машиналарнинг шоферлари, йўловчилар «ясаниб» олган машинага ҳавас билан боқишади, қўл силташиб, келин-куёвни муборақбод қилишади.

Улар ЗАГС бюросининг идораси олдида тўхтадилар. Бу ерда яна икки жуфт куёв-келин навбат кутиб ўтиришарди. Анвар билан Озода ҳам уларга бориб қўшилишди. Қўп ўтмай ичкаридан ЗАГС бюросининг мудири чиқди. Куёв-келинларни никоҳ варақасини тўлдиришга таклиф қилди.

— Ўртоқ Турдибоева, — деди мудир опа Озодага навбат етганда, — ўртоғингизнинг фамилиясини қабул қиласиз-а?

— Ҳа, — деди Озода яқинроқ бориб.

— Ўз фамилиясида қолса бўлмайдимиз? — деди Анвар бир оз суртилиб.

— Бўлади. Мумкин, лекин сизнинг фамилиянгизда бўлгани яхши эмасми? — ҳайрон бўлди мудир опа.

— Менга-ку, яхши-я, — деди Анвар. — Лекин дадасининг номи ўчиб кетишини истамасдим...

Бу жавоб Озодани титрагиб юборди. Чиндан ҳам, отанинг номи йўқланиб тургани қандай яхши! Анвардан беҳад миннатдор бўлди. Куёв йигитнинг мулоҳазаси мудир опага ҳам таъсир қилди:

— Фикрингизга қўшиламан, ука. Раҳмат, сизга!

ЗАГС бюросидан чиқиб, яна машинага ўтирдилар.

— Энди «Баҳор» ресторанига борамиз, — деди Анвар Лобархонга эшиттириб.

— Районнинг ҳам «Баҳор»и борми? — Лобархон ажабланиб сўради.

— Тошкентдаги «Баҳор»га-да.

— Эҳ-ҳа, шунча олисга овқат егани борамизми? Яқинроқда йўқми?

— Овқат ҳамма ерда бор, ая, — деди шофер Анварнинг тарафини олиб, — томоша қилиб келамиз-да.

— Катта хўжайин нима деркинлар? — деб Озодага ўтирилди. Келинпошша мулойим жилмайиб турарди.

— Катта хўжайинингизни катта хўжайини энди биз бўламиз, опа, — деди Анвар биринчи марта ўзини эркин тутиб. Лобархон шарақлаб кулди.

— Ҳа-я, айтгандай! Энди кичик хўжайин бўлқолдингиз, ўргилай!

Озоданинг ҳамма жавоблари ширин табассумдан иборат эди. Бу жилмайиш Озодага жуда ярашарди.

Машина «Гулшан»га етмасдан ўнга бурилди. Йўл четидаги ишора белгида «Тошкент — 170 км» деб ёзилган эди...

«Баҳор» ресторанида хўрандалар кўп эмас эди. Иккинчи қаватдаги кенг залнинг четроғидан жой танлашди. Уч соатли тинимсиз йўл уларни бир оз уринтириб қўйган эди. Хизмат қилиб турган хонимлар Озодани ўраб олишди. Танимасалар ҳам одамшавандалик қилиб, куёв-келини табрикладилар, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ўтқаздилар. Лобархонни тўрға таклиф қилишди.

— Э худо, «Баҳор»ингга етказганингга шукр! — деди ўзича қизиқчилик қилиб.

Хизматчи хоним келиб, меҳмонлардан буюртма олди. Стол ноз-неъматга тўлди. Мухторжон шампан шишасини очганда тиқини пақиллаб отилди. Ресторанда ўтирганлар улар томон қараб, жилмайиб қўйишди.

Лобархон қадаҳларга қуйилган шампан виносини қўлга олишни буюрди, сўнг куёв-келин шарафига тилак айтди:

— Қўша қаринглар, бир-бирингизга қўш хўкиздеқ ҳамдам бўлинглар, ўзларингиз қариб кетсаларингиз ҳам дилларингиз асло қаримасин, хонадонларингиздан бахт ҳеч аримасин, бир этак болаларга бош бўлинглар... Қани, олинглар, ичайлиқ.

Қадаҳлар жаранглади. Ҳаммалари яхши тилак учун ичдилар. Мухторжонгина ўзини тийди, қадаҳни лабига келтириб, яна столга қўйди.

Овқатдан кейин шаҳарни сайр қилмоқчи бўлдилар. Машина шоҳи тасмаларини ҳилпиратиб шаҳар кўчаларидан борарди. Улар Революция хиёбонига қайрилиб ўтиб, Театр майдонига келиб тўхтадилар. Лобархон, келин-куёвни бошлаб, майдонни пиёда айланишди. Ундан Қизил Майдонга ўтишди. Навоий кўчаси орқали Комсомол майдонига, ундан Университет шаҳарчасига бордилар. Қайтишда Чиратоё дарвоза, Калинин майдони билан юриб, Бешёғоч орқали аэропортга йўл олдилар. Ҳамма ерда тўхтаб, Тошкент кузининг латофатини туяр эдилар...

Аэропортдаги одамларни кўриб, Лобархон танг қолди:

— Во, тиниб-тинчимаганлар-ей, шунча одам қаёққа шошяптийкин?!

— Ҳеч бўлмаганда, ярми уйига шошаётгандир? — деди Анвар шўхлик қилиб.

— Биз ҳам шошайлик бўлмаса, — деди Мухторжон...

## Янги кун

ОЗОДА уйғониб деразага қаради. Тонг оқаришиб келмоқда эди. Яна бирпас ором олиб ётгиси келди, бироқ шайтонини қувиб, ўрнидан турди. Зинадан пастга тушди. Эшикни очиб, остонада тўпланиб қолган хас-хашакни кўрди, супуришга тутинди.

Розиябувининг қулоғига супургининг шитир-шитир этгани эшитилди. Озоданинг ҳовли супураётганини сезиб, шошганча чиқди.

— Нима қиляпсан, Озодахон?! — қизининг қўлидаги супурғига ёпишди. — Бу ёққа бер!

Озода кўнмади:

— Оз қолди, ая, супуриб қўяй.

— Менга бер, биров кўради! — деб атрофига аланглади она.

— Кўрса нима қипти? — ажабланди қизи.

— Директор эшик олдини супурипти демайдимиз?!

Озода галати бўлиб кетди. Нима, аяси ҳушомад қиляптими ё обрўсини сақламоқчимиз?

— Директор уй супурмайдимиз? — деб аччиғланди.

— Ўзингга ярашадиган ишни қил. Энди одамлар ҳар бир қадамингга кўз-қулоқ бўлиб кузатишади.

— Хўжайинсан денг, — Озода кесатиб гапирди.

— Ҳа, хўжайинсан, болам, — Розиябуви кесатиғини оғир олмади. — Бўлар-бўлмас ишга уннаб кетаверма, қизим. Ўзингни эмас, директорлигингни аяб иш тутгин...

Озода ўйланиб қолди: «Ўзингни эмас, директорлигингни аяб иш тут!» Наҳотки, бирдан ўзгариб кетса! Кеча директор бўлиб, бугуноқ супургидан айрилди. Бора-бора кулги-шўхликдан, ҳатто ёшлиқдан маҳрум бўлмаса кошқийди! Анваржон акаси билан сипоҳларча гаплашиб юрса-я?! Товба, раҳбар бўлгандан кейин, албатта, ўзгариши шартми? Йўқ, аксинча...

Розиябуви супургини олиб, ўзи уннамоқда эди. Озода супурғи талашмади. Ювиниб келиб, газ ўчоққа сув қўйди. Нонуштадан кейин идорага борди. Кечагина Берди Умаров эгалик қилган хонага киришга, унинг жойига ўтиришга, негадир, юраги бетламасди. Ўзини омонатдай ҳис этарди.

Кеча Камолов совхозга келиб, ҳамма активларни тўплади, уларга «Гулшан»нинг янги директори Озода Турдибоевани таништирди. Кўпчилик маъқул кўрди. Баъзи бировлар суратга тушаётгандай гўдайганча қолишди. Ботирқул Берди Умаровнинг бўшаш сабабини билса ҳам, атайин сўради:

— Директоримиз нега бўшаяпти?

— Бу киши уэр айтиб ариза берди, биз аризасини инобатга олдик, — деб сипоришлаб жавоб қилди Камолов. Сўнг Умаровнинг ўзидан сўради. — Шунақа-а, Берди Умарович?

У базўр ўрнидан турди. Малла юзи, шапалоқдек қулоқлари қизариб, малла киприклари пирпиради.

— Уртоқлар, — деди у столда сиёҳдонга қараганча. — Мана, шунча йил сизлар билан бирга ишладик. «Гулшан»нинг шухратини озми-

кўпми оширдик. Пахтани етти центнердан ўн саккиз центнерга кўтардик... Анчадан бери соғлиғимнинг мазаси йўқ, шунинг учун ариза бердим...

Умаров ўтирди. Анчагача ҳеч ким чурқ этмади. Камолов ўрнидан турди.

— Уртоқ Турдибоева ҳали ёш, гайратли коммунист, — деди райком секретари Озоданинг партия аъзолигига алоҳида урғу бериб. — Бу кишидан умидимиз катта.

— «Бахт»га кўчиб кетмайдими?

— Йўқ, — деди Камолов ишонтириб. — Аксинча, «Бахт»нинг директори ҳам шу ерда яшайди.

— Ичкуёв бўларкан-да, — деди ўтирганлардан аллаким.

Бу гап Озодага калака бўлиб эшитилди. Бироқ Камоловдан андиша қилиб, захрини ичига ютди...

Кечагина кўпчилик бўлиб ўтирган хонага ёлғиз кирмоқда. У хона қулфига калит солди, эшик табақасини тортиб очди, ичкарига «мумкинми» деб қадам қўйди. Орқадан эшик қирс этиб ёпилди. Утган йили Берди Умаров ҳузурига чақирганда эшик худди шундай ёпилган эди. Ушанда анави ерда туриб Озоданинг қўлларини гижимлаб ўйнаганда жон-пони қолмаган эди. Озода изига қайтиб, қулф тилини тортиб қўйди.

Жойига ўтмай берироқда тик турганча қолди. Бирдан телефон жиринглади. Озода бир учиб тушди. Шошиб бориб трубкани қулоғига тутди:

— Алло, ўзингизми? Ҳорманг! — таниш овоз эшитилди.

— Узингиз ҳорманг, Анваржон ака! Яхши ухлаб турдингизми?

— Раҳмат! Лекин яқингинада қаллиғинг бўла туриб, болиш кучоқлаб ётиш унча ярашмас экан.

— Биров йўлингизни тўсаяптими, тўй бошланг-да.

— Отам билан аям келсин. Оз қолди.

— Дадамни бизга боғбонликка унатиб берарсиз-а, Анваржон ака?

— Ие-ие, ҳалитдан-а?

— Бўлмасам-чи!

— Ишни бошладингизми? Табриклайман! Узимми биринчи табриклаган?

— Ҳа-а, ўзингиз. Энди жафосини ҳам бирга тортишасиз.

— Албатта-да, жонгинам!

— Гапни чалғитманг, Анваржон ака, унатиб берарсиз-а, дадамни?

— Биздан кўра суюкли келинига осонроқ кўнса керак!.. Нима қиялпсиз ҳозир?

— Энди чиқдим идорага. Телефонни жаранглатиб юрагимни тушириб қўя ёздингиз.

— Шундайми?! Озодахон, тушликка бормоқчиман.

— Майлингиз. Аям нима қилиб турсин?

— Угра ош бўлсаям майли...

Эшик оҳиста очилди. Бош бухгалтернинг боши кўринди:

— Мумкинми?

— Озода «келинг» деб ишора қиларкан, Анварга:

— Бўпти, келаверинг, — деб трубкани қўйди. Бош бухгалтер билан кўришди.

— Қоида бўйича, — деб қонундан гап бошлади бош бухгалтер, — эски директор совхознинг борлиқ мулкени янги директорга акт билан ўтказиши керак. Йил ҳам охирлаб қоляпти, йиллик инвентаризация ҳам бўлиши керак. Агар рози бўлсангиз икковини бирга ўтказиб қўя қолсак.

— Шундай қилсак, фойдали, қоидали бўладими? — сўради Озода.

Бош бухгалтер эринмай фойда-зарарни тушунтирди. Озода Берди Умаровнинг фикрини сўради.

— У кишига барибир, — деди бош бухгалтер.

— Мен ҳам розиман.

Бош бухгалтер эшикка чиқа туриб, қабулхонада Ботирқул ўтирганини айтди.

— Кираверсин, айтинг, эшик очиқ.

Ботирқул бўшашибгина кириб келди. Олдинги дабдаба, қўрсликлар қаёқда қолди?! Тўнғиллаб салом бердию яқин келиб қўлидаги қоғозни оҳиста столга қўйди.

— Утиринг, Ботирқул ака, — деди Озода. Бир зум синовчан қараб турди-да, сўради: — Тобингиз йўқми?

Ботирқул индамади, столга қўйган қоғозга қараб тураверди. Озода узашиб қоғозни олди. Ўқиди. Ариза экан. Унда оилавий узри борлиги айтилиб, бўлим бошқарувчиси вазифасидан бўшатиш сўралган эди. Озода ораларидаги кўнгилсиз воқеаларни эслади. «Ботирқул энди янги директор ўч олади, ундан кўра ариза бериб кета қолай», деб мўлжал қилибди-да. Озода тушунди. Ботирқул билан жанжаллашгани тўғри, лекин унга нисбатан ғарази йўқ. Нима десин? Қолинг, кетманг деб ялинсинми? Аччиқ-аччиқ гаплар айтиб йўлга солсинми? Йўқ, Озода индамади, ариза четига бир нималарни ёзди-да, Ботирқулга узатди. Ботирқул аризани буклаб, лом-мим демай чиқиб кетди.

Тўғри бош бухгалтер ёнига кириб, аризани столга ташлади.

— Бу нима? — деб сўради бухгалтер ишдан бошини кўтармасдан.

— Ариза, — деди Ботирқул директорнинг кўнгил учун «қолинг» демаганига хуноби ортиб. — Ҳисоб-китоб қилинг.

Бош бухгалтер қоғозни олиб, шошмасдан очди. Кўзнойнагини тақиб, аввал аризани, кейин директорнинг ёзувини ўқиди. Аризани яна буклаб Ботирқулнинг олдига суриб қўйди. Ботирқулнинг зардаси қайнаб кетди.

— Нима қияпсиз? — деб аризани олдига ташлади.

Бош бухгалтер пилагини бузмай, аризани қайтариб суриб қўйди-да:

— Ҳовлиқманг, укам, директор рухсат бермаса, мен қандай ҳисоб-китоб қиламан, — деди.

— Ёзиб қўйибди-ку, ўқинг, савод борми ўзи?

Бош бухгалтер Ботирқулнинг шошқалоқлигидан ранжиб, бошини сарак-сарак қилди, кейин мулойим жилмайди-да қоғозга ишора қилди:

— Аввал ўзингиз ўқинг, укам, кейин дўқ қилинг.

Ботирқул қоғозни зарда билан олди-да, директорнинг ёзувига тикилди, ариза четига: «Ботирқул ака, мендан ўтган бўлса, кечиринг. Сиздан ўтганларни мен кечирдим. Сиз «Гулшан»га керак одамсиз, на-сиз қилса бирга ишлаймиз ҳали. Совхоздан кетишингизга рухсат бермайман», деб ёзилган эди.

Ботирқул бир замбил лой бўлиб ўтириб қолди. Усал бўлганидан терлаб кетди. «Вой, бу қиз-ей, бу сафар ҳам тузлади-ку! Менга нима бўлган ўзи?!» Бош бухгалтер кўз ойнаги тепасидан илжайиб қараб турарди...

Бу пайт Озоданинг кабинетида Лобархон ўтирарди.

— Берди акангиз шунча йил ишлаб, кабинетига кирмаган эканман, — дерди Лобархон. — Сизнинг шарофатингиз билан мана кўрдим.

Озода ноқулай аҳволда эди: ҳар нима бўлганда ҳам эрининг ўрни-да, бу жой.

— Лобар опа, сизнинг олдингизда жуда хижолатдаман.

— Нега, ўргилай?

— Директор бўлганимга-да. Ҳарқалай, безовта бўляпсизлар...

Лобархон туриб келиб, Озодани қучди:



— Унақамас, ўргилай! Сиз бу жойни тортиб олибсизми?!

— Совхозда қоласизларми ё... — Озода у ёғини айтолмади.

— Юртимизга кетадиган бўлдик, — деди Лобархон Озодадан сир яширмай. — Акангиз ўз соҳасидан иш топмоқчи, меники тайин: муаллимман. Бўшагани бир ҳисобдан яхши бўлди. Дадам қариб қолган, беш кунлиги борми-йўқми, бориб хизматини қилай энди...

— Кетиб қоларкансиз-да, мени ташлаб, — деди Озода ачиниб.

Лобархон илгаригидек шарақлаб кулмаса ҳам, ҳарқалай, ёқимтой кулди.

— Бир иш билан келгандим, юқларимизни олиб кетгани машина буюриб берсангиз.

— Шугинами?! — деди Озода ажабсингандай. — Сўнг илтифот қилди: — Машина бир оғиз сўзингиздан айлансин!

— Ҳимматингиздан ўргилай, Озодахон, — деди суўниб Лобархон ўрнидан тураркан. — Қиринг, кетар жафоси қилиб, манти пиширамиз.

— Жоним билан, Лобар опа. Бизникига ҳам чиқасиз-а?


— Қўлим бўшасаёқ чиқаман, ўргилай.

Озода уни кўчагача кузатиб чиқди. У кетгач, очиқ саҳнда ёлғиз қолди. Шаҳар тарафдан мой ташийдиган машина ғизиллаб келарди. Озода даставвал Мирзачўлга шу машинада келганини эслади. Эҳ-ҳе, ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Озода тиниб-тинчимади. Астойдил меҳнат қилди, меҳнат туфайли сўнмоққа юз тутган муҳаббати янги руҳ, буюк эътиқод билан бойиди. Ҳаёт қозонида қайнаб тобланди... Унинг Мирзачўлга қўйган қадами қутлуғ келди. Ўз ҳаётини Анвар билан боғлади.

«Дарвоқе, Анваржон акам угра ош буюрган эди». Озода бу ширин ўй таъсирида уйи томон кета бошлади.

Дўрмон — Малеевка — Ширмонбулоқ.





СОЦИАЛИСТИК  
МАМЛАКАТЛАР  
АДАБИЁТИДАН

Драгомир Асенов

# Олтин билан таъинланган

(Ҳақиқат шайдолари)

УЧ ПАРДАЛИ ПЬЕСА

Русчадан УИФУН таржимаси

ҚАТНАШУВЧИЛАР

**СПАСОВ.** Инженер, заводнинг собиқ директори, 50 ёшларда.  
**МАРИНЧЕВА.** Унинг секретари, 45 ёшларда.  
**ЛЕКОВ.** Инженер, директор уринбосари, 45 ёшларда.  
**НУНЕВА.** Инженер, 45—50 ёшлар орасида.  
**ПЕТРУНОВ.** Инженер, заводнинг янги директори, 30 ёшларда.  
**ВАСИЛКА.** Спасовнинг қизи, ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган.  
**ХИНКО.** Нуневанинг ўғли, 20 ёшдан сал ошган.

Воқеа бизнинг кунларимизда бўлиб ўтади.

## Биринчи парда

Кабинетдаги барча жиҳозлар, бу ер заводдаги энг биринчи кишининг иш жойи эканидан далолат бериб турибди: катта ёзув столи, китоблар терилган узун стеллажлар, кичкина журнал столи атрофида креслолар, деворларда манзарали суратлар ва портретлар, қалин дарпардалар. Ёзув столи устида уч телефон: оқ, қора ва қизил, полда абстракт расмлар солинган гилам.

Инженер Спасов нима биландир банд, биринчи қарашда ғалати кўринади: ёзув столининг яшиқларини тортиб очади, уларнинг ичига кўз югуртириб чиқади, сўнг яна уларни ёпиб қўяди. Вақти-вақти билан навбатдаги яшиқдан қандайдир қоғоз олиб, диққат билан кўздан кечиради, сўнг қайтадан яшиқка солиб қўяди, ёки йиртиб саватга ташлайди, у бу машғулотни ўйчун ва қоғоқ солган ҳолда бажаради. Оқ телефон жиринглайди. Спасов трубкани олмай, стол ёнидан нари кетади ва креслолардан бирига бориб ўтиради. Телефон бир дақиқа тўхтабди, сўнг яна устма-уст тўхтовсиз жиринглайди.

Оҳиста қадам ташлаб Маринчева киради, унинг юзида чуқур таажжуб.

Маринчева. Уртоқ директор, телефон...

Спасов. Менга эмасдир... (Кескин). Йўқ, менга эмас!

Маринчева (журъатсиз). Нима қилаяпсиз?

Спасов. Ярамни тузатаяпман.

Маринчева (ўпкали). Уртоқ директор...

Спасов. «Уртоқ директор! Уртоқ директор!» Нима, мендан куляяпсанми?

Маринчева (хижолат тортиб). Кечирасиз... Ҳозиргина кофе қайнатувдим, олиб келайми?

Спасов. Энди менга бу ерда кофе берилмайди.

Маринчева (унга тақлид қилиб). «Энди менга кофе берилмайди».

Спасов. Яна нима дейсан? Нима, изтироб чекишга менинг ҳаққим йўқми? Ёки сен ҳам тошюрак бошлиқ деган афсонага ишондингми?

Маринчева. Мен сизни кўпдан бери биламан, сиз ҳар қандай ташвиш, омадсизликка ҳам эркакчасига бардош бера оладиган одамлардансиз...

Спасов. Миннатдорман, ниҳоят, мен ўзим тўғримда битта яхши гап эшитишга муваффақ бўлдим.

Маринчева (хурсанд). Демак, кофе келтирайми?

Спасов (бошига бирдан қандайдир бир фикр келиб) Ҳали вақтимиз бор, жуда бўлмаса совуғини ичармиз... Утир, сен билан гаплашмоқчиман!

Маринчева (истар-истамас унинг рўбарўсидаги креслога ўтиради). Яхши... Аммо...

Спасов (тез). Нима «аммо?»

Маринчева. Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гаплашишга ҳали эртароқмикан... Ундай масалаларни асаб тинчигач, хотиржам бўлиб муҳокама қилиш лозим.

Спасов. Бу қойда менга тўғри келмайди.

Маринчева. Сиз ҳали ҳам қаттиқ ҳаяжондасиз, бу аҳволда холис сўзлашиш мумкин эмас.

Спасов. Ходислик — энг олий диёнат деб, сенга қайси аҳмоқ айтди?

Маринчева. Олий диёнат — бу ҳаққоният. Демак, дунёга холисона қарамасдан мумкин эмас.

Спасов. Агар гаплашиш келмаса, майли, мажбур қилмайман. Дарҳақиқат, агар иккаламизнинг бемалол суҳбатлашиб ўтирганимизни кўриб қолсалар, сенинг шаънингга доғ тушиши мумкин.

Маринчева. Мен бунақа киноларга сабаб бўладиган иш қилганим йўқ эди-ку?...

Спасов. Бор, бор, уни чақиришинг мумкин!

Маринчева. Қимни? Қимни айтаяпсиз?

Спасов. Қимни бўлар эди? Янгини!.. Нафсиламбирга, у қаёқларда юрибди? У киши шанба кунидеҳ тахтга ўтириши керак эди-ку?!

Маринчева. Заводни айланиб юрибди — цехдан цехга, бўлимдан бўлимга ўтиб.

Спасов. Демак, коллегиянинг қатъий қарорини кутаяпти. (Киноя билан). Дуруст, мулоҳазалик... Ҳа, тақдир билан ўйнашиб бўлмайди... қарабсанки, сенинг номзодингги маъқуллашмабди!

Маринчева. Айтишларига қараганда, у инженер Леков билан бирга ҳужжатларни титкилаётган эмиш, хуллас ўрганаётган эмиш.

Спасов. Майли, майли, титкилайберсин! Мендан баъзи нарсаларни ўрганиши мумкин, гарчи мени қоралашга қанчалик уринаётган бўлмасин!

Маринчева кўзғолади.

Утир! Утир! Мен уч кечаю уч кундуздан бери мижжа қоққанам йўқ, ҳамма вақт ўйладим, ўйладим... Аммо, ўйимнинг охирига етолмадим, бирор қарорга келганим йўқ...

Маринчева (ўтиради). Нимани ўйлаб топмоқчисиз. Ё қандай қарорга келмоқчисиз?

Спасов. Ке, очикчасига гаплашайлик. Мен аминман, сен ҳеч қачон менинг душманларим орасида бўлмайсан...

Маринчева. Уртоқ Спасов...

Спасов (ҳаяжонда). Менга ростини айт... Мени ранжитаман ё хафа қиламан деб қўрқма... Уларнинг айблашлари ҳаққонийми?

Маринчева. Бу масалаларга четдан туриб қараш мен учун қийин, ахир, сизнинг фаолиятингиз давомида мен ҳам иштирок қилганман-ку...

Спасов. Ўзингни четга олиб қочмоқчимисан? Наҳотки сен, энг оғир ҳақиқатни ҳам эшитишга менда етарли куч йўқ, деб ўйласанг?

Маринчева. Яхши. Тўғрисида айтишга ҳаракат қиламан. Менимча, уларнинг айблашлари асоссизга ўхшайди.

Спасов. Сен ўйлайсанки, улар...

Маринчева. Ҳа, маълум даражада...

Спасов (ғазабланади). Сен менга бу гапларни энди айтасанми? Нима учун бу гапларни менга бундан икки йил, уч йил... етти йил аввал айтмадинг?

Маринчева. Мен ўзим ҳам бу гапларни яқинда англай бошладим... Унинг устига, кўп одамлар ўз мулоҳазаларини сизга илгари ҳам айтишган эди... Аммо, сиз уларнинг гапига қулоқ солдингизми?

Спасов. Агар сен ҳақорат ва жанжалларни назарда тутаётган бўлсанг, рост, мен у машмашаларни эшитмаслик учун ҳамма вақт қулоғимга пахта текиб олардим.

Маринчева. Демак, одамнинг қулоғи — унинг, қаёққа — юқори-гами ё пастгами кетишига қараб, ҳар хил оҳанглари эшитиб олар экан-да. (Аранг). Сиз... Сиз одамлардан ажралиб қолдингиз... уларнинг ташвиши, талаблари ишингиз бўлмай қолди... Сўнгги вақтларда инженерлар ва ишчилар билан бўладиган учрашувиңиз ниҳоясиз, моношогга айланди — фақат сиз гапирасиз, фақат сизгина гапиришга ҳақлисиз...

Спасов. Тўғри эмас! Мен ҳеч кимдан ўз фикрини ҳимоя қилиш имкониятини тортиб олганим йўқ!

Маринчева. Бора-бора ҳамма англадики, сиз ўз овозингиздан бўлак ҳеч нарсани эшитмайсиз. — шундан кейин жим бўлдилар.

Спасов. Монолог дейсанми? Ниҳоясиз монологлар... Аммо, мен уларни иш билан, амалда асосладим-ку, ахир? Мен бу ерга келганимда, бу ерда бори-йўғи бешта барақат бор эди ва ҳаммаси бўлиб уч юз кишигина ишларди... Ҳозир эса бизнинг битта цехимиз, баъзи бир катта заводларникидан кўпроқ майдонни эгаллайди! Биз бу ерда тўрт минг кишини боқиб ўтирибмиз, яқин орада эса ишчилар сонини яна уч минг кишига кўпайтирамиз. Бу ишларнинг ҳаммасида — менинг қоним, менинг асабим, менинг тинимсиз кунларим, уйқусиз тунларим бор!

Маринчева. Яна «мен... мен... мен...» Бошқа одамларнинг меҳнатига баҳо бермайсиз...

Спасов. Қуллуқ! Сен менинг душманларимдан ҳам ошиб тушдинг-ку! Улар, ҳар ҳолда, мендан ўз хизматларим билан гурурланиш ҳуқуқини тортиб олмайдилар.

Яна телефон жиринглайди. Ҳар иккаласи ҳам телефонга қарашади.  
Маринчева ўрнидан туради ва бориб трубкани олади.

Маринчева. Эшитаман? Ҳа, марҳамат. (*Қўли билан мембранани бекитиб, секин*). Қизингиз...

Спасов. Мен учун бирдан-бир астойдил куйинадиган одам, шубҳасиз, хотинимни ҳисобга олмасак... (*Трубкани олади*). Ҳа, ҳа, менман! Оқибатда улар ютқизишади. Улар ютқизади, мен эмас! Тинчлан! Василка, мен тезда қайтаман... Яхши, аммо, акангга бир оғиз ҳам гапира кўрма, бемалол ҳимоясини қилиб олсин... Хайр, кўришгунча! (*Трубкани жойига қўяди*). Хўш, ўйлайманки, бу гапни давом эттиришга ҳожат йўқ, мен ўзимнинг котибам... садоқатли котибам билан хайрлашиб қолишни истамас эдим... (*Қатъий*.) Кетдик! Ўйлайманки, сен тушунарсан — мен бу остонага қайтиб қадам босмайман!

Маринчева (*ҳаяжонда*). Йўқ, йўқ, сиз бу хилда кетолмайсиз, кетолмайсиз!

Спасов. Нега — бу хилда?

Маринчева. Бу хилда, ҳеч ким билан хайрлашмасдан кетолмайсиз... Сиз бу ерда тўққиз йил ишладингиз, наҳотки, яхши ният билан қўлингизни маҳкам қисадиган битта ҳам одам топилмаса!

Спасов. Ўзинг мажлисда бор эдинг-ку, уларнинг худди бўрилардек туш-тушдан менга ташланганларини кўрдинг-ку...

Маринчева. Баъзи бировлар, гарчи, аямасдан гапирсалар ҳам, чин юракдан, виждонан гапиришди. Сиздек одам уларнинг мурувватига муҳтож эмас.

Спасов. Хўп, сен агар қилишни топшириш маросимини ўтказиш лозим десанг, истаган одамингни чақир!

Маринчева. Билмадим — балки, инженер Лековни чақирайми?

Спасов. Лековни? Уша мутгаҳамни-я!

Маринчева. Тўққиз йилдан саккиз йилдирки, сизнинг биринчи ёрдамчингиз бўлиб келди, дейиш мумкин, у ҳамма ишда сизнинг ўнг қўлингиз эди. Одамларнинг кўзида Леков — худди сизнинг соянгиздек эди...

Спасов. Тўққиз йилдан саккиз йил Леков менинг қўлимдан вазифа, мукофот, чет эл командировкаларини олиб келди... Буларнинг ҳаммаси оғир дамларда устимдан ювинди қуйиш учун экан...

Маринчева. Унинг ҳатти-ҳаракатлари менга ёқмай ётибди, ўйлайманки, кўрқидан бўлса керак...

Спасов. У мен билан алоқани узишга шошилди... Йўқ, мен унақа хашаки одамларга қўл бермайман!

Маринчева. Хўп, ундай бўлса, бошқа бировни чақирайлик — ахир сиз бу ерда уч юз ветеран бор дейсиз-ку.

Спасов. Яхши, инженер Нуневани чақир!

Маринчева. Қимни?

Спасов. Ружа Нуневани — мен очиқ қилиб айтдим чамаси!

Маринчева. Ҳазиллашяпсизми?

Спасов. Йўқ, нега ахир? Тўққиз йилдан саккиз йил бир-биримиз билан, қўлда қурол, бурчакларда яширинмасдан, ғийбат қилмасдан, очиқчасига курашиб келдик. Хўш, шундай экан, наҳотки мен оқибатда унинг қўлини сиқишим ва... уни ғалаба билан табрик қилишим мумкин бўлмаса?

Маринчева (*ҳайрон*). Шубҳасиз. Албатта. Инженер Нунева... Ахир, сиз мажлисда унинг сўзларини ҳам эшитдингиз-ку.

Спасов. Нунева сўнги, ҳал қилувчи мажлисда нима деган бўлса, ҳамма вақт ва ҳар ерда, ҳамма йиғинларимизда, ҳамма мажлисларимизда ҳам гапириб келган.

Маринчева. Демак, ундан узр сўрашингизгина қолган экан-да.

Спасов (*чўзиб, оғир*). Мен бурчимнинг амрига бўйсуниб, давримнинг талабига мувофиқ эртаю кеч ишладим. Эҳтимол, мен энди ке-

рак эмасдирман, эҳтимол менинг усулларим эскиргандир. Билмадим, ўзим амин эмасман. Аммо, мен, ким бўлишидан қатъий назар, бировнинг олдида узр сўраш лозим деб, ҳисобламайман!.. Ундан кейин мен қарорга норози бўлиб ариза бердим!

**Маринчева (хайрон).** Масала қайтадан кўрилади деб ўйлайсизми?

**Спасов.** Ҳар ҳолда мен министрлик коллегиясининг мажлисига таклиф қилинганман, ҳа, мен жангсиз таслим бўлмайман! Ҳа, хўш, нима учун таслим бўлишим керак? Завод планини ошиғи билан бажараяпти, янги технология жорий қилиш эса, фақат менинг айбим билангина эмас, министрликнинг айби билан ҳам тўхтаб қолди. Хўш, маҳсулот бериш...

**Маринчева (унинг сўзини бўлиб).** Ҳожати йўқ — буларнинг ҳаммасини бир неча бор гапиргансиз.

**Спасов.** Хотиржам бўл, запасимда жуда муҳим далилларим бор! Ҳали кўрамиз, ким кимни! *(Тинчланиб.)* Энди, илтимос, менинг сўнги буйруғимни бажар!

**Маринчева.** Ахир, ўртоқ Спасов...

**Спасов.** Мен сенга Нуневани чақир деяпман!

**Маринчева.** Яхши, ҳозир чақираман.

Кабинетга, кўлида папка, отилиб Леков киради. Спасовни кўриб ноқулай аҳволга тушади. Афтидан, собиқ шефимни бу ерда учратаман, деб ўйламаган бўлса керак. **Маринчева** ҳам унғайсизланади.

**Леков.** Инженер Петрунов бу ерда йўқми?

**Маринчева.** У ҳамон цехларни айланиб юрибди.

**Леков.** Ўйлабманки, ҳалиги... Кечирасиз...

**Маринчева.** Марҳамат...

Ноқулай вазият кучаяди. **Маринчева** собиқ дўстларни холи қолдириб, кескин бурилиб, кабинетдан шитоб билан чиқиб кетади.

**Спасов.** Сенга очиқ айтдилар-ку — Петрунов бу ерда йўқ! Ҳа, олдида дум чайқайдиган одаминг бу ерда йўқ!

**Леков.** Унақа дема, ахир биз сен билан...

**Спасов (унинг сўзини бўлиб).** Ким эдик — дўстми ё душманми?

**Леков.** Ҳар ҳолда — сафдош эдик!

**Спасов.** Очиқроқ жавобни яхши кўраман. Шу топдагина котибам билан суҳбатлашаётиб, сенинг тўғрингда нима деганимни билгинг келадими? Мен сени муттаҳам дедим!

**Леков.** Ҳазаб ва ўжарлик билан кўп натижаларга эришолмайсан.

**Спасов.** Мен ҳамма нарсага эришдим. Ўйлайманки, сен, сенга ўхшаганлар ҳам ўз қилмишларига яраша ҳиссасини олади.

**Леков.** Бу мукофот — садоқат ва меҳнатсеварлигим учунми, ёки, ўзимни тийиб юришим, ҳамма вақт ва ҳамма нарсада иккинчи бўлиб юришга рози эканлигим учунми?

**Спасов.** Сен нимадандир норозига ўхшайсан?

**Леков.** Ҳа, сен менга ортиқча нима ҳам қилган эдинг?

**Спасов.** Ие, ҳали шунақами? Сенга яна нималар қилишим керак эди? Мен сенинг ўғлингни тажриба алмашиш учун Лейпцигга юбордим. Сенга заводнинг резервидан энг яхши квартира олиб бердим. Ҳа, ахир, барака осмонидан ёғилгандай, оилангнинг бошига ёғилган бойликларни санаб тугатиш мумкинми?

**Леков (таҳқирлаб).** Ҳа, жаноби олийлари садақаларни ўз ҳамёнларидан берган эканлар-да?

**Спасов.** Мен сени, шунчалик пастликка боради, деб ўйламаган эдим.

Л е к о в. Лейпциг, квартира, барака ёмғири... Буларнинг ҳаммаси давлатники, сеники эмас! Агар, директор бошқа бирор одам бўлганида ҳам, мен буларнинг ҳаммасини олган бўлардим! Сендан ниманики олган бўлсам, ҳаммаси ҳам қонун бўйича, шундай катта завод директори-нинг ўринбосари бўлганим учун менга тегар эди.

С п а с о в. Шунинг учун ҳам сен ўзингни собиқ директорнинг пайига тушган одамлар қаторига қўшган экансан-да?

Л е к о в. Сен мени Нулева билан аралаштирма!

С п а с о в. Наҳотки, сен, мажлисда чиқиб мени дўппослаётганингда, залда ўтирган одамларнинг ноқулай вазиятга тушиб қолганини сезмаган бўлсанг.

Л е к о в. Агар иложи бўлганда сўзга чиқмаган бўлардим!

С п а с о в. Хўш, сени ким мажбур қилди?

Л е к о в. Бунинг аҳамияти йўқ... Ва ҳеч нарсани исбот қилиб бўлмайди, чунки, бундай операциялар юзма-юз, гувоҳсиз: маъноли имо-ишоралар, унчалик аҳамияти бўлмаган ифодалар воситаси билан қилинади.

С п а с о в. Қўнмасанг нима бўлар эди? Фашистлар давридагидек, сени олиб чиқиб тонг билан осишармиди? Ҳа, тушунарли, энг ёмон ҳодиса юз бериши мумкин эди — сени кичикроқ столга ўтқизишарди! Еки, гапимизга кирсанг сенга тегмаймиз, деб ваъда беришганмиди?

Л е к о в. Э, мен сени деб иккинчи ўриндан ажралишни истамайман, гарчи бириңчи ўринни эгаллашга ҳам қобилиятим бор эканини исбот қилган бўлсам-да! Менга бунақа қарама — мен ҳам, бошқалар ҳам сендан кам эмасман, биз ҳеч нарсада ҳам сендан қолишмаймиз! Эшитдингми?

С п а с о в. Афсус, қанча хатолар қилганимни энди яққол кўриб турибман. Ва менинг энг даҳшатли хатоларимдан бири, сенга партияга кириш учун тавсиянома берганлигим. Партияда ҳам, унинг сафида ҳам сендай аблаҳларга ўрин йўқ! Ва бўлмаслиги ҳам керак!

Л е к о в. «Аблаҳ» «муттаҳам»... Сен бу гапларинг учун жавоб бера-сан! Агар бунақа дағал гаплашадиган бўлсанг, мен ҳам шу йўсинда сўзлайман. Сенга шу «хуш» хабарни камоли хурсандчилик билан изҳор этаманки, сенинг ҳалокатингни ҳамма ҳам жуда катта шодлик билан, энгил тортиб қабул этди! Қадим замонлардан маълумки, золимнинг ҳалокати фақат душманларгагина эмас, балки, унинг дўстларига ҳам озодлик келтиради!

С п а с о в. Йўқол, аблаҳ! Жўна бу ердан!

Эшик олдида Маринчева билан Нулева ҳайрон бўлиб қараб қолишади. Леков ўгирилади ва зудлик билан кабинетдан чиқиб кетади.

М а р и н ч е в а. Бу ерда нима бўлаяпти, ўзи?

С п а с о в. Чўкаётган кема устида муҳаббат изҳор қилинди. (Нулевага). Кириг, марҳамат...

Н у л е в а. Мени чақир деб буюрган экансиз...

С п а с о в. Мен сизни чақир деб илтимос қилдим, энди буйруқ беришга менинг ҳаққим йўқ... Биласизми, очигини айтсам, бу гапни манови киши ўйлаб чиқарди. (Маринчевага ишора қилади.) Бу кишининг фикрича, мен, майдонни тарк этишдан олдин, кимнингдир қўлини сиқисим керак эмиш... Мен эса сизни танладим.

Н у л е в а (асабий). Сиз ҳозирга қадар мендан кулишга йўл қўймас эдингиз-ку.

С п а с о в (чўчиб). Онт ичаман, бу кулиш эмас! Наҳотки биз сиз

билан бир маротаба бўлсин асабийлашмасдан, ёвлашмасдан ҳамкасб сифатида осойишта гаплаша олмасак?

Нунева. Агар сиз шуни истасангиз, агар бу тузоқ бўлмаса... марҳамат.

Спасов. Қани, ўтиринг, ўтиринг, марҳамат.

Нунева креслолардан бирига ўтиради.

Сизнинг фикр ифодалаш услубингизни қўллаб, шуни айтмоқчиманки, сиз, ҳозирга қадар менга, тузоқ қўйиш мўлжали бор, деб шубҳа билан қарашга йўл қўймас эдингиз. (*Ўтиради.*) Мана, бир-биримизга рўбарў бўлиб — ашаддий душманлар сифатида эмас, балки, оддий ва бир оз чарчаган одамлар бўлиб ўтирибмиз. Оғир-а?

Маринчева. Бориб кофе олиб келай... (*Чиқиб кетади.*)

Нунева. Билмадим, оғирми, енгилми, билмадим, аммо, менинг аҳволим қалай эканини сиз бир тасаввур қилиб кўринг-а?

Спасов. Шундай қилиб, сиз мағлубнинг қўлини сиқшга тайёрмисиз?

Нунева (*жилмаяди*). Сизга нима бўлди, ўзи? Сиз бунчалик таъсирчан эмас эдингиз, шекилли. (*Қатъий.*) Ҳа, мен, мени ҳам газаблантирадиган, ҳам ҳайратга соладиган инженер Спасовнинг қўлини сиқмаслик учун ҳеч қандай сабаб тополмайман.

Спасов. Газаблантириш ва ҳайратга солиш — бу нарсаларни бири-бирига қўшиб бўлмайди.

Нунева. Мен учун — қўшиб бўлади!

Спасов. Буни сиз нима билан изоҳлайсиз?

Нунева. Характернинг диалектикаси билан... Сизнинг характерингиз эса, маълумки, оддий характерлардан эмас.

Спасов. Ҳа, майда гап бошланди... Биринчи рақамлик айбим: мен одамлардан ажралиб қолган эмишман, уларнинг дарди ва эҳтиёжлари билан ишим йўқ эмиш.

Нунева. Агар сиз мени, саккиз йиллик мунозарамни давом эттириш учун чақирган бўлсангиз, — яхшиси, гаплашмай қўяқолайлик, акс ҳолда яна уришиб қоламиз. Бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида эса, ҳар кимнинг ўз мулоҳазаси бор.

Спасов. Мени инженер Нуневанинг мулоҳазалари қизиқтиради!

Нунева. Хўш, нима учун энди, фақат менинг мулоҳазаларим сизни қизиқтиради? Биз ўзимиз...

Спасов. Биламан, биламан — сиз менинг биринчи душманимсиз! Шунга қарамасдан, мен, яқингинада атрофимда гирдикапалак бўлиб юрган баъзи бир лаганбардорларнинг эмас, балки, сизнинг фикрингизни эшитишни афзал кўраман.

Нунева. О, бу тараққиёт-ку. Яхши, уриниб кўраман! Демак, гап шундаки, сизнинг раҳбарлик қилиш усулингиз аста-секин, бизнинг замонавий заводимиз сингари буюк механизмни коллектив бўлиб бошқариш афзаллигини йўққа чиқарди.

Спасов. Хўш, директорнинг шахсий жавобгарлигини қаёққа қўй дейсиз? Ҳамма нарса учун ҳам шахсий жавобгарлик: ҳамма вақт ортиги билан бажариб келаётганимиз план учун ҳам, фойдани таъминлаш учун ҳам, ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун ҳам, ишчи кучининг бир маромда бўлиши, стабиллиги учун ҳам, маданий-маиший таъминот учун ҳам — ҳаммаси учун ҳам! Ҳа, янги технологияни жорий қилишни бир қадар кечиктираётган бўлсак, бу фақат менинггина айбим эмас.

Нунева. Ютуқлар камчиликларни йўққа чиқаролмайди. Раҳбар одам узоқни кўриб иш қилиши керак...

Спасов (*сўзини олиб*). Узоқни кўра оладиган раҳбар. Бундан чиқдики, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузини баъзан узоқни кўролмайдиган раҳбарлар ҳам олаберар экан-да?



Нунева. Мен бундан беш йил муқаддам сизга Қаҳрамонлик юлдузини олдинроқ бериб қўйишди, бу ҳол сизга ёмон таъсир кўрғазиси мумкин, деб айтган эдим! Гарчи сиз бошқача ўйлаган бўлсангиз ҳам...

Спасов. Эҳтиёт бўлиб гапиринг! Сизнинг диалектикангиз сафсатадан нарига ўтмайди!

Патнисда икки чашка кофе кўтариб, Маринчева киради, уларни Нунева билан Спасовнинг олдига қўяди.

Нунева. Раҳмат, мен кофени камроқ истеъмол қиладиган бўлиб қолганман...

Маринчева. Бу кабинетда кимлар ҳам кофе ичмаган дейсиз. Ҳамма, фақат сиздан бўлак.

Спасов. Маринчева бизга кофени худди тинчлик пиёласидек келтирди... Афсуски, кеч — жанг тугаган, жанг майдони мурдалар билан тўла.

Маринчева. Мағлублар бор, аммо, мурдалар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас! Ҳар ҳолда, токи биз ўзимизни коммунистлар деб ҳисоблар эканмиз!

#### Чиқиб кетади

Спасов (Нуневага). Ахир сиз биласиз-ку, мен бир неча бор сизни ишдан бўшатиш, ўз даргоҳимдан узоқлаштириш имкониятидан фойдаланишим мумкин эди. Аммо, мен бундай қилмадим.

Нунева. Қўлдан кетган имкониятга ачинаяпсизми?

Спасов. Йўқ.

Нунева. Мен ҳаммавақт айтиб келдим ва яна айтаманки, сиз бир қанча жозибали фазилатларга эгасиз. Шунинг учун ҳам сизнинг ёмон хусусиятларингиз билан курашиш қийин.

Спасов. Энди, шу пайтда, мен ўзимнинг биринчи душманимга нисбатан тариқча ҳам хусумат сақламайман...

Нунева. Мен ҳам ҳозир сизга нисбатан зиғирча бўлсин, хусумат сезаётганим йўқ... Ҳа, шу дақиқага қадар... Сиз мени жуда кўп кунлар ва тунлар заҳарлаб келдингиз. Мен неча бор жуда оғир изтироблар келдим ва сиздан олдинроқ ўша, сентябрь тонгида биринчи баракни қуриб, уни монтаж цехи деб атаган заводдан кетмоқчи ҳам бўлдим. Бундан ҳам оғир кунлар бошимга тушди. Бир куни мен шундай бир қарорга келдимки... Йўқ, яхшиси хотираларни ковламайлик...

Спасов. Шундай бир қарорга келдингизки...

Нунева. Вазиятим ниҳоятда оғир эди — бола, оилада бузилиш... Ушанда, мен сизнинг Олтин юлдузингиздан... Мукофот топшириш вақтида секретарь айтган сўзлардан қўрқиб кетган эдим. Ушанда, худди шу кабинетга келиб сизга таслим бўлиш... садоқат кўрсатиш, бўйсунуш актини топширмоқчи бўлдим.

Спасов. Хўш, нега келмадингиз? Дўст бўлиб қолишимиз мумкин эди!

Нунева. Бу шармандаликдан мени нима қутқарди, нима сақлаб қолди — ўзим ҳам билмайман. Дўстлик масаласига келсак, сизнинг феъли-атворингиз билан дўст бўлиш мумкин эмас — сиз дунёни бошлиқлар ва бўйсунувчиларга ажратасиз.

Спасов. Сиз ҳам анойи эмассиз — чақиш қийин бўлган тош ёнғоқсиз! Кулманг — бу лутф эмас, балки, таъна.

Нунева. Бу, кетиш олдидан менга берган энг қимматли инъомингиз.

Спасов. Яна қанақа инъом!

Нунева. Бундан кўп йиллар муқаддам менга отамнинг иши ҳақидаги полиция ҳисоботини варақлаб кўришга имконият беришган эди.

У тўққизинчи сентябрдан бир ой илгари ўлдирилган эди. Ҳужжатларнинг бирида, баданига электр токи юборилса ҳам, тирноғининг остига игна суқишган бўлса ҳам, маҳбуснинг чурқ этмагани — у чақиш қийин бўлган тош ёнғоқ эканини айтилган экан...

**С п а с о в (ҳайрон).** Қизиқ таассурот... Мен жуда ҳайрон қолдим, сиз, афтидан мени қандайдир бир мудҳиш махлуқ деб, ўйласангиз керак. Ҳа, бу одатий ҳол — бирор кишини ишдан олишдими, унга миннатдорчилик билдириш ўрнига, уни сўқишади.

**Н у н е в а.** Сиз мудҳиш махлуқ эмассиз, аммо, худонинг мўмин бандаси ҳам эмассиз!

**С п а с о в.** Мен худонинг беозор махлуқи, мўмин бандаси бўлишга уринмайман, мен дағал проза соҳасиданман! Ҳа, асли, бу гапларни қўзғамасак яхши бўларди — бир-биримизга душман бўлиб ишладик, яна душманлигимизча ажраламиз!

**Н у н е в а.** Демак, кетиш олдидан менинг қўлимни сиқишни хоҳламас экансиз-да!

**С п а с о в.** Мен мурувватга муҳтож эмасман!

**Н у н е в а.** Бу сизнинг таклифингиз эди, меникимас... (*Уридан турди*). Хайр.

*Эшик орқасидан овоз. Тўхтанг!*

Кабинетга икки қўли билан ичи роса тўлдирилган портфелини қучоқлаб, инженер **Петрунов** отилиб киради.

**Петрунов.** Мен тасодифан жудолик эпилогларингни эшитиб қолдим. Спасов, баъзан чекиниш донолик белгиси бўлади...

**С п а с о в.** Баъзан эса хулқий қатъиятсизлик ифодаси бўлади.

**Петрунов.** Сиз дағал одамсиз, жуда дағал. Мен буни стажировкамнинг биринчи ҳафтасидаёқ, менга хайфсан берганингизда, ишга янги тушган одамнинг ғайратини назар-писанд қилмаганингиздаёқ билган эдим!

**С п а с о в.** Брак ишингиз учунми?

**Петрунов.** Худди шундай — куйган чўянимнинг брак бўлиб чиққани учун. Сиз, ёшликнинг оддий хатосини бир ярим йилдан кейин, менинг тамом қобилиятсиз эканимнинг гувоҳи деб атадингиз!

**С п а с о в (ҳаяжонда, аммо, ўзини босади).** Сиз ўшанда квартал планни барбод қилган эдингиз, бу эса, кимнингдир ғайратидан, шижоатидан муҳимроқ эди!

**Петрунов.** Ҳа, сиз, ўшанда ёш кадрга юмшоқроқ муомала қилишингиз мумкин эди. Ахир, ишлаб чиқариш ҳам меҳрибон устозларга муҳтож-ку.

**С п а с о в.** Бу завод, нозик-ниҳол қизлар пансион эмас. Ҳа, албатта, агар ўртоқ Нунева директор бўлганларида, гуноҳларингизни кечириб, оналик ҳисси билан бошингизни силаган бўлар эдилар.

**Н у н е в а.** Нотўғри, мен ҳам жазолаган бўлардим. Аммо, мен, шу билан бирга унинг ўргамчиклигини, ёшлигини эътиборга олган бўлардим.

**С п а с о в.** Балки, сиз, бу ўргамчик ёшнинг, бир ярим йилдан кейин бошлигингиз бўлишини ҳисобга олгандирсиз? Менимча, шундай бир давр келдики, сизнинг сира ён бермаслигингиз, мустаҳкамлигингиз ҳақидаги шону шуҳрат чок-чокидан сўкилиб кетди.

**Н у н е в а.** Бу тўхмат билан сиз ўзингизга обрў орттиролмайсиз.

**С п а с о в.** Сиз менга дунёдаги бор гуноҳларнинг ҳаммасини ёпиштирган эдингиз, энди эса мени бўхтончиликда айблаяпсиз...

Паузадан кейин. Чиқиб кетади.

**Н у н е в а (енгил нафас олиб).** Кўнгилсиз суҳбат...

Петрунов. Ва жуда ёқимсиз шахс. Сиз менга бир неча минут вақт ажратолмайсизми?

Нунева. Марҳамат.

Петрунов. Гапнинг ростини айтишга ҳаракат қиламан... Воқеаларнинг бориши сизни ранжитмадимми?

Нунева. Нима учун бу воқеа мени ранжитиши керак эди?

Петрунов. Нима учун дейсизми? Ахир сиз галабанинг бош авторисиз-ку: сизнинг узоқ йиллик курашингиз муваффақият билан тугади, меваси эса менга, бегона, студентлик курсисидан эндигина туриб келган одамга тегди.

Нунева. Йигитча, аёл кишига — гарчи у ҳамма нарсага ҳақиқат кўзи билан қараса ҳам — ёшлик ўтишини, куч кетишини ва ҳаётий ҳақиқатга биологик бўйсуниб пайти келганини эътироф қилиш жуда оғир. Мана шу, гоёт кўнгилсиз мулоҳаза асосида, мен ҳеч қачон европа миқёсидаги корхонани бошқаришга рози бўлмасдим.

Петрунов. Сенинг бутун афзаллигинг — фақат ёшлигингдани деган сўзни эшитиш, унчалик ҳам ёқимли эмас.

Нунева (*кулади*). Хўп, яхши, фақатгина ёшлигингизда эмас. Сиз бизга янги билим билан, ишлаб чиқаришимизга янги нуқтаи назардан қараб, унга замонавий муносабатни жорий қилиб, заводни тубдан қайтадан муҳим миссияни бажарадиган ва энг муҳими, бу муҳим миссияни бажариш учун кучи-қуввати бўлган ёш инженерларнинг намояндасиз. Мен учун, инженер Нуневанинг ҳам фазилатларини, ҳам нуқсонларини тарозига қўйиб кўриш ва тожни худди сизнинг бошингизга кийгизиш лозимлигини аңглаш учун, бутун тун бўйи ўйлаш лозим бўлди. Аммо, Мономах тожининг оғирлиги ҳақидаги классик мақолни унутманг!

Петрунов. Сиз менга ёрдам берасизми?

Нунева. Чин юракдан ва бир қадар беғараз ҳасад билан...

Петрунов. Сизнинг сўзингиз мени шу қадар ҳаяжонга солдики, кўлингизни ўпиш учун сиздан рухсат сўрашга журъат этаман.

Нунева (*кулади*). Технорук сифатидами ё аёл сифатидами?

Петрунов. Менинг пошшолгимдаги биринчи аёл сифатида!

Нунева. Унда рухсат!

Петрунов (*ҳазил-мутойибали маросим билан Нуневанинг кўлини ўнғач*). Қачонки, заводда етти минг ишчи ва инженерлар ишлаганда, қачонки, мукаммаллаштирилган агрегатлар ишга туширилганда, ўша вақтда, бизнинг заводимиз энг аъло машиналарнигина эмас, министрларни ҳам ишлаб чиқаради. Ҳа, ҳа, кулманг — министрларни ҳам! Болгария учун турли техник профилга эга бўлган министрларни худди бизнинг заводимиз вужудга келтиради.

Нунева. О, парвозингиз жуда баланд-ку.

Петрунов. Хўш, нега баланд бўлмасин? Генерал бўлишни орзу қилган солдат ёмонми?

Нунева. Кўрдингизми, мен қанчалик ҳақ эканман — бундай шижоат ёшлар учунгина кечирарлик, агар бу гап менинг тилим билан айтилса, кулгили бўлиб чиқар эди.

Петрунов. Модомики гап шундай экан, келинг охирига қадар очиқчасига гаплашайлик! Менга директорлик лавозимини таклиф қилганларида, мени икки нарса кўрқитганди. Биринчиси — сиз эдингиз. Сизнинг Спасов таъбири билан айтсак, ён бермаслигингиз, коллективга кўрсатадиган кучли таъсиригиз — буларнинг ҳаммасини бартараф қилиш, сизни ўз тарафимга оғдириш лозим эди.

Нунева. Булар амалга ошди, деб ҳисоблайверинг.

Петрунов (*таъзим қилиб*). Чин юракдан миннатдорман. Ундай бўлса — иккинчиси: собиқ директорнинг атрофидагилар. Кўрдингизми,

улар қанақа маъноли қилиб имлашдилар, бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олдилар.

Нунева. Инженер Спасовнинг тарафдорлари ҳам бор, тўққиз йиллик хизматдан кейин, бу ҳол таажжубланарли эмас.

Петрунов. Қисқаси: у ўзининг сира ҳам ажралишни истамаган тарафдорларини имтиёзларга кўмиб қўйган экан.

Нунева. Аммо, улар кейин бу ишлардан кўп пушаймон бўладилар. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги — истеъдодли кишилар, уларнинг кучидан тинчлик мақсадида фойдаланиб, уларни сақлаб қолсак яхши бўларди.

Петрунов. Айниқса, агар улар бизнинг боғимизга тош отмасалар. Мутлақо ўзаро гап: улар менинг йўлимга гов бўлмасмикинлар?

Нунева. Агар сиз уларни тушунишга ҳаракат қилсангиз, жилловини қаттиқ тортиб юбормасангиз — ундай қилишмас.

Петрунов. Мен эмас, балки, улар мени тушунишга ҳаракат қилишлари керак, ҳа, мен эмас, улар. Сизнинг айтишингизча, ёшлигимга қарамай, бошимда ҳар хил, жуда кўп планлар қалашиб ётибди. Спасов кибри-ҳаво билан, ғазаб билан эшикларни бўшатиб бўлгунча, мен ҳам тек ўтирганим йўқ! Манави портфелни кўрдингизми? (*Ўзининг қаппайган портфелини кўрсатиб*). Портфель копиялар билан тўла!

Нунева. Қанақа копиялар?

Петрунов. Ҳужжатларнинг копиялари! План бўлимининг, молия, архив, бутун цехларга доир ҳужжатларнинг копиялари! Йўқ, мен вақтни қўлдан бой берганим йўқ!

Нунева. Хўш, бу ҳужжатлар нималардан иборат экан!

Петрунов. Булар Спасов тарафдорларини қўрқитиш учун восита! Мен уларни шундай қўрқитайки, уларга сичқон уйи минг танга бўлсин. Спасовнинг ўзини эса судга бераман! Шубҳасиз, агарда далиллар етарлик бўлса.

Нунева. Нима қилмоқчисиз? Бундай қилиб Спасовнинг фақат дўстларинигина қўрқитмайсиз... Спасов фаолиятининг қай томонига ишора қилмоқчимисиз?

Петрунов. Сиз билан биз кенг жамоатчилик олдида ошкор қиладиган фаолиятига!

Нунева. Биз сиз билан?

Петрунов. Ҳа, биз сиз билан: биз — директор сифатида, сиз — ғазабланган жамоатчиликнинг вакили сифатида! Ёки сиз жиноятни қоралашдан қўрқасизми?

Нунева. Мен ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан қўрқмайман, аммо, сиз қайси жиноят тўғрисида гапираяпсиз?

Петрунов. Бундан бир неча кун илгари, Леков, агар пухта тафтиш қилинса, Спасов фаолиятининг қоронғи томонлари ҳам очилиши мумкинлигига ишора қилган эди. Леков эса ишдан яхши хабардор, у сўзини ерга совурмайди, ундан кейин у, тафтишни қай томонга қараб буришни, қаердан нимани ахтариш лозимлигини айтиб бера олади. Аммо, маълумки, ҳозир ҳамма иш унга эмас, сизга боғлиқ. Эҳтимол, кўпроқ мендан кўра ҳам сизга боғлиқ.

Нунева. Нима учун энди менга боғлиқ бўлар экан?

Петрунов. Чунки, портфелни сизга топширмақчиман ва яхши-лаб ичини титиб кўришингизни илтимос қиламан.

Нунева. Ичидан бирор нарса топилади, деб, ишонасизми?

Петрунов. Унчалик ҳам содда бўлманг — бу хўжайин тўққиз йил давомида минглаб, миллионлаб сўмдан иборат бўлган ҳар хил буйруқлар, хатлар, тилхатлар ва бошқа қоғозларга қўл қўйган... Ҳар хил тадбирлар ва заруриятлар учун... Наҳотки, биз шунча ҳужжатдан

бирор нарса тополмасак? Камида сиз, нима учун ўч олишингизни биласиз-ку...

Нунева. Билишга-ку, биламан, аммо, мен ҳамма вақт бир фикрда қаттиқ тураман: жиноят ё қилинган, ё қилинмаган — учинчисига ўрин йўқ!

Петрунов. Аммо, мен суҳбатлашган юристконсултант эса мутлақо бошқа фикрда! У, бор вазиятнинг ҳаммаси учинчи позицияда бўлади — жиноятсизликдан то жиноятга боришнинг ярим йўлида содир бўлади, дейди!

Нунева. Бу гапингизнинг маъноси нима?

Петрунов. Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, биз ҳамма спасовчилар ва уларнинг шерикларининг орқасига тепиб, ташқарига улоқтириб ташлашимиз керак, токи уларнинг орқадан зарб беришларини кутмай, хотиржам ишлайлик.

Нунева (оғир). Сиз менга портфелни қандай шарт билан топширмоқчисиз?

Петрунов. Мен сизни, Фемида, яъни, адолат тангрисига ўхшаб, кўзингизни боғлаб оласиз деб, ўйламовдим. Яширмайман, мен бир оз таажжубдаман, наҳотки сиз унга ачинсангиз?

Нунева. Мен унга ачинмайман. Аммо, мен мақсади бошқа, бировнинг ноҳақлигини менинг ноҳақлигим билан алмаштиришдан иборат бўлган курашнинг маъносига тушунмай ётибман.

Петрунов. Қачонки, сиз, ўз олдингизга катта бир вазифани кўяр экансиз, унинг барбод бўлишига йўл қўймаслигингиз керак. Қимки сенга тарафдор бўлса, унга ёрдам бер! Қимки қарши бўлса, ур! Ланжлик қилмасдан, иккиланиб ўтирмасдан! Инженер Нунева, мен муваффақиятсизликка учрашни истамайман!

Нунева. У ҳам, мен ҳам, сиз ҳам — ҳаммамиз ҳам, ўз жамиятимизнинг аъзоларимиз. Агар биз оддий, кундалик мурасасизлигимизни, бутун инсониятни икки бўлакка — кечаги ва эртангига ажратадиган, тарихий кураш билан қориштириб юборсак, ҳолимиз нима бўлади?

Петрунов. Ҳозир сиз гапирган гапларнинг ҳаммаси менга туман бўлиб кўринмоқда, сизнинг авлодингиз ҳаммаси ҳам муҳокама-ларга, шнорларга, баланд парвоз гапларга мойил. Менимча, галабани бошқа йўл билан тоблаш керак: старт майдони, пуск ва парвоз. Яқингинада сиз бизнинг авлодимиз ҳақида бир қанча яхши гап айтдингиз. Мен, ортиқча ширин хаёл бўлмасин учун, сизни бир оз совутмоқчиман; биз — амалиётчилар, иш қиладиганлар авлодимиз! Эртага, куннинг иккинчи яримда, мени коллегияга чақиришган. Нима учун чақиришган, аниқ билмайман, аммо Спасовни директорлик вазифасидан озод қилиш ҳақидаги қарорни тасдиқлашмасликлари ҳам мумкин деб, гапиришяпти.

Нунева. Касаба союзи ва партташкilotнинг тавсиясига қарамасдан-а?

Петрунов. Ҳа, қарамасдан. Афтидан собиқ директорнинг хомийлари гивирлаб қолишганга ўхшайди. Аммо, мен осонликча таслим бўлмайман, менинг ихтиёримда яна иккита бомба бор! Биринчиси — Спасов қоғозлари орасидан бирдан топилиб қолган ҳужжатлар ҳақида ахборот. Иккинчиси — директорнинг янги ўринбосари тўғрисидаги хабар. Лековнинг мутлақо обрўи йўқ! Агар қарши бўлмасангиз, менинг муовиним лавозимини сизга топширмоқчиман...

Нунева. Ташаккур.

Петрунов. Менинг биринчи таклифимни ҳамон рад қиляпсизми?

Нунева. Ҳужжатларни қараб чиқиш, садоқатни синаб кўриш бўлса керак, шундайми?

Петрунов. Э, худойим, ахир биз бу ишни завод учун, умумий манфаат учун қиялпмиз-ку! Инженер Нунева! Спасов ҳали қуролини ташлагани йўқ. Менинг билишимча, у бизни, яъни мени ва сизни ағдариб ташлашга уринади.

Нунева (*қатъий*). Бари бир бу иш менга тўғри келмайди.

Петрунов. Ҳатто мен бир кўз югуртириб чиқибоқ, шу қарорга келдимки, далил топиш мумкин. Аниқ далил! Агар инженер Нунева бизга ёрдам қилишни истамаса, бу ишни бошқа бирор киши, ҳатто директорнинг собиқ тарафдорларидан бири қилиши мумкин.

Нунева. Киши қалбининг тубсизлиги ниҳоясиздир.

Петрунов. Нима учун Леков ўзининг кечаги ҳомийсига нисбатан бу қадар шафқатсиз бўлиб қолганини сиз ўйлаб кўрдингизми? Мен унга мажлис олдидан бир қанча шартлар қўйган эдим! Хўш, портфелни оласизми? Сиз, молия аҳлининг таъбирича, ҳаммаси олтин билан таъмин этилганлигига гаров бўласиз!

Нунева. Мен бунақа гаров бўлолмайман, бўлишни истамайман ҳам!

Петрунов. Жавобингизни эртага қадар кутаман! Суҳбатимиз ёдингизда бўлсин, у ҳал қилувчи, ҳатто машъум роль ўйнаши ҳам мумкин.

Нунева. Сизга ҳам бўлиб ўтган суҳбатимизни, ҳамда оғир юкни бўйнингизга олишдан аввал, ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммоларни ўйлаб кўришга маслаҳат бераман!

Чиқиб кетади.

Бирмунча вақт Петрунов унинг орқасидан қараб қолади, сўнг кўнғироқнинг кнопоксини босади. Маринчева тез киради.

Маринчева. Эшитаман, ўртоқ директор.

Петрунов (*ҳамон яқингинада бўлиб ўтган суҳбатни ўйлаб*). Марҳамат қилиб, инженер Лековни чақириб берсангиз!

Маринчева. Ҳозир. (*Қийналиб, зўрға.*) У ерда бир қиз сиз билан гаплашмоқчи.

Петрунов. Қанақа қиз?

Маринчева. Василка. Ҳалиги, директорнинг қизи демоқчиман. Инженер Спасовнинг қизи.

Петрунов. Спасовнинг қизи? Майли, кирсин!

Маринчева чиқиб кетади. Кўп ўтмай кабинет бўсағасида, новча гўзал қиз Василка пайдо бўлади, у ҳаяжонда ва ишсиқирамай туради.

Василка (*столга яқинлашиб*). Салом.

Петрунов. Салом, ўтиринг.

Василка. Яхшиси, туравераман. (*Иккиланиб.*) Балки, сиз менинг Спасовнинг қизи эканимни билмассиз.

Петрунов. Биламан.

Василка. Бу ҳол мени сизга ўзимни танитишдан халос этади. Ўртоқ директор, мен сиздан сўрамоқчи эдим, отам ҳақидаги ҳар хил овозалар нимага асосланган?

Петрунов. Мен бу лавозимни эгаллаганимга бир неча кунгина бўлди, бу кабинетда ўтирганимга эса, бор-йўғи бир неча дақиқагина бўлди. Шунинг учун ҳам мен сизга бирор нарсани тушунтириб беришим амримаҳол.

Василка. Айтишларича, унга қўшимча айб қўйишмоқчи эмиш.

Петрунов. Қанақа айб?

Василка. Тубан ва ифлос айб эмиш! Мен ўз отамни яхши биламан, ҳар нарса бўлиши — қўпол бўлиши, мустабид бўлиши, димоғдор бўлиши мумкин, аммо, у покиза одам, покиза! Тушунасизми?

Петрунов. Менинг одам сифатида у киши ҳақидаги таассуро-

тим жуда саёз, у ҳам ижобий эмас. Аммо, қарор раҳбарга тааллуқли, одамга эмас.

Василка. Сиз бу икки маънони бир-биридан ажратасизми?

Петрунов. Уларни ҳаётнинг ўзи ажратади. Баъзан оқ кўнгил ва покиза одам раҳбар сифатида бир пулга ҳам арзимайди.

Василка. Балки одам сифатида бир пулга ҳам арзимайдиган киши яхши раҳбардир?

Петрунов. Сиз ҳали жуда ёшсиз, ҳаётни оз биласиз. Мен, у қадар олижаноб бўлмаса ҳам, яхши раҳбар бўлган одамни учратганман.

Василка. Ундай одамлар оқибатда яхши раҳбар бўлиб чиқмайдилар. *(Жўшиб)*. Менинг отамни ишдан бўшатиш ҳақидаги қарор, эҳтимол, эҳтимол тўғридир. Аммо, қўшимча айблар ҳақидаги овозалар! Йўқ, мен бунга қўшилолмаيمان, бунга чидаёлмайман!

Петрунов. Бу айблар нималардан иборат бўлмасин, агарда асоссиз бўлса унга йўл қўймайман.

Василка. Менинг отам ўзимга нисбатан ниҳоятда ринд одам! Эшитяпсизми, ринд! Унинг имкониятлари қанчалик кўп бўлмасин, у ҳеч қачон ва ҳеч нарсадан фойдаланган эмас! Мана, уйимизга бориб кўринг, уйимиз камтарона, меҳнатсевар одамларнинг уйи! Отамни йўқ қилиш, унинг бошига ювунди қуйиш кимга керак бўлиб қолибди?

Петрунов. Спасовнинг ашаддий душманлари бор эканини унутманг.

Василка. Ахир отам улар билан завод учун принципиал асосда курашди-да!

Петрунов. Агар жангга асабият аралашса принциплар...

Василка. Жаҳаннамга қараб кетади, денг? Шундайми? Сиз, бу ғийбатлар унинг душманлари томонидаг тўқилган деб ҳисоблайсизми?

Петрунов. Бўлмаса бу гаплардан бошқа кимга фойда?

Василка. Сиз ҳақсиз, минг мартаба ҳақсиз! Отам директорлик вақтида улар унинг йўлига ғов бўлишди, ҳозир эса... Мен уларнинг режасини барбод қиламан, мен уларга тинчлик бермайман! Сизни эса... энди ҳамма нарса сизнинг қўлингизда. Сиздан сўрайман, бу бемаъни ҳақоратомуз шубҳаларга йўл қўйманг, на у ва на мен ҳақоратларга чидай оламиз. Агар унга, бу жаҳонда ҳеч мумкин бўлмаган айбни ёпиштирмоқчи бўлишса, мен ўзимни нима қилишимни билмайман. Ишонинг, мен отамнинг ожиз томонларидан кўз юммайман, аммо менинг отам мард ва олижаноб одам, мен отам билан фахрланаман!

Петрунов. Яна такрор айтаман: мен асоссиз айбларга йўл қўймайман. Уйингизга боринг, тинчланинг, ўзингизни қўлга олинг. Сизнинг совуққонлигингиз ва эътиборингиз унинг учун ниҳоятда зарур, у ҳозир ҳамма нарсадан ҳам шунга муҳтож...

Бўсагада Леков пайдо бўлади, у Петрунов томон йўл олади, аммо Василкани кўриб, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолади.

Леков. Сиз мени чақирувдингизми, ўртоқ директор?

Петрунов. Кириг, мен сизни қидиртирувдим.

Леков *(Василкага)*. «Салом!.. *(Паузадан сўнг.)* Салом!..

Василка. Менинг нотаниш одамлар билан саломлашадиган одам тим йўқ.

Леков. Мен сенга қачондан бери нотаниш бўлиб қолдим?

Василка. Сиз отамга нисбатан шундоқ иш қилдингизки! Маълум бўлишича, мен сизни тамом билмас эканман. Гарчи сиз биз билан неча бор тушликда бирга бўлсангиз ҳам... Хайр, ўртоқ директор! Петрунов. Хайр.

Василка *(эшик тарафга йўл олади, аммо эшик олдида тўхтаб, Леков томон йўгирилади)*. Агар сиз ҳақиқатан ҳам ўзингизни яхши одам

қилиб кўрсатмоқчи бўлсангиз, агар сиз ҳақиқатан ҳам мешчанликни ва ғийбатни ёмон кўрсангиз, у ҳолда... у ҳолда уни худди сиз ҳимоя қилишингиз лозим эди, танишлар олдида ўзингизни афсусланган қилиб кўрсатмасдан. Менга ҳаммаси маълум, ҳаммаси!

Чопиб чиқиб кетади.

Петрунов. Қизча сиздан хафа. Утиринг, гаплашиб олишимиз керак.

Леков ўтиради. Петрунов унга жиддий тикилиб, у ёқдан бу ёққа бориб келади.

Ўйлайманки, сиз менинг маслаҳатларимга қулоқ солганингиздан ва топшириқни қойил-мақом қилиб бажарганингиздан афсусланмаган бўлсангиз керак?

Леков. Йўқ, афсусланмайман.

Петрунов. Сизнинг сўзингиз Спасовнинг ниқобини тамом йиртиб ташлади, айтиш мумкин, у ҳар хил нуқтадан мўлжалга олинди.

Леков. Аммо, баъзи бировлар пичирлашиб, мени кўрса тескари қараб кетадиган бўлиб қолишди.

Петрунов. Унинг дўстларими? Улар учун ўзгарган шароитга ўрганиш қийин.

Леков. Йўқ, мен душманларни ҳам назарда тутаяпман.

Петрунов. Бу ақли паст бандалар нималар бўлаётганини тушунмайдилар. Агар, собиқ директордан ҳатто унинг энг яқин кишилари ҳам юз ўгирсалар, у ҳолда... Йўқ, мен табиатнинг инжиқликлари қаршисида тиз чўкишни истамайман. Агар мен жанг олиб борар эканман, кимки мен билан бирга ўқ отишса — менинг иттифоқдошим! Ундай одамлар менинг марҳаматимдан умидвор бўлиши мумкин.

Леков. Мен бунга хурсандман, чунки, мажлисдан кейин мен ўзимни шундай ёлғиз ҳис қилдимки, худди сандиққа тушиб ётгандайман...

Петрунов. Диққат бўлманг, орқангизда мен турибман.

Леков. Нунева уларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси. Биласизми, у, танаффус вақтида буфетда менга нима деди? Олижаноблик, агар у инсонда мавжуд бўлса, айниқса у ё юқорида, ё тубанлигида очиқ сезилади, деди.

Петрунов. Аммо, сиз тубанда эмассиз-ку! Сиз, ахир, директорнинг муовинисиз-ку!..

Леков. Қўплар мени ишдан олинадиган деган умидда. Мен энди бу фикрга кўникиб қолдим, эҳтимол, бу ҳолатнинг ўз мантиқи бордир.

Петрунов. Қанақа мантиқ? Нима, ахир заводнинг хизмати йўқми? Нима, бу ютуқларнинг бирдан-бир автори, ўша ўзига бино қўйган нишондорми? Ҳа, сизни танқид қилишди, аммо ҳеч ким сизда бўлган ташкилотчилик қобилиятини инкор этолмайди. Аслида, мен сизни шу тўғрида чақирдим. Эртага мени вакилликнинг коллегиясига таклиф қилишган. Агар у ерда ортиқча қаршилиқ қилишмаса, Лековни ҳозирги вазифасида қолдиринглар деб, қатъий талаб қиламан.

Леков. Бу ҳол ғазаб бўронини кўзғатади!

Петрунов. Бу ўринга талабгор бўлганлар орасидами? Майли, кўзғата қолсин!

Леков. Балки, ишни бўрондан бошламаслик керакдир?

Петрунов. Балки, керакдир? Мен навбатдаги тўдабозликнинг бошлиғи эмасман, мен бу ерга баъзи бир йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун келганман, токи завод илгаригига қараб силжисин. Ўз ўрнингизда қолишни истайсизми?

Леков (ўнғайсизланиб). Уртоқ Петрунов.

Петрунов. Ҳа-ми ёки йўқми?



Леков. Ким ҳам ўзига ўзи душман бўларди?

Петрунов. Спасов вақтида қандай ишлаган бўлсангиз шундай ишлайсизми?

Леков. Икки маротаба ошиқча ғайрат билан.

Петрунов. Ҳозирги қадар мен сиз билан Нунева ўртасида икки-ланиб турувдим...

Леков. Менга нисбатан унинг бир қанча фазилатлари бор.

Петрунов. Ва бир қанча нуқсонлари ҳам бор! Ҳозирги замон тили билан айтсак, у сағал ҳалигидайроқ эмиш...

Леков. Унинг унженер Симов билан алоқаси борлиги ёлгон экан.

Петрунов (*кулади*). Унинг бунақа ишлари мени қизиқтирмайди, ким ким билан хоҳласа ётаберади! Аммо, жамоатга доир ишларда эса, мен у билан, эриб кетиб, лавозимидан ортиқчароқ очиқчасига гаплашиб юбордим чамаси.

Леков. Сиз менга шу қадар меҳрибонлик билан ёндашдингизки, мен энди сиздан бирор нарсани ҳам яширишни лозим деб билмайман. Партия ташкilotи Спасовнинг таъзини бериб роса терлатгандан кейин менда ҳам ханжарнинг тиғида ўйнашга сира хоҳиш қолмади. Майли, бу ҳол менга вазифадан маҳрум бўлиш хавфини туғдирса ҳам.

Петрунов. Ҳа, ўни роса бошлашди. Аммо, сиз билан биз гаплашган газаб бўронининг кўзғолмаслиги ҳам мумкин, ҳамма гап сизга боғлиқ!

Леков. Менга боғлиқ?

Петрунов. Ҳа, ҳаммадан бурун сизга боғлиқ! (*Столда турган портфелни кўрсатиб.*) Биласизми, бунда нималар ётибди?

Леков. Биламан ва фахрланаман, фикр ва ҳужжатларнинг ярни меники.

Петрунов. Мен, кўрсатилган хизматларни унутадиганлардан эмасман. (*Уйланиб, кабинет бўйлаб юради.*) Ҳа... Бу ерда (*Портфелни кўрсатиб.*) нималар борлигини тажрибали одам титкилаб кўрса борми, эҳтимол, каттагина айбнома вужудга келиши мумкин. У ҳолда майли, Спасов қайси идорага арзи-дод қилса қилаверсин!..

Леков (*иккиланиб, чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқариб Петруновга беради*). У ҳалитданоқ арз қила бошлади.

Петрунов (*қоғозни олиб, кўз югуртириб чиқади*). Бу қоғоз сизга қандай қилиб тушиб қолди?

Леков. Бу қоғозни қўлга тушириш жуда, жуда ҳам қийин бўлди. Аммо... Сиз учун.

Петрунов (*газабли*). Мен билардим, бу одамнинг йўлимни тўсиб, улуғ режаларни бажариш соҳасида ҳалал беришга уринишини билар эдим! Аммо, у менга етарлик баҳо беролмади, мен бериладиган зарбани жим, ҳаракатсиз кутиб ўтиролмайман, ёки жангсиз таслим бўлмайман! Леков, манави билан сиз шуғулланасизми? (*Унга портфелни беради.*)

Леков (*чекиниб*). Аммо мен... мен... бу ишга яроқли фигура бўлмасам керак.

Петрунов. Ҳозиргина сиз ўз фикримдан фахрланаман дедингизку, ахир, бу сизнинг фикрингиз, сизнинг гоёнгиз-ку? (*Укиниб.*) Бу ишга энг яроқли одам худди ўзингиз! Агар бу иш билан Нунева ёки унинг доирасидаги бошқа бир одам шуғулланса, ҳамма, эски қасдини олапти деб айтади. Агар мен шуғуллансам тўғри бўладими? Сиз эса, унинг дўстисиз, ҳеч ким сизни ғараз билан қилди, деб шубҳаланмайди!

Леков. Худди мена шубҳаланишади.

Петрунов. Агар сиз томонингиздан қўйилган айб асосли равишда исбот қилинса, ҳамма тилини тишлаб қолади, ҳар тарафга қараб қочишади!

Леков. Ўртоқ директор, мен бу нозик ишга аралашмасам яхши бўларди.

Петрунов. Ундан ҳали ҳам қўрқасизми?

Леков. Агар, очигини айтсам, ҳа, қўрқаман.

Петрунов. Бу иккиланиш сизга жуда қимматга тушади. Собиқ директорнинг баъзи бир фаолияти унинг ўринбосарига ҳам соя ташлайди. Эртага коллегияда Спасов ҳам сўзга чиқар, нималарни ва қандай гапиришини тасаввур қиламан! Леков! Уни бошдан оқ даф қилиш учун сиз менга ёрдам беришингиз лозим. Сизга, унга қарши кучли дадиллар топиш ва уларни менга бериш вазифаси топширилади. *(Жиддий.)* Мен бу жангга жўнашдан олдин сизни чақираман. Сиз билан бирга узоқ ишласам керак деб, ишонгим келади. Хўш, қани энди манави портфелни оласизми?

Леков. Агар қистасангиз... *(Портфелни олади.)*

Петрунов. Ранггингиз мурдадай оқариб кетди. Ҳа, қўрқоқлик қилманг, ҳокимият қонунсизликка ва талон-торожга қарши курашни қувватлайди.

Леков *(ўзини қўлга олишга уриниб)*. Бугун эрталаб хотиним менга, кечаси қандайдир англаб бўлмайдиган бир туш кўрганини айтиб берди. Гўё, сиз, янги директор, теппамда осилиб туриб, бошимга кул сочаётган эмишсиз...

Петрунов. Қўйинг, хотинларнинг бунақа алжирашини! Мен сизни хийла юраклик ва узоқни кўра оладиган киши деб ҳисоблар эдим. Менинг сафимга кириб, ўшанда унга онасини учқўрғондан кўрсатамиз!

Леков. Мен сафингизга кириб бўлдим.

Петрунов. Пушаймон бўлмайсиз! Мен, енгимни шимариб бир ишга тушайки, шундай ишлайки, бизда битта ҳам текинхўр қолмасин, мамлакатда бизнинг заводимиз биринчи ўринда бўлсин! Қимки, бизга халақит берадиган бўлса билиб қўйсинки, мен ожиз кўзичоқ эмасман! Хўп, боринг!

Леков оёғини аранг судраб, чиқиб кетади. Петрунов кўнғироқнинг кнопоксини босади. Маринчева киради.

Маринчева. Эшитаман, ўртоқ директор.

Петрунов. Кадрлар бўлимидаги Пенковни чақиринг.

Маринчева. Ҳозир *(эшик томон йўл олади.)*

Петрунов. Инженер Нуневанинг шахсий делосини олиб келсин.

Маринчева *(ҳайрон, тўхтаб, Петрунов томонга ўгирилади)*.

Кимнинг делосини?

Петрунов. Айтдим-ку инженер Ружа Нуневанинг делосини.

Маринчева. Унга бирор нарса бўлди?

Петрунов. Бўлиши мумкин.

Маринчева *(қатъий)*. Сиз бу ерда янгисиз, аммо ўйлайманки, сиз Ружа Нуневанинг кимлигини биларсиз?

Петрунов. Қизиқ, хўш, сизнингча Ружа Нунева ким?

Маринчева. Мен уни завод тамал тошининг асосий фишларидан бири деб, ҳисоблайман.

Петрунов. Менимча сиз ҳаммадан аввал котибалик вазифангизни ўйласангиз ёмон бўлмас эди!

Маринчева. Мен кейинги йилларда, котибаликдан бўлак ҳамма вазифамни унутиб қўйган эдим.

Петрунов. Сиз қанақа бошқа вазифалар ҳақида гапиряпсиз?

Маринчева. Ўртоқ Петрунов, мени партия сафига сиздан ан-

ча олдинроқ, эҳтимол сиз комсомолга кирган пайтингизда, қабул қилишган.

Петрунов. Сиз ўйлайсизки, мен сизнинг бу огоҳлантиришингизга муҳтож эканман-да?

Маринчева. Агарда... агарда, мен аввал, Спасов хато қилганганини кўрганимда индамай турмасам...

Петрунов. Сиз уни сақлаб қолган бўлар эдингиз, мен сизни тўғри тушундимми?

Маринчева. Ҳар ҳолда мен унинг олдида ўзимни гуноҳкор ҳисобламаган бўлар эдим.

Петрунов. Навбат сизга келганда, мен сизнинг ҳамма вазифаларингизни — унутилганини ҳам, унутилмаганини ҳам ҳисобга оламан. Ҳозир эса, энг муҳимини эсда тутишингизни илтимос қиламан: менинг буйруғимни изоҳлаш эмас, бажариш керак!

Маринчева. Тушунарли (*чиқиб кетади*).

Петрунов (*оғир ўйда*). Директорнинг биринчи иш куни хийла оғир бўлди.

## ПАРДА

### Иккинчи парда

Росмана уйнинг яхши жиҳозланган меҳмонхонаси. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси покизаликдан, тартибдан, сиполикдан дарак беради. Оддий мебеллар, гул солинган сопол кўза. Хинко бурчакдаги тахтада ўтириб, китоб ўқимоқда, ҳар замон-ҳар замон қандайдир белгилар қўяди. Нунева киради.

Нунева. Салом!

Хинко (*бошини кўтармай*). Салом!

Нунева (*пальтосини, туфлисини ечиб, шиппагини кияди*). Хўш, иш қалай?

Хинко. Иш...

Нунева (*унинг қовоқ солишидан ҳайрон*). Бу қанақа муомала, Хинко?

Хинко. Э, керак эмас, керак эмас, ҳаммасини биламан, сўнгги имтиҳон менинг тақдиримни ҳал қилиши керак, мен янги ҳаётнинг бўсағасида турибман... ва ҳоказо ва ҳоказо.

Нунева (*ҳаяжонли ортиб*). Уғлим, бирор нарса бўлдими?

Хинко. Нега энди бирор нарса бўлиши керак экан?

Нунева. Мен сени жуда яхши биламан. Нима бўлди? (*Унинг ёнига ўтиради*).

Хинко. Ҳа, сендан осонликча қутулиш қийин. Бундан ярим соат илгари уйимизга олижаноблари ташриф буюрдилар!..

Нунева. Ким келди.

Хинко. Сенинг собиқ қайлиғинг.

Нунева (*яна ҳам қаттиқроқ ҳаяжонланиб*). Отанг келувдими?

Хинко. Бундоғ деса ҳам бўлади, ҳа, ҳозирга қадар «менинг отам» деган код билан юритилган шахс бизнинг ғариб кулбамизни зиёрат қилдилар!

Нунева (*ўйланиб*). Етти йилдан кейин қайтиб келишга қарор қилибди-да?

Хинко. Сен худди ёш боладек, жуда ҳам соддасан!

Нунева. Нега?

Хинко. Чунки, ҳар қандай хотинда бўлганидек, сенда ҳам ноаниқ туйғу ва умид бор. Ҳурматли дадамиз бўлсалар аллақачон ўйланиб олибдилар!..

Нунева (*паузадан сўнг*). Ушангами?.. Ахир, у...

Хинко. Икки баробар ёш демоқчимисан? Ҳозир бу расм, мода.

Нунева. Унга нима керак экан?

Хинко. Ёрдам!

Нунева. Пулми?

Хинко. Ҳа, хоним унинг ҳамёини роса қоқиштирганга ўхшайди, аммо, гап пул ҳақида эмас. У, хонимчасини бирор завод идорасига олишлари учун сендан тавсия сўраб келибди.

Нунева. Бизнинг заводимизгами? У ақлдан озибди!

Хинко. Мен ҳам унга худди шундай деб айтдим. Яна биринчи хотинидан иккинчи хотинига ёрдам сўраб келиш ўтакетган шармандалик, дедим.

Нунева. У нима деди? У нима деб жавоб берди?

Хинко. Наҳотки унинг илтижолари сени қизиқтирса?

Нунева. Биз у билан, деярлик, йигирма йил бирга яшадик. Сен дунёга келишдан тўрт йил аввал, кейин яна ўн беш йил.

Хинко. Ойи, мен уни ҳайдаб юбордим!

Нунева. Ҳайдаб юбордим, қандай қилиб?

Хинко. Ярамасларни қандай қилиб ҳайдашса, шундай қилиб.

Нунева. У сенга ёмон қарамас эди.

Хинко. Сен бегона одамларнинг пасткашлигини оқлаганинда тавфиқли аёл бўлибгина қолмасдан ҳатто...

Нунева. Хўш, ҳатто?..

Хинко. Мен сенинг аянч бўлиб кўринишингни истамайман, тушунасанми?

Нунева. Тушунарли... *(Иккиланиб.)* Ҳозир аҳволи қалай экан?

Хинко. Ўлгудай қарибди!.. Асов байталга айланишиб юрибди-ю, башараси худди каламушга ўхшайди.

Нунева. Бунча кўполлик нимага керак? Мен аллақачон у билан алоқамни узганман. Аммо, бу орадаги кўприкни тамом ёндириб ташлаш деган гап эмас. Ҳеч бўлмаганда сен билан унинг ўртасидаги кўприкни.

Хинко. Мен билан унинг орасидаги кўприк, сен ўйлагандан илгарироқ ёниб кетган. Буни доим ёдингда тут, илтимос!

Нунева. Ахир, у сенинг отанг-ку.

Хинко. Ойи, мен сен ўйлагандан кўпроқ биламан.

Нунева. Нимани биласан?

Хинко. Ҳали фол очиш вақти келгани йўқ. Ҳа, у олижаноблари айтдиларки, сен заводга директор бўлар эмишсан. Шу гап ростми?

Нунева. Йўқ. Ўйлайманки, эртага коллегияда бу ўринга инженер Петруновни тасдиқлайдилар.

Хинко. Бу ҳақда сен жуда хотиржам гапирасан-а. Мен сенинг ўрнингда бўлсам, заводдан кетаман деб, ариза берардим!

Нунева. Хўш, нега энди?

Хинко. Мени кечир, ойижон, афтидан сенда ҳеч қандай ғурур йўққа ўхшайди! *(Қичқиради.)* Директор ўрнини, анови Петрунов эмас, сен эгаллашинг керак!.. Сен, сен бу ўринни меҳнат ва жанг билан қўлга киритдинг! Мен саккиз йилдан бери сурункасига эшитиб келаяпманки, завод унақа-бунақа, Спасов алай-балай, Спасов — завод деб, келдинг!

Нунева. Ҳа, мана, мен ҳақ бўлиб чиқдим, коллектив мен билан ҳамфикр!..

Хинко. Анави ўзбошимча қаёқдан пайдо бўлиб қолди?

Нунева. Мен Спасов билан унинг ўрнига ўтириш учун олишганим йўқ, айтиб қўяй, менинг номзодимни ҳам муҳокама қилишган.

Хинко. Ўша ғўрни афзал кўришдими?

Нунева. Ҳа, ёшроқ ва бақувватроқ одамни афзал кўришди! Мен

сенга рост айтсам, асоссиз эмас! Беш йилликнинг охирида завод жаҳон стандарти даражасига бориб етиши лозим. Бунинг учун ишнинг бошида бутун кучини заводга сарф қила оладиган ғайратли, ёш раҳбар ўтириши керак, тушундингми?

Хинко. Ва шунақа ғайратли раҳбар деб, кечагина тухумини ёриб чиққан, тумшуғи сариқ жўжажўрозни танладингларми?

Нунева. Ҳа, бу тумшуғи сариқ жўжа, студентлик чоғидаёқ, вибрацион системани автоматик йўсинда тўхтатадиган эффе́ктли усул кашф этган эди. Агар, унга қандайдир бир профессор аралашмаса, у давлат мукофотини олган бўлар эди.

Хинко. Қойил! Мен шармисор бўлдим! Сен ҳали унга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга ёрдам бермоқчимсан?

Нунева. Шубҳа қилмайман, у бу унвонга сазовор бўлади.

Хинко. Агар сенинг идеалинг Дон Кихот бўлса, мен сенга шуни айтиб қўяйки, Дон Кихот, албатта, ёқимтой, аммо хийла эскириб қолган шахс! Мен эса, кўпроқ ҳозирги замон қаҳрамонларини афзал кўраман. *(Телефон жиринглайди. Трубкани олади.)* Эшитаман? Ҳа, уйда. Ҳозир... *(Трубкани онасига бермоқчи бўлади, аммо, яна бирдан трубкани қулоғига тутади, гапирётган овозни танийди.)* Ҳа, яна сенмисан? Гап бундай, онам собиқ эри билан ҳеч ҳам гаплашмоқчи эмас.

Нунева. Хинко.

Хинко. Мен унга ҳеч нарса айтганим йўқ, жинойи муаммолар билан шуғулланишга вақти йўқ, унинг ўз ташвишлари етиб ортади. Ҳа, хушомад қилмай қўяқол, барибир у заводга директор бўлмайди! Нима? Ҳа, унинг номзоди рад қилинди!.. Мабодо директор бўлганида ҳам бари бир, заводга сенинг алвастингни қўймас эди!

Нунева. Жим бўл, Хинко!

Хинко. Нима? Онам нима деяпти, дейсанми? Онам сени инфарктдан эҳтиёт бўлсин деяпти! Сенинг ёшингда, яхши ошпазу ёш жазмандан хавфлироқ нарса йўқ!

Нунева *(телефон ричагига уриб тўхтатади)*. Бунча заҳар бўлмасанг! Нима, бугун сени чаён чақдимми?

Хинко. Юнон фожиаларида ёзганларидек, агар мен тилга кирсам тош йиғлайди.

Нунева. Бу машмашаларнинг ҳаммаси отанг жўниданми? Ё менинг директор бўлмай қолганим учунми?

Хинко. Бу, ҳозирга қадар «менинг отам» деган код билан юригилаётган шахс энди мени сира ҳам қизиқтирмайди!.. Сенинг директорлик масаланга келганимизда эса, ҳа, ачинаман.

Нунева. Назаримда, мендан кўра ҳам сен кўпроқ ачинаётганга ўхшайсан. Бу ҳол қаёқдан келди? Ҳозирга қадар сен билан биз юқори лавозимларсиз ҳам яхши яшаб келаётган эдик-ку.

Хинко. Инженер Ружа Нунева! Сен ишдан бўш вақтларингда, ҳозирга қадар «сенинг ўғлинг» деган код билан юригилиб келган шахс ҳақида ўйлайсанми?

Нунева. Қандай қилиб сен мен билан шу тарзда гаплаша оласан? Ахир, мен бунга муомалага сабаб бўладиган иш қилганим йўқ-ку?

Хинко. Олти ойдан кейин мени нима кутади, сенга маълумми?

Нунева. Маълум.

Хинко. Нима маълум?

Нунева. Дипломни ҳимоя қилишинг.

Хинко. Ишга тақсимланиш, мана нима! Ишга тақсимланиш вақтида эса, сенинг заводингга ўхшаган завод директорининг сўзи жуда, жудаям муҳим... Илтимос, башарангни буриштира. Қандайдир бирор заводчага, жўгрофиянинг энг нариги чеккасига сургун бўлишга менда

тирноқча ҳам хоҳиш йўқ! Мен пойтахтда қоламан деб, орзу қилардим!

Нунева. Биласан-ку, деярли мумкин эмас...

Хинко. «Деярлик мумкин эмас» деган гап, деярли мумкин деган гап ҳам...

Нунева. Ахир, мен бу ҳақда илтимос қилолмайман-ку.

Хинко. Агар сен, турган-битгани коммунистик ахлоқ кодексини эмас, она бўлсанг...

Нунева. Хинко, бундай дейишга қандоқ тилинг боради? Мен сенга ваъда бераманки, икки-уч йилдан кейин...

Хинко. Икки-уч йилдан кейин ўзимоқ эплайдиган бўлиб қоламан, ахир, мен унчалик ҳам ношуд эмасман-ку!

Нунева. Наҳотки, сенинг мен ерда қолишингни истамасан? Сен ёшсан, қаёққа борма, ҳамма ерда ҳам дўст-ошно топасан, ўйнаб-куласан. Мен-чи? Мен ҳеч қачон сенга нолиган эмасман, ҳозир ҳам нолимайман. Аммо, бирдан-бир чидай олмайдиганим, отанг кетгандан кейинги ёлғизлик-ки, унинг зарбини фақат сенига юмшата оласан. Менинг ёшимда янги танишлар, янги дўстлар орттириш тасодифий бахт: улар билан муносабатда бўлиш узоққа бормайди, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Қимлар биландир: «ҳозирча хайр» деб хайрлашасан-у, яна ўзинг якка қоласан. Биласанми, мен учун ҳафтинг қайси куни энг оғир? Якшанба куни. Ҳа, ҳа, якшанба куни, сен ўртоқларинг билан қаёққадир, ё экскурсияга, ё кинога кетадиган кун, ҳаммаёқ сукунатга чўмадиган кун. Бу сукунат мени эзади ва даҳшатга солади. Хинко, мен сени ғоят қаттиқ севаман, билолмайман, сенсиз қандоқ яшай олар эканман. Аммо, бунинг эвазига мени хўрланишга, виждон қийналишига мажбур этма. Керак эмас, ўғилгинам...

Хинко. Мен ҳам сени жуда севаман, ойижон. Аммо, ўйлайманки, энди танҳо яшашим мумкин.

Нунева. Мумкин, ўғлим. Афсуски, мумкин.

Эшикнинг қўнғироғи жиринглайди, ҳар иккаласи ҳам ўгирилиб қарашади. Хинко чиқади, сўнг қайтиб киради, юзида ҳаяжон ва таажжуб.

Хинко. Эшикда, қандайдир бир қиз турибди, сени кўрмоқчи.

Нунева. Қанақа қиз?

Хинко. Билмайман, аммо мен уни қаердадир кўрганга ўхшайман.

Нунева. Айт, кирсин!

Хинко чиқади, бир дақиқадан сўнг, бўсағада тўхтаб, Василкага йўл беради.

Василка. Салом алайкум.

Нунева. Салом!

Василка. Сиз инженер Нунева бўласизми?

Нунева. Ҳа.

Василка. Сиз билан ҳоли гаплашишим мумкинми?

Нунева. Шубҳасиз. (Ўғлига маъноли қилиб қарайди.)

Хинко афтини буриштириб, қўшни хонага чиқиб кетади.

Василка. Мен инженер Спасовнинг қизиман.

Нунева. О, унинг шунақа катта қизи борлигини билмаган эканман.

Василка. Унинг яна битта ўғли ҳам бор. (Кескин.) Ўртоқ Нунева, менинг отамдан сизга нима керак?

Нунева. Нима тўғрисида гапираясиз, билолмай турибман.

Василка. Сиз ўз муддаоингизга эришдингиз, у ишдан олиниб, заводдан бўшатилади. Сизга яна нима керак, шахсий қасос олишми?

Нунева. У мен туфайли ишдан бўшатилагани йўқ, гап менда эмас.

В а с и л к а. Аммо, ҳамма фитнес ва фасод ийининг учи сизга келиб боғланмоқда!

Н у н е в а. Фитнес-фасодига... Сиз тарихни ўрганаёпсизми?

В а с и л к а. Тарих менинг иккинчи касбим. Аммо, бу тарих эмас, ҳаёт! Мен эсимни танибманки, бизнинг уйимизда доим сизнинг номи-нгиз такрорланар эди. Сиз нега ва нима мақсад билан отамнинг пайига тушдингиз?

Н у н е в а. Қизим, мен эмас, у менинг пайимга тушган эди. Мен оддий инженер эдим ва шундай бўлиб қоламан.

В а с и л к а. Сиз доим унинг ишини қовлар эдингиз, ҳамма вақт унга туҳмат қилиб, уни йўқитишга уриниб келдингиз!

Н у н е в а? Отангиз сизга шундай деб, тушунтирдими?

В а с и л к а. Хўш, ахир шундоқ эмасми? Ахир у баракни европа миқёсидаги заводга айлантириши лозим бўлган бир вақтда, ҳар хил майда жанжаллар, ишбулар билан шуғуллана олармиди?

Н у н е в а. Биз унинг истеъдодига, ишчанлигига кўп масалада тан берамиз, аммо завод Миср эҳроми эмас, инженер Спасов эса фиравну биз қуллар эмасмиз. Менга келсак, бировларнинг, ҳатто отангиз каби ажойиб шахсларнинг ҳам, оёғи остида ўралашиб юрадиган ода-тим йўқ!

В а с и л к а. Нега сиз уни энди ҳам тинч қўймайсиз? Ахир у ортиқ директор эмас-ку.

Н у н е в а. Менимча, бу гапни аниқладик. Уни фақат мен туфайли-гина ишдан олишгани йўқ. Сиз бу масалада нотўғри йўлдан бораёсиз.

В а с и л к а. Сиз ҳамма масалада ҳам ёлғиз отамнинг ўзи айбдор демоқчимисиз? Шундайми?

Н у н е в а. Бахтга қарши худди шундай. Отангиз аввалига ишни ниҳоятда яхши бошлади, кейин эса у индустриштириш жараёнидаги энг муҳим масалани эсидан чиқариб қўйди.

В а с и л к а. Хўш, энг муҳим масала нима экан?

Н у н е в а. Бу ҳақда ҳамма дарсликларда ёзилган: эҳтимол, бу масала қаердадир бошқа бирор системада — фойда, натижадир, бизда эса одам; унинг дунёқараши, озодлик ҳиссини сезиш, ўзини ҳаётнинг хўжайини деб ҳис қилиши!..

В а с и л к а. Менинг отам нимаики қилган бўлса, ҳамма вақт шу мақсад йўлида қилиб келди. Балки сиз, у қўйиб-пишиб ишлаган бўлса фақат ўзи учунгина ишлади деб, тасаввур қиларсиз?

Н у н е в а. Хўжайин бўлиш демак, фақат еб-ичиш маъносида эмас, балки юксак маънодаги хўжайин бўлиш деган гап, бу эса ҳақиқий ижодкор, яратувчи бўлиш ва бошқа одамлардаги ижодий қувватни ҳам ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш деган гап. У эса, ўз қўл остидаги барча одамларнинг ҳамма ва ҳар қандай ижодий интидишларини бў-ғиб, босиб келди.

В а с и л к а. Ҳар ҳолда сизга теккани йўқ-ку, а?

Н у н е в а. Афтидан, отангиз мени ишдан бўшатолмаганига, бу им-кониятдан фойдалана олмаганидан жуда фахрланса керак.

В а с и л к а. Ҳа, фахрланади! Сизни аягани учун, ҳеч кимнинг пайига тушмагани учун, майда гап бўлмагани учун фахрланади, бу ҳолни масалан, сизнинг тўғрингизда айтиш мумкин эмас.

Н у н е в а. Мени майда гапликда айбашга сизга нима ҳуқуқ бе-ради?

В а с и л к а. Фараз қилайлик, отам ёмон раҳбар бўлиб қолди, у ҳат-то, ҳаққи-ҳуқуқини ҳам бир оз ошириб юборди, янги талабларга жа-воб беролмай қолди, у қилмишига лойиқ жазосини олди. Хўш, сиз ун-дан яна нима истайсиз? Уни ўғри демоқчимисиз? Талон-торож қилувчи демоқчимисиз? Фирибгар демоқчимисиз?

Нунева. Сиз, бу саволларни бериш учун тўғри адрес топдим деб ўйлайсизми?

Василка. Акс ҳолда мен сизнинг олдингизга келмаган бўлардим!

Нунева. Мен у билан ўз позициям учун олишдим ва бундан кейин ҳам олишишга тайёрман, аммо шахсият учун эмас.

Василка. Ана, ана, у билан яна олишишга тайёрсиз! Шахсият учун эмас дейсизми? Бўлмаса қайси мақсадда олишмоқчисиз? Ахир бу... иккиюзламачилик-ку! (Қатъий.) Уртоқ Нунева! Мен сизга у одамни қоралашга, унинг шаънига доғ туширишга йўл қўймайман!... Унинг гуноҳсиз эканини исбот қилиш учун мен бор кучимни сарф этаман! У покиза ҳамда виждонли одам. У баъзи пайига тушган амалпарастлардан минг ҳисса ортиқ покиза ва виждонли! Унинг ҳамма хизматлари, бутун машаққатлари учун пайига тушишган!

Нунева. Сиз, афтидан отангизни жуда яхши кўрадиганга ўхшайсиз, аммо шу нарсаи яхши билингки, отангизнинг хатоларини кўрсатган одамларнинг ҳаммаси ҳам амалпараст эмас!

Василка. Йўқ, ҳаммаси, ҳаммаси!

Нунева. Ҳозиргина сиз мени иккиюзламачиликда айбладингиз, энди эса амалпараст деяпсиз. Сиз худди отангизга ўхшаган чўрткесар, жиззаки экансиз.

Василка. Менинг отамга ўхшашлигимдан ор қилишга ҳеч қандай асосим йўқ!

Эшик очилади, бўсағада — Хинко, ҳаяжонли ва безовта.

Хинко. Аммо, у билан фахрланишга ҳам асос йўқ! (Нуневага.) Мен ҳамма гапларингни эшитдим. Нима учун сен билан бунақа дағал муомала қилишга рухсат берасан, бу...

Нунева (унинг сўзини бўлиб). Уғлим, сен завод можаросига аралашма!

Хинко. Хўш, у нега аралашади?

Василка. Чунки гап менинг отамнинг номуси ҳақида боряпти!

Хинко. Гап менинг онамнинг номуси ҳақида боряпти! Бу аёлни иккиюзлама, амалпараст дейишга сизга ким ҳуқуқ берди?! Инженер Нунева эмас, тарих қасос талаб қиляпти! Уша, сизнинг иккинчи касбингиз бўлган тарих!

Василка. Менинг отам бунақа хўрликка лойиқ эмас! Лойиқ эмас!

Нунева. Менинг, кўшимча айбашларга алоқам йўқ, ишонинг...

Василка. Йўқ, мен сизга ишонмайман!.. Сиз унга кўпдан бери ҳужум қилиб келдингиз, уни қийнадингиз, унга азоб бердингиз... Йўқ, йўқ ишонмайман...

Хинко. Менинг онам эмас, балки, сизнинг отангиз унга ҳужум қилиб келди, уни азоблади, қийнади. Сиз нишонни нотўғри оляпсиз! Агарда жонингиз қийналган бўлса — нима ҳам деймиз, майли қийна-лаверсин! Демак, сиз ҳам ноҳақ айблашнинг нима эканини сезибсиз! Нима, сизнинг дадангиз ҳеч қачон бошқаларга ноҳақ айб қўймаганми? Эки, сизнинг назарингизда ноҳақ айбашларда фақат нозик одамларгина азоб чекадию бошқалар уни бемалол, ҳеч қанақа азоб чекмасдан кўтара берадиларми?

Нунева (кўрқиб кетади). Хинко, ўзингни бос, ахир...

Хинко. Ойимпошша, адаларининг азоб чекишидан ва ўзларининг аламларидан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушибдилар... Биз эса, менинг онагинан айтганларидек, оддий одамлар, — демак биз нозик ҳислардан маҳруммиз! Бизнинг жонимиз қийналмайди! Аммо, сиз шу бугундан бошлаб директорнинг қизи эмассиз, шу бугундан бошлаб, шунақа ҳолатда, оддий инженер, оддий ишчи, оддий врачнинг болалари қандай



азоб чекишини ўз мисолингизда жуда яққол синаб кўриш имкониятига эга бўласиз!... Қўрқманг, бу сизга фойда бўлади!..

В а с и л к а. Сиз беҳудага менинг жигимга тегмоқчисиз, жанг учун ҳали менда куч бор.

Н у н е в а. Майли, жанг қилинг, аммо, шу билан бирга фактлар ҳақиқатда қандай бўлса худди шундай кўришга ҳаракат қилинг... Бўлмаса сизнинг жангингиз ўч олиш томонга айланиб кетади...

В а с и л к а. Ёки, сизнингча айтганда — ўч олиш ҳиссига айланиб кетади?!

Х и н к о. Ойижон, мен сенинг ўрнингда бўлсам, бу мунозарани тўхтатар эдим.

Н у н е в а. Қизим, азизим, мен истар эдимки, сиз ўзингизни қўлга олиб, азобларга бардош бериб, инженер Спасовга, менга ва бошқа одамларга алоқадор бўлган баъзи бир вазиятни хотиржамлик, совуқ-қонлик билан бир текшириб кўрсангиз яхши бўларди...

В а с и л к а. Нима бўлса бўлсин, аммо, мен отамни руҳан ҳалок қилиш ҳаққоний эканлигига рози бўлолмайман.

Н у н е в а. Агарда у қонун чегарасидан чиқмаган бўлса, мен ҳам рози бўлолмайман!

В а с и л к а. Инженер Нунева, сиз ё тажрибали актрисасиз, ёки... Мен ҳеч нимага тушунолмайд қолдим, бошим айланиб кетди... Мен сизнинг сўзларингизни яхши хотирлаб қолдим, суриштириб кўраман, шундоқмикан? Хайр!

Чиқиб кетади. Х и н к о уни секин, кинояли ҳаракатлар билан кузатиб чиқади. Қайтиб келади, юзи жиддий, ўйчан.

Х и н к о. Нима, — яна унинг гирибонидан ушламоқчимилар?

Н у н е в а. Билмайман, янги директор қандайдир имо-ишоралар қилган эди...

Х и н к о. Агар, уни яна дўппослашсалар, мен унинг учун бир томчи ҳам ёш тўкмайман!..

Н у н е в а. Агар у, тагин жамоат ҳамёнига ҳам қўл суққан бўлса, мен жуда хафа бўламан...

Х и н к о. Хўш, нега энди қўл суқмасин? Ахир жуда кўп одам шундай қилади-ку...

Н у н е в а. Уйлайманки, Спасов унақалардан эмас...

Х и н к о. Э, худо, унинг ҳақида нималар гапирганинг ҳаммаси ёдимда!

Н у н е в а. Нима деган бўлсам, ҳаммаси унинг одамлар билан ишлаш усулига тааллуқли эди... Ва унинг феъли атворига боғлиқ эди... Мен учун, Спасов бирор нарсага қўл урган деб, тахмин қилиш жуда оғир.

Х и н к о. Хўш, бордию қўл урган бўлса-чи?

Н у н е в а. Унда майли, уни суд қилишсин! Энг жиддий ва шафқатсиз суд билан! Аммо, буларнинг ҳаммаси мунозарасиз далиллар билан исбот қилиниши лозим!

Х и н к о. Далил топилади... гарчи далил бўлмаса ҳам...

Н у н е в а. Сенга нима бўлди? Қандай қилиб — далил бўлмаса ҳам?!

Х и н к о. Шундай қилибки — инженер Спасов роса дўппосланишга лойиқ бўлгани учун!

Н у н е в а (*паузадан кейин, кескин*). Агар далиллар бўлмаса, уни исбот қилинмаган айблардан ҳимоя қилиш керак — бу виждоний бурчимиз!

Х и н к о (*ҳайрон*). Такрорла, тагин хато эшитганим йўқми? Ружа Нунева Спасовни ҳимоя қилади?

Н у н е в а. Ҳа, ҳимоя қилади.

Хинко. Бутун заводнинг устингдан хо-холаб кулишидан қўрқмай-санми?

Нунева. Майли хо-холаб кулишса кулаберсин... Ҳа, умуман, ўғлим, бизнинг инженер Петрунов билан келишолмаганимиз ҳам худди шу масалада.

Хинко. Э, ҳалитдан янги директор билан келишмовчилик бошландими?

Нунева. Ҳамма гап келишмовчиликдан эмас, восвосдан бошланди; у мени ўзининг муовинлигига таклиф этди.

Хинко. Бўл!

Нунева. Рост, унинг баъзи бир талаблари...

Хинко. Унинг талаблари қандай бўлишидан қатъий назар...

Нунева. Инженер Петрунов собиқ директорни тор-мор этишда менинг иштирок қилишимни истайди. Мен ўзимнинг номим билан қўшимча айбларни мустаҳкамлашим керак эмиш.

Хинко. Ҳа, сен албатта мустаҳкамлайсан! Ё сен, худди ўлжа бўлинадиган вақтда жанг майдонини тарк этмоқчимисан?

Нунева. Мен ўлжа учун жангга кирганим йўқ, ўғлим. Инженер Спасов ишдан олинди, партия йўли билан унга қаттиқ хайфсан берилди. Менинг унга нисбатан бошқа талабим йўқ.

Хинко. Бу фақат эси пастликкина эмас, ақлсизлик. Сен талабни қатъий рад этдингми?

Нунева. Уйлаб кўриш учун вақт берган, эртага ўз қароримни айтишим керак.

Хинко. Талабни қабул қиласан!

Нунева. Йўқ, ўғлим, қабул қилмайман.

Хинко. Ҳатто менинг келажагим учун ҳам-а?

Нунева. Хўш, ундан кейин менинг келажагим қандай бўлади?

Хинко. Ҳақиқий она, ҳаммадан аввал ўз болаларининг келажagini ўйлайди.

Нунева. Ўз ҳурматини йўқотиш эвазига эмас!

Хинко. Бу сенинг охирги сўзингми?

Нунева. Сен мени Дон Кихотга ўхшатиб, мендан кулдинг. Аммо, бу жуда узоқ замондаги гап. Мен ҳеч бўлмаганда ўз отамга ўхшашни хоҳлар эдим: у ўз эътиқоди йўлида жонини ҳам аямайдиганлардан эди.

Хинко (*таъзим қилади*). Миннатдорман таълимот учун, менинг руҳий чанқоқлигим тўлиғи билан қондирилди! Аммо, бунга қарамай, мен сени огоҳлантирмоқчиман: агар сен эртага «юксак» мулоҳазаларга суяниб, таклифни рад этсанг...

Нунева (*унинг сўзини бўлиб*). Мана сен, «ҳақиқий она», «ҳақиқий она» сўзини такрорлайсан. Аммо, ҳақиқий ўғил онасига ультиматум топшира оладими?

Хинко. Кўзингни очиб, атрофга қара! Дунё катта кўча рекламларида тасвир қилингандай эмас.

Нунева. Аммо, революцияни ҳамма вақт ёмонлайдиганлар тасаввур қилганидай ҳам эмас!

Эшикнинг кўнғироғи жиринглайди. Ҳар иккаласи ҳам жимийди.

Нунева. Оч!

Хинко (*ёқтирмай*). Бу, албатта, сенга келган.

Хинко иккиланиб, эшик томон боради, чиқиб Маринчева билан бирга қайтиб киради.

Маринчева. Салом.

Хижолат, ўзини ноқулай сезади, зўрма-зўраки кулади.

Нунева. Салом!

Хинко: тантанали равишда уларга орқасини ўтиради, китобларини йиғиштиради ва қовоғини солиб, жаҳл билан, кўшни хонага чиқиб кетади.

Маринчева. Сиз, албатта, таажжублангандирсиз...

Нунева. Рост, таажжубландим — ахир сиз инженер Спасов аъёнларига мансубсиз-ку. Утиринг, марҳамат. Душман томонга ўтишга сизни нима мажбур этди?

Маринчева (*креслога ўтиради*). Гарчи мен, Спасов дўстларининг қаторида бўлсам ҳам, сизни ҳурмат қилишни, сизга етарли баҳо беришни ҳеч қачон эсимдан чиқарган эмасман! Гарчи, менинг бугунги таклифим — Спасов билан бир-бирингизга дўстларча қўл бериб хайрлашинг деган таклиф — муваффақиятли чиқмаса ҳам келдим.

Нунева. Бизнинг собиқ директоримиз — порох, энг гўзал, энг эзгу тилакларини ҳам портлатиб юбориши мумкин. Уйлайманки, сиз, мени ноқулай вазиятда қолдирган ҳол учун узр сўрагани - келмагандирсиз? Ё сиз бир қароргоҳдан бошқа қароргоҳга ўтмоқчимисиз?

Маринчева (*бир оз хафа бўлиб*). Менинг унақа мақсадим йўқ, менинг келажакдаги режаларим хизмат билан жуда оз боғланади. Ҳатто, мен ишдан кетмоқчи бўлиб юрибман. Уртоқ Нунева, сиз билан янги директор ўртасида бирор гап ўтдимиз?

Нунева. Мен билан Петрунов ўртасидами? Ҳеч нарса...

Маринчева. Уришиб қолдингизми?

Нунева. Уришиб қолдингизми? Йўқ, рости, бир оз мунозаралашдик. Хўш, нима гап?

Маринчева а. Сизга ишонсам бўладими?

Нунева. Шубҳасиз, сир мутлақо сақланишига ишонаверинг.

Маринчева. Бугун янги директор сизнинг шахсий делонгизни талаб қилди, бу вақтда унинг юзида яхшилик аломати йўқ эди.

Нунева. Майли, қўрқадиган жойим йўқ.

Маринчева. Бунақа ишларда менинг озми-кўпми тажрибам бор, кимда ким сенинг шахсий делонгга тумшугини суқса — бир бало бўлади, деяберинг!

Нунева. Мен ҳам тажрибадан биламанки — агар сен, бировнинг шахсий делоси билан қизиқсанг, демак, тез орада сенинг шахсий делонг билан ҳам қизиқадилар!

Маринчева. Менимча сиз Петруновга етарлик баҳо бермай ётибсиз: у ниҳоятда ўжар, айтганини қиладиган одам.

Нунева. У ҳали ёш, шунинг учун ҳам ўжар. Ундан кейин у ўзининг шахсий ўжарлигини бутун жамиятимизнинг мақсадлари билан бирлаштиришни билмайди. Бир вақтлар Спасов ҳам бу нарсани унутиб қўйди, мана, натижа.

Маринчева а. Демак, сиз ўзингиз учун хотиржамсиз?

Нунева. Мутлақо...

Маринчева а. У ҳолда... сизга яна битта савол берсам бўладими?

Нунева. Марҳамат.

Маринчева а. Инженер Спасовга энди нима бўлади? Завод худди арининг уясидек ғувулламоқда.

Нунева. Менинг учун бу масала тугаган.

Маринчева а. Агар сиз уни тамом яксон қилмоқчи бўлсангиз, мен сира таажжубланмасдим. Ахир сиз ундан жуда кўп жафо кўрган эдингиз-ку! Баъзан унинг сизга қаратилган ғазаби чексиз бўларди.

Нунева. Мен ҳам ундан қолишмасдим!

Маринчева а. Жуда кўп ҳужжат тўпланган дейишяпти. Аммо, инженер Спасов... Мен уни яхши биламан. Унинг нуқсонларини ҳам биламан. Аммо, Спасов улар ўйлаган одам эмас, унақа одам эмас!

(Паузадан сўнг). Мен у билан тўққиз йил ёнма-ён бирга ишладим, мен унга жуда боғланиб қолганман, аёл киши ҳатто бизнинг кибернетика асримизда ҳам аёллигича қолади.

Нунева. Баъзан менга шундоқ туйиладики, аёл табиатининг садоқатли бўлиши — инсоният учун бахт, аммо, аёлларнинг ўзлари учун эса бахтсизлик.

Маринчева. Сиз унга қарши кўтарилган янги компанияга қўшилармидингиз?

Нунева. Фақат шу вақтдагинаки, агар далиллар шаксиз ва шубҳасиз бўлса.

Маринчева. Бордию, агар... Зинҳор мени тўғри тушунинг. Агар у далиллар ўйлаб чиқарилган бўлсачи?

Нунева. Ҳеч қачон ва ҳеч қандай қилиб қўшилмайман!

Маринчева. Мен учун инженер Нуневанинг сўзи олтинга тенг! (Урнадан туради.) Кўнглим хила ёришди. Хайрли тун! (Қўл чўзади.)

Нунева. (Маринчеванинг қўлини сиқиб). Хайрли тун!

Маринчева. (Эшик томон йўл олади, бўсаға олдида тўхтади). Уни ҳимоя қилишимдан бошқа маъно ахтариб юрманг, мен уни тамом ёлғиз қолдиришни истамас эдим, унинг ҳамма ошналари, улфатлари аста-секин ҳар тарафга қараб қочиб кетдилар.

Нунева. Ошналар, улфатлар — бир хил маънодаги сўзлар эмас, аммо бизнинг собиқ директоримиз бу ҳақиқатни ҳамон англаб етгани йўқ. Яна бир карра хайрли тун!

Маринчева чиқиб кетади, Хинко меҳмонхонага қайтиб келади.

Хинко (истеҳзо билан). Ановини оқлашни ташкил қилиш учун чопиб келибди-да.

Нунева. Яна қулоқ солдингми?

Хинко. Истамасанг ҳам эшитишга тўғри келади, манави панель девордан ҳатто шивирлашлар ҳам эшитилиб туради. Мен, мисол учун, еттинчи қаватдаги адвокатнинг ҳожатхонасига неча бор боришини аниқ билман. Ҳалиги ўшанинг ўйнашими?

Нунева. Билмайман. Бу нарсалар мени қизиқтирмайди.

Хинко. Агар аёл киши эркакнинг шаъни деб ўзини ўтга урадиган бўлса, унинг ишқида кабоб бўлган деявер! Гарчи мен сенинг аёл садоқати ҳақидаги назариянгга қўшилмасам ҳам... Сенинг ўзинг-оқ бу назарияни тамоман пучга чиқарасан.

Нунева (ҳайрон). Мен?

Хинко. Ҳа, сен! Ахир, мен сендан уни нимага кечирмадинг, деб ҳеч қачон сўраганим йўқ-ку?

Нунева. Нима учун мен сенинг отангни кечирганим йўқ?

Хинко. Яна тўғрироғи, ҳозирга қадар «менинг отам» деган код билан юритилиб келган шахсни. Ҳа, кечириш керак эди! Биринчидан, у жиноят устида қўлга тушган пайтда, ўз гуноҳларидан қаттиқ пушаймон бўлди... Худди калтак еган итдек сенга ялинганлари, сени ўз сўзига кўндиришга уринганликлари ҳам ёдимда. Иккинчидан, модмики сен оиладаги мустаҳкам қозиқ бўлар экансан, уни тўғри йўлга солиш учун ўзингда куч топа билишинг керак эди, уни дарҳол севги қайиғидан улоқтириб ташламасдан. У — пўсти юпқа, енгил қайиқча пўртанали муҳаббат денгизида сузиш учун шундоғам мўрт ва ожиз эди!

Нунева. Сен масхарабозлик қилаяпсанми, ёки сени бу масалалар ростдан ҳам қизиқтирадимми?

Хинко. Фараз қил, қизиқтиради!

Нунева. Ҳўп яхши. Биринчидан, мен уни бир неча бор кечирганман, сен бундан беҳабар эдинг. Иккинчидан, у сўнги ҳунари билан

мени эл-юрт олдида кулги қилаёзди. Одамлар тўғридан-тўғри юзимга қараб кулмасин деб, ниҳоят, бу шундоғам ожиз ипни узиб ташлашга мажбур бўлдим.

Хинко. Сен бу ипни бошқа бир сабаб билан узиб ташлаганинг йўқми?

Нунева. Яна қанақа сабаб?

Хинко. Агар сен ҳақиқатни ўғлингга айтишга журъат қилолма-санг, сенинг юксак принципларинг кинокомедиялардаги ҳавойи рол-ларгагина ярайди, холос. Ростини айт, ҳаётингда Симов фамилияли одам мавжуд бўлгани учун шундоқ узил-кесил ҳаракат қилганинг йўқми?

Нунева (*қотиб қолади*). Нима?!

Хинко. Қайтараман: ипни узиб ташлаш қарори пишиб-етилиши-га сенинг инженер Симов билан бўлган яқин алоқанг таъсир кўрсатгани йўқми?

Нунева. Агар сен катта ёшли аҳмоқ бўлганингда, башарангга қараб солардим!

Хинко. «Тарсаки» деган код билан юритиладиган, башарага қараб уриш далил эмас! Жавоб бер: сен ўша Симов учун отамни ҳайдаб юбордингми?

Нунева (*ҳаяжонланмасдан гапиришга ҳаракат қилади*). Инженер Симов заводга биз ажралишганимиздан бир йил кейин келган. Мен уни сира ҳам билмасдим. Орамизда ҳеч нарса бўлган эмас, ҳеч нарса йўқ. Бу гапларни ҳаммаси ғийбатчилар, бекорчи одамларнинг игволари! Бахтга қарши, отанг бу расво гапларга ишонибди, ҳатто, ҳаммасини сенга ҳам айтиб берибди.

Хинко. Ҳа, айтиб берди, фақат шу гапнигина эмас... (*Қичқиради*): У инженер Симов ким ўзи?!

Нунева. Қобилиятли ёш нарса, мендан ёш. Биз бир-биримизни қаттиқ ҳурмат қиламиз.

Хинко. Бу гаплар жуда чучмал, ҳақиқатдан узоқ.

Нунева. Рост, ҳақиқат. Инженер Симов чиройли ва ақлли одам, агар у менга хушомад қилса рад этмас эдим, — кўрдингми, ўғлим, ҳақиқатни айтиш учун журъатим етарлик. Аммо, Симов ўз хотинини яхши кўради, афзал билади. У ҳеч вақт, бир мартаба бўлсин, менга хотинларга қарайдиган назар билан қараган эмас, биз аёллар орқамизни ўгириб туриб бўлса ҳам ўшанақа қарашни дарҳол сезамиз. Агар, яна ҳам очикроқ қилиб айтиш керак бўлса, сенга шуни айтиб қўяйки, инженер Симов менга ёқар эди, ҳали ҳам ёқади. Унақа одамлар муҳаббатга сазовор одамлар. Яна саволлар борми?

Хинко. Сенинг сўзларингдан шу нарса келиб чиқдики, ҳар ҳолда сен билан Симов орасида, қандайдир бир яқинлик бор.

Нунева. Ҳа, бор — Спасовнинг димоғдорлигига қарши кураш бизни бир-биримизга яқинлаштирди!

Эшик кўнғироғи жиринглайди.

Хинко. Ана холос, келадиганлар кўпайиб кетди. Қани, яна қандай бўрон бизга яқинлашиб келаётган экан? (*Чиқади ва тезда қайтиб киради, бесарамжон*). Инженер Леков.

Нунева. Ким-ким?

Хинко. Спасовнинг ўнг қўл вазири! Қабул қиласанми?

Нунева (*ўйланади*). Модомики, келибдими, майли кирсин.

Хинко (*иккиланади, сўнг, эшикни очади, киноя билан атайин баланд овозда гапиради*). Қани, қани, кирсинлар, марҳамат, ўртоқ Спасов!

Бўсағада Леков пайдо бўлади, у хижолатда, аммо, ўзини қўлга олади.

Леков. Сиз негадир адашаяпсиз, мен инженер Лековман.

Хинко (*масхара қилиб*). Э, кечирасиз, сизларни бир-бирларингиздан ажратиш жуда қийин. Қирсангизчи, ахир, менинг онам ўзининг собиқ бошлиғининг энг яқин сафдоши билан суҳбатлашишга ниҳоятда муштоқ бўлиб ўтирибди.

Нунева (*жаҳли чиқиб*). Хинко, ўтинаман.

Хинко. Содиқ қулингиз... (*Масхарабозларча орқаси билан юриб бориб, ўз хонасига чиқиб кетади*).

Леков. Афтидан, ўғлингиз заводдаги ҳамма воқеадан хабардорга ўхшайди.

Нунева. Ҳа, мен унга ҳамма гапни айтиб берганман. Хўш, бу ерга келишдан мақсадингиз?

Леков (*ўтиради*). Безовта бўлманг, сизнинг кўп вақтингизни олмайман. Сиз инженер Спасовга қарши олиб борилаётган ишлардан хабардормисиз?

Нунева. Деяйлик, ҳа.

Леков. Ҳозирга қадар гап партиявий ва маъмурий чоралар ҳақида борган бўлса, энди масала жиний тус олаяпти.

Нунева. Ҳа, ахир, бунинг учун материаллар, аниқ далиллар керак-ку.

Леков. Далиллар етиб ортади! Мен материал тўплайман.

Нунева. Сиз ўзингизни, Спасовнинг прокурори бўлишга ҳақлиман, демоқчимисиз? Ахир, сиз кечагина унинг этагини кўтариб юрдингизку!

Леков. Мен ўзимнинг хизмат бурчимни ҳалоллик билан адо этман, холос! Ундан ташқари мен собиқ директор ҳақидаги қарорга қўшиламан, мен ўша қарорни қувватлаб қўл кўтарганман!

Нунева. Афтидан, сизга маълум бўлмаса керак, бизнинг ҳаётимизда ёзилмаган минг хил қонун ва қондалар бор, улар ҳар бир қадамни ўйлаб босишни тақозо қиладилар. Шунга кўра кимда ким ўзининг собиқ дўстини ва ҳомийсини, фақат у ўйиндан чиққани учунгина ёмонлаб ётганини кўрсанг...

Леков. Ҳа, сизнинг унга қарши гапирган гапингиз меникидан юз чандон қаттиқ эди-ку!

Нунева. Чунки у менга дўст ҳам, ҳомий ҳам эмас эди!

Леков. Нима, агарда ҳақиқат дўст ва ҳомий томонида бўлмаса, наҳотки мен бу ҳақиқатни эътироф қилишга ҳақли бўлмасам?

Нунева. Буни сиз илгарироқ, ҳам ҳақиқатдан, ҳам сизнинг эътирофингиздан ҳам сизга, ҳам дўстингизга, ҳам заводга фойда келадиган вақтда қилишингиз керак эди. Энди эса...

Леков. Сиз мени ҳамма вақт ёмон кўрар эдингиз, мен бунни яхши биламан. Хўп, майли, бу гап тушунарли. Хўш, сиз мен билан рол алмаштиришни истайсизми? Мен сизнинг ихтиёрингизга, ҳужжатлар, фотокопиялар билан ичи лиқ тўлган йўғон портфелни ва барча топилган, фош қиладиган материалларни топшироқчиман.

Нунева. Бу портфелни бугун менга таклиф қилишган эди. Сизни инженер Петрунов юбордимми?

Леков. Йўқ, у ҳатто, сизнинг олдингизга кетганимни ҳам билмайди. Ҳа, мен, сиз айтгандек, судья бўлишга ярамасам, судьяликни сизга топширишга тайёрман. Агар, сиз мени бу хилда қоронғи ишдан бирор манфаат кузатаяпти деб ўйласангиз...

Нунева. Кўрқдингизми?

Леков. Яширмайман, кўрқдим. Спасовнинг дағдағаларидан эмас, ҳалиги... (*сирли овоз билан*). Инженер Нунева, ҳозирга қадар биз икки хулқий категорияни билардик: ахлоқлигу, ахлоқсизлик. Бугун эса,

ёшларнинг келиши билан, яна битта категория майдонга келди — ахлоқий кўрлик. Ана шу категория — энг хавфлиси.

Нунева. Сиз инженер Петруновни назарда тутяпсизми?

Леков. У ушлаган жойини чўрт кесадиган, жуда ўжар одам.

Нунева. Унинг ўжар одам эканини ҳар бир ахлоқ ҳам билади, кечирасиз, сиздан цитата олиб гапиряпман. Аммо, ундан бошқа хислатларни ҳам кутишяпти.

Леков. Қимлар кутишяпти?

Нунева. Завод коллективи, партташкилот. Мен аминманки, биз тўғри хулоса чиқардик. Инженер Петрунов, сўнгги вақтларда ёшлар орасида тез-тез учраб турадиган хулқий далтоник бўлиб чиқмас.

Леков. Баъзи бир ҳақиқатнинг юзага қалқиб чиқиши учун анча вақт керак бўлади. Бу жараёни тезлатиш керак. Мен ўзимни четга олишга тайёрман, сизнинг эса яхши номингиз бор, сизга ишонишади.

Нунева. Бунақа роль менга тўғри келмайди. Камида, баъзи бир овлар унутиб қўйган ҳужжатни ёнимда олиб юрар эканман.

Леков. Қанақа ҳужжат?

Нунева. Партия билети. *(Паузадан сўнг)*. Хўш, сиз, ҳарқалай бу ерга нимага келдингиз?

Леков. Сиз янги оқимга қандай қарайсиз, шу нарсани билгани келдим.

Нунева. Мен бу оқимга ишончсизлик билан қарайман.

Леков. Хўш, менинг бу воқеага иштирок қилишимга қандай қарайсиз?

Нунева. Жирканч билан қарайман!

Эшик очилади, қўлларини биқинига тираб, бўсағада Хинко пайдо бўлади, унинг кўриниши жанггарий ва даҳшатли.

Хинко *(Лековга)*. Қани, энди бу уйдан жўнаб қол, бу уйнинг эгалари оби-ҳавони булғашга қарши курашадилар!

Леков *(эшикка томон йўл олади)*. Қетаман. *(Нуневага)*. Мен жанжаллашгани келганим йўқ эди. Мен шўрлик нима қилай, йўлимда ҳамма вақт қудратли ва ҳукмини юргизадиган шахслар дуч келса. Ишонинг, менинг бошқа иложим йўқ, йўқ.

Нунева. Бундан чиқдики, сиз, гуноҳингизни енгиллатиш учун келган экансиз-да? Мен фаросатим билан шунақа эканини дарҳол сезувдим. Ҳа, мен сизнинг гуноҳингизни кечирмайман! Мен сизнинг эски директорга кўрсатмоқчи бўлган иш усулингизни ҳам маъқулламайман! Хайр!

Леков яна нималарнидир айтмоқчи бўлади, кейин таъзим қилиб, бўшашиб чиқиб кетади.

Хинко. Бу чувалчанг тоқатимни тоқ қилди. Оҳ, уни зўрлаб мажбур қилишаётганмиш, оҳ, у қўрқармиш, кейин эса асосий айбловчи бўлиб майдонга чиқади! Ва шу йўл билан аввалги ўрнида қолади!

Нунева. Агар бу «масаллиққа» Леков аралашадиган бўлса, таом хомлигича, еб бўлмайдиган ҳолда қолади.

Хинко. Еб бўлмайдиган! Нима беришса шуни ейсан!

Нунева. Мен сенинг бунақа, бурама гапларингни ёмон кўраман.

Хинко. Меничи — яхши кўрасанми?

Нунева. Албатта яхши кўраман, аммо, бу ҳол сени одам бўлиш вазифасидан халос қилолмайди. Бу гап сенга мақбулми?

Хинко. Йўқ, она бунақа жавоб бермайди.

Нунева. Хўш, она қанақа жавоб бериши керак экан? «Болагинам, мен ҳамма нарсага, ҳатто жиноятга ҳам тайёрман, фақат сен хурсанд бўлсанг, бас?»

Хинко. Гарчи сенинг бу сўзларингда қочирим кўп бўлса ҳам, шунақа жавоб мақсадга яқинроқ!

Нунева. Мен ўйлайманки, она жасорат кўрсатишга тайёр бўлиши керак, жинойт қилишга эмас. Ҳар ҳолда, мен кимнингдир механизациясига олтин қалқон бўлишни истамайман ва бўлмайман ҳам.

Хинко. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳам тўғри, аммо жуда совуқ! Ҳа, мен бунга ҳайрон бўлмайман: дарҳақиқат, сен ҳақиқий оналик сезгисини сеза олармидинг?

Нунева (*жуда гангиб қолади*). Нега сеза олмайман? Ахир мен она эмасманми?

Хинко. Сен жуда яхши биласанки, сен... ҳақиқий она эмассан.

Нунева. Нега ҳақиқий она эмасман? Наҳотки у айтган бўлса...

Хинко. Ҳа, ҳа, айтди! Унга мен уйни бўшатиб қўй деганимда айтди.

Нунева. Сенинг отанг паст, расво эди, ҳали ҳам шундайлигича қолибди...

Хинко. Сен мени асраб олувдингми, а?

Нунева. Сен менинг ўғлимсан! (*Ҳазаб билан*). У ифлос сенга нималар деган бўлмасин, сен менинг ўғлимсан!

Хинко. Сен мени ўғил қилиб олувдингми, айт шундайми?

Нунева (*паузадан кейин, ҳаяжонини босишга ҳаракат қилиб*). Сен менинг ўғлимсан, ўз ўғлим. Мен сени муштдайлигингдан боқиб катта қилганман, мен сени севги ва ишонч билан парвариш қилганман. Мен сендан ҳеч қачон ажрамайман, ҳатто сен... мени ташлаб кетсанг ҳам.

Хинко эшик томон йўл олади.

Нунева (*секин*). Қаёққа?

Хинко. Кетаман...

Нунева. Жуда кеч бўлиб қолди-ку...

Хинко. Ҳа, жуда кеч.

Нунева. Овқатинг ошхонада, столда турибди.

Хинко. Эҳтимол қайтиб келмасман.

Нунева. Сенинг уйинг шу ер. Қаёққа борасан?

Хинко. Қаёққа бораман, нима қиламан — бу менинг ишим. Ахир, ўзинг мени улғайиб қолдинг, дединг-ку.

Нунева. Менимча, сен шу топда ҳеч ёққа бормаелигинг керак. Эртага эрталаб ақли-ҳушимизни йиғиб олиб, бафуржа гаплашамиз. Ҳамма масалани ҳал қиламиз. (*Хинко эшик томон йўл олади*). Хинко, ўғлим, эсингни йиғ, ахир, бу ақлсизлик-ку!

Хинко. Инженер Нунева, сиз билан биз бир-биримизни яхши биламиз. Иккаламиз ҳам чучмал гапларни, мелодрамани ёмон кўра-миз. Сиз яна бирор нарса демоқчимисиз?

Нунева. Мен сенга демоқчиманки... демоқчиманки, шу нарсани эсингда тут... оғир дамларингда керак бўлади... сенинг уйинг бор, сенинг онанг бор... Нима ҳам қилардим! Афтидан, туғилганимдаёқ пешонамга виждонсиз, тубан эр ва ҳиссиз, яхшиликни билмайдиган ўғил битилган экан. Хўп, майли, бора қолинг, ўртоқ Хинко Нунев! Эҳтимол, бир кун эмас, бир кун инсон ўзига ота-онани танлаб олмаслигини тушуниб оларсиз. Айниқса шу нарсанинг қадрига қаттиқ етиш керак-ки, агар тақдир, фахрланса арзийдиган одамлар орасида сени туққанми ё асраб олганми, бари бир, яшаш ва ўлиш бахтини сенга ато қилган бўлса... Мана, мен ўз отам билан фахрланаман. Сизга ҳам шу ҳақиқатни тушуниб олишни чин юракдан тилар эдим.

Кўшни хонага чиқиб кетади.

Хинко унинг орқасидан узоқ қараб қолади, сўнг эшик томон йўл олади.

П а р д а



## Учинчи парда

Яна директорнинг кабинети. Маринчева столидаги қоғозларни тартибга солмоқда, янги газеталарни столга қўяди, хатларни очиб қарайди, қисқаси директорнинг иш кунини тайёрламоқда. Бўсағада Хинко пайдо бўлади, унинг қовоғи солинган, хўмрайган.

Хинко. Салом.

Маринчева (*ҳайрон*). Салом!

Хинко. Мен директор билан гаплашмоқчи эдим.

Маринчева. У монтаж цехида, йиғилишда...

Хинко. Кутиб тураман.

Маринчева. Эҳтимол тушки овқатга қадар кутишга тўғри келар, иши кўп.

Хинко. Бўлмаса мен кейинроқ келарман.

Кетмоқчи бўлиб ўгирилади.

Маринчева. Кечирасиз, сиз ҳалиги...

Хинко. Ҳа, кеча кечкурун мен сизга эшик очувдим...

Маринчева. Балки, унга бирор нарса демоқчидирсиз, эртароқ келиб қолса айтиб қўяйми?

Хинко (*ўйланиб*). Унга нима айтиш керак бўлса ўзим айтаман, воситачи керак эмас!

Маринчева. Бу ерга келганингизни онангиз биладими?

Хинко (*қовоғини солиб*). Нима, мен ҳали балоғатга етмагандай кўринаманми? Ёки сиз мени ёрдамга мўхтож деб, ўйлайсизми?

Маринчева. Мен ишонаманки, сиз оқибати ёмон бўладиган бирор гап айтмаслигингиз керак.

Хинко. Онам сизга ҳамма гапни сир сақланг, деган эди, мен ҳам шундай дейман.

Маринчева. Мен бу ҳақда гапираётганим йўқ, мен онангиз тўғрисида ташвишдаман.

Хинко. Нима учун сиз унинг аҳволини енгиллатишингиз мумкин бўлган вақтларда ташвиш тортмадингиз? Ахир, сиз эски директорга бамаъни маслаҳатлар бериш имкониятига эга эдингиз-ку, шундай эмасми?

Маринчева. Мен уларнинг ўзаро жанжалларини ҳеч вақт маъқуллаган эмасман! Аммо, сизнинг кинояларингизга қарамай шуни айтиб қўяйки, мен заводда жуда кичкина одамман, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

Хинко. Қисқаси, қўлимни ювиб қўлтиққа урдим денг! Исо пайгамбар билан унинг муридлари ҳақидаги афсонанинг ҳам энг жирканч томони шунда — хиёнатда, Иуданинг Исога қилган хиёнатида!.. Кўришгунча хайр!

Чиқиб кетади.

Маринчева унинг орқасидан хавотирланиб қараб қолади, сўнг, кескин бурилиб, уч телефондан бирининг трубкасини олади.

Маринчева (*Икки рақамли номерни теради, кутади*). Ун еттинчи цехми? Инженер Нуневани чақириб беринг! (*Кутади*). Уртоқ Нунева? Мен Маринчеваман. Ҳозиргина бу ерга сизнинг ўғлингиз келувди. У инженер Петрунов билан учрашмоқчи экан. Билмадим, билмадим... У менга галатироқ кўринди. Қайси маънода дейсизми? Ҳа, у жуда ҳаяжонда эди... тажанг... Яхши, у яна келса, дарҳол сизга қўнғироқ қиламан. Ташвиш тортманг, албатта қўнғироқ қиламан.

Трубкини қўяди ва бирдан қотиб қолади. Бўсағада Хинко пайдо бўлади, кўзида ғазаб.

Хинко. Икки букилиб таъзим қиламан, демак сиз... ҳар ҳолда хиёнатни афзал кўрар экансизда! Онамга нега айтдингиз?

Маринчева. Бусиз ҳам унинг иши, ташвиши кўл.

Хинко. Бунинг учун қисман сиз айбдорсиз! (*Қаттиқ кулиб*). Инженер Нунева собиқ директорнинг беғуноҳлигини қўриқлаши лозим бўлган киши эмас!

Маринчева. Ҳамма бирин-кетин ундан ўзини олиб қочмоқда.

Хинко. Биласизми, агар сизнинг ўрнингизда бошқа субутли ва ботир аёл бўлса... бу вазифадан кетган бўларди!

Маринчева. Мен болалигимдан бери шу заводдаман. Аммо, эҳтимол, шундай ҳам бўлар. Гарчи менинг уч болам ва касалманд эрим бўлса ҳам.

Хинко. Доимий важ: болалар, оила, нон! Ҳали ҳам менинг онамга ўхшаган содда ақлсиз кишилар бор. Сиз уларнинг бола-чақаси, оиласи йўқ, улар учун еб-ичишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайсизми? Уртоқ Маринчева, ҳатто, ҳаддидан ошиб кетган ғолиблар сизнинг севгили Спасовингизни дорга оссалар ҳам! Ундан кейин, илтимос, онамга бошқа телефон қилманг, бошингиз ғавғода қолади!

Бўсагада Леков пайдо бўлади, қўлида ўша машъум портфель.

Леков. Ҳали ҳам қайтгани йўқми?

Маринчева. Ушланиб қолди, чамаси.

Леков. Келса менга хабар қилинг, тиқилинч иш бор. (*Кетмоқчи бўлади*).

Хинко (*Лековга*). Инженер Леков, ўйлайманки, сиз, менинг кимлигимни унутмагандирсиз?

Леков (*ҳўмрайиб*). Ёдимда.

Хинко. Кеча мен жиной тус олган ширин суҳбатингизни эшитиш шарафига муяссар бўлган эдим. Ишонаманки, сиз бу суҳбатингизнинг муборак хонадонимизда бўлиб ўтганини унутмагандирсиз.

Леков. Қулоқ солувдингизми?

Хинко. Ғайри ихтиёрий.

Леков. Бу билан фахрланмоқчимисиз?

Хинко. Хўш, сиз нима билан фахрланасиз?

Леков. Гапингиз тахи бузилган гап, менинг баъзи бир касбдошларим мени койишмоқчи бўлишса, теша тегмаган, янги гапларни топишади.

Хинко. Нега мен сизни койишим керак! Мен сиздан хазар қиламан!

Чиқиб кетади.

Леков (*ғазабли*). Онаси бола деб, илон туққан экан!

Маринчева. Гапингиз на қадар разил!

Леков (*пичинг қилиб*). Йўл-йўлакай янги оқимга мослашяпсиз, шекилли?

Маринчева. Эсингизга солиб қўяйки, мен инженер Нунева ҳақида ҳамма вақт фақат яхши гап айтиб қелганман. Йўл-йўлакай янги оқимга қандай қилиб мослашиш кераклигини, афтидан, сиз жуда яхши биладиганга ўхшайсиз. Сизнинг мажлисдаги нутқингиз...

Леков (*унинг сўзини бўлиб, мазах қилиб*). Демак, у нутқ сизга ёқмабди-да? Ҳа, эски директорнинг яқин одамларини нималар ғазаблантирганини биламан, шахсий мотивларини ҳам биламан... Аммо, мен эркин одамман, менинг ҳеч ким ва ҳеч нарса билан боғлиқ ерим йўқ!

Маринчева. У сизга жуда ишонар эди, жуда ишонар эди...

Леков. Ишнинг кўзини биладиган, сўзга қулоқ соладиган одамнинг хизматларига ишонган. Инсон — бу жуда мураккаб механизм,

Маринчева, баъзан «яхши муомала» очикдан-очик дағалликка қараганда кишига қаттиқроқ ботиши мумкин!

Маринчева. Уялинг! Ахир, сиз одамларнинг назарида, фақат унинг биринчи ёрдамчисигина эмас, дўсти ҳам эдингиз!

Леков (*истеҳзо билан*). Одамларнинг назарида... Одамларнинг назарида сиз ким эдингиз?

Маринчева. Менинг ҳақимдаги гийбатларни исбот қилишга уриниш, сизга фойдасиз.

Леков. Мен бу илон инига калламни суқмоқчи эмасман. Аммо, эсингизга солиб қўяй, азизим, сиз ҳам бегуноҳ эмассиз.

Маринчева (*ғазаб билан*). Ёлғон! Менинг виждоним тоза!

Леков. Тоза виждон деган сўзнинг маъноси — мужмал.

Маринчева. Сизга ўхшаганлар учун, аммо, мен учун эмас!

Леков. Огоҳлантирмоқчиман, мен ҳали ҳозирча директор муовиниман. Бундан кейин ҳам шу ўринда қолиш учун имоним комил. Ҳар эҳтимолга қарши менинг сизга маслаҳатим: янги оқимга мослашишингиз унчалик хавфли эмас, ҳаммамиз ҳам мослашамиз, аммо, сизнинг Петруновга эмас, Нуневага ён босишингиз ёмон. Мўлжал тўғри эмас.

Маринчева. Мен ташқи вазиятга қараб эмас, ўз юрагимнинг амрига қараб иш қиламан...

Леков (*ғазаб билан*). Сиз, фақат юрак амри билан яшаш учун жуда хашаки одамсиз! Худонинг оддий бандалари, бизлар учун ҳам мустаҳкам ҳимоя керак! Ҳа, кейин гапирганда оғзингизга қараб гапиринг, яна, у гаплар учун жавоб бериб юрманг!

Чиқиб кетади. Маринчева ўйга толганча ўтириб қолади. Бўсагада Нунева пайдо бўлади, у кабинетга тез кўз югуртириб чиқади, тез юриб Маринчеванинг олдига боради.

Нунева. У шу ердами?

Маринчева. Йўқ, қайтиб келгани йўқ.

Нунева. Қайтиб келади, деб ўйлайсизми?

Маринчева. У менга шундай деб айтди. Авзойи бузуқ!

Нунева (*қўрқиб*). Маст эмасмиди?

Маринчева. Йўқ, мастга ўхшамайди. Аммо, тўнини тескари кийиб олганга ўхшайди. Кўринган одамга ташланишга тайёр.

Нунева. У кеча кечаси уйдан жуда кеч чиқиб кетган эди, ўшандан бери қайтиб келгани йўқ. Қаёқларда санғиб юрибди, нима қилаяпти, билмайман!

Маринчева. Тинчланинг, мен сизга дарҳол кўнғироқ қиламан, гарчи у бунинг учун мендан хафа бўлса ҳам!

Нунева. Нима қилмоқчи, ўзи, асти бу бола! Илтимос, ўтиниб сўрайман. (*Маринчеванинг юзига тикилиб*). Нега рангингиз бунча оқариб кетган? Бирор нарса бўлдими?

Маринчева (*қўл силтаб*). Ҳа, Леков билан айтишиб қолдик.

Нунева. Э, бунинг сўзларига кўп ҳам аҳамият берманг, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг.

Маринчева. Ташвишлар йиғилиб қолган, кўнгилсиз воқеаларга қарши кураш борган сари қийинлашиб бормоқда.

Нунева. Менинг ташвишларим ҳам оз эмас. Кеча кечқурун битта аблаҳ менинг собиқ эрим, менга шундоқ озор бердики!..

Маринчева. Ҳа, сиз у билан аллақачон ажрალიшиб кетгансизку. Унга яна нима керак экан?

Нунева. Уғлимни мендан тортиб олмоқчи.

Маринчева. Унинг ҳаққи йўқ, бу қонунга хилоф!

Нунева. Гап ҳаққу-ҳуқуқ, қонун тўғрисида бораётгани йўқ. Орамизда сир, жуда қаттиқ бир сир бор эди, у бу сирни Хинкога вал-

дираб қўйибди. Юрагимга пичоқ ургандай бўлди. Эътироф қиламан, мен баъзан, ҳар хил умидсиз одамлар билан қаттиқ мунозара қила бошлайман, албатта, хаёлимда. «Бизда амалпарастлар борми?» деб сўрайди улар мендан.—«Бор» дейман, мен. «Бюрократлар борми?»—«Бор!»—«Порахўрлар, лаганбардорлар, ярамас одамлар борми?»—«Бор, бор,бор!» «У ҳолда сиз ўзингизнинг социализмингиз билан нега бунча мақтанасиз?»—Мен уларга жавоб бераман, албатта, ичимда, хаёлан, ўзим учун: «Йўқ, афандилар, дейман мен! Болгариядаги оғир йўқсуллик, хорлик, очлик, жаҳолат, ҳуқуқсизликларни ҳали эсимдан чиқарганим йўқ. Агарда, бизнинг бугунги Болгариямиз — тараққий топган мамлакат, агар мукаммал гуллаш, юксалиш учун илгарига қараб интилар экан, наҳотки биз буларнинг ҳаммаси учун, ўша амалпарастлар, тубан одамлар, бюрократлар, лаганбардорлардан миннатдор бўлсак?» Йўқ, бунинг учун биз улардан эмас, Маринчева, сизга ўхшаган, Симовга ўхшаган заводимиздаги кўпчилик ишчиларга ўхшаган одамлардан миннатдор бўламиз! Шунинг учун хафа бўлманг, ўзингизни қўлга олинг, сиз куни билан ишлашингиз керак. Агар, Хинко келгудек бўлиб қолса, дарҳол телефон қилинг!

Тез чиқиб кетади. Телефон жиринглайди.

Маринчева (*келиб трубкани олади*). Эшитаман! Йўқ, у цехда, мажлисда. Яхши, соат ўн тўртда эмас, ўн учта. Унга айтаман. Тушунарлик, бир соат илгари. Хайр!

Трубкани қўяди. Бўсағада инженер Петрунов пайдо бўлади, руҳи кўтаринки.

Петрунов. Салом! Менинг йўқлигимда бирор янгилик юз бергани йўқми?

Маринчева. Ҳозиргина министрликдан хабар қилишди, коллегия соат иккида эмас, бирда бўлармиш.

Петрунов. Аттанг, мен яна монтаж цехига бир кириб ўтмоқчи эдим.

Маринчева. Нега? Нима, мажлис ҳали тугагани йўқми?

Петрунов. Тугади, тугаганда ҳам қандоқ! (*Хурсанд*). Маринчева, менга синчиклаб қаранг-чи, мен товуққа ўхшайманми?

Маринчева. Нимага?

Петрунов. То-вуқ-қа!

Маринчева. Ҳазиллашманг.

Петрунов. Яқинда сизнинг ошноларингизнинг биридан, инженер Спасовни инженер Петрунов билан алмаштириш фикрига қандай қарайсиз, деб сўрашган экан: «Бу, отни товуққа алмаштириш билан баробар!»—дея жавоб берибди. Бамаъни жавоб берган эканми? Илтимос қиламан, бугунги число билан ёзиб қўйинг: узоғи билаң икки ойдан кейин монтаж цехи ўз планини ортиғи билан бажара бошлайди! Уша, уч йилдан бери тўхтовсиз мажлис қилишиб, қарор чиқаришиб, барибир ишга тушириша олмаган цех!

Маринчева. Агар шундай бўлиб чиқса, бу сизнинг биринчи галабангиз бўлади.

Петрунов. Бўлади! Мажлис ниҳоятда кескин, камчилик ва унинг айбдорларига очиқдан-очиқ, бўямасдан баҳо бериш руҳида ўтди. Бу эса масаланинг ярми ҳал бўлди деган-гап! (*Столга ўтиради*).

Маринчева. Инженер Леков, мени қабул қилсин, деб қаттиқ илтимос қилаяпти.

Петрунов. Инженер Нунева-чи?

Маринчева. У учрашмоқчилигини айтгани йўқ. (*Иккиланиб*).

Унинг ўғли келувди.

Петрунов. Унинг ўғли? Нима, у заводда ишлайдими?

Маринчева. Йўқ, у студент. Сиз билан гаплашмоқчи экан.

Петрунов. Агарда, бу қандайдир мижғов гап бўладиган бўлса, керак эмас, мен бунақа, юрак эзадиган сюжетни ёқтирмайман. Қани, бўлмаса, инженер Лековни чақиринг!

Маринчева. Хўп.

Бир неча қадам босади, эшик олдида тўхтади.

Уртоқ Петрунов мен ҳам сиз билан гаплашмоқчи эдим.

Петрунов (*қоғозларни кўздан кечираётди*). Кейин, ҳозир мен бандман...

Маринчева секин юриб чиқиб кетади, ана шу заҳотиёқ қайтиб киради, у ҳаяжон ва кўрқувда.

Маринчева. Уртоқ директор, ташқарида инженер Спасов турибди.

Петрунов. Спасов? Ахир, у киши бундан буёқ бу остонага қадам босмайман, деб, қасам ичган эди-ку, ана холос — ахир келибди-да!

Маринчева. У сиздан бир нарсани сўрамоқчи.

Петрунов (*башарасини буриштириб*). Майли, чақиринг!

Маринчева чиқиб кетади. Кўп ўтмай бўсағада Спасов кўринади.

Унинг қовоғи солиқ, кўпдан бери соқоли олинмаган.

Спасов. Салом.

Петрунов. Салом, салом! Хўш, хизмат?

Спасов. Безовта бўлманг, гапим қисқа.

Петрунов (*атайин хушмуомала билан*). Қисқами, йўқми, аввал ўтиринг, марҳамат, ахир, сиз бу иш майдонида умрингизнинг тўққиз йилини сарф этгансиз-ку!

Спасов (*унинг хушмуомаласидан ҳайрон*). Миннатдорман. (*Яқинидаги креслога ўтиради*). Кеча кечқурун уйимизда судга ўхшаганроқ бир хангома бўлиб ўтди.

Петрунов. Қанақа хангома?

Спасов. Василка, менинг қизим, мени сўроққа тутди, узоқ ва қийин сўроққа тутди... Менинг заводдаги хулқу-атворим, олган ва олишим мумкин бўлган даромадларим, омонат кассанинг дафтарчаси ҳақида... Ва ўзи, ўз кўзи билан дафтарчадаги арзимаган пулни кўриб чиқмоқчи бўлди. (*Кўл силтайди*). Кейин онасини уйғотиб уни ҳам сўроққа тутди.

Петрунов. Кечирасиз аммо... Бу гапларни менга нега гапираяпсиз?

Спасов. Мен бу сўроқлардан шу нарсани англадимки, менга қарши қандайдир, янги туҳматлар яқинлашиб келмоқда, устимга янги айблар қўйилмоқчи. Буни одатдагидек, мандан бўлак ҳамма, бутун дунё билибди-ю, фақат, мен ўзимгина тамом беҳабарман.

Петрунов. Мен ҳам шунақа бир гапни эшитувдим. Ҳа, сизнинг қизингиздан.

Спасов. Василкаданми?

Петрунов. У кеча бу ерга келган эди. Мен унга қўлимдан келганича тушунтиришга уриниб кўрдим.

Спасов. У ҳолда менга тушунтиринг, айниқса сиз бирдан-бир ишончли манба экансиз.

Петрунов. Янги айблар йўқ. Ҳар ҳолда расмий.

Спасов. Файри-расмий ҳолда-чи?

Петрунов. Инженер Спасов, сиз бекорга ваҳима қилиб юрибсиз. Тўғри, мен тафтиш қилиш учун комиссия туздим. Буюмларни қабул

қилиб олишди, ҳамма яхши хўжайин ҳам шундай қилади, бу бизнинг бурчимиз.

С п а с о в. Бу ифлос миш-мишлар қаёқдан чиқди?

П е т р у н о в. Эҳтимол, бу гаплар сизнинг эски душманларингиз ва тарафкашларингиз томонидан тарқатилгандир?

С п а с о в. Уртоқ Петрунов, мен ваҳимага тушганим йўқ. Ва бу ерга мурувват излаб ҳам келган эмасман. Майли, нимани хоҳлайсиз ва қанча хоҳлайсиз, текшираберинг... Аммо, мен ўзимнинг покиза номим учун курашаман! Тиш-тирноғим билан курашаман! Фақат ўзим учунгина эмас — мен энди майдондан узоқлаштирилганман, қизим учун, кеча гулдурос қарсақлар остида диплом ёқлаган ўғлим учун курашаман!

П е т р у н о в. Мен сизнинг қизингизга айтдим, сизга ҳам айтаман: агар етарли даражада асосланмаган бўлса, фактлар билан тасдиқланмаган бўлса, мен янги айбларга йўл бермайман. Бу жавоб сизни қаноатлантирадим?

С п а с о в. Ҳа, қаноатлантиради. (*Урнидан туради*).

П е т р у н о в. Бугунги тун менинг учун ҳам оғир бўлди. Уйқусизлик қийнади. Ҳар хил нарсалар ҳақида ўйладим, шу жумладан сизнинг бошингиздан нималар кечганини ҳам... Узаро гап, инженер Петруновнинг инженер Спасовга нисбатан объектив бўлмаслиги учун кўп асослар бор.

С п а с о в. Менга нисбатан? Сабаб?

П е т р у н о в. Чунки, сиз, коллегия номига ёзган хатингизда менинг портретимни шундоқ тасвир қилгансизки, бу ерда ҳам объективлик йўқ!

С п а с о в. Менинг хатимдан хабардормисиз?

П е т р у н о в. Ҳа, хатингиз билан танишиш шарафига муяссар бўлдим!

С п а с о в. Мен, мажлисда ҳам, сизнинг номзодингиз директорлик лавозимига нолайиқ деб, айтганман!

П е т р у н о в. Бу баҳонинг тўғри келиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо, арзи-додингиз... кечирасиз, хатингизни тугаллашдаги, мени жуда хафа қиладиган жумлангизга келсак... Нима дейилган эди? Ҳа, мени нима дейилган эди: «Мутлақо қобилиятсиз»... Ҳа, мана мен кимман, қобилиятсизманми, ёки товуқманми, ё яна шунга ўхшаш нарсаманми, йилнинг охирида планнинг бажарилиши кўрсатади! Агар сиз ўзингизни отга ўхшатишни истасангиз, ҳечам қаршидигим йўқ, истасангиз каркидонга ҳам ўхшатаберинг!

С п а с о в. Агар мен тўғри тушунган бўлсам, сиз менинг очиқ душманларимдан ҳам баттар экансиз.

П е т р у н о в. Мен сизни эмас, сизнинг типингиздаги раҳбарни ёмон кўраман!

С п а с о в. Хўш, «менинг» типимдаги раҳбар қанақа бўлар экан?

П е т р у н о в. Эскириб қолган, ахлатхонага ташлайдиган! Наҳотки, сиз, раҳбарлик қилиш учун столни мушт билан уриш, телефон трубкасида бақариш ва президиум столида кеккайиб ўтириш кифоя деб ўйлайсиз?

С п а с о в. Демак, сиз янги тип раҳбар экансиз-да?

П е т р у н о в. Мен — янги тип раҳбарман деб айтолмайман... Аммо, мен, бугунги кунда раҳбардан нима талаб қилинишини яхши биламан. Биринчидан, у ҳаваскор, чаламулло эмас, юксак даражали мутахассис бўлиши лозим. Иккинчидан, у бефаросат, пўк, калласи ишламайдиган, ҳамма нарсани ким биландир, нима биландир келишмай туриб бир қадам ҳам олға босолмайдиган эмас, ишчан, мустақил, оператив одам бўлиши даркор. Ниҳоят, учинчи, у қўл остидаги одамларни

иш билан ишонтириши керак, уларнинг тумшуғи остида муштумини ўйнатиш билан эмас!

С п а с о в. Сиз мен ўйлагандан ҳам димоғдор экансиз... Аммо, яхшиси сиз менга осилманг, мен қураш нималигини яхши биламан!

П е т р у н о в. Агар сиз айбдор бўлмасангиз, мен сизга осилишни сира ҳам истамайман. Аммо, сиз ҳатто, бир тийинни ҳам суистеъмол қилган бўлсангиз, у ҳолда ўзингизга эҳтиёт бўлинг!

С п а с о в. Сиз, шу бир тийин учун ҳам куйинасизми?

П е т р у н о в. Ҳақиқатан ҳам куйинаман! Гарчи мен, замондошларимизнинг хулқу атвори ҳақида тантанали сўзлар айтилишини, жиндак бўлсин, хоҳламасам ҳам!

С п а с о в. Агар бу сўзлар чин юракдан айтилган бўлса, мени очикдан-очик ёқтирмаслигингизга қарамай, мен сизни ҳурмат қиламан...

П е т р у н о в. Инженер Спасов, гарчи қарорни қайта кўриб чиқадиган бўлсалар ҳам, энди орқага йўл йўқ. Нимага сиз жанг майдонидан ҳалол чиқиб кетиш учун хатингиздан воз кечмайсиз?

С п а с о в. Энг сўнгги дақиқада сизни тасдиқламай қўйишлари мумкин деб, қўрқасизми?

П е т р у н о в. Мен нималарга қодир эканимни кўрсатиш учун, менга имкон бермай қўймасалар эди деб, қўрқаман!

С п а с о в. Тафтишчи? Тафтиш нима бўлади? Агар мен хатимдан воз кечсам...

П е т р у н о в. Шу заҳотиёқ, тафтиш тўхтатилсин деб, буйруқ беришга ваъда қиламан!

С п а с о в. Ахир, бунини «келишувчилик», деб айтадилар-ку...

П е т р у н о в. Мен сизга таклиф қилган нарсани «яраш» деб айтилади.

С п а с о в. Мен хатимни қайтариб олмайман!

П е т р у н о в. У ҳолда, ҳурматли ўртоқ Леков айтганларидек, атрофингиздаги атмосфера қуюқлаша бошласа, ўзингиздан кўринг...

С п а с о в. Йигитча, эсингизда бўлсин, мен — қўрқадиган одамлардан эмасман!

П е т р у н о в. Бобой, сизни ишонтириб айта оламанки, мен ҳам юраксизлардан эмасман. Кечирасиз, ишим кўп...

С п а с о в. Кетаман. Хайрлашув олдидан сизнинг «яхшилигингизга» жавобан яхши бир маслаҳат бермоқчиман: янги раҳбарнинг хулқу атвори ҳақида ҳам бир ўйлаб кўринг. Бу масала сиз учун машъум бўлиб чиқиши мумкин!

П е т р у н о в. Сизга қандай бўлиб чиққан бўдса, менга ҳам шундай бўлиб чиқиши мумкин! Уйлайманки, сиз бунини, директорлик креслосидан итқитиб ташлаганларидаёқ сезган бўлсангиз керак?!

С п а с о в (*елкасини қисади, эшик томон йўл олади, бўсағада тўхтайтиди. Оғир*). Бир соатдан кейин коллегияда қиличлашиб кўрамиз. Эркакларча — оҳ-воҳ қилмасдан, ачинмасдан... Мен ўзимнинг, заводимизнинг келажаги ҳақидаги, ҳалиги, даққионусдан қолган концепсиямни ҳимоя қиламан... Аммо, шу нарсани эътироф қилишим керакки, брак қилинган қуюлманинг, бунинг учун сизни қобилиятсиз дейишувди, мукамал тасвири, от ва товукқа ўхшатишлар, — буларнинг ҳаммаси Леков қаламига мансуб... Хатнинг лойиҳасини ёзишни мен унга топширган эдим. Аслида хатни мен ўзим ёзмоқчи эдим, ўз мулоҳазаларимни, қаршилигимни қорозга ўзим туширмоқчи эдим, лекин мен сўзга уста эмасман, бу ҳол эса менга жуда зарурдек бўлиб туюлувди. Йўқ, мен ўзимни оқламоқчи эмасман. Агар, мен сизнинг оғзингиздан Леков номи эшитмаганимда ҳамда унинг ўша хатни ёзаётиб, мажлисда гапирадиган нутқининг, мажлисдаги энг қабиҳ нутқининг тезисини ҳам

баравар ёзганини тасодифан билиб қолмаганимда, бу гапни сизга ҳеч вақт айтмаган бўлардим.

Чиқиб кетади. Петрунов қўнғирокнинг кнопокасини қаттиқ босади.  
Тез орада Маринчева киради.

Петрунов. Леков нима бўлди?

Маринчева. Ҳозир чақираман. (Қатъий). Уртоқ директор, мен сиз билан гаплашишим керак.

Петрунов (унга ўйчан тикилади). Бирор муҳим гапми?

Маринчева а. Менинг учун ҳа.

Петрунов. Гапиринг!

Маринчева. Ўйлайманки, менинг заводдан кетадиган вақтим келди.

Петрунов. Менга котиба бўлишни хоҳламайсизми?

Маринчева (ғамгин ҳазиллашиб). Ёш директорга ёш котиба тўғри келади.

Петрунов. Мен бу ерга ишлагани келганман, ишқибозлик учун эмас!

Маринчева. Мен чарчадим. Ўйлайманки, мен сизнинг ғайратчанлигингизга ҳам, буйруқ бериш усулингизга ҳам тўғри келмайман.

Петрунов. Кечаги танбеҳ учун хафа бўлдингизми?

Маринчева. Танбеҳ? Мен бундан қаттиқроғига ҳам чидаганман.

Петрунов. Қани, келинг, очиқчасига гаплашиб олайлик: сиз, Спасовнинг ишдан олинишига қўшилмаслигингизни намойиш қилиш учун мендан кетмоқчимисиз?

Маринчева. Мен ҳам қарорни қўллаб қўл кўтарганман.

Петрунов. Қўрққанингизданми? Ёки вазиятнинг таъзиқи остидами?

Маринчева. Ўз эътиқодимга кўра... Бундан бир неча йиллар илгарийёқ инженер Спасов ўз юксалишининг энг юқори нуқтасига бориб етган эди. Ушанда на у ва на биз, унинг яқинлари, сўлиш жараёни бошланганлигини тасаввур қилолган эканмиз.

Петрунов (босиқ). Сўлиш эмас, чириш жараёни, денг!

Маринчева. Майли, шундаёқ бўла қолсин! Аммо, гап унга ёпиштирилмоқчи бўлган айбда эмас. Уртоқ директор, агар сиз битта ноҳақликка, битта эҳтиётсиз қадамга йўл қўйсангиз, ҳозир сизда мавжуд бўлган афзалликни йўқотиб қўясиз.

Петрунов. Қандай афзаллик?

Маринчева. Завод техник томондан бир ерда қимирламай турибди, ишчилар, инженерлар сизни бошқариш жиловини ўз қўлига маҳкам олади ва бизни олға олиб боради деб курашмоқда.

Петрунов. Борди-ю, инженер Нунева Спасовнинг иши билан шуғулланса-чи?

Маринчева. Нунева, бунақа, кимга қарата бўлмасин, шу жумладан Спасовга ҳам қарши қаратилган инсценировкага аралашмайди. Бугина эмас, ҳатто, Нунева Спасовни ҳимоя қилишга ҳам тайёр!

Петрунов. Шунақами? Барибир мен, ҳатто унга ҳам бошимга чиқиб олишга йўл қўймайман! Ҳатто фариштаннинг ҳам нозик жойи бўлади!

Маринчева. Шунинг учун сиз, бирор нозик жойини топиш мақсадида, унинг шахсий делосини талаб қилувдингизми?

Петрунов. Қисман — ҳа.

Маринчева. Мен унинг таржимаи ҳоли билан жуда қизиққанингизни ўзига айтиб бердим. Унинг бу хабарни ниҳоятда совуққонлик билан қабул қилганини кўриб ҳайрон қолдим.



Петрунов (*ғазабли*). Ҳа, бу гапни чин юракдан эътироф қилганингиздан кейин, шубҳасиз, энди сиз мен билан бирга ишлайолмайсиз. (*Ўзини босиб олиб*). Мен сизни завод системасидаги бирор ишга жойлаштираман, унайсизми?

Маринчева. Йўқ. Мен, ҳеч кимни билмайдиган, ҳеч қандай хотирани эсламайдиган, алоқам йўқ бир жойга кетмоқчиман.

Петрунов (*қатъий*). Ариза ёзсангиз, мен дарҳол қўл қўяман. Майли, ўзингизга тўғри келган важни кўрсатиб ёза беринг.

Маринчева. Миннатдорман.

Чиқиб кетади.

Петрунов (*қора телефоннинг трубкасини олади, икки рақамли номерни теради*). Уттиз олтимми? Менга кадрлар бўлимини беринг. Пенков сенмисан? Петрунов гапираяпти. Ҳозиргина менинг котибам ишдан кетиш ҳақида ариза бермоқчи эканини айтди. Ҳа, ҳа, Маринчева... Албатта ачинамиз. Икки-уч кун ичида бошқа бировни топ, эшитаяпсанми? (*Асабийлашади*). Менга чиройлиги керак эмас, ақллик, ишчан, ишнинг кўзини биладиганини топ, тушунарликми? Жаҳлим чиққани йўқ, аммо, мен нордон ҳазилларни ёқтирмайман. Нима? Мен мажлисни, аввалги директордек, бақириш билан боғламоқчи эмасман!

Трубкани тарақлатиб жойига қўяди.

Бўсағада Хинко кўринади, у мулозамат билан илжаяди, афтидан телефондаги гапларни эшитганга ўхшайди, ўнғайсизликдан — дағал гапиреди.

Хинко. Салом, мана, мен.

Петрунов. Қимсиз?

Хинко. Символистларнинг таъбири билан айтсак, уйсиз тунги бир дайди!

Петрунов. Ҳозир нақ иш қизиган кундуз-ку. Бу ерда, реалистларнинг таъбири билан айтсак, ҳар хил иш ёқмаслар, дангасалар нима қилиб тентираб юрибди?

Хинко. Ҳа, мен ҳам сизни ҳажвияга хила чаптаст деб ўйловдим. (*ҳарбийларча ўкчасини шақиллатиб*). Хинко Нунев, инженер Ружа Нуневанинг ўғлиман!

Петрунов (*юмшаб*). Хизмат, яхши йигит?

Хинко. Сизга бир неча савол бериш иштиёқида ёнмоқдаман. Шубҳасиз, бу расмий интервью эмас, шундоқ айтилик, шахсий тарзда.

Петрунов. Агар, менинг хизматчиларимнинг ўғиллари ва қизлари менга савол бера бошласалар, жавоб бериш учун менга қирқ саккиз соат ҳам етмайди! Хўш?

Хинко. Уртоқ директор, сиз ҳам, бизнинг собиқ директоримизга ўйшаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлишни хохлайсизми?

Петрунов. Сиз менинг вақтимни олиш ва мендан кулиш учун келганмидингиз?

Хинко. Мен жиддий сўраяпман.

Петрунов (*унга синчковлик билан тикилиб*). Билишимча, сиз студент бўлсангиз керак?

Хинко. Яқинда диплом ёқлайман.

Петрунов. Нимани ўрганяпсиз? Адабиётними?

Хинко. Ҳар ким ўз ота-онасининг йўлини такрорлайди.

Петрунов. Инженер бўлмоқчимисан? Қойил! Аниқроқ бирор нарса билан қизиқасизми?

Хинко. Бўлмасам-чи, чунончи, мен кибернетикага қизиқаман.

Петрунов. Уни биринчи бўлиб кашф этган одамнинг шону шуҳрати сизни қизиқтирмайдими?

Хинко. Норберт Винирнинг шуҳратими? Ҳа, албатта қизиқтиради.

Петрунов. Рухсат этасиз, билай, қайси маънода?

Хинко. Хўш, мен бирор фан тармоғининг отаси бўлишни истардим, фақат болаларнинг дадасигина эмас.

Петрунов. У ҳолда нима учун истейдодли, ёш инженер Қахрамонлик Юлдузи ҳақида орзу қилмасин? Бунинг нима айби бор?

Хинко (яна ўқчаларини шақиллатиб). Аъло! Беш баллик система бўйича! Давом этса бўладими?

Петрунов. Давом этинг!

Хинко. Ўртоқ директор, сиз менинг онамнинг бир маҳаллар Спасовга ёрдам бергани каби, сизга ҳам Олтин Юлдуз олиш учун ёрдам беришини истайсизми?

Петрунов. Сизни менинг олдимга ўша киши юбордиларми?

Хинко. Йўқ, мен ўз номимдан вакилман, биз онам билан аразлашиб қолганмиз. Сизнинг жўнингиздан. Ҳа, ҳа, сизнинг жўнингиздан. Мен ундан сизнинг таклифингизни қабул қилишни талаб этдим.

Петрунов. Ҳозирча менинг яхши таклифим ҳавода осилиб турибди. У киши менинг таклифимга шундоқ жавоб қилдики...

Хинко. Сиз таклиф қилган қўшимча шарт асосидами, шундоғми? Мен сизга айтиб қўяй: инженер Ружа Нунева — бу инсониятнинг алоҳида нусхаси, у ҳеч қачон, кимнингдир бўлмасин, комбинациясига, шу жумладан менинг ҳам комбинациямга қалқон бўлишни истамайди! Биласизми, нима учун? Чунки у кишига ўхшаган одамлар бундан кўра муҳимроқ миссияни... ҳатто, мен сизга айтсам, тарихий миссияни бажаради.

Петрунов. Қанақа миссия?

Хинко. У журналистлар чиройлик қилиб атаган «коммунистик эртага» қалқон бўлишини, яъни, келажагимиз учун виждонан хизмат қилишни истайди.

Петрунов (дўқ қилади). Сиз бу ерга қайси мақсад билан келдингиз?

Хинко. Унга шафқат қилишингизни, уни янгидан жанг бошлашга мажбур қиладиган шароитга солиб қўймаслигингизни сўраб келдим! Менинг онам сиз билан бирга ишлашни, сиз учун, Спасов хатоларини тузатиш жараёнини энгиллатишни хоҳлайди! Аммо, у ҳеч қанақа келишувчиликка, ёки...

Петрунов. Агарда у менинг шартларимни келишувчилик деб, атаса, у ҳолда қандай қилиб мен билан бирга ишлай олади, қандай қилиб менга ёрдам бера олади? (Паузадан кейин). Яхши, агар сиз онангизга ҳам вакил бўлиб бориш вазифасини бўйнингизга олсангиз, унга айтингки, дўстлик учун чўзилган қўл ҳамон шундайлигича турибди. Инженер Петрунов инженер Ружа Нунева билан бирга ишлашни хоҳлайди, аммо... Директор маълум даражада афзалликка эга, агар лозим бўлиб қолса, шу афзаллигини ишга солиши мумкин!

Шошилиб, яна ўша портфелни кучоқлаб Леков киради, Хинко кўриб, даҳшат билан сапчиб тушади.

Петрунов. Кириг, Леков, кириг!

Леков. Мен ҳалал берганим йўқми?

Петрунов. Бу фаройиб йигитча билан бўлган суҳбатимиз тугади!

Хинко. Мен сизга яна, баъзи бир нарсаларни айтмоқчи эдим, аммо зўравон ўғрилар ҳамма вақт ғарибларни ҳайдаб юборади! (Таъзим қилади). Хайр, ёрқин келажакнинг хўмрайган меъморлари!

Чиқиб кетади.

Леков. Сизни ҳам тишламоқчи бўлувдими?

Петрунов. Менинг совутимни ғажиш учун тиши мўртлик қилади! Утиринг.

Леков ўтиради, портфелни тиззасига кўяди.

Петрунов. Кўриб турибманки, қурол жангга тайёрга ўхшайди. Аммо, дори борми? Отиладиганми?

Леков. Гарчи мен бу ҳужжатларнинг ҳаммасига кўз югуртириб чиққан бўлсам ҳам, ўйлайманки, отилади. Э, э... Мана... Чет эллик меҳмонларга сарф қилинган харажатлар.

Петрунов. Мени кулдирманг, бу харажатлар бюджетда жуда оз ўрин эгаллайди! Бу харажатлар керак, рақиблар билан бизнес қилиб бўлмайди, улар биз билан иттифоқдош бўлишлари керак!

Леков. Утган йилги банк ҳисобида харажат қилиниши керак бўлган пулга нисбатан ўн процент валюта етмайди.

Петрунов (*киноя билан*). Нега?

Леков. Бизнинг вакилимиз Брюсселдаги директор билан алоқа боғлагунича, баҳо тўғрисида манёвр қилиш учун рухсат олгунга қадар, ярмаркада яна икки фирма пайдо бўлибди. Бразилия ва Швецария фирмалари — ва бутун планни бузиб юборибди!

Петрунов. Бу зиёни Спасов ҳисобига ўтказиш мумкинми?

Леков. Агар у ўз муовинининг ташаббускорлигини бўлмаганида ва унга кенгроқ ваколат берганида, биз яна юз минг доллар олган бўлардик.

Петрунов. Буларнинг маълум қисми кимнингдир ҳамёнига тушган бўларди, шундайми?

Леков (*қўрқиб*). Уртоқ директор, бу ниҳоятда даҳшатли мулоҳаза.

Петрунов. Аввал сиз томондан, кейин юристконсультант томонидан айтилган! Хўш? Ғайри қонуний бойиш фикрини ишга соламизми? Ё йўқ-ми?

Леков (*қалтираб*). Бу ерда счёт, тилхатлар, командировкалар, договорларнинг проектлари бор. Агар сиз менга ёрдам берсангиз, мен буларнинг асосида шундай бир хат тайёрлайки, ўқиган коллегия аъзолари кўпининг сочи типпатик бўлиб кетади.

Петрунов (*киноя билан*). Ҳа, тайёрлай оласиз! Ҳа, сиз ҳамма нарсани ҳам қила оласиз!

Леков (*кинояга тушунмай*). Сиз ёш, аммо, узоқни кўра оладиган одамсиз! Менимча биз, унга тарафдор бўлган кишиларнинг маълум қисмини ҳам шубҳа остига олишимиз керак — ахир, улар заводда қолишди-ку, улар бизга зарар етказишлари мумкин!

Петрунов. Қизиқ таклиф!

Леков. Хўш, инженер Нунева-чи?

Петрунов (*секин*). Нима инженер Нунева?

Леков. Унга қарши ҳам бирор нарса тайёрлай олмаймизми?

Петрунов. Сиз, Леков, мен ўйлагандан кўра ҳам кўпроқ устаси фаранг экансиз! Кеча мен унинг шахсий делосини варақлаб чиқдим. Покиза аёл экан, бенуқсон покиза ҳаёт! Агар биз у билан алоқа ўрнатадиган бўлсак.

Леков. Сиз ҳақсиз, инженер Нунева билан олишиш қийин.

Петрунов. Қийинми ё осонми — буни мен ҳал қиламан! (*Овозини ўзгартириб*). Ҳа, эсимда, хотинингиз доим ўнгидан келадиган ғаройиб тушлар кўриш қобилиятига эга. Хўш, кеча кечаси унинг тушига нималар кирди экан? Сиз муовинликда қолар экансизми ё йўқми?

Леков (*кулади*). Билмадим, бу сафар қанақа туш кўрди экан, аммо, у менга сизнинг саволингизга савол билан жавоб беришни бу-

юрди, сиз инженер Лековни ўзингизнинг муовинингиз бўлишини истайсизми?

Петрунов. О, хотинингизга мендан салом айтинг! Унга айтингки, балки мен хоҳларман! (*Заҳарханда билан*). Гарчи ўртоқ Леков, мени тамом ноқобил, унинг устига товуқ деса ҳам!

Леков (*ўрнидан туриб кетади, ҳаяжонда*). Тушунолмадим. Қанақа ноқобил? Қанақа товуқ?

Петрунов. Ҳовлиқманг, Леков, ҳовлиқманг! Яқинда менга раҳбарлар учун деб бир жумбоқ беришди. Биласизми, биринчи савол нимадан иборат? «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлишни истайсизми?»— деган савол!

Леков. Бунақа жумбоқларни социология фанидан таълим олган бекорчилар ўйлаб чиқаради.

Петрунов. Ҳар қолда, сиз нима деб жавоб берар эдингиз?

Леков. Ахлоқий, маънавий рағбатлантириш ҳақидаги гаплар — аҳмоқлар учун шақилдоқ, қоғоз гул!

Петрунов. Мен бу гапларга ишонаман, бу сўзни яхшилаб эсингизда тутинг! Мен оддий бойлик учун эмас, манфаат учун эмас, балки, заводни биринчи қаторга, жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун, ҳўкиздай ишлашга қарор қилдим! Мен талон-торожга йўл қўймайман, ўғирликка йўл қўймайман, барча дангаса, ҳаромтомоқ, ишқмасларни ҳайдайман! Шу вариантга розимисиз?

Леков. Розиман, аммо... бу вариант менга унчалик ҳам таниш эмас...

Петрунов. Чунки, сиз эскириб қолган тушунчангизга суянасиз. Бизнинг, сиз прагматизм деб атаган фикрлаш усулимиз эса, эскириб, қолган либосга сиғмайди! Натижа — мана, асосий гап нима! Мен шу мақсад йўлида, ҳатто сизга ўхшаган типлар билан ҳам бирга ишлашга тайёрман!

Бўсагада инженер Нунева ҳаяжон билан кабинетни бошдан оёқ қараб чиқади.

Нунева. У бу ерда йўқми?

Петрунов. Қим?

Нунева. Менинг ўғлим, менга айтишдики, у рухсатсиз сизнинг олдингизга суқилиб кирибди.

Петрунов (*кулиб*). Ҳа, кирувди, ўз шеърларини. декломация қилдию-кетди.

Нунева. Қанақа шеър?

Петрунов. Инженер Нунева, муғомбирлик қилманг, у сиздан вакил бўлиб келганини дарҳол фаҳмлаганман!

Нунева. Мен уни кеча кечқурундан бери кўрганим йўқ, ахир!

Петрунов. Уни агар сиз юбормаган бўлсангиз афсус, унинг тезисларида қабул қилса бўладиган жойлари бор эди.

Нунева. Мен сизга нима айтмоқчи бўлсам, тўппа-тўғри юзингизга айтабераман. (*Эшик томон йўл олади, кейин тўхтади*). Хўш, сиз ҳам шундай қилсангиз бўлмайдими? Менга айтадиган гапингиз бўлса тўғридан-тўғри ўзимга, бевосита айтсангиз бўлмайдими?

Петрунов. Нимага шама қилаяпсиз?

Нунева. Инженер Петрунов, мен инженер Лековнинг кимнингдир топшириғи билан менинг олдимга келганини дарҳол фаҳмлаганман, унинг тезислари сизники билан тамом мос келади!

Петрунов (*ғазаб билан*). Мен ҳеч кимга менинг номимдан гаплашиш учун ваколат берган эмасман! (*Лековга*). Инженер Леков, сизга Нуневадан нима керак эди?

Леков (*шошилиб*). Мен уни умумий ишга қўшмоқчи эдим. У биз-

га фойда келтириши мумкин эди. У билан ҳаммамиз ҳайратланамиз, уни ҳаммамиз мақтаймиз.

Петрунов. Ҳа, у билан ҳайратланишим, уни мақташим рост. Аммо, мен, ҳаракатлари икки хил ўйинни эслатадиган учарларни, икки юзламали товламачиларни ёмон кўраман.

Леков. Мен бунақа ўйинларга ожизман.

Нунева. Ўзингизни жудаям бечора қилиб кўрсатманг, сиз икки хил ўйиннигина эмас, уч хил, тўрт хил, беш хил ўйинни ҳам ўйнашга қобилсиз!

Кетмоқчи бўлади.

Петрунов. Тўхтанг, ўртоқ Нунева, гап бор. (Кескин). Инженер Леков, агар керак бўлиб қолсангиз, ўзим чақираман.

Леков (Ўрнидан аранг туриб). Ҳа, майли. (Портфелни қўлида айлантиради). Манавини ўзим билан бирга олакетайми, ёки...

Петрунов. Менинг столига қўйиб кетинг!

Леков. Нима десангиз, шу. Аммо, олишим ҳам мумкин эди.

Петрунов. (жаҳли чиқиб). Столга қўйинг!

Леков портфелни столга оҳиста қўйиб, оғир босиб чиқиб кетади.

Петрунов (Нуневага). Утиринг марҳамат. (Нунева индамай йтиради). Кофе?

Нунева (бош чайқайди). Йўқ, раҳмат.

Петрунов. Маринчева ҳали шу ердалигида кофе ичиб олинг. У кетаман деб, ариза берди. Ҳамма биладикки, кофени ҳеч ким унчалик яхши тайёрлай олмайди!

Нунева. У заводдан кетмоқчимми?

Петрунов. Қолинг деб кўп илтижо қилишимга қарамасдан... Аёллар учун тугаган муҳаббат ҳақида қайғуриш одат!

Нунева. Агар сиз бу мавзуни давом эттирмақчи бўлсангиз, мен сизга ҳамсуҳбат бўлмайман.

Петрунов (жонланиб). Хўп, бўлмаса ишга ўтайлик! Менинг таклифимни ўйлаб кўрдингизми?

Нунева. Сиз мендан нима истайсиз?

Петрунов. Собиқ директорнинг нуқсонларига нисбатан яна ҳам активроқ муносабатда бўлишингизни истайман.

Нунева. Бу активликни ишга солиш лозим бўлган вақтда, сизга маълум, мен воқеадан чеккада турганим йўқ. Аммо, сиз қўлдан-қўлга ўтказаетган портфель масаласига келсак. (Столдаги портфелни кўрсатади). Йўқ, мен бунақа ишларда иштирок қилолмайман!

Петрунов. Хўш, агар бу портфелда, прокурор катта валюта қаллоблиги бор деб, баҳо берган воқеа яшириниб ётган бўлса-чи? Сиз бурноғи йилнинг охиридаги машина экспорти воқеасини ёдингиздан чиқарганингиз йўқми?

Нунева. А, Брюсселдаги савдо шартномаси? Мажбуриятни ўз вақтида бажариш учун жонимизни суғуриб олай дейишган эдилар.

Петрунов. Нима учун ўшанда завод бу битимдан мўлжалланган фойдани ололмади?

Нунева. Бозор нархи-навоси сабаб...

Петрунов. Балки ортиқчаси кимнингдир ҳамёнига тушгандир? Мабодо, олдингизда ишонарли далил топилсаю сиз менинг ўрнимда бўлсангиз нима қилар эдингиз?

Нунева. Агар ҳақиқатан ҳам далил топилса, тегишли идораларга хабар қилган бўлардим. Бу, шубҳасиз жуда тўғри бўларди.

Петрунов. Сиз, ҳамон ҳаққонийликни қидирасиз. Сиз, ҳатто,

сизга жуда кўп жабру жафолар қилган, кечаю кундуз кўз ёш тўкишга мажбур этган золимга нисбатан ҳам ҳаққоний бўлишни хоҳлайсиз! Ўртоқ Нунева, ҳиссиёт тарих учун ҳам, ҳозирги замон учун ҳам керак эмас! Сиз билан биз эса ҳаётни, тарихни яратмоқдамиз. Хафа бўлмай-сиз, мен учун сиздан кўра кўпроқ шуғулланишга тўғри келади, камида шу важ биланким, мен сиздан кўра ёшроқман. Яна шунинг учунки, сиз ўзингиз айтганингиздек, ўз авлодимнинг миссиясини тўла бажармоқчиман.

Нунева. Менинг сизга ҳавасим келади, бу жуда яхши. Ҳаққониятга келсак-чи. Ҳаққоният ҳамма нарса учун, ҳатто ашаддий душманга нисбатан ҳам керак! Фақат шунақа ҳаққониятгина улар билан бизнинг орамизга чуқур чоҳ қазийди. Хўп, мен сизга ўтган бир воқеани айтиб берай. Бу воқеа ўн биринчи сентябрда, биз ҳокимиятни қўлга олганимиздан сўнг икки кун кейин бўлиб ўтган эди. Мен отамнинг подполъедаги ўртоқлари олдига бордим, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида батафсил билмоқчи эдим. Улардан биттаси, шубҳасиз, отам билан ёши тенг бўлган Гриша эди. Уни бизникилар Мурда деб аташарди — агентлар уни ўлган деб, тамом ишониб турмадан тўрт мартаба чиқариб ташлашган эдилар. Мен Гришани область Советининг йўлагига учратдим, у милтиғини елкасига қўйиб, у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Кучоқлашдик, ўпишдик, йиғлашдик. Кейин Гриша тўғридаги панжара қоқилган кичкина деразали эшикни кўрсатиб деди: «Ичига қара, у ерда жаллодлар ўтиришибди!» Мен бориб қарадим — ҳа, у ерда ўша маҳалда машҳур бўлган Крачунов, Медведь, Сименов, Калаксизовлар бор эди. Мен кетмоқчи бўлиб зинапоядан эндигина тушаётган эдим, Гриша мени тўхтатди: «Ружа, манави пулларни ол», — деди, кейин шохнинг сурати солинган, ғижимланган қоғозларни чўзди. Мен тааж-жубландим: булар менга нимага керак? У эса деди: «Бир оз узум сотиб олиб кел, биз буларни фақат қуруқ нон билан боқаяпмиз, уларнинг томоқлари қақраб кетди». Мен мана шу воқеани... Мен Гришанинг пулига, унинг жаллодлари, отамнинг қотиллари учун сотиб олган бир неча бош узумни эсимдан ҳеч чиқаролмайман.

Петрунов. Шубҳасиз улар қилмишларига яраша жазо олган-дирлар?

Нунева. Ҳа, жазоларини олишди, аммо, уларни халқ суд қонунига мувофиқ, ҳаққоният билан суд қилди.

Петрунов. Бу томоша, 1944 йилнинг ўн биринчи сентябрида ўйналганмиди?

Нунева. Ҳа... Нима эди?

Петрунов. Чунки, ўша кун, эҳтимол, сиз тахир узум бошларини олиб бораётган пайтингизда, каминаю камтарин, ҳозирги инженер Петрунов дунёга келган эдилар. Мен қаҳрамонлар ҳақидаги хотираларни ҳурмат қиламан, гарчи мен бу давр ҳақида китоблардан ўқибгина билсам ҳам. Ҳамда сизнинг ҳаққоният тўғрисидаги қарашларингизга қўшилмасам ҳам... Йўқ, фақат мендан — дунёга, деган ақидани — бу ҳали ҳаққоният эмас. Ҳаққоният бу мендан — дунёга ва дунёдан — менга бўлса... Акс ҳолда биз тақдир эшиги олдидаги аёнчи йўқсилларга айланиб қоламиз!

Нунева. Бундай талқинга, таърифга мен ҳам қарши эмасман.

Петрунов. Бунақа ҳамфикрлик мени қувонтиради. Энди, рухсат этсангиз, юқори идораларга ёзилган хатдан бир неча сатр ўқиб берсам.

Сталнинг яшигидан бир неча ёзилган варақ олади.

Нунева. Инженер Спасов қарордан норози бўлиб ариза берибдими?

Петрунов. Ҳа, ариза берибди. Ҳа, унинг ўрнига ўтириш эҳтимоли бўлган одам сифатида, мени қандай қилиб тасвирлагани тўғри-

сидаги «ширин» гапларни қолдириб ўтаман. Ростини айтсам, жуда ҳам бемаза гаплар. Мен фақат сизга тегишли жойларинигина ўқи-моқчиман, ахир сиз ҳам унинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган одамлардан бири эдингиз-да. Мана! (*Уқийди*). «Инженер Нунева ишчан мутахассис сифатида қобилиятдан маҳрум эмас. Аммо, фақат шугина, холос. Унинг характери оғир, жиззаки, ўзини ҳақ деб билган пайтларда сўз, ифода танлаб ўтирмайди. Ўзига бўйсунган одамларга нисбатан, қандайдир, демагогик демократизм руҳида ўйнашни яхши кўради, ўзининг директорига қарши олиб борадиган доимий курашида уларни ўз тарафига ўтказиб олишга уринади. Инженер Симов билан яқин алоқада...»

Нунева. Тўхтатинг!

Петрунов (*варақларни оҳиста стол яшигига солиб қўяди*). Шундай ва шунга ўхшаш гаплар.

Нунева. Бу хат ғазабга тўлиб-тошиб турган бир пайтда ёзилган!

Петрунов. Ёзилганми ё қўл қўйилганми — нима фарқи бор. Фактнинг ўзи жирканчли! Шундай қилиб, инженер Нунева, бу хатда сизга берилган характеристика ҳаққонийми?

Нунева. Йўқ.

Петрунов. Хўш, биз ноҳақликка қарши ҳаққоний жавоб беришимиз керакми?

Нунева. Ҳа, шубҳасиз.

Петрунов. Бу қанақа мантиқ бўлди?

Нунева (*паузадан сўнг*). Сиз яқингинада ғурур билан авлодизмига юклатилган миссияни бажаришга тайёрмиз, деб айтувдингиз. Агар, сизнинг бу миссияга етарли даражада тайёр эмаслигингиз билиниб қолса-чи?

Петрунов. Менга нима етмайди? Ақлу идрокми? Фаросатми, ҳар нарсадан хабардор бўлишимиз? Ёки, балки ишчанлик, ишни кенг олишимиз?

Нунева. Бу нарсалар сизда ошиб-тошиб ётибди, ҳаммадан кўра ҳам, бу сифатлар сизда кўпроқ. Аммо, тарих фақатгина улуг ва қудратли ақл билангина яратилмайди, тарих, айниқса, бизнинг тарихимиз — улуг дил-юрак билан яратилади. Бу сифатдан кўз юманг, у ҳамма вақт кўзга ташланавермайди, аммо у мавжуд, уриб туради, тўлқинланади, ҳаётга қизгин аралашади. Агарда сиз бу ҳақиқатни фаҳм-ламасангиз, бир кун эмас бир кун ўзингизни синган тоғора олдида кўрасиз.

Петрунов. Сиз менга Спасов эпилогини олдиндан айтиб бера-япсизми?

Эшик олдида Хинко, у онаси билан учрашиб қолганидан пича чўчийди, аммо, ўзини қўлга олишга уринади.

Хинко. Салом.

Нунева. Сенга бу ерда нима керак?

Хинко. Мен яқингинада, ўртоқ директор билан шахсан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлган эдим, аммо суҳбат вақтида муҳим бир хабарни айтишни унутиб қўйган эканман.

Петрунов. Эшитаман.

Хинко. Лекин бу — шахсий масала.

Нунева. Ҳамманинг олдида айтавер!

Хинко. Йўқ, мен фақат унинг ўзига айтмоқчиман!

Нунева (*аччиғи чиқиб*). Мен сенга нисбатан бир қадар ҳуқуққа эгаман! Ва қатъий айтаманки — йўқ, йўқ, яна йўқ!!!

Петрунов (*ҳазиломуз*). Ўртоқ кибернетик, нима учун онангизнинг бўлишига қаршисиз?

Хинко. Чунки очиқ айтолмайман.

Нунева. Балки бемаза гап бўлгани учун айтолмассан?

Хинко. (Петруновга). Ўртоқ директор! (Петрунов кулиб елкаси-ни қисади. Онасига). Хўп, агар сен мажбур қилсанг. Яхши, ундай бўл-са эшит. Диққат билан эшит, чунки бунақа гаплар бир маротабагина гапирилади! Бир маротаба ва умрбод! (Петруновга). Ўртоқ директор! Мен сизга айтишни унутибман. (Онасининг ёнига келади, онаси унга орқасини ўгиради). Мен шуни айтмоқчи эдимки, мең онам билан фахр-ланаман. (Кескин, уятини енгиб). Ўзимнинг туққан онам, инженер Ружа Нунева билан фахрланаман! (Онасининг елкасидан қучоқлайди). Ундан ҳеч қачон ажралмайман, ҳеч қачон... Ҳатто у мендан юз ўгирса, кетса ҳам.

Пауза.

Нунева. Тентагим, тентаккинам. Ҳали жуда ёшсан. Сен бо-шидан кўп азобларни кечирган болғар заминида ўз ўғлидан воз кеча-диган онани топа оласанми. (Жиддий). Ҳозироқ уйга жўна! Директор-нинг кабинети бунақа нозик ҳисларни, юрак сўзларини тўкадиган жой эмас! Хайр, инженер Петрунов!

Петрунов. Хайр, инженер Нунева.


Нунева билан Хинко кетишади. Телефон жиринглайди.

Петрунов (трубкани олиб). Петрунов эшитади. Ҳа, биламан, биламан соат ўн учта. (Соатга қарайди). Яхши, кетяпман, роса колле-гия бошланганда ўша ерда бўламан.

Трубкани қўяди. Еш директор ҳамма ёқни қараб чиқади, портфелни олиб эшик томон йўл олади, аммо бирдан тўхтади. Бир дақиқа ўйланади, сўнг ғазаб билан портфелни столга улоқтиради ва тездан чиқиб кетади:

Йўқ, у Лековнинг «далиллари»дан фойдаланмайди.

Парда.







ОТАЛИФИМИЗДАГИ  
КОЛХОЗДА

Иноят Раҳмонов

# ЁРҚИН ХАЁЛЛАР

ОЧЕРК

Кеч кирди. Уфққа шафақ ёйилди. Осмон тиниқ, ойнадай шаффоф. Олисларда ерга совуқ туман чўкмоқда. Колхоз идораси олдидаги йўлаклар ва ёйсимон қилиб экилган арчалар устидаги қор жимирлаб кўзни олади. Ҳаво тагин ҳам совуди.

Иккинчи қаватдаги деразаларнинг бирида чироқ ёнди. Кўп ўтмай «салобатли бино ёнидан талайгина одамлар суҳбатлашиб, йўталишиб чиқиб келишди ва бир-бирлари билан хайрлашиб тарқалишди. Ҳаммаёқ яна жимиб қолди.

Чироқ ёнган хона — раиснинг кабинети. Раис Ҳасанбой Эргашевнинг ғалати одати бор. У ҳар қандай тортишувлар, баҳс-мунозаралардан кейин ёлғиз қолиб, ҳамма нарсани обдан ўйлаб олишни хуш кўради. Бу гал ҳам шундай қилди. У ўтирган хона катта бўлгани учун хийла салқин, аммо бунини сезмасди. Унинг кўнглида ҳозиргина тугаган мажлис давом этарди, гўё ана шу мажлиснинг алангали тафти ургандек ёноқлари қизарган, тийрак кўзларида эса шижоат, ташвиш, умид, шу билан бирга бир оз ҳорғинлик ҳам сезилиб турарди. У ўрта бўйли, қорачадан келган, чакка сочлари оқара бошлаган одам. Қўлларида ҳам аллақандай безовталиқ, бесаранжомлик бордай...

Хона жимжит. Вақт имиллаб одимлайди. Ҳасанбой ака эса девордаги суратлардан кўз узмай ўтирибди. Бу суратлар раисга ниҳоятда қадрдон, улар тўғрисида келган меҳмонларга гапириб беришни яхши кўради. Чунки уларни Тошкентдан рассом олиб келиб чиздирган.

Бино бошдан-оёқ миллий безаклар билан безатилган. Раис ўтирган хонадаги шакл ва тасвирлар эса бошқачароқ. Шифтдаги икки қандил орасида Самарқанд регистонининг умумий кўриниши; хона бурчаклари тоғи шарафа услубида зийнатланган. Унг томондаги деворда ўрта аср нозанини эшик кесакасига суянган ҳолда киришга ийманганнамо турибди: «Гўё висолга ошиқиб келган-у, хонадаги бегона одамларни кўриб, уялиб кетгандек... Рўпарадаги деворда эса Алишер Навоий Баҳром билан Дилоромининг шикордаги пайти. Унда Баҳром қочиб бораётган оҳуни бир ўқ билан ҳам тушовлаган, ҳам бўғизлаган...

Аммо ҳозир раис улардан завқ олаётгани йўқ. У шунчаки тикилиб турибди, бошида турли фикрлар гўжгон ўйнамоқда. «Нима қилиш керак? Яна қандай чоратadbирлар қўлласа иш унуми ошади? Одамлар қачондан бери лоқайдроқ бўлиб қолишди? Нега?.. Наҳотки бу ерда айтилган гаплар тўғри бўлса? Унда... яна қандай қилиб изга солиш мумкин?..» У ана шу саволларга жавоб излаяпти.

Пальтосини кийиб, бошига қулоқчинини бостирди ва нимасинидир унутган одамдай хона ўртасида саросималанди. Ниҳоят дераза ёнига келиб, ташқарига кўз ташлади. Қоронғилик кўйнида сассиз солланиб турган арчалар, ишқом бағазларига ёпишган қор хира жимирлаб раиснинг кўнглини баттар ғаш қилди. У юраги увишиб кўчага, симёғочлардан таралаётган нурларга тикилди. Симёғочларнинг кўпида лампочка йўқ эди. «Узи куйганмикин ёки шумтака болалар уриб синдиришганмикин? Нима бўлсаям монтерга айтиш керак, янги лампочкалар ўрнатиб қўйсин...»

Кўчадан шовқин солиб юк машинаси ўтди. Унинг фараларидан таралаётган нур қор қоплаб ётган кўчанигина эмас, ундан анча нарироқдаги шоир Ҳамид Олимжон ҳайкалини, ҳатто унинг боши ва елкаси устидаги оппоқ қорни ҳам, икки ёнидаги арчалар-у, олдидаги мрамар ҳовузни ҳам бир зумгина майин сийпалаб ўтди.

Ҳасанбой ака шундан сўнггина хонанинг совуб қолганини, қорни ҳам очганини

сезди. «Бир пасда қоронғи тушиб қолади-я! Ҳа, қишлоқ ўзи шунақа бўлади-да...» Унинг уйга боргиси келмади. Кўнгли ҳам безовта эди. Нима қилсин? Ҳа, бир айланиб келади. Шоферга жавоб бериб юборгани чакки бўлибди-да. Майли, ҳечқиси йўқ, пиёда айланади. Ҳасанбой ака ҳар доим хаёли паришон бўлганда ё бирор муаммонинг ечимини тополмай қолганида дала айланади. Одати шунақа. Унингча бундай айланишда хикмат кўп: биринчидан, асаб тинчиди, соғлиққа фойда, мия яхши ишлайди, янги таассуротлар, янги фикрлар туғдиради...

Ҳа, бир айланиб келади!

У ёғоч зинадан пастга тушди. Пальтосининг ёқасини кўтариб олганча илдам юриб кетди. Кўчага чиққач, тўхтаб, осмонга тикилди. Йўл чеккасидаги бўйчан тераклар қорайиб кўринар, улар осмонни яқинроқ қилиб кўйгандай туюларди.

Раис яна юриб кетди. Йўлнинг икки чеккасидаги қатор уйлاردан оқиш тутун буралиб кўринар, қаердадир доғ бўлаётган ёғнинг иси димоққа уриларди. Баъзан болаларнинг қий-чуви, радиодан таралаётган ўйноқи куй қулоққа чалиниб қоларди. Қишлоқ кун бўйи чўзилган меҳнатдан сўнг тунги ҳордиққа тайёргарлик кўрмоқда эди.

Ҳасанбой ака эски клуб ёнидан ўтаётиб кутубхона чироғи ёниб турганини кўриб қолди. «Эшпўлат ҳали ҳам ишлаяптими дейман», деб ўйлади у тўхтаб. Унинг кутубхонага ўтмаганига ҳам анча бўлган. Беихтиёр ўша томонга юрди.

Кутубхоначи Эшпўлат Оқбўтаев китобларни жавонга тахлаётган экан, раисни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳорма,— деди раис.— Кеч қолибсан? Тинчликми?

— Тинчлик, раис бува,— деди йигит тарадуудланиб.— Шу... янги китоблар олиб келгандим, шуларни жой-жойига қўяман деб...

— Ҳм... Қалай, бунисидан кўнглинг тўлдими?

— Раҳмат!— Эшпўлат раисга курси узатди.— Олдинги жойимиздан кўра яхши. Нариги хонани газета, журналларга ажратдим. Бунисини... мана, кўриб турибсиз, китобларга...— У бирпас жим қолди, сўнг кўшимча қилди.— Энди, тўғриси айтсам, раис бува... сиғишмаямпмизда!..

— Сиғишмаямпмиз деганинг нима деганинг?

— Китоблар ҳам, китобхонлар ҳам йилдан-йилга кўпайяпти-да.

— Хўш, китобхонларинг сони нечага етди?

— Янги ишга ўтганимда ўттиздан ошмасди. Ушангаям, мана, ўн тўрт йил бўлибди. Ҳозир беш юздан ошиб кетди. Бу ёғини энди ўзингиз чамалайверинг-да, раис бува.

Ҳасанбой ака кутубхонадан чиқар экан, бугун уни қийнаётган алланарсанинг учини топгандай бўлди. У музлаб қолган сув қранини айланиб ўтиб кўчага чиққач, яна ўйга толди. «Ҳа, ҳамма нарса ўсяпти, кўпайяпти... шунга яраша талаблар ҳам». Мана, уни ана шу колхозга, Оққўрғон районидagi Ҳамид Олимжон номли колхозга раис қилиб юборишганига ўн саккиз йил бўлибди. Ун саккиз йил! Ушанда у йигирма саккиз яшар йигит эди. Одамларнинг кўпчилиги бу йигитнинг қўлидан нима келаркин, деб уни қолақ хўжаликни оёққа турғаза олишига, бу нозик, сермашаққат ишни уddaлай олишига ишонишмасди. У ишни нимадан бошлаганди? Дала айланишдан! У, ўшандан бери қанчадан-қанча ўзгарилар! У пайтлар одамларнинг тузуккина бошпаналари ҳам йўқ эди; ҳозирги Қўрғонтепа, Жалоир қишлоқларида фақат қамиш капалар бўларди. У пайтлар терим жуда узоққа чўзиларди, декабрь ойида ҳам кўсақлар чувиларди... У дала кездди, одамлар билан гаплашди. Ерлар кам ҳосил, зах, шўр эди. Зовурлар айтарли йўқ даражада. У иккинчи куниёқ барча мутахассисларни тўлаб, қолақликнинг сабабини билмоқчи бўлди. Даврада турли фикрлар айтилди. У кўп ўйлади, одамлар билан, қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиди. Маълум бўлишича, айб одамлар талабининг амалга ошмаётганида экан.

Олдинги раисни кўпроқ план, бошлиқлардан гап эшитмасликкина қизиқтираркан, холос. Пайкаллар ҳолатини яхшилашни, алмашлаб экишни ортиқча ташвиш, деб билган бўлса керак, кўп жойларда сизот сувлари ер юзига кўтарилган, шўр босган. Оқибатда ер ориқлаб кетган, пахта яхши ўсмаган. Даромад йилдан-йилга пастлаб кетаверган. Бу ҳол колхоз деҳқонлари турмуш даражасига таъсир этган, кўпчилик ишдан совуган, бошқа хўжаликларга кўчиб кета бошлаган. Ҳа, у ана шундай қолақ хўжаликни оёққа турғазиши керак эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ҳамма активларни йиғиб шундай деган эди:

— Энди, гап бундай, ўртоқлар! Мен бир ҳафталик кузатишларимга асосланиб, биринчи гада бажариладиган вазифаларни иккига бўлдим. Ерларимиз зах. Ер ҳолатини яхшилаш учун зовурлар қазишга тўғри келади. Бу йилча 200 гектар ерга беда сепсак. Кейинчалик имкониятга қараб яна кенгайтираемиз. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчиси — ҳеч кечиктирмай йўлни кенгайтиришимиз ва асфальт қилишимиз кераклиги. Одамларимиз ҳар ерда сочилиб, кўп жойларни эгаллаб ётибди. Уларни тез орада ана шу йўл бўйига кўчириш тадбирларини кўришимиз керак. Бу — давр талаби, ўртоқлар! Аҳолининг қулай шароитда яшашини жуда кўп наф беради. Биласизлар, пахтачиликка турли-туман кимёвий дорилар кириб келяпти. Уларнинг аксарияти захарли, ҳаёт учун хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Улардан ҳамма жойда тўғри фойдаланиляпти деб бўлмайди. Фарқига бормовчи баъзи сувчиларимиз уларни тўпла-тўғри аҳоли сув инадиган ариқларга ағдаришади. Бунинг натижасида нималар

бўлмайди дейсиз! Шунинг учун аҳолини бир ерга тўплаш, уларни кран суви билан, кейинчалик табиий газ билан таъминлаш шарт!

Уша пайтда бу гаплар кўпчиликда ишонч уйғотган бўлса, кўпларда норозилик туғдирди. Лекин ҳар қалай одамлар янги раиснинг аввалгисига ўхшамаслигини, халқ учун нимадир қилмоқ бўлаётганини тушундилар. Жазм қилинса инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Орадан уч-тўрт йил ўтмай янги ташкил топган Ҳамид Олимжон қишлоғининг ўзида иккита ўрта мактаб, иккита медпункт, тўртта болалар боғчаси, ҳаммом, чойхона, магазинлар қад кўтарди. Далада ҳосил йил сайин ошиб, 1978 йилда ҳосилдорлик колхоз бўйича гектарига 30—33 центнерни ташкил этди. Бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Янги раиснинг ташаббуси ва қишлоқ аҳлининг ҳалол меҳнати натижасида юзага келди буларнинг бари...

Ҳасанбой ака қишлоқни орта қолдириб, бригадир Маҳмудкулнинг даласидан чиқиб қолди. Болакай тишлаган кулчадек бир чеккаси кемтик ой чиқди. Атроф кумуш шуъладан ёришиб кетди. Тинимсиз эсган шамол тулгар тагидаги ариққа, дўнгликларга, шудгордаги чуқурликларга қорни уюм-уюм қилиб ташлаган эди. Раис атрофга кўз югуртираркан, аччиқ изгиридан кўз ва бурунлари ачишди. Бултур бўлиб ўтган, ҳозир ҳам тушдай туюлаётган воқеалар бирдан ёдига тушди. Утган йилги ҳаёт ўроғлиқ қороздай тез очила бёрди. Утган йил унутилмайдиган иш бўлди-да! Худди мана шу ерни 3 июнга ўтар кечаси ёққан ярим соатлик дўл расво қилган эди. Уша кечаси рўй берган воқеалар худди ҳозир бўлгандай раиснинг кўз олдидан ўтди: бемор ётган хотини, болаларнинг ташвишли юзи, ўзининг шошилиб дорихонага боргани, қайтишда довулда қолгани, дорини қўя далага ююргани, дўл зарбидан синиб тушаётган ғўзаларни кўриб ич-ичидан ачингани, бригадир ва одамларнинг бақириб-чақиришлари, фонуснинг хира шуъласи, эрталаб бутун бюро аъзолари билан етиб келган райком секретари Эгамназар Ҳотамовнинг ҳаяжонли чеҳраси, шийпончадаги маслаҳат, қайта ҳайдалаётган ернинг ҳиди, тракторларнинг тинимсиз шовқини, чоп-чоплар... Ҳа, ниҳоятда оғир бўлганди. Айни ёзда 700 гектар ерга чигит қайта экиб ўтирилса! Ғўза шоналай бошлаганда-я!! 60 гектар ердаги арпа, 9 гектар ердаги пиёз, помидорлар-чи!! Ҳаммаси бир кечадаёқ йўқ бўлиб кетса-я!! Маккаларни айтмайсизми! Довул уларни бураб-бураб ташлабди! Қарасанг, хўрлигинг келади! Ҳасанбой ака чуқур хўрсинди. Ҳавонинг бу тариқа нуқулай келиши кўп ишларни чалкаштириб юборди. Суғоришда, дорилашда, чопиқда, ғўза баргини сунъий тўқдиришда хатога йўл қўймаслик учун озмунча куч, озмунча асаб сарф бўлдим! Пахтанинг ўзи енгил бўлгани билан, меҳнати оғир дейдилар. Ҳақ гап.

Пахта жуда кеч очилди. Боз устига терим айни авжига минганда қор ёғди. Бу қутилмаган ташвиш ишни тагин ҳам мушкуллаштирди.

Бундан бир соат олдинги мажлис, унда куйиб-ёниб гапирётган Аброр, одамларнинг кўзларидаги учкунлар раиснинг кўз олдига келди. Аброр яқинда Фарғонага борган экан; обод, ҳамма қўлайликлари мавжуд бўлган қишлоқларни кўриб ҳавас қилибди. Наҳотки бу ерлар обод бўлмаса?! Йўқ, обод бўлади! Ҳа, бу ерда ҳам кўп ишлар қилинди, тўқайлар қишлоққа айлантирилди.

Сиртдан қараганда ҳозир ҳамма қишлоқлар обод, бир-бирига ўхшайди. Лекин гап бунда эмас. Тараққиёт — чегара билмайди. Гап уни янада ободроқ, кўркам қилишда, одамларнинг маданий турмушини янада кўтаришда. Хўш, бу соҳада ҳеч нима қилинмаганми? Уйлаб кўрилса, эҳтиёжни қоплай оладиган даражада эмас экан. Қўрғонча системаси бутунлай тугатилгани йўқ. Янги молхонанинг қурилиши кетга сурилляпти. Спортчилар бор-у, стадион йўқ. Клуб торлик қилиб қолди. Дала йўллари асфальт қилинмаган. Кутубхоначи Эшпўлат айтганидек, ҳамма нарса кўпайяпти, эски бинолар торлик қилиб қоляпти, янгисини қуриш суст. У ҳамма ҳашаматни меҳмонхонага берибди-ю, бу томонларни эсдан чиқариб қўяй дебди. Мажлисида тўғри айтишди, хўжалиkning ҳамма тармоқларида ҳам, одамларнинг онгида ҳам бурилишлар рўй беряпти.

Ҳасанбой ака орқасига қайтди. Олдинда дарахтларга кўмилган қишлоқ, мўрилардан чиқаётган тутун, деразалардан тўкилаётган нур унинг ўйларини тагин ҳам чуқурлаштирди. Ҳаёлида июль Пленумида кўтарилган масалалар жонланди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумдаги доклади, қишлоқ иқтисодини ва маданиятини янада юксалтириш тўғрисида айтган гаплари, уларни партком секретари Алибой Сарибоев бошлиқ барча коммунистлар билан қизгин ўрганганлиги хотирасига тушди. Бу эса қарорини янада қатъийлаштирди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладида ҳам шу куннинг бош масалаларидан бири — қишлоқ маданиятини ошириш, колхоз далаларида осмондан кимёвий дори сепишни тўхтатиш, биологик курашнинг боришини кузатадиган махсус лабораториялар ташкил қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида кўрсатмалар берилган эди. Бу раиснинг эсида.

Ҳасанбой аканинг кўнглида мажлисда тушган тугун аста-секин ечила борди. У ойнанинг кумуш шуъласи оқартириб турган йўлдан уйига қайтаркан қадамлари тезлашар, юрагида ғайрат жўш уради.

Раис дарвоза олдига келганда хаёли бутунлай ойдинлашиб, фикрлари аниқ режага айланган эди...



Маматқул Ҳазратқулов

# ЧАҚМОҚ

Уни кўрган одамлар жуда кам, аммо унинг номини эшитмаган, жасоратига қўйил қолмаганлар деярли йўқ. У санъат оламига чақмоқдай кириб келди, минг таассуфки, чақмоқдай тез сўнди. Атиги ўн олти йил яшади. Санъаткорлик фаолияти эса бир йилгина давом этди. Лекин унинг жасорати, у бошлаган нурафшон йўл туфайли неча юзлаб хотин-қизлар санъат даргоҳига дадил кириб келдилар. Қисқаргани умри давомида санъат, халқ, юрт олдидаги бурчини шараф билан бажара олди. Шу боис унинг номи санъатсевар халқимиз қалбида абадий яшайди.

Адабиёт — тарих ойнаси. Жуда кўп тарихий шахсларни, уларнинг фаолиятини адабий асарлар орқали биламиз. Чунончи, Нурхон номи атоқли драматургимиз Комил Яшиннинг «Нурхон» пьесаси туфайли мангулик касб этди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, айрим асарларга қаҳрамон бўлган тарихий шахсларнинг ҳаёти ҳақиқатан қандай бўлганлиги ўқувчиларни қизиқтиради. Нурхоннинг олмаси борлигини эшитганимдан сўнг менда ҳам шундай қизиқиш туғилди.

\* \* \*

Эшик кўнғироғи қаттиқ жиринглади. Телевизор кўриб ўтирган Бегимхон аянинг юраги «шиғ» этиб кетди. Урнидан туриб, эшикка яқинлашдида, секин «Ким?» деди. Жавоб бўлмади. «Кимсиз» деди қаттиқроқ.

Йўлақдан «Очинг» деган эркак овози эшитилди.

— Кимсиз? Сизга ким керак?

— Марғилонлик Уста Олимнинг аёли

сизмисиз?

— Ҳа, менман. Ўзингиз кимсиз?

— Укангиз... Сиз билан...

— Укам? Қанақа укам?! Менинг укам йўқ.

— Солихўжа-чи...

Солихўжа номини эшитган Бегимхон ая бир сесканиб тушди. «Солихўжа? Қотил Солихўжа. У тирикми?» Нурхоннинг ўлимидан кейин у ҳам ўлдига чиққан эди. Аммо юраги чидамади, узоқдан бўлса ҳам укасини кўргиси келди. Шошилиб балконга чиқди. Электр чироқлари ёруғида бир кимса кўринди. Икки елкаси туртиб чиққан, қадди бир оз букилган. Ая унинг юзини кўролмади.

Оғир-вазмин юриб кирди. Утиргисикелмади. Телевизорни ўчириб, ўринга кирди. Ухламоқчи, нохуш таассуротларни уйқу билан қувмоқчи бўлди. Лекин хаёллар уни бундан салкам қирқ йил бурун юз берган машъум воқеа томон етаклаб кетди.

Ҳўжақишлоқлик Салимхўжа эшоннинг ўртанча ўғли Йўлдошхўжа Эшонхон тўранинг қизи Кимёхонга уйланганда кўчордек ўғиллар кўришни орзу қилган эди. Кимёхон қиз кўрди. Отини умр йўлдошига азбаройи садоқати туфайли Бегимхон қўйди. Бироқ шу кундан бошлаб Кимёхоннинг боши маломатдан чиқмади. Йўлдошхўжа қиз кўришни ўзига ор деб билди. Шунинг баҳона қилиб, Кимёхоннинг устига Тўтинисо деган тожик қизига уйланди. Уйда икки нозанин хотини бўла туриб, Йўлдошхўжа яна икки қизга уйланиб олди.

Бу орада Кимёхон шодиёна кунларни кута бошлади. «Зора ўғил туғилса... шу маломатлардан бир оз бўлсаям қутулардим». Аммо янги туғилган гўдак онанинг

бошига янги кулфатлар келтирди. Муштипар она ўзини тутди, иродасини қўлга олди. Чақалоққа не-не умидлар билан Нурхон деб исм қўйди. Ҳожил ота эса уйда чилласи чиқмаган норасида бўлишига қарамай, бешинчи хотинни етаклаб келди. Унинг Иқлимхон деган бу қайлиғига чақалоқ йиғиси ёқмади. Она шўрлик Бегимхонни амакиси Мансурхўжаникига юборди. Ўзи эса Нурхонни кўтариб отасининг Марғилондаги ҳовлисига кетишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай Бегимхон ҳам онасининг олдига келди.

Лекин улар бу билан Золим ота исанжасидан қутулмадилар. У, Кимёхон билан ярашаман, деган баҳона билан Марғилонга келди.

Азоб-уқубат тобора кўпайса кўпайдики, аммо камаймади. Марғилондаги Ҳошимбойдан Йўлдошхўжаниннг қарзи бор эди. Ниҳоят ўз қизидан ва қарзидан қутулиш учун Бегимхонни Ҳошимбойнинг ўғли Ҳасанхўжага эрга берди.

Шу воқеадан кўп ўтмай Йўлдошхўжа хотини Кимёхонни ўлдирди. Онасининг ўлимини кўрган жажжи Нурхоннинг мурғак қалби ларзага келди. Унинг кўнглида эшон хўжаларга, бой ва боёнларга қарши илк марта нафрат кўзгалди. Аммо бу балолардан қутулиш йўлларини билмайди. Опаси Бегимхонга: «Қочайлик, опа, бирон жойга қочиб кетайлик», деб кеча-кундуз ёлворади. Бегимхон: «Қаёққа қочиб кетамиз, жон синглим, ахир, еру осмондан бошқа жойни кўрмаган бўлсак, қаерда ҳам жон сақлар эдик», дейди. Ортиқ деган асранди акаси бир куни: «Бегимхон, тезда бирон жойга қочиб кетмасаларинг отам сени ҳам, Нурхонни ҳам ўлдиради», деб қолди. Бегимхон қандай бўлмасин бу хонадондан қутулиб кетиш йўлларини қидира бошлади. Уйлаб-уйлаб, охири Саломатхон аяга (биринчилардан бўлиб паранжи ташлаган, партия сафига қабул қилинган аёллардан. Ўзбекистон ССР халқ артисти Яҳёхон Маматхоннинг онаси бўлган Саломатхон ая ҳозир барҳаёт) бориб, бўлган воқеани гапириб берди. Ая уни женотделга эргаштириб боради. Иккови хафа бўлиб, Марғилон кўчасида бир-бир босиб келаётганларида олдиларидан озгин, новча, одми кийимли бир киши чиқади. Ая Бегимхонга, сен шу ерда тургин, деб ўзи ҳалиги киши билан узоқ суҳбатлашади. Бу одам ўша вақтларда Марғилонда Олим яллаци деб ном чиқарган уста Олим Комилов эди...



1928 йил. Мухиддинқори Ёқубов, Тамархонимлар этнографик ансамбль тузиш мақсадида талантларни қидириб Марғилонга келишади. Олим яллацини ҳам суриштириб топадилар.

— Мана бу мениннг турмуш ўртоғим, — дейди уста Олим Бегимхонни курсатиб. — Агар ансамблга кирадиган бўлсам, бу кишини ҳам бирга олиб кетишим керак.

Қори Ёқубов билан Тамархонимга бу

гап маъқул келади. Шу кезлари Нурхон Андихонда, холасиникида эди, уни холасининг ўғлига турмушга беришмоқчи эди. Бунинг эшитган Нурхон опасига одам юборди: «Опам билан поччам тезда мени бу ердан олиб кетишин, бўлмаса жасадимни кўрадилар». Бу хабардан ташвишга тушган Бегимхон билан Уста Олим Нурхонни олиб келдилар.

Шундай қилиб Уста Олим, Бегимхон, Нурхон, Қори Ёқубов ва Тамархоним Самарқандга келишади. Бу ерда машхур санъаткорлар Аҳмадхон Умрзоқов, Абдуқодир найчилар билан учрашадилар. Аллақачон паранжисини ташлаган Бегимхон этнографик ансамблга киради, Уста Олим ансамблда найчи, чангчи, доирачи сифатида фаол иштирок этади: Аста-секин Нурхон ҳам ансамбль составига қабул қилинади. Комил Яшин ёзган «Лолахон» номли инсценировкада Нурхон бош ролни ижро этади. Шу йили Октябрь байрамида Нурхон сахнадан туриб паранжисини улоқтиради. Шундан кейин у санъатга бутун вужуди билан берилади. Хотин-қизларни паранжи-чачвондан қутулишга, озодлик, эркинлик сари дадил қадам ташлашга даъват этади.

Ансамбль коллективи 1929 йилда Денов, Термиз, Қарши, Чоржўй, Каттақўрғон шаҳарлари бўйлаб томоша кўрсатади. Бу сафарлар давомида эндигина ўн олти ёшга кирган Нурхон ҳам хонанда, ҳам раққоса, ҳам актриса сифатида фаолият кўрсатади. Унинг овози гоёт ширадор, рақслари жилвакор, профессионал мактабни ўтамаган бўлса-да, актрисалик маҳорати анча баланд эди. Тошкентда ўтган мусобақада ҳам Нурхон иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллайди.

1929 йилнинг июнь ойида ансамбль коллективи дам олишга чиқади. Уста Олим, Бегимхон ва Нурхонлар Марғилонга келишади. Мақсад Марғилондаги ҳовлини сотиб, Самарқандга кўчиб кетиш эди. Уларнинг Марғилонга келганини эшитган Нурхоннинг акаси (она бошқа) Солихўжа келиб, Бегимхонга: «Опа, мана, сизлар санъаткор бўлдинглар. Энди мени ҳам бирга олиб кетинглар», дейди. Бу «илтимос»га Бегимхон ҳам, Уста Олим ҳам рози бўладилар.

Бир куни Тўхфа аммасининг қизи Тожи хон келиб:

«Аям сизларни Самарқандга кетиш олди-дан меҳмонга қақирдилар. Эртага албатта борар экансизлар», деб Бегимхонга айтиб кетади. Бу таклифга Нурхон ҳам рози бўлади. «Ахир, ўзимнинг аммам бўлса, унинг устига иккала қизи ҳам паранжисини ташлаган. Бошқа ўртоқларим ҳам келишар экан, бориб бир кўнгли ёзиб келамиз», дейди.

— Майли, Нурхон, бўлмаса сен Ҳалимани олиб бор. Мениннг тобим қочиб турибди, у ёққа борсам, тагин баттар бўлиб қолмайин, — дейди Бегимхон.

Эртаси куни (1929 йил, 1 июль) пешинда Нурхон жияни Ҳалимани етаклаб йўлга тушади.

Нурхон Ҳалима билан аммасиникига кириб борганда ўн чоғли қизлар йиғилишиб ўтиришган эди. Уйин-кулги авжига чиқади. Нурхон дутор чалади, ўйинга тушади, ашула айтади. Шу пайт кимдир келиб:

—Нурхон, нариги уйда сени Солихўжа аканг чақиряпти,— дейди.

Бу гапдан Нурхон ҳайратланмайди. Самарқандга кетиш ҳақида маслаҳатлашмоқчидир, деган хаёлга боради. У жияни Ҳалимани эргаштириб акасининг олдига чиқади. Эшикдан кириши билан Солихўжа унга ташланади. Мурғак Ҳалима ташқарида қолади. Нурхон жон талвасасида ташқарига ўзини отади. Боғнинг ён томонида кўшниникига чиқадиган кичкина дарча бор эди. У шу дарчадан қочиб қутулмоқчи бўлди. Бироқ ёвуз ниятли Солихўжа ҳамма эшигу дарчаларни қулфлаган эди. У Нурхоннинг ўттиз олти жойига тиф санчади...



Мен яқинда яна Бегимхон ая билан учрашиб, суҳбатлашдим.

—Ҳа, айтмоқчи, Солихўжанинг келганини айтувдим-ку. Шунгаям ўн йилдан ошибди. У қамоқдан озод бўлгандан кейин Марғилонга борибди. У ердан бу шаҳарда сендай одамга жой йўқ, деб чиқариб юборишди. Шундан сўнг Тошкентга келибди. Кўчалардаги афишалардан «Нурхон» драмаси кўйилишини билиб, Муқимий номли театрга кирибди. Спектаклни томоша қилибди. Нурхоннинг ўлдирилиш саҳнаси ўйналаётганда чидаб туролмабди, додлаб юборибди. Уз қилмишига ич-ичидан пушаймон бўлиб, аччиқ-аччиқ йиғлабди. Шундан кейин мени излаб келган

экан. Кечирим сўраб, ярашиш экан мақсади.

Синглимининг вафотидан кейин Нурхон учун ҳам ижод қилишга қаттиқ бел боғладим...

Аянинг ижодий фаолияти бу фикрни тўла тасдиқлайди. Этнографик ансамбль кейинчалик музикали драма театрига айлантирилди. Шу театрда Бегимхон ая бир қатор оналар образини яратди. Хусусан, Комил Яшиннинг «Гулсара»сида Гулсаранинг онаси, Фулом Зафарийнинг «Ҳалима»сида Неъматнинг онаси, Озарбайжон композитори У. Ҳожибековнинг «Аршин-мол-олон» асарида Асқарнинг холаси каби образлар Бегимхон ая талқинида томошабинларга манзур бўлганди.

Тошкентда 1939 йилда опера ва балет театри ташкил этилгач, ая шу театрга ўтиб раққоса сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Алишер Навоий номли опера ва балет театри саҳнасида қарийб йигирма йил давомида жуда кўплаб рақслар ижро этди, бир қатор балетларда оналар сиймосини яратди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Ая чаққонлик билан бориб эшикни очди.

—Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизми, ая?

Хонага ўрта бўйли, қотмадан келган бир хотин кирди. Истараси иссиқ. Қаердадир кўргандайман.

—Танисангиз керак, қизим Ҳалима. Навоий театрида ишлайди.

Ёдимга лоп этиб Нурхон ва унинг фожиали ҳалокати келди. Ахир, унинг қотил ака томонидан чавақланганини ёлғиз шу — Ҳалима кўрганди. Нурхоннинг эзгу ниятларини давом эттириб, неча юзлаб хотин-қизлар санъат оламига кириб келдилар.



Раззоқ Ҳамроев

## ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

(ХОТИРАЛАР, ФИКРЛАР)

*СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Раззоқ Ҳамроев «Ҳаётим мазмуни» номли хотиралар китоби ёзди. Қуйида мазкур хотиралардан парчалар босамиз.*

### Ёшлик

Тезгузар қишлоғи. Бу қишлоқ Бухоро областининг Шофиркон районига қарайди. Тезгузар ҳозир қишлоқ Совети, бу ерда бир қанча қишлоқлар бўлган — Соволик, Малалар қишлоғи, Боғи Ҳайдар қишлоғи... Биз Боғи Ҳайдарда яшардик. Ҳозир бу жойлар Иброҳим Мўминов номли колхоз чегарасига киради.

Отам Ҳамро Раҳмонқул ўғли деҳқончилик қилар, катта акам у кишига ёрдам берарди. Сўнг катта акам Бухорога ўқишга, кичик акам тоғам Мухаммадҷон Ҳожибоев тарбиясига ўтиб, кейинроқ Тошкентга ўқишга жўнаган эди.

Кези келганда оиламиз ҳақида тўрт оғиз ёзувга ихтиёр қилмоқчиман.

Отамнинг ўзлари ҳикоя қилишларича, серфарзанд бўлган экан. Бобомиз Раҳмонқул тегирмончилик қилар, жўжабирдай болаларини боқишга қийналиб, дадамни қишлоқнинг мактабдор домласига хизматкор қилиб берган. Мактабдор домланинг хотини отин бўлган. Дадам ёш вақтида шу отин бувига югурдаклик қилиб, қизлар билан мулоқатда юриб, хат-саводини чиқариб олган, икки-уч йилдан кейин бўйи сал чўзилиб қолгач, ичкарига рухсат бермай қўйишган, лекин бу фурсат у кишига савод чиқариб олишга имкон яратган... Шу туфайли бўлса керак, дадамиз болаларни имкон борича саводли қилишга интиланлар.

Катта акамиз Абдураҳмон Ҳамроев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, таърих фанлари кандидати, 50 йилдан ошиқ умрини ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган заҳматкаш. Ҳозир Низомий номли Дав-

лат педагогика институтига ёшларга таҳсил беришни давом эттирмоқдалар.

Кичик акам Абдураҳим академик Обид Содиқов, академик Набиевлар билан бирга таҳсил кўриб, дорилфунунни битириш йили фожиали ҳалок бўлган. Синглим Марямхон — масъул партия ходими. Ҳозир пенсияда.

Энди, ўзимга қайтсам... Онам вафотидан кейин рўзғор опам Зайнабхон қўлида қолди. Уч ойлик кенжа укам Абдурашидни катта қилиш ҳам шу киши зиммасида эди. Мен опамнинг қўл-оёғи эдим. Кеч даладан — чўпонликдан бўшаб келдимми, у кишига қарашар эдим.

Юқорида айтиб ўтганимдек, эртақ, ҳикоя, дostonлар ўқилганда бутун вужудим билан тинглаш менга бир дунё қувонч бағишлар эди. Гарчи куни билан қўй боқиб ҳориган бўлсам ҳам кеч кирдимми, Зайнаб опамга ялинаман. Опам сандалнинг (танча) чеккасига уйиб қўйилган кўсакка ишора қилиб:

— Буни ким чувийди?— десалар, мен:

— Жон опа, Абдурашид уйғонса бешикни ўзим тебратаман, сизнинг ҳиссангизни ҳам ўзим чувийман, сиз фақат менга китоб ўқиб, эртақ айтиб беринг,— деб сандал тепасига чироқни ўрнатиб, китобни қўлларига тутқазардим.

«Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухра» каби эртақларни, «Алломиш», «Аҳмад замжи» дostonларини, «Рустами дoston», «Жамшид» каби жангномалар ёд бўлиб кетгани менга. Аммо қизиғи шундаки, опам жуда яхши ўқисалар ҳам ёзишни бил-

мас эдилар. У замонларда атайлаб шундай қилинар экан. Агар қиз бола хат ёзишни билса, йигитлар билан хат ёзишиб муомала қилиши мумкин, деган мулоҳазага борилар экан чамамда...

Уша эртақлар, ўша дoston, ҳикоялар ёш юрагимни тўлқинлатар, хаёлимни бойитар эди. Doston қахрамонларини ўзимга ўхшатардим, ўзимни уларнинг ўрнига қўярдим... Мундоқ ўйлаб кўрсам, болаликдаги бу таассуротлар зое кетмабди. Артистлик фаолиятимда элликта кинофильм, юздан ортиқ қўйилган спектаклда яратган образларимда ёшликда бойиган фантазиялар, болаликдан тортиб йиғилган кузатишлар ўз хизматини бажаргани шубҳасиз...

Менинг оиламни, санъаткорлар оиласи, дейишади. Бунда ҳақиқат бор, албатта. Менинг ҳаётим ҳар бир нафаси санъатга бўлган муҳаббат-меҳр билан тўлганлиги туфайли бўлса керак, оиламдан бир гуруҳ санъаткорлар етишиб чиқди.

Ўғлим Жавлон Ҳамроевни биринчи бор санъатга бўлган ишқини кўриб, бир хатога йўл қўйганман. Талаффузида озроқ камчиликни сезган, сендан яхши санъаткор чиқмайди, деб бошқа соҳага бурмоқчи бўлдим. Ички ишлар министрлигига қарашли мактабга бердим, лейтенант унвони билан мактабни тамомлади. Аммо, бу соҳада ишламади, бу ишда уқувим йўқ, деб туриб олди. Бўлмаса оиламиздан бир савдо ходими чиқармикин, деган умидда савдо билим юртига жойлаштирдим. Ревизор унвони билан тамомлади ўқишни. Аммо, уч ой ишламай: «Бу ишда ишлатсангиз, мендан ажраласиз, бир кори ҳол қилиб қўяман», деб қўрқитди мени.

— Хўш, нима қилай? Ҳожи бекор бўлиб ўтиб кетмоқчимисан?— дедим мен.

— Йўқ. Санъаткор бўламан. Сиз аралашманг, ўзим жойлашаман. Ҳалал бермансангиз бўлди,— деди.

Хафа бўлишни ҳам, хурсанд бўлишни ҳам билмай аросатда қолдим. «Билганингни қил!» дедим. Аъло баҳолар билан кириш имтиҳонларини топириб, Островский номли театр ва рассомчилик санъати институтига кирди. Юқорида айтган хатоим шу. Болани қизиққан, яъни истеъдоди талаб қилган йўлга солмоқ лозимлигини яна бир маротаба ўз бошимдан ўтказдим. Шундай қилгандагина бола ўз соҳасида тузук одам бўла олиши муқаррар экан. Мана ҳозир режиссёр дипломи билан институтни тугатган бўлса ҳам, қатор фильмларда етук образлар яратиб, оғизга тушди. Унинг «Фарҳоднинг жасорати» фильмидаги марказий роль Фарҳоди ва «26-отилмасин», «Жазирама», «Қизилқум» фильмларида яратган турли характердаги бошқа образлари жамоатчилик ва танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Унга «ЎзССРда хизмат кўрсатган артист» деган фахрий унвон берилди.

Қизим Гули — Алишер Навоий номли Давлат Катта опера ва балет театрининг етакчи раққосаси. Қатор балетлар ва опералардаги унинг рақси юқори баҳоланди. Айниқса «Испан миниатюралари» ва «Спартак» балет спектаклларидаги марказий пар-

тиялари Ўзбекистон театр ҳаётида катта воқеа бўлди. ЎзССРда хизмат кўрсатган артист. Ижодий изланишлар билан машғул.

Рафиқам Раҳбархон Бойдада қизи ўттиз беш йилдан буён «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёр-монтажёри хизматида ўз фаолиятини давом эттириб келаётир, унинг қўлидан элликдан ортиқ кинофильмлар сайқал топиб дунёга чиқди.

Келимин Мукаррам Муқимий номли ўзбек Давлат музыкали комедия театри раққосаси ва балетмейстери. Набирам Беҳзод ўнлаб кинофильмларда ўйнаб, ўз маҳоратини намойиш қилди, тўққиз яшар кенжа набирам Гўзал яқинда ажойиб бир фильмда марказий ролни муваффақият билан ижро этди. «Санъаткорлар оиласи» деган ном мени кувонтиради, фахрланаман албатта. Чунки ёш авлод айна ғайратга тўлиб, бутун ақли-ҳиссиёти билан ижод этаётир, янги-янги марраларни эгаллаб театр, кино муҳлислари ҳўрматига сазовор бўлишларига асло шубҳа қилмайман.

Уэр, бир оз четга чиқиб кетдим, чамамда. Ёшлигимга қайтайлик.

Тоғам Муҳаммадхон Ҳожибоев Бухоро инқилобининг актив иштирокчиларидан бўлган. У бизларнинг ўқишга бўлган ҳавасимизни кўриб, ўз меҳрибончилигини аямади. Аввал катта акам Абдурахимни ўқитиб, муаллим бўлишига ёрдамлашган бўлса, сўнг кичик акам Абдурахимни ўқишга жўнатди. Орадан бир йил ўтган, мени ҳам ўз тарбиясига олди, ўқитди ва 1925 йили Тошкентга ўқишга жўнатди. Мана шу ўқишга жўнаш муносабати билан содир бўлган бир воқеани айтишга журъат этдим. Нега дедим, бу мисолда ўша чоқда ёшларнинг ўқишга бўлган чанқоқлиги ва фидоийлигини кўрса бўлади.

Тоғамнинг Носир Мухторов деган қайниси ҳам ўқишга кетмоқчи экан. У чоқларда ўқишга алоҳида йўлланма (развёрстка) билан юборилар эди. Носир Тошкент эрлар билим юртига йўлланма олган, менга эса Москвага Рабфакка йўлланма ёзилган экан. Носир бир кун илгари жўнаб кетди. Иккинчи куни йигирмага яқин талабалар билан бирга мен ҳам Қизилтепа вокзалига чиқдим. Мана шу ерда менинг бошимга қутилмаган бир ташвиш тушди. Болаларнинг йўлланмаларини текшириб вагонга чиқаю бошладилар. Менга навбат келганда йўлланмани кўриб:

— Отинг, фамилиянг нима?— деб сўради мубошир.

— Раззоқ Ҳамроев,— дедим мен.

— Қани, нарироқ тур, ҳалақит берма!

— Нега, ахир, мен ҳам ўқишга кетаяман-ку...

— Узингнинг йўлланмангни олиб кел бўлмаса.

— Бу-чи, шуни менга беришган. Ҳожибоев — тоғамдан сўранг бўлмаса.

— Бу Носир Мухторовнинг ҳўжжати. Бировнинг ҳўжжати нега сенинг қўлингга тушиб қолди. Бор-бор, хархаша қилма. Ҳозир ўртоқ Ҳожибоевнинг ёнларига боришга менинг вақтим йўқ. Ун минутдан кейин поезд жўнайди. Қани, нари тур!



Бундай ўйлаб қарасам, бир кун олдин менинг ҳужжатим билан Носир Москвага жўнаб кетган экан. Билиб қилдим, ёки адашганми, ким билсин дейсиз? Билганимда номимни сўраганда Носир Мухторовман деган бўлардим-а. Энди нима қилдим? Ҳамма вагонга кириб кетди. Вагоннинг эшигини бекитиб олди ҳалиги мубошир. Қўлимда белидан боғлаб олган кўрпам. Қаққайиб ёлғиз ўзим қолдим, қайтиб кетиб бўлмайди. Яна бир йил кутиш керак. Унинг устига тоғамларнинг ҳам аччиқлари келиб, қишлоққа қайтариб юборишлари мумкин... Ахир, ўн тўрт яшар боланинг хаёлига нималар келмайди дейсиз? Менга қишлоққа қайтиб, умрбод икки қўй, бир эчки кетида қоладигандай туюлиб кетди. Юрагим ҳовлиқиб, кўзимдан шашқатор ёш оқарди. Қани бу бағри тош мубоширнинг раҳми келса, эшикни очиб, кирақол деса! Қаёқда дейсиз!?

Қўнғироқ чалинди. Паровоз гудоги кўрагимдан тешиб ўтгандек бўлди. Поезд силжий бошлади. Қандай қилиб вагон зинасига чиқиб олганимни ўзим ҳам билмайман. Поезд тезлаб кетди. Қўлимдаги кўрпам чувалиб, сочиқ, емакларим йўлда тушиб қолди. Овозимнинг борича йиғлайман. Шу алпозда икки бекат юрдик... Ниҳоят йўлда йиқилиб, яна поездининг тагига тушиб кетмасин деб хавотир олди чоғи, мубошир мени сўкиб-сўкиб вагон ичига олди... «Қандай елим боласан, Тошкентга борсанг ҳам сени бу ҳужжат билан ўқишга олмайди-ку. Бошимга битган бало бўлдинг-ку». Мен «пик-пик» йиғлаб, чурқ этмасдим. Аста мубошир ҳам тинчиди. Мени болалар ўз ёнларига олдилар. Болалик экан-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандек эртасига болалар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Тошкент бағрини очиб биздек илм шайдоларини қабул қилиб олди. Ўзбек эрлар билим юрти билан бирга, тожик билим юрти, қозоқ билим юрти, қизлар билим юрти каби илм ўчоқлари янги талабалар ва толиблар билан тўлди... Аммо, менинг ҳужжатим яна бошимга янги ғавғолар солди. Имтиҳон қабул комиссияси: «Ҳужжатингни тўғрилаб кел», деб мени имтиҳонга қўймади. Ун беш кун хиёбонда ётдим... Дарвоқе, эрлар билим юрти ҳақида икки оғиз гапириб ўтай...

Билим юрти шундақина ҳозирги Курант рўпарасидаги бинога жойлашган эди... Инқилоб хиёбони Тошкентнинг маркази, обод жойлардан бири экан. Қатор кино-театрлар, «Хива», «Искра»ларда одам гажум бўлар эди. Улка ўзбек эрлар билим юрти энг машҳур илм маскани эди. Республикамиз ва Иттифоқимизга маълум жуда кўп машҳур олимлар, шоир адиблар шу даргоҳдан чиққанлар. Жавлон Раҳмоний, Ғаффор Ҳамроқулов, Илёс Фозилий (ҳозир атоқли болалар доктори), Олим Аминий (академик, иқтисод фанлари доктори), шоир Миртемир, Ёқуб Алиев... қў-

йинги, қанча фан, адабиёт, санъат арбоблари чиққан бу даргоҳдан.

Шундай қилиб, мenden ташқари Бухордан келган болаларнинг барчаси жойлашиб олишди. Шу билим юртида таҳсил кўраётган акам Абдурахим овқатимга қарашиб турди. Ниҳоят, мени яна йўқлаб қолишди.

— Уртоқ Носир Мухторов...

— Йўғ-е, мен Раззоқ Ҳамроевман.

— Ҳа, ҳа, Ҳамроев... Ҳамроев. Тезгузарлик, менга қаранг, бу ерда ўқиётган Абдурахим Ҳамроев сизга ким бўлади?

— Акам...

— Тузук... Энди бундоқ, укам. Иш ўзингизда қолди. Бу ерда Носир Мухторов ўрни бўш. Уни гўё келмай қолди, деб ҳисоблаймиз. Чунки бугун қабул имтиҳонларининг охири кун... Бўш қолган ўринга ҳозир йигирмага яқин талабгор бор. Биз қонун бўйича камида танлаб-танлаб беш-олтитасидан имтиҳон оламиз. Шу жумладан сиздан ҳам. Агар аъло даражада имтиҳон беролсангиз, албатта, сиз ўтасиз, ахир, Мухторов йўлланмасини сиз олиб келдингиз-ку... Агар имтиҳонингиз даражаси чатоқроқ бўлиб қолса, биздан хафа бўлмайсиз-да, тушундингизми?

— Тушундим. Мен тайёрман.

— О, барақалла. Журъатингиз жойида...

Мен билан суҳбат қилган одам, кейин билсам, Қаюм Рамазон деган машҳур тилчи экан. Китоблари бор экан. Кейинроқ шу киши бизга она тилидан дарс берди. Қаюм Рамазондан ташқари Олим Шарофиддинов (адабиётдан), Углийуский (табиётдан), «Горянов (рус тилидан), Гентелло (ҳисоб, геометрия, алгебрадан) каби муаллимлар бор эди. Устозлардан кўпларининг номлари ёдимдан кўтарилган бўлса ҳам фамилиялари, айниқса ўзларининг ихтисослари бўйича биз илм толибларига берган таҳсиллари умрбод миннатдорчилик туйғулари билан қалбимиз тўрида яшайвереди.

Ун беш кун хиёбонда тақдиримни қўтиб бекор ётмаган эдим. Акам Абдурахим ёрдамида кириш имтиҳонларига тузуккина тайёргарлик кўриб қўйгандим. Бу ишим қўл келди. Имтиҳонлардан яхши ўтдим. Улка ўзбек эрлар билим юртига тайёрлов курсига қабул этдилар.

Билим юртининг асосий синфларига ўтувчи икки йиллик тайёрлов курси бор эди. Уша вақтларда Ўзбекистон қишлоқларидан келадиган болаларнинг савияси юқори бўлмаган. Шуни ҳисобга олиб ҳукумат қарори билан икки йиллик тайёрлов курси ташкил қилинганди. Зеро, билим юрти ўрта, олий маълумот берар эди. Муаллимлик ихтисоси билан чиқадиган мутахассисларга бу олижаноб кошона обдан пишиқ илм сингдирар эди.

1925 йилдан бошлаб ёшлигимнинг жиддий ва мураккаб, шу билан бирга саодатли кунлари бошланди. Мен Ўзбекистоннинг машҳур илм гулистони — бу даргоҳнинг сеҳрли чаманзорига кириб келдим.

## Талабалик

Билим юртида ҳамкорлик, дўстлик, интизом яхши йўлга қўйилган эди. Дарс тайёрлаш ҳам ўқитувчимиз ёрдамида бутун бир синф иштирокида ўтарди. Шунинг учун бўлса керак, талабалар ўртасида коллективчилик руҳи яхши ривожланганди. Дарсни қийин ўзлаштирган талабага аълочи ёрдам берарди. Билим юрти фақат илм берувчи бир макон бўлиб қолмай, балки бизнинг чинакам жонажон уйимиз ҳам эди, куннинг йигирма тўрт соати шу ерда кечарди. Давлат кийинтирар, боқар, ардоқлар эди. Бир кун синфда, бир кун ётоқхонада, яна бир кун эса ошхонада навбатчилик қилардик.

Билим юртида ижтимоий ишлар аъло даражада йўлга қўйилганди. Ҳар хил тўғараклар машғулоти ўтказар эди. Адабиёт тўғараги, драма тўғараги, расм тўғараги ва бошқа тўғараклар ўз соҳасининг ишқибозларини тўплаб олган ҳар бир тўғаракка ё муаллимлардан бири, ёки ташқаридан таклиф қилинган мутахассис раҳбарлик қиларди.

— Менинг санъатга бўлган меҳрим драма тўғарагига олиб келди. Бўш вақтимни тўғарак машғулотирига бағишладим. 1925—1926 йилларда тайёрлов курсида таълим олиб, 1927 йилдан бошлаб асосий синфга кўчиб ўтгач, драма тўғарагида ўтадиган соатлар яна самаралироқ бўла бошлади. Дарвоқе, бир ажойиб ҳодисани, умримда, из қолдирган бир воқеани айтиб ўтай. Тайёрлов курсида (1925—1926) биз ҳаммамиз кашшоф (пионер) эдик. Кўпроқ ҳар хил шарқийлар (кўшиқлар, маршлар) ўрганардик.

Драма тўғарагида аввал Фурмановнинг «Исён» деган асарини саҳналаштирдик, бу спектакль туфайли билим юрти драма тўғарагининг шухрати бутун Тошкентга тарқалди. Ҳатто спектаклимиз бир марта «Колийзей»да (яъни Свердлов номида концерт залида) намойиш қилинди. У вақтларда ягона катта театр ҳисобланган Свердлов залида

ўйнаш ҳеч қандай драма тўғараги коллективига муяссар бўлмаган эди. Асарни Собир Муҳамедов таржима қилган, тўғарак раҳбари И. П. Романенко саҳналаштирган эди. Мен биринчи катта роль — Шаҳобидиновни жуда катта завқ ва мароқ билан ўйнадим. Раҳбаримизнинг билим юртида таҳсил кўраётган катта синф талабаларининг ва ўқитувчиларининг ижобий баҳоларини эшитиб, санъатга бўлган ишқим яна аланга олди. Қувонганимдан кечалари ухламай чиқардим.

Сўн «Ёрқин ой», «Арслон» деган пьесаларда кетма-кет масъул роллар топширилди. Айниқса, «Арслон» пьесасидаги ижодий ишларим ҳали-ҳали кўз олдимда. Уша вақтда тўғаракка раҳбар бўлиб келган Лутфулла Назруллаев (Ўзбекистон халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ҳамза номли академик театрнинг артисти) тузуккина иш олиб борди. Бизлар ҳар қалай ёш ниҳол эдик. Делетант эдик санъат соҳасида, маҳорат сирларининг ҳали мингдан бири ҳам бизга маълум эмас эди. «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», деганларидек фақат ўргатгани олишга интилар эдик. Образ нима, унинг ҳаёти билан яшаш нима, деган гапни тушуниш биз учун мушкул эди. «Арслон» спектаклидаги бой роли устида ишлаш шунинг учун ҳам анча қийин бўлди. Ёдимда, Арслон ролини ўйнайдиган Болта Маҳмудов билан кечалари машқ қилиб чиқар эдик. Узимизча «зўр» иш қилдик деб эртасига керилиб ўртоқ Назруллаевга кўрсатсак:

— Бу нима қилиқ! Масхарабозликни ташланг! Бой, ахир, судхўр золим! Ҳазоби қани? Хўш, Арслончи, унинг бойга қарши норозилиги қани? Бу ерда жиддий кураш керак. Тушундингизми?— дерди.

Икковимизнинг ҳам тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб, ишни бошқатдан бошлар эдик.

## «Кўк кўйлак» — жонли газета

Театр санъатига бутунлай мафтун бўлишим «Ёш ленинчи» газетаси қошида ташкил топган «Кўк кўйлак» труппасига киришимдан бошланди. «Жонли газета» деб аталадиган бу труппа ўша вақтларда (1927—1929) ташвиқий-тарғибий ишларни бажаришда, партияимизнинг кўрсатмаларини халққа етказишда жуда улкан ишлар қилди, муҳим роль ўйнади.

«Кўк кўйлак» труппамизнинг раҳбари, сиёсий ва ташкилий ишларни олиб борадиган киши машҳур ёзувчи, олим, драматург Сотти Ҳусайн эди. Ниҳоятда хушмуомала ва меҳрибон бу киши айна бир вақтда қаттиққўл ва темир интизомли ҳам эди. Сотти

Ҳусайн Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг ижодий вояга етишига асосий сабабчи ва бош мураббий бўлди, десам янглишмайман. Уша вақтда у Миртемирга ҳар жиҳатдан қарашар, ёрдамлашар эди. Бизнинг труппага Миртемирни адабий эмакдош қилиб олиб келган ҳам шу ажойиб инсон — Сотти Ҳусайн эди. Миртемир «Кўк кўйлак»нинг оригинал репертуарини яратишда асосий кўмакдош эди. Кўп асарларни русчадан таржима қиларди.

«Кўк кўйлак» труппамиз программаси шундай тузиларди:

1 бўлим. Ҳар хил пирамидалардан иборат. Буни санъат билан спортнинг уйғун-

лаштирилган хили десак ҳам бўлади. Мен бу ерда шовкинли оркестр ҳақида икки оғиз гапиришим керак. «Кўк кўйлак» труппамизнинг бир қисми музикачилар вазифасини ўтарди. Русча «Шумовой оркестр» деб аталувчи бу оркестрда беш, ўн киши ҳар хил буюмлардан овоз чиқарарди. Бири қошиқни уриштирса, иккинчиси патнисни чертарди, учинчиси сибизга чалса, тўртинчиси икки ёғочни бир-бирига урарди ва ҳоказо... Аммо бу садолар пионинода чалинадиган маълум куйга қўшиб, ўша куйни жангдор ва гўё кўп созли оркестрга ўхшатарди. Мана шундай оркестр садоси остида тез ва чаққонлик билан турлитуман шакллار тузилади ва бу шакллар бир-икки минут қотиб турганда иштирокчилар томонидан шу шаклга мос сўзлар айтиларди. Масалан, шакл трактор нухасини олди. Одамлар тепасида турган «тракторчи»: «Тез орада далаларимиз шу пўлат от билан ҳайдалади», деб нидо қилса, трактор шаклини олиб турган шакл бир оғиздан: «Яшасин трактор!» деб қичқарарди. Ёки шакл рус чанаси «Тройка» шаклини олса, уч отни бошқараётган чаначи: «Ҳа тулпорларим, шамолдек учавер», деб ҳайқирар. «Уч тулпор» кўнғироғини жиринглашиб саҳнани гир айланар, чаначилар «Бепоен рус ўрмонлари яшайвер!» деб баравар қийқарардилар. Шу зайлда ҳар хил мавзуда беш, ўн пирамида шакллардан иборат номерлар намойиш қилинарди. Ниҳоятда шовкинли бу оркестр халқ севган бу куй ижрочиларининг шўх ва жозибадор ҳаракатлари билан бажариларди.

II бўлим. Ҳар хил интермедиялар ижро этиларди. Бу бўлимни ҳақиқий театр санъатининг намунаси десак бўлади. Асосан Миртемир ва бошқа ўзбек шоирларининг таржима асарларидан тузилган бу бўлим

асосий ғоявий материалга эга эди, қизиқарли бўларди. Аммо ижрочилар ҳеч қандай образга монанд кийим киймас ёки грим қилмас эдилар. Шу «Кўк кўйлак» кийимида чиқиларди. Лекин ижрочининг кўкрагига осилган картон қоғоздаги ёзувни ўқиган томошабин унинг кимлигини англаб оларди. Масалан «Бой ва чоракор» интермедиясида бир бурчакдан чиқиб келган, кўкрагига «Чоракор» деб ёзиб қўйилган артист ер чопади. Бир оздан кейин кўкрагига «Бой» деб ёзиб қўйилган артист чиқиб, уни койир ва улар ўртасида жанжал бошланар ва жанжал авжга олганда кўкрагига «Комсомол» деб ёзиб қўйилган артист пайдо бўлиб, махфий равишда бировнинг кучидан фойдаланаётган бойнинг сирини фош қилар ва асар якунида «Бой» ҳайдаб юборилар эди.

Интермедиялар кундалик воқеани акс эттиргани учун беҳад қизиқарли ўтар, ижрочилар ҳам гарчи маҳорат сирларидан ҳали беҳабар бўлсалар-да, ўз ғайратлари, ташаббуслари билан томошабин эътибори ва оқлини қозонардилар.

«Кўк кўйлак» партиямиз ва ҳукуратимиз қарорларини ҳозиржавоблик билан тарғиб қилди. Халқимизни эстетик тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди. Ўша вақтларда билим юртидаги «Кўк кўйлак» труппаси машҳур эди. Шунинг учун 30-йилларда труппамиз Самарқандга бориб, ҳатто «Шўролар қурултойи»да хизмат қилиб келганди. Бизнинг спектаклларимиздан сўнг Ўзбекистон оқсоқоли ўртоқ Йўлдош Охунбобоев саҳнага чиқиб, ҳаммамизнинг бошимизни силаб: «Балли, болаларим, балли!» деб ардоқлагани ва барчамизга кичик-кичик совғалар бериб, қувонтиргани қалбимизда санъатга бўлган меҳрни янада аланга олдиранди.

## Мустақил ишлар

Шундай қилиб, комсомол бўлганимиздан кейин ўқишдан ташқари драма тўғраги, «Кўк кўйлак» труппаси ишларига шўнғиб кетдик. Ора-сира комсомол ташкилоти ва профком менга мустақил ижтимоий вазифалар топшира бошлади. Бу вақтда «оқу қорани» ажрата оладиган, тайёрлов синф талабаларининг дарс тайёрлашлари раҳбарлик қиладиган, мажлисларда маълум масалалар юзасидан бинойидек фикр юртадиган, нотиклик санъатида ҳам машқ қи-

ла бошлаган кезларим эди. Лекин ҳар бир топширилган вазифани қўл учиде эмас, астойдил бажарар эдим. Чунки, мустақил иш қила билиш, масъул топшириқ олиш деган сўз бизлар учун катта шараф, беҳад ғурур бағишларди. Шундай топшириқларнинг икитасини айтсам. Биринчиси шунчаки, кундалик топшириқлардан бўлса, иккинчиси катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга топшириқлардан эди.

## Биринчи топшириқ

Ёқуб Алиев мендан бир синф юқори, яъни учинчи синфда ўқир эди. Жуда уdda-бурон, техникага жуда қизиқаётган талаба эди. Кейинчалик кимё фанида моҳир тадқиқотчи бўлиб етишди. Давлат арбоби си-

фатида Москвада бир неча йиллар Ўзбекистон вакили бўлиб ишлади. Ёқуб Алиев билан менга ўша вақтларда энди чиққан кўчма кинони топширишди. Икковимиз Қашқар маҳалла, Севзор, Бешёғоч, Хадра

ва Эски жува атрофида кино намойиш қилишимиз керак эди. Кинолента овозсиз, кичкина экран (иккита чойшабни тикиб, экран қилиб олганмиз). Асосий механик Алиев, мен эса унга ёрдамчи эдим... Аммо, менинг вазифам оғирроқ эди. Мен гўё ҳам администратор, ҳам ассистент эдим. Маъмурий ишим шундан иборат эдики, аввал бориб жойни тайёрлаш учун маҳалла комитетининг раиси билан гаплашар эдим. Вазифамнинг мушкуллиги шундаки, проекция (киноаппарат) қўлда айлантириб юргизиладиган моторчани ўша жойга олиб борар эдим. Транспорт йўқ, ҳаммаси қўлда ташилар эди. Мактаб Инқилоб хиёбонида. Трамвайда Чорсуга аппаратни олиб боргач, маҳалла ичкарисига пиёда кириш керак. Ёмғир кунлари айниқса қийналар эдим. Кичик зиял метрчи йўлқадан юриш қийин, манзилга етганда бир-икки бор йиқилиш ҳам мумкин эди.

Ниҳоят сеанс бошланади. Движок-моторчани айлантиришни, ҳеч қандам ишониб бўлмади. Бир-икки бор мен чарчаганда бош-

қа кишига топшириб ишнинг пачавасини чиқариб қўйганмиз. Движокни бир маромда айлантириш керак. Агар секин айлантирсанг экран қоронғи бўлиб, сурат кўринмайди. Тез айлантириб юбориб, проекциядаги лампочка куйиб кетиб, томошамиз кўрсатилмай қолган. Шу туфайли бир соат-у 45 минут движокни айлантирардим, сеанс тамом бўлгунча қора терга тушиб кетардим, зўра нафас олардим. Аммо томошадан кейин мен ва Ёқуб Алиевга бўлган ҳурмат, миннатдорчилик ҳамма чарчоқни тарқатиб юборар эди. Болалар бизни «Киночилар», деб аташарди. Кўчада қўлларини бигиз қилиб бир-бирига бизни кўрсатишар, узоқдан салом беришар ва бу илтифотлар бизларни беҳад қувонтирарди. Комсомол топшириғини ўташ, айниқса мустақил бир ишнинг улдасидан чиқиб бизга чексиз шодлик ва завқ бағишларди. Бундай «гастролларимиз» бир ойда уч, тўрт марта қайтарилар, турлитуман киножурналлар, овозсиз кинофильмларни намойиш қилганимизда, маҳаллада байрам бўлиб кетарди.

## Санъатга иштиёқ

Драма тўғарақларида қанчалик иштирок этмайин, «Кўк кўйлак» труппасида қанчалик мақталмайин ҳали ҳақиқий санъат мактабини кўрмаган эдим. Бу мактабнинг маъноси — «Саҳнада образнинг ташқи ва ички ҳаётини ҳаққоний талқин этиш учун билиш лозим бўлган саҳна қонунлари ёки унинг алифбоси — Станиславский системаси» деб аталмиш актёр маҳоратининг бошланғич элементларидан беҳабар эдим. Образ қиёфасига тўла-тўқис кириш йўлларини назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам кўз олдимизга келтира олмас эдик, режиссёрлик санъатидан эса мутлақо беҳабар эдик. Менинг драма тўғарагидаги юмушларим албатта делетантликдан иборат эди, яъни «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» қабилида эди. Шундай қилиб труппамиз олдида режиссёр муаммоси кўндаланг бўлди. Шаҳар раҳбарлари билан бамаслаҳат тузуқроқ санъат даргоҳига бориб тажриба ўрганиб келиш ҳаммамиз учун ҳам фойдадан холи эмас деб топилди.

У чоқларда (1931 йил) Охунбобоев номили Андижон область театри Ўзбекистоннинг иккита театридан бири саналар, Тошкентда режиссёр, устоз сифатида Маннон Уйғур ном чиқарган бўлса, Андижонда шу театрининг бадиий раҳбари Музаффар Муҳамедовнинг шуҳрати оғизларда дoston эди. Шу боисдан, труппамизнинг асосий кучларидан ўн беш киши 20 кунга Андижонга жўнаши лозим, деган қарорга келдик. Июль ойининг бошларида Андижонга бордик. Музаффар Муҳамедов ёш бўлса ҳам, устозликлари ҳурмати учун бўлса керак, «Ота» деб мурожаат этишаркан. Биз «ота»нинг ўғил-қизлари билан суҳбат қилдик. «Ота» биз учун «санъат сирлари» ҳақида суҳбат ўтказди.

Театр ўша кунлари Сотти Хусайннинг «Ғалаба» деган пьесаси устида жиддий иш олиб бораётган экан. Биз ҳар кунни машқ қилиб, ҳам режиссёрлик, ҳам артистлик фаолиятини бевосита иш жараёнида кузатиш бахтига муяссар бўлдик.

Пьесадаги асосий ролларни театрининг етакчи артистлари ижро этиши бизни яна кўпроқ қизиқтирарди. Мукаррама Азизова аjoyиб истеъдодли санъаткор эди. У спектаклнинг марказий персонажини — Тўрахўжаева деган мағрур, шаҳарнинг хўжайини бўлиб олган ижроқум раиси образи устида иш олиб борар, Машраб Юнусов — Қўлдош, Жўра Қўлдошев — Мирзахўжа амин ва унинг ўғли бебош, чапани образини Соиб Хўжаев бажарар эди. Коллективдаги темир интизом бизни ҳайратга солди. Соат 10 да иш белгиланган, бутун труппа (50 га яқин киши) ўн минут илгари ишда ҳозир бўлар, беш минут кам ўнда Музаффар ота кириб келар эди залга. Шу беш минут ичида қайси кўринишлар репитиция қилиниши айтилар ва худди соат ўнда иш бошланарди.

Труппанинг каттадан кичиги бир хил тартибда — ёрдамчи режиссёрнинг таклифи билан ўз жойини олар ва бутун вужуди қўлоққа айланиб Музаффар отанинг оғзига қарар эди... «Бошланг!» сўзи худди командининг буйруғидек жарангларди. Бу қадар темир интизомнинг сирини қаердалигини бир ҳодисадан кейин англаб олдик. «Ғалаба» спектаклининг декорацияси ўша вақтларда авж олган «конструктивизм» деб номланган услубда ишланган эди. Саҳнани тўлдирган декорация беш қаватдан иборат. Шундай назар солсангиз қурилиш минорасимон баландга чўзилган. Ҳар бир уйнинг ўз вазифаси бор. Масалан, энг пастдаги

хужра «қамоқхона» бўлса, ижроқум раисининг кабинети тўртинчи қаватга жойлашган. Энг юқоридаги бешинчи қават «маишатхона» хизматини ўтар эди...

Ҳозир нима учун бундай қилинганини эслай олмайман (эҳтимол, артистларни ҳозир-жавобликка ўргатиш мақсадидадир). Музаффар ота қўлига соатини олди, машҳур «маузер» маркали қимматбаҳо чўнтак соати эди. У соат қопқоғини очиб, секундига назар ташлади:

— Сизга ўн беш дақиқа муҳлат, шу фурсат ичида ҳамма ўз жойини эгаллаши шарт. Ҳозирланинг, бошладик. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз... ўн беш!

Биз кўзимизни саҳнадан ололмай қолдик. Худди ҷумоли сингари артист ва артисткалар юқори, пастга қараб ўрмалашиб кетди. Актёрлар вазифасининг мушкуллиги шунда эдики, улар бир-бирига халал бермай ва шу билан бир вақтда ўз образлари характери билмай бу ишни бажариши керак эди. Ҳадичахон Аминова деган актриса ўз жойини эгаллай олмай қолди, зеро кулисда, яъни саҳнанинг ёнида бирор киши билан гаплашиб қолди чамамда... Аввал Музаффар отанинг «Ҳадича!» деган бир нидоси жаранглади... Кейин, кейин... биз учун кутилмаган воқеа содир бўлди. Музаффар ота қўлидаги қимматбаҳо соатини куч билан ерга урди. Соат механизми чилпарчин бўлди... Артистка чурқ этмади, фақат кўзларида ёш қалқиди. Ҳамма жим. Ота пастга тушиб яна «бошладик!» деди. Бу сафарги машқ ўн уч минут ичида бажарилди. Ҳеч ким хато қилмади. Хотираларимнинг шу жойига «хат чўп» солиб, режиссёрлик ихтисоси ҳақида баъзи фикрларни айтаман.

Москва бадий театри ҳузурида ташкил қилинган режиссёрлар курсида, Островский номли театр санъати ва рассомчилик институтида ўтган беш йиллик таҳсил, яқин ярим аср шу ихтисос устида иш олиб боришимдаги тажрибаларим, Музаффар ота, Уйғур, Етим Бобожон каби ўзбек театр санъатининг дарғалари билан бир неча бор ҳамкорлигим режиссёрлик санъати ҳақида фикр юритишга озми-кўпми ҳуқуқ берса керак.

К. С. Станиславский режиссёр ва актёр санъати ҳақида гапириб шундай деган: «...Театр санъати барча даврларда ҳам коллектив санъат бўлган ва қаерда шоир-драматург таланти, актёрлар таланти билан ҳамжиҳат амалга оширилган бўлса, ўша ерда санъат рўёбга чиққан. Спектклъ асосида мудом маълум драматик концепция бўладики, у актёр ижодини саҳна хатти-ҳаракати билан боғлаш натижасида умум бадий маъно касб этади...

Актёрлар хатти-ҳаракати жамланиб ягона бадий ансамбли ташкил этади. Мана шу ансамбль масъулияти, спектаклнинг бадий бутунлик ва савияси режиссёрнинг зиммасига тушади. Режиссёрнинг ижодий иши, актёрнинг меҳнати билан бирга олиб борилиши, актёрнинг ижодини тўғри йўнал-

тириш ва уни асарнинг асосий ғоясини очишга қаратиши керак. Спектакль безаги ҳам шу мақсадга хизмат қилиши керак»,— деган эди. Устознинг шу тезиси режиссёр билан актёрнинг ижод жараёнидаги муносабатини белгилашда бир қалит хизматини ўтайди.

Ҳозирги замон театрида актёр автор ғоясини тараннум этади ва уни томошабинга етказди. Агар актёр ихтисоси ҳақида гапирадиган бўлсак, шундай фикрларни қайд этишга тўғри келади: актёр ижодини кузатиб боради, унинг руҳий-жисмоний ҳақиқатини тегишли томонга йўналтириб туради. К. С. Станиславский: «Режиссёр фақат пьесани таҳлил қила билувчи, саҳнада декорациялар қандай бўлиши кераклигини аниқловчигина эмас. Режиссёр шундай одамки, у ҳаётни кузата биладиган ва ўзининг профессионал театр ихтисосидан ташқари ҳамма илм соҳасидан ҳам хабардор, билимдон бўлиши керак...», деган эди. Демак, режиссёр спектаклни рўёбга чиқаришда ягона тафаккурга эга бўлиши, спектаклнинг барча қисмларини бир нуқтага жамлашга эриша олиши лозим.

Режиссёр спектакль яратилишида бир ғоявий раҳбар ва ташкилотчи сифатида коллектив бошида туради. Шундай киши-сиз, яъни режиссёрсиз замонавий театрни тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу ўринда биз уч хил режиссёрни кўришимиз мумкин:

1. Режиссёр-санъаткор. Бу хислатга эга бўлган режиссёр пьесани чуқур ўрганади ва шу асосда янги спектакль яратиш учун бир ғоявий-бадий фикрга келади.

2. Режиссёр-педагог. Актёрлар билан ишлаш жараёнида уларни тарбиялайди, пьесанинг ғоясини очишда актёрлар билан фикр ва ҳис уйғуниги устида ишлаб ягона ансамбль туза олади.

3. Режиссёр-ташкilotчи. Бундай кишилар спектаклнинг бутун қисмларини ўз тафаккури атрофига йиғди, ҳатто кичик бўлаклар ҳам унинг назаридан четда қолмайди. Ҳақиқий режиссёрда эса мана шу уч хислат мужассамланган бўлмоғи даркор. Агар шу хислатлардан бирортаси мустасно қилинса, демак пьеса асосида санъат асари, яъни бўлажак спектакль ҳақида тўғри фикрлаш мушкулдир.

Формалистик театр нуқтаи назаридан қарасак, режиссёр диктатор ҳисобланади. Актёр эса режиссёрнинг фикрини бажарувчи одам. Режиссёр нимани фикр қилса, актёр уни бажаришга мажбур, дейиш ҳатодир. Режиссёр ҳам, актёр ҳам ижодкор, актёр фақат режиссёр хоҳишини кўр-кўрона бажарадиган одам эмас, бинобарин режиссёр ва актёр муносабати икки ижодкор муносабати тарзида бўлмоғи керак.

Режиссёр ҳамма вақт актёрнинг махсус хусусиятини ҳисобга олиши керак. У, актёр ўз фантазиясига эга, ҳаётни билади, деган фикрни нутумаслиги керак. У актёр истеъдодининг ўзига хос томонларини очиб билиши шарт.



## АНОРХОН АЯ ҲИКОЯСИ

— Бу оилада ўнга яқин фарзанд туғилган бўлса-да, булардан фақат икки қиз ва икки ўғил омон қолган,— дея ўз ҳикоясини бошлади Анорхон ая.— Булар: Исроилжон, Ҳожалой, Ачахон ва Ҳамза. Мен Ҳамзанинг катта опаси бўлмиш Ҳожалойнинг қизиман. Ҳозирги пайтда укам Аъзамжон Жалолов ҳам барҳаёт. Гап ҳамонки шу ҳақда кетган экан, Ҳамзанинг бундан ташқари яна тўртта жияни барҳаёт ва уларнинг фарзандлари турли соҳаларда эканлигини айтиб ўтишим керак. Булар: Исроилжоннинг фарзандлари — Софияхон ва Сапура-хон (Фарғона яқинидаги Аввал қишлоғида) ҳамда Ҳодижон (Душанбеда). Холам Ачахон Ниёзованинг ўғли Мелибой Абдуллаев эса ҳозир Қўқонда.



Исроилжон 1925 йили, Ҳожалой 1921 йили, Ачахон 1948 йили ва фот этишган. Тоғам Ҳамза ҳалок бўлганида мен 24 ёшда эдим.

Машъум воқеа содир бўлишидан 4—5 кун аввал тоғам Тароқчилик маҳалласидаги ҳовлига (ҳозирги пайтда бу уй Ҳамза уй-музейидир) келдилар. Ҳар сафаргидек тетик, бардам, кўзлари ўйчан, овозлари майин эди. Лекин, назаримда, паришонхотир эди. Ҳолбуки, тоғам мен билан жуда сўзамол ва хушчақчақ муомалада бўлар эдилар.

Иккинчи ўғлим Наримон яқиндагина туғилган ва эндигина ўн олти кунлик гўдак эди. Тоғам йўрғақдаги гўдакни қўлга олиб, меҳр тўла нигоҳ билан унга термулдилар, юзидан ўпдилар. Сўнг бошларини бир оз орта ташлаб, кўзларини олис-олисларга тиккандай ва ўз-ўзига сўзлагандай шундай дедилар:

— Бунга қара-я, Анор, қирққаям кириб қолибман. Бир пайтлар мен ҳам ана шу йўрғақдаги гўдакдай она сутидан бўлак ташвишни ўйла-масдим. Қирқ йил-а, ҳазилакам гапми!— Менга сездирмагандай чуқур хўрсиндилар.— Ҳали бу гўдак ўсиб-улғаяди, катта йигит бўлади...

Мен ўз ишларим, ташвишларим билан бўлиб қариндошларимнинг ҳам кўнглини овлай олмадим. Ҳа, майли, яна бир оз муддат ўтсин, ҳаммаларингизни бир жойга жам қилиб, ундан сўнг кўнгилдагини тўкиб соламан.

Тоғам гўдакка яна меҳр тўла нигоҳларини қададилар, сўнг авайлаб менга узатдилар. Кейин тўсатдан бир нарса ёдларига тушиб қолгандай шахд билан ўринларидан турдилар-да:— Гўдакни яхшилаб пар-

вариш қил, омон бўлсак кўришармиз, хайр!— дея чиқиб кетдилар.

Мен гўдак билан овора бўлиб, тоғамни кузатгани ташқарига чиқолмадим. Орадан алламаҳал ўтгач, тоғам ўтирган кўрпача қатига бир қора нарса қистирганлари ёдимга тушиб қолди. Шошилиб кўрпачани кўтардим. Қолдирган нарса тоғамнинг катмонлари экан. Ошиқиб ҳовлига чиқдим, кўчага югурдим. Тоғам кўринмадилар. «Эсларидан чиқипти-да, келсалар берарман», деб сақлаб қўйдим. Минг афсуски, тоғамни кўриш менга ортиқ муяссар бўлмади...

Кейинчалик катмонни очиб кўрдим. Ундан ҳозирги пайтда ҳаммага маълум бўлган беқасам чопонда тушган суратлари чиқди. Бундан ташқари катмонда икки томонига ип ўтказилган кўзойнак, отаси Ҳа-кимча табибнинг дори тортишда ишлатадиган ихчам тарозучаси бор эди. Яхшилаб ўралган, чамаси бир метрча келадиган энсизгина оппоқ сурпга кўзим тушганида бутун вужудим ловуллаб ёниб кетгандай бўлди.

Гап шундаки, биз — София, Сапура, уларнинг опаси Омина ва мен анча ёш пайтимизда тоғамни жон-қолига қўймай чет элларга сафарлари ҳақида сўзлаб беришларини сўрардик. Тоғам ўз жиёнларининг қувлик ва шўхликларини кўнглига олмас, биз билан худди боладек бўлиб кетардилар. Баъзан чопонлари барини очиб, чўнтақларигача титиб чиқардик. Тоғам кулар, ҳазиллашар, лекин истагимизни ҳаммиша бажо келтирардилар.

Кунларнинг бирида кўпгина муддат йўқ бўлиб кетган тоғам пайдо бўлишлари билан биз одатдаги шўхлигимизни бошладик. Шунда қизлардан кимдир ҳалиги мен катмон орасида кўрганим оқ сурпни чўнтақларидан суғуриб олди. Ҳазиллашиб турган тоғам бирдан жиддий бўлиб қолдилар. Бизга билдирмаслик учун бўлса керак, яна биз билан қувнаб-яшнаб сўзлаша кетдилар. Биз эсак: «Бу нима, тоға, айтиб беринг», деб туриб олдик. «Сизларга тушунтиришим қийин, катта бўлсаларингиз, ўшанда айтиб бераман», дедилар. «Йўқ-йўқ, айтиб бера-сиз, ҳозир айтиб берасиз, биз ҳамма нарсага тушунамиз», деб тоғамни ўз қолига қўймасдик. Қатъиятимиздан қочиб қутулолмаган тоғам: «Майли, айтсам айтиб бера қолай, мағзини кейин чақиб оларсизлар», дедилар.

— Биласизларки, мен сизларга қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб бериш учун ҳар хил ўлкаларда, турли мамлакатларда бўламан. Ажал деган нарсани сизлар билмайсизлар, лекин у шунақа ёмон нарсаки, одам жонсиз бўлиб қолади. Мен эсам юрганим-юрган, кезганим-кезган. Ўшанга рўпара келиб қолсам, ундан қутулишнинг иложини қилолмасам, бирон ўткинчи одам ёнимдан ана шу сурпни олиб, иягимни боғлаб кетади.— Биз ҳайрон бўлиб қараб турардик.— Ана, кўрдингларми, ҳеч нарсага тушунмадиларинг, тирранчалар!

Орадан анча йил ўтгач, тушундимки, тоғам жуда катта ва сермашаққат ҳаёт кечирган эканлар, янги тузум учун кечган курашларга тўла умри хавф-хатарга ҳам сероб экан.

Катмон, тарозуча, кўзойнакни Қўқондаги адабиёт музейига топширганман, оқ сурп эса қўлимда, тоғамдан хотира сифатида авайлаб сақлаяпман.

Тоғам биз жиёнлари билан жуда иноқ эдилар, дедим. Ҳа, бизга жуда меҳрибон эдилар. У киши биз учун ҳар хил ўйинлар ўйлаб топар, эртақлар сўзлаб берад, ўзларининг қизиқ-қизиқ саргузаштларидан ҳикоя қилардилар. Биз билан зерикмасдилар.

Бир куни тоғам бизни атрофларига тўплаб: «Кимнинг қандай қўғирчоғи бўлса, олиб келсин», дедилар. Қўлимиздаги қўғирчоқларни яна бир марта «парваришлаб» у киши ҳузурида бўлдик. «Ие,— дедилар

бизни уялтирган бўлиб,— қўғирчоқларингиз овқатланса қаерда ўтиради, ухласа қаерда ётади?». «Овқатланса тўшакда ўтиради, ухласа сўрида ётади», дедим.

— Йўқ,— дедилар тоғам жиддий,— столда овқатлансин, кароватда ухласин. Қани, менга юшоқ симлардан топиб келинглари-чи!»

Ҳар томонга югуриб, тоғам айтган симлардан топиб келдик. Тоғам чаққонлик билан ишга киришиб кетдилар. Қаттиқ симларни бир-бирига бирлаштириб, каравотча, курси ва столчалар ясадилар. Қўзимизга хунук кўринди. Буни сезган тоғам, «шошмай турунглари, ҳозир кўрасизлар», деб бизга дағал кўринган каравот, стол, курси пойларини қизғиш сим билан ўраб чиқдилар; курси, каравот ва столчалар устига чиройли қилиб сим тортдилар. Шундай қувониб кетдикки, ўзимизда йўқ шод эдик.

Кейинчалик тушундим: тоғам эринмасдан бизнинг болалик тасаввуримизни ҳам ўзимизга сездирмаган ҳолда янги турмушга чоғлаб борган эканлар.

Биз улғая борганимиз сари Ҳамза тоғамнинг ишларига ҳам ёрдимиз тегадиган бўлиб қолди. Хусусан Қўқонда, Тароқчилик маҳалласининг ўнг томонида театр ташкил қилганларида биз қизлардан фойдаланардилар. Биз маҳалладан палак, рўйжо, аёлларнинг турли хил кийим-кечакларини йиғиб берардик. Бу нарсалар тоғамга жуда кўп керак бўларди. Биз турли баҳоналар билан (масалан, «тўй-ҳашамга керак бўлиб қолди» деган баҳонада) қариндошлардан йиғиб, тоғамга — театр биносига етказардик. Спектакль тугагандан кейин эртасига эга-эгасига тарқатар ва бунинг эвазига тоғамдан кўп яхши сўзлар эшитар эдик.

Бир куни уйда дўппи тикиб ўтирардим, эшикдан тоғам мўралаб, мени имлаб айвонга чақирдилар.

— Бир нарса десам ҳеч кимга айтмайсанми?— Тоғам алланечук сирли кўринар ва қандайдир даражада безовта эдилар.

— Гапларингизни бировларга айтиб юрганмидим!— дедим гўё аразлагандай бўлиб.

— Буниси бошқача, Анор. Ҳеч ким сезмаслиги керак. Ўзинг ҳам сезиб-сезмасликка оласан. Хўпми?!

— Хўп.

— Менга менбоп паранжи керак. Уртача, одми паранжидан.

— Уйдан ола қолинг-да.

— Йўқ, уларга керак бўлиб қолса, сезиб қолишади. Яхшиси, Зубайда холаганикига югуриб бориб, эскироқ паранжисини бирор баҳона билан олиб кела қол.

— Нима қиласиз паранжини?

— Тс-с!— Кўрсаткич бармоқларини лаблари устига қўйдилар.— Кейин биласан.

Зубайда деганимиз биздан уч-тўрт ҳовли ҳаридаги аёл бўлиб, унинг синглиси Хайринисо хотин-қизлар ичида биринчилар қатори ёруғликка чиққан, сочларини турмаклар юргани учун «Хайри чамбарак» деб лақаб олган эди. Ҳеч қандай баҳона тополмадим. Хайри опага гапнинг лўндасини айтиб қўя қолдим. У менга ёрдам берди. Паранжини келтирдим-у, тоғамга узатдим. У киши ичкари уйга кириб кетдилар.

Шу куни кечқурун ҳовлимизнинг орқасидаги Орифжонбойникида ифторлик базми бўлгуси эди. Билсам, тоғам шунга «тайёргарлик» кўрган эканлар.

Зиёфат айна қизғин тус олган пайтда, мен дугоналарим билан том бошига чиқдим. Сизлар биласизларми-йўқми, илгари маҳалларда уй томлари бир-бирига туташиб кетган, агар маҳалла бошидан томга



чиқиб юрилса, кўчанинг охиригача бориш мумкин эди. Шунинг учун ҳам томга чиққанимизда у ер хотин-халажга тўла эди.

Орифжонбойнинг дангиллама ҳовлиси чароғон эди. Қўқоннинг ҳамма катта бойлари йиғилган, кимхоб чопонлар, зардўзи тўнлар, катта-катта саллалар зиёфатга бошқача тус бериб турарди. Карнай-сурнайлар, чирмандалар, гижжагу дуторлар бири тиниб, бири янграр, хонандалар ҳам тез-тез алмашилиб турар, бойлар эса ўзларини сипоҳ тутиб, мулозамату хушомадгўйликларга ўзларини, бепарводай тутардилар.

Атрофимга назар ташлаб, ўзимга таниш паранжига кўзим тушди. Бу тоғам эди. У киши мени сезиб, паранжи остидан бошларини сарак-сарак қилиб қўйдилар.

Базм ярим тунгача давом этди. Тоғам дам зиёфат кечаётган ҳовлидаги томошабинлар орасида, дам у, дам бу том бошида пайдо бўлардилар.

Эртаси кун эрталаб тоғам паранжини менга бердилару ичкари уйга кириб кетиб, ҳеч чиқмадилар. Фақат кечқурун овқат пайтида кўрдим. Икковимиз холи қолган пайтимизда: «Кўрдингми уларнинг базмини?— дедилар.— Усти бут, қорни тўқ, калласи хурофотга лиқ-лиқ маразларни энди бир боплайдиган бўлдим».

Тоғам кейинчалик ўз айтганларини амалга оширган бўлсалар, керак ё ўзларининг асарларида фойдалангандирлар, бунинг тафсилотини билмайман. Назаримда рўза ва ифторлик ҳақидаги шеърлари шу воқеадан кейин ёзилганга ўхшайди. «Рўза тутдим ор учун...» деб бошланувчи шеърларидан бойлар жудаям жазавга тушганини, тоғам шундан кейин яна бир ёқларга кетиб қолганини Ачахон холам кўп айтиб юрардилар.

Тоғам бошқа маҳаллалардаги катта тўйларни худди шу тахлитда кузатиб юрар эканлар. Кўча-кўйларда, чойхона ва такьяларда эса ўзларини бошқача қиёфага солиб, грим қилиб, турлича давраларга сездирмай кириб боришларини ҳам кўп эшитганман.

Ҳамза тоғам жуда кўп нарсаларни билардилар. Уйлашимча, ҳамма нарсани чуқур билиш учун шунақа йўллар ҳам тутган бўлсалар керак.

Тоғамни кўрган кунларим, у кишининг суҳбатлари менга ширин бир хотира бўлиб қолди. Кўнгилдаги дард тўла армонлар сўнармиди. Лекин тоғамнинг овози ҳамон жаранглаб, ҳайкаллари пойидаги гуллар ҳамиша яшнаб турганидан, партия ва ҳукуматимизнинг тоғам Ҳамзага нисбатан ҳурмат ва эъзозидан хурсандман. Ишқилиб, замонамиз бундан ҳам зиёда бўлсин.

Суҳбатни Баҳодир АМИНОВ  
ёзиб олди.





Абдулла Ҳотамов

## ҚАБОҲАТГА САНЧИЛГАН ХАНЖАР

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР<sup>1</sup>

1928 йилнинг декабрь ойи. Ҳамза билан бирга Ҳақимжон Мамажонов деган кишининг уйидамиз. Хотини Кароматхон опа ноябрь ойи бошларидаёқ Қўқонга кетиб қолган. Шоир 5 яшар ўғилчаси Аббосхон билан ёлғиз қолган. Ўғилчаси билан ёлғиз қолдириш мумкинмас, мен эсам сўққабошман. Қишлоқ жамоасида олиб борадиган ишлариди шоир етакчилигида бўларди. Шунинг учун ҳаммиша унинг ёнида бўлишим зарур эди.

Шоир келганидан бери Шоҳимардон қишлоғида ишлар ғоят тигиз. Меҳнаткашлар билан оммавий-сиёсий ишлар авжида. Маориф ишларини кенгайтириб, болаларни ўқишга тортиш, саводсизларни саводли қилиш, хотин-қизлар озодлиги ҳаракатини авж олдириш, янги ташкил топган коллектив хўжаликни мустаҳкамлаш каби янги ҳаёт учун кураш кенг қулоч ёйиб борарди.

Гоҳи кунлари, зарур ишлар бўлмади қолганида, шоир билан бўладиган суҳбатлар уйда давом этарди, қишлоқ жамоаси ва «Қўшчи» союзининг 15—20 нафар активлари, комсомол ёшлар, шоирга ихлосманд кексалар тўпланарди. Ана шундай ўтириш-суҳбатларда ўзининг ёшлик саргузаштларидан, динга қарши олиб борган ишларидан ҳикоя қилиб берарди шоир. Унинг ҳикоялари бизни ҳайратга соларди.

Шоир айтган ўша ҳикоялардан ҳаж сафари ҳақидагини — хотирамда қолганларини сизларга ҳавола этмоқчиман.

...Аслида Қўқон шаҳрининг Тароқчилик маҳалласиданман. Табиблик билан шуҳрат қозонгани учун отамни Ҳақим табиб деб атардилар. Онам эса Жаҳонбиби, исми жисмига монанд деганларидек, кўнгли кенг, бардошли, саводхон эдилар. Биз икки ўғил, бир қиз эдик. Энг каттамыз бўлмиш Исроилхон акам мадрасада ўқирди. Шунинг учун акамни ёш бўлса-да, «Исроил қори» дейишарди.

Опам Ачахон мендан 3 ёш катта бўлиб, мени ғоят яхши кўрар, маҳалламизга яқин бир отинда ўқир эди. Гоҳи ўзи билан эргаштириб мени ҳам олиб кетар, дарс вақтида ёнида олиб ўтирарди.

Опам билан отинга қатнаб юриб, 6—7 ёшимдаёқ китобларни ўқиб-ўрганиб олдим. Мактабга отам олиб бориб: «Эти сизники, суяги меники», деб домлага топширганлари ҳали-ҳали кўз ўнгимда.

Эски диний мактабда ёшим 11—12 ларга борганида Ҳафтияк, Қуръон, Чоркитобларга қаноатланмасдим, кўпроқ адабий китобларни варақлардим. Навоий, Ҳофиз, Ғузний, Шайх Саъдий, Машраб ғазалларини севиб ўқирдим. Шулар сингари шеърлар ёзсам деб орзу қилардим.

Мактабдаги дарсларимиз ғоят чекланган, фақат диний урф-одатларни такрорлашдан иборат бўлиб, бизни асло қаноатлантирмасди... Мактабни тугатдик. Мактабдош дўстим Ҳомид Юсупов билан мени Қўқон чорсусидаги мадрасага олиб келиб топширишди оталаримиз.

Биринчи дарсимиз «Аввал илм»дан бошланди. Мударрисимиз мулоимлик билан:

— Аввал илм нимаю охирги илм нима? Бунга жавоб шулдир: Аввал илм худони танимоқлик, охирги илм худонинг ҳамма амрига бўйсунмоқликдир,— деди.

Бу дарслар ҳам хаёлий афсоналар асири бўлиб қолишга ўргатар, бирор ижодий интилишга йўл қўймасди. Бироқ мадрасада форс ва араб тилларини ўрганишга имкон бор эди, ўргатиларди. Бора-бора яхши билиб олдик. Кейинроқ бориб бу тиллардаги дунёвий китобларни топиб ўқий бошладик. Мустақил равишда шундай китоблар муталаа қилишимиз натижасида қалбимизда икки дунё бир-бирига қарши кураш бошлади. Бир дин асири қилишга интилса, иккинчиси ана шу динни вайрон этишга ундарди.

<sup>1</sup> Марҳум Абдулла Ҳотамов. Ҳамзанинг дўсти ва шогирди бўлган. СССР Езувчилар союзининг аъзоси.

Бу вақт Қўқон шаҳрида борган сари руслар кўлайиб, улар маданияти, янги очилган мактаблардаги ўқишлар ўзбек диний мактабларига нисбатан анча қўлайлиги ҳамда қизиқарли эканлиги ҳавасимизни келтирарди. Бунинг устига рус чиновниклари назорати остида бўлса ҳам, «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталари чиқиши ўзбек халқи ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Лекин жоҳил руҳонийлар, мударрислар рус маданияти билан яқинлашиб, уша газеталарни олиб ўқишни қатъиян ман қилгандилар. Шунга қарамай, Ҳомиджон Юсупов иккала миз газеталарни яширинча ўқиб борардик. Рус тилини ҳам яширинча ўрганардик. Мадрасадаги ўқишимизнинг энг қимматли томони араб ва форс тилларини ўрганиш билан диний китоблардаги, айниқса, Қуръондаги оят ҳадислари маъносини ўзаро муҳокама қилиб, ундаги бир-бирига қарши зиддиятларни топиб ҳайрон қолардик.

Мударрислар, мусулмонлар ўлганидан кейин қиёматда тирилиб жаннатга киради, руслар эса дўзахга тушади, деб уқтирардилар. Биз бунга олдинлари бутунлай ишонардик. Араб, форс тилларини тўлиқ ўрганиб, Қуръондаги гаплар маъносини англай бошлаганимиздан кейин баъзи фактларни пайқаб, домлаларимизнинг бизга уқтирган гапларида қандайдир мавҳум уйдирмалар борлигини пайқай бошладик.

Масалан, Қуръонда Таврот, Инжил осмондан тушган, худонинг сўзлари, деб эътироф этилади. Хўш, Тавротга амал қилган яҳудийлар ва Инжилга амал қилган христианлар нима учун дўзахга тушади деган савол бизни тинчитмасди. Мадрасада очик мунозара бошлаб юборишга интилардик. Бироқ, афсус, диний жоҳилликдан қўрқиб яна дамимиз ичимизга тушиб кетарди.

Лекин тинчимасдик, қайта-қайта ўқирдик Қуръонни. Қуръоннинг «Қасос» сураси 5-оятда дейилади: «Таврот халққа фаҳм басират бергучи ва йўл курсатувчи ва раҳматга мустаҳқиқ этувчи бир муборак китоб эди. Токи одамлар ани ўқиб, худони ёд қилсинлар ва яхши таълимотлар олсинлар...» Хўш, бунга нима дейсиз, деб мударрисларни айблагимиз, халқ олдида уларнинг ёлғон уйдирмаларини фош қилиб ташлаганимиз келарди.

Шунинг учун Ҳомиджон Юсупов иккала миз мадрасада ўқиб турган бўлишимизга қарамай, яширин равишда рус-тузем мактабининг кечки бўлимига ўқишга киргандик.

Гоҳо-гоҳо ноҳақлик хусусида бошқа мадраса талабалари билан мунозаралар бошланиб кетарди. Бизнинг ҳароқатларимиз, жоҳил домлаларга айтган гапларимиз уларни ваҳимага соларди, бизни эса диндан озган «кофир»га чиқарардилар. Аммо Ҳомиджон Юсупов билан иккимиз бўш келмас эдик. Уларни Қуръоннинг ўзи билан мот қилишга кўзимиз етарди. Улар биз билан очик мунозарага дуч келишдан қўрқиб, орқаворотдан иғво уюштирардилар. Ҳатто отамни менга қарши кўя олдилар. Ҳомид Юсупов

билан мени диндан айниган деб мадрасадан ҳайдашди. Иғвога лақиллаган тақводор отам мени уйдан ҳайдашгача бориб етди.

Бу воқеа 1908 йилда юз бериб, 19 ёшимда мустақил яшаш учун пахтафуруш савдогар Обиджонбой Маҳмудов деганга ҳисобчи бўлиб ишлашга мажбур бўлдим.

Орадан икки йиллар ўтгандан кейин Ҳомиджон Юсупов ва мен бир вақтда рус қизларига уйландик. Бу воқеани эшитган отам нима қилишини билмай, охири руҳонийларга: «Уғлим Ҳамзахон Жангномадаги соҳибқирон Ҳамза ишини қилди, рус қизини, мусулмон қилиб олди», дея ваз қилди. Қайлиқларимизни мусулмон қилиш бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган эди. Шу мунофиқ руҳонийлар сафида мусулмон бўлиб юрган кўра ўқимишли рус халқи сафида бўлишни афзал кўрдим, шунга қатъий қарор берган эдим...

Менда қандайдир узоқ юртларга сафарга чиқиш, орзу-умидларимга йўл топиш, мақсадга эришиш истаги қалбимда туғён этарди. 1911 йилда бир неча ўзим тенги улфатлар ҳажга жунамоқчи бўлишиб, мени ҳам таклиф этдилар. Мен ўша вақтларда шеърлар ёзиш билан, яхши танбурчи бўлиб танила бошлаган эдим. Мусулмончилик қоидаси бўйича отаси ҳаёт ўғил отадан розилик олмай ҳажга бориши гуноҳ ҳисобланарди. Мен шунга қарамай, сафарга чиқдим. Мақсадим зиёратга бориш эмас, шу баҳона билан саёҳат қилиш, кўп халқлар турмуши билан танишиш эди. Сафар бошланди. Бошқа жойларда биздагидек алдамчилик йўқ бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, мен янглишган эканман. Ҳамма жойда тенгсизлик, содда авомни лақиллатиш, тамагирилик, товламачилик...

Туркиядан ўтиб, Арабистон ярим ороли чегарасига қадам қўйганимизда «Момиқ ота» деган мазорга дуч келдик.

Шерикларим билан зиёратга кирдик. Мазор ёнидаги катта маҳит атрофи баланд девор билан ўралган бўлиб, ичкарига катта дарвозадан кирилар экан. Ичкарида мақбара, олди темир панжара билан тўсилган. Панжара ичкарасида бир қарич қалинликда чигитли пахта тўшалган, пахта орасидан бир одам оёғи болдиригача чиқиб турибди. Ажабо, бу қандай сир?! Одам оёғи ердан тепага чиқиб турибди-я! Шайхдан бунинг маъносини сўрадик. Шайх жавоб берди:

«Қадим замонларда пахта экиб юрган бир деҳқон вақти қазоси етгач, шу ерга дафн қилинибди. Бир араб дарвиши билан ана шу деҳқон авлодлари ўзаро баҳслашибди. Араб дарвиши: сизлардан авлиё чиққан эмас, деганида, бу ерда ётган авлиёнинг ўзгинаси, деган овоз эшитилибди, қабрдан эса манави икки оёқ чиқиб қолибди. Шундан кейин бу ерга мақбара кўтаришиб, «Момиқ ота» деб номладилар. Бу кишига эътиқод қилган кимса муродига етмай қолмайди».

Шерикларимнинг кўнгли жўш уриб йиғлаб юбордилар. Менда эса шубҳа туғилди. Ҳақиқатми ёки найранг?

Кечқурун хуфтон номози ўқилиб, одамлар тарқалгандан кейин синчковлик билан

назар ташласам, ўша кекса шайхдан бошқа ҳеч ким йўқ. Таваккал қилдим, шайх ёнига ёлғиз ўзим кирдим, ўша оёқни кўрсам деб илтимос қилдим. Кўнмади. Дўқ билан кўрқитдим. Ҳавасга тақиб юрган кавказча ханжарим бор эди, уни кўрсатдим. Ваҳимага тушган шайх ҳеч кимга айтмаслигимни шарт қилиб, темир панжарани очди, ўзи чироқ ушлаб турди. Мени таажжубга солган оёқ атрофига тушалган пахталарни тез суриб ташладим. Қарасам, резинкадан одамни-кига ўхшатиб ясалган икки оёқ темир қозикларга кийдириб қўйилган эди. Ана диний риёкорлик!.. Шу Шоҳимардон кишлоғидаги Ҳазрат Али мазорини ҳам худди ўша «Момиқ ота» мазори сингари халқни алдаб, текин даромад топиш учун қилинган алдов тузоғидир.

«Момиқ ота» сирини англаб, шерикларим ҳузурига келсам, улар ушбу «авлиё»нинг ғоят улуғлиги хусусида ўзларича оғиз кўпиртириб ўтирибдилар. Шайхга берган ваъдага мувофиқ мазордан гап очмадим. Аммо унинг ростлигига шубҳа билдириб, шерикларим нодонлигидан кулдим. Шерикларим: «Сен бизни ҳам йўлдан оздиряпсан, гуноҳкор қиялпсан. Энди сен билан бирга Макка зиёратига бормаймиз», дейишиб, мендан юз ўгирдилар. Улардан кейин ёлғиз ўзим Маккага йўл олдим.

Мен илгари диний риёкорликлар Макка, Мадина шаҳарларидан узоқ жойларда бўлса керак, деб ўйлаб юрардим. Лекин авом халқни алдаш, ҳийла-найранглар билан текин даромад топиб яшашга қаратилган ярамасликлар ислом макони ҳисобланган Арабистонда янада авж олганининг шоҳиди бўлдим.

Маккада бир неча ой ҳар кимларнинг хизматишни қилиб кун кечирдим.

Шайхлар, ислом тарғиботчилари бойлик тўплаш ҳаракатидалар, халқни диний туманликка етаклаб, онларини оғулардилар. Омманнинг онгсизлиги ўз бошига жафо ёғдирарди.

Мен Маккада нажот йўлини тополмай юрган вақтимда Андижон, Ўш шаҳарларидан бир неча бой ҳожилар ўз хизматчилари билан бориб қолишди. Ўш шаҳрининг Учкўча маҳалласида яшайдиган Йўлдош ҳожига хизматкор бўлиб борган Ҳомид ҳожини ногоҳ кўриб: «Биз Қўқондан ўтишимизда отанг, менинг ўғлим шерикларидан ажраб Маккада қолиб кетган экан, кўриб қолсангиз, бирга олиб келсаларинг, деб илтимос қилиб қолдилар. Агар кетишни истасангиз, юринг, бирга олиб кетамиз», деб қолди.

Рози бўлдим. Маккадан Мадинага жўнадик. Мен Йўлдош ҳожининг мингган туяга миндим. Иккаламиз кажаваларга ўтириб, қум саҳросида, жазирама офтобда бир-биримизга қараб, бир неча кун йўл босдик. Менинг қўлимда дафтар, қалам ва танбурдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Йўлдош ҳожини зикра одам экан, нон талқон ва бошқа озиқ-овқатларни еб-ичиб борар, мен эсам

оч ҳолда унга термулиб кетишимга қарамай, сен ҳам егин, демасди.

Узимни кажавадан ташлаб юбордим. Кажаванинг Йўлдош ҳожини томони оғирлашиб гуп этиб ерга тушди. Оғзига қум кирган ҳожини мени сўкакетди. Мен эсам бошқа туяга чиқиб олдим.

Мадинага етиб келганимиздан кейин бойлар билан бирга сафарда бўлишни виждоним ҳазм қилолмади. Улардан ажралдим-да, Эрон қўлтиғига, ундан қуруқлик йўли орқали Афғонистонга, сўнг Ҳиндистонга ўтдим, кўп жойларни кездим. 1913 йил бошларида Қўқонга кириб келдим. Йўлдошлар билан мени мадрасадан ҳамда отамдан ажратган руҳонийлар ҳожини сифатида илиқ қарши олдилар. Отам тўғри уйга олиб кетди. Меҳрибон онам ва опамни кўрганимда икки ярим йиллик кўрган машаққатларим, муҳтожликда тортган азиятларим тамом унутилди. Аммо мен сафарда узоқ қолиб кетганим учун рафиқам Аксинья ўз она юртига кетиб қолибди. Бироқ онам ва опамга умидли хатлар ёзиб турар экан. Афсуски, уни қайта кўриш менга насиб бўлмади.

Яна ишга киришдим. Ҳамма айб саводсизликда, деган хаёл билан янги типдаги мактаблар ташкил этиб, унга камбағал ва етим болаларни тортишга бел боғладим. Бунинг учун мактаб ҳаражатларини кўтаришга бойлар ва савдогарлар ярайди, деб ўйлаб иона тўплашларни ташкил қилдим. Ана шундай мақсад билан Қўқон, Марғилон шаҳарларида мактаблар очиб, уларда янги усул билан тез саводхон қилишга интилдим. Аммо бу уринишларимнинг ҳаммаси беҳуда оворагарчилик бўлиб чиқди. Негаки, кўп қора юраклар, онги қоронғилар: «Ҳамза болаларимизни диндан оздиряпти, бузғунчилик қиялпти...» деб айюҳаннос солдилар.

1917 йил февраль инқилоби бўлиб, чириган ҳукумат ағдарилди... Кутган орзуларимиз амалга ошади, энди эркин мактаблар очамиз, камбағал болалари эркин ўқийди, деган эдик. Бироқ вақтли Керенский ҳукумати ҳам ҳеч қандай янгилик бермади. Аксинча, қора кучлар яна авжга чиқди. Менга ўхшаган эрк учун интилган ва ҳақиқат изловчиларни таққиб этиш ҳақидан ошиб кетди. Бу вақтда Қўқон шаҳри уяси бузилган арилар мисоли бетинч, реакцион эшонлар, авлиё ниқобига бурканган шубҳали одамлар билан тўлиб-тошган эди. Фарғона водийсида, жумладан, худди мана шу Шоҳимардон кишлоғида босмачилар ҳаракати кучайиб кетди. Уларга кўп жиҳатдан дин арбоблари суянчиқ бўлдилар. Ҳазрат Али мазори буларга беҳисоб бойлик ордириш манбаи бўлиб келди.

Советлар ҳокимиятининг ашаддий душманлари, босмачилар ҳаракатининг кўзга кўринган ташкилотчилари энди устларига малла чопон, бошларига салла, қўлларига тасбеҳ ушлаб, қўй оғзидан чўп олмаган ҳудожўйлардек бўлиб ўтирибдилар...



Алибек Рустамов

# НАВОИЙ КОИНОТ ВА ИНСОН ХУСУСИДА

Етук сўз устодларининг ижодий муваффақиятини мукаммал англаш ва уларнинг маънавий меросидан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун энг аввал уларнинг борлиқ, жумладан инсон ҳақидаги фикрларининг фалсафий асосларини билиш зарур. Шунинг учун биринчи сабоқни Навоийнинг коинот ва инсон ҳақидаги фалсафий ақидаларидан оламиз.

Навоийнинг фикрига кўра мутлақ борлиқ бор бўлиб, унинг замон ва макон нуқтаи назаридан поёни йўқ. У азалий, яъни унинг аввали йўқ, доим бор бўлган. У абадий яъни унинг охири йўқ, у доим бор бўлади. Шоир «Ҳайрат-ул аброр»да мутлақ борлиққа хитобан шундай дейди:

Эй сенга мабада абаддек азал.  
Зот-и қадиминг абадий лам язал.  
Не бўлуб аввалда бидоят сенга,  
Не келиб охижда ниҳоят сенга

(ҲА — Алишер Навоий, Ҳайрат-ул аброр, Илмий-танқидий матн. Тузувчи Порсо Шамсиев, УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1970).

Навоий бу ерда мутлақ борлиқнинг азалий, абадийлигини тушунтириш билан бирга яна ўткир бир мантиқий хулоса чиқарган. Бу — азал ва абад тушунчаларининг нисбийлигидир. Моҳият нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқатга берилган бу икки сифатнинг ўзининг орасида фарқ йўқ. Чунки иккиси ҳам замон нуқтаи назаридан чексизлики билдиради. Шунинг учун Навоий «азал»ни «абад»дек дейди.

Бу ерда ўрин ва лафздошлик билан боғлиқ бадий маҳорат ҳам бор. Биринчи байтда, биринчидан, Навоий «азал» сўзи-

ни мисра охирига қўйиб ва «абад» сўзини ундан олдин келтириб юқоридаги мантиқий хулосани яна бир қарра шаклан тасдиқлаган. Иккинчидан, «азал» сўзига унга маъно жиҳатдан зид, лекин лафздош бўлган «лам язал»ни қофия қилиб, ўз фикрини шаклан тағин иккинчи марта исботлаган.

Иккинчи байтда, биринчидан тарсиё санъати берилган, иккинчидан «аввал», «охир», «бидоят» ва «ниҳоят» сўзлари ёнма-ён ва остин-устин қилиб берилган. Булар орасида ҳам горизонтал, ҳам вертикал муносабат бор. Горизонтал жиҳатдан маънодошлик бор: аввал — бидоят; охир — ниҳоят. Вертикал жиҳатдан зидлик бор: аввал — охир, бидоят — ниҳоят. Бу икки байтнинг бундан бошқа фазилатлари ҳам бор, лекин мавзудан четга чиқмаслик учун шу билан кифояланамиз.

Демак, мутлақ борлиқ замон нуқтаи назаридан чекланмаган экан. Унинг йўқ вақти бўлмаган ва бўлмайди ҳам, шунинг учун у азалий ва абадий дейилади. Мутлақ борлиқ Навоийнинг ёзишича макон нуқтаи назаридан ҳам чексиздир. Шоирнинг айтишича макон мало, яъни тўлиқликдан ва хало, яъни бўшлиқдан иборат. Лекин мутлақ борлиқ ҳар иккисини ҳам эгаллаган, ҳеч жой ундан холи эмас:

«Не анга замону макон ихтимоли, не замону макон андин холий. Не халонинг еридур, не мало, аммо ҳам халову ҳам мало андин тўла. (МК — Алишер Навоий, Возлюбленный сердце, текст подготовил А. Н. Кононов, Изд-во АН СССР, Москва — Ленинград, 1948).

Мутлақ борлиққа хос хусусиятлардан

бири унинг зотининг вожиблиги, ҳозирги фалсафашунослар тили билан айтганда объективлигидир. Бу, мутлақ борлиқнинг зотига ҳеч қандай таъшиқ йўқ, у ўзича бор бўлган, ўзича бор ва ўзича бор бўлади, унинг ҳаракати ҳеч нарсага боғлиқ эмас, деган сўз.

Нисбий борлиқ эса мутлақ борлиққа қарамдир. Нисбий борлиқ мутлақ борлиқнинг ҳаракати натижасида бор бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин. Аммо бу бор бўлиш ва йўқ бўлишнинг мутлақ борлиққа ҳеч қандай таъсири йўқ. Нисбий борлиқнинг бор бўлиши унга бирор нарса қўшмайди, йўқ бўлиши ҳеч бир жойини камайтирмайди:

Арау фалак йўқидину боридин  
Барчанинг ихфосио изҳоридин  
Не азамат ичра анга суд ўлуб,  
Не жабарутига зиён буд ўлуб

(ХА, 10.)

Бундан ташқари мутлақ борлиқ зоти эътибори билан ваҳдатга, яъни бирликка эгадир. Бошқача қилиб айтганда, у зотан ягонадир. Навоий мутлақ борлиқнинг бу икки хусусияти ҳақида шундай дейди:

Ҳамд ангаким, вожиб-и биз-э-зот  
эрур,

Ҳомид анинг зотига заррот эрур.  
Ваҳдат-и зотига қуёшдек тануқ,  
Заррадин афсун-у қуёшдин эрур

(ХА, 5.)

Коинот мутлақ борлиқнинг ҳаракати натижасида вужудга келган  
Чун бир, жунбиш этти аён баҳр-и  
зот,

Падиуд улди амвожидин коинот

(Х — Алишер Навоий, Ҳамса. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960 й).

Коинот ва ундаги бор нарса ҳамда ҳодисалар, яъни мавжудот мутлақ борлиқнинг сифотининг зуҳуридан, яъни турлитуман кўринишидан иборат. Мавжудот замон ва маконда чекланган. Уларнинг аввали ва охири ҳамда муайян макони бор. Лекин мавжудот ҳам йўқдан бор бўлган эмас. Улар бор бўлишдан олдин ҳам бўлган, лекин яширин ҳолатда, мумкинот ҳолатда бўлган.

Мумкинот зид ёки бир-биридан фарқ қилувчи вужудларнинг бирлик ҳолатидир. Мумкинотни ташкил қилган зид ёки фарқли вужудлар ажралса, орада пайдо бўлган фарқ туфайли улар зуҳур қилади, яъни кўринишга эга бўлади. Агар зуҳур қилган сифот, яъни мавжудот бирлашса яна яширин ҳолатга ўтади. Демак, мутлақ борлиқнинг сифотида зиддият ва фарқ орага тушганда сифатлар бир-биридан ажралганда мутлақ борлиқнинг ижоди (бор қилиши) ҳолиқлиги (яратувчанлиги) амалга ошади, сифатлар бир-бирига қўшилиб, ягона ҳолатга келганда, унинг иъдоми (борни йўқ қилиши) юзага келади. Лекин борнинг йўқ бўлиши ҳам нисбийдир. Бу сифатнинг зуҳур ҳолатидан яширин ҳолатга ўтишидан иборат. Мисол учун қоронғилик билан ёруғлиқни олайлик. Қорон-

ғилик бор учун ёруғлик бор — ёруғлик бор учун қоронғилик бор. Агар булар бирлик ҳолатига ўтса, яъни улар орасидаги фарқ йўқолса, фарқсиз бўлиб қолса, икки-си ҳам йўқ бўлади, лекин қоронғилик ва ёруғлик сифатидагина йўқ бўлади, аммо зотан йўқ бўлмайди. Навоий «Ҳайрат-ул-аброр»да коинотнинг вужудга келишини эстетик услуб билан қуйидагича тасвир қилади:

Андаки бор эди<sup>1</sup> ниҳон бу жаҳон,  
Валки ниҳон даги жаҳондек ниҳон,  
Не сочибон кун юзи барг-и сумаи,  
Не кечанинг турраси мушк-и Хўтан,  
Не очибон кўқда шафақ долалар,  
Не ёғиб анжумдин анга жобалар,  
Не еру не ер юзида бир киши,  
Не кўку не ғайр, ситам, ҳар иши,  
Ҳусн ўти ҳангомафуруз ўлмайин,  
Ишқ элига моя-йи сўз ўлмайин<sup>2</sup>,  
Ёрумайин шамъ ила кошона-е

Қуймай анинг ишқида парвона-е  
Жилва-йи ноз айламайин гул ҳануз,  
Замзама чекмай анга булбул ҳануз,  
Демаки нарғис кўзи маст-и хароб,  
Валки адам гулшанида маст-и хоб,  
Хум боши муғ дайрида очилмайин,  
Аҳл-и вараъ хирча гаров қилмайин,  
Ишва бирла муғбача-йи майфуруш,  
Зухд олини айламайин дурдинуш,  
Кўзгузуб орому сукун баҳр-и зот,  
Мавжъ аён айламайин мумкинот,  
Сен эдингун бас, яна мавжуд йўқ,  
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснунг

ўқ,

Мазҳар ўлуб ҳуснунгга миръот-и ғайб.  
Жилва қилиб анда ҳаёт-и ғайб.  
Нозир ўзунг эрдингу манзур ўзунг  
Ишқингга хуш, ҳуснунгга мағрур  
ўзунг.

Бирлик эдию адад-е йўқ эди,  
Бирдин ўзга аҳад-е йўқ эди.  
Йўқ эди худ илмингга ижмол-и зот,  
Мони-йи тафсил-и шуюну сифот.<sup>3</sup>  
Лекин ул чеҳра-йи ушшоқсўз  
Ким анга бир ламъадуру офоқсўз  
Қилди мазоҳирда ҳаёл-и зуҳур,  
Топқали ул ҳусн камол-и зуҳур.

<sup>1</sup> Бу ерда «бор» грамматик нуқтаи назардан боғланма, «бормен мусофир ҳам ғариб» дегандаги каби. Навоий бу байтда «бор эрди ниҳон» демасдан, «эрди ниҳон» дейиши ҳам мумкин эди. Аммо «бор» сўзини ҳам ишлатишга сабаб борлиқнинг азалийлигини таъкидлашдир, «ниҳонлик» (яширинлик)нинг ҳам борлиқнинг бор ҳолатидан бирлигига ишора этишдир. Шунинг учун бу ўринда «бор» сўзи услуб нуқтаи назардан ортиқча бўлиб кўринса ҳам, бадийий нуқтаи назардан жуда муҳим сўздир. Демак, бу ўринда ишлатиш камчилик эмас, маҳорат натижасидир.

<sup>2</sup> Сўз — куйиш, ёниш. Моя-йи сўз ўлмоқ — куйишга сабаб, асос бўлмоқ.

<sup>3</sup> Байтнинг маъноси: сенинг билимдонлигинг олдига зотий умумийлик яхши ва ёмон сифатларни бир-биридан ажратишга монелик қилолмас эди.

Жилва-йи ҳуснунга чу йўқ эрди ҳад,  
 Кўзгу керак бўлди анга беадад.  
 Очти бу гулшанники рангин эрур,  
 Ҳар гул анга ойна-йи Чин эрур  
 Жилва-йи хусн ўлғали зоҳир анга,  
 Бўлди бу миръот мазоҳир анга.  
 Восита бу эрдини қилдинг тамом,  
 Кўнни туқуз лавҳа-йи ойнафом.  
 Бўлди сафо ваҷҳида ҳар ахтари  
 Кўзгу киби ҳуснунг учун мазҳаре,  
 Меҳр-и юзинг ойнаранг айладинг,  
 Юзда қусуфин анга занг айладинг.  
 Кўнни қилиб саҳфа-йи мину киби,  
 Айладинг ул саҳфани кўзгу киби.  
 Боғчасин даҳрнинг эттинг назих,  
 Панжараси бўлди мусаддас гириҳ.  
 Сунъунг этиб конни муламмаъ гуҳар,  
 Ҳукмунг этиб тоғни мурассаъ камар,  
 Топти ёгин риштаси чун баҳр-и соф,  
 Ел илигин қилдинг анга хуллабоф.  
 Ел биле чирмаштурубон тийра гард,  
 Чархдек эттинг ани гитинавард!

(ХА, 7—8.)

Коинотда ҳеч бир кераксиз нарса ҳам йўқ, бирорта етишмайдиган нарса ҳам йўқ. Коинот қанчалик кенг бўлмасин, бир қил сифадаган даражада бўш ёри ҳам йўқ. Ундаги бор нарсаларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Бир-бирига сабаб ва восита: Қатрагача қулзум-и захвордин, Заррагача шамса-йи заркордин, Они мунга, муни анга банд этиб, Бир-бирига барчани пайванд этиб. Воситалар бўлди аён тў-батў  
 Бир-бирига боғланибон мў-бамў?

(ХА, 11.)

Коинотда энг етук вужуд инсондир: Гар фалакиёту аносир дурур,  
 Барча саминҷадр жаҳоҳир дурур.  
 Конию ҳайвоний, агар худ набот,  
 Ҳар бири бир гавҳар-и олийсифот.  
 Варчасини гарчи латиф айладинг,  
 Варчадин инсонни шариф айладинг

(ХА, 11.)

Инсон мутлақ борлиқ ижодининг ғояси ва шоҳкори бўлиб, унда мутлақ борлиқнинг ўзига хос хусусиятлари мужассам. У сўзлаш, яширин сирларни англаш қобилиятига эга, кўнгли ҳақиқат хазинаси билан тўла:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
 Лен баридин гараз инсон эди.  
 Турфа каломингга даги комил ул,  
 Сирри-и нихонингга даги ҳомил ул.  
 Қўнглига қилдинг чу яқин ганжи

қисм,

Жисмини ул ганжигга қилдинг тилис  
 (ХА, 8.)

Инсон ўзининг маънавий дунёси билан бошқа маҳлуқлардан ажралиб турар экан, ҳар бир кишининг инсонлик даражаси ҳам унинг маънавий бойлиги билан белгиланади. Маънавий етуклик кишини эзгу амалга

бошлаб ёвузликлардан сақлайди. Маънавий етуклик деганда оддий ақллиликни тушуниш керак эмас. Ўзининг ўткир ақлини ёвуз ниятларини амалга ошириш йўлида сарф қилувчилар бор. Бу хилдаги кишилар, ақли бўлишига қарамадан, маънавий жиҳатдан етук бўлмаганликлари учун ўз амалларининг оқибатини кўролмайдилар ва ўзларини ўта ақлли ҳисоблаганликлари учун заминда тарих амалда исботлаб берган ҳақиқат ётган ҳикматли сўзларга амал ҳам қилмайдилар ва натижада кишиларга вақтинча азоб берсалар ўзларининг бутун умри азобда ўтади. Бу хилда ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга жабр қилишнинг сабаби нимада? Бунга сабаб ундай шахсининг инсон ҳақидаги фалсафий ақидасининг нотўғрилигидир. У нисбий ҳодисаларни мутлақ деб, муваққат муваффақиятларни абадий деб ўйлайди. Масаланинг моҳияти билан иши бўлмай, унинг ташқи кўринишига қараб ҳукм чиқаради. Бундай кимса ўзининг жамият ва табиатга бўлган муносабатидаги нисбий эркинликни мутлақ эркинлик деб тушунади ва унга зарар етказиш ҳисобига ўзига манфаат етказгандай бўлади. Лекин оқибатда унинг ўзга шахсларга ва жамиятга қилган ёвузлиги ўзи шу жамиятнинг азоси бўлгани учун, табиатга етказган зарари ўзи шу табиат тўғрисидаги тирик бўлганлиги учун ўзига ташсир этишини англаб етмайди. Бундай маънавий хомликнинг асосий белгилари худпарастлик (эгоизм) ва мутакаббирликдир. Бу хислатга эга бўлган кимсанинг амали ғайринисонийлик ва разиллик, амалининг натижаси эса маҳрумлик ва хорликдир. Маҳрумлиқнинг бош сабаби ўзни алоҳида вужуд деган тушунча асосида амал қилиш бўлса, хорлик ўзни ҳаммадан ортқ деб иш кўриш натижасидир. Бундай шахсларнинг ғурурига кўпроқ жоҳ (мансаб) ва бойлик ва баъзан жисмоний афзаллик ёки худройлик асос бўлади. Аммо ҳақиқат аҳли ўзига ва ўзгаларга баҳо беришда унинг ўз вужудидан ташқари ва муваққат нарсаларга қараб баҳо бермайдилар. Ҳукмдорлик ва бойликнинг ўзи кишининг қийматини белгилamayди. Кишининг қийматини унинг одамийлиги белгилayди. Унинг одамийлиги эса молининг кўп, озлиги ёки мартабасининг паст, баландлиги билан эмас, молу жоҳга бўлган муносабати ва ундан қандай фойдаланишига қараб аниқланади. Бойлик орттириш ёки мансабга эришиш мақсадида ўзгаларга жабр қилувчи, ёхуд бойлигидан ёки мансабидан ўзгаларга зулм қилиш учун фойдаланувчи бой ёки ҳукмдордан оддий ва камбағал бир қосиб ёки деҳқон минг қарра афзалдир. Чунки биринчиси борлиқ қонунларидан беҳабар бўлганлиги учун абадийлик хусусиятига эга бўлган жуда қийматбахо инсонийликни бебаҳо мол ёки жоҳга алмаштириб ўзгаларга ва ўзига зулм қилади, Иккинчиси эса меҳнати билан ҳам ўзига, ҳам бошқаларга наф етказди. Навоий ҳодиса ва мавжудотларнинг моҳиятига эътибор берувчи кишиларни «маъно аҳли» ва масалага юзаки қарай-

<sup>1</sup> Гитинавар — олам кезувчи.

<sup>2</sup> Тў-батў — ичма-ич, мў-бамў — тукма-тук, яъни мавжудот ҳам ички томондан, ҳам ташқи томондан бир-бири билан ча-тишиб кетган.

диган калтабин кимсаларни «суврат аҳли» деб атайдилар. У ўзининг бир қитъасида шундай дейди:

Аҳл-и маъно гуруҳида зинҳор  
Ҳеч ор айлама гадолидан —  
Ким, буларга гадолиғ ортуғдур,  
Аҳл-и сувратқа подшолиғдин

(НШ — Алишер Навоий, Ҳазойинул-маоний, П. Навоидируш-шабоб, илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон, Тошкент, 1959.)

Суврат аҳлининг инсоний ҳиссиётлари ривожланмаганлигидан улар нафснинг вақтинчалик ором топишини лаззат деб гумон қиладилар ва ҳақиқий роҳат ва лаззатни ҳис қилмайдилар, ишларида аслида инсонга азият берувчи натижаларни лаззат бағишлайди деб ўйлайдилар. Бошқача қилиб айтганда улар лаззатланиш қобилиятига ҳам эга эмаслар.

Ҳар бир кишининг саодати унинг амалига боғлиқ. Ҳаётини эзгу амалларга бағишласа, бахтиёр бўлади, чунки ўзини эзгуликка бағишлаган зотга ёвузлик юзланмайди, агар ёвуз ишлар билан машғул бўлса, бадбахт бўлади, чунки ёвузлик бор ерда эзгулик бўлмайди.

Инсонни вужудга келтирган борлиқ шуни тақозо қилади. Борлиқ одам жинсини ҳамма нарсадан ҳам комил, гўзал ва покиза қилиб фикрлаш, сўзлаш ва яратиш қобилиятига эга қилиб яратган экан, киши ўз вужудидаги ҳайвонга хос камчиликлардан қутила бориши, ҳақиқат сирларини англашга ҳаракат қилиши, эзгу амаллар қилиб ўз саодатини таъминлаши ва жаҳон гўзалликларидан баҳраманд бўлиши керак. Инсон энг етук махлуқ бўлганлиги учун инсонпарвар бўлиши зарур.

Инсон ҳайвондан ақл, кўнгил ва тилга эгалиги билан афзал. Ейиш, ичиш, шаҳват сингари нафсоний талаблар унинг ҳайвон билан муштарак томони. Демак, инсоннинг инсонлиги унинг руҳий оламида намён бўлади. Шундан маълумки, борлиқ томонидан инсон учун белгиланган вазифа унинг маънавий томони билан боғлиқ экан. Навоийнинг фикрига кўра бу вазифа мутлақ борлиқнинг сифатини акс эттиришдан иборат. Шахснинг муваффақияти унга юкланган мана шу инсоний вазифани бажариш-бажармаслигига боғлиқ. Киши ўзининг маънавий томонини ривожлантирган сари у мутлақ борлиққа яқинлаша боради, нафсоний томонини ривожлантирса, ҳайвонга яқинлашади, агар ақлини ҳам нафсга бўйсундирса, уни юқорида қолдириб, ўзи ундан ҳам тубанликка кетади.

Киши ўзининг маънавий дунёсини бойитиш учун нима қилиши керак? Бунинг учун у дастлаб инсоннинг, жумладан ўзининг кимлигини яхши билиб олиши ва сўнгра қуйидагиларга амал қилиши керак: Биринчидан, нафсоний қувватларни, маънавий қувватларга бўйсундириши, иккинчидан, илм олиши ва ҳунар ўрганиши, учинчидан, ҳунарини, бўлса моли ва ҳукмини оламга эзгулик уруғини сочишга сарф этиши, тўртинчидан кўнглини шу қилган гўзал ишлари ва оламдаги хусусан инсондаги гў-

заллик билан овутиши керак. Абадий саодат эгаси бўлган етук инсон мана шундай кишида мужассам бўлади. Бундай кимсанинг ҳиссиёт ҳақиқий лаззатнинг нима-лигини билади. Нафсоний талабларни қондириши уни қониқтирмайди. Чунки нафс парварининг вазифаси кишини жисман тирик ва соғлом олиб юришдан иборат. Шахснинг тириклиги ва соғлиғи эса унинг инсоний бурчларини адо этиши учун керак. Ундан ташқари нафси қондириш, биринчидан, жабр асосида бўлмаслиги, иккинчидан, зарур миқдордан ортмаслиги лозим. Акс ҳолда суврат аҳли лаззат деб ўйлаган бу нарса маъно аҳлига азият берди. Маъно аҳлининг ҳақ билан ноҳақнинг фарқини кўра билиши ҳам, тўғри нияти ҳам, ҳалол меҳнати ҳам, меҳнатининг баракали самараси ҳам унга лаззат бағишлайди. Меҳнат жараёнида хайрли натижа умиди билан хурсанд бўлади. Натижада унинг учун лаззатсиз нарса қолмайди. Бу лаззат миқдорда ҳам, давоматда ҳам чексиздир. Бундай киши ўз йўлида ҳар хил тўсиқларга учраши ва ноҳушликлар юз бериши мумкин, лекин булар муваққат ҳодисалар бўлиб, уни йўлдан қайтаролмайди. Унинг ўзи буни мақсад йўлидаги табиий қийинчиликлар тарзида қабул қилади ва ундан ортиқча таъсирланмайди.

Бу тоифага мансуб зотнинг кўнгли, яъни ҳиссиёт олами ишқдан ҳам баҳраманд бўлади. Маъшук бўлмаган пайтда ҳам бундай кишида ишқ ҳарорати бўлади. Шу ҳарорат эзгу ишларни амалга оширишда унга кўмаклашади. Маъшук бўлган тақдирда ишқи юқори даражага кўтарилади.

Ишқни қўзғатувчи вужудни маъшук дейишади, ишққа мубтало бўлганни ошиқ деб аталади. Умуман, «Маъшук ҳусндин ибораттур» (МК, 96), ишқ эса ҳусннинг ошиқ кўнглига солган изтиробидир. Маъшук инсон бўлгандаги ишқни Навоий қуйидагича тасвирлайди: «Ул (ишқ—А. Р.) пок кўзин пок назар била пок юзга солмақтур ва пок кўнгил ул пок юз ошубдин кўзғалмак ва бу пок мазҳар васитаси била ошиқ-и покбоз маҳбуб-и ҳақиқий жамолидин баҳра олмақ» (МК, 94).

Бу ерда Навоийнинг «пок» сўзини кўп такрорлаб, қайта-қайта покликни таъкидлашининг сабаби бор. Баъзилар ишқ деганда жинсий ва шахвоний иштиёқни тушунадилар, шунинг учун Навоий бу ишқ ҳамма жиҳатдан пок бўлиб, у на моддий манфаат ва на нафсоний мақсадлар билан булганганлигини уқтириш ниятида «илтизом» деб аталувчи санъатдан бу ўринда жуда ўринли фойдаланади.

Ишқ маънавий етук кишида бўлади, ammo ишқнинг ўзи ҳам шахснинг камолатига эришишда восита бўлади.

Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,  
Ўттин ани лаълга кон этти ишқ  
(ХА, 112.)

Навоий ҳаёти, фаолияти ва ижодини мана шундай фалсафий ақидаларга асосланган ҳолда инсоният хизматида бағишлади.





Омон Чўтматов

# УЛУҒ КОММУНИСТ СИЙМОСИ

## ЎЗБЕК ПОЭМАЛАРИДА В. И. ЛЕНИН ОБРАЗИ

Жаҳонда доҳиймиз В.И. Ленин ҳақида турли жанрларда асарлар яратилмаган бирорта миллий адабиётни топиш қийин. Бу борада XX асрнинг М. Горький, Р. Роллан, Б. Шоу, В. Маяковский, Т. Драйзер, А. Барбюс, И. Бехер, Т. Манн, П. Элюар, Н. Хикмат, П. Неруда каби машҳур сўз ustalари яратган кўплаб шоҳ асарларни эслашнинг ўзи кифоя.

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда поэзияда Ленин образини талқин қилишда Д. Бедний, В. Брюсов, С. Есенин, В. Маяковский, Н. Асеев, Н. Тихоновлар кўпроқ ижодий ютуқларга эришганлар. Доҳий вафотидан сўнг М. Горький яратган машҳур очерк ва В. Маяковскийнинг ўлмас поэмаси эса ўша пайтлардаёқ бутун жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган.

Юқоридаги ижодкорлар қаламига мансуб асарларнинг алоҳида бир қимматли томони бор: уларда В.И. Ленин билан мулоқатда бўлган; бирга ишлаган ёки ўша вақтларда буюк доҳийни бошқаларга қараганда жуда яхши билган кишиларнинг таасуротлари ўз ифодасини топган.

Инқилобга қадар ёзилган асарларда кўпроқ Лениннинг ишчи-деҳқонлар синфининг мустақкам бирлигини вужудга келтириш учун олиб борган кураши тасвирланади. Янги даврда яратилган дастлабки асарларда эса, Ленин амалга ошган инқилобнинг жонли рамзи сифатида, бир қадар ҳиссий-романтик кўтаринкилик билан куйланади; аста-секин бу ижодий иш том маънода реалистик тус ола бошлайди.

Ўттизинчи йиллардан бошлаб ўзбек шоирлари Ленин образини марксизм-ленинизм асарларини чуқур ўрганиш йўли-

дан бориб яратишга киришадилар. Шунга кўра, уларнинг ҳозиргача яратган асарларида Ленин ва Шарқ мавзуи — доҳийнинг шарқ халқларини мангу озодликка чиқариш йўлидаги тарихий хизматларини куйлаш етакчи ўрин тутиб келди.

Бу йилларда, Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий ва бошқа шоирларнинг доҳий образини гавдалантирувчи шеър ва балладалари билан бир қаторда Мақсуд Шайхзоданинг «Лениннома», «Чироғ», Миртемирнинг «В. И. Ленин», Ҳасан Пўлатнинг «Меҳрибонлар» каби достонлари ҳам яратилди. Бу асарлар ўз вақтида адабий танқидчилик томонидан муносиб баҳоланган.

Таниқли шоир Мирмуҳсиннинг 1946 йилда ёзилган «Уста Ғиёс» поэмасидаги «Ленин — колхозда» номли боб доҳий образини талқин қилишдаги ижодий изланишларнинг дастлабки самараси ҳисобланади. Кечқурун «Ленин Октябрда» фильмини кўрган қишлоқ кишилари қалбида доҳий сиймоси унинг айнан ўзи сифатида ҳис қилиниши, Уста Ғиёс хаёлида эса, Лениннинг қишлоқ одамлари билан бирга пахта майдонларини кезгандай бўлиши поэмада ғоят ишонарли чиққан. Кўринадики, бунда доҳий образи бир-бири билан боғлиқ иккита муҳим оригинал поэтик образ — кинофильмдаги тасвир ва қаҳрамон хаёли ёрдамида муваффақиятли тасвирланган. Шундан кейинги йилларда Ленин сиймосини шеърларда бевосита тарзда ҳамда Коммунистик партия тимсолида куйлашга интилиш кучая бошлади.

Бу масалада атоқли шоирларимиздан Ғафур Ғулум, Мақсуд Шайхзода ва Мирте-

мирнинг ижоди алоҳида ажралиб тургани...

Маълумки, Маяковский «В. И. Ленин» поэмасида Лениннинг буюк доҳийлиги ҳамда оддий инсоний фазилатларини жаҳондаги биринчи Коммунистик партия ва социалистик давлатнинг асосчиси шахсида жамлаб, доҳий образини унинг забардаст устозлари, революционер сафдошлари образлари билан мустақкам диалектик бирликда талқин қилган; Ленинни миллионларнинг туб манфаатлари йўлида жон фидо қилган «энг дунёвий инсон» — энг буюк коммунист, дея ҳайқириб куйлаган эди. Бу поэмада доҳий вафотидан сўнг «миллион кўзлардан... ёш оқиб» турган пайтлар, коммунизм идеаллари машҳур совет коммунист-революционер шоир қалбида етук бир дард сифатида ҳис қилинди.

Кўп миллатли совет адабиётида биринчилар қаторида Ленин мавзусига қўл урган эрман шоири Егише Чаренц ҳам ўз шеърларида, баллада ва поэмаларида доҳийни ишчи-деҳқонлар синфининг қалби ҳамда мяниси сифатида талқин қилади.

Бундай бақувват ғоявий-бадий юксак асарлар барча совет шоирлари ижодларида ҳам самарали таъсир ўтказди.

Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмигача бўлган катта даврда совет адабиётида Ленин ҳақида юзлаб поэмалар яратилди. Уларнинг энг яхши намуналари сифатида С. Шчищачевнинг «Шушенскдаги кичик уй», В. Инбернинг «Ленин альпиклар ҳузурида», В. Федоровнинг «Ленин совғаси», А. Вознесенскийнинг «Лонжюмо», М. Дудиннинг «Меҳр», В. Казиннинг «Буюк почин», В. Новиковнинг «Шатура чироқлари», машҳур белорус шоири П. Бровканинг «Ҳамиша Ленин билан...», С. Вургунининг «Ленинни ўқиб...», Р. Ризонинг «Ленин», мордва шоири И. Чигойдакининг «Нон ва туз» поэмаларини кўрсатиш мумкин.

Бу асарларда, биринчи навбатда, турли миллатдаги совет халқлари тарихий тақдирда, бугунги кўнрақда В. И. Лениннинг ўйнаган беқиёс роли бадий акс эттирилган. Шулар билан бирга яратилган ўзбек поэмаларида эса, доҳийга ўзбек халқининг мислсиз миннатдорчилик ҳислари қардошлик ва интернационал дўстлик туйғулари доирасида анча жўшқин ифодаланади. Ўзбек шоирлари ижодида Ленин мавзуси шу муҳим ғоя орқали Шарқ мавзуси билан маҳкам бирлашади. Бу жиҳатдан Миртемирнинг «Ленин ва Ражаб бобо» поэмаси диққатга сазовордир.

Мазкур поэмада доҳийнинг «Бухорода бобокентлик» замондоши, «кўнгли оқ, соқоли қора» тенгдошларидан бири, оддий боғбон, «довюрак, кекса шер» Ражаб бобо ҳаётининг Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ҳаёти манзаралари объект қилиб олинган. Ражаб бобо Ленин ғояларининг ёрқин рамзи бўлган «сут ранг беҳад бино»ларнинг бирида ўтириб, пахта экиш баҳонаси билан халққа: «Боғ қулат!» — деб буйруқ берган область ижроия комитети раисига, аслида эса, ўшандан бир неча муддат илгари «қамчисидан қон томиган... қочқин бекнинг ноиб» бўлган,

«Ёруғ кунда ёпинчоқ ёпинган» жуда ҳам хавфли бир ёт унсурга кескин қарама-қарши қўйилган. Кўпроқ руҳий коллизиялар асосида ривожланган бу конфликт ечимида Ражаб бобо бевосита Ленин ғоялари ёрдами билан ғалаба қозонади. Ўз поэмасида Миртемир бош ижобий қахрамон — В. И. Ленин сиймосини унинг шарқлик «жўн бир падарга» — оддий боғбонга юборган жавоб ҳати орқали гавдалантиришга муваффақ бўлган. Бунда шоир иккинчи ижобий қахрамон — Ражаб бобо маънавий дунёсини чуқурроқ, ҳаққонийроқ очиш, характеридagi типик хусусиятларни, жумладан, 20-йиллар шароитига хос етук ижтимоий-сиёсий фаолликини аниқ таъсирлаш орқали эришган. Энг муҳими, Октябрь инқилоби ғалабасидан кейинги дастлабки долғали дамлардаги совет воқелиги, социалистик жамиятнинг душманларига қарши қақшатқич зарба бера боришлари миллионлаб ражаббоболарга ҳам насиб қилган фаровон ҳаёт, нурафшон тақдирларнинг умумлашган тасвири асарда яхши ифодаланган. Доҳий образини талқин қилиш соҳасидаги ижодий тажрибаларини Миртемир халқ оғзаки ижоди мотивлари билан пайвандлаб юборган.

Октябрь инқилобининг 50 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан адабиётда доҳий образини яратиш иши ҳар қачонгига қараганда қизғин тус олди. «Улуғ совет адабиётида, — деб башорат қилган эди бу даврда академик шоиримиз Фафур Фулом ўзининг «Янги парвозлар сари» номли сўнгги мақола-сида, — Лениннинг 100 ёшига бағишланган беҳад, беқиёс янги асарлар дунёга келади» («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил 12 июль). Мазкур фикр кўп миллатли совет адабиётида доҳий ҳақида турли жанрларда яратилган минглаб асарлар билан исботланди. Поэзияда, айниқса, Е. Евтушенковнинг «Қозон университети», П. Дарменковнинг «Боғ», М. Турсунзоданиннг «Гангдан Кремллар», Қ. Қулиевнинг «Ленин ҳақида тоғликлар достони», таниқли чуваш шоири П. Хузангайнинг «Улуғ қалб» ва М. Тимофеевнинг (Ёқутистон АССР) «Башариат қалби ҳақида қўшиқ» поэмалари шулар жумласидандир.

Мазкур даврда яратилган ўзбек поэмаларида Ленин ва Шарқ темаси тагин ҳам чуқурроқ, ҳаққонийроқ акс эттирилди. Фафур Фуломнинг юқоридаги мақоласига мансуб қуйидаги фикр бу борада ўша пайтларгача қилинган ишларнинг моҳиятини тўпароқча ифодалаб туради: «...Владимир Ильичи мазлум Шарқ айниқса улуғлайди; ўз халоскори, ўзининг ўлмас доҳийси деб билади. Менинг Ўзбекистоним ҳам Владимир Ильич Ленин раҳнамолиги билан бу вояга етгандир. Демак, Ленин образини шарқликлар нуқтаи назарича мукамал ифодалай билиш, қалбдан куйлаш Совет Шарқидаги шоир, ёзувчиларнинг, шулар қатори менинг она Ватаним — Ўзбекистондаги адиб ва шоирларнинг жон, виждон ишидир».

Ғайратийнинг шундан сўнг яратилган

«Оловли йилларда», Асқад Мухторнинг «Мангуликка дахлдор», Юсуф Шомансурнинг «Райчарон», Эгам Раҳимнинг «Ленин Хоразмда» поэмаларида Ленин темаси тарихий-революцион йўналишда, Раъз Бобожоннинг «Оби ҳаёт», «Бобом билан суҳбат», Жуманиёз Жабборовнинг «Қишлоқдаги ҳайкал» поэмаларида эса, кўпроқ ҳозирги замон мавзулари доирасида талқин қилинган. Тўғри, бу асарларнинг барчаси ҳам бирдек ғоявий-бадий савияда эмас. Шунга қарамаздан, уларга Ленин ғояларининг Шарқ халқлари ҳаёти ва тақдирини ўйнаган беқиёс ролини, Фафур Гулом айтганидек, «шарқликлар нуқтаи назарича мукаммал ифодалай билиш, қалбдан қуйлаш» йўлидаги ижобий натижалар деб қараш мумкин.

Асқад Мухторнинг «Мангуликка дахлдор» поэмаси, Миртемирнинг «Ленин ва Ражаб бобо» поэмасига яқин туради. Агар Миртемир поэмаси асосида 20-йиллар бошида шарқлик бобо томонидан Россияга жунатилган хат турса, Асқад Мухтор поэмасида ундан олдинроқ, граждандар уруши йилларида Россиядан Шарққа туяда келтирилаётган «Правда» газетаси боғламлари доҳий сиймосини гавдалантирувчи поэтик образ «вазифасини» бажаради. Бу поэма Ленин ғоялари ғалабаси йўлида жон фидо қилган шарқлик ёш коммунистларнинг маънавий дунёсини анча кенг очиб беради.

Жуманиёз Жабборовнинг «Қишлоқдаги ҳайкал» поэмасининг лирик қаҳрамони «олис сафарлардан» қайтиб, «манзиллар юки»ни елкасидан қўйиши биланоқ дўстларнинг ёз кечасидаги суҳбати учун «салқин гузар»га тушади. Шунда қаҳрамон назари дастлаб илғаган нарса — гулзор ва «чироқлар маржони» қурушвида, турган Ленин ҳайкали бўлади. Жаҳон халқларининг турли тарздаги ҳаёти билан танишиб қайтган киши кўзига бу манзара ҳар галгидан бошқача кўриниши табиий...

Асарда қишлоқ ва ҳайкал образлари ана шундай руҳий ҳолат заминиде вужудга келади. Ҳамма уй-уйига тарқалганда, қаҳрамон шу ҳайкал ёнида қолади, кўз олдида, яна, «ярим тун... сутдай ойдин кеча», кейин эса, қаҳрамон ҳаёллари асосида, шарқлик бобо ва набира образлари гавдаланади; гулзор, чироқлар, ой ва инсон кўз нуридан иборат «кечанинг ёғду — зарига» чулганган Ленин ҳайкали қаҳрамон маънавий оламида жонли бир инсон, доҳийнинг айнан ўзи сифатида ҳис қилинади; гўдаклик пайтида бу ҳайкал кўзига «тош одам» бўлиб кўринганига қаҳрамон таажубланади; ўша пайтда бобосининг буни «Москва шаҳрида ўтган буюк зот» деб қилган таърифи ҳам шарқликлар нуқтаи назарига мос тушади.

Сўнг қаҳрамон ўз ҳаёлида Ленин сиймосини жаҳондаги «буюк қаҳрамонлар, доно одамлар» орасидан, мамлакатимиз ҳаётининг асосий даврларидан, ҳатто ўз умрининг ҳам ҳозиргача бўлган фасллари билан олиб ўтади.

Асар мазмунига кўра, бугунги ўзбек

поэзияси учун янгилик эмас. Аммо унда шоирнинг Ленин ҳақидаги ўйлари айрим оригинал поэтик образлар ҳамда жўшқин фалсафий мушоҳадалар асосида ифодаланган.

Поэманинг қиммати шундаки, унда Ленин сиймоси фақат умумий тарзда талқин қилинмаган. Қаҳрамоннинг ватанпарварлик туйғулари ёрдамида бош ғоя аниқ мазмунга — ҳозирги даврнинг асосий вазифасига моҳирлик билан бўйсундирилган. Бу фикр поэма финали бўлмиш қуйидаги сатрлар билан исботланади:

Олис уфқларни кўрсатиб қўли,  
У борар кўп маҳтал ўлкалар томон.  
Инсонлар қалбиде ўтади йўли,  
Энг эзгу иш билан машғулдир ҳамон!

Хулоса, ўзбек поэмаларида доҳий сиймоси кўпроқ унинг Совет Шарқи равнақи йўлидаги тарихий хизматлари асосида акс эттирилади. Эркин Воҳидовнинг В. И. Лениннинг 100 йиллик тўйига атаб яратилган «Чароғон», Ҳусниддин Шариповнинг «Изма-из», «Нур йўли» («Мария Александровна»), Гулчеҳра Жўраеванинг «Надюша», Муҳаммад Алининг «Йигирма етти ёшим» поэмаларида эса Ленин ҳаётининг айрим пайтлари қаламга олинган. Бу асарларда, доҳий образини бевосита тасвирлаш асосида, унинг тарихий хизматларини ҳам кенг-роқ ғоявий-бадий кўлавларда қуйлашга ҳаракат қилинган. Бу жиҳатдан дастлаб Эркин Воҳидовнинг достони диққатга сазовордир.

Шоирнинг 1960 йилда доҳий ёшлиги ҳақида яратилган «Буюк ҳаёт тонги» поэмасини адабий жамоатчилик қизғин қаршилади. «Чароғон» поэмасида эса, шоир 20-йилларда Россияни ёлпасига электшлаштириш масалалари юзасидан Ленин бошлаган ташаббуснинг айрим жиҳатларини бадий акс эттирган. Асарнинг асосий образлари В. И. Ленин, Г. М. Крижижановский, Г. Уэллс ҳамда шоирнинг лирик қаҳрамонидан иборат.

Асарда доҳийнинг жуда кенг, бениҳоя бой маънавий дунёси тасвирланган. У улкан назариётчи ва амалиётчи доҳий, мисли кўрилмаган миқёсдаги етук ақл-заковат соҳиби сифатида гавдаланади. Бу жиҳатдан Лениннинг, айниқса, «оқ қоғоз устида» ранг-баранг фикрлар, рақамлар, нуқталар, ва бошқа белгилар чизиб ўй суриши тасвирланган учинчи боб асарда алоҳида ўрин тутди: доҳийнинг бепое, қудратли руҳий дунёси, фақат ўзига хос фикрлаш жараёни ҳам китобхон онгида жонлангандай бўлади...

Поэмадаги тасвирга кўра, В. И. Ленин билан Г. Уэллс «Москва узра чўкаётган тун» шароитида учрашадилар. Бунинг жуда катта рамзий маъноси бор. Шу ўринда келтирилган «кўчаларни аста-секин» чулғаетган «қора зулумот» ва «Бронная муолишида» милтираётган «танҳо бир фонар» каби поэтик образлар бир-бирига тамоман зид икки мамлакат вакиллари ички дунёсини ҳаққоний очиш учун хизмат қилади: энди «Герберт Уэллс Ильич хузуридан эл-

чихонага» қайтаётиб, «Кремлдаги ўрта бўйли одам»нинг «қаддан ташқари кучли хаёлот»и «беҳуда» бир нарса эканлиги, «келажакдаги бундай Россияни сира тасаввур» қила олмаслиги ҳақида хаёл сурарди...

Поэмада В. И. Ленин ҳаётлик вақтидаёқ унинг орзулари рўёбга чиқа бошлаганлиги ҳам тасвирланган. Муҳими шундаки, бу ғоя ҳам доҳий характери янада чуқурроқ очиш учун хизмат қилдирилган. Масалан, Кашино қишлоғида дастлабки электр чироқлари ёниши маросимига доҳий ҳам таклиф қилинади. В. И. Ленин ва Н. К. Крупская қажратон қиш кунларининг бирида катта қийинчиликлар билан қишлоққа етиб келадилар. Қишлоқ раҳбарлари «Ильчининг келишидан беҳабар қолганларини, бу ишни улардан бемаслаҳат қишлоқ чоллари қилганини айтиб» доҳийдан «тинмай узр сўрашар эди». Худди шу ўринда: «Ильич улар билан муомалани қисқа қилиб, одамлар ичига юрди», деган ихчамгина тасвир билан Эркин Воҳидов В. И. Лениннинг интеллектуал қиёфасини китобхон кўз олдига гавдалантиргандай бўлади. «Чароғбон» ва кейинги турдаги бошқа поэмаларни ҳам Шарқ мавзуидан холи деб бўлмайди. Бироқ Муҳаммад Алининг «Йигирма етти ёшим» поэмасида асосий мавзуни Шарқ билан яқинлаштирадиган бошқа муҳим бир хусусият ҳам бор: асарда В. И. Лениннинг 27 ёшдан бошлаб Сибирда кечган уч йиллик умрига хос улкан мазмун ҳозирги совет ёшлари, шу ёшдаги шарқлик, хусусан, ўзбекистонлик йигит-қизлар амалга ошираётган катта-катта ажойиб ишларга моҳирлик билан нисбат берилган.

Бу ўринда мазкур образлар талқинининг моҳияти ўз-ўзидан ҳам англашилади. Афсуски, баъзи замондошларимизнинг шу ёшда, ҳатто ундан юқорироқ ёшларида ҳам қилаётган барча ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Достонда ифодаланишича, улардан бири «ўртамиёна», «алифга арзимас юмуш» қилиб ҳам ўзини «танҳо, ноёб» бир киши деб билади; ҳатто... замонадан ўзига шукур этишни талаб қилади! Бошқаси эса, «бировни дўст деб, ортидан дангал ғийбат»ни бошлайди...

Сибирь сургуни даврида Ленин амалга оширган революцион ишларнинг моҳиятини поэтик идрок қилишга интилиш асарнинг асосий ғоявий йўналишини ташкил қилади. Замондошларимизга нисбатан юқоридаги «таъна»лар эса, шоирнинг Володядан ижозат сўраб ҳозирги баъзи тенгдошларига айтган «икки оғиз гап»идир. Шу жиҳатдан бу асар катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Хуллас, мамлакатимизда Ленин ғоялари асосида коммунистик жаҳмиёт қурилиши бу поэмада фақат йигирма етти ёшлилар ёки Шарқ олами учун эмас, барча ёшлардаги совет кишилари учун, бутун дунёдаги тараққийпарвар инсоният учун энг юксак идеал, энг зарур вазифа сифатида куйланади.

Кўриниб турибдики, ўзбек поэмаларида ҳам В. И. Ленин сиймоси адабиётимизнинг бош мавзуларидан бири, энг юксак ижти-

мой-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижобий қаҳрамон сифатида, айниқса, 60-йилларда қатор ижодий изланишлар асосида талқин қилинган. Уларни ўқиганда, кўз олдимизда В. И. Ленин, ўз иши билан, бутун дунёдаги тараққийпарвар инсониятнинг кейинги барча авлодлари учун том маънодаги замондош бўлиб қолган нуруний, табаррук бир сиймо, ишчи-деҳқонлар синфлари иттифоқига мустаҳкам асос солган «софдил рус интеллигент-революционери» (М. Горький), ҳаммасидан ҳам муҳими: жаҳонни революцион тарзда ўзгартириб юборишнинг бош рамзига айланиб қолган буюк коммунист, бутун жаҳон коммунистларининг Йўлчи Юлдузи сифатида гавдаланади.

Демак, В. И. Ленин образини яратилш масаласида бугунги ўзбек поэмачилигида ҳам қатор ижодий ютуқлар ва ибратли томонлар бор. Умуман, совет адабиётида бўлганидек, ҳозирги ўзбек поэмаларида ҳам В. И. Лениннинг таржимаи ҳоли ва тарихий хизматларидаги баъзи нуқталарни бадий ёритиш, доҳийнинг ноёб интеллектуал қиёфасини, инсоний жозибасини ҳаққоний очигина интилиш тенденцияси етакчи ўрин тутди...

В. И. Лениннинг инсоният олдидаги тарихий хизматларига чуқурроқ назар ташлаганда, адабиётда доҳий образини талқин қилишда эришилган муваффақиятлардан қатъий назар, асосий ижодий вазифаларнинг ҳали олдинда турганлиги аён бўлади.

В. И. Лениннинг жаҳондаги жаҳми буюк зотларга энг буюк зот бўлиб кўриниши асосида жуда оддий ва муҳим бир ҳақиқат этади: энг аввало, у — инсоният бахтсодати йўлида ҳаммадан кўп заҳмат чекаган, ўз умрини бутун жаҳон тарихий тақдири билан чамбарчас боғлай олган буюк инсон. Доҳий ҳаётига хос бу улкан ҳақиқатни М. Горький ҳам, жаҳон коммунистик ҳаракатининг кўплаб атоқли арбоблари ҳам қайта-қайта таъкидлаганлар. Шу нуқта назардан, ижодкорларимиз зиммасида Ленин образини ўзининг эллик тўрт йиллик умри, ўттиз етти йиллик революцион фаолияти давомида одамзод ақл-заковати ва иродаси имкониятларини энг олий даражада намойиш қила олган Буюк Инсон сифатида талқин қилиш вазифаси туради. М. Горькийнинг: «Ленинни тасвирлаш қийин... Унинг қаҳрамонлиги одамларнинг бахти деб оғир ишларни бажариш учун дунёнинг бутун вақти чоғлиқларидан кечган бир кишининг қаҳрамонлигидир»<sup>1</sup> — деган сўзлари масаланинг худди шу томонига тегишлидир. Бундай фикрларнинг барчасидан ҳам кўра, 1916 йилнинг декабрида, Инесса Армандаг ёзган хатида, В. И. Лениннинг ўзи билдирган қуйидаги фикрлар унинг ҳаётига хос сафарбарлик сирларини жуда яхши изоҳлаб туради:

«...Менинг тақдирим шундай экан. Бир жанговар кампания кетидан сиёсий аҳмоқчиликларга, пасткашликларга, оппортунизм-

<sup>1</sup> М. Горький. В. И. Ленин. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 1968, 4-бет.

га ва ҳоказоларга қарши — иккинчи жанговар кампания чиқиб туради.

1893 йилдан бери шундай бўлиб келаяпти. Шунинг учун ҳам пасткаш одамлар мени кўра олмайдилар. Майли, шундай бўлса ҳам, мен бу тақдирни пасткаш одамлар билан «тинч туришга алмаштирмаман»<sup>1</sup>.

Энди В. И. Ленин образини яратишнинг совет адабиётидаги аҳволи ва истиқболи масаласида, йирик ёзувчи ва жамоат арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Г. М. Марковнинг 1966 йилда ёзилган «Ленин ғоялари илҳом манбаи» номли мақоласидаги муҳим бир фикрни келтирамиз: «...Ленин образига унинг Совет ҳукуматининг бошлиғи, партия Марказий Комитетининг раҳбари, халқаро коммунистик ҳаракатнинг ташкилотчиси сифатида актив фаолияти нуқтаи назаридан ёндашишни биз, асосан, энди бошладик ва бу иш келажакдаги энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. Бу иш таваккалчилик, шошма-шошарлик, айниқса, косибчилик одатлари билан мутлақо келиша олмайди; бу ишни фақат қалб амри ва

юқори даражадаги маҳорат туфайли амалга ошириш мумкин»<sup>1</sup>.

Демак, Ленин образини яратишда бугун маълум ижодий тажрибаларга эга бўлган ўзбек шоирлари олдида ҳам шу ижодий вазифа кўндаланг туради. Ижодкорлик бурчи ва доҳийга ҳурмат-эҳтиром масалалари нуқтаи назарларидан, бу — табиий бир ҳол эди, албатта. Бироқ ўшандан бери ўтган саккиз йилдан зиёдроқ муддат мобайнида Ленин мавзуида поэзияда ҳам қандайдир ижодий турғунлик сезилмоқда. Ниҳоят, доҳийнинг ҳар томонлама тўлақонли образини фақат поэзия ёки поэмачиликда эмас, бошқа адабий тур ва жанрлардаги асарларда, айниқса, халқ ҳаётини акс эттиришда бой тажриба тўплаган катта прозада ҳам кўргимиз келади. Зотан, йил кетидан йиллар ўтиб, доҳий ғояларининг ҳар томонлама ҳаққоний эканлигини вақтнинг ўзи тобора ёрқин кўрсатаётган бу нурафшон замонада, бугунги қизғин тарихий шароитда бу ижодий вазифа ҳар қачонгидан кўра ҳам улуғворроқ ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб турибди.

<sup>1</sup> Г. М. Марков. «Жизнь. Литература. Писатель». «Советский писатель», Москва — 1971, стр. 11.

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 35-том, 249-бет.





## БИЛИМ ВА ФИКРЛАР ҚУЮҚЛАШГАНДА

**Гулом КАРИМОВ.** Халқ, тарих, адабиёт. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1977 йил.

Адабиётшунос олимларимизнинг катта авлоди ижодий фаолиятига хос бир фазилат бор. Бу — улардаги тадқиқот доирасининг кенглиги. Ўзбек адабиёти тарихининг улар қизиқмаган ва янги бир фикр айтмаган соҳасини топиш қийин. Узоқ ўтмиш адабиёти материалларидан бошлаб бугунги адабиётимиз материалларигача — ҳаммаси улар учун бир-бири билан боғлиқдай, бири-иккинчисини изоҳлаб бераётгандай. Бунинг исботи учун Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султонов, Ҳомид Ёқубов ва қабул олимларимизнинг китоб ва мақолаларини кўздан кечиришнинг ўзи kiffoя.

Ўз адабий фаолиятини 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошидан бошлаган, таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Гулом Каримов ҳам ўзбек совет адабиётшуносларининг ана шу авлодига мансуб. Утган йили унинг «Халқ, тарих, адабиёт» деган мақолалар тўплами босилиб чиқди.

Тўпламга олимнинг Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ёзилган ўзбек адабиётининг назарий масалалари ва тарихига доир йигирма икки мақоласи танлаб олинган. Тўплам уч қисмдан иборат. Биринчи қисмга муаллифнинг Улуғ Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиётига оид, иккинчи қисмга ўзбек совет адабиётига ва учинчи қисмга адабий алоқалар тарихига оид мақолалари киритилган. Мазкур тўпламга кирган ва турли йилларда ранг-баранг мавзуларда ёзилган мақолалар кейинги ўттиз йил давомида муаллифнинг тинмай меҳнат қилгани, адабиётшунослик ва танқидчиликнинг турли соҳаларида қалам тебратиб кўпгина мураккаб масалаларга равшанлик киритганини кўрсатади.

Гулом Каримовнинг марҳум Олим Шарафиддинов ҳақидаги «Улкан олим ва педагог», биринчи ўзбек журналисти Мирмуҳсин Шермухамедов ҳақидаги «Револу-

циянинг содиқ солдати», Ойбек тўғрисидаги «Ёзувчи шахсиятининг баъзи фазилатлари» каби мақолалари проблематик характерда бўлмаса ҳам совет адабиёти тарихини янги ва муҳим фактлар билан бойитиши, бу ижодкорлар фаолиятининг янги-янги қирраларини очиб беради. Масалан, Ойбек ҳақидаги мақола муаллифнинг шахсий хотиралари асосига қурилган бўлиб, ундаги маълумотлар китобхонда қизиқиш уйғотиши ва улкан адибнинг маънавий дунёси билан яқиндан таништиради.

Гулом Каримовнинг «Ҳамид Олимжон» мақоласи улкан шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги биринчи катта мақола бўлиб, ilk бор у «Шарқ юлдузи» журналининг 1946 йил 6-сонида босилган эди. Ўз даврида бу мақола шоир ҳаёти ва ижодиёти билан кенг китобхонлар оммасини таништиришда муҳим роль ўйнаган. Унда кўтарилган кўпгина масалалар ҳамоно ўз қимматини сақлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу мақоланинг тўпламга киритилиши ўринли бўлган.

Худди шунингдек 1970 йилда ёзилган «Яшин — адабиётшунос» мақоласида ҳам улкан драматургимизнинг адабиёт ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари жонли таҳлил этилган. Ҳозирги вақтда бу мавзуда монографиялар эълон қилинган бўлса-да, Яшин ижодий фаолиятини ўрганишда мазкур мақоланинг ўз ўрни бор.

Китобнинг салмоқли қисмини, ҳеч шубҳасиз, ўзбек классик адабиёти билан боғлиқ мақолалар ташкил этади. Тўпламдаги биринчи уч мақола («Ленин даҳосининг сўнмас нури», «В. И. Лениннинг маданий мерос ҳақидаги таълимоти ва ўзбек адабиёти тарихининг баъзи масалалари», «Халқ, тарих, адабиёт»)да кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек классик адабиёти, унинг илғор намоёндалари фаолияти ва асарларини марксча-ленинча методология асосида текшириш, ўрганиш ва баҳолашнинг асосий принциплари содда ва пухта баён қилиб берилган. Бу мақолаларда олим ўзбек классик адабиётининг синфий характерини, ундаги оқимлар, йўналишларнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг тараққиётидаги даврларни Ленин таълимо-

ти асосида аниқлаш ва белгилашга ҳаракат қилади ва бир қанча муҳим фикрларни ўртага ташлайди. Бу фикрларнинг баъзилари мунозарали эканлигидан қатъи назар қизиқарли бўлиб, китобхонни фикрлашга даъват этади. Масалан, иккинчи мақолада Фулом Каримов адабиёт тарихини даврлаштиришда гоёат ўринли равишда доҳийнинг ҳар қайси даврнинг ижтимоий ҳаёт таъсирида туғилган ўз етакчи мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, ўз қиёфаси борлиги ҳақидаги фикрдан келиб чиқиш керак, дейди. Лекин унинг бу иш «у қадар қийин эмас», бу хусусиятларни «тажрибали кўз осонгина аниқлаб олиши мумкин» (20—21-бетлар) деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки ана шу айтилганларни аниқлаш учун ҳам давр ва адабиёт тарихига оид материалларни ниҳоятда кўп кўриш, ниҳоятда синчиклаб ўрганиб чиқиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам адабиётимиз тарихи ҳанузгача ўзининг илмий далилланган даврларига эга эмас.

Фулом Каримов «Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалари» мақола-сида ҳам даврлаштириш масаласига тўхталиб, ўзбек адабиёти даврларининг ўзи тузган схемасини ҳам берган. Бу схема бўйича ўзбек адабиёти тарихи олти даврга бўлинган:

I — Энг қадимги даврда оғзаки адабиёт.

II — Ёзма адабиётнинг майдонга келиши ва унинг дастлабки намуналари.

III — Дидактик адабиёт (X—XIII асрлар).

IV — Дунёвий адабиёт (XIV—XVI асрлар).

V — Антифеодал ва антиклерикал адабиёт (XVII—XIX асрлар).

VI — Демократик адабиётнинг туғилиши ва ривожланиши (XIX—XX асрлар).

Бу даврлаштиришда ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиққан ва чуқур ижтимоий мазмун билан қуролантирган Алишер Навоий ижодини Хоразмий, Лutfий, Саккокий, Гадоий, Атоийлар ижоди қаторида баҳолаш тўғри эмас. Ҳаммага маълумки, Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиёти тарихида янги бир даврни очди. Фулом Каримов, даврлаштириш масаласида адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак, дейди. Бу—тўғри. Аммо юқоридаги ўринда бу ўзига хослик ҳисобга олинмаган. Бизнингча, XV асрнинг иккинчи ярмини адабиётимизнинг гуманизм даври, деб алоҳида давр сифатида олиш лозим.

Шу билан бирга XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётини ҳам икки даврга бўлиш тўғри бўлар. Чунки ўзбек адабиёти 1905 йилдан кейин ғоявий мазмун жиҳатдан ҳам, бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам янги хусусиятлар касб этгани шубҳасиз.

Китобнинг 44-бетида муаллиф даврлаштириш масаласига катта аҳамият бериб ёзади: «Адабиёт тарихини илмий асосда ўрганиш билан боғлиқ бўлган бу назарий проблемани— даврлаштириш масаласини асосли равишда ҳал қилмай туриб, ўтмишдаги алоҳида ёзувчилар фаолиятини

баҳолашда, айрим ёдгорликлар аҳамиятини белгилашда хатоликлардан ҳалос бўлиш қийин бўлганидек, илмий принципларга асосланган адабиёт тарихини яратиш ҳам мумкин эмас». Бу фикрда ҳақиқат йўқ эмас. Аммо бу масalani аввало «алоҳида ёзувчилар фаолиятини», «айрим ёдгорликлар»нинг ўзини атрофлича ўрганмасдан ҳам ечиш қийин. Бизнингча, масаланинг ҳамма томони бир-бири билан мустақкам боғланган бўлиб, умумий манзара конкрет предметни тушунишга қанча ёрдам берса, конкрет предметлар, фактлар ҳам умумий манзарани англашга, аниқлашга шунча кўмаклашиши турган гап. Демак, даврлаштириш масаласи бирдан тез ҳал қилинадиган масала эмас ва адабиёт тарихини ўрганишни бу масалага боғлаб қўйишнинг ҳожати йўқ. Адабиёт тарихини, ёзувчилар ижодини, уларнинг шахсий маҳорат ва услубларини асосли ўргана борганимиз сари даврлаштириш масаласи ҳам шунча тўғри ҳал қилина боради.

«Ўзбек демократик адабиётида реализм масалалари», «Фурқат биографиясининг баъзи масалалари», «Фурқат ҳаёти ва ижодида доир баъзи материаллар», «Муқимий Ташкентда» деган мақолаларни, адабий алоқаларимиз тарихига оид «Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари», «Ҳинд масали», «Кайла ва Димна»нинг ўзбекча версиялари» номли мақолаларни тўпламнинг энг катта ютуқлари дейиш мумкин. Бу мақолаларда Фулом Каримов адабиёт тадқиқотчиси сифатида ўзининг энг яхши фазилатларини намойиш этган. Бу фазилатларнинг биринчиси муаллифнинг адабиёт тарихи фактларини пухта билиши, иккинчиси улар ҳақида атрофлича чуқур мулоҳаза юритиши ва шу йўл билан адабиётимиз тарихининг қоронғи нуқталарини ойдинлаштиришидир.

Фулом Каримов айниқса ўзбек демократик адабиёти бўйича республикада етакчи мутахассис бўлиб, унинг бу соҳадаги асарлари ҳаммага маълум. Бу ўринда ҳам Фулом Каримов шу давр адабиётининг ҳар бир масаласини, Муқимий, Фурқат каби йирик ижодкорлар таржимаи ҳоли ва ижодиётининг ҳар бир деталини алоҳида диққат ва муҳаббат билан текширади. У келтирган факт ва далиллар эса ҳар томонлама маъқул ва мақбулдир.

Рус навоийшунослиги тарихи эса ҳозирча Фулом Каримовнинг «Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари» мақола-сидагичалик мукамал ҳеч бир манбада ўрганилмаган. Бу мақола А. К. Боровков ва Е. Э. Бертельсларнинг бу хусусдаги маҳсус ишларини анча тўлдирган.

Муаллиф текширишларининг марказида турган муҳим проблемалардан яна бири ижодий метод масаласидир. Олим кейинги вақтда ўтмиш адабиётимизнинг ижодий методи масаласи билан мунтазам шуғулланиб, кўпгина мақолалар эълон қилди. Улар ҳаммаси бу тўпламга киритилмаган бўлса ҳам «Ўзбек демократик адабиётида реализм масалалари» мақола-сида бу ҳақда анча муфассал мулоҳаза юритилган.

Ғулом Каримов реализм масаласига, унинг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши ва ривожланиши, XIX асрнинг иккинчи ярмида эса алоҳида етакчи ижодий метод даражасига кўтарилганини кўрсатиш ва асослашга ҳақли равишда катта ўрин берган. Муаллифнинг ўзбек адабиётида реализмнинг ўрни ҳақидаги тўпламда билдирган мулоҳазаларида унинг 1976 йил март ойида эълон қилинган «Реализмми ёки романтизм» каби мақоласида кўзга ташланганидек реализмни бошқа ижодий методларга қарши қўйиш, «адабиёт тарихи реализмдангина иборат» қабилида масалага ёндашиш йўқ. Шунинг учун унинг хусусан ўзбек демократик адабиётининг ижодий методи тўла маънода реалистик метод, бу даврнинг илғор ижодкорлари эса XIX—XX асрларда шу методнинг «тантанасини таъмин этди» (58-бет) деган фикрига қўшилиш мумкин.

Лекин Ғулом Каримов бундан аввалги давр ўзбек адабиётининг ижодий методи, хусусан Алишер Навоий ижодий методи юзасидан бир қанча қимматли мулоҳазаларни ўртага ташласа ҳам, асос эътибори билан бу масалани очиқ қолдиради. Биз муаллифнинг Навоий «ўзининг ўлмас лирик ва эпик асарларида реализмнинг айрим порлоқ намуналарини яратди», «Навоий ижодига реализм бор», деган фикрини қувватлаган ҳолда унинг «ўтмиш прогрессив адабиёти реализмда изчилликка эриша олмади, реализм унинг ҳукмрон ижодий методига айланмади» (93-бет) деган мулоҳазаси анча асосли деб ўйлаймиз. Шу тезисга кўра у, масалан, Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг ёзилиш методи тўғрисида ҳақли равишда: достоннинг «чуқур ҳаётий ва юксак ғоявий эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бу достонни реалистик услубда ёзилган асар деб баҳолаб бўлмайди», бу дoston, «прогрессив характердаги романтик услубда ёзилган асар» (80-бет), дейди. Навоийнинг кўпчилик шеър ва достонлари услуби эса ана шу прогрессив романтик

услубга ҳамоҳанг бўлиб, Навоий каби буюк шоирлар ижодида у ҳукмрон ижодий метод даражасига кўтарилганини тан олишга муаллиф ботинмайди. Аслида академик Н. И. Конрад таъкидлаганидек, Навоий ижодиётида ренессанс характери кучли бўлиб, ренессанс даври адабиётининг ўз реализми ҳам, ўз романтизми ҳам бўлган. Унинг таъкидлашича, лоақал Навоий достонлари «шак-шубҳасиз, жилла бўлмаса бир томони билан ренессанснинг романтик стихиясига мансубдир». («Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 1-сон, 19-бет).

Садриддин Айний эса «Хамса» достонларидаги метод хусусиятига тўхталиб, «Хамса» достонларидаги салбий типларни у (Навоий) ўз замонидан олган ва уларга қарама-қарши ўлароқ ижодий типларни эса ўз хаёли ва орзуларидан келиб чиқиб яратган бўлиб, буларни тақлид ва ибрат намунаси қилиб қўйиб, деганда тўла ҳақ эди. (С. Айний. Куллийёт, II том, 2-китоб, 357-бет.) Ҳар ҳолда Навоий лирик ва эпик шеърларида прогрессив романтик йўналишнинг устунлигини тан олмай иложимиз йўқ. Бу ўша даврдаги тарихий шароит тақозоси билан юзага келган бир йўналиш эди. Шунга қарамай, бу мураккаб масала бўйича олим илгари сўрган фикрлар унинг назарий қарашларидаги ўсиш ва ўзгаришлардан гувоҳлик беради. Муаллифнинг бундан кейинги тадқиқотларида бу масалалар яна ҳам чуқурроқ таҳлил қилинишига шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, таниқли олим Ғ. Каримовнинг бу тўплами етук тадқиқотлар намунаси бўлиб, ўзбек адабиётшунослик фани тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир. Ундаги кўпгина мақолалар эса адабиётимизнинг шу вақтга қадар кам ишланиб келаётган қатор назарий масалаларни ўрганиш ва тўғри ҳал қилишга сезиларли туртки беради. Тўпламининг адабиёт тарихига оид бошқа кўп китоблардан ижобий маънодаги фарқи ҳам шунда.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,  
филология фанлари доктори.

## МУНАҚҚИДНИНГ СЎЗИ

**Матёқуб ҚУШЖОНОВ, Моҳият ва бадийят. Адабий-танқидий мақолалар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил.**

Ўзбек танқидчилигининг бугунги тараққиётини кузатиб бораётган киши мунаққидларимизнинг сафи тобора кенгайиб, улар ҳаётимиз мазмунини, давримиз моҳиятини ранг-баранг оҳангларида тараннум этишга ин-

тилаётганлигига ишонч ҳосил қилади. Ана шу сафда Матёқуб Қўшжоновнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Мунаққиднинг кейинги китоби «Моҳият ва бадийят» ҳам аввалги тўпламлари сингари китобхонларда катта қизиқиш уйғотди. Бунинг боиси шуки, китобнинг «Ҳаёт билан ҳамнафас ижод», «Синов ва сабоқ», «Халқ жаҳорати ҳақида роман», «Табиятга мафтун ёзувчи», «Замонавий «шум бола» ва

бошқа қисмларида Матёқуб Қўшжонов ижодига ҳос ҳо- зиржавоблик, зийраклик ва кузатувчанлик яққол кўри- ниб турибди.

Ҳозиржавоблик ҳақида ўйлаганда, беихтиёр мунаққиднинг Зулфия ва Миртемир, Назир Сафаров ва Йўлдош Шамшаров, Асқад Мухтор ва Мирмуҳсин, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров каби ижодкорларнинг қатор асарлари муносабати билан эълон қилин-



ган мақола ва тақриزلари хаёлимиздан ўтади. Улар долзарблик руҳи билан, фикрларнинг янгилиги, баъзонинг объективлиги билан ажралиб туради. «Моҳият ва бадияят»дан шу нарса яхши англанадики, ҳозиржавоблик, янги асар ҳақида биринчи бўлиб фикр билдиришга интилиш Матёқуб Қўшжонов учун шунчаки адабий пойга ёки «ким ўзар»лик баҳси эмас: «...Айрим ҳолларда... асарлар ҳақида яхши ўйлаб, яхши ўлчаб кўрилмаган фикрларимизни «шу асар ҳақида биринчи фикр айта қолай» ёки «ёзувчи дўстимизни дарров хурсанд қила қолай», деган «яхши» ниятлар билан ҳали пишиб етилмаган, хом-хатала фикрларни жамоатчилик олдига ташлаб кўямиз... Ажабланарли жойи шу бўладики, битта асар хусусида бир-бирига зид икки фикр пайдо бўлади, бирида асар асоссиз кўкларга кўтарилган, иккинчисида далилсиз камситилган бўлади», — деб ёзади у ва фикр-рини мисоллар асосида ишботлади.

Мунаққид янги асар ҳақида биринчи айтилган гапнинг ҳамиша тўғри бўлиб, нишонга тегишини истайди. У бадий асар ҳақида биринчи бўлиб ёзганда фикр-рини объектив ифодалашга, ҳар қанча аччиқ бўлсада ҳақиқатни айтишга, асарнинг ютуқ ва камчиликларини ҳолислик билан кўрсатишга интилади. Бунда Матёқуб Қўшжонов танқидига хос бўлган талабчанлик, дадиллик хусусиятлари намойён бўлади.

Матёқуб Қўшжонов ижодида унинг ҳозиржавоблиги ва масъулиятчилигидан келиб чиқадиган яна бир фазилат бор. Бу унинг ижодкорга бўлган алоҳида ғам-хўрлиги, ёзувчи шахсига ҳурмат билан қарashi ва ундаги истейдод белгиларини парварши қилишга, самарали ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашга бўлган интилиш ва иштиёқнинг зўрлигидир. Бундан бир неча йил муқаддам мунаққид Юсуф Шомансурнинг «Қора марварид» романининг жиддий камчиликлари ҳақида ёзган эди. Шундан кейин у «мен фикримни айтдим,

ёзувчи билганини қилсин» деб кетавермади. Ёш ёзувчининг ижодидаги ўзгаришларни, изланишларни изчил кузатиб борди. Вақти келганда унинг ютуқларини кўриб, мамнун ҳам бўлди: «ўзбек танқидчилиги Юсуф Шомансурнинг «Қора марварид» номли романининг... камчиликларини кўрсатиб ўтган эди... Шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, автор асарнинг журнал варианты ҳақидаги танқидий мулоҳазаларни назарга олиб, алоҳида нашрини асосан қайта ишлаб чиқди», деб ёзади у романининг қайта ишланган вариантга ёзилган сўзбошида.

Мунаққид санъаткор маҳоратини унинг қанча кўп китоб ёки қанақа катта асар ёзганига қараб эмас, балки бирор янги гапни, янги фикрни бадий образларда ифодалаш қобилиятига қараб баҳолайди ва ҳамиша адабиётда сон эмас, сифат асосий роль ўйнайди, деб таъкидлайди. Ойқиз билан Олимжон (Шароф Рашидов, «Ғолиблар»), Ориф (Асқад Мухтор, «Чинор»), Ёлқин Отажонов (Пиримқул Қодиров, «Мерос»), Азиз ва Дилдор (Ҳамид Ғулом, «Бинафша атри») каби қаҳрамонлар сиймосида мунаққид «деҳқонларимизнинг меҳнати абадийлаштирадиган жонли образлар»ни кўради ва уларни «адабиётга янгидан киритилган образлар» сифатида баҳолайди. Шу билан бирга у айрим асарларимизда ҳали ҳам психологик таҳлил етарли эмаслигини, баъзи муаллифлар материални пухта ўрганмай асар ёзаётганлигини айтиди.

Бадий танқидчиликда умумлаштирувчи характердаги—обзор мақолалар ҳам муҳим адабий-эстетик қимматга эга. «Моҳият ва бадияят»нинг адабий-назарий характердаги бир қатор умумлаштирувчи, обзор қисмлари бугунги ўзбек совет адабиётининг тараққиёт тенденциялари—унинг ривожини йўлида муҳим омил бўлган халқ оғзаки ижоди ўзбек халқининг бой адабий-бадий мероси, жаҳон ва совет халқлари маданияти каби манбаларнинг буюк роли ҳақида ҳам китоб-

хонга қизиқарли маълумот беради. Уларда адабиёт ҳодисалари ҳаёт ҳодисалари билан қиёсий таҳлил этилади, адабий проблемалар ҳаёт проблемалари билан, уларни рўёбга чиқарган шароит, муҳит билан боғлаб, бир бутунликда ўрганилади. Бу қисмларда мунаққид фикр доирасининг ва таҳлил қамровининг кенглиги, кузатишларининг асослилиги, фикр ва мулоҳазаларининг, мушоҳазаларининг ўткирлиги очик кўринади. Бундай кенг миқёсдаги кузатишларида у гоҳ адабиёт тарихчиси, гоҳ адабий танқидчи сифатида кўринади. Бу ҳол унинг ижодида адабий танқид билан адабиёт-шунослик ўзаро яқинлашиб, бадий ижод проблемаларини тадқиқ этишда бири-иккинчисини тўлдириб, омухта бўлиб кетаётганлигини ҳам кўрсатади.

Китобда ёзувчи ва танқидчи маҳорати масалалари хусусида ҳам аҳамиятли фикрлар ўртага ташланади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозир бадий адабиёт ва адабиётшунослигимизнинг турли жанрларида кўп асарлар яратилляпти. Улар орасида шошма-шошарлик билан қораланган, мазмунан бўш ва шаклан сийқалари ҳам анчагина. Баъзи ҳолларда ёзувчи зиддиятларни яхши ўрганмаганлиги ёки ҳаёт материални қизиқарли бадий шаклга солиш йўллари—сюжет ва композиция усулларини пухта ўзлаштирилмаганлиги оқибатида бундай «асар»ларда фақат воқеа-ҳодисалар қайд этилиб, эсда қоладиган, тўлақонли ва ёрқин образлар яратилмаётир. Уларнинг ичида ўринсиз ва тартибсиз қалашиб ётган воқеалар, образлар ўз йўлига тасвирланаверади, улар характерларнинг психологик ҳолати ифодасига айланмайди, характерлар муайян муҳитнинг махсули эканлиги ҳам кўринмайди ва улар ўзаро алоқада эмас, балки якка-якка ҳолда акс эттирилади. Бундай «асар»ларга тақриз битган айрим танқидчилар эса шу хилдаги барча камчиликлардан кўз юмиб «асардаги бой ҳаётий материални, унинг «замонавий»лигича «актуал» проб-

лемаларни кўтариб чиққанлигини, «муаллиф ўзи танлагани мавзунини ва қаҳрамонларини пухта ўрганганлигини мақташга тушади. Асарнинг бадиий-эстетик қиммати, китобхонга завқ-шавқ бахш этиш учун, унга янги фикр бериш, ўзидаги илғор ғояни унга «юқтириш» ва уни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш учун зарур бўладиган томонлари бир чеккада қолиб кетади. Асарнинг реал аҳамияти ва ҳақиқий қимматини белгилаб, очиб бериш ўрнига, унинг мазмунини, воқеаларини қайта баён қилади. Шуларни назарда тутиб мунаққид маъносиз гўзал шакл ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ҳеч қандай қимматга эга эмаслигини уқдиради. Бадиий асарда гўзаллик — бу поэтик маънонинг табиий шакли билан жилваланиб кўриниши эканлигини таъкидлайди.

«Моҳият ва бадиият»даги айрим қисмлар аввал ҳам матбуотда тақриз ёки мақоланинг бир бўлаги ҳолида босилганлигини пайқаш қийин эмас. Бироқ ўша тақриз ёки мақола бўлаклари китобдаги қисмлар билан қиёслаб ўқиган киши Матёқуб Қўшжонов танқидий таҳлилининг яна бир ўзига хос қиррасини топади. Маълумки, бирон асар ҳақида, ёзувчи ижоди ёки адабий жараённинг бирон палласи тўғрисида бирон-бир иш қилинаётганида мияга ҳамма фикр бирданга келавермайди. Кишининг эътиборидан четда қолган, маълум сабабларга кўра айтилмаган ёки ҳали пишиб етилмаган мулоҳазалар ҳам бўлиши табиий. Мунаққид ҳар бир асар, адабиётнинг бирон-бир проблемаси тўғрисида ўзида кейинчалик туғиладиган ана шундай фикр-мулоҳазаларни изчил

ва ҳар доим, эринмай йиғиб-териб юради ва ўша янги гаплар, янги мулоҳазаларни ўрни келганда усталик билан — олдинги ёзилган тақриз ёки мақолага «егириб» юборади.

Адабиётимизда Матёқуб Қўшжонов муносабат билдирмаган бирон муҳим асар, бирон кўзга кўринган адиб йўқлигини ҳисобга олсак, бу ишнинг нақадар серзаҳмат ва машаққатли эканлиги равшан бўлади. Шуниси муҳимки, у ўз кузатишларида аксарият янглишмайди, унинг кейинги қўшимчалари аввалгиларига зид келмайди, балки улар изчил боғланади, бири иккинчисини тўлдирди. Бу ўринда мунаққиднинг ўз танқидий идроки ва тафаккурининг тараққиёти, эволюцияси ҳам яққол кўзга ташланади. «Моҳият ва бадиият»даги бир қатор назарий мақолаларда, шунингдек Абдулла Қодирий, Ойбек, Шароф Рашидов, Йўлдош Шамшаров, Қудрат Ҳикмат, Раҳим Бекниёзов ва бошқалар ижодига бағишланган қисмларда ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Булардан Матёқуб Қўшжоновнинг бирон асар, ёзувчи ва адабий проблема ҳақида дастлаб ёзган таассуротлари, тақриزلари унинг шу борада кейинчалик бўладиган йирик тадқиқотлари учун йўналиш нуқтаси бўлиб хизмат этишини англаш қийин эмас. Бирон асар ёки ёзувчи ижодининг ўзига хослигини таъминлайдиган сифатларни мунаққид ҳаётини ва бадиий материалдан ташқари ижодкорнинг характери, психологияси, турмуш тарзи, маънавий қиёфаси, билими, дунёқарашидан излайди ва топишга муваффақ бўлади. Булар ҳам, шубҳасиз, мунаққид асарларининг ҳам

шаклан, ҳам мазмунан гўзаллигини, қизиқарли ва таъсирчанлигини таъминлайди. Шу билан бирга китобда яхши сайқал топмаган ўринлар ҳам учрайди. Унинг бир жойида мунаққид шундай ёзади: «...жуда кўплаб нусхаларда китоб чоп қилиш ишлари йўлга қўйилмаганлигидан, адабий асарлар меҳнаткаш халқ орасида жуда кам тарқалган», «...ўтмишда полиграфик имкониятлар бўлмаганидан... ёзма адабиёт намуналарига халқ оммаси қатламлари жуда кам етиб борган» (5—6-бетлар). Китобларнинг халқ орасида кенг тарқалмаганлигини фақат полиграфик имкониятлар билан изоҳлаш — бир томонламалик бўлмасмикин? Бу масалада, бизнингча, ўтмишда халқнинг кўпчилик қисми саводиз бўлганлигини ҳам ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Халқ оғзаки ижодининг кенг тараққий этишига ва аксарият ҳолларда ёзма адабиёт намуналарининг ҳам оммага бахшилар ва шоирлар, дostonчи ва эртакчилар орқали (оғзаки) етиб боришига ўша — оммавий саводсизлик ҳам маълум даражада сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Мунаққиднинг баъзи ёш ижодкорлар ижоди ҳақидаги танқидий фикрларида ҳам чуқур асосланмаган ўринлар кўзга ташланади. Лекин, бу камчиликлар «Моҳият ва бадиият» китобининг умумий илмий ва эстетик қимматига путур етказмайди. Китоб бугунги адабий танқидчиликимизнинг ранг-баранг қирраларини кўрсатишга қодир асарлардан биридир.

Пўлат Тўраев,  
филология фанлари кандидати.

## ҲИССИЙ ТАҲЛИЛ ТЎЛҚИНЛАРИ

Тўхтасин ЖАЛОЛОВ.  
Қизлар қасидаси.  
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1977.

Тўхтасин Жалолов классик шеърининг нозик билимдонларидан бири. Ай-

ниқса унинг кўп йиллар заҳмат чекиб, тарихий манбалар ичида кўмилиб ётган ўттиздан ортиқ ўзбек шоирларини ҳақида тўплаган қимматли материаллари шеърхонларга классик ада-

биётимиз хазинасидаги бебаҳо бойликдан баҳра олиш имконини берди. Шунингдек, Тўхтасин Жалолов Навоий ижодига бағишланган «Хамса» талқинлари» асари, Фузуний девонига мухтабар

гарзда ёзган нафис сўзбоси ва шунга ўхшаш қатор мақола ва китоблари билан адабий жамоатчилик орасида танилди.

Ҳар бир адиб ёки олимнинг ижодида узоқ йиллар берилиб ишлайдиган мавзуси бўлганидек, Тўхтасин Жалолов ижодининг ҳам ўзига яраша алоҳида мавзуси бор. Чунончи, ўзбек шоиралари ижодини ўрганиш, уларнинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ва ўзларига хос хусусиятларини белгилаш олим учун шундай мавзудир. Яқинда автор «Ўзбек шоиралари»нинг иккинчи китоби — «Қизлар қасидаси»ни эълон қилди. Китоб «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилди. Шу билан икки мустақил китобдан иборат — ўтмиш ва совет даври ўзбек шоиралари ҳақида яхлит бир тадқиқот майдонга келди.

«Қизлар қасидаси»да эллика яқин шоира ижоди қамраб олинган. Муаллиф китобнинг дебочасида бу хусусда шундай дейди: «...устоз Навоий хотирга келиб, бу мажлис шарҳу баёнини «Мажолисун нафоис» услубида ёзмок, ул ҳазратга пайровлик қилмоқ мақбул кўринди».

Муаллифнинг нияти маълум: давримизнинг энг тўнғич, қалдирғоч шоирасидан тортиб, то бугунги, янги очилиб келаётган «ғунча» шоирасигача қамраб олиш, уларнинг энг яхши шеърлари мисолида назокат ва ранго-ранг туйғу гўзалликларини кўрсатиб бериш.

Илм ва ижодда Навоийга эргashiши яхши, бироқ олимнинг Навоий услубига тақлид қилиши жоизмикан? Чунки Навоий услуби буюк шоир яшаб ижод қилган давр билан ҳамоҳанг услубдир. Зотан ҳар бир давр услуби муайян тарихий босқичда яшаб ижод қиладиган илғор санъаткорларнинг индивидуал услубларида акс этган замон руҳи, замон ғоясидан ташкил топади.

Бир давр услуби билан бошқа давр адабий маҳсулотини текшириш осон иш эмас. Назаримизда Тўхтасин Жалолов ҳам иш жараёнида бунини сезган чама-

си. «Қизлар қасидаси» китобида фақат классик услуб билан чекланиб қолмаган. Асарда ҳозирги замон услубига Навоий услубини пайванд қилиш тенденцияси сезилади. У қирқ саккиз ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини текшираётган экан, уларни бугунги кунда тушуниш қийин бўлган архаик терминлар остига буткул кўмиб ташламайди (текширмоқчи бўлган материалнинг замонавий руҳи бунга йўл бермайди), балки мажмуага кирган шоираларнинг кўпчилигига уларнинг ҳозирги адабий жараёнда тутган ўрни ва салмоғига қараб баҳо беришга ҳаракат қилади.

Чунончи, китобда Зулфия ўзига хос вафо, садоқат ва ифбатга ўралган лирикаси, халқлар дўстлиги, партияга бағишлаб ёзилган бир қатор шеърлари билан шеърятимизнинг ҳиссий дунёси кенг, билимдон шоираси сифатида гавдаланади. Раъно Узоқова ишқий ва граждонлик мотивларига тўла жўшқин шеърлари билан бошқалардан ажралиб туради, шунингдек Саида Зуннунова фалсафий ўйларга, Гулчеҳра Нуруллаева ишқий лирикага мойил бўлиб кўринса, Ойдин Ҳожиёва, Гулчеҳра, Ҳалима Ҳудойбердиева аёлларга хос майин, назокатли шеърлари билан фарқланиб туради.

Автор «Ғунчалар табассуми» деган обзор характеридаги якуловчи мақола-сида ҳам адабиётимизнинг бир-бирига ўхшамаган ўттиз ёш низолилари ҳақида «Мажолисун нафоис» услубида маълумот берадики, булар ҳам кўкламдай навқирон шеърлари билан диққатни тартади. Хуллас, биз «Қизлар қасидаси» китобини ўқиганимизда ўз сози, ўз овозига эга бўлган бир гуруҳ истеъдодли ўзбек шоираларининг қиёфалари кўз олдимизда гавдаланади, муаллифнинг ўз ишига жиддий ёндашганлиги, тадқиқоти устида кўп изланишлар олиб борганлигидан мамнун бўлаемиз.

Аммо китобни кўздан кечириш жараёнида баъзи адиба ва шоираларимиз ижоди давр ва замон му-

аммолари билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилинмаганлигини сезамиз. Танқидчининг хотираси, асарлардан олган таассуротлари асосида ёзилган мақолалари тўпلامдаги йирик санъаткорлар ижодини чуқур, яхлит ҳолда қамраб ололмайдди.

Масалан, китобхон «Ойдиннинг ойдин йўли» сарлавҳали мақолани ўқир экан, танқидчи адиба ва шоира Ойдин опа Собирова ижодини даврма-давр атрофлича текшириб чиққан бўлса керак, деб ўйлайди. Бироқ мақоладан китобхоннинг кўнгли ранжийди. Негаки мақолада сарлавҳага яраша таҳлил, илмий қамров йўқ. Ўзбек совет адабиётининг оқсоқоллари билан елкама-елка ижод қилган, атоқли қалам соҳиббаси, кекса авлод вакили, биринчи адиба ҳамда қатор шеърый ва драматик асарлар муаллифи Ойдин Собирова ҳаёти ва ижодини чуқурроқ, атрофлича таҳлил қилиш ўрнига танқидчи ўзининг у билан қандай танишганларини ҳикоя қилади, шеърларидан бириккита намуна келтириб, мақоласини шундай рўйхат билан тамомлайди: Ойдин Собированинг турли йилларда қуйидаги асарлари нашр этилган:

1. «Тонг қўшиғи» — 1931 йил. 2. «Чечан кўллар» — 1933 йил. 3. «Ойдин шеърлари» — 1937 йил. 4. «Чакалоққа чакмонча» — 1939 йил. 5. «Одамнинг қўли гул» — 1940 йил. 6. «Қизлар-жон» — 1943 йил. 7. «Ширин келди» — 1944 йил. 8. «Мардлик — мангулик» — 1948 йил. 9. «Ҳикоялар» — 1954 йил. 10. «Ширинга мактуб» — 1975 йил.

Адибанинг баракали ҳаёти ва хийла бой ижодини танқидчи бор-йўғи икки саҳифадагина тушунтириб бермоқчи бўлади. Кўриниб турибдики, бундай усул ўзини оқламаган. Бунинг ўрнига машҳур адибанинг санъаткорлиги, ижодий маҳорати, асарларининг ўзига хос фазилатлари кенгроқ очилиб, адибанинг индивидуал қиёфаси чизиб берилганда китобхонда шубҳасиз қониқиш пайдо қиларди.

Ҳиссиётга ортиқча бери-

лиш, материал билан уйғунлаша олмаслик ҳоллари Саида Зуннунова ижоди таҳлилига бағишланган материалда ҳам кўринади. Танқидчи шоиранинг фақат шеърларидан баҳс очиб, унинг насрий асарлари бобида лом-мим демайди. Ҳолбуки, Саида Зуннунова ижодининг иккинчи қиррасини наср ташкил этади.

Ёзганларидан маълумки, Тўхтасин Жалолов ҳиссиётли танқидчи. Шунинг учун бўлса керак у, муайян шоирлар турли томонларидан самимий завқланади, ҳаяжонга келади, бироқ, назаримизда унинг нуқсон ва камчиликларига кам эътибор бергандай туюлади. Шундай бўлсада, китобда характерли, йирик бир чизги бор.

Муаллиф баъзи шоирларнинг ютуқ ва камчилик-

ларини одоб билан аниқ далиллар асосида кўрсатишга интилади. Лекин мана шу хусусият китобда кенг ривожлантирилмайди. Натижада айрим шоирлар ижоди-га берилган баҳо бир томонлама, қуруқ, мадҳ, баландпарвоз гапга ўхшаб қолади. Бу ҳол, айниқса баъзи асарлар гўё санъатнинг олий, идеал намуналаридай, талқин қилинган ўринларда кўзга яққол ташланиб туради.

Тўғри, олимнинг қизлар ижодига юқори баҳо беришининг асосли, объектив томонлари бор. Кейинги вақтларда умумшەърятимиз ривожини шоирлар ижодисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Шоирларнинг ижод наҳри ҳеч қачон бугунгидек тўлиб-тошиб оқмаганлиги ҳам ҳаммага маълум. Лекин бундан, қиз-

лар поэзияси нуқсонсиз, идеал поэзияга айланиб қолибди-да, деган маъно келиб чиқмайди. Ҳали заиф асарларни чиқариш, уларга лоқайд муносабат каби иллатлардан қутулганимизча йўқ. Демак, адабиётимиз биз истаган идеал даражага етмаган экан, танқиднинг жим туриши, унинг хотиржамликка берилиши ўринсиз.

Лекин бу нуқсонларга қарамай, китоб яхши ёзилган, унда классик услуб билан ҳозирги услубимизни уйғунлаштиришга интилиш мавжуд. Шуларга асосланиб «Қизлар қасидаси» китобини совет даври ўзбек шоирлари ҳақида ёзилган эссе характердаги асар дегимиз келади.

Тўлабой РУЗИБОВ.

## БУЮК БИРЛИК ТУЙҒУСИ

**Г. И. ЛОМИДЗЕ. «Чувство великой общности». Москва, Советский писатель, 1978.**

Кўпмиллатли совет адабиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида миллий адабиётларнинг ўзаро муносабатлари узлуксиз ривожланмоқда, ўзаро таъсири кучаймоқда. Бу жараён табиий равишда адабиётшунослар ва танқидчилар диққатини ўзига тортмоқда. Улар адабиётларнинг бир-бирига таъсири масаласини ўрганиш борасида миллий адабиётларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳамда ривожланиш қонунларини кўрсатишга интилоқдалар.

Адабиётшунос олим Георгий Иосифович Ломидзеннинг қардош адабиётларнинг ўзаро таъсирини ёритиш буйича қилаётган ишлари анча диққатга сазовордир. Унинг «Бирлик ва ранг-баранглик», «Янгилик кидириб», «Совет адабиётининг интернационал пафоси», «Ленинизм ва миллий адабиётлар тақдир» каби китоблари бу жиҳатдан характерли бўлиб, улар-

да айна шу масалалар хусусида фикр юритилади. Шу жиҳатдан унинг янги китоби «Буюк бирлик туйғуси» кўпмиллатли совет адабиётининг муҳим масалаларини ечишда, миллий адабий жараёнларни ўрганишда олға ташланган қadam бўлди.

Китобга жамланган мақолаларда совет адабиётидаги миллийлик ва интернационаллик, миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши, СССР халқлари адабиётлари ривожиди рус адабиётининг роли, қардош адабиётлардаги анъана ва новаторлик проблемалари, реализм ва романтизм, социалистик реализм тушунчаларининг талқини, совет адабиётининг гуманистик, интернационал пафоси, Улуғ Ватан уруши ҳақидаги асарларда гуманизм, интернационализм ва ватанпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, реализмнинг типологияси, Совет Шарқи халқлари адабиётларида социалистик реализмнинг ўзига хос кўриниши, формалари проблемаси каби муҳим адабий масалалар

ҳар хил адабий баҳсларга муносабат ва чет элдаги «советшунослар»нинг бўҳтонларига қарши жавоблар акс эттирилган.

Маъмур китоб яна шу жиҳати билан қимматлики, унда Совет Шарқи адабиётларининг ҳозирги ривожланиш босқичидаги ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида кўп янги фикрлар ўртага ташланган.

Социалистик реализм ҳар бир миллий адабиётда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Худди шундай, Совет Шарқи адабиётларида, жумладан ўзбек адабиётида ҳам социалистик реализм ўзига хос кўринишга эгадир, унинг бошқа миллий адабиётлардан фарқ қилувчи адабий шакллари мавжуддир. Тадқиқотчи «Равшан ҳақиқатлар ва чигал муаммолар» мақоласида назарий масалалар қаторида Совет Шарқи адабиётларининг бошқа миллий адабиётлар билан муносабати, ўзига хос томонлари, адабий ривожланиш қонунларини социалистик реализм адабиётининг ҳозирги даврдаги муҳим масалалари би-

лан боғлиқ ҳолда ёритади.

Олим Совет Шарқи адабиётларининг СССР халқлари адабиётлари билан ўзвий муносабатда ва ўзаро таъсирда бўлганлигини, бунинг натижасида бадиий жиҳатдан бойиганини таъкидлаб, шу билан бирга шарқ адабиётларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор бўлиб, улар узоқ вақт сақланиб қолишини таъкидлайди.

Китоб муаллифи адабиётларда характер яратишнинг ўзига хос томонини кўрсатиб: «Одамларнинг коллектив портретини, омманинг психологиясини яратиш — Совет Шарқи халқлари адабиётларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир», — деб ёзади. У ўз фикрини давом эттириб шундай дейди: «Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализм эстетик қурилмаси жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Асосий эътибор инсоннинг хати-ҳаракатларига, унинг фаолиятига, унинг ҳаётини намоён бўлишига қаратилган. Инсон маконда кўп ҳаракат қилади, талай реал шахслар билан учрашади, у деярли тинимсиз ҳаракатда берилади. Ёзувчи одатда маънавий ҳаётининг бутун тафсилотлари билан олинган биргина характерни эмас, балки ўзаро боғланган, бир-бирини давом эттирувчи ва тўлдирувчи, худди шахс ва замоннинг коллектив психологик портретини биргаликдаги ҳаракат билан яратувчи бир қатор характерларни яратишга интилади (205-бет).

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги ўзбек адабиётида характер яратишнинг шу усули кенг қўлланилмоқда. Бу жиҳатдан адабиётимиз ютуқлари саналмиш Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» ва «Қудратли тўлқин», Асқад Мухторнинг «Чинор», «Давр менинг тақдиримда», Пиримқул Қодировнинг «Уч илди», «Қора кўзлар», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» асарларида яратилган характерларни эслаш кифоя.

Г. И. Ломидзе Совет

Шарқи адабиётларининг яна бир умумий хусусиятини кўрсатиб ўтади, бу — қизиқarli, жозибали, насит ҳатомуз, кўп қатламли ҳикоя қилишга мойилликда кўринади. Бу адабиётларда инсон психологиясини қаҳрамонларнинг диалоглари орқали очиш усули кўп қўлланилади. Асарлардаги қаҳрамонлар камдан-кам ёлғиз қоладилар, айрим ҳоллардагина ўз ҳис-туйғуларига бериладилар. Улар очикдан-очик фикр юритадилар, ўз қайғу-аламларини ва севинчларини тезроқ бировга изҳор қилиш учун, уларни ташвишлантирувчи ва қувонтирувчи ҳамма нарсалар ҳақида фикр алмашиш учун бошқа одамлар билан алоқа йўлларини қидирадилар.

Г. И. Ломидзе кейинги вақтда рус, украин, белорус, молдаван, грузин, литва, латиш, эстон, ёқут, манси ва бошқа миллий адабиётларда рўй бераётган янги ҳодисалар, поэтика, шакл соҳасидаги изланишлар ҳақида гапириб, бу эстетик янгиликлар шарқ халқлари адабиётларига деярли таъсир қилмаганлигини тўғри кўрсатиб ўтади. Муаллиф бунинг сабабларига батафсил тўхталади. У Ойбек, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубовларнинг асарларида, албатта турли даражада, осойишта эпик ҳикоя қилиш принципи устун эканини айтади.

«Аммо мен, — деб ёзади олим, —бу билан, шарқ халқлари ёзувчилари замонавий поэтика талабларидан, янги шакллардан орқада қоляптилар, демоқчи эмасман» (208-бет). Бу шарқ халқлари адабиётларининг ўз ички ривожидан келиб чиққан ҳодисадир. Равон, оҳиста ҳикоя қилишнинг устунлиги сабаби, деб кўрсатади олим, биринчидан, шарқ адабиётларида ҳикоя қилишнинг турғун аънаси мавжудлигидир. Иккинчи сабаб шундан иборатки, шарқ халқлари адабиётларида баъзилари аввал эпик реалистик ҳикоячилик аъналарига эга эмас эдилар. Бу аъналар

инсон характери ва қалбининг нозик ҳаракатлари, бошқа шахслар, шарт-шароит, муҳит билан турли ўзаро муносабатларда бўлган шахснинг шаклланиши ва ривож тарихини бадиий муфассал, мураккаб бирлик ва қарама-қаршиликда кўрсатишдан иборат.

Г. И. Ломидзе Совет Шарқи адабиётлари бугунги кунда изчил реализм йўлидан бораётганини асосли далиллар билан хулосалайди. Кейинги йилларда Совет Шарқи адабиётларида, хусусан ўзбек совет адабиётида ҳам тарихий мавзуда кўплаб асарлар яратилмоқда.

Сўнгги йилларда яратилган тарихий асарлар ўзининг гуманизми, фалсафий концепцияларининг кенглиги, интернационал пафосининг юксаклиги билан ажралиб туради, деб ёзади олим.

Шундай қилиб, тадқиқотчи Совет Шарқи адабиётлари материали асосида қимматли назарий хулосалар чиқарган, миллий адабиётларнинг ҳозирги аҳволини объектив баҳолаган. Бундан ташқари китобда Ойбекнинг «Қуёш қораймас», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романлари кенг таҳлил қилиниб, бу асарларнинг гуманистик ва интернационалистик пафоси алоҳида таъкидланган.

Г. И. Ломидзеннинг «Буюк бирлик туйғуси» китоби миллий адабиётларнинг, шу жумладан ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши, қардош адабиётлар материали асосида назарий хулосалар чиқариши жиҳатидан қимматлидир.

Олимнинг ушбу китоби кўпмиллатли совет адабиётининг ҳозирги аҳволини тўла англашга ёрдам беради, социалистик реализм адабиётининг мазмунан социалистик, шаклан миллий эканлигини янги материаллар асосида яна бир бор исботлайди. Китобнинг аҳамияти ҳам шунда.

Саодат СУЛТОНОВА.



## МАДАНИЙ ҲАЁТ



Тошкентда республика идеология ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» хотиралар китобидан Ўзбекистон партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда министрликлар ва идоралар, олий ўқув юртлари ва ижодий союзлар, «Билим» жамияти ташкилотлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» китобидаги қоидалар асосида республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди.

Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин, «Дўстлик» район, Ленин номидаги совхоз комплекс пахтачилик бригадасининг бошлиғи Т. Дадажонов, В. И. Ленин номи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиғи фанлари академиясининг Урта Осиё бўлими президиумининг раиси С. Х. Йўлдошев, «Звезда Востока» журналининг бош редактори Г. П. Владимиров, Оқ олтин районидаги «Фарғона» колхозининг директори С. Сиддиқов, Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш ветеранларидан бири Е. И. Озерский ўртоқлар сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Бош

секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев эсдаликларининг, шу жумладан унинг учинчи китоби — «Қўриқ» эсдаликларининг, жуда катта тарихий ва тарбиявий аҳамиятини, «Қўриқ» китобининг босиб чиқарилиши мамлакат сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида жуда катта воқеа бўлганлигини яқдиллик билан таъкидлаб ўтдилар.

Республика идеология ходимлари активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.



Алишер Навоий номли академик Катта театрда таниқли шоир, драматург, публицист, олим Мақсуд Шайхзода туғилган кунга 70 йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Йиғилишга Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия раислик қилди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Раъз Бобожон Мақсуд Шайхзода ҳақида доклад қилди.

Филология фанлари доктори Зоя Кедрина (Москва), Ҳалил Ризо (Боку), Туманбой Мўлдағалиев (Олмаота), Хусайн Мухторов (Ашхобод), Расул Ходизода (Душанбе), Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти талабаси Муборак Мирзаевалар сўзга чиқиб, шоирнинг ҳаёти ва ижодиёти тўғрисида сўзладилар.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаевалар иштирок этдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил

ва адабиёт институтида ҳам Мақсуд Шайхзода туғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан илмий сессия бўлиб ўтди. Анжуманда Матёқуб Қўшжонов, Рамз Бобожон, Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов, Ҳафиз Абдусаматов, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, шоирнинг ўғли Расим Шайхзодалар сўзладилар.

□

Йўлдош Сулаймонов, Темир Пўлат, санъаткорлардан Теша Мўминов, Тамара Маҳкамова, Саидкомил Умаров, Рустам Ҳамроқулов, Евгений Ширяев, Мансур Тошматов, Илҳом Жабборовлар Ўзбекистон Ленин комсомолининг 1978 йилги мукофотига сазовор бўлдилар.

□

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг навбатдаги пленуми бўлиб

ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг июль (1978) Пленуми яқунлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги докладидан, «Қўриқ» китобида кўтарилган масалалар бўйича республика ёзувчилари олдидаги вазифалар муҳокама этилди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда Ҳафиз Абдусаматов, Назир Сафаров, Эркин Воҳидов, Валентин Хмара (Москва), Акмал Пўлат, Озод Шарафиддинов, Тўлибой Қобулов (ҚҚАССР), Шомил Алядин, Одил Ёқубовлар сўзга чиқдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири ўртоқ А. О. Тўраев иштирок этди.

Бош редактор: **МИРМУҲСИН.**

Редколлегия: **УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ШАРИПОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, О. ҲУСАНОВ (масъул секретарь).**

---

© Шарқ юлдузи, 1979.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

№ 2

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1979.

---

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторлариға қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга: «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 1/XII-1978 й. Босишга рухсат этилди 16/I-1979 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1/16</sup>. Юқори босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 19,06. Тиражи 200159. Р—02725. Заказ № 4412.

---

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, Тошкент — 1979.

Тошкент-700129. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

**БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА,  
САНЪАТ, ХАТЛАР БЎЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.**